

Абдуқаҳҳор Иброҳимов



БИЗКИМ,  
ЎЗБЕКЛАР



EDUARDO GALLARDO VILLALBA  
NACIONAL DE  
ESTADOS UNIDOS


635(59)  
414

Абдуқаҳҳор Иброҳимов

БИЗКИМ, ЎЗБЕКЛАР...

*Миллий давлатчиликимиз асослари ҳақида  
мулоҳазалар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999



**Иброҳимов А.**

Бизким, ўзбеклар...: Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар/Сўзбоши: И.Faфуров.— Т.: «Шарқ», 1999.—400 б.

ББК 63.3(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концерни  
Бош таҳририяти,  
1999

## ТАРИХНИНГ МУҲАББАТЛИ ТАЛҚИНИ

Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов «Бизким, ўзбеклар...» деб атаган, мириқиб ўқиладиган янги асар ёзибди. Асар ўз юрти, ўз жонажон халқининг ўтмишини беҳад севган, қадрлаган ва шу қадрлаши, севиши даражасида унинг моҳияти, аҳамиятини теран тушунгган ижодкор инсоннинг ўтмиш ҳақида, маданиятимизнинг мустаҳкам, бақувват илдизлари ҳақидаги ўй-мулоҳазалари, юракдан кечирган илҳомий таҳлиллариdir.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўтмиш тарихимиз ва унинг ранг-баранг ҳодисалари ҳақида ўта дахлдорлик, энг яхши маънодаги ижодкорона манфаатдорлик билан мушоҳада қиласди. Унинг синчков назари дам кўчманчилик ва ўтроклик илдизларига, дам маърифатимиз ҳамда маънавиятимизнинг ҳеч қаҷон қўрсиз қолмаган, совумайдиган ўчоқларига, дам ўзбекларнинг этник таркиби муаммоларига, дам ўзбек дипломатияси саҳифаларига, дам шажаралар, сулолалар тақдирларига, дам давлат, давлатчилик, маънавият нима? — деган саволлар қўйнига, дам маданиятимиз негизлари ичига ўшнуб кетади. Бу каби хилма-хил, бир-биридан муҳим мавзулар ичидаги муаллифимиз мисоли гаввосдек сузади, ўзига керакли, яқин, суюкли дур-жавоҳирларни излайди. Тарихимиз, серқирра, серқатлам маданий-маънавий меросимиз қатламларини у ҳудди тоғ жинсларини текширган геологдек ғоятда синчиклаб кўздан кечиради ва ёзувчи, публицист таҳлилидан ўтказади. Унинг таҳлиллари ўзига хос талқинлари билан жозибали, қизиқарли бир тус олади. Буни чин маънода «Иброҳимовча талқинлар» деб атасак ўринли бўлади ва шу билан уларнинг ўта ўзига хослигини таъкидлаб кўрсатсан, бошқа бир томондан, улар илмий-ижодий талқин эканлигини таъкидлаб ўтган бўламиз.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов бу ўзига хос чуқур ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳидаги асарини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тарихимизга асос ёндашувлари, ўтмишимизни теран миллий руҳда ёритишга катта ўйл очган ғояларидан том маънода илҳомланиб, руҳланиб, қувват олиб ёзишга киришганлигини самимий муҳаббат, миннатдорчилик, фахр туйғуси билан эъти-

роф этади. Унинг тарихдек бепоён уммон ичидა қанчалар маҳорат ва заковат билан ҳаракат қилгани, гўзал муҳкамаларни юзага келтирганини кўриб, унинг эътирофи ва муҳаббати нақадар самимий, табиий эканлигига ишонч ҳосил бўлади.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов Турон ва халқ тарихига худди нок эътиқодли, оташин муҳаббатли, ошиқ фарзанд каби мурожгаат этади. У не-не қашфиётларни тилга олади, уларни умумий тарихимизнинг ажралмас, бебаҳо мулки, демак, ўзининг, сиз билан бизнинг — ҳаммамизнинг мислсиз қимматга эга мулкимиз деб қарайди. Уларнинг кутимаган томонлари, жиҳатлари, қирраларини очади, кутимаган хуносалар чиқаради.

Ўқувчи бу китоб билан танишиб беҳад завқ олади. Тарихни шундай ўқиши, шундай севиш, ундан шундай ибрат олиш керак деган хулоса чиқаради.

Ишонинг, бу — тарих қаърлари, тарих ҳодисалари ва муаммоларини зиёли нигоҳ билан ёритилган муҳаббатли китобдир.

Иброҳим ФАФУРОВ

## СҮЗБОШИ ҮРНИДА

Биз бу китобни бир ҳаётий лавҳадан бошлашга жазм қилдик. Бунинг жиддий асоси ва сабаби бор, албатта.

*Ҳаётий лавҳа.* 1967 йилнинг декабрь ойида тақдир тақозоси ила хизмат сафари йўлланмаси билан Москвага борган эдим. Қаҳратон қиш. Совуқ ўттиз даражага яқинлашиб қолган. Қатқалоқ муз устига ёқсан қуруқ қор тизза бўйи келади. Шунга қарамай, тарки одат амри маҳол деганларидек, якшанба куни эрталабданоқ шаҳарнинг кўхна қисмида жойлашган, нодир ва камёб китоблар сотиладиган «Букинист» дўконларини айлана бошладим.

Столешников проездидаги дўконда ҳажми кичик ёстиқдек келадиган бир китобни учратиб қолдим. Эринмай аста кўздан кечира бошладим. Сотувчи чин харидор эканимни сезди шекишли, мени янада қизиқтириш мақсадида «Бу китобда тилга олинмаган ҳеч нарса қолмаган. 180 минг атама ва сўзга изоҳ берилган. Баҳоси ҳам шунга яраша. Лекин олсангиз, пулнингиз ўзингиз билан кетади», дея пештахта устига қўлимдаги китобнинг эгизагини қўйди: «Буниси иккинчи жилди».

Қўлимдагини қўйиб, иккинчи жилни кўздан кечира бошладим. Шунда хаёлимдан бир фикр ярқ этиб ўтди: «Бир юз саксон минг сўзга изоҳ берилган экан, қани, ўзбек ҳақида ҳам бирор нима дейилганмикан, умуман, дунёда шундай миллат ҳам борлиги эътироф этилганмикан?» Китобни алифбо бўйича варақлаб, ундан тегишли жойини топдим: «ЎЗБЕК — жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечиравчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса кўшган миллат...» Чунонам севиниб кетдимки, ҳали ўша пайтгача бундай маънавий ҳузур-ҳаловат туймаган эдим. Пули қанчалик чақмасин, миллатимизга берилган рост ва холис таърифнинг борлиги учуноқ «The World Encyclopedia Dictionary Book» («Жаҳон қомусий луғати») деб аталувчи, АҚШнинг Чикаго шаҳрида 200 минг нусхада нашр этилган, бироқ Ўзбекистонга етиб келмаган, со-биқ иттифоқда камёб ҳисобланган бу икки жилдли ки-

тобни ҳеч бир оғринмай сотиб олдим. Қолаверса, шу соҳанинг ёшина мутахассиси, мен учун севимли ва азиз инсонга хизмат сафаримдан илк совғани олиб келишга ваъда берган эдим...

Бироқ, мана 32 йилдирки, «Жаҳон қомусий лугати»да ўқиганим — миллатимиз ҳақидаги бу маълумотни ошкор қилиш, фойдаланиш ва оммалаштиришга зарурат бўлмади, имконият ва шароит ҳам, талаб ва эҳтиёж ҳам сезилмади. Бирор сўрамадики, «аждодларимиз кимлар? Ўзбек ҳалқи қачон пайдо бўлган? Миллатимиз қачон ва қандай шаклланган? Миллий давлатчилигимиз асослари нималардан иборат? Қандай давлатларимиз бўлган ва уларнинг номлари ниша? Уларга кимлар ва қачон асос солган? Ўзи биз — ўзбеклар қандай ҳалқмиз, бошқа миллату элатлардан нималаримиз билан фарқланамиз-у, қайси бир жиҳатларда муштаракмиз? Асосан туркий қон жўш ураётган томирларимизда яна қайси қавмларнинг қони ҳам қўшилиб оқмоқда экан?»

Бундай саволларни бериш учун жуъъат, каттакон юрак, фидойилик, ватанпарварлик, байналмиллик доирасидаги миллатсеварлик, башарий башорат, ватани ва ҳалқи олдиғаги бурчи ва масъулиятини чуқур идрок этиш ва айни бир пайтда мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги воқеа-ҳодисаларни ақл-идрок билан атрофлича кузатиш ва хулоса чиқаришда сезигирлик ва ҳушёрлик, бир сўз билан айтганда, давлат тафаккури соҳиби бўлишлик фазилати керак экан. Концептуал-услубий таҳлил орқали ўз ечимини кутаётган бундай ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас **муаммо ва масалаларни янги замон тарихимизда илмий даражаю унвонлар эгаси бўлмиш муаррихларимиз эмас**, давлат тафаккури соҳиби бўлмиш **Президент Ислом Каримов тарихчи олимлар**, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувда — миллион-миллион томошибинлар шоҳидлигига илк бор **ўртага қўйди**. Шу ўринда кичик бир чекиниш қиласиз. Фанлар тарихи билан шугулланган бир файласуф олим чиқарган хуносага кўра, ўн тўққизинчи аср Франция тарихи француз муаррихлари китобларидағига қараганда, француз адаби Бальзак романларида аниқроқ ва чуқурроқ тасвиirlанган экан! Чунки руҳи ва қалби ҳалқининг руҳи ва қалбига яқинроқ экан!

Бу борала мисолларни ўз турмушимиздан ҳам кел-

тириш мумкин. Ёзувчиларимиздан Миркарим Осимнинг тарихий қиссаларини, Абдулла Қодирий ва Ойбекнинг тарихий рўмонларини, Фитратнинг трагедияларини бир эслайлик. Ёки бўлмаса давлат арбобларимиздан Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи»ни, Абулғозийнинг «Шажараи турқ»ини ёдга келтирайлик. Бу улугзотларнинг истеълодлари серқирра булиб, шулардан бири **тарихчиликдир**.

Миллати тақдирига масъулият сезувчи ҳар бир онгли инсон, айникса, арбоб шахс жавҳаридан ўз халқи тарихига қизиқиш ҳамда ундан бугун ва келажак учун хулоса чиқариш иштиёқи жўш уради. Бугунимиз кечаги тарихимизнинг давоми, оқибати ва натижасидир. Пировард оқибат қандай бўлиши билан қизиқмаган, халқи дарди ва ташвишларини ўз танасида туймайдиган кишилар тарих факультетларини тутгатган бўлмасинлар, илмий унвонлару даражаларни олмасинлар, филфакларни битирган ҳамма диплом эгаларидан шоиру ёзувчилар чиқавермаганидек, улар ҳали рисоладаги тарихчи бўла олмасликларини турмушнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳақиқий тарихчи бўлиш учун тарихчилик истеъоди ҳам керак экан (бу ҳақда ўз ўрнида — «Тарих, тарихшунослик ва тарихчи» деган бобда<sup>а</sup>лоҳида тўхтаб ўтамиз). Шундай бир манзарада, шундай бир ҳолатда «ойнаи жаҳон»даги сұхбат Президентимиз феноменида зукко тарихчилик истеъоди ҳам борлигини кўз ўнгимизда намоён этди. Бу у кишидаги ўз халқи тақдири учун қайтуриш туйғусидир. Зотан, халқ тақдирини халқ тарихидан ажратиб бўлмайди, булар эгизак тушунчалардир.

## Биринчи фасл

### Б и р и н ч и б о б

#### КҮЧМАНЧИ ТУРМУШ ВА ҮТРОҚ ҲАЁТ

Бу бобни ёзишда тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов билан сұхбатлашиб, қимматли маслаҳатларини олдик. Атоқли олим күчманчилик ҳақида, жумладан, бундай деди: «*Ибтидоий жамоада овчилик ва балиқчilik билан күн күрілган.* Лекин бу ҳали күчманчилик эмас эди. *У жамоанинг турмуш тарзини санқиб юрувчилек (русчада бродяжничество) — дейшиларди.* У даврда ҳали ҳайвонлар хонакилаштирилмаган эди. *Ибтидоийшкниң юқори погонасида ҳайвонлар хонакилаштириллади.* Бу даврга келиб ўша санқиб юрувчилар үтроклашади. Уларнинг сони ва молларининг ҳам сони ортганидан сұнг молларни түйдириш учун қатта масофаларга күчшига туғыри келади. Ана шу тарықа Овропасиёнинг чүл ва саҳро зоналаридә құй-әчки, сигир гүштини истеъмол құлувчилар күчманчилик погонасига күтарилади. Чүчқа гүштини истеъмол құлувчи овруполиклар эса күчманчиликни бошлиридан кечирмаганлар, чунки чүчқа қалта оёқлы бўлиб, узоқ масофаларга күчмаган. Демак, ҳозирги ҳалқларнинг барчасининг аждодлари күчманчи бўлмаганлар. Иқлиmlар ўзгариши натижасида мева ва кўкатлар ейшига талаб пайдо булиши билан ҳамда баъзи бошқа сабабларга кўра күчманчилар үтроклашадилар».

Алқисса, муҳтарам Ашраф домланинг юқорида келтирилган фикрларига қўшимчалар киритиш билан күчманчилик ҳақида ҳикоя қилишда давом этамиз. Энг ибтидоий жамоада аҳоли овчилик ва балиқчилик қаторида теримчилик билан шугулланган, яни она-табиатда тайёр емишлар — табиат саҳовати — ёввойи мевали дараҳтларнинг ҳосиллари (дўлана, ёнғоқ ва шу кабилар), ёввойи ўсимликларнинг донлари ва уруғлари, қўзиқоринлар, ерёнғоқлар, асалариларнинг уяларини териб-йиғиб олиб истеъмол қилинган. Тоғ ва тоғолди минтақаларда, ўрмонларда яшовчи аҳоли орасида теримчиликнинг айrim кўринишлари ҳали ҳануз сақланниб келмоқда.

Осиёдаги күчманчилик ҳақидаги маълумотлар «Авесто» китобида, қадимги юнон тарихчилари Ҳеродот, Страбон, Эфор асарларида, хитой солномаларида уч-

райди. Күчманчи аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик бўлса ҳам, овчилик, ибтидоий деҳқончилик ва хунармандчилик билан ҳам шуғулланган. Ҳеродотнинг ёзишича, олис аждодларимиздан бўлмиш массагетлар мис ва олтindан курол-аслача, от анжомлари, олтин ва кумушдан безакли бош кийимлари, камар ва белбоғлар ясаганлар.

Кўчманчиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари ҳам табиий шароитга қараб бўлган. Масалан, Дашти Қипчоқ кўчманчилари ёзда жанубдан шимолга, қишида эса шимолдан жанубга кўчишган. Ўтмишда араблар, балужлар, мўғуллар, туркманлар айланиб, яъни қудуқдан қудуққа қараб, курдлар, пуштунлар, ҳазоралар, нуристонликлар, қирғизлар ёзда водийдан тоғлиқ яйловларга, қишида эса тоғлиқ яйловлардан водийларга кўчишган.

Кўчманчилик билан бир қаторда ярим ўтроқлик ва ярим кўчманчилик ҳам мавжуд бўлган. Бундай турмуш тарзida алоҳида қишки яйловлар бўлади, қиш учун хашак тайёрлаб кўйилади, ёрдамчи хўжалик сифатида деҳқончилик билан шуғулланилади, кучиш масофалири қисқароқ бўлади. Ярим кўчманчилик билан шуғулланадиган аҳоли кўчма бошпана (ұтов) билан бирга доимий турар жой ҳам куради. Бундай тарздаги кўчманчи чорвачилик билан шуғулланадиган қабила ва халқлар ҳозир ҳам бор. Масалан, мўғуллар, курдлар, пуштунлар шулар жумласидандир.

Асримизнинг йигирманчи йилларигача чорвачилик билан шуғулланган қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, Сибирия ва Шимолий Кавказдаги бир қанча халқ ва элатлар ҳам кўчманчилик ва ярим кўчманчилик билан тушмуш кечиришган, кейин утроқ ҳаётга ўтишган.

Кўчманчи турмуш ва утроқ ҳаётни бунисидан униси ижобий деб, ёки бирини иккинчисига зид қўйиш мумкин эмас, буларни муайян халқларнинг тарихий ҳаёт йўли деб қарааш лозим. Бир халқ илгарироқ, иккинчи бир халқ кейинроқ ўтроқлашган. Ва ҳаттоқи кўчманчилик тури шаклларда Осиё ва Шимолий Африкадаги айрим мамлакатларда ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Бундай турмуш тарзи табиий шарт-шароит, аҳолининг анъанавий урф-одатлари ва тараққиёт босқичи зинапояларининг тақозосидир.

Дарвоқе, бизким, ўзбекларга хос турмуш тарзи кўринишларидан бири шундай бўлган. Мисол учун, яқин ўтмишдаги Тошкент аҳолиси турмушини олиб кўрайлилек.

Русия босқини арафасида шаҳарда 200 тача маҳалла бўлиб, тахминан 100 мингга яқин киши яшаган, бу ўша давр учун катта рақам эди. Оддий аҳоли асосан ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан машгул бўлса-да, шу билан бирга дехқончилик ва боғбонлик ҳам қилган. Шаҳар халқининг асосий қисми қўкламдан куз-гача шаҳар ташқарисидаги боғларда яшаган. Боғ-роғли бу жойлар мавзе деб аталган. Ҳаммаси бўлиб, шаҳар теварагида 100 га яқин мавзе бўлган. Мавзелардан ке-йин далалар бошланган, далалар эса яйловларга тута-шиб кетган. Йилнинг беш-олти ойини шаҳардан таш-қарида ўтказган аҳоли кузда қишлиқ озиғини ғамлаб, шаҳарга қайтган. Тарихий ва бадиий асарларда тасвир-ланишича, Тошкент боғлари жуда сўлим бўлган. Ҳар бир боғда мевали дараҳтлар, токзорлар, иморатбоп тे-раклар, полиз, экин-тикиндан ташқари атрофига қора-тол ва мажнунтоллар экилган ҳовуз, ундан нарироқда супа ёки шийпон бўлган. Улар атрофида садарайҳон, ошрайҳон, жамбулу гултоҳижурозлар, атиргул, гулсаф-сарлар экилган гулзорлар бўлган. Бундай ўсимликлар ўстирилишидан бир неча мақсад кўзда тутилган. Ёқим-ли ис таралиши, гузал манзара ҳосил қилинишидан ташқари бу ўсимликлар одамни турли ҳашарот ва зараркунандалардан ҳам сақлаган. Боғлarda ёмғирли кун-ларда сақланиш (баъзан эса қишилаб қолиш) учун айвон-ли уй-жойлар ҳам курилган. Ҳозирги ибора билан айт-ганда, микроклиматли бундай боғларда яшаш тирикчи-лик учун қўшимча даромад манбай, саломатлик учун — фойдали, кунгил учун — мароқлидир. Ҳа, аждодлари-миз меҳнат қилишни ҳам, шунга яраша яхши яшашни ҳам билишган. Бугунги кунда дала ҳовлиларига қатнаб яшовчи ҳамшаҳарларимиз учун аждодларимизнинг тур-муш тарзларини бир меросий одат дейиш мумкин. Ана шундай турмуш тарзи нафақат йирик шаҳарларда, бал-ки Шаҳрисабз, Китоб, Гузор каби нисбатан кичик ша-ҳарларда яшовчи аҳолига ҳам хос эди, чунки бундай ҳаёт халқимизнинг табиатига мосдир. Йигирманчи аср адабиётимизнинг икки буюк сиймоси — бухоролик Аб-дурауф Фитрат ва андижонлик Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон айни пайтда билимдон этнограф — элшунос сифатида ҳозир бизлар дала ҳовли (дача) деб атаетган ибора ўрнида ёзлоқ атамасини қўллашлари ҳам бежиз эмас, албатта...

Ўтроқлашишнинг отаси ҳам, онаси ҳам дехқончи-ликдир. Шу касб туфайли одамлар ўтроқлашдилар. Дех-

қончиликнинг илк босқичи лалми ғаллачилик бўлса, юқори босқичи суформа дәҳқончиликдир. Бироқ ҳар қандай ерда ҳам суформа дәҳқончилик қилиб бўлмайди. Бунинг учун пасттекисликда жойлашган, ҳосилдор тупроқли *Er*, табиий маъданларга тўйинган *Сув*, етарли *Күёш нури* ва мўтадил *Иқлим* керак. Халқимиз манглайига кулиб боқсан баҳти тақдир тақозоси ила Туркистон — Ўзбекистоннинг воҳа ва водийларида ана шутурт нарса мавжуддир.

Юқорида тилга олинган «Жаҳон қомусий луғати»да халқимизга берилган таърифда 4 та муҳим нукта, яъни теран маъно бор. Биринчisi шуки, ўзбек халқи дунё халқлари орасида биринчилардан бўлиб ўтроқлашгани айтилган. Хўш, ана шу биринчилар кимлар, улар қаерларда ўтроқлашганлар? Фарбу Шарқда эътироф этилган тарихий маълумотларга кўра, суформа дәҳқончилик дунё буйича энг аввал Нил, Дажла, Фурот, Амударё, Ҳинд, Хуанхэ ва Янцзи дарёлари ҳавзаларида вужудга келган. Мисрда Нилнинг ўрта ва қуий оқими ҳавзалирида бундан 6 минг йил аввал, Бобилда (ҳозирги Ироқнинг жанубий вилоятларида) 7 минг йил аввал, Хуанхэ ва Янцзи бўйларида, Амударёнинг қуий оқими — Хоразмда бундан 4 минг йил аввал суформа дәҳқончилик пайдо бўлган. Яна шундай маълумотлар ҳам борки, Бобилда суформа дәҳқончилини йўлга қўйган халқ — шумерлар ҳам келиб чиқиши буйича аждодларимиз — туркий қавм бўлган экан. Лекин шуниси аниқки, Туркистон — Ўзбекистон суформа дәҳқончилик маданиятининг илк олтин бешикларидан биридир. Юон тарихчиларидан Страбон, Ҳеродот, Ҳикатийлар ёзиг қолдирган маълумотларга кура, хоразмликлар қадимиийликда мисрликлар билан беллашадилар. Демак, «Жаҳон қомусий луғати»да ўзбеклар дунё халқлари орасида биринчилардан бўлиб ўтроқлашган халқдир дейилиши асослидир.

«Жаҳон қомусий луғати»даги халқимизга тегишли иккинчи муҳим нукта шуки, ўзбек халқи туркий халқлар орасида биринчи бўлиб ўтроқлашган. Энди шу фикрнинг таҳлили ва тасдигига киришамиз. Ҳинд, араб, форс ва туркий (ўзбек) тилларини яхши билган аждодларимиздан Муҳаммад Фиёсiddин ибн Жалолиддин ибн Шарафиддиннинг «Фиёс ул-луғат» асарида ёзилишича, Нил, Фурот, Дажла, Амударё жаннатнинг тўрт ариғидир. Қадимда, буни ҳозирги кўпчилик ёш китобхонларимиз ва ҳатто айрим тарихчиларимиз билишмаса ажаб

эмас, Сирдарё Амударёning энг катта бир ирмоғи бўлган, яъни Сирдарё ўзича Оролга бориб қуилмаган, Қизилкўмда Амударёга қуилган, Амударё эса Каспий томон йўл олган. (Шўролар замонида Сибирия дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга олиб келинмоқчи булишганда, лойиҳадаги канал сувини Сирдарёning ўша эски ўзанидан оқизиш мўлжалланган эди). Демак, Сирдарёмиз ҳам жаннат дарёларидандир.

Буюк аждодимиз Мұхаммад Фиёсiddин жаннат ариқлари деганда шу дарёлар оққан фирмавсмонанд ўлкаларни назарда тутган. Охират — у дунёдаги жаннатларни Оллоҳ таоло яратиб қўйган бўлса, бу ёруғ жаҳондаги — ҳәти дунёдаги жаннатларни Унинг азму иродаси, марҳамати ила Унинг бандалари ўз ақду заковати ва меҳнати билан яратгандирлар. Бизким, ўзбеклар бу дунёда яратган жаннат бу Ўзбекистонимиздир. Ўзбекистонни мұжизалар диёри, жаннатдек мамлакат дейдилар. Бу Ватан осмондан таппа-тайёр ҳолда ўзича ерга тушиб қолгани йўқ. У тинимсиз ва фидокорона меҳнат билан, халқимиз даҳоси билан бунёд этилган.

Ўзингиз бир тасаввур қилиб қўринг-а, агар муттасил уч йил мобайнода Ўзбекистонда меҳнат қилиш буткул тўхтатиб қўйилса, далалару боғ-роғлар сугориласа, токзорлар хомток қилинмаса, ер шудгор қилинмаса, ариқ ва зовурлар тозаланмаса, шўр ерлар ювилмаса, тўғонлару кўприклар тузатиб турилмаса, сел йўллари тусилмаса, янги кўчатлар ўтқазилмаса, экинтикин қилинмаса, ўлкамизнинг аҳволи не кечади? Буткул харобага айланиб қолади-ку. Тўгри, Ер юзида шундай юртлар ҳам борки, кечки кўкламда табиатан таппа-тайёр ерга уруғ сепиб, ёз охирида ҳосилни ўриб оладилар. Бизда эса ундей эмас, деҳқоннинг меҳнати йил бўйи аримайди. Бундай узлуксиз меҳнат жараёни деҳқончиликнинг омилкор юксак маданиятини келтириб чиқарган ва шуни тақозо этади ҳам. Қадимда Хоразмда бошланган юксак деҳқончилик маданияти асрлар ўтиши билан юртимизнинг ҳамма ерларига, барча воҳа ва водийларимизга кенг ёйилган. Бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бир мисол. Қадим замонда Шош мулкида, яъни ҳозирги Тошкент вилоятида Чирчиқ дарёсидан (у пайтларда бу дарё *Паррак* деб аталган) бўлак сув бўлмаган. Қадимшунос аллома — академик Яҳё Фуломовнинг тадқиқотларига кўра, бундан уч минг йиллар илгари аждодларимиз Чирчиқ дарёсини тўғон билан тўсиб, кетмон билан ариқ қазиб

Тошкентга сув олиб келгандар, воҳани обод қилганлар. Бу инсон меҳнати билан қазилган катта ариқ Бузсувдир. Ҳозирги кунда Бузсувни, унинг тармоқлари бўлмиш Қорасув, Золариқ, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичқириқ, Қорақамиш ва шу кабиларни кўпчилик сунъий суғориш шоҳобчалари — каналлар эканини тасаввур ҳам қилмаса ажаб эмас. Бундай мисолларни юртимиз-нинг барча вилоятларидан келтириш мумкин. Буни қарантки, ўлкамиздаги барча «қорасув»лар аслида сунъий суғориш иншоотлари — каналлар бўлиб чиқади!

Юртимизда суғориш маданияти юксак бўлганлигини дўсту душманларимиз ҳам эътироф этишган. Рус муаллифларидан А. Добромислов 1912 йили Тошкентда чоп эттирган «Ташкент в прошлом и настоящем» китобида қайд этишича, мустабид маъмурлар бу ерда икки нарсада тан бериб, лол қолган эканлар: биринчи, қозихоналарда иш сансалорсиз, тезда кўрилган ва адолатли хукм чиқарилган, иккинчиси, суғориш шоҳобчалари шунчалик кенг ёйилганки, Тошкентда оқар сув ўтмаган, яъни ариқ оқмаган ҳовли, ўз ҳовузи ва ҳовузлари бўлмаган маҳалла учрамаган, ҳатто нисбатан баландликка жойлашган маҳаллаларга ҳам физика фанидаги туташ идишларда сув сатҳи бир текисликкача кўтарилади, деган қонунга риоя қилиниб, «кўтарма» ва «қайнама» деган сув иншоотлари ёрдамида оқар сув олиб борилган.

Халқимиз суғориш маданиятида устозлик даражасига эришган бўлиб, бу борада ҳам жаҳон эътироф этган алломаларимиз билан фахрлансак арзиди. Шулардан бири ўтган йил таваллудининг 1200 йиллиги нишонланган буюк ватандошимиз, қомусий билимлар эгаси Аҳмад ал-Фарғонийдир. У улуғ зотнинг мавзумизга доир бир кашфиётини тилга олиш билан чекланимиз.

Мисрликлар милоддан аввалги 4 мингинчи йиллардаёқ Нил сувидан ерни суғоришида фойдаланиб келсаларда, бироқ дарё оқимининг қачон кўтарилиб, қачон пасайишини билолмай, бу борада дарё измини ўз қўлларига ололмай келар эдилар. Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда халифа Ҳорун ар-Рашид даврида тузилган, халифа Маъмун замонида фаолияти кучайган «Байт ул-ҳикма»да ишлаган буюк астроном, математик ва географ Аҳмад ал-Фарғоний халифа Мутаваккил замони (милодий 846—862 йиллар)да минг йилликлар давомида ечишмаган бу муаммони ҳал қилиб берди —

Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган асбобни — «миқёс ул-жадид»ни яратди: шу далилнинг ўзидаётк икки нарсани кўриш мумкин. Биринчиси, Аҳмад Фарғоний юксак деҳқончилик маданиятига эга халқимизнинг фарзанди, қуш уясида кўрганини қиласи, деганлариdek, юргида кўрганларини хорижда татбиқ этган, иккинчиси, Аҳмад ал-Фарғоний яратган «миқёс ул-жадид» халқимиз жаҳон цивилизациясига кўшган улкан ҳиссанинг бир заррасидир, бу ҳақда кейинроқ ўз ўринда «Тамаддунимиз негизлари» деган бобда яна бир неча мисол келтирамиз. Ҳозир эса сўз кўчманчи турмуш ва ўтроқ ҳаёт хусусида давом этади.

Кўчманчи турмуш билан халқларнинг буюк кўчишларини фарқламоқ керак. Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи»да ёзишича, халқларнинг илк буюк кўчишлари Нуҳ алайҳиссаломнинг тўфондан кейин ўз ўғиллари Хом, Сом ва Ёфасга қилган амрига кўра, бу фарзандларнинг ўз авлодлари билан дунёнинг турли томонларига тарқалишидан бошланган. Лекин тўфондан кейинги у замонларда Ер юзида Нуҳ алайҳиссалом авлодларидан ўзга ҳеч ким яшамас эди.


Ўзбекистон телевидениеси орқали берилган курсатуда тасвирланган ҳуннуларнинг шарқдан гарбга кўчиш ҳодисаси халқларнинг буюк кўчишларидан бири эди. Бу кўчув бизнинг юртимиздан 1,5—2 минг километр шимолдан ўтган, шарқдан гарбга эса 10 минг километрдан ортиқ масофага чўзилган эди. Демак, бу кўчувнинг юртимиз ва халқимизга бевосита алоқаси йўқ. *Бевосита алоқаси* шундаки (таъкид бизники. — *Муал.*), ҳуннулар милоддан аввалги III асрда Марказий Осиёда шаклланган ва милодий VI асрда Фарбий Турк хоқонлиги таркибига кирган кўчманчи туркий халқлардан биридир. Русчада гунни, юончада ҳунной, лотинча ҳунни деб аталади. Бу ўринда «Марказий Осиё» атамасининг асл маъносини изоҳлаб ўтамиш. Ўрта Осиё ва Марказий Осиё атамалари бошқа-бошқа ҳудудий минтақаларни билдиради, буни, албатта, фарқламоқ зарур. Марказий Осиё ҳудуди Осиё материгининг ички қисми бўлиб, майдони 6 миллион карра километрdir. Шимолда Олтой, Тува ўлкаларидан тортиб, жанубда Тибетгача, шарқда Манжуриядан гарбда Хонтангри (Тиёншон) тогигача чўзилган. Марказий Осиёнинг туб аҳолиси кўпсононли ва камсононли туркий эл ва элатлар ҳамда мўгуллардир. Сўнгги асрларда бу ҳудудга Шарқий Овруподан руслар ҳам кўчиб келиб ўрнашган, жа-

нубий томондан эса хитой аҳолиси ҳам шимолга ва фарби-шимолга силжиган. Эндиликда бу ҳудуд Россия, Мұғалистан ва Хитой таркибидадир.

Хұннұларнинг бир қисми II асрда Марказий Осиёдан Урололди ҳудудига күчіб бориб жойлашади. IV асрнинг 70-йилларидан хұннұлар оммавий равища Farбga қараб сілжий бошладилар. Отилахон ҳукмрон-лик қылған 434—453 йилларда хұннұларнинг давлати ўз тараққиётининг чүккесінде әртүрлі қылған. Бу давлатнинг тузуми ҳарбий демократияга ассоциацияланған эди, уннинг күч-құдрати ана шунда — жанговарлигіда эди. Отилахон вафот эттегі, хұннұлар давлати заифлаша бошлади ва бора-бора тарих сақнасыдан тушиб кетади. Farбда хұннұлар ҳақида иккі фикр мавжуд, бири салбий, иккінчісі ижобий. Венгрия халқы ўзини үша хұннұларнинг авлодлари деб билади, ўз мамлекатини Ҳунгария деб атайди.

Халқларнинг күчиши ҳақида сөз борганда овруполикларнинг дүнёнинг уч томонига — Farб, Жануб ва Шарққа күчишларини унутмаслик керак. XV асрнинг охиридан бошланған бу «күчүв»нинг номи ва моҳияти мустамлакачиликдир. Натижада Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Австралия қытъаларидаги, Атлантик, Тинч ва Ҳинд океанларидаги күпгина оролларнинг тубжой халқлари деярли қириб юборилади ва бу ҳудудларда овруполикларнинг қурама аҳоли яшовчи янги давлатлари вужудга келди.

Чор Русияси ҳам XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб мустамлакачилик сиёсатини үтказиб келған. Русия нисбатан ёш давлатлардан, 1547 йилда подшолик вужудга келған, то унгача майда-майда князликлар бұлған. Биринчи рус подшоси Иван IV дир. У подшо бұлып олғач, фақат зўравонлик сиёсатини үтказиб, босқинчilik юришлари қылған, орадан олти йил ўтар-ўтмас, 1553 йили қадим Булғория, кейинчалик Қозон хонлигі деб аталған мустақил ва маданий давлатни забт этиб, қонға ботириб ва аҳолининг бир қисмини чўқинишга мажбур қылған ҳамда шу құлмиши туфайли Грозний деб лақаб олған. Кейин, 1556 йилда Астрахан (Хожитархон) хонлиги забт этилған, тубжой аҳолиси паронда қилиб юборилған. XVII асрда Сибир хонлиги ҳамда Даشت Қипчоқнинг бир қисми — ҳозирғи Волгоград, Оренбург вилоятлари, Краснодар, Ставропол үлкалари, Шимолий Кавказ ва шу каби жуда катта ҳудудда жойлашған Нұғой хонлиги забт этилған. Сүнг-



ра қозоқ ерларига, Сибирияга ҳамлалар бошланган, то Тинч океани соҳилигача бўлган ерлар босиб олинган. 1783 йили Қирим хонлиги босиб олинган, бир миллиондан ортиқ тубжой ҳалқ обод ерларидан маҳрум этилган, улар ватанларидан бош олиб кетишга мажбур бўлганлар. Маълумки, бу давлатларда, бу ҳудудларда азалдан асосан туркий ҳалқлар яшаб келишарди. Шу тариқа, Русия ҳудуди жанубда Қора-Азов (Азок) дengизлари қирғоқларигача кенгайтирилган. Русия томонидан бундай босқинчилик сиёсати шимол томонга, гарби-жанубга ҳам қўлланилган. Қурол ишлатилган, қон тўкилган. 1613 йили ҳокимият тепасига чиқиб олган Романовлар суололасидан бирор подшо йўқки, Русия ҳулудини қўшнилари ери ҳисобига кенгайтирган бўлсин. Федор Романовдан Николай II Романовгача асосий касблари шундай бўлган.

Русия ҳокимларидан айниқса икки нафари босқинчиликка ружу қўйган. Биринчиси Петр I бўлса, иккеничиси Екатерина II дир. 1721 йили Петр I Русияни империя, ўзини император деб эълон қилди. Туркистонга кўз олайтирган ҳам, Хоразмга — Ҳива хонлигига биринчи, лекин муваффақиятсиз босқинни уюштирган ҳам Петр I дир. Ватанимизни, қўшни ва қардошларимиз юртини босиб олиш сиёсати роса 150 йил давом этди. Натижада XIX аср охирида Русия империяси Ер юзи қуруқлик қисмининг 6 дан бирига эгалик қила бошлади. 200 га яқин миллат ва элатнинг турмаси бўлиб қолди. 50 га яқин кам сонли ҳалқ ўзининг миллий қиёфасини йўқотди — руслаштириб юборилди. Унинг ҳудуди 22 миллион 400 минг карра километр эди. Кўринадики, агар Русия давлат бўлиб шаклланганида ҳудуди 200 минг карра километр бўлса, 4 аср давомида қўшниларининг ери ҳисобига 100 баравардан ортиқ кенгайган, бунга босқинчилик билан эришган. Собиқ СССРнинг ҳудуди ҳам деярли шунча эди, яъни 22 миллион 402 минг 200 карра километр бўлиб, бундан 17 миллион 75 минг 400 карра километр ҳудуд расман Русияга тегишли ҳисобланса-да, амалда барча ҳудуд Русияга хизмат этарди, Москвага бўйсунарди.

Бироқ, бир дам бўлсинки, маълум ҳалқларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашлари тўхтамади. Аввалига Литва, Латвия ва Эстония, 1991 йилнинг августидаги маълум воқеалардан сўнг Украина, Ўзбекистон, Гуржистон ва бошқа барча иттилоғдош республикалар ўз мустақилларини эълон қилдилар. Бу ҳол Русия-

даги буюк миллатчилик иллати билан заҳарланган тұдаларнинг аламини келтирмоқда, Құлларидан чиқиб кетген 14 та мустақил давлатни, яни 5 миллион 326 минг 800 карра километр ҳудудга яна эгалик қилиш учун турли ҳийла-найранг (чукурлашган интеграция ва ҳоказо) күрсатмоқдалар. Русия Давлат думасининг Беловеж шартномасини бекор қилиш ҳақидаги «қарори» замирода ана шу улкан ҳудудни Русия таркибиға яна қайтаришдек мудхиш ният етадыр. Бу ҳол бизни ҳамиша ҳүшёр туришга даъват этадыр.

Үтмишга доир китоб бұлсина, мақола ёки телекүрсатув бұлсина, масала моҳиятига чуқурроқ ва атрофлича ёндошмоқ, бугунимиз ва әртамиз учун нима ва қандай манфаат келтиришини, ҳалқимизни маърифий ва маънавий тарбиялашда қандай ҳисса құшишини ёдда тутмоқ лозим. Қиссадан ҳисса шуки, Ўзбекистон телевидениеси орқали берилған, хүнну ҳалқи ва уларнинг етакчиси Отилахоннинг юртимизга ва ҳалқимизга *бевосита* алоқаси йүқ. Бу ҳалқ бундан 15 асрча аввал тарих саҳнисидан тушиб кетген туркий ҳалқынан, холос. Ёритаман десак, ёзаман десак, бизким, ўзбекларга бевосита алоқаси бор, бизлар тұғридан-тұғри ворислари бўлмиш буюк аждодларимиз кўп. Мавзу танлашда ҳам саралаш лозим. У ёки бу аждодға ворисман дейишининг ҳам масъулияти бор. Концептуал-услубий таҳлил ҳам, сиёсий ҳүшёрлик ҳам шундай иш тутишни тақозо этади. Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг телевизор орқали берилған хүнну ҳалқи ва уларнинг етакчиси Отилахон ҳақидаги күрсатувни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, жиддий фикр-мулоҳазалар баён этишининг боиси ҳам ана шундадыр. Бундан тегишли хулоса чиқарыб олиш керак, албатта.

Мирзо Улугбекнинг «Түрт улус тарихи» ва Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида ёзилишича, Нуҳ алайҳиссаломнинг уч нафар ўғли бўлган: Хом, Сом ва Ёфас алайҳиссалом. Ёфас алайҳиссаломнинг тўққиз нафар ўғли бўлган, тўнғич ўғлининг оти Туркдир. Ана шу Турк бободан тарқалған авлодлар туркий ҳалқлардир. Ўтган даврлар давомида қанчалаб туркий уруғлар, қабилалар, элатлар ва ҳалқлар пайдо бўлган, хүнну, қипчоқ каби туркий ҳалқларнинг номи қолган, холос. Баъзи туркий қабилалар бошқа туркий ҳалқлар таркибиға сингиб кетген бўлса, айримлари ўзга эллар томонидан «ўзлаштириб» юборилган. Ҳозирги кунда ер юзида 30 дан ортиқ туркий ҳалқ ва элатлар

бор. Булар: ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар, бошқирд, қарақалпоқ, ёқут, чуваш, хакас, гагауз, караим, олтой, құмик, нұгой, болқор ва бошқалардир. Уларнинг кўпчилиги мусулмон динидадирлар. Ёқут, чуваш, гагаузлар насроний динида, асли ватани Қирим бўлмиш караимлар мусовий динидадирлар.

Туркий халқларнинг турмуш тарзлари ҳам, анъанавий касб-корлари ҳам хилма-хилдир, ўтроқлашиш жараёнлари турли даврларда кечган, ҳамон кўчманчи турмуш тарзида давом этаётганлари ҳам бор. Масалан, ёқутларнинг буғучилик билан шуғулланаётган муайян қисми ҳамон кўчманчи тарзда умр кечирадилар. Бу иқлим шароити билан боғлиқдир, албатта.

Бугунги маътумотларга қараганда, барча туркий халқларнинг умумий сони 220 миллион киши атрофида бўлиб, шундан еттидан бир қисмини, яъни тахминан 32 миллион кишини бизким, ўзбеклар ташкил қиласиз. Шундан 18 миллиони мамлакатимиизда, 14 миллиони асосан қўшни давлатлар — Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг бизга туташ вилоятларида яшайди. Тожикистонда яшовчи ўзбеклар мазкур республика халқининг 25 фоизини ташкил қиласиди. Афғонистоннинг бир қатор вилоятларда ўзбеклар ҳам истиқомат қиласидилар. Туркманистоннинг Чоржўй, Тошқовуз вилоятларида, Қозоғистоннинг жанубида, Қирғизистоннинг Жалолобод, Уш вилоятларида ҳам ўзбеклар яшайдилар. Мазкур ҳудудларда уларнинг авлод-аждодлари, боболарининг бобо-калонлари минг-минг йиллардан бери яшаб, туп қўйиб, палак ёзиг келмоқдалар, бу ерлар улар учун чин ватан бўлиб қолган, буюк аждодларининг хоки туроблари ҳам шу заминдадир. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг қабри Фазнада, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро — Ҳусайнининг қабрлари Ҳиротда, Бобораҳим Машрабнинг қабри Ишқамишдадир, бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. VII асрда араблар Ислом динини тарғиб қилиш учун келганларида Ҳурсон, Сейистон ва ҳатто ҳозирги Покистоннинг гарбий вилоятларидаги шаҳар ва қишлоқларда туркий ҳокимлар ва уларнинг аскарларининг қаршилигига дуч келишганини ёзиг қолдиришган. Бу далилнинг ўзи ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлади.

Шунингдек, ўзбеклар дунёнинг ўнлаб мамлакатларида, жумладан, Хитой (Шарқий Туркистон), Туркия

ва Саудия Арабистонида ҳам яшайдилар. Туркияда 3 миллиондан ортиқ туркистонлик бор, дейилади. Ўзбеклар бу мамлакатнинг Адана ва Кўниё (Икония) вилоятларида зич бўлиб яшайдилар. Буюк ватандошимиз, асли балхлик Жалолиддин Румийнинг мақбаралари худди шу Кўниё шаҳридадир. Саудия Арабистони нинг Жидда, Тоиф, Макка ва Мадина шаҳарларида яшовчи ўзбекларнинг сони бугунги кунда 800 мингга борар экан. Булар асосан йигирманчи-ўтгизинчи йилларда юртимизда юз берган, шуролар тузуми томонидан уюштирилган қатағонлар туфайли тарки ватан қилишга мажбур бўлган ватандошларимиз, уларнинг фарзандлари, невара ва эвараларидир. Шунингдек, улар орасида йигирма йилдан бери давом этаётган Афғонистондаги фуқаролар урушидан безиб, тарки ватан қилган ҳаммиллатларимиз ҳам бор. Уларни шундай қилишга ҳаётнинг ўзи қаттиқ мажбур этган. Бўлмаса, ўз уйини, ҳовли-жойини кичик ватанимиз деб билувчи, бир ерда утроқ ва муқим яшашга одатланган, бундай турмуш тарзи қон-қонига сингиб кетган, жилла курса ҳафтада бир марта ўз хилхонасини — ота-боболари қабрларини зиёрат қилишни фарзандлик бурчи деб билган ўзбек учун ўз уий — улан түшагини ташлаб кетиш осон иш эмас, албатта. Шу ўринда тарихдаги ва ҳозирги қўшниларимиз ҳақида тухтаб ўтсак, мамлакатимиздан ташқарида яшаётган «хорижий» ўзбекларнинг азалдан ва муқим истиқомат қилиб келаётган ўша ҳудудларни ўзларининг ҳам тарихий, ҳам асл ватанлари деб билишлари янада аниқлашади.

## Иккинчи боб

### ТАРИХИЙ ВА ҲОЗИРГИ ҚЎШНИЛАРИМИЗ

Маълумки, давлат бўлгач, унинг ҳудуди, чегаралари, демакким, унга қўшни давлатлар ҳам бўлади. Жуда қадим замонда Турон давлати Чин, Хинд, Форс мамлакатлари билан чегарадош бўлган. Асрлар мобайнида атрофимиздаги давлатларнинг ҳудуди ҳам, номи ҳам ўзгара борган, янги давлатлар ҳам вужудга келган.

Амир Темур бобомиз Ер юзидағи 27 та мамлакатни яхши ният билан, адолат ўрнатиш мақсадида ўз туғи остида бирлаштиришга эришган.

Темурийлардан кейин вужудга келган Шайбонийлар

давлати жанубда сафавийлар Эрони, бобурийлар Ҳиндистони, шимоли-шарқда Мұгулистан ва Хитой, шимоли-ғарбда Русия, ғарбда Каспий дengизи оша ширвоншохлар Озарбайжони билан чегарадош эди.

1740 йили Аҳмадшоҳ Дурроний томонидан Афғонистон амирлигига асос солинади ва шу тариқа бобурийлар Ҳиндистони билан Аштархонийларнинг Бухоро хонлиги ўртасида янги давлат пайдо бўлди, демакким, жануби-шарқдаги ён қўшнимизнинг номи ўзгарди.

Уч хонлик замонлари деб аталган XVII—XIX асрларда ҳам бу давлатларнинг қўшнилари илгаридаи эди. Шу билан бирга бу даврларда жанубимиизда ҳозирги Афғонистоннинг шимолида — Жанубий Туркистонда Қундуз хонлиги, Балх хонлиги вужудга келгани ҳақида ҳам тарихий маълумотлар мавжуд.

Юртимиз чоризм истилосига учрагач, Қўқон хонлиги империя таркибига қўшиб юборилди, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги вассал давлатларга айлантирилди. Бухоро амирлиги ўшанда шимолда Русия (Туркистон генерал губернаторлиги), ғарбда Хива хонлиги, жанубда қожорлар Эрони, Афғонистон билан, инглизларга тобе Ҳиндистон билан, Шарқда Хитой билан чегарадош эди.

1924 йили Туркистонда миллий-давлат чегараланиши ўтказилгач, бу ерда иккита «мустақил» давлат — иттифоқдош республика мақомидаги Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР ташкил топди. Ҳозирги Қозогистон Қирғизистон (!) номи билан автоном республика сифатида, ҳозирги Қирғизистон эса Қорақирғизистон (!) номи билан автоном вилоят сифатида Россия Федерацияси таркибига киритилди. Тоҷикистон эса автоном республика сифатида Ўзбекистон таркибида эди. Тоҷик сўзи илгари ҳам қўлланилган бўлса-да, Тоҷикистон атамаси ҳудуд маъносида 1924 йилнинг октябрь ойида Туркистонда миллий-давлат чегараланиши ўтказилганидан кейин пайдо бўлди. То унгача ҳозирги Тоҷикистоннинг жануби амирлик замонида Ҳисор, Қоратегин, Балжуvon, Кўлоб бекликлари сифатида Бухоро давлатига, 1920 йилдан 1924 йилгacha Бухоро Жумхуриятига қараган, Бадаҳшон үлкаси 1920—1924 йилларда Туркистон Мухтор Жумхурияти таркибида эди... Демак, биз ўша кезлари Россия Федерацияси, Туркманистон ССР, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитой билан чегарадош эдик. Марказ томонидан 1929 йили Тоҷикистонга, 1936 йилнинг 5 декабрида Қозогистон билан

Кирғизистонга иттифоқдош республика мақоми берилди. Шу куни Қорақалпоғистон Ўзбекистонга қўшилди. Қорақалпоқлар 1811 йили Хива хонлигига ўз илтимосларига кўра фуқаро бўлганлар. Қорақалпоғистонда яшовчи қорақалпоқлар билан ўзбеклар сони жиҳатидан деярли тенгдир.

Шу тариқа, Туркестонда 5 та иттифоқдош республика тузилди ҳамда ҳозирги мавжуд давлат чегараларимиз вужудга келди. Бу борала ортиқча шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ҳозирги давлат чегараларимиз дахлсиз эканлиги қайта-қайта ва қатъий равишда таъкидлаб ўтилгандир. Тарихий ва ҳозирги қўшиларимиз ҳақида, тарихий ва ҳозирги давлат чегараларимиз тўғрисида бериб ўтган қисқача маълумотдан чиқадиган холоса шуки, бизким, ўзбеклар кўпни кўрган, ўз бошидан не-не кунларни, не-не тарихий синовларни ўтказган, шонли ўтмишига, қадим-қадимдан ўз давлати ва давлатларига эга бўлиб келаётган ҳалқмиз, миллатмиз. Муҳтарам Юргашимиз ва Йўлбошчимизнинг давлатлараро ўзаро тенглик ва хурматга, давлат чегараларининг дахлсизлигига асосланган доно ташқи сиёсатида бизким, ўзбекларни пойdevori мустаҳкам ва пойдор, бардавом этувчи, келажаги янада порлоқ давлатига эга, уюшган ҳалқ бўлиб, миллат бўлиб боришидек олий мақсад қўзлангандир. Бу борадаги равshan фикрлар, курсатмалар ва дастурлар Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида батафсил ифодалаб берилган эди. Юргашимизнинг «Ойнаи жаҳон»да тарихчи олимлар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказган сұхбатида давримиз учун жуда долзарб бўлган масалалар ўртага қўйилди, уларнинг ечим йўллари, муаммоларни ҳал қилиш усууллари белгилаб берилди. Булар янги даврдаги янги вазифалардир. Замон эса шиддат билан ўтмоқда. Бир оз кечикилса-да, оқибати қийин кучади. Юргашимизнинг шиори ана шундай.

Табаррук Туркестон сўзини тилга олган эканмиз, шу ўринда қадим тарихимиз муҳлислари бўлмиш хурматли китобхонларга Туркестон мамлакати деган тушунчадан Туркестон шаҳри деган тушунчани фарқла-моқ зарурлигини уқтириш учун қисқача маълумот бериб ўтиши жоиз кўрамиз. Туркестон шаҳри — Туркестон мамлакатининг қадимий кентларидан бири. Му-

ҳим савдо ва ҳунармандчилик, илм-фан ва адабиёт ва диний марказлардан бўлиб келган бу шаҳар қачон курилгани ҳозирча номаълум. Араб географларининг асрларида келтирилган маълумотларга кўра, милодий IV—X асрларда ҳозирги Туркистон шаҳри ўрнида Шавгар (Шовважар) деган шаҳар бўлган. Бу шаҳар XII—XIV асрларда Яssi деб аталган. Сайрамда туғилиб, мазкур шаҳарда нашъу намо топган шоир Аҳмад Иброҳим ўғли ўзига Яссавий деган тахаллусни олгач, бу шаҳарнинг номи бутун турк дунёсига машхур бўлиб кетади. Яssi шаҳри XV асрдан бошлаб Туркистон деб атала бошлилади. Бу ҳол ўзбек хонларидан бўлмиш, Мирзо Улугбекнинг күёви Абулхайрхон XV асрнинг ўрталарида ўз давлати пойтахтини Фарби-жанубий Сибирияда жойлашган Тура шаҳридан жанубга — мазкур шаҳарга кўчириб келиши билан боғлиқ деган маълумотлар ҳам бор. Яssi — Туркистон деганда, энг аввало, Йслом динининг жуда машхур ва буюк арбобларидан бири, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётимизнинг ilk асосчиларидан бири, комил ва ориф инсон Аҳмад Яссавий ҳазратларини ҳамда ул улуг зотнинг хотирасини абадийлаштириш ва қадрлаш мақсадида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан қурдирилган салобатли ва маҳобатли мақбара кўз олдимизда гавдаланади. Шу боисдан бўлса керак, ҳожатбарор Турк пири зиёратига отланган ҳожатталаб кишилар, шу жумладан, Тошкент аҳли Туркистон шаҳрини тўғридан тўғри «Султоним», «Ҳазрат Султоним» деган ҳолатларга шоҳид бўлганимиз. Зиёратдан кейин, чунончи, фарзандталааб кишилар дуолари Оллоҳ таоло томонидан ижобат бўлиб, ўғил кўрсалар номини Султон, қиз кўрсалар эса Мирзо Улугбекнинг ўша табаррук тупроққа дафн этилган қизининг отига нисбат бериб, Робия, Робиясултонбеким деб аташлари урфдир.

Сўнгги йилларда чет элларда, айниқса бизга қўшини туркий давлатларда Аҳмад Яссавий ижодига қизиқиши кучайиб кетди. Халқаро илмий-адабий анжуманларда Аҳмад Яссавий бобомиз турк дунёси шеъриятининг отаси деб ҳақли суратда эътироф этилмоқда. Маълумки, Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ида Туркистонни, туркий тилни кўп улувлайди, «Отим Аҳмад, Туркистондир элим менинг», «Юртим турк, элим турк, тилим туркдир. Тилим кўп тиллардан кўрклиkdir» дея фаҳранади. Аҳмад Яссавий Туркистон сўзини тилга олганда она-Ватанимизни кўзда тутган, албатта. Бироқ баъзи

олимлар, айниқса, умумтариҳимиз, шу жумладан, ша-  
ҳарларимиз тарихидан, бу ўринда Туркистон шаҳри ўт-  
мишидан камроқ хабардор айрим адабиётчилар «Аҳмад  
Яссавий Туркистон иборасини ҳам Туркистон мамла-  
кати маъносини, ҳам Туркистон шаҳри маъносини анг-  
латиша қўллаган» деган фикрни билдирадилар. Бу бир  
томонлама мулоҳазадир. Чунки Аҳмад Яссавий замон-  
нида бу шаҳар Ясси деб аталган, орадан камида 3 аср-  
ча вақт ўтгач, у Туркистон деб юритила бошлаган. Бинобарин, Аҳмад Яссавий Туркистон деганда она-Ватан-  
нимизни назарда тутган, дейиш ҳақиқатга мувофиқ-  
дир. Масаланинг яна бир муҳим томони шуки, қар-  
дошларимиз, жумладан, турклар, қозоқлар, қирғизлар,  
татарлар Яссавий шеърияти билан туркий (узбек) ти-  
лидаги аслиятидан ўз тиљарига қилинган таржималар  
орқали, яъни билвосита танишмоқдалар ҳамда халқаро  
илмий-адабий анжуманларда ана шу таржималарга асос-  
ланиб сўз юритмоқдалар. Қардош халқлар тилларида  
чиқадиган баъзи вақтли матбуот саҳифаларида Яссавий  
ҳикматларидан таржималар чоп этилганда, бу матн  
ўзбекчадан таржима экани ва таржимоннинг номи кўр-  
сатилимаётир. Натижада тарихдан бехабар ёш ўқувчи-  
ларда Аҳмад Яссавий ва унинг ижоди ҳақида нотуғри  
тасаввур ҳосил бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Барча  
туркий халқлар даврасида фақат бизким, ўзбеклар би-  
ринчи ворис ӯлароқ Аҳмад Яссавий шеъриятини ас-  
лиятида — бевосита ўқиймиз, чунки Аҳмад Яссавий  
тили ўзбек адабий тилининг халқчил ва ёрқин намуна-  
ларидан биридир. Аҳмад Яссавий «Ҳикмат»и барча ўз-  
беклар учун худди шу замонда ёзилгандек тушунарли  
ва ёқимлидир. Бу ҳолатдан англашиладики, бизким,  
ўзбеклар ўз ёзма адабий тилини камида 9 асрдан бери  
ардоқлаб, замон синовларидан омон-эсон сақлаб қо-  
либ, тобора бойитиб ва жило бериб келаётганимиз би-  
лан фахрлансак арзиди. Бас, шундай экан, бу буюк  
ижодкорнинг биринчи ва асосий вориси сифатида Аҳ-  
мад Яссавийнинг ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда туркий  
халқлар адабиётлари равнақида тутган ўрни ва аҳамия-  
тига бағишлиб республикамизда барча етук яссавийшу-  
нос олимлар иштирокида бир илмий-адабий анжуман  
утказилса, кўп савоб иш бўларди деган умиддамиз. Зо-  
тан, Аҳмад Яссавий бобомиз миллатимиз ва ватанимиз  
тарихида истиқолол шарофати билан номлари қайтадан  
тиқланган ва тобора халқимиз орасига чуқур кириб  
бораётган ҳамда юбилейлари тантанали суратда давлат

миқёси ва мақомида нишонланган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳрор, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон ва шулар сингари эъзозга лойиқ буюк сиймоларданdir. Бу ҳақдаги сўзимизни кейинроқ, ўз ўрни билан яна давом эттирамиз.

## Учинчи боб

### МАЪРИФАТ ВА МАҲНАВИЯТ ЎЧОҚЛАРИ

«Жаҳон қомусий луғати»да бизким, ўзбекларга берилган таърифдаги учинчи муҳим нукта шуки, унда ўзбеклар маданий турмуш кечириувчи ҳалқ дейилган. Чиндан ҳам шундай. Энди шу фикрнинг таҳлили ва тасдиқига киришамиз. Маълумки, «маданият» сўзи арабча мадина сўзидан келиб чиққан. «Мадина» дегани шаҳар, кентdir (Саудия Арабистонидаги Мадина шаҳри илгари Ясриб деб аталган). Демак, «маданий» дегани шаҳарлик леганидир. Маданий турмуш шаҳарларда шаклланган ва равнақ топган. Бунинг учун саҳро, дашт ва тоғлик жойлардагига қараганда шаҳарларда тегишли шарт-шароит, кулагироқ, яхшироқ имкониятлар бўлган. Қолаверса, шаҳарларда одамлар руж бўлиб яшаган, меҳнат тақсимоти бўлган — турли касб-хунар эгалари ўз юмушлари билан шуғулланишган. Бу ерда ички тартибот, ташқи хужумдан ҳимояланган нисбатан хотиржам турмуш бўлган. Мактаб ва мадрасалар очилган. Шаҳарда саводли бўлишга, илм-маърифат олишга шарт-шароит ва имкониятлар кўпроқ бўлган. Олимлар, уламо ва фузалолар етишиб чиққан.

Буюк аждодимиз Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон Форобий бу тўғрида бундан 1100 йилча аввал «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги» асарида шундай деб ёзиши бежиз эмас: «Ҳар бир инсон шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуклика эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тунилади... Бундай жамоа аёзоларининг фаoliyati бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуклика эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари купайдилар ва Ернинг аҳоли яшайдиган

*қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди».*

Кўринадики, Форобий шаҳарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам шундай. Бу фикрнинг ҳаққонийлигини кишилик жамиятининг барча тараққиёт босқичлари тасдиқлаб турибди. Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, қадим Турону Туркистону Ўзбекистонимизда ҳам катта-кичик шаҳарларимиз, пойтахт кентларимиз, вилоят марказларимиз бўлган. Қадим Хоразмнинг минг шаҳарли мамлакат дейилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Дунёда ҳеч бир ҳалқ ўзбеклардек кўп шаҳар қурмаган, кўпдан-кўп пойтахтлар бунёд этмаган бўлса керак, десак сира муболага бўлмайди. Ҳалқимиз табиатига бошқа ҳалқлар томонидан берилган таърифлардан бири «Ўзбек бойиса иморат қуради» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган, албатта. Бунга минглаб мисоллар келтириш мумкин. Буюк хоразмшоҳлар шавкати даврида Кўҳна Урганчда курилган улуғ обидалар, Маҳмуд Фазнавий томонидан бунёд этилган осори атиқалар, Қораҳонийлар даврида Бухорода тикланган Арслонхон минораси, Амир Темур Шаҳрисабз, Самарқанд, Ясси, яъни ҳозирги Туркистон ва бошқа шаҳарларда қурдирган улуғвор Оқсанрою Кўксаройлар, масжиду мадрасалар, кўшклару боғлар, Улуғбекнинг Самарқанд, Бухоро ва Гиждувондаги уч мадрасаси, Самарқанддаги расадхонаси, темурийлардан Шоҳруҳ мирзо, Бойсунқур мирзо, Абулқосим Бобур мирзо, Ҳусайн Бойқаро замонларида Ҳирот, Машҳад, Балх, Мозори Шарифда қурилган беқиёс иморатлар шулар жумласидандир. Алишер Навоий қурдирган иншоотларнинг ўзи юз элликтан ортиқдир. Булар мадраса, масжид, мактаб, хонақо, шифохона, карvonсарой, работ ва шу кабилардир.

Ўзбек иморатсозлигининг ўзига хос ва нодир фазилатларидан бири шуки, унда эъзозланаётган туйғу ўзининг тақрорланмас ва энг юксак чўққисини топади. Олам олам бўлиб, одам одам бўлиб, ҳали ҳеч бир шоир ва мутафаккир Аҳмад Яссавийдек улкан ва буюк мақбара билан қадрланмаган бўлса керак. Бу мақбара Амир Темур томонидан умрининг охирларида Ясси, ҳозирги Туркистон шаҳрида қурилган обидадир. Инсоният ишку вафо, садоқату хотирот туйғуларига ошно бўлганидан бери ҳали ҳеч ким суюкли рафиқа Мумтоз Маҳаллек вафотидан кейин ҳам севимли ёри томонидан қу-

рилган садоқат рамзи бўлмиш назири йўқ ёдгорликка муносиб кўрилмаган бўлса керак. Бу Бобур авлодларидан бўлмиш Шоҳ Жаҳон қурдирган ўша Тож Маҳалдир. Бу хотиравий обидани бунёд этиш ишига Самарқанду Бухородан меморлар, наққошлар, усталар ҳам таклиф этилганлар.

Умуман, иморат қуриш ва қурдириш ўзбекнинг яхши одатидир. Халқимиз хаёлидаги доимий ва мангутайгулардан бири иморат қуриш, ҳовли-жой қилишдир. Бунинг яхши томони шундаки, одам ўзи обод қилган тупроққа илдиз отиб, қаттиқ боғланиб қолади. Бу охир оқибатда ўзи бунёд этган нарсаларни ҳимоя қилишни, юртни сақлашни, яъни ватанпарварликни келтириб чиқаради ва ўстиради. Халқимиз ўзининг кўп минг йиллик тарихий ўтмишида минглаб шаҳарлар бунёд этган, деса муболаға бўлмайди. Буни археологик ва моддий-маданий ёдгорликларимиз ҳам тасдиқлади. Бизким, ўзбеклар ўзи яратган шаҳарларни ҳимоя қилган, айни пайтда шаҳарларнинг ўзи ҳам халқимизни ташқи ҳужумдан ҳимоя қилиш воситаси бўлган.

XIV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута ва унинг замондоши Ал-Умарий ҳам аждодларимизнинг шу фазилатларини кўкларга кутариб мақтаганлар. Масалан, Ал-Умарий туркистонлик давлатманд ва ўзига тўқ кишилар ўз пулларини асосан мадрасалар, работлар, йўллар қуришга, вақфлар белгилашга сарфлайдилар, деб ёзади. Шу фазилат туфайликим, жумладан, Туркистонда асрлар давомида кўплаб осори атиқалар қад кўтарган. Халқимизнинг меморий даҳоси мадраса, масjid, хонақоҳ, работ, ғишткўприк, сардоба, яъни ёпиқховуз, карвонсарой, мақбара, кўшк, арк, сарой, кўргон, ўрдаларда ўз ифодасини топган.

Ўзбек давлатчилигининг шаҳарсозлик борасилаги ўзига хос томонларидан яна бири шуки, давлат бошлиги айни пайтда бош меморлик қилган, нафақат пойтахти ва мамлакатидагина, баъли ўз қаламравида бўлган юртларда ҳам ободончилик ишларини олиб борган, қадами етган жойда албатта бирорта меморий ёдгорлик қолдирган, бирор нарсани бузмаган, бузилган бўлса, тузатирган, таъмирлашга фармон берган. Бир неча мисоллар келтирамиз.

Озарбайжон академиги, тарихчи олим Зиёд Буниёдовнинг ёзишича, хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад энг улкан жомеъ масжидни ўз пойтахти Урганчда эмас,

балки олис Исфаҳонда қурдирган. Унинг ўғли, сўнгги хоразмшоҳ, букилмас иродали лашкарбоши Жалолиддин Мангуберди эса Низомий Ганжавийнинг ватани бўлмиш Ганжадан олиб кетилган шаҳар дарвозасини қайтариб келтириб, яна ўз жойига ўрнаттирган.

Амир Темур бобомиз Кобул водийси ва Мўғон чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда ҳам улкан сугориш ишлари олиб борган, кўплаб буюк обидалар, Шоҳрухия каби янги шаҳарлар, ўнлаб боғлар яратган, чингизийлар томонидан барбод этилган ёдгорликларни қайта тиклатган, йиллар ўтиши билан табиий равишда путури кетган қадамжоларни, шу жумладан, пойтактимиздаги шайх Зайнiddин бобо мақбарасини таъмирлатган, булар ҳақида жамоатчилик Соҳибқирон юбилейи ўтказилиши муносабати билан яхшигина хабардор бўлди.

Аслию наслига тортиб, балоғат ёшига етган темурийлардан бирор киши бўлмасинки, лоақал бирор иморат қурдирмаган, бирор боғ-роғ яратмаган, бирор қабристонни обод қилмаган бўлсин! Айниқса, темурийлардан Шоҳрух мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Бобур мирзо Амир Темур удумини изчил давом эттиришган. Бир оддий мисол. Бобур Кобулдагигида шаҳар марказидаги бир бўлак ерни варасаларидан нақд ақчага сотиб олиб, янги боғ яратади. Халойик уни «Боги Бобур» деб атай бошлайди. Орадан йиллар ўтиб, вақти қазоси етиб, Ҳиндистонда вафот этгач, васиятига кўра уни олиб келиб, ана шу боқقا дағн этадилар. «Боги Бобур» шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўнгги ва абадий оромгоҳи бўлиб қолади.

### Тўртинчи боб

## ДАВЛАТИМИЗНИ ЮЗ ЙИЛ БОШҚАРГАН СУЛОЛА

Темурийлардан кейин ҳокимият тепасига келган шайбонийлар ҳукмронлик қилган деярли бир асрлик замонда ҳам, бир оз танаффус билан, бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. Бу сулоланинг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида ўша учрашувда Президент Ислом Каримов халқимизнинг ўтмишда ўтган бу фарзанди ҳақида холисона фикр билдириши кўп савобли иш бўлди, чунки то шу пайтга қадар шўролар

даврида чиққан тарихга оид китобларда ҳам, бадий адабиёт — рўмонларда ҳам умуман шайбонийлар сулоласи, хусусан, сулолабоши Муҳаммад Шайбоний ҳақида бир томонлама, чалкашу нотўғри фикрлар билдирилди, айниқса видеофильмларда тўпори дашт одами сифатида тасвирланди. Президентимизнинг ўша сұхбатда «Шайбонийхон Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган, ўқимишли одам бўлган. Бухорода олган илмамърифатини ҳокимият тегасига келгач, яна эл-юртига қайтариб берган» деб холис ва тўғри фикр билдиришининг ҳам маънавий, ҳам тарихий, ҳам сиёсий аҳамияти бор. Маънавий аҳамияти шундаки, ўзбек давлатчилиги тарихида муайян из қолдирган, эл-юрт мустақиллиги учун, марказлашган ҳокимият ўрнатиш учун, мамлакат бир бутунлиги учун, элимизда анъанавий тарзда жорий бўлиб келаётган диний мазҳабимизни сақлаб қолиш учун тинимсиз кураш олиб бориб, шундай жанглардан бирида шаҳид кетган, қарийб 100 йил давом этган шайбонийлар давлатининг асосчиси, сулолабоши Муҳаммад Шайбонийхоннинг унтуилаёзган номи вафотидан кейин орадан 488 йил ўтгач, бугунги давлатимизнинг асосчиси томонидан илк бор илиқ сўзлар билан юксак минбардан туриб эсланди, унинг руҳи шод этилди.

Президентимизнинг Шайбонийхон ҳақида билдирган фикрининг тарихий аҳамияти шундаки, ўтмишда ўтган тарихий шахсга баҳо беришда унинг қайси бир сулола вакили бўлганига қараб эмас, балки фаолиятига қараб, эл-юртига қандай хизмат қилганига, ўзидан кейин нималар қолдирганига қараб баҳо бериш лозимдир. Шуролар замонида (ҳатто ҳозир ҳам) ҳалқимизнинг бир фарзандини яхшироқ, ижобийроқ қилиб тасвирлаш учун иккинчи бир тарихий шахсни жўнроқ, салбийроқ қилиб талқин қилиш одат тусига кирган эди. Бу ўринда Бобур билан Шайбонийхоннинг бир-бирига ўта зид қилиб талқин қилинганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Президентимиз фикри бўйича иш тутсак, Бобурни ҳам ҳалқимиз тарихида тутган ўрни бўйича улуғлайверайлик, шу билан бирга Шайбонийхоннинг тарихий хизматларини ҳам унутмайлик. Шунда ўтмишимиз ҳақида тўғри тасаввурга, ҳаққоний тарихга эга бўламиз.

Президентимиз билдирган фикринг *сиёсий аҳамияти* шундаки, XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида, санани Шайбонийхоннинг Самарқанд таҳтини эгаллашидан белтиласак, 1500 йили юртимизда ҳоки-

мият алмашуви юз берди, ҳокимият темурийлардан шайбонийлар қўлига ўтди, эл-юрт ўз жойида қолаверди, ўзбек миллий давлатчилиги давом этаверди. Ҳокимият алмашинувининг ўз салбий ва ижобий томонлари бўлади, албатта. Маълумки, XV асрнинг охирларига келиб, айниқса, эл-юрт тинчлиги йўлида ички низоларни муросаси мадора билан бартараф этиб, кафолат бўлиб келаётган Хожа Убайдуллоҳ Аҳорор Тошкандийнинг 1490 йили вафот этганидан сўнг Туркистоннинг Мовароуннаҳр қисмида темурийлар ҳокимияти заифлашиб кетган эди. Бу пайтда Самарқандда бир ҳоким, Бухорода бир ҳоким, Ҳисори Шодмонда бир ҳоким, Фарғонада бир ҳоким, Хоразмда яна бир бошқа ҳоким ўзбошича сиёsat юритарди, умумий бирлик йўқ эди.

Туркистоннинг жанубий қисми — Ҳурсонда ҳам темурийлар ҳокимиятининг аҳволи яхши эмасди, Султон Ҳусайн Бойқаро бебошвоқ ўғиллари бири олиб, бири кўйиб кўтараётган исёнларни бостириш билан овора эди, айниқса, унинг ҳокимияти маънавий таянчи бўлмиш Алишер Навоий вафотидан сўнг пуртурдан кетади. Фарби-жанубда эса Ислом I бошчилигига сафавийлар давлати тобора кучайиб борар, шу ёқдан юртимизга хавф-хатар бўлиши аниқлашиб қолган эди. Шундай бир шарт-шароитда ҳарбий интизомга қаттиқ риоя қилувчи, кучли жанговар қўшинга эга бўлган, қаттиққўллик билан иш тутувчи Муҳаммад Шайбонийхон бутун Туркистонда марказлашган қудратли ҳокимият ўрнатиш foяси билан тарих саҳнасига чиқди. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, унинг ҳокимият тепасига келиши табиий ва ижобий ҳодиса эди. У ўзини темурийлар ҳокимияти ва мулкининг қонуний вориси, деб биларди. Хўш, нега? Энди шу саволга қисқача жавоб бериб ўтамиш.

1451 йили таваллуд топган Шайбонийхон Мовароуннаҳрга бегона эмасди, шу ерда таҳсил кўргани юқорида айтиб ўтилди. Унинг темурийларга қон-қардошлиги ҳам бор эди, келиб чиқиши бўйича ярим темурий деса ҳам бўлади. Шимолий Туркистонда 1430 йили ўзбек давлатларидан бирини тузган Абулхайрхон унинг ота томондан бобоси эди. Абулхайрхон узоқни кўзловчи давлат арбобларидан бўлиб, ён қўшниси бўлмиш темурийлар билан қариндошлик ипларини боғлайди, ўғил ва невараларини Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўқитади, ўзи эса Мирзо Улугбекнинг Робия Султон бегим исмли қизига уйланган эди. Бу никоҳдан

бир неча хонзодалар дунёга келади. Мұҳаммад Шайбонийхон ана шу Абулхайрхоннинг невараси, Мирзо Улубекнинг авараси эди.

Кези келганды шуни айтаб үтишни лозим деб била-  
мизки (бу нарса китобимизнинг умумий мавзуига ҳам  
дахлдордир), Шимолий Туркистон ўлкаларида яшаган  
ўзбеклар билан мовароуннарлик ўзбеклар азалдан қиз  
олиб, қиз бериб, қуда-андачилик қилиб келишган. Бу  
удумни Амир Темур бобомиз ҳам қўллаб, тўнғич ўғли  
Жаҳонгир мирзони Ўзбекхоннинг Севинчбека исмли  
неварасига уйлантирган эди. Жаҳонгир мирзо бевақт  
вафот этгач, Соҳибқирон бошқа ўғиллари ёки невара-  
ларидан бирини эмас, балки шу келинидан туғилган  
невараси Мұҳаммад Султонни таҳт вориси — валиаҳл  
деб эълон қилган эди. Мұҳаммад Султон ҳам бевақт  
вафот этгач, унинг укаси Пирмуҳаммад мирзони таҳт  
вориси деб белгилаган эди. Бундай фармони олийлар-  
нинг маълум сиёсий аҳамияти бор эди, албатта. Шайбонийхоннинг ўзи ҳам Бобурнинг опаси Хонзодабегимга  
уйланган эди. Темурийлар билан шайбонийларнинг қуда-андачилиги ўзи бир мавзу бўлиб, алоҳида бир тад-  
қиқотни тақозо этади.

Мұҳаммад Шайбонийхоннинг шахси, сийрати қандай бўлган? Энди шу ҳақда икки оғиз сўзлаймиз. Уни болалигига Шоҳибек, Шоҳбаҳт деб аташган. Шайбоний номи эса унинг ўзи катта бобоси шарафига танлаб олган таҳаллуси бўлиб, шу номи билан тарихда қолган. У Ясси ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўради, замонасига яраша билим олади, истеъоддли шоир сифатида ҳам танилади, туркий (ўзбек) тилида мумтоз аруз вазнида шеърлар ёзди, булардан сақланиб қолганларини ўқисак, Шайбоний шеъриятининг тили, орадан 500 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, худди ҳозирги замон ўзбек адабий тили — бугунги шеърият тилимизнинг ўзи-ку, деган холосага келамиз. Мана, фикримизнинг тасдиги учун унинг бир газалидан кўйидаги байтни ўзингиз ўқиб кўринг:

*Бутхонани вайрон қилиб, майхона ободон қилиб,  
Гулхан эмасдур манзилинг, гулшан ҳавас қилгил равон.*

Юқоридаги мисраларга изоҳ ҳожат бўлмаса керак, ўзи шундоқ ҳам тушунарлидир.

Шайбонийхонга «Ҳазрати имом уз-замон халифат ур-раҳмон» унвони берилган. У хатми Куръон қилган

қорий ул-қурро бўлиб, тақводорликда уни темурийлардан Шоҳрух мирзога қиёс қилиш мумкин. Бироқ Шоҳрух мирзо охират ташвишига, руҳонийлар сұхбатига, диний китоблар мутолаасига кўпроқ берилиб кетиб, давлат ишларини малика Гавҳаршодбегим ихтиёрига топшириб қўйиб, Соҳибқирон тузган улкан давлатнинг гарбий ҳудудларини қўлдан чиқариб юборган бўлса, Шайбонийхон эса давлат юмушини биринчи ўринга қўйиб иш юритди. Етти-саккиз йил ичиди, яъни 1500—1507 йиллар ичиди тиним билмай ҳаракат қилиб, от суриб, Шоҳрух мирзо ўғли Мирзо Улуғбек билан бирга ҳукмронлик қилган бутун Туркистон ҳудудлари миқёсида марказлашган қудратли давлат туса билди.

Бу давлатнинг жанубий чегаралари Ҳироту Ҳиндикуш тоғларигача, гарби Сафавийлар давлатио Каспий денгизи бўйларигача, кунчиқар томони Шарқий Туркистонгача борар эди. Бу давлат бизким, ўзбекларнинг Амир Темур салтанатидан кейинги энг кучли давлатимиз эли. Бутун мусулмон дунёсида ҳам ўша кезлари энг буюк ва қудратли давлат бўлгани учун унинг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхонга халифа, халифат ур-раҳмон унвони берилган эди (унинг вафотидан кейин бундай унвон соҳиби булишлик шарафи усмонли сultonларга ўтиб кетди).

Шайбонийхоннинг узоқни кўра билиш фазилатларидан бири шу эдики, мадрасаларда олган билимлари асқотиб, деярли ҳамма вақт ҳарбий сафарларда бўлишибига қарамай, маърифат ва маънавият ишларига ҳам эътибор берди, пойтахт Самарқандда масжид ва мадраса қурдиришга улгурди. Темурийларга хизмат қилган ва янги етишиб чиқсан зиёлиларни ўз атрофига уюштира билди. Шундай зиёлилардан бири Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида эслаб ўтган, ўзбек мумтоз адабиётида ўз ўрнига эга таниқли шоир Муҳаммад Солиҳ Нурсаидбек ўғли эди. У Шайбонийхон шахси ва фаолияти ҳақида 76 боб, 4456 байтдан иборат «Шайбонийнома» деган эпик достон ёзган. Ойбек, Фафур Ғулом, Воҳид Зоҳидов каби алломаларимиз тавсияси билан 1961 йили нашр этилган ушбу асарда, жумладан, шундай сатрларни ўқишимиз мумкин:

*Давлати олий Темур кетгусидир,  
Навбат ўзга кишига еткусидир.  
Ул киши бордур Шайбонийхон,  
Хони Шайбондор у Маҳдийи замон.*

Ҳоли онинг ери Туркистондур,  
Ўзбек элига муazzам хондур.

Шайбонийхон эътиқодда событ инсон бўлган, юртимизда азалдан жорий бўлиб келган, Имом Аъзам — Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит асос солган ҳанафия мазҳабини шиа мазҳаби тарафдорлари хуружларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилган, ёт диний оқимларнинг ўлкамизга ёйилишига асло йул бермаган, ёт диний оқимларнинг пайдо бўлиши миллат жисплиги ва мамлакат бир бутунлигига, давлат қурдатига путур етказади, деб ҳисоблаган ва шу фикрида мустаҳкам турган. Унинг давлат арбоби сифатида айни туркираган, тажрибали лашкарбоши сифатида довруғ қозонган, ўзаро ички низоларга барҳам бериб, марказлашган давлат тушиб, раиятнинг тинч-хотиржам турмушини таъминланган, тижорат аҳлига хавф-хатарсиз карвон йўлларини очиб берган ҳукмдор сифатида фуқаролар ҳурматига эришган бир пайтда — 59 ёшида ногаҳоний шаҳид кетишига ҳам аслида эътиқодда событ эканлиги сабаб бўлган. У очиқ жангда — кураш майдонида эмас, балки макр-ҳийла билан маҳв этилади. 1510 йили Марв шаҳри яқинида сафавийлар томонидан қўйилган пистирмага тушиб қолиб, шаҳид бўлади. Фанимлари унинг азиз бошини шариати исломияга мутлақо зид бўлса-да (ислом дини бўйича Куръони каримни ёд билган кишининг боши дахлсиз, доимо омондадир), танасидан жудо қилиб, ўзлари билан олиб кетадилар. Бош чаноғига олтиндан гардиш қоплаб, қадаҳ сифатида — мўнди сифатида фойдаланадилар. Шайбонийхоннинг бошсиз жасадини қариндошлари Самарқандга келтириб дафн қиласидилар, қабр устига сағана ўрнатадилар. Бу сағана ҳозир Регистон майдонининг шимоли-шарқ тарафидадир.

Шайбонийлар сулоласи асосчисининг қисмати ана шундай тугаган бўлса-да, унинг жиянлари томонидан тезда яна қаддини ростлаб олади, фанимлар мамлакатимиз тупроғидан қувиб чиқарилади. Миллий давлатимиз ва дину диёнатимиз сақланиб қолинди. Шайбонийлар давлати айниқса шу сулола вакилларидан Убайдуллахон (1533—1539), Абдуллахон II (1557—1598) ҳукмронлик қилган йилларда мусулмон шарқида йирик ва қурдатли давлатлардан бирига айланган эди. Сафавийлар томонидан ҳам, Бобур авлодлари томонидан ҳам бир неча марта юртимизга ҳужум уюштирил-

ган бўлса-да, ҳар гал мұваффақият билан даф этилади, мамлакат ҳудуди Мұхаммад Шайбонийхон тиклаб кетган миқёсда сақлаб қолинади. Ташқи душманлар орасида «Туркистон мисоли асаларилар уяси, асал ейман деб бош суққан кимса заҳар ейди», деган ибора тарқалади.

Ҳурматли ўкувчиларимизда бизким, ўзбекларнинг бу миллий давлати ҳақида бирмунча кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш ниятида Шайбонийлардан Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳақида қисқача тұхтаб үтамиз. Зотан, бу икки тарихий сиймо нафақат шайбоний ҳукмдорлар орасида, балки умумузбек миллий давлатчилиги тарихда катта ўрин тутган, салмоқлы яхши из қолдирған, нозик, қалтис ва таҳликали замонларда фаолият күрсатған. Ислом Каримов таъбири билан айтғанда, XVI асрда бутун умри бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшаган аждодларимиздандир.

Давлат бўлар экан, унинг мафкураси ҳам бўлади. Лекин ҳамма гап ана шу мафкуранинг қандайлигига, нимани, қандай қарашларни мафкура деб танлаб олишдадир. Мафкуралар бўлар экан, уларнинг ўргасида кураш ҳам бўлиши, ўзаро муросай мадора ҳам бўлиши мумкин. Мафкуравий курашнинг эса хили ва тури кўп. Шулардан бири, бизнингча, энг номақбули — бу, мазҳаблараро курашлар. Чунки турли динлараро курашдан мазҳаблараро кураш даҳшатлироқдир. Мазҳаблараро кураш бир дин доирасида бўлади, яъни дини биру, мазҳаби бошқа кишилар орасида кечади, бундан мазкур динга эътиқод қилувчиларнинг бари жабр кўрадилар. Ислом динидаги асосий икки йўналиш — суннийлик билан шиалик тарафдорлари ўргасида олис үтмишда ва яқин кечмишда юз берган тўқнашувлардан икки тараф ҳам кўп талафот кўргани тарихдан маълум.

XIII асрнинг охирида Озарбайжоннинг Ардабил шаҳрида янги суфий-дарвишлик тариқати пайдо бўлади. Унга шайх Сафиуддин Исҳоқ (1252—1334) асос солгани боис сафавия тариқати деб аталади. Сафавия раҳбарлари XV асрда Ардабилнинг ҳукмдорларига, сафавий тариқати эса шайхларнинг сиёсий ҳокимият учун кураш таянчига айланади, шиаликдан мафкуравий қурол сифатида фойдаланилади. Исмоил I Сафавий 1502 йили ҳокимият тепасига келади, сафавийлар давлатига асос солади ва шиа мазҳабини расмий давлат мафкураси деб эълон қиласади... Туркистонда ҳокимият тепасига шайбонийлар келганида мамлакатимизнинг жануби-ғар-

бира шароит шундай эди — янги бир сиёсий күч — озарбайжон сулоласи бўлмиш сафавийлар давлати юзага келган эди. Ён қўшни бўлгани учун ҳам бу давлатдаги сиёсий тузум, мафкураси, ички ва ташқи сиёсати, албатта, бевосита ва билвосита бизнинг давлатимизга таъсир қилиши кутиларди. Шайбонийларнинг гарби-жануб йўналиши буйича олиб борган ташқи сиёсати асосан ана шу сафавийлар давлати ташқи сиёсатига тегишли жавоб қайтаришдан иборат бўлди, десак янглишмасак керак. Чунки бу ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, сафавийлар шиа мазҳабидан ўзга мазҳабни тан олмовчи — ўта мутаассиблар эдилар. Исмоил I Сафавийнинг ҳанафия мазҳабига эътиқод қилувчи Шайбонийхоннинг бош чаноғида май ичгани шу фикримизга бир далилдир.

Илк пойтакти Табриз, кейинги пойтактилари Қазвин ва Исфаҳон бўлган сафавийлар давлати таркибига дастлаб Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, ўша пайтдаги Эроннинг ҳудуди қараган. Кўчманчи туркий ҳарбий-сиёсий кучга — бошларига қизил салла ўраган аскарлари — қизилбошлиларга таянган сафавийлар шиаликни байроқ қилиб, мафкура сифатида қўллаб Туркистоннинг жануби-гарбини забт этишга интиладилар. Ана шунда азалдан аҳли сунна вал-жамоат бўлмиш, янада анифи, шу диний йўналишнинг ҳанафия мазҳабига эътиқод қилиб келувчи туркистонликлар шиаликни билъят ҳисоблар, ўз эътиқодларини, демакким, ватанларини ҳимоя қилишга киришадилар. Бу курашда уларга дастлаб Муҳаммад Шайбонийхон раҳнамолик қилгани ва шу йўлда шаҳид кетгани ҳақида юқорида сўзлаб ўтдик. Унинг ҳалокатидан кейин 1510—1520 йилларда амакиси Кўчкунчихон, 1530—1533 йилларда унинг ўғли Абу Сайд шайбонийлар давлатини бошқарадилар. Бироқ уларда ички низоларни бартараф этишда, Сафавийлар давлатидек қурдатли ташқи ғанимга қарши кураш олиб боришда шижоату үкув этишмайди.

Ана шундай бир шароитда тарих майдонига Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла султон чиқади. У ғайратли, укувли давлат арбоби ва шижоатли лашкарбоши эди. Унинг отаси Маҳмуд султон Муҳаммад Шайбонийхон даврида Бухоро ҳокими эди. Шайбонийхон шаҳид кетгач, Убайдулла султон 23 йил мобайнида Кўчкунчихон ва Абу Сайдларнинг Бухородаги ноиби сифатида мамлакат ҳаётида катта ўрин тутади. 1533 йили хонлик мансабини эгаллайди ва Убайдулла-

хон леб юритила бошлайди. Гарчи Самарқанд расман пойтахт ҳисобланса-да, Убайдуллахон мамлакатни Бухорода туриб бошқаради (кейинчалик шундай бўлади ҳам — пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилади). У қаттиқўллик билан иш тутади, дину диёнат бобида, яъни мафкура соҳасида қадрдон дўсти уламои киромлардан бири — тахаллуси Мир Араб бўлмиш Абдулла Сабронийга суюниб иш юритади. Тарихчи Ҳофиз Танишнинг ёзишича, Мир Араб Тошкентдан шимолроқда жойлашган Саброн шаҳрида камол топган, етук уламо бўлиб етишган. Давлат арбоби билан диний арбобнинг қадрдон дўстлигига боис шуки, Убайдуллахон ҳам уқимишли, билимдон киши, таниқли шоир бўлган. «Убайдий», «Убайдуллоҳ», «Кул Убайдий» (Кул Ҳожа Аҳмадга, яъни Аҳмад Яссавийга таҳассусб!) тахаллуслари билан ўзбек тилида фазал, рубоий, маснавий ҳамда бошқа адабий жанрларда асарлар яратган, форс, араб тилларида ҳам ижод этган, «Ғайратнома», «Шавқнома», «Китоб ус-салот» (Намоз китоби) каби маснавий йўлида насиҳатнома рисолалар яратган. Унинг бизгача етиб келган кулиёти 8931-рақами остида Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

1530 йили, Убайдулла сultonон хон ноиби бўлиб турган бир пайтда ҳам унинг ўзига, ҳам ҳамфикр дўсти Мир Арабга оғир бир синовдан ўтишга тўғри келади. Сафавийларнинг қизилбошлилардан иборат катта қўшини мамлакатимизга бостириб кириб, то Фиждуонгача етиб келади. Эл-юрт таҳлика остида қолади. Убайдулла сultonон ўз қўшини билан душманга қарши чиқади. Биринчи тўқнашув жанг тақдирини ҳал қила олмайди, сабаби душман қўшини сон жиҳатдан ўзбек қўшинидан бир неча марта ортиқ эди, Убайдулла сultonга Туркистоннинг бошқа вилоятларидан, жумладан, Самарқанддан ёрдамга юборилган кучлар ҳали етиб келмаган эди. Убайдулла сultonнинг қўшини кам сонли бўлгани учун эртаси куни бўлажак жангда қўли баланд келиши амри маҳол эди, лашкар орасида тушкунлик, парокандалик юз бера бошлайди. Ана шундай қалтис бир маҳалда, кеч оқшом пайтида Мир Араб ҳазратлари қўшин қошила шундай бир нутқ ирод этадиларки, бундан Убайдулла сulton лашкари ўта мутаассир бўлади, руҳи кўтарилади, жанговарлиги кучаяди ва ўша хуфтондаёқ тунги ҳужумга ўтиб, душман устидан тўлағала қозонади. Туркистоннинг мустақиллиги, халқимизнинг эрки, дину диёнати — мазҳаби, ор-номуси,

ифтихори сақланиб қолади, Убайдулла султон (темурйиларда сулола вакиллари — шаҳзодаларга нисбатан амирзода, мирзо иборалари қўлланилган бўлса, шайбонийларда эса ўғлон, султон ибораси ишлатилган, биз ҳам шунга риоя қиляпмиз) бу ғалабани унинг **маънавий илҳомчиси** Мир Арабга бағишлайди. Кейинчалик шу ғалаба шарафига янги мадраса қуришга фармон беради. Бу мадраса Бухорони Бухоро қилиб, унга курк бағишлаб, маърифат, руҳоният ўчоқларидан бири бўлиб келаётган Мир Араб мадрасасидир.

Мадраса қурилиши 1530 йили бошлаб юборилади. Қурилишда ҳалқимизнинг турли қатламлари, савобтаглаб ҳунармандлардан тортиб толиби илмларгача, ўша жангда қатнашган ғолиблардан тортиб, руҳонийларгача қатнашадилар, чунки кўл бўлиб, имон-эътиқоддан айрилиб қолиш хавфидан қутулиш севинчи шундай ҳимматни, шундай сафарбарликни келтириб чиқарган эди. Мадраса қурилиши 6 йил давом этиб, 1536 йили битказилади, бу пайтга келиб Убайдулла султон хонлик таҳтига чиқиб, Убайдуллахон номини олган, давлат пойтахти амалда Бухоро бўлиб қолган эди. Шундан бери бу мадраса узлуксиз равища (ҳатто ўйролар замонида ҳам) илм-маърифат ўчиғи бўлиб келаётир.

Азиз ўқувчи! Агар йўлингиз Бухорога тушиб, Мир Араб мадрасасини зиёрат қиласидиган бўлсангиз, ўша жанг оқшомини ва Мир Араб нутқини хаёлан бир эслаб қўйинг, унинг руҳи шод бўлганидан сизнинг ҳам дилингиз равшан тортса, сафарингиз янада кўнгилли ўтса ажаб эмас, иншооллоҳ!

Шайбоний ўғлонлардан икки кишининг исми Абдулла бўлган, шу боис I ва II рақамларини қўшиб айтиш зарур. Абдуллахон I қисқа муддат — 1539—1540 йилларда ҳокимият тепасида турган. Абдуллахон II 1534 йили туғилиб, 1598 йили тасодифан вафот этган. Унинг портрети 1572 йили яратилган миниатюрада сақланиб қолган. Абдуллахон II гарчи 1583 йили расман хон деб ўзлон қилинган бўлса-да, амалда 1557 йилдан бошлаб сиёсий ҳокимият унинг қўлида эди. 100 йилча давом этган шайбонийлар ҳукмронлигининг салкам ярим муддати унинг фаолияти билан боғлиқ, десак бўлади. Унинг бутун фаолияти эса ички айрмачиликларга барҳам бериш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, Туркистон мамлакатининг барча ҳудудларини бирлаштириш, ҳунармандчилик, дәхқончиликни ривожлантириш, ички ва ташқи савдо-сотик ишларига кенг йўл ва химоялан-

ган шарт-шароит яратиб бериш, шаҳар ҳаётини жонлантириш, илм-фан, адабиёт ва санъат равнақига аҳамият бериш, улкан қурилиш ва сугориш ишларини кучайтириш ва шу каби яратувчиликка қаратилган эди. У ҳокимиятни бошқарған йилларда, аниқроғи, хонлик даврининг иккинчи бұлагида Шайбонийлар давлатининг шимолий худудлари Сибир хонлиги билан, шимоли-ғарби Ресей подшолиги билан, ғарби Каспий деңгизи билан, ғарби жануби эса сафавийлар давлати билан, жануби эса Қандахор шаҳри билан, жануби-шарқда бобурыйлар Ҳиндистони билан, шарқда Шарқий Туркистан билан чегарадош эди. Ясси, Сайрам, Тошкент, бутун Фарғона водийси, Мовароуннахр, Хоразм, Ҳисор, Чаганийён, Балх, Машҳад, Ҳирот каби вилоятлар унинг қalamравида эди.

Бутун Туркистан мамлакатини ягона түг, ягона пойтахт атрофида бирлаштира олиш шарафи ва баҳти Амир Темур бобомиздан кейин фақат Абдуллахон II га насиб этди. Шу ҳолни назарда тутсак, Абдуллахон II ни ўзбек давлатчилиги тарихида катта ўрин эгалловчи буюк давлат арбобларидан бири, дейишига ҳақлимиз. У бундай шарафга истеъодли ва журъатли лашкарбошлиги билан, тадбирли сиёsatдонлиги билан, моҳир дипломатлиги билан, мамлакат иқтисодини суформа деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш асосида кутариш билан эришди. Маълумки, иқтисодий замин бўлгач, илм-фан, маданият, меъморчилик, адабиёт ва санъат равнақ топади. Умуман, шайбонийлар даврида, хусусан, Абдуллохон II даврида юртимизда худди шундай ҳол юз берди.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, шайбонийлар даврида юртимизнинг деярли барча худудларида кўплаб янги сугориш иншоатлари қурилиб, ишга туширилган, душманлар томонидан барбод этилган эски сугориш шохобчалари қайта тикланган. Шулардан айримларини тилга олиб ўтамиз. Деҳқончиликни ривожлантириш учун Туркистондаги деярли барча дарёлар — Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчик, Вахш, Мурғоб дарёларининг суви ишга солинган. Сулолабоши Муҳаммад Шайбонийхон бу ишни Сирдарё суви ила Сигноқ шаҳри атрофини обод қилиш билан бошлаб берган. 1502 йили эса Зарафшон дарёсининг Оқдарё ва Қорадарёга айрилиш ерида (тарихан бу жой Миёнкол дейилади) сувайиргич — кўприк қурдириб, атроф ерларни экинзорларга айлантиради. Сугориш иншоатларини қуриш Шайбо-

нийхондан кейинги хонлар даврида ҳам давом эта борган бўлса-да, бу соҳа, айниқса, Абдуллахон II замонида юксалди.

Мамлакатимизнинг деярли барча катта-кичик дарёлари ва сойларидан деҳқончиликни ривожлантириш учун имкони борича ўринли ва унумли фойдаланилди, юзлаб катта ариқ (канал) ва ариқлар, сувайиргичлар, сув омборлари, кўпприклар, тўғонлар қурилди. Шуниси дикқатга сазоворки, тўғонлар шундай усти кенг қурилганки, улардан айни пайтда кўпприк сифатида фойдаланилган. Камолиддин Биноийнинг ёзишича, биргина Зарафшон дарёси бўйлаб 21 та ана шундай иншоот қурилган. Шунингдек, бу даврда янги сув иншоотларини бунёд этиш билан бирга турли даврларда қурилиб, орадан йиллар ўтгач, ҳар хил сабабларга кўра ишдан чиққан ёки қаровсизликдан ташландиқ бўлиб қолган кўхна суғориш иншоотлари қайтадан бунёд этилган ва жиддий таъмирланган. Масалан, Мирзо Улугбек вафотидан кейин ташландиқ бўлиб қолган Бухоро атрофидаги ерлар, сомонийлар ва салжуқийлардан кейин суғорилмай қовжираб ётган Афшона қишлоғи, Ромитан тумани, Чоржўй атрофларига сув келтирилиб, янгитдан экинзорларга, боғ-роғларга айлантирилган. Тошкентнинг шимоли-шарқидан оқиб ўтвучи Золариқ ҳам 1583 йили жиддий таъмирланиб, шаҳарнинг шимолий тарафида янги экинзорлар, полиз ва боғ-роғлар бунёд этилган.

Шайбонийлар замонида, хусусан, Абдуллахон II даврида чингизийлар томонидан хароб этилган ерларга қайта жон бағишлиланган. Масалан, 1568 йили Мурғоб дарёсидан катта ариқ (канал) қазиб келиниб, Марв шаҳри атрофидаги дашт ва ташландиқ ерлар ободонлаштирилади, бу жойлар 300 йилдан бери қаровсиз ётарди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шайбонийлар давридаги сув иншоотларининг дарражаси, кўлами, сифати ва техник жиҳатлари ҳақида бир озгина тасаввур ҳосил қилиш учун Абдуллахон банди деб аталувчи иншоотни қисқача таърифлаб ўтиши кифоя бўлса керак. Абдуллахон II 1580-йилларда қурдирган бу сув омборининг қолдиқлари яқин-яқинларгача ҳозирги Нурота тумани, Эски Оқчоб қишлоғидаги Бекларсой дарасида сақланиб қолган. Абдуллахон бандининг тўғони сланец тошлардан қурилиб, тош палаҳсалари сувга чидамли маҳсус ганч қоришмаси — қир

билин бириктирилган. Тұғоннинг узунлиги асосида 73 метр, юқорисида 83 метр, баландлиги 14 ярим метр. Абдуллахон банди зинапоя шаклида қурилған. Бунда сув босими ва унинг кучи ҳисобға олинған ҳолда тұғон асосининг қалинлеги 15 метру 30 сантиметр, устки қисми 4 ярим метр қилиниб, зинапоя шаклида қурилған. Тұғон олдода ҳосил бұлған сув омборининг узунлиги 1500 метр, эни 75—125 метр бұлған. Абдуллахон бандига таҳминан 1 миллион 200 минг кубметр сув тұпланған. У үз вақтида сувнинг оқиб чиқиши учун кераклы иншоотлар мажмуси билан таъминланған экан. Абдуллахон бандининг аниқ ҳисоб-китобларга күра пишиқ-пухта қилиб қурилғани үн олтинчи асрлік мироб (ирригатор)ларимиз ҳам геология ва гидрогеология илмидан яхшигина хабардор эканларларини күрсатади.

Түркістан мамлакатыда сұғорма деңқончилик тарихи билан қазиқан үқувчилар эндилікда мархум, танқиғи тарихчи олим Маңқам Абдураимовнинг иккі жылд, 43 босма табоқ, 656 сақиғадан иборат «XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигіда ағрап мұносабатлар очерки» («Фан», Тошкент, 1966, 1970) деган монографияси билан танишишлари мүмкін. Бу китобда, шунингдек, ерга мулкчиликнинг турлари: давлатға қарашли ерлар, хусусий ерлар, ушр ерлар, ҳур ва холис ерлар, вақф ерлар, хон ва амалдорларға қарашли ерлар, күчманчи қабилаларға тегишли ерлар, суюргол ерлар, тәнқо ерлар, дарbast ерлар, улуфа, маважиб, робита ерлар ва тархонлик (ер солиғидан озод булишлик) ҳақида, ер солиғи турлари ва шу қабилар тұғрисида батағсил маълумот берилған.

Барча воҳа ва водийларни ишғол қилған деңқончилик күп тармоқты (боғдорчилик, фаллачилик, шоликорлик, пахтачилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва шу қабилар) бұлған, пиллачилик ҳам ривож топған. Ҳар бир деңқон хонадонининг үзиге яраша (бираңа күп, иккінчисида кам) қорамоли, қуй-әчкиси, құш ҳұқизи, улови, паррандаси бұлған. Қирларда, тоғолди ҳудудларда ва тоғлик қишлоқтарда лалми фаллачилик қилинған. Ўлкамизнинг бепоён яйловларida — воҳаларға туташ ерларда халқимизнинг муайян қисми, олис ва яқын дашту саҳроларда мамлакатимизнинг раияти ҳисобланған қардош туркій әлатлар ва қабилалар ҳам анъанавий чорвачилик билан шуғулланишған, тегишли давлат солиғини тұлаб, ташқи ҳужумдан ҳимояланған ҳолда ва хавф-хатарсиз яшаганлар. Бу ҳол мам-

лакатда, умуман, чорвачиликнинг, хусусан, қўйчилик, йилқичилик ва тячаликнинг ривожига омил бўлган, эл-юртда тўқчиликни таъминлаган.

Бадавлат чорвадорлар эса барча бой фуқаролар сингари моли тула нисобга етгач, Оллоҳ таолонинг фарзларидан, Ислом динининг руқнларидан биро бўлмиш закот берганлар. Закот берувчи киши мусулмон, озод, балоғатга етган, ақли расо одам бўлиши шарт. Тяя, қўй, эчки, қорамолга закот берилган, агар улар дала-ларда, чўлу саҳроларда боқилса. Уйда ишлатиб, юқ ташиб, боқилган ҳайвонларга закот бериш буюрилмаган. Бештадан кам тяяга закот йўқ, агар бештага етса, дала-да ўтласа, бир йил ўтса, тўққизтага етгунча битта қўй берилади, ўнтага етса иккита қўй берилади то ўн тўрттага етгунча... Агар йигирма бештага етса, то ўтиз бештага етгунча битта икки ёшга қадам кўйган буталоқ берилади...

Ўттизтадан кам қорамолга закот йўқ. Агар ўттизтага етса, яйловда ўтласа, бир йил ўтса, икки яшар битта бузоқ берилади. Қирқтага етгандан битта уч яшар бузоқ берилади ва шу тартибда давом этади.

Қирқтадан оз қўйга закот йўқ, қачон қирқта бўлса, яйловда боқилса, бир йил тўлса, бир юз йигирмата бўлгунча битта қўй берилади, бир юз йигирмата бўлса икки юзтага етгунча иккита қўй берилади, икки юз битта бўлса учта қўй, тўрт юзтага етса тўртта қўй, кеинин ҳар юзта қўйга битта қўй берилади, масалан, мингта қўйнинг закоти ўнта қўйдир. Закотда қўй билан эчкининг ҳукми бир.

Отнинг закоти бундай: агар от яйловда ўтласа, айғир ва бия аралаш бўлиб бир йил ўтган бўлса, ҳар бир отга битта олтин тантга закот берилади. Закот учун молнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам берилмайди, балки ўртачаси берилади ҳамда кам таъминланган кишиларга топширилади.

Юқоридаги қоидалар буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғониий томонидан ишлаб чиқилган шаръий ҳукмлардир. Бу ҳукмларга Имом Аъзам фатволари асос қилиб олинган. Закотнинг моҳияти шундаки, унинг воситаси ила фуқаролар ўргасидаги иқтисодий жиҳатдан тафовутни тартибга солиб туради. Президент Ислом Каримовнинг Узбекистон фуқаролари ўртасида иқтисодий жиҳатдан тафовут мөъёрида бўлиши лозимлиги ҳақида илгари сурib келаётган йўл-йўриқлари ва қўрсатмалари замирада ҳам умумхалқ ва умумдав-

**лат манфаатлари назарда тутилгани ётадир.** Чунки фу-  
кяролар уртасидаги иқтисодий жиҳатдан тафовутнинг  
ҳаддан ташқари ошиб кетиши жамият қатламлари ора-  
сида айрим зиддиятларни келтириб чиқариши ҳам мум-  
кин. Мавриди билан, закот тушунчаси ҳақида ҳикоя  
қилиш асносида Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг  
ана шу огоҳлантиришининг аҳамиятини эслатиб ўтдик,  
холос.

Тоғлик қишлоқ аҳолиси асосан чорвачилик, лалми  
галлачилик, боғдорчилик билан, йирик тоғ қишлоқла-  
рида эса узоқ қиш кунларида хунармандчилик билан  
ҳам шуғулланишган. Анъанавий кӯчманчи турмуш ке-  
чирувчи чорвадор аҳоли ўз асосий ишига қўшимча ра-  
вишда хунармандчиликнинг айрим турлари билан ҳам  
шуғулланган. Масалан, кигиз, полос, гилам тўқиши. Кат-  
та-кичик дарёларнинг ёқаларида яшовчи аҳоли балиқ  
овлаган, сув омборларида ва маҳсус ҳовузларда балиқ  
урчитилган. Тўқайзорлар ва ўрмонларда ов қилинган.  
Вақти-вақти билан хон, углонлар, амирлар, вилоят ҳо-  
кимлари ва туман беклари томонидан йирик ов тад-  
бирлари ўtkазилган. Бундай тадбирлар, биринчидан,  
лашкарнинг жанговарлигини ошириш борасида ҳар-  
бий машқ бўлса, иккинчидан, ов ўлжаси қўшин таъми-  
ноти учун сарфланган.

Жойларда хусусан сугориш ишларига, умуман қишлоқ  
хўжалиги ишларига мироблар, ариқ оқсоқоллари,  
қишлоқ оқсоқоллари ва аминлар мутасаддилек қилиш-  
ган, мамлакат миқёсида эса бу вазифани девонбеги  
бошқариб борган.

**Йилқичиликка маҳсус эътибор берилган.** Бу соҳага  
мирохур ва бош саис деб аталувчи лавозим эгалари  
масъул булишган. Чунки ўзбек қўшинининг асосий қис-  
мини отлиқ аскарлар ташкил этган. Дехқончиликка  
халқнинг асосий ризқи манбаи деб қаралган, унинг рав-  
нақига давлат миқёсига аҳамият берилган (масалан, су-  
фориш ишларига қаратилган жиддий эътибор ҳақида  
юқорида сўзлаб ўтилди) ҳамда давлат ҳокимияти томо-  
нидан ҳосилдорликда энг юқори кўрсаткичга эришган,  
қишлоқ аҳолиси орасида энг катта хирмон уйган дех-  
қонлар ҳазинадан бериладиган торгиқлар билан муко-  
фотланган, яъни йил сайин рағбатлантирила борилган.  
Чунки дехқоннинг катта хирмонидан мамлакатнинг ул-  
кан хирмони вужудга келади, дехқоннинг ўзи түқ бўл-  
магунча шаҳар аҳли фаровон яшай олмайди. Мукофот-  
лаш маъракалари кузда ҳосил ердан кўтарилиб, хир-

монга уюлганда, хирмон бошида, халойиқнинг кўз ўнгидаги ўтказилган. Бунда пойтахтдан келган маъмур, ёки вилоят ҳокими ёки туман беги, ҳеч бўлмаса, бир неча қишлоқнинг бошлиғи ҳисобланмиш амин томонидан илфор дехқонга чопон ёки чакмон кийдирилган. Ва аксинча, шу маросимда муттасил З йил қаровсиз қолдирилган ер аниқланган бўлса, ернинг эгаси ундан фойдаланиш ҳукуқидан маҳрум этилгани эълон қилинган, бу шаръий ҳукм бўлиб, шикоятга ўрин қолмаган. Халқимиздаги «От минганиники, ер ишлаганики» деган нақл ана шундан қолган. Мазкур тадбир миллий давлатчиликимизнинг қишлоқ ҳўжалигини узлуксиз ривожлантира бориш йўлидаги аграр сиёсатининг бир кўринишидир. Бухоро күшбегиси архивининг сақланиб қолган 8 мингга яқин ҳужжатлари орасида илфор дехқонларни рафбатлантириш, ялқовларни ердан фойдаланиш ҳукуқидан маҳрум этиш ҳақидаги расмий ҳужжатлар бор.

Марказлашган сиёсий ҳокимиятнинг ўрнатилиши умумий иқтисодий ривожланишга замин тайёрлаган бўлса, иқтисодий юксалиш ўз навбатида шаҳар ҳаётини ҳам жонлантириб юборган, натижада маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳалар равнақ топа бошлаган. Бундай юксалиш айниқса меъморчиликда яққол кўзга ташланади, зотан, меъморий ёдгорликлар давр кўзгусидир.

Шайбонийлар ўзбек меъморчилигини равнақ эттириша темурийлардан кейин энг катта ҳисса қўштаги, энг чуқур из қолдирган сулоладир, десак янгилишмаймиз. Бу ишда сарой аёнлари ҳам фаол қатнашганлар. Мисоллар келтирамиз. Самарқандда Муҳаммад Шайбонийхон, Абу Сайдхон мадрасалар курдириштан. Муҳаммад Шайбонийхон бундан ташқари Яssi шаҳрида жомеъ масжиди қурдирган, Балх шаҳри қаъласининг деворини таъмирлаттирган. Убайдуллахон томонидан Бухорода Мир Араб мадрасасининг қандай қурдирилгани ҳақида юқорида ҳикоя қилиб ўтдик. Умуман олганда, шайбонийлар қурилиш бобида эътиборни кўпроқ Бухорога қаратдилар ва бу иш айниқса Абдуллахон II даврида равнақ топди ва ўз чўққисига чиқди. Аввало шаҳар девори таъмирланди. Абдуллахон II қурдиригандаги маъмурӣ, жамоат ва тижорат биноларининг рўйхатини тузсак ўзи бир саҳифа бўлиши мумкин. Кўши мадраса (бири хоннинг онаси шарафига бунёд этилган), Абдуллахон тими, Заргарлик, Саррофлик, Телпак сотув-

чилар токи (растас)лари ва бошқалар. Абдуллахон II Балхла ҳам мадраса Қурдирган. Юртимиизда ҳозиргача сакланиб келаётган меъморий ёдгорликларнинг анча қисми худди ўша шайбонийлар замонида бунёд этилган. Мисол учун, Тошкентдаги Бароқхон, Қўкалдош мадрасалари, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил Шоший мақбарасини тилга олиш мумкин. Қўкалдош номли мадрасалар Тошкентдан ташқарида Бухоро ва Балхда ҳам бор. Булар шайбонийларнинг йирик давлат арбобларидан бири Қулбобо Қўкалдош томонидан курдирилган. Шайбонийлар давридаги қурилиш ишлари фақат мадраса, масжид ва мақбара билан чекланиб қолмаган, албатта. Бу даврда пойтахт ва вилоятларда кўплаб карвонсарайлар, работлар, ҳаммомлар, бозор расталари ва шу кабилар қурилган. Бир сўз билан айтганда, шайбонийлар ҳам худди темурийлар сингари бунёдкор сулолалардан эди.

Шайбонийлар худди темурийлар сингари ниҳоятда ўқимишли, мадраса таълим мини олган, дунёвий ва ухровий билимларни эгаллаган, ҳарбий санъатда ҳам, шерьирий санъатда ҳам истеъодли, учта тилни — ўзбек, форс ва араб тилларини билган, ҳатто форсчани ғазал ёзиш даражасида мукаммал эгаллаган, хуллас, зиёли давлат арбоблари бўлишган. Шайбонийлар даврида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, меъморчиликнинг равнақ топишида сулола вакилларининг ибратли шахсий таъсиrlари ҳам залворлидир. Мамлакатнинг турли томонларидан таниқли шоир, тарихчи ва олимларнинг шайбонийларни қора тортиб, паноҳ излаб Бухорога келишлари ва лаёқатларига қараб хизмат билан, мавқеларига қараб мансаб ҳамда уй-жой ва етарли маблаг билан таъминланишлари, иззат-икром топишларининг боиси ана шундадир. Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Рустам сulton, Абдулазизхон ва Жавонмардали сulton шоир бўлишган, ўзбекча ва форсча шеърлар ёзишган. Абдуллахон I эса мусиқашунос, со занда ва хаттот ҳам бўлган. Абдуллатифхон тарих ва астрономия билан шуғулланган. Абдуллахон II Куръони каримни тафсир қилишда, Ҳадиси шарифларни таҳлил ва талқин қилишда дин пешволарининг таҳсину тан олишларига сазовор бўлган... Бу таърифу тавсифларимиз шунчаки даромади гаплар эмас, балки ўша даврда замондошлари бўлмиш таниқли муаллифлар томонидан ёзib қолдирилган холис фикрлардир. Мисол тариқасида бу китоблардан айримларини — Камолид-

дин Бинойнинг «Шайбонийнома», Мұҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Фазлulloҳ ибн Рӯзбехоннинг «Мөхмөнномаи Бухоро» ва «Сулук ал-мулук» (Убайдуллахоннинг топшириғига кура ёзилган бу рисолада ахлоқ ва ҳуқуқ масалалари баён этилади), Мулла Шодининг «Фатҳнома» (Шайбонийхоннинг таржимаси ҳоли шеърий тарзда ҳикоя қилинади) ва «Таворихи гузидай нусратнома» (узбек тилидаги насрый асар), Абдулла ибн Мұҳаммад ибн Али Насрулланинг «Зубдат ул-осор» (узбек тилида), Ҳофиз Таниш ибн Мир Мұҳаммад ал-Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳи» (бу асар «Абдулланома» номи билан машхур), Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақеъ» деган асарларини келтирамиз. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Лекин шу номи тилга олинган мумтоз тарихий ва мемуар асарларнинг ўзиёқ шайбонийлар даврида ҳам темурийлар даврида бўлганидек, тарих фани анча ривож топганини кўрсатади. Бироқ, фарқи шундаки, темурийлар даврида тарихий китоблар кўпроқ форсча ёзилган бўлса, шайбонийлар замонида эса ўзбек тилида ҳам таълиф этилади.

Шайбонийлар даврида китобат ишларига — қўлёзмаларни ҳусниҳат билан кўчириш йўли билан нусхасини қўпайтириш, уларни воқеабанд миниатюралар билан бе-затиш, чиройли ва чидамли мўқоваларга жамлашга катта эътибор берилади. Шу тариқа, Алишер Навоий ҳомийлигига Камолиддин Беҳзод ва унинг сафдошлари томонидан яратилган Ҳирот рассомлик мактаби сингари Бухоро рассомлик мактаби вужудга келади. Зотан, бу даврга келиб, бизким, ўзбекларнинг бу борадаги маркази ҳам Ҳиротдан Бухорога кўчган эди. Шайбонийлардан Абдулазизхон ва Абдуллахон II нинг китобхоналари ўша замон мусулмон Шарқидаги энг йирик китоб хазиналаридан эди.

Шайбонийлар даврида ҳали темурийлар замонидаги юксалишининг руҳи сўнмаган эди. Нафақат пойтаҳт шаҳарлар бўлмиш Самарқанд ва Бухорода, балки шулар билан бир қаторда мамлакатнинг барча вилоятларida ҳалқимизнинг бунёдкорлик ишлари давом этар, барча вилоятларимизда ҳам бизким, ўзбеклар бағридан етишиб чиққан истеъдодли олимлар, шоирлар, тарихчилар, уламолар, санъаткорлар, меъморлар ва шу каби маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат аҳли самарали ва баракали фаолият кўрсатар эдилар. Чунки бизким, ўзбекларнинг бирлашган, уюшган ва марказлашган ўз

миллий давлати, довруғи етти иқлимга бориб етган Буҳоро шарифдек пойтахти бор эди, қорахонийлар салтанатидан сұнг, яни 1212 йилдан кейин орадан уч ярим аср үтгач, Бухоро пойтахтың мақомига эришган эди. Мусулмон Шарқидаги анъанавий удумга күра сулолага асос соглан шахс — сулолабоши номи билан аталувчи Шайбонийлар давлати ибтиодан — энг қадим замонлардан Турон деб, милодий 539 йилдан ҳам Турон, ҳам Туркистон деб номланиб келаётган мамлакатимизга янги ном берди! Юртимиз ҳам Туркистон, ҳам Үзбекистон дея атала бошланди. Масала аниқлашди, ечимины топди. Минг-минг йиллардан бүён мавжуд нарса, аллақачонлардир шаклланиб бўлган этник бирлик — халқимиз ўзига мос ва ўзига хос номини топди: ўзбек! Шайбонийларнинг тарихий хизматларидан бири, айтиш мумкини, қайтарилмас хизматларидан бири шуки, Туркистон деганда барча туркий халқларга муштараклигимизни, Үзбекистон деганда эса ўзлигимизни бошқа туркий халқлардан маълум даражада ўзига хос белги ва хислатлари, турмуш тарзи ва бошқа шу кабилар билан фарқланувчи, хуллас, ўз миллий қиёфасига эга бизким, ўзбекларнинг мамлакати тушуниладиган бўлди. Бу чиндан-да қайтарилмас тарихий воқеа бўлиб, аллақачонлардир дунёга келган, камолотга етиб, ўзлигини намоён қилган, Турону Туркистон заминига туп қўйиб, палак ёзган халқ, бизким, ўзбекларнинг ватанига худди олтин узукка ёқут кўз қўйилганидек муносиб, мазмундор ва шарафли ном берилган эди: Үзбекистон!!!

Шу ўринда XVII асрда Бухоро, Жиззах ва Хуқанд шаҳарларида яшаб, ижод этган халқпарвар шоирларимиздан бири Турдининг ушбу байтини эслатиб ўтишни жоиз кўрамиз:

*Тор кунгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бовли ўзбек юртидур, менглик қилинг.*

## Бешинчи боб

### ОЛТИН УЗУККА ЁҚУТ КЎЗ

Бизким, ўзбеклар ҳам хонлиги, ҳам беклиги бор қадимий халқларданмиз. Ўтмишда шаҳар, туман ва вилоят ҳокимларига, сарой аъёнларига бек деган унвон берилган. Шундай унвон эгаси бек деб аталган. Бу

унвон аждоддан авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган. Кўқон хонлигига давлат ишларини бошқарувчи, олий ҳукмдорга яқин бек бекларбеги деб аталган.

Ота-оналар орасида ўғлим ўсиб-улгайиб, беклик мартабасига эришсин, деган ниятда фарзандларига Ойбек, Отабек, Бобобек, Ботирбек, Арслонбек, Турсунбек, Шербек, Темурбек, Пўлатбек, Улугбек, Жонибек каби исмларни қўйиш одати азалдан удум бўлиб келган. Бек сўзи қўшиб айтилган бундай киши исмларини ҳалқ оғзаки ижодида ҳам, бадий, тарихий ва мемуар асарларда ҳам учратиш мумкин. Бу билан айтмоқчимизки, ўзбек ибораси ҳам шахс отларидан булиши, қачонлардир некбин аждодларимиздан қайси бир ота-она ўз ўғлига Ўзбек деб от қўйган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу воқеа балки милоддан илгари, балки илк ўрта асрларда юз бергандир. Энди аниқ бир тарихий шахс — Олтин Ўрда давлатида 1312—1342 йилларда ҳукмронлик қилган Ўзбекхон ҳақида қисқача тұхталамиз. Ўзбекхоннинг асли исми Султон Муҳаммад эди, хон сайлови қурултойида унга Ўзбекхон унвони берилади, яъни ўзбекларнинг хони деб эътироф ва эълон қилинади. Бу далил то Султон Муҳаммад хонлик таҳтига чиққунча уни сайлаганлар ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблаганликларини билдирип турибди. Бизнингча, ўзбек атамаси ҳудди турк сўзининг маънодоши бўлиб, ўзига ишонувчи, мустақил фикрловчи ва иш тутувчи, ботир (Абдурауф Фитрат ҳам «Абулфайзхон» трагедиясида шу сўзни ишлатиб, «Ўзбек ўғлонлари ботир бўлурлар» дейди), мард, ёвқур, чекинмас сингари фазилатларни англатган.

Ўзбекхон замонида Олтин Ўрда давлати шу даражада равнақ топдики, қўшинларининг сони 300 минг кишидан ошиб кетади. Ана шу навкарлар Ўзбекхонга нисбат бериб, унингдек ботир, мард, ёвқур, чекинмас, ўзига ишонувчи ва бир сўзида турувчи бўлишга таҳассуб қилиб, ўзларини ўзбек деб атар эдилар. Ўзбекхон ҳукумати фақат ҳарбий салоҳияти билангина донг таратмайди, балки бунёдкорлик ишлари билан шуҳрат қозонади. Ўзбекхон замонида кўплаб масжид, мадраса ва мактаблар курилади, бу ишларни амалга оширишда хоразмлик меъмор, наққош ва усталар ҳам жалб этилади, ўша кезлари Хоразм диёрининг шимолий қисми шу давлат таркибида эди. Ўша иморатлардан айримлари тарих синовларига дош бериб, ҳозиргача сақланиб қолган. 1983 йили Қиримнинг Эски Қирим (Сўлғот,

яъни Сўл Қанот) шаҳрида бўлганимизда Ўзбекхон қурдирган бир мадраса билан бир жомеъ масжидни зиёрат қилган эдик. Улар ҳамон «Ўзбекхон мадрасаси», «Ўзбекхон жомеъ масжиди» деб аталар экан. Ўзбекхон бошлаб берган бундай бунёдкорлик ишлари унинг вориси Жонибек Султон (1342—1357) замонида ҳам муваффақиятли давом эттирилади.

Шу даврдан эътиборан Олтин Ўрда давлатини Миср ва бошқа араб мамлакатларининг тарихчилари «Мамлакати ўзбек» деб, юнон, рум ва форс тарихчилари эса «Ўзбекия» деб ўз асарларида ёритадилар. Мирзо Улуғбек эса «Тўрт улус тарихи» асарида Ўзбекхоннинг ҳоқимият тепасига келишини «Ўзбек улуси унга берилди» деб ёzáди. Унинг фикрича, Олтин Ўрда давлати Султон Муҳаммад — Ўзбекхонгача ҳам «Ўзбек улуси» деб аталган. Ўзбек атамаси Олтин Ўрда давлатида яшаган, Ислом динини қабул қилган Орлот, Бахрин, Бургут, Дўрмон, Қитой, Қорлук, Можор, Қипчоқ, Қиёт, Қўнғирот, Мангит, Найман, Нукуз, Танғут, Кушчи, Минг каби туркий қабилалар уюшмасини, яъни ўзбек халқи маъносини ва шу халққа тегишли мамлакатни билдирган. XIII асрнинг иккинчи ярми, XIV асрда яшаган Шарқ тарихчилари томонидан бу халқ умумий ном билан ўзбек деб аталган. Мирзо Улуғбекка замондош машҳур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи сайдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қушилиш жойи») асари иккинчи жилдининг биринчи қисмida XV асрнинг биринчи чорагида юз берган воқеаларни баён этганида «Ўзбек вилояти», «Ўзбек мамлакатлари», «Ўзбек улуси» ҳақида тўхталиб ўтади.

Чингизхон қўшинининг муайян қисми ҳали ислом динига ўтмаган шомоний ва мажусий туркий қабилаларнинг вакиллари экан. Туронда, жумладан, Шарқий Туронда шундай бир одат бўлганки, қайси бир қабила ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлиб қолса, ўша қабила бошлиғи атрофига бошқа қабилаларни уюштириб, қабилалар тузилмасини тузган. Бу тузилма кучли қабилаларнинг номи билан аталган. Чингизхондан илгари ҳам бундай тузилмалар бўлган. Ўгузхон атрофига уюшган қабилалар ялписига ўғузлар деб, Қипчоқхон атрофига уюшган қабилалар қипчоқлар деб, Тоторхон атрофига уюшган қабилалар ялписига тоторлар деб аталган. Шунга ўхшашиб Чингизхон қўшини ҳам, у билан эргашиб келган аҳолининг муайян қисми туркий қабилаларнинг

вакиллари эди, фарқи шундаки, улар ҳали Ислом динига ўтмаган, шомоний ва мажусий эдилар. Шу боис улар орадан йиллар ўтгач, Ислом динини қабул қилиб, Туранзаминнинг туб ахолиси бўлмиш туркий халқларга сингишиб кетиши. Маълумки, ўша замондаги мўғул саҳросидаги турмушдан, улар забт этган ўлкалардаги, жумладан, Туркистондаги ҳаёт маданий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан анча юксак эди. Одатда илфор турмуш тарзи қолоқ турмуш тарзини ўзига бўйсундиди. Чингизийлар ва улар билан бирга келган туркий қабилалар билан ҳам худди шундай ҳол юз берган.

Фарб тарихчилари, айниқса, шўро тарихчилари томонидан барлос, жалойир ва бошқа шу каби туркий қабилаларни мўғуллардан эди, Туркистонга келгач, аста-секин туркийлашиб кетган, деб келинди. Ҳозир ҳам шу ногўри фикрни илгари сурувчи тарихчилар йўқ эмас, бундайлар ҳатто ўзбек тарихчилари орасида ҳам бор. Уларни ҳам тушунса бўлади, улар гарблик устозлари берган «таълим» туфайли нотўғри фикрга келиб қолишган. Бизнингча, бу фикр ҳақиқатдан йироқ, но-тўғри тушунчадир.

Албатта, бундай фаразли фикр ўртага ташланиши бежиз бўлмаган. Сабаби шуки, Туркистонга, барча туркий халқларга Ҳусрав Деҳлавийдек, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва Бедилдек юзлаб буюк сиймоларни берган, барлос деб аталган аждодларимизни биздан, биз ворис авлодларни улардан ажратиб қўймоқчи эдилар. Ахир, барлосларни туркий эмас дейиш, темурийларни ҳам туркий эмас, дейиш билан баробардир. Гоявий ганимларимизга ана шу нарса керак эди. Бундай зарарли талқиннинг туб моҳиятига ета олмаган, балки ета туриб, замонасозлик қилган тарихчиларимиз ўз китобларида, мақолаларида, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлирида, айниқса, рус тилида нашр қилинадиган газета ва журналларда «Барлослар туркий эмас...» деган фикрни баён этдилар. Бундай асоссиз мулоҳазалар яқин-яқингача давом этиб келди, айниқса, истиқлол арафасида авж нуқтасига чиқди. Яхшияники, миллий мустақилик тарихий ҳақиқатни тасдиқлашга имкон берди, бўлмаса, бундай тарихчилар халқимизни ўз тарихидан айиришда, тарих фанини сохталаштириб, уни фанлик вазифасидан жудо қилиб, сиёсий луттибоzlик воситасига айлантирицида давом этган бўлардилар.

Амир Темур ва темурийлар ҳақиқидаги тарихий ҳақи-

Қатни қарор топширишда ҳам Президент Ислом Каримовнинг амалий ва илмий-назарий фаолияти айниқса диққатта сазовордир. Бу ҳақда кейинроқ ўз ўрнида сўз юритамиз.

Ҳақиқатда, барлос ва жалойирлар туркий қабилалардан эди. Улар Туркистонга келгунча бошқа қабилалар қаторида ҳали исломга кирмаган эдилар. Шунун алоҳида таъкидлаймизки, ислом динига ўтиш бошқа, туркийлашиш бошқа. Бу икки тушунчани бир-биридан фарқлаш жуда зарур ва аҳамиятлидир. Ислом динини қабул қилиш — бу киши маънавий қиёфасининг бойишидир. Туркийлашиш (шунингдек, русланиш, хитойлашиш ва ҳоказо) эса киши миллий қиёфасининг ўзгарishi, бошқа миллат таркибиға сингиб, ўша миллат ва халқ тилида сўзлаб, унинг миллний қиёфасини олиши демакдир.

Одам бирор динни қабул қиласа, ўша дин таълимотига эътиқод қиласи, лекин ўз миллати ва халқининг вакили бўлиб, миллний қиёфасини сақлаб қолаверади. Агар у бошқа миллний шароитда — ўзга миллат ва халқлар орасида узоқ йиллар, асрлар бўйи яшаса, уларнинг турмуш тарзига кўнишиб ва одатланиб, ўз ихтиёри ила сингишиб кетса, унинг миллний қиёфаси ўзгаради. Дунёда бирор миллат ва халқ йўқки, шундай жараёнлар орқали ҳам нуфуси ошиб бормаган бўлсин. Утмишда бундай жараёнлар бизким, ўзбеклар учун ҳам бегона бўлмаган. Масалан, Доро ва Кайхусравнинг форс тилида сўзлашувчи аскарларининг бир қисми Туронзаминда қолиб кетган. Искандар Мақдуний билан келган юнонлар билан ҳам шундай бўлган. Амир Кутайба билан келган араблар Туркистон тупроғидаги туркийлашиб кетган. Чингизхон билан келган мӯғулларнинг аксарияти юртимиздаги иқлим, яшаш шароитига кўника олмай ўз ватанларига қайтиб кетган бўлса, бир қисми Туркистонда қолиб, асрлар давомида туркийлашиб, исломни қабул қилиб, халқимиз бағрига ихтиёрий равишида сингишиб кетган. Албаттa, бу бошқа масала. Чингизхон билан келган туркий қабилалар, жумладан, барлослар учун туркийлашишнинг ҳожати йўқ эди, чунки уларнинг ўзи туркий эдилар. Улар Туркистонда исломни қабул қилдилар, холос. Бу тамом бошқа масала. Демак, барлослар, жалойирлар кейинчалик туркийлашдилар, дейиш ўрнига «барлослар, жалойирлар исломни қабул қилдилар» дейиш ҳақиқатга тўғри келади.

Фикримизнинг исботи учун яна далиллар келтирамиз. Агар барлослар мұғул бұлса, келиб чиқиши буйича барлос қабиласига мансуб Амир Темур ўз халқыга қарши қилич күтариб чиққан бұлармиди? Еки бұлмаса, у туркйлашган, мусулмон диниге ўтган чингизий хонлардан бирининг қызига уйланиб, «құрагон» унвонини олишиға ҳожат бұлармиди? Еки тұнғич ўғли, валиаҳди Жаҳонгир мирзони, севимли набираси Улугбекни Туронда мусулмон бұлған мұғул хонларининг набира ва авараларига уйлантириб, уларнинг ҳам «құрагон» булишларига саъй-харакат қылармиди? Хұллас, туркйлашиш бошқа, мусулмонлашиш бошқа. Барлослар мусулмонлықни қабул қылған аслан туркйлардир. Бизким, ўзбеклар туркликнинг ўзаги, ёки туркликнинг бош бүгіннімиз десак хато қымасак керак. Бошқача айтганда, ўзбек халқынинг шаклланышыда деярли барча туркий қавмлар қатнашған, десак бұлади. Бу фикрга далилимиз шуки, қадим Туроннинг марказы Туркистан бұлса, Туркистаннинг марказы ҳозирғи Ўзбекистон худудидір. Туркистан барча туркий халқтарнинг ареали — келиб чиқиши ери деб эътироф этилған экан, демек, Ўзбекистон ареалнинг ареалидір. Юртимизнинг жүгрофий жиҳатдан әгаллаган үрни ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

**Халқтарнинг ном олиши ҳам иккى хил бұлар экан.** Масалан, қирғизлар VI—IX асрларда Онасой бүйларидан қабила бұлиб яшаганида ҳам, IX—X асрларда қирғиз хоқонлигини тұзғанида ҳам, XVII асрда Иссикқұл бүйларига, Тиёншон тоғларига күчіб келганида ҳам, ундан кейин Құқон хонлиги таркибіда яшаганида ҳам ва ҳозир ҳам қирғиз деб аталади: қабила, әлат, халқ ва міллат бир номда — қирғиз.

Қозоқлар XVI асрда әлат бұлиб шаклланғанидан бері фақат битта ном билан аталадилар. Туркманлар ҳам XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларыда әлат бұлиб шакллаганларидан бері туркман деб аталадилар. Волга (Итил), Ока, Кама дарёлари бүйларини макон тутған қардошларымиз то XIII асрнинг бошларигача, яғни чингизийлар босқынига қадар булғор деб, давлатлари Булғория деб аталған бұлса, кейин эса татарлар деб аталдилар. Туркиялик қардошларымиз билан бұлған ҳол янада ажойибдір. Улар X—XI асрларда турк әлати бұлиб шаклланған бұлсаларда, аввалига салжүйлар деб, кейин қарийб 700 йылта усмонлилар деб аталиб келдилар, давлатларини бошида Салжук begli-

ти, кейин Усмонли беглиги, кейинроқ Усмонли сultonлиги, сунгра Усмонли императүрлиги, Усмонлилар халифалиги, асримизнинг биринчи чорагида — Камол Отатурк замонига келиб эса ўзларини турк деб, давлатларини Туркия Жумхурияти деб эълон қилдилар. 1918 йилда Султон Абдулҳамид таҳтдан туширилиб, 1923 йили Усмонлилар халифалиги бекор қилингач, янги давлатга қандай ном қўйиш масаласи мунозарага сабаб булали. Бир гуруҳ арбоблар бу жумхуриятни Туркистон Жумхурияти деб аташни таклиф қиласидилар. Шунда узоқни кўра билган ва тарихдан яхши хабардор бўлган заковатли давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк айтибидики, Туркистон бизнинг ота юртимиз, Туркистоннинг ўз ворислари — қардошларимиз бор. Туркистонлик қардошларимиз бир кун келиб хурриятга чиқажаклар, ўз мамлакатларини яна Туркистон деб атаяжаклар. Қардошларимизнинг миллий қадриятлари — Туркистонга тегинмайлик, бу тарихий ва шукуҳли ном уларнинг ўзларига буюрсин. Шу тариқа, Мустафо Камол Отатурк асос солган жумхуриятга унинг таклифига кўра Туркия Жумхурияти деб ном берилган.

Халқимизнинг ўзи кашф этган ўзбек деган ном унга олтин узукка ёкут кўзлек муносиб. Бу номимиз билан фахрланамиз.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларидан қўйидаги сатрларни келтириб ўтишни айни муддао деб биламиш: «Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир ҳалқ, жумладан, ўзбек ҳалқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган ҳалқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз кўхна Хоразм заминида «Овесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдизларимиз туркий ҳалқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урфодатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак булганини эътироф этамиш, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек ҳалқи сифатида ҳис этиб келганимиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор» («Туркистон», 1999 йил, 2 феврал). Юрбошимиз-

нинг бу фикрлари дастурий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг янги, ҳаққоний ва холистарихини яратувчи муаллифлар қаторида тарихий ўтмиш мавзууда илмий, илмий-оммабоп, илмий-публицистик, илмий-бадиий ва, шунингдек, бадиий асарлар яратувчи олим ва адилларга ҳам кўл келади.

Юртбошимиз давом этиб, ҳақли суратда яна бундай дейди: «*Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятилизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном* (яъни ўзбек номи. — Муал.) билан танийди ва ҳурмат қиласди».

Дарҳақиқат, шундай. Бу фикрни ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг муҳбир билан қилган сұхбатида айтган ушбу сўзлари ҳам тасдиқлади: «Маданиятингиз илдизлари чукур, сизлар доврукли ўтмиш маданиятингиз ва маънавиятингиз асосида дунё илмфанидан баҳраманд бўлган ҳолда йўлингизни белгилаб тараққиётга интилоқдасиз. Бу эса ўз навбатида келажагингиз порлоқ ва буюклигидан далолатdir. Мен ўзбек деганда ўзига, ўз эркига ўзи бек деганини тушуман. Ўзбек — ўзига ўзи устоз, ўзгаларга қарам эмас, озод ва мустақил деган маъноларни ҳам англатади» («Ўзбекистон овози», 1999 йил, 30 январ).

Олис Кастилия (Испания)нинг Амир Темур саройидаги элчиси де Клавиходан кейин орадан олти асрча вақт ўтгач, ўша элчининг бугунги юртдоши томонидан халқимиз ва маданиятилизга бундай юксак баҳо берилиши, келажагимиз янада порлоқ ва буюк бўлишига ишонч билдирилиши алоҳида мазмун касб этади. Зоро, ЮНЕСКО Бош директори эътироф этганидек, «Ялпи миллий даромаднинг 8,1 фоизи таълим тизимингизга ажратилаётганлиги бу давлат ва жамиятингиз тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб ва муҳим масаладир. Негаки, маърифатли, тараққиётингиз ривожига улкан ҳисса қўшувчи буюк олимларнинг, фозилларнинг дунёга келиши тасодиф эмас, ҳаммасининг асосида эътибор, ҳаракат, интилиш ётади». Дарҳақиқат, халқимиз энг кўп кўллайдиган ҳикматлардан бири «Интилганга толе ёр» мақолидир. Бу мақол даъват ҳамдир.

## Олтиячи боб

### ТУРК ВА ТУРКИЙ АТАМАЛАРИ ҲАҚИДА

Миллатимиз ва миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида сўз борар экан, турк ва туркий атамалари ўтмишда ва ҳозирда қандай тушунчаларни англатгани ва англатиётганини, булар ўргасидаги фарқларни аниқлаб олмоқ зарур, албатта. Бу борада ҳам вазифани Юртбошимиз түгри ўртага қўйди: «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишицмиз керак. Туркий тилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар».

Бу ўринда атоқли турк олими Зиё Кўкалпнинг йигирманчи Йиллардаги Туркиядаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳдилига бағишланган «Туркчилик асослари» мақоласидаги ушбу сатрларни эслаш кифоядир: «Халқ фирмаси ҳукмронликни миллатга, яъни турк халқига берди. Давлатимизга «Туркия» ва халқимизга «турк миллати» номларини берди. Ҳолбуки, Онадўли инқиlobига қадар, давлатимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг, ҳаттоқи тилимизнинг номи «усмонли» деган сўз эди, «турк» деган сўз оғизга олинмасди. Бирор киши «мен туркман» дейишга журъат-жасорат этмас эди. Кейинги пайтда туркчилар бундай гояни айта бошлаганликлари учун саройнинг ва калтафаҳмларнинг нафратига дуч келдилар. Шундай қилиб, Халқ фирмасининг онаси бўлган Мудофаа-хуқуқ жамияти буюк халоскоримиз бўлган Фози Мустафо Камол Пошшо ҳазратларининг түгри йули — курсатмаси ва йўлбошчилиги билан, бир томондан, Туркияни душман истилоларидан қутқариб, иккинчи томондан эса, давлатимизга, мамлакатимизга, тилимизга ҳақиқий номларини берди ва сиёсатимизни истиблоддан, ёт унсурлар сиёсатининг охирги асоратларидан ҳам қутқарди».

Шу тариқа, расмий тарзда йигирманчи йиллардан бошлаб турк атамаси онадўлилик қардошларимизга тегишли бўлиб қолди. Турк халқи деганда Туркия Жумхуриятида яшовчи туб аҳоли ёки турк адабиёти деганда эса шу халқнинг адабиёти тушунила бошланди.

Туркий халқ деганда эса қадим замондан бошлаб Турон ва Туркистонда яшаб келган ўтроқ туркий халқ — бизким, ўзбеклар назарда тутиладиган бўлди. 1924 йили Туркистонда миллий давлат чегараланиши ўтказилиб,

Ўзбекистон ССР тузилгач, ҳалқимизга расман ўзбек деб ном берилди. Шунингдек, туркий тил ва туркий адабиёт деганда Турон ва Туркистонда вужудга келган, қарийб минг йиллик тарихга эга бўлган ва утрок туркий ҳалқ — ўзбеклар қўллаб келган тил ва улар яратган алабиёт тушуниладиган бўлди. Бу ҳол ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам тегишилдир. Масалан, туркий давлат, туркий тарих, туркий маданият деганда 1924 йилгача бўлган ўзбек давлатчилиги, ўзбек тарихи, ўзбек маданияти тушуниладиган бўлди.

Бу ўринда шундай аниқлик киритиб кетиш керак-ки, Туронзаминда яшаб келган ён қўшиналаримиз, масалан, туркмандарда алабиёт бошидан туркман алабиёти шаклида, қозоқларда қозоқ алабиёти шаклида, қирғизларда қирғиз алабиёти шаклида вужудга келган. Мърифатпарвар шоир Абай Кўнонбоев (1845—1904) қозоқ ёзма алабиётига асос солган. Илк қирғиз алифбоси 1924 йили тузилган. Қирғиз тилидаги биринчи газета «Эркин-Тоо» («Озод тоғлар») 1924 йил 7 ноябрда Тошкент шаҳрида нашр этилган. Шу даврдан бошлаб қирғиз алабий тили ва ёзма алабиёти шакланган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз.

Айни пайтда Қардошларимиз туркий ибораси билан ифодаланадиган маънавий бойликларимизга Қардошлар сифатида дахлдордир. Туркий ибораси матнадаги ўрнига қараб яна қўшимча бошқа маъноларни ҳам англатади. Масалан, туркий ҳалқлар деганда, Турк отадан тарқалган барча турк ҳалқлари, эзлатлари, қавмлари тушуниладики, бу сирага туркияллик турклар ҳам киради. Ёки бўлмаса, туркий алабиётлар деганда барча қардош ҳалқлар — озарбайжон, татар, бошқирд, турк, ўзбек, қозоқ, уйғур, қирғиз ва бошқа алабиётлар назарда тутилади. Шундай эди. Юқорида тилга олиб ўтилган учрашувда муҳтарам Юргашимиз томонидан бу борада ҳам аниқлик киритилди, яъни «туркий тили» деган атама қўлланилди. Энди бундан бўёғига туркий тили ҳалқлар дейилганда бир отадан тарқалган оға-ини барча қардош ҳалқлар тушунилади, туркий тили алабиётлар дейилганда барча қардош ҳалқларнинг алабиётлари тушунилади. Бу атама ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам бирдек тегишилдир. Демак, энди бундан бўёғига «туркий» атамаси «ўзбек» атамасининг эквиваленти сифатида қўлланилишда давом этаверади. Аҳмад Яссавий, Кутб Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Су-

лаймон Боқирғоний, Носируддин Рабғузий, Сайфи Саройи, Отойи, Саккокий, Лутфий, Навоий, Ҳусайнний, Бобур, Убайдийлардан тортиб то Машраб, Ҳувайдо, Муқимий. Фурқатларгача, ўзлари эътироф қилганларидек, туркийда ижод этгандирлар. Бу туркий тилнинг ҳозирги номи ўзбек тилидир, шаклан икки хилу мазмунан бирдир.

1923 йили туркиялик қардошларимизга турк деб ном берилганини юқорида айтиб ўтган эдик. Бу турк миллати ўша йили пайдо бўлган экан, деган сўз эмас, албатта. Турк миллати азалдан бор эди, 1923 йили эса унга янги ном берилди, холос. Бизким, ўзбекларда эса ҳалқимиз номи ҳатто уч ном — турк, туркий ва ўзбек деб аталган. Демак, гап номда эмас, мөхиятда — мавжудликда. Шуро мафкураси таъсирида шаклланган айрим кишилар, айниқса, ҳаққоний тарихимиз билан ҳали таниш бўлмаган ёшлар билиб-билимасдан ўзбек ҳалқи ўзбек номи келиб чиққандан кейин пайдо бўлган, ўзбек миллати собиқ Ўзбекистон ССР тузилганидан кейин вужудга келган, деб юзаки тушунадилар. Ҳақиқатда эса ўзбек ҳалқи ўзбек номи келиб чиққанидан кўп асрлар илгари ҳам мавжуд эди, ўзбек миллати эса Ўзбекистон ССР тузилмасидан кўп асрлар аввал шаклланиб бўлган эди. Хуллас, ўзбек ҳалқи ва ўзбек миллати илгари вужудга келган, кейин уларга ном қўйилган. Аввал таваллуд, сўнг от кўйиш юз берган.

Бизким, ўзбеклар ўтмишда турк, туркий ҳалқ деб аталиб келишимизга боис шуки, Турон ва Туркистонга бевосита, узвий ва узлуксиз ворислигимиздир. Туркистон мамлакатидаги қайси бир йирик осори атиқани олиб кўрманг, ҳалқимизнинг бирор тарихий шахси номи билан боғлиқ, унинг фармони билан қурилган, бу хусусда юқорида қатор мисолларни айтиб ўтганимиз учун, яна қайтариб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Туркий адабиёт ва санъатга, илм-фан ва маданиятга ворислигимиз шунца ҳам кўринадики, туркий ёзма адабиёт барча мумтоз вакилларининг асарлари она тилимиз — туркийда битилгани учун бугунги кунда ҳам севиб ўқиймиз, таржимага ҳожат йўқ, ўша адабиёт келган жойидан бутунги авлодлар томонидан давом эттирилмоқда. Қадим Туркистонда санъатнинг қайси тури мавжуд бўлган бўлса, улар ҳозир ҳам бор ва равнақ толмоқда. Ал-Форобий тадқиқ қилган ўша чолгулар, у яратган қонун чолғуси ҳамон созандаларимиз қўллари-

дан тушмайди. Масалан, қонун чолгуси «Мақом» ансамблида асосий чолгулардан биридир.

## Еттинчи боб

### ЎЗБЕКНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Уруғ-қабилачилик жараёнини босиб ўтиш ҳар бир халқ қисматида бўлган. Дунёда ҳозир мавжуд қайси бир халқнинг тарихига назар солмайлик, албатта, уруғ-қабилачилик жараёнини босиб ўтиб, халқ сифатида шакллана борганини курамиз. Бунда ҳам ўзига хос жиҳатлар бўлади: бир неча ирқ ва динга мансуб қабилалардан шаклланган халқлар, бир неча халқлардан қайта шаклланган халқлар; бир ирқца мансуб қабилалардан шаклланган халқлар.

Ҳозирги Русия халқи икки босқичда шаклланган. Биринчи босқич XVI асрнинг ўрталари гача, илк рус подшолиги вужудга келгунча давом этиб, унда асосан славян гуруҳига мансуб қабилалар иштирок этган. Иккинчи босқич XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлиниб, то қизил империя таназзулга учрагунча давом этиб келди. Бу босқичда Русияга тобе этилган ўлкаларда: Фарбий Сибир, Шарқий Сибир, Узоқ Шарқ, Тундрала, Ока, Кама, Волга, Дон, Терек ва бошқа дарёларнинг ҳавзаларида яшовчи тубжой, лекин кам сонли эл ва элатлар, туркий ва угро-фин қавмларига мансуб аҳоли зўравонлик йўли билан ассимиляция қилиниб, руслаштириб, рус халқи сирасига кўшиб юборилди. Шунингдек, ҳозирги рус миллатининг шаклланишида швед, норманд, немис ва яхудий халқларининг ҳам муайян даражада иштироки бор.

Ҳозирги Америка халқи турли халқларнинг қўшилишидан қайта шаклланган халққа ёрқин мисол бўла олади. XVI асрнинг аввалидан бошлаб янги дунё — Америка қитъасига кучиб бора бошлаган кишилар ўз тарихий ватанлари бўлмиш — Оврупода инглиз, испан, португал, француз, итальян ва олмон каби халқларнинг вакиллари сифатида шаклланиб бўлган эдилар. Улар Америка қитъасида қайта шаклланиб, янги халқ қиёфасига кирдилар. Шимолий Америкада американ, мексикан, канада халқлари, Жанубий Америкада эса бразил, аргентин, перу, чили, куба ва бошқа халқлар вужудга келди. Бу жараёнга кейинги икки аср давомида

Африка қитъасидан сотиб олиб борилган 20 миллиондан ортиқ негрлар, шунингдек, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларидан кейин Оврупода кўчиб борган яхудийлар ҳам иштирок этган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса мансуб кишиларининг ҳам фаол қатнашуви кўзга ташланмоқда. Эскимос, ҳинду каби камсоңли ерли аҳолининг қатнашуви деярли сезилмайди.

Бу ўринда ушбу китобимизнинг умумий мавзу-мундарижасига билвосита алоқадор бўлгани учун шу нарсани айтиб ўтишни зарур кўрамизки, Америка қитъасидаги аҳолининг деярли ҳаммаси бу ерга кўчиб келгани сабабли мазкур мамлакатларда миллий қиёфа, миллий масала ва миллий мафкурага қараш, тушуниш ва муносабат бошқа қитъалардагидан бирмунча фарқланади. Масалан, АҚШда яшовчи, келиб чиқиши инглиз, француз, испан, итальян ёки туркистонлик-узбек учун ўзининг миллий қиёфасини йўқотиб, американ халқига айланиб кетиши учналиқ хавфли эмас. Чунки уларнинг ҳаммиллатларининг миллий қиёфалари сақланиб қолувчи ва миллий манфаатлари ҳимоя қилинувчи ўз тарихий ватанлари — Буюк Британиядек, Франциядек, Испаниядек, Италиядек ва Ўзбекистондек давлатлари бор. Бу билан айтмоқчимизки, бизким, ўзбеклар учун миллий қиёфамиз, қадриятларимиз, тилимиз, адабиётимиз, динимиз ва шу кабиларимиз ҳимоя қилинадиган яккаю ягона маскан — бу Ўзбекистон Республикасидир. Ҳар бир миллий мафкура муайян дараражада (ўзгалар манфаатига зид бўлмаган ҳолда, албатта) устувор ҳуқуқ ва мавқега эга бўлиши табиийдир. Бусиз ҳар бир миллат, бу ўринда ўзбек миллати, миллий тақомил топа билмайди. Миллий давлатнинг бош вазифаси ҳам аслида шудир. Мамлакатимиз аввало ўзбек миллатининг гуллаб-яшнаши учун даъват этилгандир, шу боисдан ҳам Ўзбекистон деб аталур!

Энди яна халқларнинг этник таркиби масаласига қайтамиз. Араб халқи асосан бир қавмга мансуб араб қабилаларидан шаклланган. Шу билан бирга араб халқининг шаклтанишида бошқа халқлар, элатлар ва қабилалар иштирок этган; Мисрда қибт халқи, Ливия, Тунис, Марокаш, Жазоир, Мавританияда мавр халқи, Сомалида занжийлар қатнашган. Шунингдек, араб халқининг шаклтанишида туркий халқлар ҳам сезиларли даражада иштирок этганлар. Маълумки, деярли барча араб халқлари салкам 5 асрча Усмонли халифалиги

таркибида яшаганлар. Мисрда эса икки-уч аср давомида туркий қипчоқ қабиласига мансуб сулола вакиллари ҳокимиятни бошқариб, вақтлар ўтиши билан улка халқи таркибига сингиб кетгандар.

Ёки бўлмаса, мисол учун дунёдаги энг ёш давлатлардан бири бўлмиш Покистон Ислом Республикаси халқини олиб кўрайлик. Бу халқнинг шаклланishiда ҳинд, форс, туркий ва араб халқдари, пуштун қабилалари қатнашганлар, унда бобурийларнинг ҳам муайян ҳиссалари бор, албатта. Покистоннинг давлат тили бўлмиш ўрду (туркий ўрда сўзидан келиб чиқсан) тили лугатида ҳам бу ҳолатни кўришимиз мумкин.

Хозирги кунда жаҳон бўйича энг илгор миллиатлардан ҳисобланувчи инглиз, олмон, фаранг, италян ва бошқа халқтар бир ирқий гурухга мансуб инглиз, сакс, норман, шотланд, ирланд қабилаларидан шаклланганлар.

Халқларнинг этник таркиби хусусида доира ва миқёсни кенгроқ олиб сўз юритишимиздан мурод шуки, ҳурматли ўқувчиларимизни масала маҳиятига иложи борича чуқурроқ олиб кириш ва бу борада тасаввурларини бойитишига интилишимиздир. **Бизким, ўзбеклар** худди инглиз, олмон, фаранг, италян халқлари каби бир ирқий гурухга мансуб туркий қабилалар уюшуви, кўшилуви ва сингишувидан шаклланган халқмиз. Асосан туркий қон жўш ўриб турган томирларимизда асрлар давомида борди-келди қилиб, қуда-андачилик қилиб келаётган кўшини халқларнинг, шунингдек, узоқяқиндан турили илинж ва мақсадлар билан юртимизга келиб, бу ерларда қолиб кетиб, халқимиз бағрига сингишиб кетган одамларнинг ҳам қони бор, албатта. Дунёда қонига бошқа қон кўшилмаган, «мутлақо ўз қони»га эга бирортаям халқ бўлмаса керак. Ҳамма-ҳаммамиз, энг аввало, ана шу рубъи маскун — Ер фарзандларимиз, кейин эса ўз юртларимизнинг фуқаролари бўламиз.

Халқларнинг халқ сифатида шаклланган ҳудуд-масканлари ҳам миқёс, кенглик ва доира жиҳатдан турлича бўлади. Бир халқ кичик бир ҳудудда шаклланган бўлса, иккинчи бир халқ улкай ҳудудда шаклланган бўлади. Шунингдек, бирор халқнинг халқ бўлиб шаклланган ҳудуди майдон жиҳатидан унинг ҳозирги давлати ҳудудидан катта ёки кичик бўлиши ҳам мумкин. Бу кўп нарсаларга, ўша халқнинг ўтмишда бошидан кечирган сирсиноатларга, воқеа-ҳодисалар, тузган давлатининг куч-

кудрати (давлат кучсизланса ҳудудининг катта-кичик қисмларидан айрилиб қолиши тарихдан маълум)га боғлиқ. Масалан, руслар халқ бўлиб шаклланган ҳудуд XVI асрнинг биринчи ярмида 200 минг квадрат километр атрофига бўлса, ҳозирги Россия Федерациясининг ҳудуди 17 миллион 75 минг 400 квадрат километрдир. Демак, Русия ҳудуди 4 ярим аср мобайнида кўшниларининг ҳудуди ҳисобига 85 мартадан ортиқ кенгайган. Шу ўринда то шу пайтгача, яъни муҳтарам Юртбошимиз «ойнаи жаҳон»да сўзлаб, тарихий ҳақиқатни дадил айтишга чорлаб, журъат бағишламагунча билдиришга имкони бўлмай келган бир ҳақиқатни айтамиз: бизким, ўзбеклар халқ бўлиб шаклланган ҳудуд ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан анчагина каттадир. Бу далилни чегараю ҳудуд даъвоси тарзида эмас, балки ўтмишга оид тарихий ҳақиқатни айтиш учун келтираяпмиз, холос. Яхши биламизки, ўтмишни қайтариб, тарих фиддирагини орқага айлантириб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, муҳтарам Юртбошимиз томонидан таъкидланганидек, «ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас».

Қисқаси, бизким, ўзбеклар жуда улкан ҳудудларда халқ бўлиб, миллат бўлиб шаклланганимиз. Маълумки, халқнинг этник қатлами ва этник таркиби деган иборалар бор, булар маъноси жиҳатидан бир-биридан муайян даражада фарқланади. Этник қатлам дегани халқнинг шаклланган ҳудуди, маконига тегишилдири. Халқнинг этник таркиби дейилганда эса унинг шаклланишида қатнашган қабила-уруглар, элатлар ва ҳаттоқи халқлар назарда тутилади. Ўзбек халқи асосан иккништадан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) дарёси бўйларидан тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларда шаклланган, бу макон ўтмишда турли номлар билан, чунончи Қипчоқ дашти, Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакатлари, ўзбек улуси деб аталганини юқорида эслатиб ўтдик. Халқимизнинг бу қатламини жуғрофий ўрин жиҳатидан шартли равиша шимолий қатлам деб аташ ҳам мумкин.

Биринчи қатлам Туронзаминда жуда олис замонлардан бошлаб асосан суформа дехқончилик, ҳунарманд-

чилик билан, қисман чорвачилик билан шуғулланиб, утроқ ҳолда яшаган хоразмлик, фарғоналик, сўғдиёналик, бақтриялик, шошлиқ ва шу каби аждодларимиз, шунингдек, соқ, массагет, күшон деб аталган аждодларимизdir. Ва кейинчалик буларнинг сафига барлос, жалойир, кенагас ва шу каби ўнлаб туркий қабилалар келиб қушилиб кетишган. Бу қатлам иккинчи қатламдан давр нуқтаи назаридан қадимийроқдир. Масалан, кўпроқ Афросиёб номи билан танилган аждодимиз Алп Эр Тўнгани эслаб ўтайлик. У худди аждоди Турқдек бирлаштирувчилик салоҳиятига эга бўлган буюк хоқон сифатида бутун Турон ҳудудларини бирлаштирган, Самарқанд шаҳрини ўзига пойтахт қиласди, у пайтларда Самарқанд Семизкент дейилар экан. Маҳмуд Кошғарийнинг талқинича, Семизкентнинг луғавий маъноси бой-бадавлат, обод, фаровон, тўкин-сочин, маъмур ва буюк шаҳар демакдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанд шаҳрини ўз салтанатига пойтахт қилиб танлаши ҳам бежиз эмас, бу қутлуғ танлов ўша буюкликка бориб тақалади ва Соҳибқироннинг бутун Турон элини «Куч — адолатда» шиори остида бирлаштириш ниятини ифодалайди.

Тилшунос олим Эргаш Умаров «Миллий тикланиш» (10 март, 1999 йил) газетасида эълон қилган илмий ахборотга кўра биринчи қатламга мансуб ўзбеклар ҳижрий 603, милодий 1264 йили Самарқандда ўзбек тилида давлатнинг асосий атрибутиларидан бири — пул, яъни мис танга зарб қилганлар, бу танга ҳануз сақланиб келмоқда.

Душманлари Алп Эр Тўнгани очиқ жангда енга олмай, алдов йўли билан унга заҳар бериб, жисмоний маҳв этадилар. Унинг ҳалок булиши санаси тарих китобларида аник баён этилган. Бу миллий фожиа милоддан аввалги 626 йилнинг кузида юз беради. Демак, шу йилнинг кузида Алп Эр Тўнга вафотига 2625 йил тўлади. Бу рақам ҳам муҳтарам Юргашимизнинг ўзбек давлатчилиги 27 асрлик тарихга эга, деган фикрини тасдиқловчи хужжатлардан биридир.

Халқимизнинг иккинчи қатлами Турон мамлакатининг нисбатан шимоли-ғарбий ҳудудларида вужудга келган ва шакллана бориши XV асрнинг охиrlарида поёнига етган. Мазкур қатламнинг этник таркиби биринчи қатламнинг этник тартибига кўра аниқроқдир, бу ҳолни шаклланишдаги даврий масофанинг яқинроқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбек халқининг шаклланишида қатнашган қаби-  
лаларнинг сони турли манбаларда турли миқдорда кўр-  
сатилади. Шоир Турди бу борада 92 рақамини келти-  
ради. Бизнингча, улар асосан қуйидагилардан иборат:  
қорлук, ўғуз, найман, қиёт, қунғирот, кенагас, барлос,  
дўрмон, буркут, курлаут, мангит, дўлдој, чимбой, чи-  
ратой, тубой, қитой, тоймас, шунқорли, шодбоқли, жа-  
лойир, кирқ, юз, минг, лоқай, қотогон, можор, турк,  
сарой, элбек, қурама, қангли, уз, нукуз, манғут, уйғур,  
арғин, аймоқ, уйшун, фончи, күшчи, ийжон, бижанак  
ва бошқалар. Бу қабилаларнинг отлари қўпгина тари-  
хий ва бадиий асарларда, бутун Турон, Туркистонда,  
буғунги Ўзбекистонда жой номлари тарзида ҳамон сақ-  
ланиб келмоқда. Масалан, Дўрмон қишлоғи, Қунғирот  
тумани, Мангит шаҳри, Чимбой маҳалласи ва ҳоказо.

Қабилалар номини тарихий далиллар сифатидагина  
билиш ва ўрганиш маъқул. Худди мучал ахтаргандек,  
йил аниқлагандек кимнинг келиб чиқиши бўйича қайси  
қабилага мансуб эканини суриштиришга ружу қўйиш  
мақбул эмас, бу тор маҳаллийчиликни келтириб чиқа-  
риши мумкин. Йирик шаҳарларда аллақачонлардир  
кимнинг қайси уруғ-у қайси бир қабилага мансублиги  
унутилиб кетган. Умуман олганда, жамият тараққий  
эта боргани сайин умумиллийлик тушунчаси ва ифтихори  
устувор мавқеини згаллайди: ўзбекмисан, ўзбек, гап  
тамом, вассалом. Киши қайси оиласа, қаерла туғилгани  
 билан эмас, (бу нарса одамнинг иродасига боғлиқ эмас),  
ўзининг маънавий камолоти билан шарафланади.

Алқисса, XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида  
халқимизнинг биринчи ва иккинчи қатламлари қўшила-  
ди, аниқроғи иккинчи қатламнинг ҳаммаси эмас, муайян  
қисми биринчи қатлам билан бирлашади. Шўролар дав-  
ридаги адабиётларда иккинчи қатлам шаклланган ва  
кўп асрлар давомида яшаб келган ҳудудлар тўғрисида  
нотўри тасаввур ҳосил қилиб келинган эди. Гўёки бу  
ўлкалар нообод, кўп-куруқ дашту саҳролардан иборат,  
аҳолиси тўпори, саҳройи, кўчманчи, маданий жиҳат-  
дан анча қолоқ бўлган эмиш! Ҳолбуки, бу ўлкаларда  
чорвачилик билан бир қаторда суформа дехқончилик  
ҳам қилинарди, аҳолисининг муайян қисми утроқ тарзида  
яшарди, чингизийлар босқинидан илгари ҳам Сирдарё-  
нинг ўрта ва қуий оқимларида, унинг ирмоқлари ёқа-  
ларида ва бошқа жойларида Янгикент, Ясси, Сигноқ,  
Саброн, Исфижоб (Сайрам), Утрор, Фороб, Тароз ка-  
би ўнлаб катта-кичик шаҳарлар бунёд этилган эди. Аҳо-

лиси күчманчи бўлса, экин-тикин қиласмиди, боғ-роғ яратармиди, уй-жой қуарамиди, шаҳарлар бунёд этармиди! Йўқ, бу ўлкалар ҳам анча обод эди.

Сирдарё қуи оқими бўйида жойлашган Янгикент шаҳри жаҳонга машҳур Салжуқий султонлар келиб чиққан макондир. Маҳмуд Газнавийнинг аждодлари ҳам Сирдарё сувини ичиб улғайишган. Машҳур лашкарбосилар Сабуктакин, Ануштакин, Алптақинлар ҳам аслида шу жойларнинг фарзандлари эдилар.

Буюк аждодимиз Абу Наср Мұхаммад ўзи туғилиб ўсган, Тошкентдан сал шимолроқда жойлашган Фороб шаҳрини оламшумул қомусий асарлари билан шарафлади ва маънавий жиҳатдан абадийлаштириб кетди. Эндиликда бу шаҳарнинг харобаларигина қолган бўлсада, номи эса Форобий номи билан дунё тургунча эсланаверади.

Буюк шоир, тасаввуф илмининг улуғ пирларидан бири, Яссавия тариқатининг асосчиси, асли сайрамлик Аҳмад Иброҳим ота ўғли Яссавий бобомиз ўзи камол топган, ижод этган, сўнгра мангу макон қилган Ясси шаҳрининг номини бутун дунёга танидти, айниқса, бизким, ўзбекларнинг ёзма адабий тилимиз равнақига катта ҳисса қўшди, мумтоз шеъриятимизда ҳалқона, ҳаммага тушунарли услубни — яссавиёна услубни белгилаб берди. Ниҳоятда диққатга сазовор ери шундаки, Яссавий ҳикматлари худди шу бугун жорий адабий тилимизда ёзилгандек тушунарли ва замонавий аҳамиятга молик. Бир сўз билан айтганда, Аҳмад Яссавий ўзбек адабиётини «Ҳикмат»ли этди. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам «Ҳикмат» кириб бормаган ўзбек хонадони топилмаса керак. Истиқлол шарофати билан «Ҳикмат»нинг катта-катта ададларда қайта-қайта нашр қилингани ҳам шу фикримизни исботлаб турибди.

Хоразмшоҳ Алоуддин Мұхаммад ҳукмдорлик қилган йилларда буюк Хоразм давлатининг шимоли-шарқидаги энг мустаҳкам қўргон-шаҳар Утрор эди. Чингизий галаларнинг босқинига қарши биринчи бўлиб қалқон бўлган, сўнгги томчи қонлари қолгунича гаддор душман билан жанг қилиб, ҳалок бўлган мудофаачилар олис аждодларимиз эдилар. Кучлар нисбати тенг бўлмагани учун душман ғолиб келади. Утрорни хароб этади. Кейин бу шаҳарнинг қисмати Сирдарёнинг бўйларидаги бир қатор шаҳарлар, жумладан, Сигноқ, Саброн, Ясси, Янгикентларнинг бошига ҳам тушади, чингизийлар бу шаҳарларни ҳам вайрон этадилар. Улар-

нинг қилмиши, «касб-кори» бузиш, хароб этиш, вайрон қилиш эди. Орадан бир ярим аср вақт ўтгач, мард эллининг мард ўғлони бўлиб, бунёдкор ҳалқнинг фарзанди бўлиб, ютида мустақиллик яловини ўрнатиб, Туркистон мамлакатини бошқаришга киришар экан, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз чингизийлар хароб этган қалим шаҳар ва қишлоқларни яна обод этиш режаларини белгилайди. Бу сатрлар қоғоз саҳифаларига тушар экан, муҳтарам Юргашимизнинг мақолсифат ушбу фикрлари ёдимиздан бир-бир ўта бошлиди: «Одамзод борки, авлод-аждоди, ватанининг тарихини билишни истайди... Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон... Тарихий хотирасиз келажак йўқ».

Ҳақиқатда шундай. Ҳа, бизким, ўзбекларнинг тарихий хотирамиз бор ва жуда ҳам бой. Эслагудек, ибрат олгудек, намуна қилиб кўрсатгудек, руҳлангудек тарихий хотирамиз мавжуд. Амир Темур буюк аждоди Аҳмад Яссавийни хотирлаб, арвоҳ хотира қилиб унга мақбара қурдирди. Бу иши билан Соҳибқирон бобомиз ҳам Аҳмад Яссавий руҳини шод этди, ҳам ўз номини шарафлаб ўтди, ҳам келгуси авлодларига тарихий хотира қолдирди. Маълумки, Аҳмад Яссавий замонидан Амир Темур замонигача таҳминан 250 йилча вақт кечган, Амир Темур замонидан бизнинг давримизгacha 660 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Барини жамласак, 950 йилча келиб қолади. Демак, тарихий хотира келажакни яратар, келажакка йўл очиб берар экан! Шунинг шарофати улароқ биз миннатдор авлодлар Аҳмад Яссавийдек, Амир Темурдек буюк аждодларимизни хотирлаб, улардан ибрат олиб бунёдкорликда давом этмоқдамиз. Бугунги бопи бунёдкоримиз муҳтарам Юргашимиз десак чин ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мазкур китобимизнинг ушбу бўлагини хуносалаб, деймизки, XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида бизким, ўзбекларнинг иккى этник қатлами бир-бирига қўшилди, бу жараён илгаридан давом этиб келарди ўзи, фарқи шундаки, бу бир миллат тарихида фақат бир марта бўладиган катта қўшилув эди. Аниқроқ қилиб айтсан, ҳалқимизнинг нисбатан шимолроқда шаклланган этник қатламининг ҳаммаси эмас, бир қисми ҳалқимизнинг нисбатан жануброқда шаклланган этник қатламига, яъни Буюк Тураннинг Мовароуннаҳр ва Хурросон ўлкаларида азалдан яшаб келаётган яхлит этник қатламига бир бўлак бўлиб қўшилди ва уни тўлдирди, нуфусини оширди.

Келиб қўшилган қатlam бу ердаги яхлит қатlamдан нуфуси жиҳатидан оз эди. Шимолий қатlam шаклланган худудларда — катта-кичик шаҳар ва қишлоқларда, кенг яйловларда ҳаёт давом этаверган, чунки аҳолининг муайян қисми ўз жойларида яшаб қолаверган. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида тұхтаб ўтамиз.

Келиб қўшилган қатlam билан шошлиқ, фарғоналиқ, мовароуннахрлик, хоразмлик, хурсоонлик ўзбеклар қонқардош, диндош, мазҳабдош, тилдош эдилар, адабий тил битта — умумий эди, ёзув ҳам битта — араб алифбосига асосланган ёзув эди. Бу ҳолни Мовароуннахр ва Хурсоңда ижод этган, туркигүй шоирлар деб аталувчи Лутфий, Отойи, Саккокийларнинг асарларини ўзбек шоирлари деб аталган Сайфи Саройи, Шайбоний, Убайдийларнинг асарларини чоғишириб ўқиб чиқиб, осонгина аниқлаш мумкин. Улар барининг шеърият тили Аҳмад Яссавий ҳикматларига айни мос келади. Тагини суриштирасак, Отойи ҳам Аҳмад Яссавий авлодларидан эди.

Қолаверса, бу даврда Алишер Навоийнинг ўлмас ва күёш нурлари янглиг ҳаётбахш асарлари Ҳиротдан Ҳожиттархон оша Боқчасарой Қозонгача, Шарқий Туркистондаги Ҳұтан шаҳридан Рум элидаги Истанбулгача етиб бориб, бутун Турон элини яққалам қилиб бўлган эди. Навоий бобомизнинг ўз иборалари билан айтганда «черик тортмай забт айлаган» эдилар.

## Саккизинчи боб

### ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙНИНГ БИР ШОГИРДИ

Китобимизнинг бу бўлагини нима учун шундай атаганимизнинг изоҳи сўз давомида берилади.

Атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов 1964 йилнинг кузида собиқ Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллиги муносабати билан «Правда» газетасининг ўша пайтдаги мухбири сифатида шу газетада босилган «Пахтанинг ойдин йўли» деган мақоласида паҳтакорлик касбини улуғлаш асносида йўл усти яна бундай деб ёзган эди: «Қадим Гречия Оврупода цивилизация ўчғи сифатида қандай ўрин туттган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган».

Ўзбекистон ва ўзбек халқига берилган бу баҳо ўша давр учун анча журъат билан айтилган эди, албатта. Аслида эса қиёслаш лозим топилганда Ўзбекистонни Грецияга эмас, Грецияни Ўзбекистонга таққослаш кепрак бўлади, чунки юртимиз цивилизация бобида ҳам Грециядан қадими йроқдир. Нима ҳам деб бўларди, босқинчилар курсатадиган ҳийла-найранглар, сиёсий уйинлар кўп булганидек, бу қилмиш, шу кирдикорларнинг мазлумлар онги ва қалбида қолдирадиган асоратлар ҳам анча чукур томир отиб кетар экан.

Шулардан бири тафаккур тарзимиз йўналишига қилган салбий таъсиридир. Масалан, чоризм даврида ва шўролар замонида интелигентларимиз тўғри бўлсин, нотўғри бўлсин, ҳар борада Farbdan, биринчи навбатда Русиядан андоза олишга, уларга эргашибга, уларнинг фикрига мос тушадиган мулоҳазалар билдиришга, улар қуллаган атамаларни суриштириб-нетиб ўтирмаи айнан қўллашга одатланиб, кўнишиб қолишган эди. Йўқ, ундаи эмас, бундай дейишга журъат етишмасди. Мабодо журъат курсатиб, ҳақ гап айтилса, барибир инобатга олинмас, айтувчи шахс ошкора ёки зимдан тазиикқа учраши аниқ эди. Шу ўринда фикримизнинг исботи учун икки фидойи инсоннинг фожиали қисматини тилга олиб ўтамиш.

Филология фанлари доктори, мумтоз адабиётимиз тарихи бўйича чукур билимдон Эргаш Рустамов Аҳмад Яссавий ҳақида ҳақ гапни барага айтгани учун етмшинчи йилларда «Мажнун» деб эълон қилинган эди, бу иснодга чидай олмай фидойи олимимиз бевақт дунёдан ўтиб кетди. Бундай кўргулик саксонинчи йилларда навқирон, истеъоддли шоир раҳматли Асқар Қосимов бошига тушган эди...

Тобеъ халқининг зиёлиси ҳам итоатда ушлаб туриларди. Итоатда ушлаб туришнинг йўли ва тури кўп эди. Шулардан бири ўзбек олимларимизнинг барча номзодлик ва докторлик диссертациялари Москвада тасдиқланиши шарт эди. Шу боисдан ҳам интелигентларимиз марказбоп мулоҳаза юритишиб одатланиб, ҳаттоқи кўнишиб, миллий қиёфаларини йўқотаёзисб борар эдилар. Бундай кўнишиб иллатидан уша даврларда шакланиб қолган илмий ходимларимиз ҳали-ҳануз фориг бўлганлари йўқ. Бу борада мұхтарам Юртбошимиз тарихчи олимлар билан учрашувда куюниб сўзлади: «...қачонгача биз тарихимизни бирорларнинг нуқтаи назарни билан, қаричи билан баҳолаймиз?»

Бу даъват халқимиз босиб ўтган барча босқичлар ва даврлар ҳақида ҳаққоний гапни дадил айтишга чорламоқда.

Мустамлакачилар юртимизни 1924 йилгача Туркистон деб атаб келдилар-да, 1924 йилдан Ўрта Осиё деб номладилар, мамлакат номи жуғрофий атама билан алмаштирилди. Шундан бошлаб, ўзимизникилар ҳам улардан андоза олиб Ўрта Осиё дейишга киришиб кетдилар. То Президентимиз «Туркистон — умумий уйимиз» деган шиорни ўртага қўймагунча бу тарихий ном қатоғон бўлиб, ишлатилмай келинди.

Коммунистларнинг гарблик доҳийларидан бири Бобур мирзо Ҳиндистонда тузган давлатни «Империя великих монголов» дегани учун ўзимизникилар ҳам сўзмасўз таржима қилиб «Буюк мўгуллар империяси» шаклида қўллай бошладилар, бу иборанинг замираидан қандай ғарз ётганини суришириб ўтирадилар. Цивилизациялашган Фарбда шундай дейиш одат эканми, демак, биз ҳам шундай дейишимиз керак, деб ҳисобладилар. Аслида, бобурийлар салтанатини мўгуллар империяси деб аташдан бузук ният шу эдикি, биринчидан, Бобур ва бобурийларни ваҳший Чингизхоннинг зурриёлларидан деб, жаҳон оммаси олдида ерга уриш эди, уларнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрни ва қолдирган яхши изларини камситиш эди, иккинчидан эса, асосийси ҳам шу бўлса керак, бобурийлар келиб чиқишилари бўйича ўзбек эканни тан олмасликка интилиш эди.

Ёки бўлмаса, Камолиддин Беҳзодни санъат муҳлисларига танишириш учун «Шарқнинг Рафаэли» дейиш шарт эди. Самарқанд ҳақида сўз борганда «Римнинг тенгдоши» деб ҳам қўйиларди. Бу ва шу каби «қисиниб-қимтинишлар», «андозалар» ҳам мустамлакачилик зуғумининг маънавиятимизга кўрсатган салбий таъсирларидан бўлиб, улардан қанчалик тезроқ кутулсак, ҳақни ноҳақдан, тўғрини нотўғридан, ростни бўхтондан ажратиб олсак, бу янгича дадил фикрлаш бўлур эди.

Мұхтарам Президентимиз тарихчилар билан учрашувда ҳам зиёлиларни журъатли бўлишга, қотиб қолган, эскича фикрлашдан тезроқ кутулиб, дадил, лекин холис ва ҳақ гапни айтишга чорлади, мустамлакачилик давридан онгларда ўрнашиб олган чалкаш ва нотўғри андозалардан воз кечишга даъват этди. Бу фикрлар жуда муҳим бўлиб, айниқса, халқимиз ва давлатимизнинг янги, яъни ҳаққоний тарихини яратишда миллий заминдан узилмай иш тутишни, гарбона

эмас, шарқона, янада аниғи, ўзбекона тафаккур юритишни тақозо этади. Юртбошимизнинг бу йўл-йўриғида биз янгича иш тутишлик, яъни **концептуал-услубий таҳлил йўлидан** боришлик маслаҳат кўрилаётганини англайпмиз.

Хар бир эл-юртнинг ҳаққоний тарихини тупроғи ота-боболарининг хоки туроби ётмиш шу заминдан олинган, шу маконда таваллуд топиб, униб-ўсиб, балоғатга етган фидойи ва ватанпарвар кишилар холис ёзажаклар. Ташқаридан туриб ўзгалар бизнинг тарихимизни ҳаққоний ёзиг беришлари бир афсонадир. Шонли ўтмишимизнинг порлоқ саҳифалари ўзгаларнинг кўзига парда тортиб кўйиши мумкин, ёки бўлмаса, порлоқ саҳифаларнинг ҳақиқатан ҳам порлоқ эканлигини ҳис эта олмасликлари, балки тан олгилари келмаслиги ҳам мумкин. Зотан, **ажлодлар қони авлодларинингтина томирларида жўш уради, ўзгалар вужудида эмас.**

Соҳибқирон Амир Темур ўз олдига парчаларга бўлиниб кетган Буюк Туронни бирлаштиришни асосий мақсад қилиб қўйган. Унинг Жануб, Фарб ва Шимолга ҳарбий юришлари асосан Турон замини доирасида бўлган. Шу сабабли буюк бобомизни забт этувчи эмас, бирлаштирувчи сиймо десак, адолатли иш тутган бўламиз. Соҳибқироннинг Фарбий ўлкаларга юриши давомида форс вилояти, араб ўлкаларига ҳам қадам ранжида қилишига келсак, бу энди унинг маслаги ва адолат ўрнатишига бўлган дунёқарашидир.

Тарихдан маълумки, бу ўлкаларда адолатсиз ҳокимларнинг қилмишлари, марказий ҳокимиятнинг заифликларидан фуқаролар, шунингдек, савдо карвоnlари, ҳаж сафарига борувчилар қароқчи тўдаларнинг хужумига кўп дучор бўлардилар. Соҳибқирон ана шундай ҳодисаларга барҳам берган. Манман, фуқароларини ҳимоя қила олмайдиган ҳокимларнинг ўрнига раиятпарвар ҳокимларни тайинлаган. Форс, Ироқ, Шом ва бошқа диёрларда худди шундай тадбирлар қуллагани бизга тарихдан маълум. Жумладан, Анқара жангиде Амир Темур Султон Йилдирим Боязид устидан галаба қозонган бўлса-да, таҳтини унинг ўғилларига топширган.

Шу пайтгача Фарб тарихчилари «Амир Темур 1405 иили Хитойни забт этишига отланган эди» деб ёзалилар. бу хато фикрdir. Соҳибқирон аслида XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитой босиб олган Шарқий Туронзаминни озод этгани йўлга чиққан эди.

Тарих ҳақида сўз бораётib, «мўғул» ва «Мўғулис-

тон» атамалари тилга олинганда бугунги мұғул халқини ва Мұгулистан худудини айнан түшүнмаслик керак. Бириңчидан, XII аср охиди ва XIII—XIV асрлардаги мұғуллар шомонийлар мазҳабида бұлсалар, ҳозирги мұғуллар эса XVI аср охидан бошлаб Будда динининг ламаизм мазҳабига эътиқод қиласылар. Иккінчидан, тарихий жиһатдан учта Мұгулистан бұлған. Бириңчи Мұгулистан Чингизхоннинг аждодлари ва авлодлари яшаган худуд булыб, бу ўлка ҳозирги Хитой таркибида, Ички Мұгулистан деб аталади. Бу худудда 1634 йилдан 1911 йилгача манжур ҳоқонлари ҳукмронлик қилишган. Шу тариқа, асл Мұгулистан икки қисмга — Ички Мұгулистан ва Ташқи Мұгулистанға бўлиниб кетган. Ички Мұгулистан 1634 йилдан бошлаб Хитой таркибида, ҳозир бу ўлка Хитой Ҳалқ Республикасининг Ички Мұгулистан Мұхтор тумани деб аталади. Ташқи Мұгулистанда эса мустақил давлат — Монголия Ҳалқ Республикаси мавжуд.

Тарихда яна бир «Мұгулистан» деб аталған мамлекат бұлған, ундан ҳозир факт номигина қолған, холос. Мазкур давлат мұғуллар диёрида эмас, балки Туркистон заминида вужудга келған эди. Бу шундай юз берган. 1348 йили Чигатай улуси бир неча хонликларга бўлиниб кетади. Шу улуснинг Еттисув, Қашқар ва Или воҳасида вужудга келған хонлик тарихда Мұгулистан деб аталған. Кейин бу хонлик таркибиға Сайрам ва Тошкент вилоятлари ҳам қўшилган. 1532 йили бошқа туркій давлатлар, жумладан, Шайбонийлар давлати таркибиға қўшилиб кетган бу хонликнинг номи китобларда гарчи Мұгулистан деб ёзилған бўлса-да, унда асосан мусулмон туркій халқлар яшаганлар, қисман эса туркійлашган ва Ислом динига эътиқод қилувчи қўчманчи мұғул чорвадор аҳолиси ҳам бұлған. Мазкур мамлекатда туркій қатлам мутлоқ қўпчиликни ташкил этганини ва Ислом дини давлат дини бўлганини бу хонликни идора қилған хонларнинг исм-шарифларидан ҳам билиш мумкин: Туғлуқ Темур, Қамаруддин, Ҳизрхўжа, Шамъи Жаҳон, Мұҳаммадхон, Нақши Жаҳон, Вайсхон, Шермуҳаммадхон, Эсонбуға, Юнусхон, Маҳмудхон ва Сайдхон. Булардан Юнусхон Захриддин Мұҳаммад Бобурнинг она томондан бобоси, Маҳмудхон эса туғишган катта тоғаси эдилар. Улар ҳукмронлик қилған 1462—1508 йилларда хонлик пойтахти Тошкент эди. Шу ўринда масалага ойдинлик киритиш учун Юнусхон ҳақида икки оғиз тұхтаб ўтишга тұғри келади. Вайсхон

1428 йили вафот этгач, хонликда таҳт учун кураш бошланали. 1434 йили унинг кичик ўғли Эсонбуға ҳокимиятни эгаллайди. Катта ўғил Юнусхонни эса унинг тарафдорлари Самарқандга — Улуғбек ҳузурига олиб боришади. Улуғбек эса уни Шоҳруҳ ҳузурига йўллайди. Энди 17 ёшга борган хонзода Юнусхон Ҳиротда хоқон Шоҳруҳ саройида таълим-тарбия кўра бошлайди. Унга Амир Темур ҳақидаги энг мукаммал ва улкан китоб «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий устозлик қиласи. Юнусхон Ҳиротда темурий мирзоларга бериладиган руҳда кўп илмлар ўрганади.

1462 йили Эсонбуғахон вафот этгач, Юнусхон Бобур Мирзонинг ота томондан бобоси Султон Абу Саид мирzonинг қўллаб-кувватлаши билан хонликда ҳокимият тепасига келади ва пойтахтни Тошкентга кўчиради. Абу Саид мирзо ҳалок бўлгач, унинг ўғиллари Султон Аҳмад (Бобурнинг амакиси) ва Умаршайх (Бобурнинг отаси) билан Юнусхон ўртасида чегара масаласида ихтилоф чиқади. Икки томон шайланиб, жанг бошланиши олдиди ўртага Хожа Аҳрор Тошкандий тушиб, икки томонни яратшириб қўяди. Яраш битимиға кўра Юнусхон қизи Кутлуғ Нигорхонимни Умаршайх мирзога бериб, уни кўёв қиласи. Шунингдек, Сайрам, Тошкент ва Ўш вилоятлари хонлик таркибига ўтказилади.

Умаршайх мирзо билан Кутлуғ Нигорхонимнинг оила куришларида, бу никоҳдан Захриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топишида Хожа Убайдулоҳ Аҳордек валий зотнинг оқ фотиҳаси некбинликка йўллаган илоҳий бир олқиши бўлган бўлса ажаб эмас. Бобур «Бобурнома»да, унинг қизи Гулбаданбегим «Хумоюннома»да Кутлуғ Нигорхонимни онам ҳазратлари деб буюк бир хурмат билан тилга оладилар. Чиндан ҳам Кутлуғ Нигорхоним оқила, фозила аёл булиб, маданий ва ўқимишли оиласида — Юнусхон саройида камол топган эди. Юнусхон эса Ҳиротдек маданий бир марказда — Темурийлар саройида таълим олганини юқорида эслатиб ўтган эдик. Юнусхоннинг Умаршайх мирзони кўёв қилиши, ёки Умаршайх мирzonинг Кутлуғ Нигорхонимга уйланиши тасодифий бир ҳол эмасди, балки тенти тенги билан қовушиш, шариат бўйича айтсак, кафоатга ҳам мос қонуний бир ҳол эди. Бу таҳтил оила куришларга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Хуллас, аҳолининг асосий турмуш тарзи, тили, маданияти, урф-одатлари, давлат курилиши ва шу

каби кўплаб омилларга асосланиб айтамизки, Туркистон заминидан 260 йил мавжуд бўлган бу ҳонлик, яъни номи тарихчилар томонидан «Мўгулистан» деб аталган бу мамлакат ҳам аслан туркий (ўзбек) давлатларидан бири эди.

Юқорида биз ўзбек ҳалқининг тарихан икки қатлами — шимолий ва жанубий қатламлари бўлганлигини, улар йиллар ўтиши билан бора-бора бирлашиб, бир бутун бўлиб кетганлигини айтиб ўтган эдик. Ҳуш, шу ҳолга, шу бирлашувга темурийларнинг муносабати ва иштироки қандай бўлган? Темурийларнинг муносабати ижобий бўлганлигини Юнусхон ва Умаршайх муносабатлари ҳам кўрсатади. Шунга қўшимча тарзда яна бир неча мисоллар келтирамиз. Амир Темурнинг отаси амир Муҳаммад Тарагай баҳодир аввало мусулмони комил, уламою фузалога ихлосманд, илм аҳлига ҳомий киши бўлгани сабабли Бухоро фузалоларининг энг улуғи — шариат қонунларининг шарҳловчисининг қизи Такина Моҳбегимга уйланган. Такина Моҳбегим исменин кўйиш кўпинча ўтроқ туркий қабилаларда одат бўлган. Амир Темурнинг ўзи ҳам оила қуришда отаси йўлидан борган. Ўғил уйлантириш ва қиз чиқаришда ҳам шу йўлни тутган.

Бундай муносабат узоқни кўра билувчи Амир Темур томонидан қўлланганини юқорида сўзлаб ўтган эдик. Айниқса, ўрта асрлар шароитида қуда-андачилик алоқалари ўзаро ҳурмат-иззат, ўзига тенг кўришлик ҳисобланиб, тинчлик-омонликни сақлаш, беҳуда урушларнинг олдини олишда ишончли омиллардан саналиб, муҳим аҳамиятга молик эди. Ўз навбатида шимолий қатламга мансуб ўзбеклар ҳам темурийлар билан қон-қардош булишни шараф деб билишган. Қолаверса, қуда-андачилик дегани келгуси зурриёдлар ким бўлиши ва қандай булишини кўзлашдир, одам ўз насл-насабига тортмай иложи йўқ, замонавий генетика фани ҳам буни тасдиқлади. Ҳоким табақалар учун эса қуда-андачилик айни пайтда сулолани давом этиришдек давлат аҳамиятига молик масала ҳам бўлган.

Юқорида айтилганлардан англашиладики, ҳалқимизнинг иккала қатламига ҳам мансуб бўлган давлат бошлиқдари, хоқон, ҳон, амир ва ҳокимлар нафақат саводхонгина, балки мадраса таълимими олган, саройда ёшлиқдан буюк устозлар ва тарбиячилар қулида маҳсус тарбияланган кишилар бўлганлар. Уларга паст қараш билан муносабатда булишлар, ҳаттоқи Амир Темурдек

кенг қамровли билим эгаси сиймосини саводсизга чи-  
қариб қўйишлар, айниқса, шимолий қатламга мансуб  
шайбонийларни тўпори деб камситишлар чоризм за-  
монида ва шўролар даврида атайн тўқиб чиқарилган  
пуч даъволар эди. Миллий ва сиёсий мухолифлари-  
мизнинг бундай пуч даъволарини илгари суришдан мақ-  
садлари ўтмиш давлат раҳбарларимизни ерга уриб, шу-  
кухти давлатчиликимизни йўққа чиқариш, темурийлар  
билан шайбонийларни бир-бира гарама-қарши қўйиб,  
халқимиз жисплигига раҳна солиши эди, токи халқимиз  
шууридан миллий истиқтол ғояси буткул ўчиб кет-  
син— уларнинг шум ниятлари шундай эди. Бундай га-  
разли ва маразли қараашларга учеб, замонасозлик қи-  
либ, яратилиб қўйилган ноҳаққоний тарихий, илмий  
ва бадиий асарларга ўз баҳосини бериш пайти келди.

Масалан, Бобур мирзо билан Мұхаммад Шайбо-  
нийхоннинг ўзаро муносабатларини олиб қўрайлик. Тўғ-  
ри, улар бир-бирларига мухолиф шахслардир. Лекин бу  
муҳолифлик икки халқнинг икки фарзанди ўргасидаги  
зиддият эмас. Улар бир халқнинг икки фарзанди ўлароқ  
мамлакатда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган та-  
рихий шахслардир. Бобур мирзо «Бобурнома» асарида  
1507 йили Ҳирот шаҳри темурийлар қўлидан шайбо-  
нийлар қўлига ўтганини афсусланиб ёзади, голиблар-  
нинг енгилганларга қылган ситамларини, жумладан, ўтгай  
бувиси Хадичабегим (Хадичабегим дастлаб Бобур ми-  
рzonинг бобоси Султон Абу Сайднинг никоҳида бўлиб,  
ундан бир қиз кўрган эди, исми Оқбегим эди) Шайбо-  
ний томонидан Шоҳмансур баҳшига мажбуран никоҳ-  
лаб берилганини қоралайди, бу билан агар Ҳирот те-  
мурийлар қўлидан чиқмаганда, бундай ишлар бўлmas  
эди, деган фикрни илгари суради. Шу билан бирга  
холис тарихчи сифатидаги ўз фикрини ҳам билдириб ўта-  
ди. Хадичабегим ҳақида «Мұхаммад Мўмин миরзони аниңг  
саъи билин ўлтурдилар. Султон Ҳусайн миризонинг ўғлон-  
лари ёғиктилар, кўпраки мунинг жиҳатидан эди, ўзини  
оқила тутар эди, vale beaқı va purgūy хотун эди, рофи-  
зиј ҳам экандур. Шоҳғарип мирзо билан Музаффар Ҳу-  
сайн миризо шундин туғуб эди», деб ёзади. Бошқа тарих-  
чилар ҳам Хадичабегим Ҳусайн Бойқаронинг инон-  
ихтиёрини қўлига олиб, ишончини қозониб, саройда  
кўп фитналар қўзғагани, Мўмин миризонинг қатл эти-  
лишигига сабабчи бўлгани, бу фожиа туфайли Ҳусайн  
Бойқаронинг ўғиллари ўртасида низолар кучайиб кет-  
гани, натижада темурийлар ҳокимияти Ҳуросонда та-

наззулга учрагани ҳақида ёзғанлар. Бобур мирзо бу фожиаларнинг оқибатини бундай якунлайди: «Ушбуларнинг шоматидан эдиким, мундоқ хонзодадин (яни Ҳусайн Бойқародан) етти-саккиз йилда бир Мұхаммад Замон мирзодан ўзга осор ва аломат қолмади».

Мұхаммад Шайбонийхон ҳақида «Бобурнома»да, жумладан, ушбу сатрларни үқиймиз: «Шайбекхон Ҳирини олғондан сұнг, бу подшохжарнинг зоҳ ва зоди билан ёмон маош қилди, не ёлғуз бу жамъ била, бори ҳалойиқ била. Рустойи ва нодида киши, беш кунлук ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозонди... черик (яни чурук) дунё учун Ҳадичабегимни Шоҳмансур баҳши күттаргучига туттурраб, турлук-турлук қийиншар қилдурди... яна жамъи шебр ва аҳли табыни Мұлло Бинойга туттурди... саҳархез эди ва беш вақт намозни тарк қылmas эди, қироат илмини тавре билур эди». Құринадики, Бобур мирзо Мұхаммад Шайбонийхон ҳақида, сиёсий рақиби сифатида салбий, билімден киши сифатида ижобий фикр билдиради.

Умуман олганда, Бобур мирзо то умрининг охирігача, деярли ўттис йил давомида сиёсий рақиблари бұлмиш шайбонийлар фаолиятини гоҳ Кобулдан, гоҳ бошқа жойлардан туриб жуда синчковлик билан күзата боради, унинг әзтиборидан ҳатто бу сулола вакилларининг қабул маросимларидаги тасодиғий воқеа-ҳодисалар ҳам четда қолмайди. Масалан, Ҳиротда 1507 йили үюштирілген бир үйғинда Мұхаммад Шайбонийхон билан созанда Ҳусайн Удий ўртасида юз берган можаро хусусида «Бобурнома»да эслатиб ўтади: «... Ҳусайн Удий... Удни мазалиқ чалиб, мазалиқ нималар айттур эди. Уднинг торларини якка қилиб бу чолибтур. Айби бу эдикі, бисёр ноз била чолур эди. Шайбонийхон бир навбат соз буюрур, тақалғуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтирмай, ярамас соз келтуур. Шайбонийхон фаҳмлар. Буюрруким, сұхбат-үқ ғалаба гарданыға урурлар. Шайбонийхоннинг оламда бир яхши ишиким бор бўлур, физвоқиҳ хўб бордур. Ушмундоқ нозук мардакларга мундин кўпрак сазо керак...»

Бобур мирзо она-Ватанига талпинар, шу сабабли шайбонийлар фаолиятини кузатиб турар, юртига қайтиш йўлларини излар эди. Бироқ орзуига эришиш унга насиб этмади, чунки ватанига қайтиш йўли берк эди. бунга илгари ўзи йўл қўйиб қўйган бир гоявий хатоси сабаб эди. Бу ҳақда кейинроқ, ўз ўрнида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тарихий асарлар тасдигига кўра, шайбонийлар, улар-

дан кейин хокимият тепасига келган ўзбек сулолалари ҳам Амир Темур шахсига ҳамда темурийлар даврида яратилган асарларга, шу жумладан, уларга бағишлиланган асарларга чукур ҳурмат билан қарашган, темурийларнинг бевосита давомчилари ўлароқ бундай асарларни тарғиб-ташвиқ қилишда маълум ишларни амалга оширганлар. Масалан, шайбонийлар сулоласининг иккинчи вакили, Мұхаммад Шайбонийхон ҳалокатидан кейин хонлик ҳокимиятига келган, 1510—1529 йилларда ҳукмронлик қилган Кўчкунчихон 1519 йили темурийларнинг сарой тарихчиларидан бири, машхур муаррих Шарафиддин Али Яздий таълиф этган шоҳ асар — «Зафарнома»ни форсчадан ўзбекчага таржима қилиш ҳақида фармон чиқаради ва бу вазифани Мұхаммад Али ал-Бухорийга топширади. Мұхаммад Али ал-Бухорий бу топшириқни маҳорат билан адо этади.

Бизнингча, Кўчкунчихоннинг мазкур фармонидан икки мақсад кўзланган эди. Биринчиси, шайбонийлар Туркистон мамлакатини Амир Темур давридаги ҳудудлар доирасида бирлаштириш ва марказлашган қудратли бир давлатни қуриш нияти билан майдонга тушган эдилар. Бу борада уларга Амир Темур давридаги Туркистон мамлакатининг шон-шуҳратини эслаш ва эслатиш асқотар эди, албатта. Иккинчиси, «Зафарнома» ёзиб тутатилган 1424—1425 йилларда темурий шаҳзодалар ҳали ўзаро тотув эдилар, хоқони саид Шоҳруҳ Мирзо теварагига уюшган эдилар, улуғ боболари Амир Темур руҳи олдиди таъзимда бўлиб, оталари амрига мунтазир эдилар. Шу боис давлат ҳам қудратли эди. «Зафарнома»нинг ўзи ҳам ана шу тотувликнинг меваларидан бири сифатида дунёга келганидан хабардормиз. Шу ҳолатни назарда тутсак, Кўчкунчихоннинг ўша фармони замирида шайбонийлар сулоласи вакилларини ўзаро тотувликка чорлов ҳам бор эди, дейиш мумкин.

1996 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Зафарнома»ни Мұхаммад Али ал-Бухорий таржимасида чоп этди, шу тариқа, икки давр — XV ва XVI асрларга, икки сулола — темурийлар ва шайбонийлар замонидан биз миннатдор авлодларга ёдгорлик бўлиб келаётган мазкур асар истиқбол замонамиз китобхонлари қўлига бориб етди.

Шайбонийлар даврида бошлаб берилган темурийлар даврида яратилган асарларни таржима ва тарғиб қилиш ишлари Бухоро хонлигига аштархоний ва манғит сулолалари, Хива хонлигига қўнғирот сулоласи ва

Қўқон хонлигига минг сулоласи томонидан давом эттирилган. Чунончи, Шермуҳаммад Мунис Хоразмий тарихчи Мирхонднинг Алишер Навоий таклифи ва ҳомийлигига ёзилган етти жилдлик «Равзат ус-сафо» («Поклик боди») асарини 1819 йили форсчадан ўзбекчага таржима қилишни бошлайди, бироқ биринчи жилдни таржима қилишга улгуради, вафот этади. Асарнинг қолган жилдларини жияни ва шогирди Оғажий таржима қилиб ниҳоясига етказади. Тасодифий ўшашликни қарангки, Мирхонд ҳам «Равзат ус-сафо»нинг олти жилдини ёзиб тутатишга ултурган эди. Еттинчи жилдни ва хотимани унинг невараси, Алишер Навоийнинг шогирди Хондамир ёзиб, ниҳоясига етказган эди. Мазкур улкан асар кўп асрлар давомида Оврупода тадқиқотчилар учун Турон ва Туркистон тарихи бўйича ягона манба бўлиб хизмат қилган ва ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Умархон (1809—1822) ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон (1822—1842) ҳукмронлик қилган йилларда Қўқон хонлигига ҳар борада темурий Ҳусайн Бойқаро замонига таҳассуб қилиш анъана тусини олган эди. Бу даврда хонликда сугориш иншоатлари кенгайтирилади, янги катта ариқ (канал)лар қазилади, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёта (ҳозирги Жамбул, қадимги Тароз), Наманган, Ҳўжанд, Ӯш ва бошқа шаҳарларда янги масжид ва мадрасалар қурилади. Қўқон хонлиги бу даврда ўз ривожининг чўққисига чиқади. Сирдарёнинг ўрга оқимлари бўйлаб Янгиқўргон, Қамишқўргон, Кўшқўргон каби ҳарбий истеҳкомлар қурилади, Оқмасжид (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳрига асос солинади. Марказлашган ҳокимият кучаяди, амалдорларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари белгиланади, айрим айрмачи бекларнинг таноби тортиб қўйилади. Хонлик ҳудуди кунчиқар томонда Хитой билан, жанубда Бухоро амирлиги билан, гарбда Хива хонлиги билан, шимолда эса Иssiққўл бўйларигача борар, қозоқ қардошларимизнинг Улуг Жуз, Ўрта Жуз, Кичик Жузлари билан чегарадош эди. Давлат ва эл-юрт олдидаги хизматлари учун Умархонга амирулмуслимин унвони берилади. Бу даврда хонликда фан, адабиёт, санъат анча ривожланади. Кўпгина ҳам дунёвий, ҳам диний асарлар яратилади. Шу тариқа, Қўқон адабий муҳити ва мактаби вужудга келади. Саройда мушоиралар ўтказиш анъанага айланади. Саройда маликулкалом унвони таъсис этилади. Бу унвонга сазовор бўлган Абдулкарим

Фазлий Намангоний сарой шоирларига бошчилик қиласи. Амирий тахаллуси билан гўзал фазаллар битган, истеъодли шоир ҳам бўлган, соҳиби девон Умархоннинг топшириғи билан Фазлий ва Мушриф томонидан «Мажмуат уш-шуаро» тўплами тузилади, бу тўплам Тошкентда 1902 йилда босилган. Амирийнинг девони эса 1882 йили Истанбулда, 1905 йилда Тошкентда нашр этилган.

Отаси хон ва шоир Умархон, онаси малика ва шоира Моҳларойим (Нодира) бўлган Муҳаммад Алихонда ҳам шоирлик истеъоди бўлган, Хон, Хоний тахаллуслари билан ижод қилган. У ҳокимиятни бошқарган йилларда хонлик ҳудудига Олой тогининг жанубий тарафида жойлашган Қоратегин, Дарвоз, Шуғнон, Рӯшон ва Вахон бекликлари кўшилади. 1826 йили Шарқий Туркистонда туркий тилли аҳоли манжур мустабидларининг зулмига қарши озодлик учун курашга отланганда Муҳаммад Алихон 30 минг кишилик кўшин билан ёрдамга боради. Натижада манжур ҳукумати Шарқий Туркистоннинг 6 та шаҳри устидан (Оқсув, Қашқар, Ёркент, Ҳутан ва бошқалар) Қўқон хонлигига назорат юритиш ҳуқуқини беришга мажбур бўлади, яъни бу шаҳарлар аҳолисидан олинадиган солиқлар Қўқон хонлиги хазинасига келиб тушадиган бўлади. Шу ғалабаси туфайли Муҳаммад Алихонга ғозий унвони берилади. Фарғона водийсидаги Шаҳрихон шаҳрининг ва унинг атрофидаги кўпгина қишлоқларнинг асосчиси ҳам яна шу тарихий шахсадир.

Қўқон хонлиги ва унинг икки нафар машҳур ҳукмдори ҳақида қисқача ҳикоя қилиб ўтишимиздан мақсадимиз шуки, ўша даврда саройда ва халойиқ ўртасида бу замонни Султон Ҳусайн Бойқаро замонига, адабий муҳитни эса Алишер Навоий ҳомийлик қилган Ҳирот адабий муҳитига қиёс қилинар, ўшандай бўлишга интилишар эди. Бир сўз билан айтганда, темурийлар давридаги иқтисодий-ижтимоий юксалишлар, шу жумладан, Самарқанддаги фанний муҳит, Ҳиротдаги адабий ва санъат муҳити ўзбек давлатчилигининг кейинги босқичлари учун ҳам юксак бир андоза, ибрат оларли бир маёқ бўлиб келаверди.

Хурматли ўқувчи, китобнинг юқорида сиз кўздан кечирган бўлаги нима учун «Шарафиддин Али Яздиининг бир шогирди» деб рамзий аталишининг сабаби ана энди англашилган бўлса керак. Демоқчимизки, кейинги авлодлар учун ҳар борада, жумладан, давлат-

чиликда ҳам, катта устозлар темурийлар ва улар замонида яшаб, ижод этган буюк сиймолардир.

## Тұқызынчи бөб

### ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ЁКИ РАМЗИЙ ИШОРАЛАР

1998 йилнинг 21 августи оқшомида «ойнаи жаҳон»нинг «Ахборот» дастурида Президент Ислом Каримовнинг республикамиз фавқулодда ва мухтор элчилари, дипломатия корпусининг масъул ходимлари билан ўтказган учрашуви ҳақидағи лавҳа ҳам күрсатилди. Бундай воқеа мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам, Ўзбекистон телевидениеси тарихда ҳам биринчи бўлиши эди. Кўрсатувни кузатиш, муҳтарам Юргашимиз куюниб айтган сўзларни тинглаш аноссида *хаёлимиздан икки фикр ўтганди*. Биринчиси шуки, миллий истиқолгла эришганимизга 8 йил тўлди, демак, 130 йилча давом этган узоқ танаффусдан кейин қайта тикланган ўзбек дипломатияси ҳам 8 ёшга тўлиб бормоқда. Миллий дипломатия тарихи миллий давлатчилик тарихининг узвий қисмидир, дипломатиянинг онаси ҳам, дояси ҳам давлатdir, давлатсиз дипломатия бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳар бир давлатни унинг чет эллардаги дипломатлари орқали танийдилар ва уларга қараб баҳо берадилар. Элчи дегани ўзга элларда ўз элини танитувчи ва ўз мамлакати — давлати манфаатларини ҳимоя қилувчи, элларни элларга боғловчи, мустаҳкам дўстлик кўпригини солувчи мартабали шахсадир.

Элчилик ўта нозик, етти ўлчаб бир кесишни ва узоқни кўзлаб иш юритишни тақозо этадиган, заргарона дид-фаросатни ва жуда хушёрикни, синчковликни, кузатувчанликни, ҳар дақиқада ва ҳар борада бутун бир мамлакатнинг ишончли вакили эканини унутмасликни талаб этадиган ниҳоятда масъулиятли ва айни пайтда шарафли вазифадир. Маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси мустақил ва суверен давлат сифатида, ҳалқаро ҳукуқнинг бир субъекти сифатида Ер юзидағи 150 га яқин давлат ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан тан олинди, 20 дан ортиқ чет эл мамлакатларида элчиларимиз, консулларимиз фаолият кўрсатмоқдалар, Тошкентда 50 дан ортиқ хорижий мамлакат-

нинг элчихоналари, консулхоналари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Хўш, шундай бир пайтда замонавий дипломатларимиз учун кўлланма ва дастур бўларли, уларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, ёрдам берувчи қандай адабиётларга эгамиз, нашриётларимиз қайси асарларни чоп этишган ва келгусида қандай асарларни режалаштиришган, тарихчи, шарқшунос ва ҳуқуқшунос олимларимиз бу борада қандай илмий тадқиқотлар яратиши ва ёки қайси мавзуларда илмий иш олиб бормоқдалар, умуман олганда, Фанлар академиямиз қошидаги илмий ишларни мувофиқлаштирувчи ва рўйхатга олувчи кенгашлар томонидан ўзбек дипломатияси, тарихи ҳамда ҳозирги замон дипломатиямиз фаолиятига доир мавзуларга ҳам эътибор берилгани — муҳтарам Президентимизнинг «ойинан жаҳон» орқали куюниб айтган сўзларини тинглаб ўтириб, хаёлимиздан ўтган биринчи фикр ана шу саволлар хусусида эди. Юртбошимиз сўзларида камина ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг муҳим қисмларидан бири бўлмиш дипломатик алоқаларимиз тарихини яратиш зарурлиги юзасидан нафақат тарихчилар, балки барча зиёлилар зиммасида турган вазифага бир рамзий ишорани туйдим.

Ўзбек давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эга экан, дипломатия тарихимиз ҳам шунча ёшдадир. Бизким, ўзбеклар тарихда ўтган моҳир ва машҳур элчиларимиз билан ҳам фаҳрлансак арзиди. Ўзбек дипломатиясида давлат тафаккурига эга, давлати ва эл-юрти манфаатини ҳар нарсадан юқори қўядиган, мамлакатнинг ишончили устунларидан ҳисобланган, халқаро миқёсда эътироф этилган ва обрў-эътибор қозонган, фидойи ватан-парвар, билимдон, кўркам ва салобатли сиймолар — олим, адиб, тарихчи ва етакчи давлат арбобларини ўзга элларга элчи қилиб юбориш одати анъана бўлиб келган. Мисоллар келтирамиз. Буюк қомусчи олим Абу Райхон Беруний Султон Маҳмуд Фазнавий топшириғига кўра Ҳиндистонга элчи бўлиб боради, элчилик вазифасини адо этиш асносида янги ёзилажак буюк асарларига оид манбалар билан танишади, санскрит тилини янада пухтароқ ўрганади. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи сайдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ёзишича, XV асрнинг биринчи ярмида Туркистон билан Румо (Усмонлилар салтанати), Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари орасида дипломатик алоқалар йўлга кўйилган эди. Бу алоқаларни амалга

оширишда Абдураззоқ Самарқандийнинг фаол иштирок этганлигига унинг элчилик сафарлари ҳақида келтирган ахборотлари яққол далил бўла олади, унинг ўзи ҳам элчилик карvonларига сорбонлик қилади. Хоқони сайд Шоҳруҳ Абдураззоқ Самарқандийни Жанубий Хиндистоннинг Ҳинд океани қирғогига жойлашган Коликутт шаҳрига ва Вижаянагар давлатига элчи қилиб юборади. 1442 йилнинг 13 январида Ҳиротдан йўлга чиқсан Абдураззоқ Самарқандий Форс вилояти, Арабистон яримороли орқали куруқлик ва денгиз йўли билан юриб, 1442 йил 17 октябрда (яни 9 ойдан кўп йўл юриб) Коликуттга етади. Элчилар бу шаҳарда 5 ой турив, сўнг Вижаянагарга ўтишган. У ерда 1443 йилнинг охиригача бўлиб, ўша йилнинг 5 декабрида қайтишга отланган ва 1444 йилнинг декабр ойида Ҳиротга қайтиб келишган, кўринадики, бу элчилик сафари бир ойи кам 3 йил давом этган.

Шайбонийлар ҳам дипломатик алоқаларга эътибор беришган. Хитой, Мўгулистон, бобурийлар давлати, сафавийлар давлати, усмонлилар салтанати, шунингдек, Қишим хонлиги, Қозон хонлиги, 1547 йили рус подшолиги вужудга келгач, бу давлат билан элчилик алоқаларини ўрнатган. Амир Темур замонидан бу даврнинг фарқларидан бири шу эдики (орадан бир асрча вақт ўтган эди), темурийлар салтанати ва Олтин Ўрда давлати ўрнида кўпгина катта-кичик давлатлар вужудга келган.

Бу даврда Усмонлилар салтанати айниқса кучайган, ҳудуди фарбда Шимолий Африка ва Болқондан тортиб, Шарқда сафавийлар давлатигача, шимолда Қора денгиз бўйларидан тортиб жанубда Қизил денгиз, Форс кўрфази ва Ҳинд океанигача борарди. Деярли барча араб давлатлари, шу жумладан, Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган Ҳижоз мамлакати ҳам бу салтанат таркибида эди, шу сабабли Усмонли давлат бошлиқларига халифа унвони берилган бўлиб, давлатнинг номи ҳам Усмонлилар халифалиги деб юритиларди. 1453 йили Константинополь шаҳри фатҳ этилган бўлиб, Истанбул номи билан мамлакат пойтахтига айлантирилган эди.

Ўргада Усмонлилар халифалиги борлиги боисидан бўлса керак, шайбонийлар (Амир Темур замонида бўлганидек) Фарбий Оврупо давлатлари билан дипломатик алоқалар олиб боргани ҳақида бизнинг қўлимизда маълумотлар йўқ.

Шайбонийлар ҳам ўзбек дипломатиясининг азалий

анънаасига риоя қилиб, чет элларга машхур кишиларни элчи қилиб жүнатғанлар. Бир мисол. «Бобурнома»да ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро хукмронлик қылған йилларда, Алишер Навоий ҳомийлигиде камол топған энг атоқлы мусанниф (яни бастакор), Бобур сұзы билан айтсак, «Яхши савтлари ва хұб нақшлари бор. Үл замонда онча нақш ва савт боелар киши шүк зди», Гулом Шодийни Мұхаммад Шайбонийхон Қозон хони Мұхаммад Аминхон ҳузурига элчи қилиб жүната-ди. (Бугунги үқувчига тушунарлы бұлсın учун йүл усти «савт» ва «нақш» сұzlарига изоҳ беріб ұтамиз. Бу үринде «савт» сұзы күй маъносини, «нақш» сұзы эса ашула, құшиқ маъносини англатмоқда. Ҳозир ҳам мақомнинг чолғу йүллари савт деб аталади. Савт ва нақш боғлаш дегани, күй ва құшиқ яратиш, мусиқа ёзиш демекдір).

Шайбонийлардан кейин ҳокимият тепасига келған аштархонийлар замонининг дастлабки үн йилліклари давомида Бухоро хонлиги томонидан хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар бирмунча тузук йұлта қойилған бұлса-да, кейинчалик үзаро ички низолар туфайли бу соҳа ҳам оқсай боради. Уч хонлик замонига келиб эса давлатчилигимиз илгаригидай куч-құдратга ега бұлмагани сабабли әлчилигимиздан ҳам шукух кет-ған зди.

Маълумки, құдратли ва буюк давлат әлчисининг сузи үткір, шукухию обрү-эътибори баланд бұлади. Юртимиз чоризм истилосига учрагач, давлатчилигимиз билан баробар әлчилигимиз ҳам тұхтаб қолди: Құқон хонлиги тұғридан-тұғри мустамлакага айлантирилди, мустақіл давлат мақомидан вассал мақомига туширилған Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги чет әл давлатлари билан дипломатик алоқалар үрнатыш ҳукуқидан маҳрум этилди. Тұғри, 1914 йили бошланиб кетған Биринчи жағон уруши йилларда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги томонидан Шарқий Туркистан, Афғонистон, Эрон, Усмонлилар халифалити ва Англия билан дипломатик алоқалар үрнатышға интилишлар, амирлик ва хонликнинг вакиллари үша мамлакатларға пинхоний равищща бориб келғанларлар ҳақида маълумотларға әттегіз. Бироқ бу вакиллар әлчилик мақомига ега эмас әділар, мустақіл давлатнинг расмий вакилигина әлчилик мақомига ега бўлиши мумкин, холос.

Әлчилигимиз соҳасидаги бундай ўксуқлик ва хұрпил қарийб 130 йилча, то 1991 йили миллий мустақіллікка Эришгунимизча давом этиб келди. Истиқдол ша-

рофати билан элчилигимиз қайта тикланди, муҳтарам Президентимиз фармони билан тайинланган элчиларимиз бирин-кетин дунёning турли мамлакатларида фаолият курсата бошладилар.

Хурматли Юртбошимизнинг таъбирлари билан айтганда, элчи ўз ҳалқининг юзи, ўз давлатининг кўзидир. Худди шундай бўлиши керак. Чунки ҳар бир элчи ўзи хизмат ўтаётган мамлакатнинг ҳалқига миллатимиз қиёфаси бўлиб кўзга ташланади. Ўз давлатининг кўзи дегани шуки, элчи ҳар борада ва ҳамма вақт ўз эл-юртининг, уни элчи қилиб юборган давлатининг ҳозирги ва истиқболдаги манфаатларини, яъни **тактик ва стратегик манфаатларини** кўзлаб фаолият кўрсатмоғи зарур.

«*Сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар вижданни бўлса, ўз ҳалқининг тарихий ўтмишини билиши керак*» — муҳтарам Президентимиз томонидан тарихчилар билан учрашувда айтилган бу даъват элчиларимиз, дипломатия ходимларига ҳам бевосита тегишлидир: «**ойинаи жаҳон**» қарисида дилимиздан кечган иккинчи фикр шу эди.

Элчиларимиз, дипломатия ходимларимиз ва шу соҳа бўйича илм олаётган ёшларимиз, умуман, ҳалқимизнинг тарихий ўтмишини, хусусан, элчилик тарихимизни чуқур ўргансалар, бу нарса ўз фаолиятларида жуда асқотиши турган гап. Афсуски, шу кеча-кундузда уларга тавсия этгулик тайёр ва муносаб, илмий-оммабоп тарзда тушунарли ва ўқишли қилиб ёзилган адабиётлар жуда оз, борлари ҳам у қадар талабга жавоб бера олмайди, эндиликда замон ўзгарди, бугунги миллий мафкурамизнинг талаби эса кучли. Шўролар даврида нашр этилган адабиётлар асосан ўша замон талабига мос қилиб ёзилган. Демак, тарихчиларимиз, шарқшуносларимиз, ҳукуқшуносларимиз, адибларимиз ва умуман ўтмиш тарихимиз билан илгаридан қизиқиб, чуқур ўрганиб келаётган, холис, ҳаққоний, қизиқарли ва тушунарли қилиб ёза оладиган барча зиёлиларимиз зиммасида давлатчилигимиз тарихини ёзишдек шарафли ва масъулитли вазифа турибди. Бу ҳақда кейинроқ алоҳиша тұхталиб ўтамиз.

## ЎНИЧИ БОБ

### БУЮК ТАШАББУС ВА БУЮК ҚАЙТИШ

Ўзбек давлатчилиги тарихининг яхлит, ҳаққоний тарихини яратиш фояси муҳтарам Президентимиз томонидан энди, яъни тарихчи олимлар билан учрашувда ўргага кўйилди, десак тӯғри бўлмас экан. Шу китобни ёзишга тараддуд кўриш ва ёзиш асосида у кишининг турли муносабатлар билан турли анжуман, йигин, йиғилиш, семинар, мулоқот, давра сұхбати, учрашув, юбилей ва сессияларда қилган маъruzалари, айтган нутқлари, чиқишилари, билдирган фикрлари, йўллаган нома ва қутловлари билан қайта танишувимиз, куп жилдлик асарларини яна бир бор кўздан кечиравимиз асосида шундай холосага келдикки, бу фоя Юргбошимиз томонидан миллий истиқлолга эришганимиздан кейиндоқ ўргага кўйилиб, изчил тарзда илгари сурилиб келинаётган экан. Афсуски, тарихчиларимиз ва, айниқса, шу соҳага боғлиқ мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, зиёлиларимиз, шу жумладан, биз — қалам аҳли ҳам бу даъватни ўз вақтида илғаб ола билмабмиз. Шундан кейин Юргбошимиз тарихчилар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари билан алоҳида бир учрашув ўтказишни ва уни телевидение орқали ҳалқимизга кўрсатишни лозим курибдилар, токи ўргага кўйилаётган бу вазифадан бутун жамоатчилик воқиф бўлсин, ўз муносабатини билдирсин, жамият ўртасида миллий давлатчилигимиз тарихини билишга қизиқиши вужудга келсин ва кучайсин, асосийси, бугунги истиқлол замонамиз қадрига чукур етайлик, миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ишига ҳар бир фуқаро онгли равишда ўз ҳиссасини қўшишга чоғлансин.

Бир неча мисол-далиллар келтирамиз. **Биринчи мисол.** Бу маънавият соҳаси билан боғлиқ Ҳурматли ўқувчи, агар ёдингизда бўлса, 1991 йилнинг 28 сентябри тонгида, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинганга эндиғина тўрт ҳафта бўлган, республикамизни ҳали на бирор чет эл мамлакати, на бирор ҳалқаро ташкилот ҳалқаро ҳукуқнинг бир субъекти сифатида, мустақил ва суверен давлат сифатида тан олмаган бир пайтда Ўзбекистон Миллий боғида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилеи муносабати

билин үтказилган умумхалқ мәрракаю маросимидә мұхтарам Президентимиз сұзлаган нүтқида буюк бобомизнинг адабиёт ва санъатимиз, фан ва маданиятимиз равнақига күшган улкан улушини сұзлаш баробари Амир Алишербек Навоийнинг буюк давлат арбоби ҳам эканини алоҳида урғу беріб таъкидлаб үтган эдилар. Аслида, бу таъкиднинг замирида давлатчилигимиз тарихини эслашга бир ишора ётар экан.

**Иккинчи мисол.** Бу Амир Темур ва темурийлар хотирасини ёлаш ва абадийлаштириш билан боғлиқ.

Одам маърифат сўзини кўп тилга олавермай, маърифатли, маънавият иборасини ҳадеб ишлатмай маънавиятли бўлиши мумкин. Чунки булар тилда эмас — маърифат онгда, маънавият қалбда макон топади.

Одам бошқа барча жонзорлардан онги ва қалби билан фарқланади. Буни инсон шарафи дейилади.

Одамда хотира бор. У аждодларини эсга ола билади. Ана шу нарса — аждодларни хотирлаш сусайса ёки йўқолса, яъни аждодлар билан авлодлар ўртасида узилиш юз берса, миллат таназзулга юз тутар экан. Сўнгги асрларда халқимизнинг сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий, маърифий, маънавий ва ҳудудий жиҳатдан парокандаликка учраб, охир-оқибатда мустамлака асоратига тушиб қолишига ҳам асосий сабаб ана шундадир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мустақилик йилларида республикамизда буюк аждодларимизни қайта таниш ва биз — авлодларга яқиндан таништириш борасида амалга оширилган тадбирларнинг ҳам амалий, ҳам назарий аҳамияти бекиёсdir. Бундай тадбирнинг чўққиси, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи бўлди. Мазкур юбилей муносабати билан бир-биридан гўзал, мазмундор, бир-биридан салобатли ва чўнг аҳамиятли тадбирлар, илмий анжуманлар үтказилди, ноёб асарлар нашр қилинди, буларни қамраб олиш учун жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин.

Афсоналарда айтилишича, одам жисмонан вафот этгач, унинг руҳи осмони фалакка кўтарилиб, юлдузга айланниб қолар экан. Инсон тириклигига — бу ёруғ жаҳонда қанчалик кўп эзгу ишлар қилган бўлса, унинг юлдузи шунчалик кучли порлар экан. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бизким, ўзбеклар учун энг порлоқ юлдуз бу — Соҳибқирон юлдузидир! Бу агадиятга дахлдордир!

Юлдуз биз — одамларга яқин келмайди, балки бизлар юлдузга яқин борамиз. Одам ўз тафаккури ила шундай

Қила билади ва қила олади. Президент Ислом Каримов-нинг Фармони билан Амир Темур йили деб эълон қилинган 1996 йил чиндан ҳам кутлуг келди — халқимиз маънавият, маърифат, маданият ва бошқа соҳаларда бир порона юксалди — Соҳибқирон юлдузи томон парвоз қилди. Аввало шуни алоҳида ва мамнуният билан қайд этиш лозимки, Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бошланди, юбилей тадбирлари унинг фаол иштироки ва давлат бошлиғи сифатидаги катта ёрдами билан ўтди. Бунга мисол тариқасида Президентнинг Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик муборак санасини нишонлаш түгрисидаги Фармонини, 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш ҳақидаги қарорни, 1996 йил 24 апрель куни Парижда ЮНЕСКО Ижроия кенгаси сессиясида, ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида, 16 октябрь куни Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейини, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Соҳибқирон ҳайкални очиш тантаналарида, 24 октябрь куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзудаги халқаро илмий конференцияда Юртбошимизнинг қатнашганини, ёрқин ва сермазмун нутқлар сўзлаганини келтириш мумкин. Бу нутқларда миллий давлатчилигимизнинг қадимийлиги ва айниқса Амир Темур замонида қудратли бўлганлиги таъкидлаб ўтилди.

Айтиш мумкинки, Соҳибқирон Амир Темур юбилейига тайёргарлик босқичма-босқич олиб борилди, уч йилдан ортиқ давом этди. 1993 йилнинг 31 август куни Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида Президентимиз, жумладан, бундай деган эди:

*«Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унумтишмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.*

*Биз яшаб турган бу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, олами тебратган, номи етти иқлимига машҳур бўлган улуғ бобоқаюнимиз Амир Темур ҳайкални очиш маросимига йигилдик.*

*Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақилик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди...*

*Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ўзбекистон мустақилигига, муборак истиқлолимизга икки йил тўлди...*

*Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.*

*Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гузал пойтахтимиз жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кутарган улуғ бобомиз сиймоси ҳалқимизга фаҳр ва сурур баҳи этмоғи муқаррар!*

*Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли ҳалқимизни бирлаштиришда, жисплаштиришда, имон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-кувват ва шижоат бағишлади!»*

Дарҳақиқат, шундай бўлмоқда.

Тарихдан аёнки, Мұхаммад Тарагай — Мирзо Улуғбек Соҳибқироннинг энг севимли набирасидир. Набира бўлганда ҳам буюк бобосига муносиб зурриёд бўлган. Чексиз ақл-идроқи, азму қатъияти, одилона сиёсати билан қариб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳрдиёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, ҳалқнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди. Соғ амалий услубда ижод қилди. 1018 юлдуз жамланган ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвални — «Зийжи жадиди кўрагоний» асарини яратди. Шу билан нафақат ҳалқимизни, балки бутун тараққийпарвар инсониятни олис юлдузлар томон бир поғона юксалтириди. Бу юксаклик бугунги мутараққий замонамиздир. Шунинг учун 1994 йили ҳалқаро миқёсда нишонланган Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини Соҳибқирон тантаналарининг узвий қисми деб ҳисоблаш мумкин. 1994 йилнинг 15 октябр куни Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, тарихи бўлмаган ҳалқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуғ тарихимизнинг инсоният ривожида катта из қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мужассам бўлган. Бугун насл-насабимизни эслаш ва тикилаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта гурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барҳаётдир.

Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва ҳалқлар бир нарса-ни яхши англамоқдалар. Улуғбекдай муносиб фарзанд-

лари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги фояларни яратишга ва ри-вожлантиришга қодир халқдир.

Мирзо Улуғбекни буюк тарихий хизматлари эвазига улуғламоқ — бу айни пайтда унинг бобоси Соҳибқирон ҳазратларини ҳам эъзозламоқ демакдир. Ҳар қандай ҳалқ ҳам бундай буюк бобо ва улуғ неварани тарбия этгани учун фууруланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай сиймолар фақат ўз ҳалқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қиласи ва жаҳонниг эътиборини қозонади. Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй берәётган улкан ўзгаришларни шундай аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмоқдамиз. Буюк давлат пойdevорини мустаҳкам қилиб қуриш, дунёда ўзимизга муносаб ўрин эгаллашда улуғ боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қиласи, ҳалқимизнинг кучига куч, файратига файрат, ишонч қушади, мамлакатимиз ва миллатимизнинг ҳалқаро обручини оширади. Улуғ сиймоларнинг йирик саналарини нишонлашнинг ижтимоий моҳияти мана шундадир. Оддий ҳалқ ибораси билан айтганда, буни арвоҳ хотири дейдилар!

1996 йилнинг 24 апрелида Парижда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини Президент Ислом Каримов «Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди» деб атади. Жаҳон назаридаги ҳақли равишда энг нуфузли маънавият ва эзгулик ташкилоти ҳисобланадиган ЮНЕСКОнинг 50 йиллигига бағишинган, дунёдаги атоқли интеллектуал кучларнинг бу ҳалқаро анжуманида Юртбошимиз ўзбекистонномидан гапириб, жумладан бундай деди: «*Биз ЮНЕСКО ўзбекистонга берәётган эътибор учун жуда миннатдормиз. Бу — илдизлари асрлар қаърига туташган, учминг йилликдан кўхнароқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқиши кўрамиз. Ниҳоят бу — ўзбек ҳақининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.*

Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркестонномлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган. Буюк Ипак йўлидаги боғловчи марказий ҳалқа, Шарқ ва Фарб учрашадиган, улар-

нинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк аждодларимиз — Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа Шарқ дошишманларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз».

Нотиқ XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо — Амир Темурнинг тутган ўрни ва унинг аҳамиятига алоҳида тұхталади: «Амир Темур жаҳон тарихига құдратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсинг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъоддининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалар билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машюқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишими таъминлаган Шарқ Уйғониш даври эди».

Бу ҳароратли ва илмий сўзлар жаҳондаги атоқли интеллектуал кучлар даврасида, жаҳон назарида энг нуфузли маънавият ва эзгулик ташкилоти анжуманида буюк аждодларимиз, жумладан, Амир Темур шаън-шавкати ва шукухини улуғлаш, юртимиз ва ҳалқимизнинг асл тарихини эътироф эттириш ва шарафлаш эди. Илгари қатағон қилиниб келинган мамлакатимизнинг Мовароуннаҳр ва Туркистон деган тарихий номларини тилга олиниши тарихни қайта варақлаб, аслиятни юзага чиқариш ҳамдир. Амир Темур ҳақида чин сўзларни айтиш Соҳибқирон бобомиз юлдузи атрофидаги губорларни тарқатиб юбориб, унинг порлоқ қиёфада зиё таратишига қўшилган ҳисса деб биламиш.

Ўша 24 апрель куни ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар давридаги илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Юртбошимиз Соҳибқироннинг бугунги кундаги тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, жумладан, бундай деди: «Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан ўн баравар фойдалироқдир», деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масала-

тарни сиёсий мулокот, оғоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона — жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди».

Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан, бу тарақкӣ қитъалаги ҳалқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги ҳамда у ерда ўтаётган нуфузли анжуманларда фаол қатнашаётганлиги Президент Ислом Каримовнинг ҳалқаро сиёсатда Соҳибқирон бобомиз йулидан бораётганини кўрсатади. Мана шуни тарихдан керакли холоса чиқариш, тарихий буюк сиймода фаолиятидан ўrnак олиш десак арзийди.

Юртбошимизнинг Соҳибқиронга нисбатан айтган ушбу сўзлари айни пайтда унинг ўзига ҳам тегишли десак янгилишмаймиз:

«Буюк стратегик, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчisi, савдо-сотик, ҳунармандчиллик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур «Конуналар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди». Кўриб-билиб, шоҳиди булиб турибмизки, Президент Ислом Каримов буюк стратегик, моҳир сиёсатчи ва ислоҳотчи, маданият, маънавиятнинг боп ҳомийси сифатида фаолият кўрсатмоқда, савдо-сотик, ҳунармандчилликнинг ривожланишига жонкуярлик қилмоқда, келажаги порлоқ давлат қуриш учун курашмоқда.

Телекўрсатувлар ва матбуотда маълум бўлишича, ўша кўргазма Амир Темурнинг «Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!» деган машҳур сўзларини яққол тасдиқлади. Бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ишлар, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи, умуман, бунёдкор ҳалқимизнинг, хусусан, Юртбошимизнинг қиёфасини кўрсатувчи ёрқин далиллардир.

Париждаги анжуман ва кўргазма Буюк Ипак йўли яна тикланаётганидан бир муждадир, дейиш айни ҳақиқатдир.

Юртбошимиз мазкур нутқида, шунингдек, мамлакатимизнинг «Туркистон», «Мовароуннаҳр» деган тарихий номлари қаторида энг кўхна атама «Турон» камиласини тилга олди. Биз биламизки, қизил империя замонида бу мұқаддас ном ҳам қатағон қилинган эди. «Турон»нинг нуфузли анжуманда тилга олиниши ҳам

рамзий, ҳам тарихий аҳамиятга молик: мамлакатимиз жуда кўхна тарихга эга, ўзбеклар дунёдаги энг қадимги халқлардан биридир. Айни пайтда юртимизнинг кўхна бу номини тилга олиниши миllий давлатчиликимиз тарихини мукаммал қилиб яратиш зарурлигига бир ишора эди.

1996 йилнинг 18 октябрь куни ҳалқимиз ўзлигини намоён қилган сана сифатида тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди: муazzам пойттахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлиб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиш маросими бўлди. Бу маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан ҳатми Қуръон билан бошланди, юрга ош тарқатилиб, лузи фотиҳа қилинди, муқаддас Ислом динимиз буюрган бир фарз — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаб, эзгу бурч адо этилди. Ўша онларда Темур ва темурийлар бизларга, бизлар эса буюк аждодларимизга руҳий яқинлашгандек, орамиздаги олти-етти асрлик масофа туташиб кетгандек бўлди. Амир Темур шахси яна ватан ва миllat тимсолига айланди.

Мазкур музейнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Президентимиз, жумладан, бундай деб ҳақ гапни айтди: «*Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл қўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миllat қайгуси, ҳалқ дарди яратади, дейиш мумкин.*

Бу ибораларни умренинг мазмунини ҳалқимизнинг дардларига дармон бўлишга бағишлиётган, элим деб, юртим деб фаолият кўрсатаётган толмас Юргбошимизнинг шаънига қарата айтсан, янгишмасак керак, деб ҳисоблаймиз.

Соҳибқирон бобомиз мураккаб тарихий шароитда — 1370 йилдан бошлиб ҳалқимизнинг бошини қовуштира билди, истиқлол байробини баланд кўтарди. Орадан роса 620 йил ўтгач, Юргбошимиз шундай шарафли ишни амалга оширди. Мәърифатли жаҳон жамиятни бу буюк хизматини эътироф этди. Ўзбекистонимизни дунёдаги деярли барча мамлакатлар ва нуфузли ҳалқаро ташкилотлар мустақил ва суверен давлат сифатида тан олгани бу фикримизнинг тасдигидир.

Президент Ислом Каримовнинг азалий буюклиқ маскани бўлмиш Самарқанд шаҳрида Амир Темур

ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқини бу қадим пойтахтимиз шаънига айтилган бир ҳаққоний қасида дегимиз келади: «*Самарқанд — ҳалқимиз, миллатимиз довругини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.*

*Самарқанд ўтмиши — шарафли, бугуни саодати, келажаги авабий шаҳардир.*

*Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига бекиёс ҳисса кўшган зот бобомиз Амир Темурдир».*

Дарҳақиқат, қачонки Амир Темурни ёд этсак, беихтиёр Соҳибқирон салтанатининг пойтахти бўлмиш Самарқанд ҳам эсимизга тушади. Умуман, бутун диёргимизда, хусусан, Самарқанд шаҳрида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улуғвор ишлар Соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг бунгунги давоми десак арзиди.

Амир Темур юбилейининг нишонланиши, унга ҳайкаллар ўрнатилиши, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этилиши, у зоти шарифга бўлган эҳтиромнинг сабабини Юртбошимиз бундай таърифлаб берди:

*«Амир Темур шахсини идрок этиши — тарихни идрок этиши демакдир.*

*Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.*

*Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».*

Маълумки, Соҳибқирон таваллуд топган, камолга етган қадимий Кеш, яъни Шаҳрисабз шуролар замонида нодир меъморий ёдгорликлари кун сайин нураб бораётган туман миқёсидаги шаҳарча эди. Мустабид тузум Соҳибқирон бобомиз Туркистон мамлакатини босқинчилардан ҳолос этиш йўлидаги жасур ҳаракатларини бошлаган бу юртнинг ҳароб ётишидан манфаатдор эди. Истиқтол йилларидан бошлаб, Шаҳрисабзга кўрк ва файз кира бошлади. Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд тўйи шарофати билан кўхна ёдгорликлар таъмирланди ва ниҳоят Соҳибқирон бобомизга ҳайкал ўрнатилди. Ушбу ҳайкал очилиши маросимида Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, «*Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият риво-*

жига қүшган ҳиссасини, келажакка ишончини англомоңчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Бугунги қуттуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўттарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимиизда қайтадан мағур ҳилтираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман».

Истиқлол байроғи ишончли қўлларда! Бунга шакшубҳа йўқ!

«Амир Темур» ордени билан илк бор Соҳибқирон таваллуд топган ва камолга етган юрт — Шаҳрисабзнинг, азалий буюклик маскани — Самарқанднинг тақдирланиши ўта адолатли иш бўлди, бу — муқаллас тупроққа таъзим ҳамдир. Бу — адолат яловбардори Амир Темурга хос иш бўлди! Демак, биз Соҳибқирон юлдузи сари яна бир поғона юксалдик.

24 октябрь куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида ўтказилган «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий анжуман Соҳибқирон таваллудининг 660 йилигига багишланган барча тадбирлар ва тантаналарнинг чўққиси, ундаги Президент Ислом Каримовнинг маърузаси эса буюк бобомиз фаолияти ҳақида то шу пайтгача айтилган фикрларнинг энг етуғи бўлди, дея оламиз. Юртбошимиз давримизнинг баркамол мутафаккиларидан бири сифатида Амир Темур даҳоси, унинг тарих саҳнасига чиқиши сабабларини очиб берди, буюк бунёдкорлик фаолияти, бугунги кунда Соҳибқирон шахсига нисбатан тарихий адолатни тиклашнинг моҳиятини таҳдил этди, илмий асосланган хулосалар чиқарди. Булар шу бутун учун ҳам, келажак учун ҳам ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга моликдир. Чунки маърузада Соҳибқирон бобомиз бутун салобати ва шукуҳи билан кўз олдимиизда гавдаланди, унинг юлдузи янада порлоқ кўринди, бизминнатдор авлодлар у томон янада бир поя юксалдик.

Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва Соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва у зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин.

Маълумки, бир ярим аср, яъни 1220 йилдан 1370 йилгача юртимиз қарамлик жафосини чеккан. Ҳамма-ҳамма — оддий фуқародан тортиб, кўпчилик ватанпарвар сиёсий арбоблару пешво уламоларгача истиқлолга

орзуманд булиб қолган эди. Жамият озодлик ва тарақ-  
қиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган  
халоскорга, етакчига муштоқ эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифа-  
тида майдонга чиқди ва зафар қозонди.

Тарихнинг такрорланишини қарангки, юртимиз яна  
бир ярим асрча аввал чоризмнинг, кейин қизил импе-  
рияниң асоратига тушиб қолган эди. Бу асоратдан  
кутулишимизда Президент Ислом Каримовнинг етак-  
чилик қилганига биз — замондошлар шоҳидмиз.

Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида  
тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Чунки ҳеч  
нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз  
конунияти бор. Турон ва Туркистон замини азалдан  
мавнавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган.  
Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топга-  
нига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган  
эди. Буюк бобомиз ҳокимиятни бошқарган йилларда  
сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган  
ютуқлар диёримизда қадимдан ривожланиб, шаклланиб  
келган тарихий-маданий анъаналар асосида юзага чиқ-  
қандир. Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик  
тарихий равнақида тасодифий шахс эмас, балки қону-  
ний, зарурий сиймодир. Темур ва темурийлар бир неча  
минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъаналар, буткул  
шаклланган маданий-мавнавий жараён ҳосилаларидир.  
Демак, тарихни бутунга қиёс этсак ва хулоса чиқарсак,  
Ислом Каримовнинг намоён булиши ва жумҳуриятимиз-  
га етакчилик қилиши ҳам қонуний бир ҳолдир.

Жаҳон маданий ва мавнавий жамоатчилиги ўн тур-  
тинчи асрда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун  
дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фао-  
лияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан  
танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу  
худудда ундан олдин ўтган буюк алломаларининг ижо-  
лий меросини, уларнинг муборак ва табаррук номла-  
рини яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрга-  
нишига замин ва шароит туғилди.

Амир Темур ва умуман темурийлар замонида юрти-  
миздан етишиб чиқсан кўплаб алломаларнинг номла-  
ри, илмий ва ижодий ишлари айни улар ҳокимиятни  
бошқарган йилларда тўрт иқлимда кенг ва теран та-  
нилгани ва ёйилганини биз тарихдан биламиз.

Мустақиллик шарофати билан ана ўша анъана яна  
изчил йўлга тушди. Истиқлол йилларида ўнлаб буюк

аллома, уламо, шоири адибларнинг юбилейлари ўтказилганига, асарлари кенг тарғиб қилинганига шоҳидмиз. Масалан, бундан ўн йил аввал Амир Темур таваллудининг 650 йилигини ўтказишни ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмасди, десак муболага бўлмайди.

Амир Темур тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юргининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини тарих тасдиқлайди. Бутунги кунда эса Президентимизнинг буюк фаолияти туфайли Ўзбекистонимизга, халқимизга, бой маданиятимизга жаҳон миқёсида қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Юртимиз раҳбари ўз маърузасида темуршунослик олдидаги турган вазифаларни ўргага қўйди. Маълумки, коммунистик мағкура ҳукмрон бўлган совет жамиятидаги тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда сабиқ Совет Иттифоқи худудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилиди. Бу гоя Ер юзи қуруқчилик қисмининг олтидан бир қисмида яшаган иккита юз эллик миллион халққа, шу жумладан, ўзбек халқига зўрлаб сингдирилди. Масалан, муқаддас Туркистон калимасини олиб кўрайлил.

«Туркистон» атамасининг худудий қамрови дунёда энг катта Евроосиё материгига боғлиқ, зоро, у мазкур қитъянинг таркибий қисмидир. Туркистонни «Ўрта Осиё» дейишида ҳам, «Марказий Осиё» дейишида ҳам сезиларли қусурлар бор. «Марказий Осиё» худудан Осиё қитъясининг марказий худуди — ҳозирги Мўғалистон ва ҳозирги Шимолий Хитой вилоятларига тўғри келади. Туркистон тарихан шаклланган ва тақдирлан қисмларга бўлиб юборилган ягона иқтисодий-жуғрофий жиҳатларга эга бўлган мамлакатнинг номидир. У ўтмишда таҳминан 5 миллион 400 минг карра километр майдонга эга бўлган. XIX асрга келиб Туркистон уч қисмга — Фарбий Туркистон, Шарқий Туркистон ва Жанубий Туркистонга тақсимланган. Юртбошимиз Туркистонни азалий номи билан атаб адолатни тикламоқда. Бу, биринчидан, этимологик — луғавий жиҳатдан асосли, иккинчидан, туркий халқлар ареалининг маркази, туб жой халқнинг 90 фоизини туркий халқлар ташкил этади, учинчидан, асрлар давомида Туркистон номи кўллаш келинган.

Шуни жиддий ва қатъий айтиш вақти етдики, шўролар даврида ижтимоий соҳалар бўйича илмий иш билан шутуулланган ходимлар, айниқса, тарихчи, адабиётчи, хуқуқчи, файласуфларимиз кўпчилигининг ижтимоий онги шўровий мафкура билан шаклланиб, шуро сиёсатига бел боғлаб хизматкорлик қилишга кўнишиб кетган кишилар бўлганлиги учун ҳам Туркистон номини иложи борича тилга олмасдилар. Қайси тарихчиининг китобига қараманг, чоризмга хизматкорлик қилган, великорус миллатчилигини гоҳ ошкора, гоҳ яширин тарғиб-ташвиқ қилган рус тарихчиларига, жумланан, В. Бартольдга асосланиши, уларга сажда қилиши ҳолатларини учратамиз. Шарқ манбаларига мурожаат қилганларида ҳам, асл манбаларга ёндошмай, ўша манбаларнинг Оврупо тилларига ўгирилган таржималаридан, талқинларидан мисол келтирадилар. Натижада сўз ўзбек илмий ходиминики, фикр эса Оврупо олимииники бўлиб келди. Ўзбек китобхонига эса ана шу ўзгалирнинг мулоҳазалари етиб борди. Буларнинг бари чоризм ва қизил империянинг миллатнинг ўзлигини унтишга қаратилган сиёсатининг асорати ва касофатларидандир.

Тарихий асарлардаги соҳталиклар бадиий адабиётта ҳам кўчиб ўtdи. Қатор романлар, пьесалар, достону шеърларда, драмаларда Амир Темур ва темурийлар образлари, уларнинг фаолияти бир ёқлама тасвирланди. Маълумки, тарихий китобларга қараганда бадиий адабиётнинг ўқувчиси кўп булади, улар кенг ҳалқ оммасига чуқурроқ кириб боради, китобхон онгига кўпроқ таъсир этади. Масалан, ёзувчи Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» романида Амир Темур сиймоси нотўри тасвирланган. Бу китоб катта ададларда қайта-қайта рус ва ўзбек тилларida нашр қилинган. Бу эса ўқувчиларда Соҳибқирон ҳақида нотўри тасаввур пайдо қилган.

Совет тарихчилари нафақат Темур ва темурийлар ҳақида, балки улар замонида фаолият кўрсатган буюк дин арбоблари ҳақида ҳам бир томонлама, аксарият ҳолларда нотўри фикр билдирганлар. Масалан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида шўровий тарихчилар томонидан айтилган мутлақо нотўри фикрлар ҳатто бадиий адабиёт ва санъатга ҳам кўчиб ўtdи. Уни романларда, кинофильмларда, спектаклларда Мирзо Улуғбекнинг ашаддий ғоявий рақиби, ута мутаассиб бир

шахс, илму урфоннинг душмани сифатида талқин қилдилар. Масалан, «Улуғбек юлдузи» фильмида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Мирзо Улуғбекнинг ҳалокатига, Самирқанд расадхонасига ўт қўйилишига сабабчи сифатида нотўғри тасвиirlанган. Ваҳоланки, бу буюк зот Мирзо Улуғбек вафотидан кейин орадан икки йилча ўтгач, сulton Абу Сайд мирзонинг илтимосига кўра Самарқандга ташриф буюрган ва қирқ йилча мамлакатда тинчлик барқарор бўлиши учун кафолат бўлиб турган. Абдураҳмон Жомийдек, Алишер Навоийдек улутсиймолар унга хурмат-эҳтиромда бўлишган.

Амир Темур, темурийлар ва улар ҳукмронлик қилган даврда яшаган буюк сиймоларга нисбатан биздирилган нотўғри қараашларга Юртбошимиз танқидий баҳо бериб, уларга нисбатан тарихийadolatни қарор топтиришни бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан бири деб таъкидлади.

Шонли ва кўхна тарихимизни янгитдан варақлашимиз,adolat, ҳақиқат ва миллий истиқлол нуқтаи назаридан эмин-эркин ва холис туриб ўрганишимиз, тарихга оид атамалардаги чалқашликларни бартараф этишимиизга вақт етиб келди. Чоризм ва совет мафкураси бўйича иш тутган ўз тарихчиларимиз билиб-билимсадан, атайин ёки бўлмаса, замонасозлик қилиб йўл қўйган нуқсон ва камчиликларни рўй-рост айтиб, бундан бўёғига тўғри йўлни тутайлик. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, биз — Амир Темурнинг бевосита ворислари ва авлодлари бошимииздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушшиб қолган эдикки, улуг аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўпроқ билишади. Бизлар, яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу тупроқда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз билардик. Чунки мустамлакачиликнинг қора булатлари Соҳибқирон юлдузини биздан тўсиб турарди. Бу булатларни тарқатиб юборишга уринган жасур адаб ва олимларнинг қисмати оғир кечди. Буюк Фитратнинг Соҳибқирон ҳақидаги саҳна асарининг тақдирি ҳамон номаълум. Академик файласуф Иброҳим Мўминов Темур бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги кичик китобчasi учун кўп маломатларга қолди. Атоқли тарихчи

олим Маҳкам Абдураимов «Темур ва Тұхтамиш» деган йирик тадқиқотини чоп эттиrolмай дунёдан бевақт үтиб кетди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишіга бўлган интилишларнинг оқибатидир. Ваҳоланки, бугун дунёning эллик мамлакатида темуршунос олимлар фаолият қурсатмоқда. Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган асрлар сони Оврупо тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёning турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқаттгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чукур ўрганишимиз, таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, миллатимизнинг фахру ифтихори сифатида тақдим эта боришимиз керак. Бундай тадбирлар Соҳибқирон юлдузининг янада порлаб, зиё таратишига омил булажак ва бизларни у томон янада юксалтиражак.

Мұхтарам Президентимиз яна бир муҳим масала — озод ва обод Ўзбекистон учун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун зарурлити масаласига тұхталиб, буни қуидагиша шарҳлаб берди. Биринчидан, Амир Темур аввало құдратли давлат қурған. Давлат құдратли бұлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бұлмасди. Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурған, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади. Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг «Давлат ишларининг түққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим» деган сұzlари бунинг ёрқин далиллидир.

Амир Темур ҳар қандай давлатнинг құшnilари билан ўзаро алоқа ўрнатмасдан, яъни бугунги ибора билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболли бўлмаслигини

теран ва яхши анлаган. Шу сабабли у Оврупо ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлаштырган. У савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўргасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқшарга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур дипломатик алоқаларга, элчилик миссияларига катта эътибор берган. Масалан, у Франция қироли Карл VI га ёзган хатида, жумладан, бундай дейди: «Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак». Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, аввалимбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош фоя бўлиб хизмат қилган. Кўринадики, XXI аср бўсагасида жаҳондаги тараққий парвар кучлар халқаро миқёсда яратмоқчи бўлаётган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган, муайян даражада мақсадига эришган.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги хизматлари ҳам беқиёслидир. Илмпарвар, маърифатпарвар буюк бобомиз жамият тараққиётини илм-фан ва маънавият равнақида кўра билди ва бу соҳалар ривожига ҳамиша катта эътибор берди. Масалан, у Мұхаммад Тарағай — Улуғбекдаги ноёб истеъодни болалигиданоқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этди. Шу тариқа, фалакиёт оламида ва фанида Улуғбек юлдузи порлади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темур ўз миллати ва эл-юртигининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган, унинг донишмандлиги бугунги кунимизда ҳам ибратлидир. Ҳазрат бобомиз миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқтоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган. Унинг охирги сафари ҳам шарқ томондан туғилаётган, салтанати истиқтолига раҳна солиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олишга қаратилганини бир эсланг. Бу отланиш 1404 йилнинг охри 1405 йилнинг бошларида бўлган эди. Амир Темур жамият эъти-

қодсиз яшай олмаслигини яхши анлаган. Одамларга дин керак, имон керак, ишонч керак. У үз «Тузукла-ри» да шундай дейди: «Хар ерда ва ҳар вақт ислом динини құвватладим».

Амир Темурнинг Куръони каримни ёд билгани, диний баҳсларда пешво уламолар билан баробар сүз юритгани унинг маънавияти, имону диёнати қанчалар поква мұкаммал эканини билдиради. Соҳибқирон замонидан Ислом дини равнақ топди, юксалди. Мусулмончилик ақидалари жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, имон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилди. Ҳозир ҳам худди шундай бұлмоқда, давлатимиз ҳам дин равнақига етарли шароит яратиб бермоқда.

Амир Темур даврида инсониятнинг ярмидан күпини ташкил этувчи аёлларга ҳұрмат-иззат билан қаралди. Бу борада буюк бобомиз «Аёлларни улуғ кишилар улуғлайди, пасткаш кишилар эса ҳұрлайди» деган ҳадиси шарифга амал қилиб иш тутди. Унинг саройида аёллар ҳам юксак мавқеда бўлишганини гарблик элчилар ҳам эътироф этишган. Амир Темур ва темурийлар ҳәётидан иккита мисол келтирсак, айтмоқчи бўлаётган фикримиз янада ойдинлашади. Маълумки, Мироншоҳ мирзо кейинчалик айш-ишратга берилиб, номақбул ишларга ружу қўйганидан норизо бўлган Хонзодабегим қайнотаси Амир Темурга бу ҳақда шикоят қиласи. Адолатпарвар Амир Темур севимли келинининг шикоятини ўринли деб топиб, ўғлини ҳокимиятдан азл этади. Яна бошқа бир мисол. Амир Темур завжай муҳтарамаси бўлмиш Сароймулхоним номига Самарқандда Бибихоним жомеъ масжидини бунёд эттиради.

Юқорида Амир Темур шаънига айтилган фазилатларни Президентимиз шахсияти ва фаолиятига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

Тарихимизда Амир Темурдай даҳонинг порлоқ юлдизи бор, у қолдирган моддий, маданий ва маънавий мерос бугунги ҳәётимизга ҳамоҳанг, булар олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келмоқда. Демак, биз бу меросни ўрганишимиз, тарғиб қилишимиз керак. Чунки биз үз миллатимиз хусусиятларига, үз миллий қадриятларимизга асосланиб, тараққий этган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб келажаги буюк давлатимизни курмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан үз муносиб

ўрнимизни эгаллаб бормоқдамиз. Зотан, бундай шаравфли ўрин бизга Амир Темур ҳазратларидан мөрсайдир.

Машхур турк тарихчиси Мустафо Али Абдулла Фолиб ўғли (1541—1600) Амир Темур ҳақида ўта холислик билан шундай деган: «Хукмдорлар икки хил бўлади. Биринчиси: маълум ҳудудни идора қилиш сулоласидан мөрсабулиб қолган ҳукмдорлар. Иккинчиси: давлатни қўшини кучи билан эгаллаб, Олоҳининг марҳамати билан ўзларининг катта ютуқлари эвазига бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган ҳукмдорлар. Бундай ҳукмдорлар «соҳибзўйур» деб аталади... Темур бир йўла Соҳибқирон ва соҳибзўйур бўлган...» Муҳтарам Президентимиз фаолиятида ҳам айтиб ўтилган фазилатлар зухур этмоқда, деб бемалол айта оламиз.

Юқорида айтиб ўтилганлардан англашиладики, давлатимиз бошлиғи ўзбек давлатчилиги тарихини яратиш гоясини ўргага қўйиб, буюк бир ташаббус кўрсатди. Айни пайтда шу кўп кутлуг ишни ўзи бошлаб берди, айниқса, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини яратишга ўзининг муносаб ҳиссасини қўшди ва қўшмоқда, замонавий ўзбек темурийшунослигига тамал тошини қўйди. Зеро, бугунги кунда маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Халқимиз ва мамлакатимиз босиб ўтган йўлни, аждодларимиз фаолиятини — тарихимизни чуқур билмай ва теран идрок қымай туриб, киши маърифатли ҳам, маънавиятли ҳам бўлолмайди. Зеро, ўтмиш билан бугуннинг, аждодлар билан авлодларнинг мустаҳкам боғланиши бу — миллат мангалигига кафолатdir. Тарих бундай боғланиша олтиб қўпrik бўлиб хизмат қилаҗак. Муҳтарам Президентимизнинг тарихга алоҳида эътибор бераётганининг, зиммасидаги асосий вазифа — давлат юмушларини адо этиши билан бирга тарих билан ҳам машгул булаётганининг моҳияти ана шундайдир. Президент наздига ва диққатига миллий давлатчилигимиз тарихини яратиш давлат юмушларидан бири ҳисобланади. Унинг мақсади миллатимиз барҳаётлигини кафолатлашдир.

**ТАРИХ — ХАЛҚНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ**

Яхлит олиб қаралганда, тарихни ҳалқ яратади. Уни яратишила фаол қатнашган, ҳалқ руҳида, онгида ва қалбидиа ўзларидан чукур ва үчмас из қолдирған тарихий шахслар ҳам ҳалқ фарзандлари бўлғанликларига асосланиб шундай демоқдамиз. Шу сабабли рамзий маънода тарихни уни яратган ва яратаетган (тарих, худди вақт сингари бир зум бўлса-да, тўхтаб турмайди) ҳалқнинг таржимаи ҳоли дейиш мумкин. Шу боисдан қадим тарих, ўрта асрлар тарихи, замона тарихи каби ибораларни ишлатамиз. Буларни жамласак, яхлит тарих келиб чиқади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларидан биронтасини «Бу менинг ўғлим эмас» ёки «Бу менинг қизим эмас» дейлмайди, деса-да бу ёлғон бўлади. Чунки ота-она ҳеч қачон ўз фарзандларини инкор этолмайди, чунки ўзлари уларни дунёга келтириб қўйгандар. Шунга ўхшаш ҳалқ ҳам яхшидир, яхши эмасдир, укувлидир, укувсиздир, бу фарзандларини инкор этолмайди, инкор этиши мумкин ҳам эмас. Яхисини олқишлидиди, ёмонини қоралайди, укувлисидан мамнун бўлади, укувсизига ачинади. Яхисини «бахтим» дейди, ёмонини «пешонамнинг шўри» дейди. Бошқа чораси ҳам йўқ. Нима ҳам деб бўларди. Қисмат!

Бундай ҳолатни ўзбек давлатчилигини бошқариб ўтган сулолалар ва улар ҳар бирининг вакилларига нисбатан ҳам қиёс этиш мумкин. Маълумки, шўролар замонида чиқарилган китобларда ва матбуотда ўзбек давлатчилигини бошқарган сулолаларнинг бари тилга олинмас, бири тилга олинса, иккинчиси ҳақида индамай ўтилар, бирини иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйилар, сулолаларимиз вакиллари фаолиятидан фақат нуқсон қидирилар, кичик нуқсонлар ҳам катта қилиб, бўргтириб кўрсатилар эди. Нима қилиб бўлмасин, қандай йўллар билан бўлмасин, ишқилиб, ўзбек давлатчилиги камситилар эди. Президент Ислом Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейида сўзлаган нутқида бундай нохолисликка илк бор чек кўйиб, «Ўтган икки ярам минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашичаликлар, сомонийлар, қораҳонийлар, ануштегинлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, мангитлар су-

*лолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзиға яраша ном ва из қолдирдилар», деб тарихан тұғри баҳо берди. Бу билан Юртбошимиз давлатчилигимиз тарихини яратында ўтмишда ҳокимияттың бошқарған барча сулолаларға «уларнинг ўз даврида келажак авлод учун қолдирған салмоқлы мероси, ижобий ишлари, керак буласа, умумжасаң қивилизациясига қўшган ҳиссалари»га қараб тарихан холис баҳо бериш тамойилини илгари сурди. Шу билан бирга Ислом Каримов: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони қаримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди», деб мантиқан асосланган холоса чиқаради. Амир Темур назарда тутиб айтилган бу холоса айни пайтда темурийларгага, улардан олдин ва кейин ўтган деярли барча ўзбек сулолаларига ҳам тегишилди, десак бўлади.*

Алишер Навоий ўзининг саккиз мажлисдан иборат «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислир») асарининг еттинчи мажлисими Соҳибқирондан бошлаб темурийлардан чиқсан шоир, шоирсифат, шеършунос, олим ва фозил кишиларга, саккизинчи мажлисими буткул Султон Ҳусайн Бойқарога — шоир Ҳусайнин ижодининг таҳлилига бағишлайди (асарда жами 459 шоир ва адабиёт аҳли ҳақида маълумот берилган). Навоий Улугбек Мирзо ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай дейди: «Донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди...»

Буни қарангки, Бобур «Бобурнома»сида ўзининг сиёсий муҳолифи бўлмиш Мұҳаммад Шайбонийхон худди шундай фазилат соҳиби эканини эътироф этади. Ёки бўлмаса, шайбонийлардан кейин ҳокимият тепасига келган аштархонийлар сулоласининг вакили бўлган Субҳонқулихонни олиб кўрайлик. Шуролар даврида чиқарилган мактаб дарсликларида фақат қора бўёқ чапланган бу аждодимиз ўз замонасининг етук олимларидан бўлиб, илми нужум — астрономия билан ҳам шуғулланиб, Бухорода Улугбек ишини давом эттирган экан.

Хуллас, Ислом Каримовнинг ўтмишда давлатларимизни бошқарған сулолаларга тарихан холис ва адолатли баҳо бериш ҳақидаги фикрлари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Қолаверса, барча хонзодалару амирзодалар ҳам тожу таҳт даъвосини қиласаверма-

ганлар, шижаатли ва довюракларигина майдонга чиқ-  
қанлар. Чунки давлатни бошқариш осон иш эмас.

Халқ ўз тарихини асосан ўз давлатини қуришдан  
бошлаб яратишга киришади. Маълумки, туркий тилли  
халқ ўз тарихида 18 та буюк ва шавкатли салтанат  
курган халқдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир  
халқка бундай давлатчилик баҳти ёр бўлмаган. Салта-  
натлар тарихи айни пайтда бу сулолалар тарихи ҳам-  
дир. Шунинг учун ҳам ўтмишда давлатларнинг номла-  
ри уларга асос соглан сулолабошининг номи ёки унинг  
унвони билан аталган. Масалан, хоразмшоҳлар давла-  
ти, газнавийлар давлати, темурийлар давлати, шайбо-  
нийлар давлати, бобурийлар давлати ва ҳоказо.

Келтирилган бу далиллар ҳам тарих халқнинг тар-  
жимаи холи, деган таърифимизни тасдиқлаб турибди.

*лолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзиға яраша ном ва из қолдирдилар», деб тарихан тўғри баҳо берди. Бу билан Юртбошимиз давлатчилигимиз тарихини яратишда ўтмишда ҳокимиятни бошқарган барча сулолаларга «уларнинг ўз даврида келажак авлод учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари»га қараб тарихан холис баҳо бериш тамойилини илгари сурди. Шу билан бирга Ислом Каримов: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни курган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Куръони қаримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди», деб мантиқан асосланган хulosса чиқаради. Амир Темур назарда тутиб айтилган бу хulosса айни пайтда темурийларга, улардан олдин ва кейин ўтган деярли барча ўзбек сулолаларига ҳам тегишилди, десак бўлади.*

Алишер Навоий ўзининг саккиз мажлисдан иборат «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») асарининг еттинчи мажлисини Соҳибқирондан бошлаб темурийлардан чиққан шоир, шоирсифат, шеършунос, олим ва фозил кишиларга, саккизинчи мажлисини буткул Султон Ҳусайн Бойқарога — шоир Ҳусайний ижодининг таҳлилига бағишлийди (асарда жами 459 шоир ва адабиёт аҳли ҳақида маълумот берилган). Навоий Улуғбек Мирзо ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай дейди: «Донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Куръони мажид ёдида эрди...»

Буни қарангки, Бобур «Бобурнома»сида ўзининг сиёсий муҳолифи бўлмиш Муҳаммад Шайбонийхон худди шундай фазилат соҳиби эканини эътироф этади. Ёки бўлмаса, шайбонийлардан кейин ҳокимият тепасига келган аштархонийлар сулоласининг вакили бўлган Субҳонкулихонни олиб кўрайлик. Шўролар даврида чиқарилган мактаб дарсликларида фақат қора бўёқ чапланган бу аждодимиз ўз замонасининг етук олимларидан бўлиб, илми нужум — астрономия билан ҳам шуғулланиб, Бухорода Улуғбек ишини давом эттирган экан.

Хуллас, Ислом Каримовнинг ўтмишда давлатларимизни бошқарган сулолаларга тарихан холис ва адолатли баҳо бериш ҳақидағи фикрлари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Қолаверса, барча хонзодалару амирзодалар ҳам тожу тахт даъвосини қиласкерма-

ганлар, шижаатли ва довюракларигина майдонга чиқ-  
қанлар. Чунки давлатни бошқариш осон иш эмас.

Халқ ўз тарихини асосан ўз давлатини куришдан бошлаб яратишга киришади. Маълумки, туркий тилли халқ ўз тарихида 18 та буюк ва шавкатли салтанат курган халқдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир халқка бундай давлатчилик баҳти ёр бўлмаган. Салтанатлар тарихи айни пайтда бу сулолалар тарихи ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўтмишда давлатларнинг номлари уларга асос солган сулолабошининг номи ёки унинг унвони билан аталган. Масалан, хоразмшоҳлар давлати, ғазнавийлар давлати, темурийлар давлати, шайбонийлар давлати, бобурийлар давлати ва ҳоказо.

Келтирилган бу далиллар ҳам тарих халқнинг таржимаи ҳоли, деган таърифимизни тасдиқлаб турибди.

## Иккинчи фасл

### Ўн иккинчи боб

#### ТАРИХ, ДАВЛАТЧИЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Истиқлол шарофати билан ҳалқимизда маънавиятнинг туб моҳиятини — негизини билишга, тагига этишга иштиёқ кучайиб бормоқда. Турмушда — кўча-кўйларда, оддий ва жиддий сұхбатларда, илмий анжуманларда, мухбирлар билан бўлган мулоқотларда, китобхон, томошабин ва тингловчилар томонидан йўлланган мактубларда «Хўш, маънавиятнинг ўзи нима?» деган саволга тез-тез дуч келасиз. Кейин баҳоли кудрат тушуниришга киришасиз: «Маънавият дегани — бу...» Бироқ жавоб кутаётган тараф жавобингиздан қоникиш ҳосил қўлмаётганини илғаб қоласиз. Назарингизда «садагина қилиб, бир оғиз сўз билан ифодаланг, ахир, тушуниб етайлик-да» деган эътиroz бўлаётгандек тулади. Шундай фойибона эътиrozларга жавоб ўлароқ бизда бундай фикр туғилди: «Маънавият — бу маънавиятсизликнинг, яъни бемаъниликтинги аксиидир. Маънавиятни ифодалаш учун маънавиятсизликни кўрсатиб бериш шарт экан. Бунинг учун эса қиёс керак».

Юртимиз сиёсий тутқунликка тушгач, чоризм маъмуряти VIII аср бошларидан амалда бўлган вақф тизимини иложи борича чеклаган бўлса, шуро ҳукумати уни умуман барбод этди. Натижада осори атиқалар доимий моддий таъминотсиз қолди, умумий ва жорий таъмирлаб туришлар, қайта тиклашлар тўхтатилди. Минг йиллик моддий-маданий ёдгорликлар қаровсиз қолиб, нурай бошлади. 1917 йилдан то ўтизинчи йилларнинг бошларигача давом этган миллий-озодлик учун бўлган жангларда ҳалқимиз қанчалик талофат кўрган бўлса, моддий-маданий ёдгорликларимиз бошига тушган йўқотишлар ҳам бундан кам эмас. Лекин сиёсий жилови Москванинг қўлида бўлган республикамизнинг ўша пайтдаги ҳукумати нураш жараёнларига томошабин бўлиб туришдан нарига ўтолмади. Чунончи, моддий-маданий ёдгорликлар кун сайин нураб бораётгандиги масаласи Ўзбекистон ССР Ҳалқ Комиссарлар Советининг 1931 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган йигилишида кўрилганида вилоятлар ижроия комитетларига тарихий ёдгорликларни таъмир этиш эмас, балки суратга

тушириб қўйиш тавсия этилади. Бу тавсия амалда обидалардан воз кечиши буюарди. Бундай муносабат маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас эди.

Ёки бўлмаса, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия комитетининг 1939 йилнинг 19 марта қабул қиласан 340-қарорида, жумладан, бундай дейилган эди.

1. Бухоронинг Қарши, Имол, Самарқанд, Салоҳона, Шергирон, Мозор дарвозалари ва уларга тугаш бўлган девори давлат муҳофазасидан чиқарилиб, шаҳар шўроси ихтиёрига топширилсин.

2. ...Тоқи Саррафон давлат муҳофазасидан чиқарилсин.

3. ...Кўкалдош мадрасаси давлат муҳофазасидан олиниб, шаҳар шўролари ихтиёрига топширилсин.

4. ...Гавкушон мадрасаси... Калобод мадрасаси давлат муҳофазасидан олиниб, шаҳар шўролари ихтиёрига топширилсин.

Бу машъум қарор бебаҳо ва қайтарилмас осори атиқалар тақдирини ҳал қиласан-қўйган, ёдгорликларимиз қисматини манқурт ва келгинди кимсалар раҳбарлик қилаётган шўролар ихтиёрига топширган. Улар эса «тарихий ёдгорлик сифатида аҳамиятини йўқотганлиги учун» деган вах билан, «таъмиглашга маблағ етишмайди» деган соҳта сабабни рўяч қилиб, қанчадан-қанча осори атиқаларни буздириб ташлашган. Лекин қонхур босқинчи М.Фрунзега ҳайкал ўрнатиш учун маблагни аямаганлар. Қилт этмай, мағрут турган ёдгорликлардан эса бошқа мақсадларда фойдаланганлар. Масалан, Абдуллахон II қурдирган Кўш мадрасани келгинди сўққабошлар учун ётоқхонага, «Ситораи Моҳи хосса» руҳий касалликлар шифохонаси (жиннихона)га айлантирилган, бу муҳташам саройдаги бутун мол-мулк, зеб-зийнат буюмлар рус императорларининг қишики саройи — Эрмитажга олиб кетилган. Ўтмиш моддий-маданий ёдгорликларига бундай муносабат маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас эди.

Юқорида тилга олинган икки қарор ва уларнинг оқибатида келиб чиққан манзара билан истиқтолга эришган республикамиз ҳукуматининг 1996 йили қабул қиласан Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларини ўтказиш ҳақидаги қарорларини қиёслаб кўрсак, уларни амалга ошириш бўйича қилинган ишларни назарга олсак ва, ниҳоят, ушбу шаҳарларнинг 1997 йил ўтказилган юбилейларини кўз олдимизга келтирсак, маънавиятсизлик нимаю, маъна-

виятга дахлдорлик нима эканини чуқурроқ идрок эта оламиз.

Президент Ислом Каримов Бухорода сўзлаган нутқида алоҳида уқтириб ўтдики, тарихимизни чалғитиб курсатишга, ёлғон гапларни кутаришга ҳаракат қилаётгандар түғри баҳосини олишлари керак, бу борада «тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга».

Ўзбек ҳалқининг тарихи ёзма манбалар билан бир қаторда осори атиқаларимизда ҳам муҳрланиб қолган Китоблар ўқиладиган далиллар бўлса, ёдгорликлар кўриладиган далиллардир. Осори атиқалар тарихини билиш ҳам ўтмишимиз ҳақидаги таассуротларимизни бойитади ва аниқлаштиради. Ҳалқни тарихий моддий-маданий меросни ўрганиш билан тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир катта-кичик ёдгорлик ўзбек ҳалқи ва ўзбек давлатлари тарихидаги муҳим бир воқеа ёки сана билан боғлиқ, ёки бўлмаса давлат аҳамиятига молик бирор зарурат туфайли бунёд этилган. Бу фикримизнинг исботи учун Бухорои шарифда уч даврда — XII, XVI ва XX асрларда қурилган учта ёдгорликни мисол қилиб келтирамиз. Булар яхлит бир меъморий мажмуани ташкил этувчи, ҳозирги кунда Минораи Калон деб юритилиб турган Арслонхон минораси, Жомеъ масжид, Мир Араб ва Сайдолимхон мадрасаларидир. Бу муқаддас ер аслида тарихий жой ҳисобланиб, Бухоро Арқидан сал жануби-шарқдадир. Илк бор бу ерда милодий 713 йили амир Кутайба ибн Муслим даврида жомеъ масжиди қурилган. Бироқ йиллар ўтиши билан бу бино вайронга ҳолига келган. 1102—1130 йилларда қорахонийлар давлатини бошқарган амир Арслонхон 1121 йили худди шу вайронга масжид ўрнида янги ва улуғвор жомеъ масжидини қурдиради. Бухоро атрофидаги сувсиз саҳроларга карвоңлар йўлдан адашиб ҳалок бўлиши ҳоллари учраб турарди. Шунинг олдини олиш мақсадида Арслонхон шаҳарда баланд бир иншоот қурдишни ният қиласди. Иншоот лойиҳалари бўйича танлов эълон қилишади. 1124 йили машхур меъморлар томонидан тақдим этилган лойиҳалар билан Арслонхон шахсан ўзи танишади ва уста Бақонинг лойиҳасини маъқуллайди. Шу тариқа, 1124 йилнинг 21 марта — Йилбоши байрами айёмида минора қурилишига оқ фотиҳа берилади ва биринчи гиштни — тамалтошини хоқон Арслонхоннинг ўзи қўяди. Қурилиш учарим йилча давом этади. 1127 йили баландлиги 47 ярим

метр бўлган минора қуриб битказилади. Унинг энг юқори қисмida (яъни мезана қисмida) 16 та даричалар кўйилиб, тунда ҳамма даричалар ёнида шамчироқлар ёниб турган. Натижада тунлари 50—60 чақирим масоғдан чироқлар ёругини мўлжал қилиб, савдо карвонлари Бухорога адашмай келганлар. Бухоронинг Буюк Ипак йўлидаги йирик савдо марказларидан бири бўлиб қолишида бу миноранинг аҳамияти каттадир.

Албатта, миноранинг асосий вазифаси аzon айтиш — диний аҳамиятидир. Минора билан ёнма-ён жойлашган бош жомеъ масжиднинг муаззини ҳар кун беш маротаба шу минорага чиқиб аzon айтган. Шундан кейин шаҳардаги бошқа масжидларда аzon айтила бошланган, намозхонлар ибодатга ошиқканлар.

Миноранинг яна бир вазифаси шуки, ташқи хужумдан ўз пайтида огоҳ бўлиш учун дурбин орқали теварак-атроф кузатиб турилган, бу унинг ҳарбий аҳамиятга ҳам эга эканлигидир.

Миноранинг тўртинчи вазифаси салобати, гўзаллиги, ажойиб нақшларга бойлиги билан кишиларга завқшавқ бағишилашидир. У айниқса чет элликлар — элчилар, савдогарлар, сайёҳларни ҳам мафтун этган. Бу ҳол ўз навбатида давлатнинг куч-кудрати, шукуҳи ва шавкатини, пойтахт Бухоронинг донғини олис-олисларга етказарди.

Шарқдаги биринчи Уйғониш даврида, яъни VIII—XII асрларда Бухорода ҳам кўпгина буюк обидалар қурилган эди. Уста Бақо шу обидалардаги энг гўзал нақшлардан кўчирма олиб, минорада 24 та каттакичик ҳалқалар яратган. Асосан Чингизхон босқини даврида, қисман кейинги асрларда бузилиб кетиб, бизгача етиб келмаган биноларнинг нақшлари шу минорадагина сақланниб қолган. Шу боис бу минорани Бухоро меъморчилигининг қомуси дейиш мумкин. Шуниси алоҳида тарихий аҳамиятга эгаки, миноранинг энг юқориги ҳалқаларидан бирида нақшли ғиштлар билан бўртма қилиб «Уста Бақо амали», «Арслонхон минораси» деган сўзлар ёзилган. Бинобарин, Минораи Калоннинг асл номи Арслонхон минорасидир. То шуролар замонигача барча ёзма манбаларда ҳам шундай деб тилга олинган. Тарихий ҳақиқатлар тикланиб, унтуилаётган ёки атайн унуттирилган номлар яна муоммалаға киритилаётган замонамизда бу кўхна ёдгорликни ўз оти билан атаб, *Арслонхон минораси* дейишни русумга киритсан, адолатли иш қилган бўлур эдик. Бундан

буюк аждодимиз Арслонхон бобонинг руҳи ҳам шод бўлса ажаб эмас. Бу миннатдор авлоднинг ўз аждоди хотираси олдидаги бурчи ҳамдир.

Арслонхон минораси не-не тарихий воқеаларнинг, қанчадан-қанча синоатларни, табиий оғатларнинг, жанг жадалларнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. У ҳатто 1220 йилги Чингизхон босқинидан ҳам омон чиққан эди. Бироқ орадан роса 700 йил ўтгач, 1920 йилнинг 1 сентябринда босқинчи Фрунзе буйругига кўра қилинган бомбардимон натижасида Арслонхон минораси қаттиқ зарар кўрди: ёдгорликнинг 5, 16, 33, 40, 46 метрларига снарядлар келиб урилган эди. Кейинчалик у уста Абдуқодир Боқиев томонидан моҳирона таъмиранган бўлса-да, синчков кўз, ўткир нигоҳ билан қаралса, ўша жароҳатларнинг изларини илғаш мумкин.

872 яшар кўхна Арслонхон минораси Бухорои шарифнинг рамзи бўлиб, халқимиз, давлатчилигимиз ва маданиятизмизнинг шукуҳи бўлиб ҳали яна минг асрлар қад кутариб туражак.

Шўролар даврида Минораи Калон маънавий жароҳат ҳам кўрди. Уни ёлғон-яшиқ китобларда, олди-қочди фильмларда «Улим минораси» деб талқин қилишга уринишлар ҳам бўлди. Шундай нотўғри таассуротлар ҳосил қилган айrim китобхонлару томошабинларга ҳақиқатни билдириш учун Минораи Калонни қуришдан мақсад бўлган унинг тўртта вазифасини айтиб, улуғлаб ўтдик.

Минораи Калоннинг қаршисида XVI асрда шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон томонидан курдирилган, ўша даврнинг энг машҳур уламоси Абдулла Саброний (Манбаларда Сайд Абдуллоҳ Яманий. — *Мұхаррір*.) номи билан боғлиқ Мир Араб мадрасаси 464 йилдан бери салобат билан қад ростлаб келмоқда. Юқорида ҳикоя қилиб ўтганимиз учун яна тўхталиб ўтирумаймиз.

Шўролар замонида ўзбек давлатларидан бири — Бухоро амирлигига асос солган ва уни 260 йил бошқариб келган сулола — манғит сулоласи фаолиятидан фақат нуқсон қидириш, бўрттириб кўрсатиш русум бўлганди. Ваҳоланки, Президент Ислом Каримов Бухорода сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек, бу сулола вакиллари ҳам *«тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар»*. Шундай ўзига яраша ном ва из қолдирган тарихий шахслардан бири амир Сайдолимдир. У замонаси ўта нотинч бўлишига қарамай Бухорода мадрасаса, петербурглик мусулмонларнинг илтимосига кўра бу ерда улкан жомеъ масжид, Ялтада

истироҳат саройи қурдиришга ултурган. Шунингдек, отаси амир Абдулаҳад даврида қурилиши бошланган «Сигоран Мөхі хосса» саройини охирига етказган.

Укувчида, «Хўш, амир шундай мадраса, масжид ва саройларни қайси маблағ ҳисобидан қурдириш? Фуқаролардан олинган солиқлар ҳисобига қурдириш-да!» деган фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Йўқ, ундаи бўлмаган, солиқлардан келган тушум давлат ҳазинасига тушган. Амирнинг эса ўз ер-суви, мол-мулки бўлган, улардан келган даромад ўз ҳазинасига тушган. Амидлик ҳазинасининг кирим-чиқим дафтarlари бўлган. Шулардан бири билан 1972 йилнинг июль ойида Бухоро арки музейининг сақловхонасида камина танишган эдим.

Ўша кирим-чиқим дафтарида амир хонадонининг кундалик сарфиёти кичик амалдор бўлмиш меҳтар томонидан ёзилиб борган. Унда ондан тортиб ҳўл мева-паргача, қандолатлик маҳсулотлари — ҳолваю новвоту пашмаккача, кийим-кечакдан тортиб упа-эликкача қайд этиб қўйилган. Ҳаммаси ҳисоб-китобли бўлган. Аркда ўрта ҳисобда 3 минг атрофида киши яшаб, хизмат қилган. (Хозир Аркнинг 20 фоизи сақланиб қолган, 80 фоизи 1920 йилнинг сентябрь ойида М. Фрунзе буйруғига кура бомбардимон қилиниб, ёндириб юборилган). Лекин амир хонадонининг сарфиёти давлат ҳазинасидан эмас, балки амирнинг ўз хусусий маблағидан ишлатилган. Бу тарихий маълумотларни келтиришдан мақсадимиз шуки, шўролар даврида тўқиб чиқарилган гўё «амирликда амир ҳазинаси билан давлат ҳазинаси умумий бўлган» деган сохта гапларга бир оз бўлса-да аниқлик киритиш, ўз давлатчилик тарихимиз ҳақида тўғри таассурот беришдир. Бу борада Юртбошимизнинг нутқида «Тарихини билмаганинг келажаги йўқ» дейилади, «Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк ажоддодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир», деб тўғри йўлланма берилган, уни амалга ошириш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шуни унутмайликки, шўро тузумининг Бухоро амирлигининг турли йўллар, ёлғон-яшиқлар билан бадном қилишдан гаразли мақсади — қандай бўлмасин ўзбек давлатчилигини камситиш орқали ўз ҳокимиётини улуғлаш, ҳалқимизда миллий давлатчилик туйғусини сўндириш эди.

Адил Садриддин Айний амирнинг 1912 йилги кирим ва чиқими ўша давр курси буйича 30 миллион

сўм бўлганини ёзди. Амирликнинг қисман бўлса-да, давлат мустақиллигини ифодаловчи далиллардан бирининг ўз мустақил пул бирлигига эгалиги, амир сиймоси туширилган танга ва бошқа пулларнинг зарб қилиниши эди. Сайдолим амирликнинг мустақиллигини сақлаб қолиш учун ўз даромадлари ҳисобига оқпошшага ҳар йили турли «совға-салом» қилишдан ташкери завод-фабрикалар қуришга, ташқи савдони кенгайтиришга, олтин конларини ишга солишга, қоракул савдосига ва бошқа шу каби тадбирларга алоҳида эътибор берган. Амир ҳиссадорлик жамиятларига аъзо ҳам бўлган, ҳиссадорлик жамиятларига ўтказган маблағи 100 миллион сўмдан ошган. У ўз сармоясидан 27 миллион сўмини Россия давлат банкида, 3 миллион сўмини хусусий банкларда сақлаган.

Шариатга кўра ҳар бир мулкдор киши тасарруфи-даги маблағини ушлаб турмай, ҳаракатга солиши рародир. Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қиласидарки, мулкдор одам ўз бойлигини ишга солиб туриши, ўзи буни эплай олмаса, омонатта хиёнат қилмайдиган тужжор орқали ҳаракатлантириб туриши, бундан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам манфаат қуришлари лозим, акс ҳолда бойлий йиллар оша закотга бера бориш туфайли охирида йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкиндир. Шариат кўрсатган тарзда тижорат билан шугулланиш ҳалол қилинган. Бу шаръий тадбирдан мулкдор сифатида амир Сайдолим ҳам фойдаланиши табиий эди. Умуман, унинг — Сайдолимнинг шахсий бойлиги 35 миллион фунт стерлингни ташкил қилган экан.

Юргашимизнинг нутқида таъкидлаб ўтилганидек, «Бухоро «қуббатул ислом», яъни «ислом динининг гумбази» ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, «қуввати дини ислом» деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бутун Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мульта-бар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир». Бас, шундай экан, давлат бошлиғи бўлмиш амир ҳам ислом арконларига, жумладан, закот амалини бажариши табиий эди. Маълумки, ҳар бир мусулмон киши бойлиги нисобга етгач, ҳар йили бойлигининг қирқдан бири ҳисобида закот бериши фарзdir. Агар ҳисоблаб чиксак, амир ўша 35 миллион фунт стерлинглик бойлигидан ҳар йили 875 минг фунт стерлингни закотга ажратиши шарт эди. Закот эса муҳтоjlарга ёрдам, толиби илмларга кўмак тариқасида садақаю хайрия мақсадла-

рида ишлатилган. Масжиду мадрасалар, хонақою работлар, кўпригу сардобалар ва шу кабиларни қуришга, сув чиқариш, ер ўзлаштиришга, боғ-роғлар яратишга сарфланган садақою хайриялар шундай яхши амаллардан ҳисобланганки, уни амалга оширган киши вафотидан кейин ҳам шу муассасалардан унинг руҳига савоб ёзила боради. Шунинг учун ҳам охиратини ўйлаган мулкдор ёки ўзига тўқ ҳар бир мусулмони комил садақати хайрияга силқидилдан ёндошган. Кўхна Туркистонимизда, жумладан, Бухоро: шариф тупроғида иморетсозликнинг равнақ топишининг, буюк осори атиқаларни қад кўтаришининг шаръий асоси ана шу закотлардадир ҳам. Масжиду мадрасалар, кўпригу тўғон кабиларнинг уларни курдирган шахсларнинг номлари (Улугбек мадрасаси, Абдуллахон тими сингари) билан аталиши бежиз эмас, албатта. Умуман, бутун Туркистондаги, хусусан, Бухоро тупроғидаги осори атиқаларнинг ҳар бири халқимиз фарзандларининг ҳимматли фаолиятидан ёрқин далолатdir. Ҳиммат ҳам маънавият белгиларидан биридир.

Бинобарин, ёдгорликларни билиш, улар ким томонидан, қачон, нима муносабат билан ёки қайси воқеа шарафига, ёки бўлмаса ким томонидан қайси сиймо хотирасини абадийлаштириш мақсадида қурилган, асли номи қандай аталган — мана шуларни аниқлаш зарурдир. Шу асосда ҳар бир бинонинг «таржимаи ҳол» аниқланади, мазкур «таржимаи ҳол»лардан ўзбек меъморчилиги тарихи таркиб топади. Ўзбек меъморчилиги тарихи ўзбек халқи умумтариҳининг олтин саҳифаларидан ҳисобланади. Бухоро осори атиқалари эса бунда алоҳида ўрин эгаллайди. Моддий-маданий ёдгорликларимизда халқимизнинг заковати, салоҳияти, бунёдкорлиги билан бирга яратганини асрлар давомида сақлаб, ҳимоя қила олиш қобилияти ҳам ўз ифодасини топгандир. Ана шу қобилият бўлмаганда эдими, умуман, бутун Туркистон миқёсидаги, хусусан, Бухородаги буюк обидалар бизнинг давримизгача етиб келмасди, албатта. Бундай қобилиятынинг ҳам асоси давлатчиликлар. Давлат халқининг ва у яратган ёдгорликларнинг ҳам бош ҳимоячисидир.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозир республикамида ўша анъана давом эттирилиб, бунёдкорлик ишлари икки йўналишда олиб борилмоқда, яъни кўхна осори атиқалар жiddий таъмирланиб, асл ҳолига келтирилмоқда ва янги ёдгорликлар қурил-

моқда. Фикримизнинг исботи учун Юртбошимизнинг ташаббуси билан Амир Темурнинг Самарқандаги макбараси жиддий таъмирланганини ҳамда Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи қурилганини ва шунга ухшаш кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Демак, давлатимиз халқимиз ва у яратган ёдгорликларнинг бош ҳимоячисидир. Мухтарам Юргбошимизнинг тарихчи олимлар билан учрашувда «*Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам, Хива ҳам ўзбекларники*» дейишига асос ҳам ана шунда: **халқимиз яратганни давлатимиз ҳимоя қилиб келаётир.**

Юргбошимиз нутқида Бухоро воҳасида яшаган эркесвар аждодларимиз ҳар қандай истибод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келганларини сўзлар экан, Кармана, Вобкент, Шоғиркон, Ромитан, Фиждувон кентларини тилга олиб ўтади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу кўхна кентлар ҳар бирининг ўз бой тарихи бор, ёш жиҳатдан бири Бухорога оға бўлса, иккинчиси инидир. Бу кентлар тарихини билмай туриб, Бухоронинг умумий тарихини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди.

Масалан, Кармана тарихини олиб қўрайлик. Агарда Аштархонийлар замонида Балҳ шаҳри валиаҳд шаҳзо-данинг қароргоҳи деб тайинланган, бир неча вилоятлардан иборат Балҳ ўлкаси унинг тасарруфида бўлса, манғитлар даврида Кармана шундай мақомга эга бўлган. Таҳт вориси — валиаҳд то таҳт соҳиби бўлгунга қадар Карманада ҳокимлик қилган. Ҳатто амир Абдулаҳад ҳукмронлик қилган 1885—1910 йилларда Кармана норасмий тарзда амирик марказига айланган. Амир Абдулаҳад 13 йил давомида муттасил Карманада яшаб, бирор марта ҳам Бухорога қадам ранжида қилмаган, давлатни шу ердан туриб бошқарган. Пойтаҳт билан узлуксиз равиша — ҳар куни учқур отлиқ чопарлар орқали боғланиб турган. Шуниси қизиқарлики, бу давр мобайнинда бош вазир мақомидаги лавозим эгаси қушбеги мудом Арқда бўлган, ижроия ҳокимиётини бошқарган. Манғит амирлари жорий қилган давлат қонун-қоидалари, тартиб-интизомга кўра амир пойтаҳтда бўлмаган кезларда қушбеги Арқда бўлиши шарт эди, ҳатто Арқ дарвозасидан ташқарига чиқиши ҳам мумкин эмасди. Амир Абдулаҳад 13 йил Карманада яшаганида қушбеги шунча вақт Арқда бўлган. Бухоро ва унинг кентлари тарихига оид ҳозирги китобхонларимизга деярли таниш бўлмаган

асарлар кўп. Бу ўринда марҳум тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг Бухоро хонлигидаги аграр муносабатларга доир икки жилди китобини, қушбеги архивига мансуб 7 мингдан ортиқ ҳужжат тадқиқ этилган монографиясини, шуролар даврида қатафонга учпухта мақолаларини эслатиб ўтишни истардик. Шунингдек, ҳукуқшунос олим, Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси марҳум Отабой Эшоновнинг Бухоро тарихига оид асарлари қимматли манбалардандири.

Ўзбек давлатчилигига Бухоронинг аҳамияти ва мавқен юқори бўлиб келган. Юртбошимиз нутқида ҳам айтилганидек, Бухорога туркий қабилалар асос солган, «энг қадимги миллӣ қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алт Эр Тўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дағн этилган». Алп Эр Тўнга ҳалок булиши санаси тарихий китобларда аниқ баён этилгани, бу машъум воқеа милоддан аввалги 626 йилнинг кузида юз бергани, шу йилнинг кузида унинг вафотига 2625 йил тўлишини юқорида айтиб ўтгац эдик. Демак, чиндан ҳам Бухоронинг тарихи буюк ва бойдир. Нутқда уқтириб ўтилганидек, «Замониар ўтар, ўшилар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа ийӯқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар, Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар. Ватанимизни озод ва обод қилиш учун кураша қурбон бўлганиларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи ғишт қўйган ота-боболарини сира унумтайдилар».

Давлат тузумининг қандайлиги унинг умуман, тарихга, хусусан, моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабатида ҳам яққол кўринади. Сўнгги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат маънавиятсизликдан иборат эди. Инқилоб баҳонасида шаҳар обидалари яна бир бор вайрон этилди, унинг асл фарзандлари бир неча марта, чунончи, 1920 йилда — амирга яқин кишилар сифатида, 1929—1933 йилларда колхозлаштиришга қарши ёт инсурлар сифатида, 1937—1938 йилларда — ҳалқ душманлари, чет эл айгоқчилари, миллатчилар сифатида қатафон қилинди. Ваҳшийлик шударажага бориб етдики, 1920 йил сентябрь ойида Фрунзе Кўлига тутқунликка тушиб қолган амир хонадони аъзолари унинг буйргугига кўра икки қисмга тақсимланиб, гўдак шаҳзодалар оналарининг иссиқ бағридан тортиб олиниб Россияга олиб кетилди, оналари, опа-сингил-

лари ва бошқа қари-қартанг кишилар мол-мулки төртиб олинган ҳолда мамлакатдан четта чиқарип юборилди. Бу ҳам «шүролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади».

Шу ўринда бизким, ўзбеклар иморатсозлигининг руҳоний-илоҳий асоси ҳақида бир шингил айтиб ўтамиз. Муқаддас китобларда ёзилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво муайян муддат жаннатда яшагач, Ерга туширилганлар. Жаннатда кўрганлари: сўлим боғ-роғлар, зилол сувли ариқлар, гўзал иморатлар — кўшклар, қасрлар, саройлар озми-кўпми эсларида қолган, уларни қўмсаб Ерда ҳам ўшандай фирдавсмонанд боғ-роғлар, ҳаётбахш ариқлар, кўркам иморатлар қуришни орзу қилиб, қўнгилларига тушиб қўйганлар. Уларнинг бу ниятлари ирсият орқали зурриёлларига ўтган, баъзи фарзандларига кўпроқ, баъзиларига эса камроқ, албатта. Тақдирни азалда ўзбек халқига иморатсозлик салоҳияти, укуви ва муҳаббати кўпроқ ато этилгани билан, Бухоро жаннатнинг бир бўлаги эканлиги билан фаҳрансанак арзиди.

## Ўн учинчи боб

### ФАЙРИИЛМИЙЛИККА ИЛМИЙ ЖАВОБ

Муҳтарам Юртбошимиз янгидан шакланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида давлатчилигимизнинг барча босқичларини чуқур илмий тарзда ўрганиш масаласини муттасил равишда илгари суреб келмоқда. Чунончи, ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги юбилейига тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишув асносида тарихчи ва археолог олимларимиз дикқатини қадим Кубо давлати тарихини чуқур ўрганишга жалб этди.

«Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиш. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти, тан олгудек бўлишса, тарихий худосалари чиппакка чиқади, ишмда сохта йўл билан боргандари фош бўлади. Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё ора-

линида, мана шу заминда умргузаронлик қылган аж-  
додларцизинг биз авлодларга қолдирган маънавий, та-  
рихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўл-  
бўлганишдан гуваҳлик берувчи ҳужжатдирки, уни ҳеч ким  
инкор эталмайди. Лекин, юқорида айтганимдек, бирон-  
бир хорижий журналистнинг, умуман Farb адаблари-  
нинг «Авесто»ни эслашганини билмайман. Хулоса шу-  
ки, олис-олис жойларда халқимиз ўтиши ҳақида  
айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми соҳта,  
ғайрилмийдир», деб Президентимиз тарихчилар билан  
учрашувда эътиборни ўзбек давлатчилигининг олтин  
бешикларидан бири — қадим Хоразм давлати тари-  
хини ўрганишга яна бир бор қаратди. Бундан илгари  
унинг шахсан ташаббуси ва бевосита иштироки билан  
республикамизда ўтказилган икки тадбир — Хи-  
ва шаҳрининг 2500 йиллиги ва «Хоразм Маъмун ака-  
демиясини қайта ташкил этиш тўғрисида» деб чиқа-  
рилган Президент Фармони олис-олис жойларда хал-  
қимиз, мамлакатимиз ўтиши ҳақида айтилаётган, ак-  
сарият қисми соҳта, ғайрилмий ана ўша мулоҳаза-  
ларга нисбатан асосли илк жавоб бўлган эди.

Президентнинг «Хоразм Маъмун академиясини  
қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан  
унинг Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган  
тантанали маросимда сўзлаган нутқининг матнини яна  
кўздан кечирсангиз, уларни солиштириб ўқисангиз,  
мантиқий боғлиқликни, foявий бирликни, мақсадий  
муштараклигини англайсиз. Бу билан айтмоқчимизки,  
ушбу Фармонни ижро этишда ўша табрик нутқини ҳам  
дастуруламал қилиб олинса, айни муддаодир. Зотан,  
табрик нутқида тарих-замона-келажак муаммолари,  
уларни ечиш йўллари, кеча-бугун-эртага доир вазифа-  
лар, уларни амалга ошириш усувлари ва услублари тилга  
олинган, ўртага қўйилган ва аниқ белгилаб берилган  
эди. Биз ана шу иккала тарихий ҳужжатни қиёслаган  
холда фикр юритишда давом этамиш.

Табрик нутқида «Бундан минг йи: мұқаддам одамзод  
тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — Маъмун ака-  
демияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар  
канча фахрлансак арзиди, албатта. Ўйлайманки, биз  
Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан таш-  
кил этсак, кўп улуф иш бўлур эди», деб умид билдирилган  
эди. Кўп улуф иш бўлди — ўша умид ушалди— Ҳивада  
Маъмун академияси қайта тузилди.

Фармонда мазкур академиянинг асосий илмий ва ташкилий вазифалари олти йўналишда бўлиши белгиланди. Булар қуйидагилардан иборатdir:

*Биринчи:* илм-фан соҳасидаги қадимги улуғ миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш ёш истеъодди олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самаралорлигини юксалтиришdir.

*Иккинчиси:* қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётта татбиқ этишdir.

*Учинчиси:* минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари дарајасида мувофиқлаштиришdir.

*Тўртинчиси:* олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашdir.

*Бешинчиси:* кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлусиз таълим тизими ва фан ўргасидаги узвий ўзаро манбаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб боришdir.

*Олтинчиси:* халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришdir.

Кўринадики, қамров анча кенг, вазифалар улуғвор. Фундаментал изланишлар тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида олиб борилажак. Фармондаги «қадимги миллний илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш» иборасига теран ва атрофлича аҳамият берсак, унинг моҳиятига чуқур етиб борсак, яна бир фундаментал тадқиқот йўналиши — **меросшунослик соҳаси ўртага қўйилаётганини англаймиз**. Фоятда бой меросга эга бўлган, бир ярим асрча сиёсий тутқунликда яшашга мажбур бўлган, миллний истиқтолига эришгач, ўз меросини ўрганишга ва тиклашга киришган халқимизда меросшунослик соҳаси ҳам бўлиши табиийdir. Табрик нутқида бу масадага дикқат қаратилиб, жумладан, бундай дейилган эди: «**Мустамлакачилик ишларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккилар-**

*иң сағодсиз, жаҳси, илму маърифат душмани деб, таҳ-  
қир этишга уриндилар».*

Меросшунослик ҳам миллий истиқбол билан эгизак таваллуд топди, десак янгишмаймиз: мустақиллик зылон қилингач, кўпгина буюк аждодларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Хиванинг 2500 йиллик юбилейин ана шу меросшунослик бўйича муҳим тадбирлардан бири бўлди. Шу нуқтаи назардан ёндошсак, Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этилиши меросшуносликдаги янги бир қадамдир, дея оламиз. Меросшунослик — барча соҳаларга бирдек тегишли — муштаракдир.

Фармонда Хоразм Маъмун академияси таркибида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология йўналишлари бўйича илмий бўлинмалар ташкил этилиши кўрсатилган. Энди ана шу йўналишлар бўйича алоҳида-алоҳида, лекин мухтасар тўхталиб ўтамиш.

Тарих йўналиши бўйича. Табрик нутқида «Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Хиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг құдрати ва қадимийлигининг тасдиғидир» дейилади ифтихор билан.

Келажаги буюк давлат кураётган эканмиз, давлатчилигимиз тарихини билишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Тарих ибрат мактаби, ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни англамоқ ва уларни яна тақрорлаб қўйасликка чорловчи, эҳтиёткорликка, сезигир ва хушёрликка, ташки ва ички фитналарга учмасликка, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликка ундовчи қўзгу мактабдир.

Биз қаламга олаётган даврда, яъни Маъмун академияси тузилган кезларда Шарқда учта буюк салтанат олдинма-кейин тарих саҳнасига кела бошлаган ва жаҳон миқёсида етакчилик қилишга киришган палла эди. Булар Салжуқийлар, Фазнавийлар ва Хоразмшоҳларнинг салтанатлари эдики, буларнинг учаласининг асосчиси Хоразм мамлакатининг Янгикент шаҳрида туғилган Салжуқбек ибн Дукак бобомиздир.

Бу ўринда сулолаларни тилга олишдан мақсадимиз шуки, Хоразм Маъмун академиясида хизмат этажак тарихчи олимларимиз тарих ёзишни сулолаларимиз тарихини ёзишдан бошласалар, бутунги китобхонларимиз учун айни муддао бўларди. Зотан, сулолалар тари-

ши, нодир ва камёб нарсалар Москва ва Петербурга ташиб кетилган, айрим кишилар қўлидаги нарсалар ҳам турли йўллар билан тортиб олинган. Демак, Хоразм Маъмун академиясининг археолог олимлари ўзилмий ишларида ўлкамиздан ташқаридағи далиллардан ҳам фойдаланишларига тўғри келади.

Кейинги деярли бир аср давомида юртимизда ўтказилган археологик ва этнографик сафарларга, текшириш ишларига гарблик ва рус олимлари раҳбарлик қилишган. Фақат 1966 йилга келиб, академик Яхё Фуломов археологик экспедицияларга раҳбарлик қила бошлади. Шундан кейин бу соҳа бирмунча кенгайди.

Археологик жиҳатдан текширилмаган жойларда хўжалик ташкилотлари ариқ чиқариш, бино қуриш, сув ҳавзалари — сунъий денгизлар қуриш, ер текислаш ва шу сингари пайтларда ер тагидаги баъзи моддий маданият ёдгорликлари йўқ бўлиб кетмаслиги учун археологларнинг ўша жойларда назорат қилиб туришларига археологик кузатиш дейилади. Шўролар замонида бу борада кўп пала-партишилкларга йўл қўйилди. Масалан, зилзиладан кейин янги Тошкентни қуришда, чунончи, Чилонзор массивини бунёд этишда археологик кузатишга етарли эътибор берилмади, турар-жой даҳаларининг лойихалари ўзбошимчалик билан тузилди. Чилонзор массивидаги бир неча қабристоннинг кӯча ўртасида қолиши, ёки булмаса, Фурқат кӯчасидаги ер остида сақланиб келган, XV асрга оид ҳаммом кавлаб ташланиб, ўрнига Беньков номидаги билим юрти биносининг қурилиши сабаби ана шундадир. Ўйлаймизки, Хоразм Маъмун академиясининг археолог олимлари ўтмишда йўл қўйилган нуқсонлардан сабоқ чиқаруб, археологик кузатишга жиддий эътибор берадилар ва қаттиқ назорат ўрнатадилар. Бунда археология картографияси, яъни тарихий картографиянинг маҳсус тармоғи — археология маълумотлари асосида турли хилдаги тарихий воқеа ва ҳодисаларни графика асосида харитага тушириш қўл келади.

Хоразм ўлкаси археология ёдгорликларига, яъни ернинг усти ва остида сақланиб келган қадимги иншоотлар ва буюмларга жуда бойдир. Бироқ Хоразм давлати энг гуллаган ва қурдатли бўлган замонларда хоразмлик меъморлар ва қурувчилар ҳозирги Туркманистон, Қозогистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон, Россия Федерациясининг Итил (Волга) бўйи ва Шимолий Кавказ

жудуларида, Украиналинг Қирим вилоятида ҳам жамоат бинолари — саройлар, масжидлар, мадрасалар бунёд этганликларидан хабардормиз. Демак, Маъмун академиясининг археолог олимлари мавриди билан бу ўлкаларга ҳам археология экспедициялари уюштиришларига түрги келади. Чунки бусиз хоразмшоҳлар давлатининг тарихини тўлиқ ёритиб бўлмайди.

*Фалсафа йўналиши бўйича.* Нутқда «Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани»ни эслатиб ўтилиши бежиз эмас, албатта. Бу Хоразм Маъмун академиясининг файласуф олимлари ишни нимадан бошлашларига бир ишорадир, деб ўйлаймиз. Маълумки, «Авесто» олис аждодларимизнинг қадимги даврдаги иқтисодий-ижтимоий турмушлари, олам түғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятлари ҳақидаги диний-фалсафий манбадир. Шу манбани илмий чуқур ва атрофлича ўрганиш фалсафий тафаккуримизни бойитади, албатта.

Комусий билим эгалари бўлмиш ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Синолар айни пайтда буюк файласуф олимлардир. Улар ўрта аср илғор ижтимоий, фалсафий тафаккурини равнақ этиришга катта ҳисса кўшдилар. Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Баҳоуддин Валад, Жалолиддин Румийларнинг фалсафий қарашлари илғор ва ибратлидир. Буюк адиллар айни пайтда етук файласуф олимлар ҳам бўлишганини назардан четда қолдирмаслик лозим.

*Тил ва адабиёт йўналиши бўйича.* Кўхна Урганч шаҳри хоразмшоҳлар пойтахти бўлиб турган пайтда бу ерда Абубакр Мұхаммад Хоразмий, Абу Саид Шабибий, Абу Ҳасан Маъмун, Абу Абдуллоҳ Тоҷир ал-Вазир, Абу Мұхаммад Раккоший, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абулқосим Зирга каби таниқли шоирлар яшаб, ижод этишган. Кўлб Хоразмий ўзбек дунёвий адабиёти ривожига муносиб ҳисса кўшганидан хабардормиз. Асли хоразмлик бўлган Сайфи Саройи, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний каби ижодкорлар ижодларидан озми-кўпми танишмиз. Мунис, Оғаҳий, Аваз Утарнинг ижодларини халқимиз анча яхши билади. Ферузнинг ижоди энди-энди кенг ёйилмоқда. Хоразмлик мумтоз шоирлар ижодини ўрганиш ва оммалаштиришда академик Воҳид Абдуллаев, аллома Субутой Долимовларнинг хизматлари таҳсинга лойик. Бироқ бу борада қилинадиган ишлар ҳали куп.

Хоразмнинг ўзига хос кўп асрлик адабий мактаби бор. «Хоразм адабий муҳити» деган китобга эҳтиёж сезилади. Хоразм Маъмун академиясининг адабиётшунос олимлари ишни шундай китобни ёзишдан бошласалар ҳамда хоразмлик ёзувчи ва шоирлар ижодидан намуналардан иборат бир тазкира тузсалар хайрли бўлур эди. Ҳа, айтгандай, Мунис ва Оғаҳийларнинг номи билан боғлиқ Хоразмнинг ўз таржимачилик мактаби бўлганини ҳам унугтаслик лозим. Бу ҳам адабий бисотимизни ва тилимизни бойитган. Хоразмнинг кўп асрлик насрый мактаби ҳам бор. Ўзбек насли ва ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва равнақида хоразмлик адиларнинг катта ҳиссалари бор. Хоразм шевасини ва жой номларини ўрганиш олис ва яқин тарихимиздаги ноаникроқ нуқталарни ойдинлаштиришда асқотиши турган гап.

*Биология йўналиши бўйича.* Биология — ҳаёт, тирик табиат ҳақидаги фандир. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синолар айни пайтда шу фанга ҳам асос солувчилардан ҳисобланадилар. Масалан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китоби биология ва тиббиётнинг юксалишига катта таъсир кўрсатган. Олим киши вужудини ташки муҳит билан боғлаб ўрганган. Одамнинг соғлом ва узоқ умр кечириши кўп жиҳатдан атрофини ўраган ташки муҳит, сув ва ҳавога, остидаги тупроққа, устидаги осмоннинг мусаффо бўлишига, ҳайвонот ва наботот оламига боғлиқдир, албатта. Сир эмас, совет даврида ер ва сувдан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида республикамизда, айниқса, Хоразм ва Оролбўй минтақасида биологик жараёнларга катта путур етказилди. Замин шўрланди, Орол дengизи қурий бошлади, Амударё суви озайди ва илгаридек мусаффо бўлмай қолди. Бу ҳолат аҳолининг, биринчи навбатда болалар ва оналар саломатлигига салбий таъсир этди. Мустақилликка эришилгач, бу ҳолатнинг олдини олиш, тузатиш ва бартараф этиш бўйича республика ҳукумати барча чора ва тадбирларни амалга оширмоқда. Хоразм Маъмун академияси таркибида алоҳида биология бўйича бўлинма ташкил этилгани ана шу фамхўрликка бир далиллар.

## НАЖОТ ИЛМУ УРФОН ВА ИСТИҚЛОЛДА

Жаҳон цивилизацияси босқичларига назар ташлар эканмиз, нажот илму урфон ва миллий истиқлолда эканига ишонч ҳосил қиласиз. Бу деган сўз шуки, мустақил бўлмаган ҳалқнинг илм-фани равнақ топмайди ва, шунингдек, илм-фанини ривожлантириб бормаган миллат ҳам сиёsat саҳнасида ўзини кўрсатолмай ва тарих зарварақларида қололмайди. Бу билан айтмоқчимизки, агарким бундан саккиз йил аввал муҳтарам Йўлбошлиғиз етакчилигига миллий истиқлолга эришмаганимиззла, ушбу Фармоннинг қабул қилинишини ҳатто тасаввур ҳам қилиш мумкин эмасди. Демак, бу Фармоннинг куртаги 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида эълон қилинган ўша тарихий қонундадир, яъни у Қонун бўлмаса, бу Фармонга эриша олмасдик. Масала моҳиятига мана шундай жиҳдий ва теран қарамоқ жоиз. Бинобарин, миллий истиқлолга эришмаганимизда инсоният тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш Маъмун академиясини қайта тузишни юқорида — давлат миқёсида ким ҳам эсларди, қўйидан эслагувчилар пайдо бўлса, ошкора ёки пинҳона тазиик, таъқиб ва ҳаттоки қатағонга учраши эҳтимолдан узоқ эмасди. Чунки мезон «OFA»нинг бўйи ва эни, ўлчови эди. «OFA» ҳар борада, жумладан, илму урфон тарихида ҳам ёши улуғроқ булиб кўзга ташланиши керак эди...

Ушбу Фармоннинг биринчи бандида унинг мақсади аниқ қилиб белгиланган: Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъоддли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Академиясини қайтадан ташкил этишdir.

Республикамизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш зарур. Бу маълум ҳақиқат. Чунки ягона сайёрада, бир бутун жаҳон ҳамжамиятида бир аъзо булиб яшар эканмиз, жаҳон илмий ҳамжамиятида ҳам ўз

ўрнимиз бўлишини тақозо этади. Зотан, жаҳон илмий ҳамжамиятида ўз ўрни бўлган ҳалқнинггина жаҳон миқёсидағи мавқеи иззат-икромли бўлажак. «Бекнинг ўрни бежоғлик бўлади» деган ақида энди ортда қолиб кетди, эскирди, таомилдан тушиди. Бундан бўёғига илму урфонда илғор бўлган ҳалқнинг ўрни бежоғлик бўлажак.

Энди эътиборингизни «минтақаларда фанни янада ривожлантириш» иборасига қаратамиз. Ягона Ватав туйгуси, умуммиллат тушунчаси ва манфаати устувор бўлган сиймоларгина пойтахт ва минтақалар равнаки учун бирдек қайгурадилар, бирдек ташвиш қиласилар. Минтақаларда ҳам фанни янада ривожлантириш одати бизга анъанадир, буюк аждодларимиздан меросдир. Бунга иккита мисол келтирамиз. Мирзо Улуғбек доруссалтанати Самарқандда ва ўша вақтда вилоят шаҳарлари бўлмиш Бухоро ва Фиждуонда мадрасалар қурдиради. Алишер Навоий ўзи қурдирган 157 иншоотнинг бирини тарихий Хуросон мамлакатининг олис вилояtlаридан бирининг маркази Марв шаҳрида бино қилган. Бу ҳозирги кунгача сақланиб келаётган Низомия мадрасасидир.

Ушбу Фармонда қайд этилган минтақаларда фанни янада ривожлантириш тадбирлари истиқололга эришилган дастлабки йилларданоқ бошлаб юборилган эди. Бунга республиканинг деярли барча вилоят марказларида университетлар очилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Йилгари эса фақат Тошкент ва Самарқанддагина университетлар мавжуд бўлиб, булардан бири Самарқанд республика пойтахти бўлиб турган йигирманчи йилларда очилган Педагогика олий ўқув юрти асосида ташкил этилганди. Олий ўқув юртлари асосан пойтахт Тошкентда жамланганди, илм-фан аҳли ҳам асосан Тошкентда фаолият қўрсатарди. Фундаментал илм-фан билан шуғулланувчи илмий-текшириш институтларининг деярли ҳаммаси Тошкентда эди. Ваҳоланки, тараққий этган мамлакатларда барча минтақаларида фан ривожланишига бирдек эътибор берилади. Масалан. АҚШ, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия Япония каби давлатларда худди шундайдир. Республикамизда ҳам шундай оқилона йўлдан борилмоқда. Ушбу Фармон бу борадаги янги бир дадил ва тарихий қадам ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш бўйича бир тадбирдир. Демак, Узбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жа-

дөй ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш иши олдиндан ўйланган ва англаб етилган, дунё андоузаларига хос ши миллий анъаналаримизга мос, изчил ва узлуксиз фаний сиёсатдир, десак янгишмаймиз. Фармонда искеңдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш вазифалардан бири сифатида таъкидланишининг боиси ана шундадир.

Халқимизда минг йиллар давомида синалган, тарих тажрибасидан ўтган бир удум бор. Шу удумнинг можиятини кўрсатиш учун бир-иккита оддий мисол келтирамиз. Масалан, қаровсизлик, эгасизлик, эскириши туфайли ёки шу каби бошқа бир сабаб билан иморатнинг путури кетса ёки нураса, янги иморатни бошқа бир жойга эмас, эскисининг айни ўрнида қурилган. Саройлар, масжиду мадрасалар ва шу каби жамоат бинолари билан ҳам шундай бўлган. Ун марталаб қайта тикланган масжидларни биламиз. Бухоро Арки кейинги етти ярим аср ичida ҳудди шу ўринда уч марта қайта бино қилинганидан хабардормиз. Чоризм маъмурлари Туркистон ўлкасида суриштириб-нетиб ўтирумай дуч келган жойга Қурдирган қанчалаб қишлоқ ва шаҳарчаларни сув суриб, сел олиб кетганидан, кўчки остида қолганидан ҳам хабардормиз.

**Қайта тиклаш авлоднинг аждод олдидаги бурчи, арвоҳ хотири, замонавий ибора билан айтганда, инсонлик шарафидир.**

Маъмун академияси бутун ислом дунёсида шу типдаги иккинчи академия эди, биринчи академия Бағдодда тузилган бўлса-да, лекин унинг асосий илмий куллари — асли туркистонлик олимлар эдилар. Буни Қарангки, иккала академияни ҳам ташкил этувчилар алаш (отдош) — исмлари Маъмун эди. Бири халифа Маъмун, иккинчиси хоразмшоҳ Маъмун эди.

Машхур Бағдод халифаси, яъни Араб халифалигининг бош ҳукмдори Ҳорун ар-Рашид мамлакатнинг Хурросон ноиблигига ўз ўғли Маъмун ар-Рашидни тайинлайди. Илм-фан ҳомийиси сифатида донг қозонган Маъмун ноибликнинг маркази бўлмиш Марв шаҳрига атроф ўлкалардан, жумладан, Ҳоразм, Фарғона, Шош, Фороб (Шошнинг шимолида) ва бошқа вилоятлардан олимларни тўплаб, ўз саройида уларнинг илмий ишларига шароит яратиб беради. У ёшлигидан турли илмлардан хабардор бўлган. Унинг саройида Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий, Ис-

моил Жавҳарий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Аҳмад Фарғоний каби туронлик машҳур олимлар фаолият курсатишган.

Милодий 813 йили халифалик таҳтига Маъмун ар-Рашид ўтиради ва ўзи билан Бағдодга Марвдаги сарой олимларини ҳам олиб келади. Мутгасил 20 йил, яъни 813 йилдан 833 йилгача давлатни бошқаради, илм-фан равнақига зўр аҳамият беради. Барча етук олимларни «Байт ул-Ҳикма» (Донолар уйи)га — «Маъмун академияси»га ўюштиради — илгари эълон қилган китоб ва мақолаларимизда шундай деб ёзган эдик. Умуман олганда, бу фикр тӯғри. Лекин кейинги ўрганиб чиқолган маълумотларга қараганда бу фикрга аниқлар киритилиши, қўшимчалар қўшилиши керак экан. Гап — асосий мавзуумиз ўзбек давлатчилиги ва бунёдкорлиги тарихи ҳақида бораётган экан, ўзимизга аён булиб қолган қизиқарли далил ва маълумотларни китобхонлар билан баҳам кўриш ниятида кичик тарихий чекинишлар қилишни лозим топдик, зеро, киши билган нарсасини ошкор қиласлик инсофдан бўлмас, деб ўйлаймиз.

Биринчи тарихий чекиниш. Аслида, гап бундай экан. Маълумки, Араб халифалиги (пойтахти Бағдод шаҳри бўлган йилларда Бағдод халифалиги деб аталган) Арабистондан ташқаридаги халифаликка тегишли ҳудудларни, жумладан, Жанубий Туркистон — Хуросонни ўз ноиблари-вассаллари орқали идора қилган. Шулардан бири тоҳирийларнинг сиёсий-маъмурий бирлиги расман халифаликка тобеъ, амалда эса анча мустақил давлат эди, унга Тоҳир ибн Ҳусайн асос солган. У милодий 775/776 йил Ҳиротда туғилган.

Хўш, ўша замонларда Ҳирот шаҳрида, умуман эса ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий ўлкаларида, ҳозирги Покистоннинг ҳозирги Эрон билан чегарадош вилоятларида, ҳозирги Афғонистонда, ҳозирги Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари ва Тибетда қайси халқлар ёки халқ яшаган эди, кимлар бу ўлкаларни бошқарган эди, буларни аниқласак, ўтмиш давлатчилигимиз тарихига доир кўп нуқталар янада аниқлашади.

«Авесто»да Франграсиён деган шахс туркларнинг (китобда бу сўз «тур» шаклида ишлатилган, Турон атамаси шундан келиб чиқсан) подшохи деб тилга олинади. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонида «Авесто»даги Франграсиён исми Афросиёб шаклини олган. Бу ном эса туркларнинг энг қадимги хоқонларидан бири Алп Эр Тўнганинг форсечалаштирилган оти-

дир. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний «Осор ал-боқия», «Қонуни Масъудий» ва бошқа асарларида сўзлаб ўтади. Демак. Алп Эр Тўнга турк хоқони эканлиги ва у «Авесто»да қадимги форсча исм ёки лақаб билан Франграсиён деб аталган.

Беруний «Осор ал-боқия» асарида энг қадимги Хоразминнинг ахолиси турк бўлганлиги ҳақида бундай ёзади: «Улар (хоразмликлар) Хоразмга одамлар жойлаша бошлагани (яъни аҳолининг ўтроқлашуви. — А. И.)дан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўқиз юз саксон иши илгари бўлган эди».

Мана бу далиллар Турон — Туркистоннинг қадимдаги тарихий худудлари, ҳалқимиз давлатчилиги тарихи кўламини аниқлашда айниқса аҳамиятлидир: Беруний «Қонуни Масъудий» асарида ёзишича, исломдан олдин, яъни VII аср бошларида Кобул шоҳлари турклардан бўлган. Араблар мусулмончиликни ёйиш учун келганларида — VII аср ўрталарида Сеистон (ҳозирги Эроннинг ҳозирги Покистонга чегарадош вилояти) да туркларга дуч келадилар. Демак, ҳозирги Эроннинг шимолий ва шарқий худудларида камида милодий эраннинг бошларидан бошлаб турклар яшаган, шунинг учун ҳам бу ерларни форслар Турон (турклар юрти) деб аташган.

Тоҳир ибн Ҳусайн туғилган Ҳирот шу юртнинг марказий шаҳарларидан бири эди (бу шаҳарда улуг ўзбек шоири Алишер Навоий таваллуд топгани ёки бўлмаса Навоийгача бўлган мумтоз адабиётимизнинг атоқли сиймоларидан Мавлоно Лутфий, Мавлоно Отойиларнинг шу заминда дунёга келганликлари ҳам бежиз эмас, албатта).

Халифа Ҳорун ар-Рашид (786—809) ҳукмдорлиги даврида араб тарихчиларининг ибораси билан айтганда. Ҳурросон ва Мовароуннаҳр Бағдод халифалиги таркибидаги бир сиёсий-маъмурий бирлик ҳисобланарди. Маъмурий маркази асосан Марв шаҳри ҳисобланган бу ноибликни унинг ўғли ал-Маъмун бошқаарди. Ҳалифа Ҳорун ар-Рашид 809 йили касалликка чалиниб вафот этади, унинг таҳтини катта ўғли ал-Амин эгаллайди ва укаси ал-Маъмунни ҳокимиятдан бутунлай чётлаштириш учун унинг устига катта қушин юборади. Ал-Маъмун ҳам бунга жавобан катта қушин тузали ва унга Тоҳир ибн Ҳусайнни бошлиқ этиб тайинлайди. Рай шаҳри яқинида бўлган жангда Тоҳир ибн Ҳусайн галиб чиқади ва Бағдод томон юришда давом этади.

Навбатдаги жангларда ҳам ғолиб чиқади, ал-Амин ҳам үлдирилади ва Бағдод ҳам құлга киритилади. Бу 813 йили юз беради. Шу тариқа, қиротлик Тоҳир ибн Ҳусайн бошчилигидаги құшин қозонған ғалаба туфайли ал-Маъмун халифаликдаги ҳокимият тепасига келади. Лекин у дархол Бағдодға етиб бормайды, Бағдод тахтика ҳам үтирамай туради. У Тоҳир ибн Ҳусайнни Ироқ (у пайтларда бу ҳудуд Жазира деб аталарды) ҳокими ва Бағдод ҳарбий гарнizonининг бошлиғи этиб тайинлайди, бутун ҳалифаликни эса 819 йилгача, яъни б үйл давомида Марв шаҳридан туриб бошқаради. Ал-Маъмун ҳаммаси бұлиб Марв шаҳрида үн үйл яшаган. Шу даврда унинг саройига Туркистоннинг турли вилоятларидан тұпланған олимлар гурухы кейинчалик Бағдодда тузилған «Байт үл-ҳикма»нинг негизини ташкил этади. Бу билан айтмоқчимизки, үша машхур Бағдод академиясига ҳам юртимизда — Туркистон заминида асос солингандир.

Халифаликнинг марказий қисми бұлмиш Ироқда Тоҳир ибн Ҳусайн томонидан барқарорлық үрнатылғач, ал-Маъмун 819 йили Бағдод тахтига бориб үтиради. Халифалик олдидаги буюк хизматлари эвазига Тоҳир ибн Ҳусайнни 821 йили үзининг Ҳurosондаги ноиби этиб тайинлайди. Шу тариқа, тоҳирийлар давлати вұждуга келади. Бу давлат халифаликка тобеъ бұлған, жума намозларыда халифа номи хұтбага құшиб үқилған, пул ҳам халифа номидан зарб этилған, үйіншілған солиқнинг бир қисми халифалик хазинасига юборилған. Тоҳирийлар вассал давлати то 873 йилгача давом этган. Пойтахти аввал Марв шаҳри бұлған, Абдуллоҳ ибн Тоҳир даврида пойтахт Нишопурға күчирилған.

Юқорида айттылғанлардан күрінадықи, халифа Маъмун академиясининг тузилиши ва унинг фаолиятида буюк олимларымиз асосий үрин тутишлари билан биргә ал-Маъмун ибн Ҳорун ар-Рашиднинг ҳокимият тепасига келишида, халифалик марказида барқарорликни үрнатышда, илм-фан равнақи учун тинч шароитни үрнатышда қиротлик буюк аждодимиз лашкарбоши Тоҳир ибн Ҳусайннинг ҳам маълум улуси бордир. Ушбу тарихий чекиниши қилишдан мақсадимиз ҳам давлатчилігимиз тарихига доир шу гапни айтиш эди.

**Иккінчи тарихий чекиниши.** Тарихимизда үзига хос из қолдирған сулолалардан бири сомонийлардир. Бұ сулолага келиб чиқыши буйича Балх шаҳри яқинидагы Сомон қышлоғидан бұлған Исмоил Сомоний асос сол-

ган, бу давлат ҳам мақоми бўйича вассал-ноиблик эди. Сомонийларнинг суюнчиғи жанговар туркий қўшинлар эди. Шу қўшиннинг салоҳиятли лашкарбошилари бўлиб, улардан бири Алптегин ҳақида давлат арбоби ва тарихчи Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида ёзадики, у сомонийларни олтмиш йил ҳимоя қилиб келган, сомонийлар мулки бир тана бўлса, Алптегин бу тананинг бошидир. Ўша вақтда Алптегин итоатида ўттиз минг отлиқ лашкар бор эди, истаса юз минг суворийни ҳам ўз қўлига оларди. Фулувлар туфайли сомонийлар билан Алптегин ўргасида келишмовчилик, ўзаро ишончсизлик юз беради. Оқибатда сомонийлар давлати инқирозга учрайди ва қораҳонийлар давлатига қўшиб олинади.

Алптегин вафотидан кейин унинг ишини яна бир машҳур лашкарбоши Сабуктегин давом эттиради. Сабуктегин вафотидан кейин унинг ўрнига ўғли Султон Маҳмуд ўтиради ва Маҳмуд Фазнавий номи билан тарихда чуқур из қолдиради.

Юқорида келтирилган тарихий чекинишдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, сиёсий ва ҳарбий ҳокимият намояндадари яклил бўлганларида, мамлакат кучли, илм-фан равнақи учун шароит етарли бўлади. Ана шундай доруломон даврда Бухорода Абу Али ибн Сино каби улуғ олимларимиз таҳсил олиш имкониятига эга бўлган эдилар. Улар кейинчалик хоразмшоҳ Маъмун академиясида, Султон Маҳмуд Фазнавий саройида ва бошқа маърифат даргоҳларида самарали фаолият курсаттанлар. Хуллас, илм-фан равнақи учун ҳам тинчлик керак экан.

Энди ҳикоямизни Бағдод томонга кўчирамиз. «Байт ул-ҳикма»да кўплаб олимлар, таржимонлар, хаттотлар хизмат қиласидилар. Олимлар илмий иш — тадқиқот билан шуғуллансалар, таржимонлар сурённий, қибитий, санскрит, юонон, лотин ва бошқа қадимий тилларда ёзилган ноёб асарларни арабчага таржима қиласидилар, хаттотлар эса асарларнинг қўлёзма нусхаларини кўпайтирадилар. Шуниси дикқатга сазоворки, бу таржима асарларнинг, биринчи навбатда, юононча ва лотинча асарларнинг асл нусхалари Европада юз берган инқизация оқибатида ёндириб, йўқотилиб юборилган. Таржималар сақланиб қолган. Европаликлар кейинчалик ана шу Маъмун академияси аъзолари томонидан қилинган таржима асарларни арабчадан қайта ўз тилларига таржима қилиб, ўз меросларини тикладилар. Маъ-

мун академияси ўз даври учун ҳам, кейинги кўп асрлар учун ҳам, умуман олганда, бутун жаҳон цивилизациясида буюк бир ҳодиса эди. Академия олимларининг аксарияти туркистонлик эдилар. Математик ва астрономларнинг эса ҳаммаси туркистонлик, шу жумладан, хоразмлик эдилар. Туркистоннинг кўпгина минтақалари, жумладан, Хоразмнинг деҳқончилиги, маданияти ва тараққиёти азалдан сугоришга асослангандир. Бу эса математика ва астрономияга мустаҳкам боғлиқ. Йишининг қандай келиши, об-ҳаво, ёғингарчиликнинг мидорини олдиндан аниқлашда илми нужум — фалакиёт — астрономия равнақини тақозо этса, сугориш иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш математика ривожини талаб қиласарди. Шу сабабли суформа деҳқончилик мамлакатларида, жумладан, Хоразмда астрономия ва математика устувор мавқеда бўлган, бошқа фанлар қаторида бу фанлар ривожига зўр аҳамият берилган. Бу ҳаёт талаби эди. Хоразмдан буюк астрономлар, математиклар чиқишининг боиси ана шундадир.

Бағдоддаги тарихий Маъмун академиясида Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий — буюк аждодларимиз то инсоният тургунича ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ўлмас қашфиётлар яратганлар. Даҳо олим — буюк математик ва астроном ал-Хоразмий миљодий 780 йили (баъзи манбалар бўйича 783 йили) Хивада таваллуд топиб, миљодий 850 йили Бағдода вафот этади. Бағдодга таклиф этилгач, аввал халифа ал-Маъмун ибн Хорун ар-Рашид (813—833), сунгра ал-Мұтасим (833—842) ва ал-Восиқ (842—847) саройларида, яъни Маъмун академиясида ишлайди, тадқиқот ишларига раҳбарлик қиласади. Буюк ватандошимиз ўз мавқеига кўра олимларга етакчилик қилған бўлса-да, ҳозирги иборага кўра Маъмун академиясига раислик (президентлик) қилгани ҳақида расмий маълумот учрамайди, бироқ ушбу академиянинг кутубхонасига мудирлик қилгани аниқ. Халифа ал-Маъмун ва ал-Восиқлар даврида китоб йиғиш учун ал-Хоразмий бошлигига учта сафар ўюштириллади. Буларнинг биринчиси 830 йили атрофида Фарбий Ҳиндистонга ўюштириллади. Ал-Хоразмий бу сафаридан ҳинд рақами ва ҳисоблаш қоидасига доир маълумотларни олиб келади. Уларни ўзининг арифметик асарида акс эттиради, ҳисоб-китоб бобида қулайлик яратали, ҳозир бугун дунёда қўлланилаётган ҳисоб рақамлари «1» дан «9» гacha

ҳамда Оана ўша даврдан бошлаб кенг мумалага киради. Бу буюк аждодимизнинг улуғ хизматларидан биридир.

Ал-Хоразмий бошчилигидаги иккинчи экспедиция Рум (Византия) мамлакатига юборилган. Бу экспедиция Эфес шаҳри яқинидаги гор билан боғлиқ бўлган «Асҳоб ул-Қаҳф» ҳақидаги ривоятни аниқлаш учун халифа томонидан юборилган эди. Маълумки, Куръони каримнинг 18-сураси «Қаҳф» деб аталади. Бу сурга бир ўн оятдан иборатдир. Сурада кишиларнинг Тангри таолога бўлган имон-эътиқодларини мустаҳкамлаш учун энг гузал, ибратли қиссалардан учтаси сўйлаб берилади. Улардан биринчиси «Асҳоб ул-Қаҳф» қиссаси булиб, унда золим ҳоким истибдодидан дину имонларини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилган йигитларнинг бир каҳфга — форга паноҳ тортиб киришиб, у жойда уч ўз йил қолиб кетишгани ҳақида ҳикоя қилинади. Куръони каримда тилга олинган ана шу горни аниқлаш ва ўрганиш ишига буюк аждодимиз раҳбарлик қиласдилар, олимлик ва мусулмонлик бурчларини бажарадилар. Буни таъкидлашимиздан мақсад шуки, совет даврида ал-Хоразмий ҳақида нашр қилинган деярли барча катта-кичик китобларда «Унинг асарлари дунёвий фанларнинг ислом фанидан мустақил ривожланишига йўл очди. Хоразмийнинг фан соҳасидаги ютуқлари ўрта асрларда ҳукмронлик қилган дин ва схоластик-идеалистик фалсафага қаттиқ зарба беради, Ислом динининг табият тўғрисидаги уйдирма ёлғон даъволарини фош этди» каби нотўғри фикр билдирилган. Ваҳоланки, ал-Хоразмий ўз даврининг фарзанди, бунинг устига ўша даврда бутун ислом дунёсининг маркази бўлган Бағдолда, амиралмўминин халифа саройида фаолият кўрсатган. Умуман олганда, олим фалончини ёки фалон нарсани фош қиласман, деган фикрда бўлмайди, у илм билан шугулланади, кашфиёт яратади.

Ал-Хоразмий бошчилигидаги учинчи экспедиция Хазарияга — Итил (Волга) дарёсининг қуи оқими, Каспий дengизининг шимолий ва шимоли-ғарбий қирғоқлари ҳудудларини эгаллаган мамлакатга уюштирилади. Мазкур экспедициядан мақсад Хазарияни илмий ўрганиш билан бирга бу ўлка халқлари ўртасида Ислом динини ёйиш эди.

Ал-Хоразмий Бағдолдинг Кутраббул маҳалласида яшайди. Шаммосия маҳалласида жойлашган расадхонада Яхъе ибн Абу Мансур билан бирга астрономик

кузатишлар олиб боради. Бу расадхонада Птолемейдан сўнг Күёшнинг энг катта оғиши ўлчанади.

Шарқ ва Фарб олимларининг ёзишларича, ал-Хоразмийнинг «Алгоритмий (ал-Хоразмий) ҳинд ҳисоби ҳақида», «Астрономия санъатига кириш», «Ал-китоб аль-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала» (қисқача номи «Ал-жабр» — «Алгебра»), «Зийж ал-Хоразмий», «Устурлоб ёрдамида азимутни аниқлаши», «Китоб ар-руҳома», «Тарих китоби», «Яҳудийларнинг эралари ва байрамлари ҳақида рисола», «Китоб сурат ал-ард» («Ернинг сурати»), «Устурлобларни амалда қўллаш ҳақида китоб»лари бизгача етиб келган ҳамда инглиз, лотин, олмон, рус, фаранг ва бошқа тилларга таржима қилинган, уларга шарҳлар ва изоҳлар ёзилган.

Ал-Хоразмий алгебранинг отасидир. Ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий атамаси — «алгоритм» («алгорифм») ал-Хоразмий исмининг лотинча ёзилиши ва талаффуз қилинишидан келиб чиқкан. Буюк аждодимиз Фарб олимларидан 800 йилча аввал кўп илдизли тенгламаларни ечиш усуllibарини, синус, косинус, тангенс қоидаларини кашф этиб, муомалага киритган. Бу кашфиётнинг вужудга келишининг қизиқарли тарихи бор. Шу ҳақда бир шингил айтиб ўтамиз. Маълумки, VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларила фикҳ илми — ислом ҳуқуқшунослиги ниҳоятда равнақ топди (бунда ҳам буюк аждодларимизнинг ҳиссалари каттадир), ҳуқуқшунослик соҳалари, жумладан, мулкий ҳуқуқ, ва мерос ҳуқуқи ишлаб чиқлади. Лекин назарий билимни турмушга жорий қилишда, яъни меросни ворислар ўртасида қандай қилиб тақсимлашда қийинчиликка дуч келинади. Халифа Маъмун ибн Ҳорун ар-Рашид бу муаммони ҳал этишни ал-Хоразмийга топширади, яъни давлат буюртмасини беради. Буюк аждодимиз шу муаммо устида ишлайди — «Ал-жабр» — «Алгебра»ни яратиб, мушкулотни бартараф этади. Дастрраб меросни тақсимлаш зарурати туфайли вужудга келган бу фан кейинчалик оламшумул аҳамият касб этади. Нажот илму урфонда дейилишининг боиси ҳам ана шундадир.

Ал-Хоразмий «Ал-жабр вал-муқобала» асарида олимларни уларнинг ишлари характери буйича уч гурӯҳга бўлади: 1. Улардан бирлари ўзларигача қилинмаган ишларни қилиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кеталилар; 2. Ўзгалар ўтмишдошлари меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу билан қийинчилик-

ларни енгиллаштирадилар, кулфларини очадилар. Йўл-  
дарини ёритадилар, бу эса тушунишни осонлаштиради.  
3. ...Еки бу одам баъзи китоблардаги нуқсонларни то-  
пади ва узилганларни улади.  
Шу троифалаш бўйича ал-Хоразмийнинг ўзини «Ал-

Шу тоифалаш бўйича ал-Хоразмийнинг ўзини «Алгебра» асосчиси сифатида биринчи гуруҳга, арифметика соҳасидаги илмий фаолияти билан иккинчи гуруҳга киритиш мумкин. Ал-Хоразмийнинг иккинчи математик асари — «Алгоритмий» (ал-Хоразмий) ҳинд ҳисоби ҳақида» («Ҳисоб ал-ҳинд») китоби ҳам фан тарихида жуда муҳим аҳамият касб этган ва ҳамон шундай; то Ер юзида ҳисоб-китоб бўлар экан, унинг аҳамияти заррача пасаймайди. Асан ўнлик тизим рақамлари (0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9)га бағишиланган. Ал-Хоразмий Ҳинлистонда истеъмолда бўлган бу рақамларни соддалаштирида биринчи бор араб тилида баён этди. Бу тизим ёйилгунга қадар анча қупол ва нокулай бўлган хилмажил саноқ усусларидан фойдаланаарди. Ўнлик тизимнинг кашф этилиши саноқ бобида чинакам инқиlob бўлди. Мазкур тизимнинг қулайлиги шундаки, 1 дан 9 гача бўлган рақамлардан фойдаланиб ва «0» (нол) ёрдамида энг катта сонларни аниқ ёзиш мумкин. Бу саноқ усули X асрдан бошлаб, араб рақамлари номи билан аввал Европага, кейин бутун жаҳонга ёйилган.

Ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-ард» номли жуғрофияга оид асарида 637 та муҳим жойлар, 209 та тоғнинг жуғрофий тафсилоти берилган, дарёлар, дengизлар ва океанлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган оролларнинг муҳим координатлари билан баён қилинган.

Милодий 827 йили ал-Хоразмий раҳбарлигига Ер куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Меридиан градуси узунлиги ўрта ҳисобда 112 километрга teng қилиб олинган. Бу натижа аниқdir.

Ал-Хоразмий ҳатто мусиқага оид рисола ёзгани ҳақида ҳам маълумот етиб келган. Ҳа, у қомусий билимлар эгаси бўлган. Буюк аждодимиз ҳақида бирмунча тўхтаб ўтишдан мақсадимиз Бағдоддаги Маъмун академиясининг оламшумул шуҳрат қозонишида ал-Хоразмий ва унинг сафдошлари бўлмиш туркистонлик, жумладан, хоразмлик олимларнинг бемисл хизматларини бир эслатиб ўтишдир.

Матъумки, тарихда араб маданияти ёки ислом маданияти деб аталган цивилизацияда туркий халқларга

мансуб олимларнинг ҳам улкан ҳиссалари бўлганилиги каби Араб халифаликларида туркий қавмларга мансуб давлат ва ҳарбий арбоблар муҳим урин эгаллаганлар. Кўпинча лашкарбошилар, сарой гвардиячилари туркий ҳалқа мансуб кишилар бўлишган. Улар вақти келиб аввал ҳарбий ҳокимииятни, кейин эса сиёсий ҳокимииятни ҳам кўлга киритишган. Шу тариқа, салжуқийлар, фазнавийлар, хоразмшоҳларнинг буюк давлатлари — салтанатлари вужудга келган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, илму урфоннинг равнақ топиши учун Кудратли давлат ҳокимиияти, ривожланган иқтисод ва, албатта, илм ва ижод аҳлига ҳомийлик қилиувчи давлат бошлиғи керак. Салжуқий, фазнавий сулолаларга мансуб сultonлар ва хоразмшоҳларнинг аксарияти илму фан, адабиёт ва санъат, маданият равнақига давлат миқёсида ҳомийлик қилишгани ҳақида ибратли тарихий маълумотларга эгамиз. Бу бобда асосий сўз Хоразм ҳақида бораётгани сабабли хоразмшоҳлар ҳақида қисқача тұхвалиб ўтиш билан чекланамиз.

Айниқса, хоразмшоҳ Маъмун ва хоразмшоҳ Маъмун II ибн Маъмун замонида Хоразм давлатининг курдати ошади. Мамлакат пойтахти Урганч йирик фан ва маданият марказига айланади. Маъмун академияси очилди, унда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Сайд Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр, Ибн Мисқавайх, Абу Бакр Мұхаммад Хоразмий, Абу Сайд Шабибий, Абулҳасан Маъмун ва бошқа йирик олимлар, шоирлар, адиллар, таржимонлар фаолият кўрсатадилар. Булар орасида ҳозирги замондошларимизга маълуму машҳур бўлгандар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синодир. Берунийнинг қомусчи олим бўлганини, Ер куррасининг шарқий палласи мавжуд экан, гарбий палласи ҳам бўлиши шарт эканини назарда тутиб, илк бор Америка қитъасини назарий жиҳатдан кашф этганини яхши биламиз. Ибн Синонинг мумтоз «Тиб қонунлари» кўп жилдлик асарлари билан танишмиз, унга «Шайх ур-раис» унвони берилганидан ҳам хабардормиз. Бироқ, юқорида тилга олинган ва бу рўйхатда номлари ёзилмаган бошқа олимларнинг фаолияти кам ўрганилган, илмий мерослари ҳали оммалаштирилмаган.

Демак, Президент Фармонида таъкидлаб ўтилганидек, қайтадан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифаларидан бири қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой мерос-

ни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилишдир. Шу ўринда бир ривоятнома ҳақиқатни, бундан минг йил аввал амалга оширилган илмий ва жисмоний жасоратни тилга олиб ўтамиз. Ҳозирги кунда «Биринчи космонавт ким бўлган?» деб кимдан сўраманг, дарҳол «Юрий Гагарин» деб жавоб беради. Атоқли олим, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода олтмишинчи йилларнинг ўрталарида ал-Беруний ҳақида янги асар ёзиш учун манбалар кўраётib, ал-Форобий, ал-Берунийларга замондош Исмоил ал-Жавҳарий номли аждодимизнинг ўзи ясаган қанотлар билан парвоз қилгани ҳақидаги маълумотни учратиб қолади ва шеърий асарида ҳалқимиз тилидан сўзлаб, бу ҳақда «Ал-Жавҳарий фарзандим самога учганди» деган мисрани қўшиб ўтади фаҳр билан.

Яқинда туркиялик олим, профессор Усмон Туроннинг «Туркий халқлар мағкураси» китобида Исмоил ал-Жавҳарий фаолиятига доир маълумотларни, жумладан, «Физика билан шугулланган Жавҳарий ўзи ясаган қанотлар билан учишни машқ қилаётib, йиқилади ва шу жароҳати таъсирида оғриб вафот этади» деган сатрларни учратдик. Суҳбатда бу далини ўзбек олими профессор Омонулла Файзуллаев ҳам тасдиқлади. Демак, эндиgi вазифаларимиздан бири ал-Жавҳарийдек буюк аждодларимизнинг бой меросини ҳар томонлама ўрганиш ва кенг оммага маълум қилишдир.

Хоразм Маъмун академиясида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишлар олиб борилмоқда. Бу — бугунги қамров. Келгусида соҳалар кўпайиб, улар ёнига математика, астрономия фанлари ҳам қўшилса, ажаб эмас. Зоро, Хоразм жаҳонга буюк математик ва астрономларни етиштириб берган улқадир.

Фармонда Хоразм Маъмун академияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақаий бўлими — Хива шаҳрида тузилган бу замонавий Байт ул-ҳикма — донолар уйи олдига катта ва муҳим вазифалар, жумладан, илм-фан соҳасидаги қадимги улуғ мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналярни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъодли олимларни излаб топиш, уларни академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишлар-

ни замон талаблари даражасида мувофиқлаштириб, олий малакали ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш; кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўргасидаги узвий, узаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш каби юмушлар кўйилди. Шунингдек, унда халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида ургу берилган. Шу ўринда ал-Берунийнинг фан тарихига умумбашарий бирлик нуқтаи назаридан ёндошиш, илм-фан ютуқлари билан бошқа халқ олимларини ҳам таништириш лозимлиги ҳақидаги фикрларини эслаб ўтишни жоиз деб биламиз.

Хоразм Маъмун академиясининг айни Хива шаҳрида қайта ташкил этилиши жуда ўринли, тарихан асослидир. Президент Ислом Каримов табрик сўзида Хива шаҳрининг халқимиз, ватанимиз, давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига юксак баҳо берди: «Утмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги авадий шаҳар — миллатимизнинг ифтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё тургунча турсин!»

## Ўнбешинчи боб

### ТАМАДДУНИМИЗ НЕГИЗЛАРИ

Шундай қилиб, энди сўз навбати «Жаҳон қомусий лугати»да бизким, ўзбекларга берилган таърифдаги тўртта нуқта бўйича юқорида айтиб ўтган шарҳларимизни бир холосалаб кўйишга келиб етди. Чиндан ҳам ҳалқимиз жаҳон халқлари ўргасида биринчилардан булиб, туркий тилли халқлар орасида биринчи булиб ўтроклашиб, хўжалик юритишнинг барча соҳаларида булганидек, суғорма деҳқончиликда ҳам миришкор булиб, бирбиридан гўзал ва обод юзлаб шаҳарлар қуриб, шаҳар ва қишлоқларда маданий турмуш кечириб келаётган, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ва қушаётган миллат эканимиз аниқ. Жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшганимиз оқибати ўлароқ «Жаҳон қомусий лугати»нинг инсофли тузувчилари ва ноширлари ўз китобларида бизга холис таъриф беришган. Биз шу ўринда мазкур тўртинчи нуқта бўйича юқорида айтилганларни лўнда тарзда яна бир бор эслатиб, уларга кичик қўшимчалар қўшишни лозим топамиз, токи жаҳон ци-

вилигациясига күшган ҳиссаси бўйича ҳам халқимизнинг бўй-басти янада ёрқинроқ гавдалансин.

Юқорида ўрта асрларда бутун мусулмон оламида иккита Академия — бири Бағдодда, иккинчиси Хоразмшоҳ Маъмун курслагани, иккаласи ҳам Маъмун исми билан аталгани, бири халифа Маъмун, иккинчиси халифа Маъмун бўлганлиги, халифа Маъмун академияси Бағдодда, хоразмшоҳ Маъмун академияси Урганчда тузилган бўлса-да, иккала академиянинг ташкил этилиши ва фаолиятида асосан туркистонлик қомусий билим эгалари — буюк аждодларимиз ўрин эгаллаганини ҳикоя қилиб ўтган эдик. Бағдодда илмий ижод қилган ватандошларимиз яратган оламшумул ихтиро ва кашфиётлар башарий цивилизациянинг таркибий қисми бўлмиш Ислом Уйғонишига, шу та-маддун орқали Оврупо Уйғонишига сезиларли таъсир этган.

Энди буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига күшган улкан ва бебаҳо, инсоният тарихида қайтарилимас ҳиссаларининг негизлари ва биз — миннатдор авлодлар ўша улуғ зотларнинг бевосита ворислари эканимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумки, бирор нарсанинг, бу ўринда ихтиро ва кашфиётнинг илдизларига етмай туриб, уларнинг моҳиятини тўла-тўқис аниқлаб бўлмайди. Ҳалқнинг удумлари, урф-одатлари унинг турмуш тарзидан келиб чиқади. Бизким, ўзбекларда тўққис сони азалдан муқаддас саноқлардан ҳисобланади. Тўйларда, зиёфатларда ҳурматли қудаларга, азиз меҳмонларга «тўққиз-тўққиз»лар тортилган. Шу удумдан келиб чиқилган ҳолда давлат бошлиқларимиз — хоқон, хон, сulton, амирлар томонидан ўрдугоҳ, қароргоҳ ва саройларда ўтказилган қабул маросимларида чет эл мамлакатларининг элчиларига тўққиз-тўққиз тортиклар, масалан, тўққиз уст-бош кийим ҳадя этилган, улар, яъни элчилар орқали ўша мамлакатларнинг ҳукмдорларига «тўққиз-тўққиз» совғалар, масалан, тўққизиста аргумоқ бериб юборилган. Шунингдек, давлат олдидағи буюк хизматлари учун сарой аъёнлари ҳам ҳукмдорнинг олий инояти — «тўққиз-тўққиз» мукофотига са-зовор бўлишган. Айни пайтда у ёки бу ҳукмдорнинг ҳокимият тепасига келишида жонини фидо қилиб курашган, энг нозик ва қалтис пайтларда унинг ёнида камарбаста бўлиб, муқим турган энг яқин сафдоши, арбоби ва аҳбоби кейинчалик қилган айблари учун давлат бошлиғи томонидан 9 мартағача кечирилган, узр-

лари қабул этилган. Бу ҳақда күпгина тарихий асарларда, жумладан, «Бобурнома»да маълумотлар бор. Маслан, Бобурнинг сафдошларидан Боқи тархон хатоси учун тўққиз мартагача кечирилган. Бунинг замирида ҳам давлат олдидаги буюк хизматлари асосий мезон ҳисоблангани ётадир.

Буюк ватандошимиз ал-Хоразмий халифа ал-Маъмун топшириғи билан 830 йили атрофида Фарбий Ҳиндистон (ҳозирги Покистон ва Шарқи-жанубий Эрон ҳудудларига тұғри келади)га қылган сафаридан уша пайтларда ҳинд рақами деб аталган рақамларни ва ҳисоблаш қоиласига доир маълумотларни Бағдодга олиб келгани, уларни ўзининг арифметик асарида акс эттиргани, ҳисоб-китоб бобида кулайлик яратгани, ҳозир бутун дунёда құлланилаётган ҳисоб рақамлари «I»дан «9» гача ҳамда «0» ана уша даврдан бошлаб кенг муомалага киргани, бу улуғ аждодимизнинг катта хизматларидан бири эканини юқорида айтиб ўтган эдик. Энди ўзбек давлатчилиги тарихи ва давлатчилигининг ҳудудларига доир янги маълумотларга асосланиб, шунга құшымча қиласиз. Араблар VII асрнинг иккинчи ярмида ва VIII асрнинг бошларыда Ислом динини ёйиш учун Фарбий Ҳиндистонга келгандарыда бу ҳудудлarda туркій қабилалар яшаганига, шаҳар ва күрғонларда туркій ҳокимлар бошлиқ эканига ва уларнинг қаршилигига дуч келадилар. Арабларнинг бу келиши билан ал-Хоразмий ташрифи ўртасида бир-бир ярим асрча вақт ўтган, холос. Бу билан айтмоқчимизки, мантиқ илми ҳам шуни тақозо этиб турибди, ал-Хоразмий кенг муомалага киритган, уша пайтларда ҳинд рақамлари тизими деб аталган, кейинчалик (ва ҳозирги кунда ҳам) араб рақамлари дейиладиган рақамлар аслида, келип чиқиши буйича уша ўзимизнинг «тўққиз-тўққиз» имиздан бошланған туркій рақамлардир. Ал-Хоразмий ихтиросига келсак, бу саноқ тизими Туркистоннинг буюк ўғлони ұлароқ ул даҳо зотта табиатан яқин эди, тупроғи шу заминдан олинган, киндиқ қони шу заминга түкилган, шу заминда униб-үсиб, камолотта еттан истеъдодли кишига ўз халқининг турмуш тарзи, демакким, урф-одатлари, жумладан, ҳисоб-китоби ҳам аниқ маълум булиши турган гап. Ал-Хоразмий «I»дан «9» гача саноқ тизимини ўз халқининг илмий бисотидан олиб, жаҳон фани хазинасини бойитди. Бу рақамларнинг ҳинд рақамлари деб аталишига келсак, ал-Хоразмий замони — IX асрга

келиб, у сафар қилган ўша ҳудуд Бағдод халифалигида умумий ном билан Ҳинд, Ҳиндистон деб юритиларди, шу боис бу рақамларга ҳам шу ҳолга нисбат берилиб, ҳинд рақамлари дейилгандир.

Ал-Фарғоний! Ўзига сайлаб олган бу нисбаси билан ул улуг зотнинг буюк аждодимиз, даҳо юртдошимиз эканини ёрқин кўрсатиб турибди. Мавриди келиб қолди, шу ўринда бир муҳим ва жиддий масала хусусида йўл усти тўхтаб ўтишга қарор қилдик. Бирор тарихий шахс ёки оддий кишининг қайси ҳалқа мансуб эканлигини фақат бир омилга — унинг туғилган жойига қараб белгилаш масалага бир томонлама ёндошув бўлади. Аввало ўша тарихий шахс ёки оддий кишининг ота-оналари қайси ҳалқа мансуб эканлиги ҳал қўлувчи омилдир. Иккичидан, ўша тарихий шахс ва оддий киши туғилган жой ўша даврда қайси давлатта қарагани, қайси сулола ҳокимият тепасида бўлганига ҳам албатта диққатни қаратмоқ лозим. Учинчидан, инсон бошидан не савдолар кечмайди, дейсиз. Одам бир мамлакатда туғилиб, тақдир тақозоси билан гўдаклигига ёки камолотга етганидан кейин ўзга мамлакатларга бориб қолиши, ўзга ҳалқлар даврасида яшаб ўтиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Айниқса, бундай ҳоллар тарихий кечмишимизда — талатўп замонларда, қатағон йилларида кўп марталаб юз берган. Мисолларга ўтамиз.

Муҳаммад Тарагай — Мирзо Улуғбек Озарбайжоннинг Султония шаҳрида туғилган. Чунки Соҳибқирон Амир Темур ўша кезлари сафарда эди, кўч-кўрони, ҳарам аҳли, яқин оила аъзолари, жумладан, келинлари ҳам кўшиннинг угриқ қисмида эдилар.

Алишер Навоий Хурросонда, яъни Жанубий Туркistonning пойтахти Ҳирот шаҳрида темурий хоқони сайд Шоҳруҳ мирзо замонида темурийлар хонадонига яқин сарой аъёнларидан бўлмиш Сабзвор шаҳрининг ҳокими Гиёсиддин Баҳодир оиласида таваллуд топган. Эндиликда, аниқроқ қилиб айтсак, аштархонийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида ички низоларнинг авжалиб кетиши туфайли 1760 йилдан бошлаб Бухоро хонлиги қаламравидан афғон амири Аҳмадшоҳ Дурроний тасарруфига ўтган Ҳирот шаҳрида 1441 йили туғилган Навоий бобомизнинг улуг ўзбек шоири ва мутафаккири эканлигига заррача шубҳа туғдириши мумкин эмас, албатта.

Тарихий шахс ёки оддий кишининг қайси ҳалқа мансублигини белгилашда унинг туғилган жойига ҳам

тарихийлик нұқтаи назаридан ёндошмоқ зарур. Биз-  
ким, ўзбеклар азалдан яшаб келган ҳудудлар билан ёки  
бұлмаса халқимиз томонидан үтмишда тузилған дав-  
латларнинг ҳудудлари билан бугунги давлатимиз ҳулу-  
ди үртасида фарқ борки, бу ҳам тарих тақозосидир.  
Халқимизга мансуб тарихий шахслар ва оддий киши-  
ларни белгилаш ва аниқлашда ана шу ҳудудий фарқни  
ҳам эътибордан соқит қылмаслик лозим. Айникса, бу  
нарсани ёдда тутиш бизким, ўзбекларга шунинг учун  
ҳам зарурки, халқимизнинг олтмиш фоизи мамлакати-  
мизда, қолган қирқ фоизга яқини асосан құшни, айни  
пайтда ёш давлатларнинг бизга туташ ва чегара дош  
вилоятларида азалдан яшаб келмоқдалар, улар бу ви-  
лоятларни ўзларининг ҳам тарихий, ҳам асл ватанлари  
деб биладилар.

Энди яна Ахмад Фарғонийга қайтамиз. Бу буюк  
ажгодимиз яраттан Нил дарёси суви сатқининг күтари-  
лиш ва пасайиш даражасини ўлчайдиган асбоб —  
«миқёс ул-жадид» ва бу асбоб бошқариладиган сув ин-  
шооти мана орадан 11 ярим асрча вақт ўтибдики, ҳа-  
мона ҳаммани қойыл қолдириб келмоқда, бугунги кунда  
Миср Араб Республикасига қадам ранжида қылған,  
узоқ-яқындан борган сайёхдарни ҳам таажжубға сол-  
моқда. Ваҳоланки, бундай қурилма ва иншоотлар азал-  
дан су форма деңқончилик маданияти равнақ топған  
Түркистон мамлакатида, жумладан, Фарғона водийсіда  
одатдаги оддий нарсалар эди. Масалан, физика фа-  
нидаги туташ идишлардаги сув сатқдары то тенг да-  
ражаларга етгунча күтарилади ё пасаяди, деган қоидага  
биноан қурилған сүфоришиншоотлари — «қайна-  
ма» ва «күтарма»лар қадым Шош мұлқида ҳам қарийб  
3 минг йилдан бери мавжуд, ҳозир ҳам айрим «қайна-  
ма»лар Тошкентнинг эски шаҳар қисміда сақланиб  
келмоқда. Ахмад Фарғоний, күш уясида күрганини қи-  
лади, деганларидек, ўз юртида күрган-білгандарини  
хорижда янада бойитиб, илмий исботлаб, катта кү-  
ламда ҳаётта татбиқ этган.

«Күш уясида күрганини қилади», «Тарки одат амри  
маҳол» деган халқ мақоллари чиндан-да ҳикматидир.  
Киши тақдир тақозосига күра қаерда яшамасин, ўзға  
бирор тилда сұзласин ёки єзмасин, барибир ўзи ман-  
суб бұлған халқнинг тутумини тутаверади, томирлари-  
да оқаётган аждодлари қони шунға табиий равища  
олиб боради. Абу Наср Форобий буюк фалсафий асар-  
лар яратиши билан баробар қадимий ўтроқ халқнинг

бир вакили сифатида, бөг-роғларга бурканган, оқар сувра маъмур шаҳарда униб-ўсган бир инсон сифатида «Куш уасида курганини қиласи», «Тарки одат амири маҳол» деганимиздек, ўз юртидан жуда олис ерда — Дамашқ шаҳрида сўлим бир бөг яратади. Шу далилнинг ўзиёқ бу буюк аждодимизнинг кимлигини айтиб турибди.

Ёки булмаса, Абу Райхон Беруний бобомизни олиб кўрайлик. Бу буюк аждодимизнинг илмий тафаккури шу даражада кенг кўламли ва теранки, унинг асарларини илм океанидаги бир денгизга қиёс этиш мумкин. У шунчалик билимдон ва ватанпарварки, ҳатто Самарқанд шаҳрининг ёшига тегишли маълумотни ҳам ёзиб кетган. Ал-Беруний 27 ёшида ёзиб тутатган улкан тарихий асар — «Осор ул-боқия» («Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар») китобида келтиришича, Самарқанд Искандар Мақдуний (Александр Македонский) Турон мамлакатига келишидан 1500 йилча аввал ҳам шаҳар сифатида мавжуд бўлган. Искандарнинг милоддан аввалги III асрда юртимизга келганини ҳисобга олсан. Самарқанднинг шаҳар сифатидаги асл ёши камида 3800 йил бўлиб чиқади. Бу фикрни она тупроғимизнинг ўзи — Самарқанддаги маданий қатлам исботлаб беради. Қадимшуносларимизнинг аниқлашича, бу ерда маданий қатлам 35 метргача етиб қолади. Маълумки, Ер юзидаги турли улкаларда инсон онгли фаолияти ва меҳнатининг аввалги ҳосиласи, самараси, кейинги натижаси бўлмиш маданий қатламнинг қалинлиги турлича бўлиб, баъзи жойларда бу атиги бир неча сантиметрдан ошмайди ҳам ҳатто. Самарқанддаги маданий қатлам қалинлиги эса 35 метр!

Энди ал-Беруний ҳақида юқорида айтилганларнинг талқини ва таҳлилига ўтамиш. Ал-Беруний «Осор ал-боқия» асарини 27 ёшида ёзиб тутатган, дея эътиборингизни ушбу асар ёзилганида муаллифнинг навқирион йигит ёшида эканига қаратган эдик. Муаллиф мабодо бундан бошқа асар яратмаганида ҳам шу китоби учуноқ қомусий олим сифатида номи тарих зарварақлариша олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолаверарди. «Осор ал-боқия» чиндан-да тарихий ўтмишимизга, аждодларимиз тарихига, умуман, давлатчилик, хусусан, миллий давлатчиликимиз тарихига доир кенг қамровли, теран ва мантиқан асосланган фикр-мушоҳадаларга жуда бой мухим ва нодир манбалардан биридир. Ал-Беруний бу асарини ёзиб тутатган даврда асосан она-юрти Ҳоразмда

яшаб, шу ерда таълим олиб, билимини мадрасаларда ва хоразмшоҳлар саройидаги кутубхоналарда сақланаётган китобларни мустақил мутолаа қилиш орқали, ишончли кекса юртдошлари билан ўтказган сұхбатлари орқали ўз билимини бойитган эди. Ана шулар асосида «Осор ал-боқия»ни ёзди. Бу билан айтмоқчилик, ўша кутубхоналарда Турон — Туркистон тарихига оид, жумладан, миллий давлатчиликимиз тарихига доир китоблар ҳам мавжуд эди, Хоразм юрти обод ўлка эди, Хоразм эли маърифатли ҳалқ эди. Маърифатли элда маънавият ҳам бўлиши табиийдир. Ал-Беруний бобомиз маърифатли, маънавиятли элнинг бир зиёли фарзанди бўлиб, маърифат масканининг бир даҳо сиймоси бўлиб камолотга эришган эди.

Тарихдан маълумки, XI асрнинг бошларида Туркистонда асосий сиёсий марказ Фазна шаҳрига кучади. Бу воқеа шундай юз беради. Сирдарёнинг сувини ичиб, Шош мулкида униб-ўғсан, оддий аскарликдан лашкарбошиликкача бўлган шонли ҳарбий йўлни босиб ўтган Алпегин 962 йили янги давлатга асос солади ва ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмida, Фазна дарёси буйидаги Фазна шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олади. Пойтахт номи суола номига, давлат номига асос бўлади. Пойтахт номи билан давлатнинг аталиши, умуман, туркий тилли ҳалқлар учун, хусусан, ўзбек давлатчилиги учун удумлардан биридир. Масалан, бу ўринда татар қардошларимизнинг Булғор ҳонлиги, Қозон ҳонлигини, уйгур қардошларимиз Ёркент ҳонлигини, бизким, ўзбекларнинг Хива ҳонлиги, Кўқон ҳонлиги, Балх ҳонлиги, Бухоро амирлиги каби давлатларини эслаб ўтиш мумкин.

Абу Райхон Беруний «Осор ал-боқия» ва «Ҳиндистон» асарларида ёзишича, ўша даврда Фазна дарёси ҳавзаларида ва, шунингдек, бу атрофдаги ҳудудларда туркий ҳалқ яшаган, муаллиф уларни Тибет турклари деб атайди (орадан З асрча ўтгач, Бобур ҳам ўз «Бобурнома»сида шу фикрни тасдиқлайди). Фазнавийлар давлати айниқса Сабуктегин (977—997), Маҳмуд Фазнавий (997—1030), Масъуд I (1030—1041) ҳукмронлик қилган даврларда жуда қудратли бўлиб, бутун ҳозирги Шимолий Ҳиндистонни, ҳозирги Шимолий Покистонни, ҳозирги Афғонистонни, ҳозирги Эронни, ҳозирги Ўрга Осиёнинг катта қисмини ўз тасарруфига олган эди. Машҳур тарихчи ва давлат арбоби Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида ёзишича, ҳатто Бағдод

лифалари ҳам Фазнавий ҳукмдорлар билан сиёсий ва ҳарбий масалаларда ҳисоблашардилар, туркий ҳукмдорлардан биринчى бўлиб сulton унвонини олган киши шу сулоланинг энг машҳур вакили Маҳмуд Фазнавий эди.

Бу лаврларда мамлакатда савло-сотиқ, илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик, сугорма деҳқончилик ривожланган юртда туғилиб ўсган Алптегин, қуш учсила кўрганини қиласи деганларидек, бу ерларда ҳам кориз усулида, яъни қатор-қатор кудуқлар қазиб, уларнинг сувини ер остидан оқизиб тўплаш усулини жорий этган. Унинг ўғли Маҳмуд Фазнавий бу ишни давом эттирган. Унинг номи абадий қолган. Масалан, давлат хазинаси ҳисобидан 300 нафар илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига етарли даражада маош тўлаб, уларнинг етук асарлар яратишига шароит түғдирив берган. Саройига Ҳоразмдаги Маъмун академиясининг етакчи олимлари, жумладан, Беруний, Утбий, Байҳақий (бу шахс асли сабзаворлик бўлиб, ўша замонда Сабзвор шаҳри Байҳақ деб аталган), Гардизий, Фирдавсий каби Шарқнинг буюк сиймоларини жалб этган. Маҳмуд Фазнавийнинг ўзи ҳам билимдон бўлиб, кимга қандай асар ёзишни таклиф қилишни ўзи белгилаган.

Абу Райхон Беруний ўзининг 75 йиллик умрининг 31 йилини Фазнада ўтказган, шу ерда вафот этган. Унинг кўпгина асарлари, жумладан, «Ҳиндистон», «Сайдана», «Қонуни Маъсұйдій», «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» китоблари ҳам ана шундай давлат буюртмалари буйича дунёга келган. Унинг узоқ гарб томонларда ҳам қитъя бўлиши керак, деган назарий фикри (ҳозирги ибора билан айтганда, Ер куррасининг шарқида қитъялар бор экан, демак, гарбда ҳам қитъялар бўлиши шарт) ҳам шу ерда туғилган. Афсуски, бу назария тасдиғини кўрмай, амалий тасдиғини кўрмай қолиб кетади, бунинг инсон азму иродасига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган, яъни объектив ва субъектив сабаблари бўлганки, бу ҳақда кейинчалик ўз ўрнида қисқача тўхталиб ўтамиз. Хуллас, Беруний Фазнада ҳам улкан математиклар, улуғ астрономлар, машҳур сайёхлар юрти бўлмиш Ҳоразмнинг буюк фарзандларидан бири бўлиб қолаверган.

Энди бир оғиз сўз Бухорои шарифнинг худди ана шундай улуғ фарзанди Абу Али ибн Сино ҳақида. Оллоҳ таолонинг назари — нури тушган масканларга ша-

риф деган нуроний ва руҳоний унвон берилган. Рубъи маскунда бундай масканлар еттига экан, шулардан бирни Бухорои шарифидир. Шу боисдан Бухорони жаннатнинг бир бўлаги дейдилар. Бу шаҳардан ва унинг тўрт томонини қуршаган ўнлаб кентлардан кўплаб комил ва фозил кишилар етишиб чиққанини унинг шарифлигига боғлайдилар. Ҳаким ва табиб, шайх ур-райс Ибн Сино шуларнинг энг етук ва энг машҳурларида бириди.

Чингизхон босқинига қалар бўлган Бухоронинг сарой кутубхонасида асрлар бўйи бутун Туркистондан, қўшни ўлкалардан тўпланган ва авайлаб сақланган минглаб нодир ва камёб асарлар ҳақида элимиз орасида кўплаб афсонаомуз, ривоятнамо гаплар юради. Не баҳтки, ёшлигиданоқ илмга чанқоқ Ибн Сино ҳали ўсмирилигигида ёк ана ўша китобларни, бизгача етиб келмаган ўша нодир ва камёб (қўллёзма асарлар одатда ягона нусхада, нари борса, бир неча нусхада бўлади, холос) асарларни бир бошидан ўқиб чиқишга мұяссар бўлган. Ёшлик чоғларида олинган илм инсоннинг онги, қалби, руҳида бир умр мустаҳкам муҳрланиб қолади, садоқатли йўлдошдек уни умр бўйи яхшиликка чорлайверади, олим одамни янги-янги қашфиётлар яратишга даъват этаверади. Ибн Сино билан ҳам ҳудди шундай бўлган, десак янглишмаймиз. Ибн Сино мутолаа билан қаттиқ машгул бўлган кезларда Бухоронинг сарой кутубхонаси ҳақиқатан ҳам жуда бой билим маскани бўлгани ҳақида тарихий китобларда кўплаб маълумотлар мавжуд, бироқ ўша китобларнинг ўзи номаътум. Лекин, таскин берарли ери шундаки, ўша китобларнинг тиббиёттга доир қисмининг қаймоғи Ибн Сино асарларида, айниқса, тўрт жилд, беш китобдан иборат «Тиб қонунлари» асарида ўзининг илмий-ижодий тақомиллаштирилган ва сайқалланган ифодасини топиб, бизгача етиб келгандир.

Ўзбек халқ табобатида туркона (оддий сўзлашувда турканда дейилади) дорилар ҳамда туркона даволаш усуллари азалдан қўлланиб келинади. Масалан, аччиқтош бўшашган милкларни даволашда қўлланилган, оқ ва қора сақич чайнаш билан тишлар мустаҳкамланган; совуғи ошган беморларга иссиқлик ҳисобланган бедана ва хўроz гўштини истеъмол қилиш тавсия этилган бўлса, иссиғи ошган беморларга мол гўшти раво кўрилган; сукнинг дарз кетиши ва синишини даволашда тахтакач боғлаш ва беморга мўмиёи асл беринш

Құлланған; эмизикли болаларга турли тошмалар тош-  
гандар дархол эмизувчи онага вақтінча шириңліктарни  
кам истеъмол қылыши ёки бироз муддат шириңлік  
емай туриши буюрилған (ҳозирги замон медицинаси  
хәм инсон қонида углеводнинг күп бўлиши яра-чақа,  
тошмаларнинг авж олишига сабаб бўлишини тасдиқ-  
лайди); мош, ёнғоқ, қалампир каби «елли» нарсалардан  
ўзини тийиб туриши лозимлиги айтилған, кўпроқ сут-  
қатик ичиши тавсия этилган, токи гудакнинг қони тоза  
булиши учун унинг ҳаёт манбай бўлмиш эмизувчи она-  
нинг вужуди мусаффо бўлсин. Кўринадики, масалага  
чукур қаралиб, касалликни келтириб чиқарган сабаб-  
лар бартараф этилган; от ёғи бод касаллигини, аъзо-  
ларда туз тўпланиши касаллигини даволашга силаш,  
уқалаш машқларида қўлланилған; ташқи азолардаги  
кatta жароҳатлардан тирқираб оқаётган қонни тўхтатиш  
учун дархол тоза кигиз куйдирилиб, унинг кули  
кўйилтиб, тезда чандиб боғланған; кўз оғриғининг маъ-  
лум турларига сурма қўйиш тавсия этилган; аёлларнинг  
ўсма-сурма қўйишлари бир томондан пардоз, ўзларига  
оро бериш бўлса, иккинчи томондан саломатлик  
машқлари ҳисобланиб, ўсмадан қошу киприклар сув  
ичиб, ўсан, мустаҳкамланған, тўқилишининг олди  
олинган, сурмадан эса кўзнинг кўриш қуввати ошган:  
исириқ тутуни шамоллашу тумовларни келтириб  
чиқарувчи «инс»ларнинг кушандаси ҳисобланған, уму-  
ман эса Туркистон мамлакатида ўсуви ҳар бир хонаки  
ва ёввойи ўсимликтарнинг, тоғу қапчигай (дараларда),  
саҳрою даштларда, қир ва далаларда ўсуви гиёҳларнинг  
ўзига хос шифобахшлик хусусиятларини халқимиз яхши  
билған ва саломатлик йўлида ўринли ва унумли қўлла-  
ган. Бу халқ табобати бўлиб, унинг дорилари туркона  
дорилар деб, даволаш усуллари эса туркона даволаш  
усуллари деб юритилған ва омма орасида кенг тарқалған.  
Халқ табобатини қўллашда жиддий ҳолатларда табиблар-  
га учраб, уларнинг тавсиялари бўйича иш тутилған,  
оддий ҳолатларда эса (чунончи, оддий тумовда) кўргина  
ўғиз-қизларини, невараю авараларни парваришилаб  
улгайтирган кекса кишилар ўз ҳаётий тажрибаларига  
таяниб ва шулардан келиб чиқиб хонаки табиблиқ  
қилиб қўя қолишган.

Шу ўринда табиб билан ҳозирги замон врачи ўрта-  
сидаги муштарак жиҳатлар ва ўзига хос томонлари  
ҳакида бир оғиз сўз айтиб ўтамиш. Асл табиблар ҳозир-  
ги ҳақиқий врачларимиз сингари одам анатомиясини,

унинг борлиқ дунё билан, табиатнинг ўзгарувчан иқлими, шарт-шароити билан боғлиқ тирик ва нозик вужуд эканини яхши билишган. Табиб билан врач үргасидаги биринчи фарқ шундан иборатки, табиб беморга ташхис қўйиш баробарида дори тайёрлаш илмини ва амалиётини ҳам билган, оддию мураккаб дори-дармонларни ўзи тайёрлаган, яъни ҳам врачлик, ҳам провизорлик ихтисосларини эгаллаган ва буларни ўзгалар ёрдами ва иштирокисиз бевосита ўзи амалга ошира олган мутахассисга табиб дейилган. Табиби ҳозик бўлмиш Ибн Сино Туркистон халқ табобатчилигини турмуш орқали, сарой кутубхонасида мутолаа қўлган китоблари орқали чукур ўрганганд, англаб етган, ўз тафаккури билан янада бойитган ва амалиётда моҳирона қўллаган. Унинг «Тиб қонунлари» асарини яна бир бор кўздан кечириш асносида шундай фикрга келдик. Туркона дори-дармонлару туркона даволаш усуслари хусусида юқорида ҳикоя қилиб ўтишдан мақсадимиз ананшу мулоҳазани айтиш эди, холос. Бинобарин, бу буюк аждодимиз халқимиз табобатчилигига ижодий ёндошиб, уни илмий тавсифлаб, янги юқори босқичга кўтариб, халқига фан сифатида тортиқ этди, жаҳонга танитди, ҳозирги замон медицина фанининг асосий тили бўлмиш лотинчага дастлаб таржима қилинган тиббиётта доир асарлардан бири айни «Тиб қонунлари» экани ҳам шу фикримизни тасдиқлаб турибди. Туркистон халқ табобатчилиги халқимиз даҳосининг тиббиёт соҳасидаги ёрқин бир кўринишидир. Қомусий олим Абу Али ибн Сино (Авиценна) шу соҳанинг даҳоларидан бири сифатида жаҳон тамаддунига даҳоларча ҳисса қўшган.

Халқимиз даҳосининг ёрқин кўринишиларидан бири буюк аждодимиз Абу Наср Мұхаммад Форобийнинг илмий меросида ўз ифодасини топган. Бу қомусий олим ҳақида юқорида ҳам қисқача баён этган эдик. Сўз бораётган мавзу эътибори ила яна бир-икки оғиз қўшимча қиласиз. Ал-Форобий ҳақида илмий-оммабоп нашрларда сўз борганда, одатда у ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида улуғланиб, ал-муаллим ас-соний, яъни иккинчи муаллим, иккинчи устоз, Шарқ Арастуси деб юритилган, дейилади, яъни Форобийнинг буюк файласуфлигига кўпроқ урғу берилади. Бу умуман тўғри фикр. Бироқ Форобийнинг илмнинг бошқа

соҳалари равнақига қўшган ҳиссаси ҳам бирдек таҳсинга сазовор. Масалан, унинг мусиқа санъати ва мусиқашунослик юксалишига қўшган ҳиссаси ҳам бебаҳодир. Форобий «Мусиқа ҳақида катта китоб» деган кўп жилдли асари билан Шарқдаги I Уйғониш даврининг йирик мусиқашуноси сифатида машхур бўлган. У мусиқа илмини назарий ва амалий тармоқларга, қуйларниң ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб, таълиф ва ўзми иқога ажратган. Бу асарида, шунингдек, умуман Шарқда, хусусан ўзбек халқида қўлланилган ва ҳамон қўлланилаётган рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби чолгулар ва уларнинг куй ижро этиш қоидалари батағсил баён этилган. Олимнинг ўзи айни пайтда моҳир созанда, мусанниф, яъни бастакор, янги мусиқа чолғуларининг, жумладан, қонун чолғусининг ихтиро-чиси ҳам бўлган. Анча танаффусдан кейин қонун чолғусини ўзбек созандалари яна қўлга олдилар, эндиликда бу чолгуда мақом ва халқ қуйларимиз, бастакор-ларимиз яратган янги мусиқа асарлари ижро этилмоқда. Форобий мусиқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита деб қараган. Унинг мусиқа соҳасида қолдирган мероси умуман жаҳон мусиқа маданияти тарихида, хусусан, ўзбек мусиқа маданияти тарихида оламшумул аҳамиятга эга. Бинобарин, қадими ўзбек мусиқасининг, жумладан, мақомларимиз ва мақомшунослигимизнинг теран негизлари ал-Форобий қолдирган ўша бой ҳазинага бориб туташади ва ундан озиқланади.

Маълумки, шуролар замонида энциклопедист олимларимиз, шу жумладан, биз юқорида тилга олиб ўтган Мусо Хоразмий, ал-Форобий, ал-Фарғоний, ал-Беруний ва Ибн Синонинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари ҳақида сўз боргандা асосан уларнинг табиии фанлар равнақидаги хизматлари билан чекланилиб, ижтимоий фанлар ривожидаги хизматлари деярли четлаб ўтиларди. Шунинг учун ҳам бир мисол тариқасида биз ал-Форобийнинг мусиқа санъати ва мусиқашунослик илми равнақига қўшган ҳиссаси ҳақида қисқача бўлсада маҳсус тўхтаб ўтдик. Бугина эмас, бу буюк аждодимиз мантлик, тилшунослик, ахлоқ, давлатни бошқариш, таълим-тарбия, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш каби ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам бой илмий мерос қолдирган. Айрим маълумотларга қараганда, ал-Форобий 70 дан ортиқ тилни билган ва кўпгина тиллардаги энг муҳим асарларни аслиятда мутолаа қилган.

У билим олишда диний ва лисоний түсиқ бўлишини тан олмаган, мусовий ва исовий динларига эътиқод қилувчи олимлар билан олимларгача дўстона муносабатда бўлган ва ҳамкорлик қиласерган. Унинг фикрича, маърифатли бўлишдан максад маънавий етуклика эришмоқдир.

Хуллас, тамаддунимиз негизлари халқимизнинг даҳосидир. Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино каби улуф аждодларимиз (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) халқимиз даҳосининг инъикоси ўлароқ намоён бўлганлар, халқдан олганларини яна халқга қайтаргандар, қайтаргандари бўлмиш буюк кашифётлар ва ихтиродаридан бутун олам аҳли баҳраманд бўлган ва баҳраманд бўлиб келмоқда. Ана шу нарсага бизким, ўзбекларнинг жаҳон цивилизацияси — тамаддунига қўшган ҳиссаси дейилади.

## Ў н о л т и н ч и б о б

### РУҲОНИЙ АСОСЛАР

Инсон — табиатан тузалишдан кўра бузилишга мойилроқ хилқатдир. Одам Ато ва Момо Ҳаво замонларидан бошлабоқ шундай бўлиб келмоқда. Ровийларнинг айтишларича, Одам Ато маън этилган ишни қилиб хатога йўл қўйган, Одамликдан Инсонлик дарражасига тушган. Инсон унугувчан, қилма деган ишни қилиб қўйиши ҳам мумкин бўлган киши, деганидир. Шунинг учун ҳам одамзодни доимо эзгуликка чорлаб, яхши хулқ-атворга эта бўлишга ундан, ёмон нарсалардан тийилишга даъват этиб турмоқ шарт. Шу маънода, диннинг ҳам, давлатнинг ҳам бош вазифаси муштаракдир. Дин халқни яхши хулқли бўлишга унайди, давлат эса яхши хулқни фуқаролари турмушига жорий этади.

Ўзбек миллий давлатчилигининг руҳоний асослари асосан иккитадир, десак янгишмасак керак. Бири — «Авесто» китоби, иккинчиси — Куръони каримдир. «Авесто» — олис аждодларимизнинг бундан 3 минг йил аввалги даврдаги иқтисодий-ижтимоий турмушлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавият ва маданиятлари ҳақидаги диний-фалсафий манбадир.

Инсон маънавий камолотининг бир омили диний ётиқотта, мусулмон Шарқи учун эса Ислом динига бориб туташади. Бироқ шўролар замонида айрим ўз муаллифларимиз (атеистлар, чала муллалар, замонасозлар ва бошқалар), кўп ҳолларда эса чет авторлар томонидан Ислом динига нисбатан файриилмий, ўта сохта қарашлар ҳам баён этилди, совет давлати ва унинг коммунистик идеологияси томонидан Октябрь тұнташидан бошлаб то бу файриинсоний давлат таназзултта учрагунча, унинг идеологияси чиппакка чиққунча барча диний таълимотларга, жумладан, Ислом динига ва унинг раҳнамолариға ҳам, бу динга эътиқод қилювчи оддий аҳолига ҳам қарши тұхтосиз хуружлар бўлиб келди. Ҳаттоқи Ислом дини арабларга тегишли, уларнинг турмуш тарзларига мос, туркий тили халқлар учун бу дин бегонадир, дейишгача бориб етилди.

Ҳақиқатда эса Ислом дини жаҳоний динлардан, жаҳоний таълимотлардан бири. Оллоҳ таоло томонидан ўзининг энг сұнгги расули ва набийси Мұхаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалламга Ер юзидағи барча халқларни муслимликка даъват қилишлари учун нозил этилган илоҳий таълимотдир.

Ислом дини араб халқига мансуб бўлмиш Мұхаммад алайҳиссаломга нозил қилинган бўлса-да, бу дин пайғамбар исми билан аталмай, балки Ислом дини деб номланишининг боиси Ер юзидағи барча халқларга қаратилгани, яны жаҳоний динлардан бири ҳисобланишидадир. Ислом дини энг сұнгги пайғамбарга юборилгани сабабли энг сұнгги дин, дейилади. Бу — то қиёматга қадар бошқа пайғамбар келмайди, янги дин пайдо бўлмайди, деган сўздир. Оллоҳ таоло бу ҳақда марҳамат қилиб, то қиёматга қадар муқаддас қаломи бўлмиш Куръони каримни ва Ислом динини ўз ҳибзи ҳимоятига олганини биз бандаларига баён қилгандир.

Бинобарин, Ислом дини фақат арабларгагина тааллуқти эмас, Ер юзидағи қайси халқлар шу динга эътиқод қилсалар, Ислом дини ўшаларнинг барчасига баб-баравар тегишилдидир. Ислом дини учун миллий ва ирқий түсиқлар йўқ ва бўлмаган ҳам, бўлмайди ҳам. У башариятни муслимликка, Оллоҳ таолонинг Биру борлигига ҳамда ҳазрат Мұхаммад алайҳиссалом Унинг ҳақ пайғамбари эканига даъват этувчи башарий диндир. Туркий тили халқларнинг аксарият қисми ҳам VII асрнинг иккинчи қисмидан бошлаб бу динга эътиқод

қилиб келмоқда. Бундаги жузъий фарқлардан бири шуки, туркий тилли халқларнинг бирлари илгарироқ, иккинчичлари нисбатан кейинроқ Исломга ўтганлар. Бизким, ўзбеклар эса туркий тилли қардошларимиз ўртасида нисбатан илгарироқ Исломни қабул қилғанмиз.

Туркий тилли халқларнинг, жумладан, бизким, ўзбекларнинг кейинги 13 ярим асрлик (ҳисобни миодий VII асрнинг ўрталаридан оляпмиз) турмушини, маърифати, маънавияти, маданияти, тарихи, хусусан, миллий давлатчилик тарихини Ислом руҳониятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда Ислом дини олдида туркий тилли халқларнинг, биринчи галда бизким, ўзбекларнинг ҳам улкан тарихий хизматларимиз бор. Бу тарихий хизмат моҳият эътибори билан учта йўналишда бўлган. Биринчиси: Ислом динини ташки ва ички ғанимлардан ҳимоя қилиш. Иккинчиси: Ислом динини турли халқлар ва турли ўлкаларга ёниш. Учинчиси: Ислом динини илоҳий таълимот сифатида ўрганиш, илоҳият, тажвид, тафсир, ҳадис, фикҳ илмларини равнак эттириш ва оммалаштириши.

Сўзни Ислом динини ташки ва ички ғанимлардан ҳимоя этишда туркий тилли халқлар кўрсатган фидойилик ҳақида қисқача ҳикоя қилиб беришдан бошлаймиз. Маълумки, ҳар бир янги ғояни, янги таълимотни осонликча халқ турмушига жорий этиб бўлмайди. Чунки инсон онги ва қалбини то бунгача ўзга ғоя, ўзга таълимот эгаалаб турган бўлади, эскилари янгиларга ўз ўрнини курашсиз бўшатиб бермайди, албатта. Онг ва қалбдаги ўзгаришлар бу руҳий, руҳоний ўзгаришлардир. Руҳий, руҳоний ўзгаришларни энг олий курашлардир, десак арзиди. Шу боисдан ҳам Ислом дини нозил була бошлаганидан бошлабоқ араб қабилалари томонидан осонликча қабул этилмаган, бир қабилага мансуб кишиларнинг бир қисми Исломни қабул қилған бўлса, иккинчи қисми эса санампараст бўлиб қолаверган, ҳатто бир оила аъзолари ўртасида ҳам эътиқод бўйича тарафларга бўлинишлар юз берган. Бир бутун Ислом дини доирасида 70 дан ортиқ турли-туман, катта-кичик йўналиш, мазҳаб, мазҳабча ва оқимларнинг келиб чиқишининг сабаби ҳам инсон онги, қалби, руҳини забт этиш мушкул иш эканини кўрсатади. VII асрнинг ўрталарида куртаклари кўрина бошлаган мазҳаблараро кураш ўша кезларда ҳам, ўрта асрларда ҳам, кейинги замонларда ҳам гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, ҳамон юз бериб келаётир. Бундай бехуда курашлар Ислом дини

равнақи учун ҳеч бир наф келтирмади, мусулмон мамлакатларни куч-күдратини кесди, холос. Шунинг учун ҳам олисни кўра биладиган, зукко ва ватанпарвар дин пешволари, жумладан, туркистонлик етук уламолар мазҳаблараро курашни ботил деб билганлар, ҳар бир мазҳаб кишиси фақат ўз қарашини ҳақиқий қараш деб, ўзгларнинг қарашини рад этиш номақбул иш эканини, Оллоҳ таола олдидга барча муслиму муслималар бир хил мақомда — банда мақомида эканликларини қайта-қайта ўз китобларида баён этиб ўтганлар. Бу ҳақда кейинроқ, ўз ўрнида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ислом динининг ташқи рақиблари ҳам бўлиб, улар ғоявий ғаним эдилар. Уларнинг умумий номи салибчи эди. 1096—1276 йилларда, орада танаффуслар билан, давом этган Фарбий Оврупо феодалларининг диний шиорлар остида Шарқ (Олд Осиё ва Кичик Осиё)қа ва Шимолий Африка (Миср, Тунис)га қилган босқинчлилк урушларига салиб юришлари дейилади. Салибчилар одатда кийимларига салиб (крест) белгисини тикиб олишган, шу боис уларга шундай ном берилган. Салибчиларнинг туб мақсадлари Ислом динини маҳв этмоқ, мусулмонларни ўз эътиқодларига зўрлик билан киритмоқ эди. Салиб юришларининг ташкилотчиси ва диний-ғоявий раҳбари Рим папаси бўлиб, католик черковининг таъсирини кучайтириш, кенгайтириш, Осиё ва Африкага ёйиш, православ черковини Римга бўйсундириш мақсадида диний фанатизмни авж олдирди. Бу сиёsat овруполик ҳукмрон табақанинг манфаатини кўзларди. Салибчиларнинг кўпчилигини ташкил қиливчи қашшоқлашиб қолган рицарлар ва сенъорлар Яқин Шарқ мамлакатларида катта бойлик ортиришга умид боғлар эдилар. Шунингдек, салибчилар тўдаларида қашшоқ дехқонлар анча-мунча эди. Салибчилар сиртдан қараганды диний шиор остида бирлашган, амалда эса ўлжа илинжида босқинчлилкка отланган фанатик кишилардан иборат эди.

Ҳаммаси бўлиб 8 марта салиб юришлари уюштирилган. Бу юришларни дафъ этишда, туркий тилли халиқларнинг фарзандлари ҳам, айниқса, Салжуқ бобомиз авлодлари ва Қипчоқ қабиласига мансуб аждодларимиз ўз дину диёнатларини сақлаб қолиш учун ҳайратомуз жасорат намунасини кўрсатганлар. Бу — Ислом динини ҳимоя қилиш деган сўз эди. Тарихдан маълумки, Салжуқ бобо авлодлари XI асрда Кичик Осиёда салжуқий (аввал беглик, кейин сultonлик)лар давлати-

ни тузган эдилар. Ана шу туркий давлат саличилар хуружларига қарши курашда етакчилик қилган Шунингдек, ўша кезларда Шом, Миср мамлакатларининг асосий таянчлари бўлмиш сарой гвардиячилари жасур туркий аскарлардан иборат бўлган. Улар аввал ҳарбий ҳокимиятни, кейин шунинг асосида сиёсий ҳокимиятни ҳам қўлга оладилар. Масалан, 1250 йилдан 1390 йилгача Мисрни қиптоқ қабиласига мансуб сулола вакилларни бошқарганлар. Ўша даврдан кўпгина моддий-маданий ва маънавий ёдгорликлар сақланиб қолган. Чунончи, ўша даврда қиптоқча-арабча лугат тузилган, қиптоқларга мансуб сарой аҳоли ва аскарлар маҳаллий аҳоли билан муомала қилишлари учун араб тилининг Мисрла ҳажасини, маҳаллий аҳоли ҳам ўз навбатида қиптоқ тилини билишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этарди. Шу туфайли қиптоқча-арабча лугатта зарурат түғилган. Биз бу лугатни икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»га ва Алишер Навоий асарлари учун тузилган тўрт жилдли лугатта солиштириб кўриб, ўша лугатдаги кўпгина сўзларнинг ёзилиши ва англатган маъноси ҳозирги адабий тилимизга мос келишини аниқладик. Шундан ҳуоса чиқариш мумкинки, ўша лугатни тузган, ундан фойдаланган аждодларимизга бизким, ўзбеклар ҳам маънавий ворисларданмиз.

Худо кўрсатмасин, агарда салибчилар ғолиб келганида эдими, у ҳолда Олд Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари халқлари, биринчи галда араб халқи яна жаҳолат тутқунилигига тушиши, Ислом дини жаҳоний динлардан бири бўлиб сақланиб қолиши даргумон эди. Бундан ташқари, Ислом Уйғониши деб аталадиган мусулмон Шарқи тамаддуни самаралари оёқости қилиниши турган гап эди. Бу самаралардан кейинчалик Фарбнинг ўзи ҳам баҳраманд бўлолмасди. Фанатизм иллати билан огуланган салибчиларнинг бу юришлари, қилган ваҳшийликлари моҳият-эътибори билан худди Чингизий тўдаларнинг босқинидек оғат эди. Фарб тарихчилари одатда инсоният бошига тушган бало-қазоларни тилга олганларида мисолни Шарқдан оладилар-у, лекин бу борада Фарбни четлаб ўтадилар, бу холисликдан эмас, албатта.

Хуллас, салиб юришларига қарши кўкрагини қалқон қилган фидойилар сафида олис аждодларимиз ҳам мардонавор курашиб, нурни зулматдан сақлааб қолища муносиб ҳисса қўшганлар. Агарда шундай фидойилик кўрсатилмаганда эди, инсон тафаккурининг самаралари

ри бўлмиш жаҳоншумул кашфиёт ва ихтиrolар, чу-  
нончи, Маъмун академиясида буюк ватандошларимиз  
зл-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Фарғоний ва бошқалар  
томонидан қўлга киритилган илм-фан ютуқлари бизга-  
ча етиб келмасди. Саличилар ўз зўравонликлари би-  
лан нафакат Шарққа, балки Фарбнинг ўзига ҳам кўп  
моддий-маънавий зиён-захмат келтиргандар. Орадан  
икки-икки ярим аср вақт ўтгач, Николай Коперник,  
Галилео Галилей каби машхур олимларнинг бошларига  
қаро кунларни солган фанатиклар ҳам ана ўша салиб-  
чиларнинг давомчилари эканлигини кўз олдимизга кел-  
тирасак, масала янада ойдинлашади, деб ўйлаймиз. Са-  
либ юришларидан қўзланган балниятнинг дафъ этили-  
ши, шунингдек, араб тилида араб, туркистонлик ва  
бошқа ҳалқларнинг буюк олимлари томонидан яратил-  
ган ҳамда арабчага Оврупо тилларидан таржима қилин-  
ган нодир китобларни сақлаб қолишида ва кейинчалик  
ана шу заминда вужудга келган Оврупо Ўйлонишига  
олиб келган катта ғалаба бўлди, бу эзгуликнинг жаҳолат  
устидан, нурнинг зулмат устидан зафари эди.

Бизким, ўзбекларнинг Ислом динини турли ҳалқлар  
ва турли ўлкаларга ёйишдек шарафли ишда қушган  
ҳиссамиз араблар қўшган ҳиссадан кам бўлмаса керак,  
деб ўйлаймиз. Динни ёйиш учун аввало шу динни юрак-  
дан қабул қиласлиқ, чин ихлос билан унга  
эътиқод қилишлик ва кучли эътимод қўйишлик керак  
бўлади. Диндор ўзбеклар азалдан шундай ва ҳамон шун-  
дай. Чунки субуглилик, аҳдида вафодорлик ва муқимлик  
ҳалқимизнинг туғма фазилатларидан ҳисобланади. Ва  
бу хислатлар катта-кичигимиз томонидан ҳамиша эъзоз-  
ланиб келинади, бурдли одамда эътиқод бўлади.

Дарвоқе, шундай фазилатлар Исломда ҳам улуғ-  
ланади ва тарғиб-ташвиқ этилади. Бу борада ҳам Ислом  
ақидалари ҳалқимиз урф-одатларига монанд кел-  
гани учун ҳам мусулмончилик ҳалқимиз турмушига  
чукур сингиб кетгандир. ўргада номувофиқлик бўлга-  
нида эдими, Ислом дини ҳалқимиз орасида бу қадар  
чукур томир отиб кетмаган бўларди, деб ҳисоблаш мум-  
кин.

Ислом дини тарихидан озми-кўпми хабардор мусулмонларга аёнки, бу дин мажбур этишга йўл бермай-  
ли, Ислом дини даъват этиш, даъват этиш ва яна даъ-  
ват этиш билан ёйилгандир. Ўзининг ҳақлигига ишон-  
ган кишин фикрини бирорга мажбурлаб қабул қилди-  
ришга интилмайди. Худди шунга ўхшаш Ислом — ҳақ

дин бўлгани учун ўз ақидаларини мажбурламайди, балки даъват қиласди, холос. Ҳалқимиздаги мусулмончилик аста-секинлик биландир, деган ибора ҳам ана шу ҳолдан келиб чиқсан. Ислом дини — воқеий дин, ҳасти дунё билан мустаҳкам боғлиқ таълимот. У дингдорга ҳеч бир оғирликни, машақатни асло раво кўрмайди. У ҳурликка, эркинликка асосланади.

### Ўн еттинчи боб

#### САЪД ИБН АБУ ВАҚОС ВА АҲМАД ЯССАВИЙ

Шўролар даврида чиқарилган китобларда Ислом дини Туркистонга Араб ҳалифалигининг амири Кутайба ибн Муслим ва унинг аскарлари томонидан 705—715 йилларда ёйилган, унгача мамлакатимизда мусулмончилик бўлмаган, деган фикр илгари суриб келинди, ҳозир ҳам шу фикрдаги кишилар бор. Аслида бу фикр бир томонламадир. Чунки, биринчидан, Туркистон улкан мамлакатидир, иккинчидан эса, Ислом дини бундай улкан ҳудудда яшовчи аҳоли орасида 10 йил ичиладёқ ёйилмаган ва бу булиши ҳам мумкин эмас. Инсоннинг руҳи, онги ва қалби билан боғлиқ диний таълимотнинг улкан ҳудудда яшовчи, турли дунёқарашга эта бўлган аҳоли ўртасида ёйилиши анча узоқ давом этадиган жараёндир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 705—715 йилларда Кутайба ибн Муслим ва унинг аскарлари томонидан Ислом дини Туркистоннинг жанубий ҳудудларида, унинг марказий қисми бўлмиш Мовароуннаҳрга ёйилган, десак ҳақиқатга тўғри келади. Умуман эса, Туркистон элининг муслим элга айланиши жараёни икки-уч асрча давом этган, десак тўғрироқ бўлади. Масалан, Мусо Хоразмийнинг таҳаллусига ал-Мажсусий деган нисбанинг қўшиб айтилиши унинг отаси ёки бобоси мажусий бўлганини тасдиқлаб турибди.

Бизким, ўзбекларнинг миллий давлатчилик тарихи VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрнинг бошлиаридан бошлиб бу ёққа Ислом дини билан чамбарчас боғлиқ эканлигини назарда тутиб, камина Туркистонга Ислом дини илк бор қачон кириб келгани, қачон ёйилгани ва кимлар томонидан бу иш амалга оширилгани масаласи билан шуғулландим ва бу борада айрим аниқликларга эта бўлдим. Бу мулоҳазалар қўйидагилардан иборат.

Маълумки, жой номларининг тарихини ўрганиш

халқимизнинг умумий тарихига оид кўпгина ноаниқ нуқталарни аниқлашда асқотиши мумкин. Яқин-яқинларгача Тошкентнинг Чорсу майдонида, ҳозирги «Чорсу» меҳмонхонасининг ўрнида, Бадалмат ҳаммомининг шундоққина ён-бағрида бир булоқ бўларди. Тошкент булоқларининг энг машхури, суви шифобахш эди. Ҳазрати Уккоша булоғи номи билан машхур бўлган бу булоқ хақида эл орасида турли ривоят ва афсоналар тарқалган. Хўш, нима учун бу булоқ Ҳазрати Уккоша деб аталади? Ҳазрати Уккошанинг ўзи ким бўлган? Тарихий шахсми ёки афсонавий қаҳрамонми? Асли исми шундай аталганми ёки халқ сўзлашув тилида ўзғариб кетганми? Бунда туркий тилга хос сингармонизм хусусиятини ҳам назардан четда Қолдирмаслик лозим, чунки бундан минг — бир ярим минг йиллар олдин тилимизда сингармонизм хусусияти, шунингдек, араб сўзларини шевага мослаб талаффуз қилиш одати мавжуд эди.

Буни қарангки, Ҳазрати Уккоша номи билан аталувчи шифобахш сувли булоқ Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳрида ҳам бўлган экан. Ислом ва Туркистон мавзуини ўрганиш асносида қўйидаги маълумотларга эга бўлдик. Бу борада муборак ҳаж зиёратида бўлишимиз, исломшунос араб олимлари билан қилган мулоқотларимиз ҳам ёрдам берди. Аҳмад Яссавий ижод булоғи Ислом ва Туркистон мавзуи бўйича илгари суратган фикримизни тўлдири ва масала ечимиға жиддий аниқлик киритди.

Шу тариқа, маълум бўлишича, Ҳазрати Уккошанинг асл исмлари Саъд ибн Абу Ваққос булиб, саҳобаи киромлардан эканлар. Қуръони каримнинг «Оли Имрон» сурасида Мадина шаҳридаги мусулмон жамоатнинг ҳижратнинг иккинчи йилида булиб ўтган Бадр жангига билан учинчи йилидаги (милодий 624 йил) Уҳуд жангига мобайнидаги ва ундан кейинги даврдаги ҳаётидан жонли лавҳалар тасвирланади, ҳожилар шу муқаддас жойларни ҳам зиёрат қилишлари мумкин. Муҳаммад атайҳиссалом Уҳуд жангига минг кишилик аскар билан чиқадилар. Душман уч мингча эди. Қаттиқ жанг бўлади. Ана шу Уҳуд жангига моҳир мерган — тийрандоз Саъд ибн Абу Ваққос ҳам қатнашадилар. Пайғамбар атайҳиссалом «Ирми ё Саъд, фидока аби ва уммий!» (Отгил, отгил, эй Саъд, санга ота-онам Фидо бўлсин) деб хитоб қиладилар. Араб ва ўзбек пешволаримиз, жумладан, Алихонтўра Соғунийнинг айтишларича, Уҳуд

жангидан илгари ҳам, кейин ҳам Мұхаммад алай-  
хиссалом томонларидан ҳеч кимга бундай сұлар ай-  
тилмаган.

Саъд ибн Абу Ваққос Мұхаммад пайғамбаримизнинг  
бир неча бор оғир вазиятдан чиқиб олишларига сабаб  
бұлғанлар, әрқаклар орасыда бириңчилардан булып Ислом  
динини қабул қылғанлар, пайғамбаримиз вағотла-  
ридан кейин халифаликка номзод бұлған 6 сағобай  
киромнинг бири бұлғанлар. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттаб  
халифалиги даврида Шарққа лашкарбоши қилиб юбо-  
рилғанлар. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттаб милодий 634—644  
йилларда халифалик қылғанликларини назарда тұтсак,  
Саъд ибн Абу Ваққос ана шу йиллар орасыда Туркистонға  
ташриф буюрганлар. Бу диний ташриф Қутайба ибн  
Муслим келишидан 70 йилча олдин юз берган.

Саъд ибн Абу Ваққос қадим-қадимдан «Камони  
Шоший»лари билан машхур бұлған Шош (Тошкент)да  
ҳам яшаганлар. Маълумки, Оллоқ таоло марҳамати ва  
инояти ила пайғамбарға мұйжиза құрсатиш, валийлар-  
ға қаромат қилиш, илми ғайбдан баҳраманд бўлиш  
салоҳияти ато этилган. У зотнинг Тошкентга келишлари  
шарофати билан у булоқ кўз очган ёки у киши бу  
булоқ сувининг шифобахшлигини кашф этганлар. Тош-  
кент азалдан ўқ-ёй ишловчи ҳунармандлари, камон-  
гарлари билан машхур бұлған, бу ҳақда Хитой манба-  
ларida ҳам маълумотлар учрайди. Саъд ибн Абу Ваққос  
ҳазратларининг асл қасблари ҳам худди шундай  
бұлғанlıғини назарда тұтсак, масала янада ойдинла-  
шади. Саҳобаи киромлардан, пешво уламолардан  
бўлмиш Саъд ибн Абу Ваққос қаерда бўлсалар, шу  
ерда Ислом динини тарғиб ва ташвиқ қилишлари та-  
биий эди. У киши бир қанча муддат Тошкентдан  
шымолроқда жойлашган Сабронда яшаганлигини Аҳмад  
Яссавий ўз «Ҳикмат»ларида қайд этиб, Саъд ибн Абу  
Ваққос руҳидан увайсий тарзда мадад олганликларини  
мамнуният билан баён этадилар. Уша пайтлари Саб-  
рон ҳам, унинг яқинидаги Сигноқ ҳам түрли томон-  
ларга ўқ-ёй олиб кетиладиган кичик шаҳарлар бұлған-  
лигини Farby Шарқ тарихчилари, жумладан, Ҳофиз  
Таниш тилга олиб үтишган. Бу шаҳарчалар, улар атро-  
фидаги жойларда кўп уламолар яшаб үтишгани, Ислом  
дини равнақыга муносиб ҳисса құшишгани ҳам тарих-  
дан бизга маълум. (Мир Араб тахаллусли Абдулла Саб-  
ронийнинг шу ўлқада камол топғанини бир мисол  
тариқасыда юқорида тилга олиб үтгандык).

Ислом динининг моҳияти ва қудрати ҳам шундаки, бу таълимотни қурол кучи, зўравонлик ёки мажбур этиш билан эмас, мантиқ, исбот кучи билан, намуна қўрсатиш йўли билан тарғиб ва ташвиқ этилади. Яссавийя — ана шундай иш тутиш тариқатидир. Бу тариқатнинг илдизлари Аҳмад Яссавий замонларидан 400 йиллар аввалигидан диний ҳаётимизга бориб туташади, деган фикрни илгари сурмоқдамиз, яъни Кутайба ибн Муслим Туркистоннинг жанубий ҳудудларига, унинг марказий ҳудуди бўлмиш Мовароуннаҳрга қўшин билан кириб келишидан 70 йилларча илгари Шоҳ, Сайрам, Фороб ва бошқа вилоятларининг аҳолиси Саъд ибн Абу Ваққос ва ул зотнинг сафдошларининг тарғиб-ташвиқотлари туфайли ихтиёрий равиша Ислом динини қабул қилган эдилар, демоқчимиз. Саъд ибн Абу Ваққос ва сафдошлари — саҳобалар (Мұхаммад алайҳиссалом билан сұхбат куриш ва у улуғ зотни лоақал бир марта қўриш шарафига эришган кишилар) ҳамда тобеинлар (саҳобалар билан ҳамсуҳбат бўлган кишилар) Туркистонга келгандаридан Ислом дини ҳали мазҳабларга ажратмаган эди. Бундай ҳолат биз илгари сураётган фикрнинг жуда муҳим бир нуқтасидир: бизким, ўзбеклар Ислом динини ҳали бу таълимотда мазҳабларга ажратишлар юз бермаган пайтда қабул қилганмиз, ҳаммамиз фақат бир мазҳабда — ҳанафия мазҳабидамиз, бу мазҳаб эса пайдо бўлиши даври эътибори ила Исломда энг биринчи мазҳабдир, унга Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ асос солғанлар. (Ҳанафия мазҳаби ва унинг асосчиси ҳақида кейинроқ, ўз ўрнида пича сўз юритилади). Бу билан таъкидламоқчимизки, бизким, ўзбекларнинг бошидан бошлабоқ битта дину ягона мазҳабга оғишмай риоя қилиб келаётганимиз миллатимиз бирлиги ва жипслигига, миллий давлатчилигимизнинг руҳоний асоси мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамият қасб этиб келмоқда. Аждодларимизнинг диний ва мазҳабий тарафкашликларга берилмай ягона дин — Исломга ҳамда битта мазҳаб — ҳанафияга риоя қилиб келишлари — бу донишмандик, узоқни кўра олишлик фазилатларидандир. Жаҳонда турли динга ва турли мазҳабга эътиқод қилишлари туфайли бўлинниб кетсан ҳалқлар анчагина, юқорида биз мисол тариқасида будлавий ва Исломга эътиқод қилишлари оқибатида иккига ажралиб кетган бангол ҳалқини, Шимолий Ирландияла мазҳаблараро жанжалу ур-сурлар ҳамон, гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб давом этиб келаётганини тилга

олганимиз учун бу ҳақда яна тұхтаб үтишга қоят  
бұлмаса керак.

Туркистаннинг нисбатан шимолий вилюятлари, Сирдарёning ўрта ва қуиң оқими, Еттисув үлкалари, нисбатан гарби-шимолий қисми — Дасти Қипчоқнинг ахолиси — туркий тилли халқ — аждодларимиз IX—X асрларда иктиёрий равишда Ислом динини қабул қилишларини шу билан изохлаш мүмкінки, бир томондан, бунда Саъд ибн Абу Ваққос ва сафдошларининг хизматлари бўлса, иккинчи томондан эса, Куръони Карим Мұхаммад алайхиссаломга нозил қилина бошлаган милодий 610-йиллардаёқ бу үлкаларда яшовчи аждодларимизнинг аксарият қисми Ислом динини қабул қилишга руҳан тайёр бўлиб қолган эдилар, турмуш ва тафаккурий равнақ шунга олиб келиб кўйган эди, ўтпаратлар бўлиб яшашда давом этавериш руҳан номувофиқ бўлиб қолган эди. Шу боисдан ҳам биринчи даъватдаёқ 200 минг оила бир йўла Ислом динини қабул қилган ҳолатлар юз берган эди. Уларнинг қонида Ислом ақидаларига мойиллик ва мослик жиҳатлари кўп эди.

## Ўн саккизинчи боб

### ЎТПАРАСТЛИК ВА ИСЛОМ

Инсон руҳиятига доир тадқиқотлар тасдиқладыки, илгаридан бирор диний таълимотга, чунончи, ўтпаратлика риоя қилиб келган кишилар китобий динларни, бу ўринда Ислом динини қабул қилишлари оғир кечган. Ўтпарат кишининг руҳи, онги ва қалбини шу дунёқараш эгаллаган бўлади. Ислом дини нозил бўлиши арафасида Турон мамлакатида ўтпаратлик, шомонийлик, буддавийлик ва бошқа диний таълимотларга эътиқод қилинарди. Чорвадор кўчманчи қабилалар, айниқса, чекка үлкаларда яшовчи элатлар ўртасида ҳеч бир динга эътиқод қилмовчи кишилар бор эди. Ахолиси асосан ўтроқ турмуш кечиравчи, Туркистаннинг марказий қисми бўлмиш Мавоуннаҳрда ўтпаратлик кучли эди. Масалан, тарихий шахс — Муқаннани бир эслайлик. У ўз эътиқоди — оташпаратлика умрининг охиригача содик қолади, Ислом динини ҳеч қабул қilmайди, чorasиз қолгач, ловуллаб ёниб турган катта тандир ичига ўзини отиб, куйиб кетади.

Тарихдан маълумки, VII асрнинг иккинчи ярми, VIII асрнинг бошларида Буюк Туркистонни хаёлан кўз оддимизга келтирсак, мамлакатнинг Хинд ва Форс дисерларига туташ худудларида Будда таълимотини қабул қилганилар ҳам, ўтга топинувчилар — оташпастлар ҳам бор эди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ўлкаларида, уларга туташ жойларда аҳоли асосан ўтга топинувчилар. Оташпастларнинг бош китоби «Авесто»ни билувчилар — коҳинилар бу ерларда бор эди. Улар она тилимизда «Ўт оға» дейиларди, оташпастлар ибодатхонасида ҳамиша ёниб турувчи ўтнинг ўчиб қолмаслиги учун масъул бўлган киши шундай аталарди. Ҳали ҳамон бу атама ўтоғаси шаклда сақланиб, ҳурматли киши, жўрабоши маъноларида ишлатилиб келинмоқда. Бугина эмас, ўтпастликка мансуб урф-одатлардан тўй маросимларида баъзан учраб турадиган келин-куёвларни гулхан атрофидан айлантиришлар, марҳум ва мархуманинг жони узилган хоналарда қирқ кун давомида тунлари муттасил чироқ ёқиб қўйишлар, вақти-вақти билан (масалан, марҳум ёки марҳуманинг хонадон аъзоларидан бирининг тушларига киришлари муносабати билан) мозорбошида ёки азиз-автиёларнинг саганалари олдида шамъ ёқишилар сингари удумлар ҳамон сақланиб келмоқда.

Ўтпаст ажлодларимиз, ҳали айтганимиздек, Ислом динини дарҳол қабул қилмайдилар, чунки шуурлари ўтга топиниш таълимоти билан банд эди, шу туфайли Исломни тезда тушуниб етмадилар. Бунинг учун аввало тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориш лозим эди. Кутайба ибн Муслим эса тезлик қилиб қуяди. Масалан, Самарқандда мусулмонлар билан ўтпастлар ўртасида қон тўкилган ҳоллар ҳам юз берган. Бир гуруҳ самарқандликлар 705—710 йиллар орасида мусулмончилик Ислом динига зид ўлароқ, шаҳарга зўрлик билан, қурол кучи билан олиб кирилди, деб халифалик марказига арз қиласидар. У ерда бу шикоят Ислом дини бўйича ўринли деб топилиб, диний адолат бўйича иш тутилади-да, Ислом аскарлари Самарқанддан олиб чиқиб кетилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Амир Кутайба аскарлари ўтпастлик таълимотини тарғиб қилувчи китобларни ёқишиган, булар орасида «Авесто» китобининг нусхаларидан ҳам бўлиши зхитимолдан узоқ эмас. Абу Райҳон Беруний «Осор улбокия» асарида худди шунга ўхшаш ҳолларни эслатиб ўтган. Амир Кутайбанинг Исломнинг динни ёйишда

мажбур этмаслик лозим, деган тамойилига қатъий риоя  
қилмай, бир оз бундан чекиниб, тезлик қилиб кўйиш-  
лари, валлоҳи аълам, унинг ҳалокатига сабаб бўлган  
бўлиши ҳам мумкин. У милодий 715 йили ҳозирги  
Андижон вилояти, Жалолқудук туманида, унга қарши  
исён қутарган ўз аскарлари томонидан ўлдирилган.

Мовароуннахр номи ҳам ана ўша пайтда пайло  
бўлган. Бу номни биринчи бўлиб Қутайба ибн Муслим  
Амударёдан ўтаётуб тилга олган бўлса ажаб эмас.  
Мовароуннахр сўзини ўзбекчага айнан таржима қил-  
сак, дарёнинг, яъни Амударёнинг нариги томони деган  
маънони билдиради, икки дарё, яъни Амударё билан  
Сирдарё оралиғидаги жойларгина эмас, ҳозирги пайтда  
Мовароуннахр ибораси Амударё билан Сирдарё ора-  
лиғидаги жойларни англатиш мақсадила ҳам кўлланил-  
моқда. Ўтмишда эса Мовароуннахр дейилганда, Шош,  
Хоразм ва Фарғона ўлкалари назарда тутилмаган ҳол-  
лар ҳам учрайди, булар алоҳида ҳудудий бирликлар  
ҳисобланган. Масалан, Хоразм дейилганда қадимда  
ҳозирги Хоразм вилояти эмас, ҳудуддан анча катта юрт  
тушунилган.

## Ўн тўққизинчи боб

### ШАРАФЛИ ИШ

Диндор аждодларимизнинг Ислом дини олдидаги  
тарихий хизматлари ва шарафли ишларидан бири шуки,  
улар Ислом динини кўчманчи қабилалар орасида, Даши-  
ти Қипчоқда, Волга (Итил) бўйида жойлашган Бул-  
форияда, Шимолий Кавказ ва Каспий дengизининг гар-  
бий бўйларида жойлашган Хазар хоқонлигига ва ҳатто-  
ки, Киев Русида ёйилишига саъй-ҳаракат қилганлар. Бу  
ишга давлат миқёсида эътибор берилган. Масалан, та-  
рихчи Тоҳир Марвозийнинг сўзларига қараганда, X аср-  
нинг охири — XI асрнинг бошларида Киев Русининг  
князи Владимир хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунга тўрт  
кишидан иборат ўз элчилари орқали мактуб билан му-  
рожаат қилиб, Киев Русида мусулмончиликни қабул  
этишга розилик билдирганини маълум этади. Бунга жа-  
вобан хоразмшоҳ Киев Русига уларга Ислом аҳком-  
ларини ўргатиш учун хоразмлик уламоларни юборади.  
Умуман олганда, Хазар хоқонлиги, Булфория шаҳар-  
ларида хоразмлик олимлар, дин арбоблари, ишбайлар-

монлар, хунармандлар қизгин фаолият қурсатишганини күпгина тарихчилар ўз кўзлари билан кўрганликларини ёзиб қолдиришган.

Диндор аждодларимизнинг Ислом дини олдидаги яна бир улкан тарихий хизматлари шуки, бу Ислом дини гарчи Арабистонда вужудга келган бўлса-да, янги илоҳий таълимот Туркистонда равнақ топди, ўзининг такомилига эришди. Буни қарангки, Амир Кутайба ас-карларига қаттиқ қаршилик кўрсатган Хоразм, Термиз, Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби Туркистон ҳудудлари кейинчалик Ислом динининг энг йирик марказлари булиб қолди. Мусулмон дунёсига буюк Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Фарғонийлар, Самарқандийларни етиштириб берди.

Маълумки, Ислом шариатининг Куръони каримдан кейинги иккинчи асосий манбаси суннатdir. Суннат расулуллоҳдан нақъ қилинган ҳадиси шарифлар орқали шаклланган. Ҳадиси шарифларда расулуллоҳ алайҳис-саломнинг сўздари, фаолиятлари, саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари (дурустларини маъкуллаганлар, номақбулларини қайтарганлар) тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу уч хил услубнинг ҳар бириси суннат дейилади.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш асосан пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Улар ичida энг ишончли манба саналганлари олтига бўлиб, буларни Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насойй ва Имом ибн Можжа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг турт нафари туркистонлик бўлгани билан бутун Ислом дунёсида фахрланиб келардик. Кейинги йилларда бу фахримизга яна ифтихор қўшилди. Тарихчи ва исломшунос олим Абдуғани Абдуллаев мазкур масалага доир янги-янги манбаларни ўрганиш самараси ўлароқ бу олти нафар буюк муҳаддисларнинг бари аслан туркистонлик эканлигини аниқладилар. Истиқдол йилларида муҳаддис олимларимиз фаолиятини илмий ўрганиш, саҳиҳ — ишончли ҳадислар тўпламларини нашр этиш бўйича республикамизда катта ишлар амалга оширилди. Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бу борада яна бир кутлуғ иш бўлди.

Маълумки, Куръони карим, Ҳадиси шариф, ижмоъ, қиёс ва бошқа диний манбаларда тавсия этилган амаллар, шабодатлар мажмуига шариат дейилади. Мазкур ди-

ний манбалардан тўғри хукм ва ажрим чиқаришга фикҳ дейилади. Фикҳ — Ислом ҳукуқшунослиги, факих — ҳукуқшуносири.

Туркистон тупроғидан буюк муҳаддислар сингари улуғ ҳукуқшунослар ҳам етишиб чиққанлар. Уларнинг номларини тилга олиш учун бир рўйхат тузилмоқчи бўлса, бунинг ўзи бир неча саҳифа жойни эгаллаиди. Уларнинг исм-шарифларида Суғдий, Балхий, Мотирудий, Самарқандий, Марвозий, Бухорий, Шоший, Хоразмий, Нисовий, Дабусий, Хилвоний, Кеший, Искандорий, Насавий, Кушоний, Ломаший, Фарғоний, Ушний, Косоний, Ўзгандий, Марғинонний, Уструшаний, Ахсикатий ва бошқа шу каби нисбалар Туркистоннинг деярли ҳамма вилоят ва туманларила ҳам ҳукуқшунослик фани равнақ топганини кўрсатади. Бу ҳол ватанимиз қадимдан маънавият маркази бўлганини, ҳалқимизнинг маънавий томирлари чуқур илдиз отганига ёрқин бир далилдир. Ҳозирча улардан фақат бир муаллиф — Бурҳониддин Марғиноннийнинг 4 жилд, 53 китобдан иборат «Ҳидоя» асарининг биринчи жилди чоп этилди, бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Равнақ топган ва эл-юрт орасига чуқур томир отган ҳукуқшунослик фанининг мавжуд бўлганлиги ўзбек милий давлатчилиги қонунга амал қилиб фаолият курсатганини ва бу фанинг ривожига давлат миқёсида эътибор қилганини ифодалайди.

Китобимизнинг сиз кўздан кечирган ушбу қисми нинг бир неча ерида милий давлатчилигимиз ва дин, Исломдаги асосий йўналишлар ва мазҳаблар тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтишга ваъда берган эдик. Энди шу ваъдамизни бажарамиз.

## Йигирманчи боб

### ИСЛОМДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР, МАЗҲАБЛАР ВА ДАВЛАТ

Маълумки, бугунги кунда Ер юзидаги 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ аҳоли Ислом динига эътиқор қиласиди. Исломда асосан икки йўналиш бор: суннитлик ва шиалик. Барча мусулмонларнинг тахминан 90 фоизчаси суннйлар бўлса, қолган 10 фоизчаси шиалилардир. Сунний атамаси «сунна» сўзидан келиб чиққан

булиб, суннийликла сунна Куръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Сунна арабча сүз булиб, түгавий жиҳатдан анъана, одат маъноларини англатади. Ислом динида Мұхаммад алайҳиссаломнинг кўрсатмалари ва одатлари ҳақидаги Ҳадиси шарифлар, ривоятларни Куръони каримдан кейинги энг мұтабар ва муқаддас манба деб билиш ва уларга риоя қилиши дир. Буюк ватандышимиз Имом ал-Бухорий жамлаган Ҳадиси шарифлар Куръони каримдан кейинги энг мұтабар ва муқаддас манба ҳисобланишининг боиси ҳам ана шунда. Суннийликда 4 та мазҳаб бор: ҳанафия, моликия, ҳанбалия ва шофиғия. Бу 4 мазҳабга риоя қитувчилар аҳли сунна вал жамоат деб аталадилар.

Ислом оламида энг кўп тарқалган мазҳаб — ҳанафия мазҳабидир. Барча мусулмонларнинг 80 фоизча қисми ҳанафия мазҳабидадирлар. Туркий диндор ҳалқларнинг деярли кўпчилиги — ўзбеклар, турклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар, бошқирлар ва бошқалар шу мазҳабдадирлар. Тожикларнинг мутлақ кўпчилиги ҳам ҳанафий мазҳабидадир. Туркистон диёrimiz ҳалқлари азалдан анъанавий тарзда шу мазҳабда булиб келадилар. Бу мазҳабга Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ асос солгандар. У киши ҳижрий 80 йилда туғилиб, ҳижрий 150 йилда вафот этганлар. Фикҳ иммини, яъни Ислом ҳуқуқшунослигини чуқур ўргангандар. Замондошларининг ёзишларича, у буюк зот имом, тақвадор, имига амал қилган олим, ибодатли, улуғ шан-шавкатли бўлганлар. Ҳокимлардан мукофот қабул қилмай, тижорат билан тирикчилик ўтказганлар. У киши улуғ шарафга эришганлардан биридир, яъни тобеин эдилар.

Маълумки, ҳазрат пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаламни умрида лоақал бир марта кўрган ёки ҳамсуҳбат бўлган кишиларга саҳоба дейилади. Саҳобаларни кўрган ёки ҳамсуҳбат бўлган кишиларга эса тобеин дейилади. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса саҳоба киромлардан Анас ибн Моликин бир неча марта кўрган эканлар. Соҳиби мазҳаб имомлардан бирор-бир кишига бундай улуғ мартаба насиб этмаган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ 4 минг тобеинлардан илм ўргангандар ва 800 кишига устоziлик қилганлар, уларнинг барчалари ўз навбатида уламои замон бўлишган. Дейдиларки, илм Оллоҳ таолодан Мұхаммад алайҳиссаломга келди, у кишидан саҳоба-

ларга, улардан тобеинларга, сўнг Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳга ва у кишининг асҳоблариға етди. Яна дейдиларки, Ислом аҳли намозларида Абу Ҳанифа ҳақларига дуо құлмоқұллары во жибдир, чунки у киши сұннат ва фикхни сақладилар. Шунинг учун ҳам Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ Имом Аъзам деб эътироф этилғанлар.

Бу буюк зот ҳақида бир оз батағсылроқ тұхтадышимизга сабаб шуки, Ўзбекистон мусулмонлари Имом Аъзам мазҳабидадирлар, намоз ва барча диний расм русум ҳамда маросиму маъракаларда шу мазҳабға риоя қыладилар, шу мазҳаб күрсатмалари бүйича иш тутадилар. Күхна тарихдан маълумки, диёримизда аз алдан шундай булиб келган, бошқа диний йұналишлар ва оқымларга ёт қараашлар деб муносабатда булинған, халқ томонидан рад этилған, янгилишлар пайтларда буюк уламоларимиз тұғри йұлни — ҳидоят йұлни күрсатыб беришган. Тарихдан бир неча мисол келтирәмиз.

Султон Ҳусайн Бойқаро пойтахт Ҳирот таҳтини әгадаб, Хурсон мамлакатининг подшоҳи бұлғач, дастлабки пайтларда аҳоли ўртасида көңг жорий бұлған аҳли сұнна вал жамоат йұналиши ўрнига намоздаги хұтба ларда үн иккى имомнинг номларини құшиб үқитишиға майл билдирганида улуғ амир Низомиддин Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий қазратлари уни бу йұлдан қайтарадилар, анъянавий диний йұлдан тойиш диндорлар ўртасида ҳусумат ва парокандалик келтириб чиқариши мүмкінligини үқтирадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро бу майлдан тезда воз кечади. Унинг қарий 40 йилча Хурсон мамлакатида мұттасил ҳукмдор булишиға асослардан бири дин бобида ҳам тұғри сиесат олиб борғанлигидир, дейиш мүмкін.

Афсуски, тарих ғилдирагини орқага айлантириш мүмкін эмас. Бобур мирзо Мовароуннаұрда эканлигіда, Самарқанд таҳтини гоҳ құлға киритиб, гоҳ құлдан бой беріб юрган кезларида динга ва диндорларға бұлған муносабатида ёшлиқ қилибми, тажрибасизлик қилибми, адашган, шиаликнинг ашаддий тарафдори бұлған Исмоил Сафавийнинг талабига үндан ҳарбий әрдам олиш умидида розилик билдирган. Натижала мовароуннаұрлық мусулмонлар назаридан қолған, кейинчалик унинг үзи ҳам бу ҳақда «Не юзқаролик бұлдикі, үз юртим қолиб, Ҳинд сори юзландим» деб афсус-надомат чекади. Балки Бобурнинг ёнида Алишер Навоий-

дек. Абдураҳмон Жомийдек раҳнамолари бўлганларида здими, бу ҳол юз бермасмиди...

Диёримизда турли диний ёт оқимларга салбий муносабатда бўлиб келинган, уларнинг кириб келиши ва ёйилишига аҳолининг ўзи қаттиқ қаршилик кўрсатган. Давлат раиятнинг тинчлигини сақласа, уламолар унинг ҳамиятини асраганлар, кўлни кўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, фуқаронинг тинчлик-хотиржамлигини, мамлакатнинг обод ва фаровонлигини кўзлаганлар. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида бутун Туркистон мамлакатида Хожа Убайдуллоҳ Аҳорор валий юртда тинчлик бўлишида муҳим ўрин тутган. Кейинги асрларда Бухоро давлатида Жўйборий шайхларнинг эътибори кучли бўлган.

Тарихдан яна маълумки, дин пешволари ўртасидаги келишмовчиликлар, диний мансабларни талашишлар эл-юрт бошига бало келтирган. Масалан, Кўқон хони Муҳаммадалихон Фозий томонидан мансабидан азл этилган айрим дин пешволарининг ўз манфаатлари йўлида қилган иғвогарликлари туфайли Бухоро амирлиги ва ушбу хонлик ўртасида уруш келиб чиқади. Иккала давлатнинг фуқаролари ҳам азият чекадилар, жангда Муҳаммадалихон қўшини енгилади, унинг ўзи икки норасида ўғли ва онаси малика Моҳларойим (шоира Нодира) Бухоро амири Насрулло буйруғи билан қатл этилади. Бундай беҳуда қон тўкишлар кейинчалик юртимизнинг Русия империяси томонидан забт этилишини тезлаштиради, холос. Утмиш тарихимиздан сабоқ олайлик ва асосий фарзандлик бурчимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш эканини эслатиш учун мозийга доир юқоридаги воқеаларни ёдлаб ўтдик.

Аёнки, мусулмони комил, тақозоси кучли, художўй, ҳақиқатда билимдон асл дин пешволари — уламолар ватанпарвар, элсевар, муруватли, диёнатли, илмига амал қилувчи, камтарин кишилар бўладилар. Бундай улут сиймоларнинг номларини олис ўтмишимиздан ҳам, яқин кечмишимиздан ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шўролар замонида дин — афъюнdir деган соҳта қараш илгари сурилиб, ҳар қандай йўллар, усувлар ва воситалар билан омма орасига сингдиришга уринишлар оқибатида ҳалқ орасида руҳонийлар, биринчى галда уларнинг пешволари — уламолар, имомлар тўғрисида нотугри тасаввур ҳам пайдо бўлган эди. Тўғри, ҳар бир соҳа кишилари орасида бўлгани каби руҳонийлар дав-

расида ҳам ўта мутаассиб ёки чаламуллалар ҳам, имо-  
ни суст, тақвоси ожиз, сўзи билан қилмиши турлича  
кимсалар бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Лекин художўй  
асл уламолар доимо ҳалқ манфаати ва Ислом дини  
равнақи билан яшаганлар. Ҳалқ ва давлат боцига  
таҳликали кунлар тушганида мамлакат манфаати ва  
тақдирини ўйлаб кураш майдонига тушганликларни  
Мир Араб — Абдулла Саброний мисолида юқорида  
ҳикоя қилиб ўтдик, кўхна тарих буюк уламо бўлатуриб  
она-Ватан ҳимояси учун оддий аскар сифатида кўлга  
курол олиб, мардана жанг қилиб, шаҳид кетган Наж-  
миддин Кубродек ватанпарвар дин пешволарини ҳам  
билади, миннатдор авлодлар уларнинг номларини мангу  
унутмайди.

Бегим кунлари эса диннинг, диний арбоб ва хо-  
димларнинг вазифаси, Президент Ислом Каримовнинг  
табири билан айтганда, бундай: «Дин ҳар доим одам-  
ларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни  
купайтириб, ёмонларидан ҳолос бўлишга чорлаган. Уни  
огир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб  
яшашига давват қилган, ишонтирган бундай давват ўз  
навбатида одамларга куч-кувват багишлаган, иродаси-  
ни мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатли қил-  
ган... Дин ҳалқ маънавиятининг юксалишига катта ҳисса  
қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз  
юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам  
миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътибор-  
да тушибимиз керак».

Юртбошимиз томонидан динни миллий ва умумин-  
соний қадрият дейилиши айни ҳақиқат. Чунки ҳар бир  
жамият ва давр ўз маданият тизимиға эга бўлади. Жа-  
мият ўзгариши билан унинг маданият типи ўзгарди-  
ю, лекин маданий тараққиёт узилиб қолмайди. Илгариги  
маданият йўқ бўлиб кетмайди, маданий мерос ва  
анъаналар сақланади. Ўтмиш даврлардан инсониятга  
қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари маж-  
муига маданий мерос дейилади. Ҳар бир янги авлод  
моддий ва маънавий маданият негизини ҳар гал янтигит-  
дан яратмайди, балки аждодлар томонидан яратилган  
маданий бойликларни қабул қилиб олади.

Тарихий ворислик — жамият ва унинг маданияти  
равнақининг шартидир. Бироқ ҳар бир жамият ўтмиш  
маданий меросини қандай бўлса, шундайлигича, кўр-  
кўрона қабул қилиб олмайди. Маданий мероснинг ўз  
дунёқараши, ижтимоий тузуми, манфаатларига мос ке-

ладиган, бугун ва келажак учун хизмат қиласынан қисмини қабул қылади. Чунки ўтмишдан қолган барча нарсалар бир хил қадриятта эга бўлмайди. Масалан, диний ҳуррофот ва бидъатларнинг бизга зарурати йўқ. Демак, маланий мероснинг қадри абадул абад тушмайдиган қисмига миллий қадриятлар дейилади. Дин ҳам қадриятларнинг бир қисмидир. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби буюк аждодларимиз тафсири, таҳлили, талқини, тарғибу ташвиқидаги Ислом дини, Имом Аъзам ва Бурҳониддин Марғиноний ёритиб берган шариат нўли бизким, ўзбеклар учун миллий ва умуминсоний қадриятлардандир. Ислом Каримов давлат бошлиғи сифатида мамлакат ва раият манфаатини кўзлаб динга булган муносабатда худди шундай одилона сиёsat юритмоқда.

Биз ушбу китобимизда сўз юритилаётган асосий мавзу тақозоси ила давлат иборасини ўқтин-ўқтин тилга оляпмиз. Бу эса давлат тушунчасига, қисқача бўлса-да, маҳсус тұхтаб ўтиш заруратини туғдирмоқда, токи китобхон учун масала маҳияти чуқурроқ очилсин.

## И и г и р м а б и р и н ч и б о б

### ДАВЛАТ НИМА?

Хуш, давлат нима? У қандай тушунча? Бу борада шуролар замонида барча иллат шунда бўлдик, больша-войлар давлатнинг асл маҳиятини халқдан яшириб келдилар, уларнинг маддоҳ мағкурачилари давлат тушунчасига нотўғри таърифлар бердилар. «Давлат — синфлар уртасидаги муросасозлик қуроли», «девлат — синфлар гармонияси» деб атадилар. Совет давлатини эса «умумфаровонлик қуроли» деб мақтадилар. «Давлат инсоният тараққиётининг маълум босқичида, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалярига хусусий мулкчилик пайдо бўлганидан ва жамият бир-бирига душман синфларга бўлингандан кейин, келишириб бўлмайдиган бўлган» дедилар.

Материалистлар фикрича, давлат тарихий ҳодиса, синфий жамият маҳсулидир. Ўша замоннинг мағкуравий маҳсули бўлмиш Ўзбек Совет Энциклопедиясида

бу борада күйидаги сатрларни үқиймиз: «...хукмрон синф давлат ҳокимиятидан фойдаланиб, ўз иродасини қонун даражасига күтәради ва бутун жамият аъзоларини шунга риоя қилишга мажбур этади. Иқтисодий хукмрон синф давлат ёрдамида сиёсий жиҳатдан ҳам хукмрон бўлади, синфий муҳолифларига қарши кураш олиб боради. Давлат — синфий жамиятда асосий ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг умумий манфаатларини таъминловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот. Антогонистик синфлар йўқ бўлгач, давлатли жамиятдан давлатсиз жамиятта, яъни ижтимоий ўз-узини бошқаришга ўтилади».

Ислом динига эътиқод қилувчи давлатшунос файласуф, нафақат улар, балки барча китобий (яхудий ва насроний) динларга эътиқод қилувчи файласуфлар давлат Оллоҳ таоло томонидан жамиятга йўлланган, дейдилар. Мана шу фикр чин ҳақиқатдир. Одамзод шундай хилқатки, табиатан унинг ҳулқи тузалишдан кўра бузилишга мойилроқ нарса. Одам бошқариб турilmаса, ҳулқи салбий томонга кўпроқ оғиб кетиши мумкин. У назоратга муҳтоҷ. Ана шу табиий эҳтиёжни давлат таъминлаб туради. Демак, Ер юзида инсоният мавжуд экан, давлат ҳам тоабад бўлади. Тўғри, унинг шакли, тузуми, вазифаси, хуқмронлик ва таъсир доираси ўзгариб бориши мумкин. Утиш даврлари ҳам кучли давлат ҳокимиятини тақозо этади.

Давлат, бошқача қилиб айтганла, ҳокимият бўлар экан, ана шу ҳокимиятни амалга оширувчи шахслар ҳам бўлади. Буларни умумий қилиб, бошлиқлар дейиш мумкин. Вазифалари ва даражаларига қараб, улар турили номлар билан аталади. Амал, амалдор, раҳнамо, йўлбошчи, мансаб, мартаба, лавозим, раҳбар қаби сузлар ҳар биримизга жуда таниш, ҳар куни уларга неча марташиб дуч келамиз, эшитамиз, тилга оламиз. Лекин кўпинчча улар шунчалик ўрганиш бўлиб кетганидан нималиги, нималарни англиятини устида мулоҳаза қилиб ўтирмаймиз. Бу тушунчаларнинг мазмунлари бизга шундек ҳам жуда равшан бўлиб кетгандек туюлади. Лекин аслида шундайми? Ўзимиз учун уларнинг маъноларини ҳар томонлама тўла англаб, уқиб олганмизми? Энди шу ҳақда қисқача тұхталамиз.

Амал — мансаб, мартаба ва лавозимга ҳам шундай дейилади. Кундалик иш, фаолиятга ҳам шу сўз ишлатилади. Булардан ташқари, чора, тадбир ва тадорик кўришга ҳам мазкур ибора ишлатилиши мумкин.

**Амалдор** — мансабдор, лавозимли шахсга нисбатан шундай ибора құлланилади. Лекин күпинча бу сұз салбайроқ маънени ифодалайды, одатда расмиятчи бошлиққа нисбатан «амалдор» деб пичинг қилиб қўйилади.

**Бошлиқ** — идора, муассаса, ташкилотта бошлиқ қидувчи шахс. Бошлиқ лавозимга ҳам сайланиши, ҳам тайинланиши мумкин. У идораси, муассасаси ва ташкилоти бўйича буйруқ ва фармойиш чиқариш ҳукуқига эга. Бу ўринда шуни йўл усти айтиб ўтиш лозимки, фармойиш билан фармоннинг мазмунан фарқи бор. Фармойишни ҳар бир ташкилот бошлиғи чиқариши мумкин, бироқ фармон эса фақат давлат бошлиғига тегишилдири.

Олий Мажлис қабул қиласидан ҳужжатлар қонун деб, Вазирлар Маҳкамаси чиқарадиган ҳужжатлар қарор деб аталади, ички ҳужжатлар эса **фармойиш** ҳисобланади. Суд ташкилотлари чиқарадиган ҳужжатларнинг ўз номлари бор: ҳал қилув қарори, ажрим ва ҳукм. Ҳукуқий жамиятда яшар эканмиз, бу тушунчаларни ва уларнинг бир-биридан фарқларини билиб қўйсак, албатта, фойдан холи бўлмас.

Раҳнамо, раҳбар, йўлбошчи тушунчалари ўргасида мазмунан муштарактик ҳам, муайян даражада тафовут ҳам бор. Раҳнамо ва раҳбар (аслида роҳибар) атамалари келиб чиқиши бўйича форсча бўлиб, асрлардан бери тилтимизда кенг қўлланилиб, ўзлашиб, сингишиб кетган, иборанинг ўзаги роҳ — йўл сўзи булиб, қўшимчалар қўйилгач, йўл кўрсатувчи маъносини ифодалайди. Раҳнамо ибораси күпинча лавозимли ёки лавозимсиз жамоат арбобларига нисбатан ишлатилади. Лавозимсиз лейишимизга сабаб ўзини, раҳнамо бирор ташкилот ёки муассасанинг штатида туриб хизмат қилиши шарт эмас, пенсионер бўла туриб ўз мавқеи, обру-эътибори билан, жамоат ишларидаги фаоллиги билан раҳнамо даражасини эгаллаши мумкин.

Раҳбарнинг раҳнамодан фарқи шундаки, у давлат ёки унинг бирор ташкилотини, муассаса ёки корхонани бошқарали, жамоага йўл кўрсатиб боради. Турли уюшмалар ва жамоат ташкилотларини бошқарувчи лавозимли шахсларга нисбатан раҳбар сўзини ишлатиш тобора одат тусига кириб бормоқда.

**Ботилий раҳнамо.** Бу нима экан, деб таажжубланманг, ҳурматли ўқувчи. Бу иборани ўз талқинимизда тушунтириб бериштга бир уриниб қўрамиз. Масалан,

ёзувчи ва шоирлар ўз асарлари билан, олимлар ўз тадқиқотлари ва дарсликлари билан халқни эзгуликка йўллайдилар, маърифатли ва маънавиятли бўлишга чорлайдилар. Буям раҳнамолик эмасми! Бироқ уларнинг раҳнамоликлари бевосита эмас, билвосита — асарлари орқали юз беради. Бунда таъсир билвосита бўлгани учун илм ва ижод аҳлини ботиний раҳнамолар леб атамоқдамиз. Балки ботиний раҳнамолар зоҳирий раҳнамолардан қудратлироқдиrlар.

Йўлбошчи — соф ўзбекча сўз бўлиб, унинг мазмуни раҳнамо ва раҳбар сўзларига қарагандан теран ва кўлами кенгdir. Умумхалқ ва халқаро миқёсла эътироф этилаган атоқли сиймога йўлбошчи дейилади. Йўлбошчи одатда айни бир замонда бир мамлакатда ягона бўлади. Тарихий тараққиёт даражаси ва турмуш эҳтиёжи йўлбошчини камол топтиради. Ҳар бир даврнинг ўз йўлбошчиси булиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Халқ ўз йўлбошчисига эга бўлган йиллар саодатли даврdir. Президент Ислом Каримов фаолиятида йўлбошчилик фазилатлари зухур этмоқда.

Мансаб ва лавозим сўзларida умумийлик бўлиб, ташкilot, муассаса, идора, корхонада бирор расмий хизматни бажариш билан боғлиқ бўлган доимий вазифага шундай дейилади. Мансаб ва лавозимга буйруқ йўли билан тайинланади ва буйруққа биноан улардан азл этилади. Йирик мансабдор шахслар ва ҳарбий арбоблар давлат ва халқ олдидаги кўп йиллик ва катта хизматлари эвазига истеъфога чиқаришлари мумкин, бунда маошлари умрбод бериб борилади.

Жамиятда эришилган обрў-эътибор, нуфуз ва мавқега **маргаба** дейилади. Мансабдор шахснинг лавозими каттаю, маргабаси бундайроқ бўлиши ҳам, кичик лавозимли бўлатуриб, маргабаси баланд бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳар бир мансабдор шахснинг ўз салоҳиятига боғлиқ нарса. Бу ҳақда «Одам мансаби билан эмас, мансаб одам билан муҳташам» дейидилар Абдураҳмон Жомий ҳазратлари.

Ҳаётга чуқурроқ боқсак, теварак-атрофимиздаги мансабдор шахсларни теранроқ кузатсақ, шу ҳикматнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласмиз. Бу ҳолни арифметикадаги рақамлар тартибига қиёс этсак, шундай манзарани кўрамиз. Нол («0») олдига қанчалик катта рақамни кўйсак, унинг миқдори шу қадар ошиб боради. Масалан, «1» ни кўйсак, «10» бўлади. «8» ни тиркасак, «80» та етади. Бу рақамларсиз эса нол ноллигича

тураверади. Бу каби айрим шахсларга берилган мансаблар улар учун худди ўша рақамларга ўшаб даражаларини «oshiриб» боради, бироқ амалдан азл этилгач, яна нол бўлиб қолаверадилар...

Умуман олганда, мансабдорларни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси шуки, уларни фақат ўзи бошчилик қилаётган жамоагина танийди ва бошлиқ сифатида эътироф этишга ва бўйсунишга мажбур. Бундайлар жамоадан бўшаб кетгач, кейин уларни ҳеч ким йўқламайди ҳам, эсламайди ҳам. Иккинчиси шуки, бундай шахслар ўзи бошчилик қилаётган жамоада ҳам, ундан ташқарида — жамоат ва, ҳаттоқи, жамиятда ҳам таникли сиймолардир. Улар эгаллаб турган мансабларига каттиқ ёпишиб олмайдилар, вақти етиб мансабдан тушганларидан кейин ҳам жамоат ўртасида ўз обрўзътиборига эга бўлаверадилар, улар учун мансабдан айрилиш фожиа эмас.

Шўролар давридаги катта-кичик амалдорлар орасида биринчи тоифадаги мансабдорлар, яъни аслида ўзи ҳеч киму, эгаллаб олган лавозимлари туфайли жамиятдан ўрин олган шахслар кўпчиликни ташкил этарди. Улар марказнинг буйругини сўёзиз бажарар, ташаббус курсатишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Юқоридан топшириқ бўлса — бас, адо этиши биздан деб олазарак бўлиб туришарди. Бундай ижрочиларни умуман функционер дейиларди, номлари «Темир дафтари»дан мустаҳкам ўрин оларди, бирор ножӯя иш, «гоявий» хатога йўл кўймасалар, умрбод амал курсисини эгаллаб ўтардилар. «Темир дафтари» номенклатура деб аталиб, уч даражага булинган бўларди. Вақти-вақти билан рўйхатларга тузатишлар, қўшимчалар киритилар, у рўйхатдаги кадрнинг номи бу рўйхатга ўтказилиши ҳам мумкин эди. Бунда кимнингдир «бахти» кулиб боқар, кимнингдир эса «попуги» пасайтириб қўйилар эди, лекин султон суюгини хўрламас деганларидек, шўрочилар итоатгўй кадрларини, гарчи улар раҳбарликка нолойиқ бўлсалар-да, ўз ҳимоясида олиб қолардилар. Бундан хусусан, жамоага, умуман эса жамиятга кўп зиён етарди. Шўрочилар учун тилла бўлса-да, коммунизмга сўёзиз садоқат бўлса бас эди.

Кўпчилик ўз ҳаёт йўлида «нурли манзил — коммунизм»га ўта садоқатли ана ўшандай номенклатура вий кадрларни учратган, баъзилар улар билан бирга хизмат қилиган бўлишлари ҳам мумкин.

Шўролар замонида кадрлар захирасига тайёргарлик

мактаб комсомол ташкилотиданоқ бошланар, ундағы фоллар — сұзамол ва етакчилик қобилятига эга ёшшар үқувчилік йилларидаёқ район комсомол комитети иши-га жалб этилар, доимо назорат қилиб, ком фирмәрахбариетига күр-күрона садоқат руҳида тарбия Қилиб бориларди. Топшириқни сұзсиз ва оқибатини сұраб-суриштириб үтиrmай, итоатгүйлик билан бажара бор-ғанлар кейинчалик райкомкомсомолға инструктор қилиб штатта олинар эди. Райкомсомол бұлажак номенклату-равий кадр учун биринчи босқыч мактаб ва синон үчөн ҳисобланарди. Бу ердан мұваффақиятли үтгандар рай-компартияга, омад чопса, кейин обкомпартияга, янада баҳти кулиб боқса, марказкомгача етиб борарди. У ерда маълум муддат ишлагач, Олий Совет, Министрлар Со-вети ёки тұғридан-тұғри министрлікларга ёки бұлмаса вилоятларға раҳбарлық лавозимларига юбориларди. Ишлай олғанлари үша лавозимларда узоқ вақт фаоли-ят күрсатар, балқи пенсия ёшигача амалдор булиб қоларди. Ишни оқсатиб құйғанлар эса касаба уюшма-ларига, хұжалик ташкилотларига юбориларди, хизмат транспорти ва амал курсиси улардан дариф туғилмасди.

Бу типик ҳол эди. Буни ҳозирги кекса ва ўрта яшар замондошларимиз яхши эсласалар, билсалар ҳам керак. Инсоф юзасидан шуни ҳам зытироф этиб үтиш керакки, номенклатуравий кадрларнинг ҳаммаси ҳам ношуд одамларданғина иборат эмасди. Улар орасыда истеъодли раҳбарлар ҳам күп эди. Номлари номенклатурага киритилған үша одамлар осмондан тушиб қол-ған кишилар эмасди, албатта, шу заминде үсіб-унған халқ фарзандлари эдилар. Халқимиз эса дунёдаги эңг истеъодли халқлардан биридир. **Халқ истеъоди номен-клатуравий кадрлар шахсиятида ҳам зухур этиши тур-ған гап** эди. Фақат ком фирмәнинг сиёсий иули нотүгри, мағқураси чатоқ эди. Ана шулардан үзла-рини тия олғанлар шуро замонида ҳам, миллий истиқололға әршилғанидан кейин ҳам элу юрт ман-фаати иүлида фидокорона фаолият күрсатғанлар ва күрсатмоқдалар.

Шүролар давридаги номенклатурани тилга олиш-дан бизнинг мақсадимиз босиб үтган йүлимизга бир назар ташлаб, ундан бугунғи күн учун тегишли холоса чиқарып олишдир. Номенклатура (майли, олис үтмиш-даги қабила бошлиқлари ва паҳлавонлар рүйхаты) бұладими, яқин үтмишдаги шаҳзодалар, амирзодалар, бекзодалар рүйхати буладими, бундан қатын назар) дав-

лат, умуман эса, ҳокимият вужудга келибдики, ҳамма вақт бўлиб келган ва Ер юзида бирорта давлат мавжуд бўлиб қолар экан, бўлаверади.

Тўғри, қадим замонларда бу нарса номенклатура деб аталмагандир, биздан кейин эса бу нарса бошқача аталар, замонлар ўтиши билан бошқарувнинг усули ва услуби ўзгариб кетар, лекин бундан қатъи назар, но-менклатурага үхаш нарсага эҳтиёж бўлаверади. Чунки давлатнинг ҳозирги ва келажак тақдирни раҳбар кадрларга боғлиқ, давлат ва унинг ташкилотларини кимлар бошқаришига жамият манфаати нуқтаи назаридан бе-фарқ қараб туриб бўлмайди, бу ҳаёт-мамот масаласидир. Бу масала муносиб раҳбар кадрлар тарбиялаш, уларга муносиб ўринбосарлар ўстириш ва уларни ўз ўрин-ўриниларига қўя бориш муаммосидир. Бу муаммо жамиятнинг барча онгли ва ватанпарвар аъзоларини, жумладан, зиёлиларни ташвишга солмай қололмайди. Чунки давлат ва мамлакат тақдирни айни пайтда жамиятнинг ҳар бир аъзосининг қисмати ҳамдир. Дарҳақиқат, инсон ва давлат муносабатлари энг долзарб масаладир. Энди сўз шу ҳақда боради.

## Йигирма иккинчи боб

### ИНСОН ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Профессионал парламент, кучли ижроия ҳокимияти, мустақил судлов тизими, ривожланган маҳаллий ўз-ўзини бошқарув — Ўзбекистонда давлатчиликни та-комиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг асосий йуналишларилидир. Президент Ислом Каримов «инсон — давлат» муносабатларида устунлик инсонга берилишини ёқламоқда: «Давлат, ҳокимиятнинг барча тармоқлари, факат уларнинг фаолияти инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бўйсундирилгандагина ўзларини оқлаган бўлади».

Бу деган сўз шуки, давлат борлиги учунгина инсон мавжуд эмас, балки инсон борлиги туфайли давлат ҳам мавжуддир. Давлат, демакким, давлат номидан иш ту-түвчи раҳбар кадрлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга хизмат этишга даъват қилингандир. Мана шу ҳолатдан давлатнинг ва раҳбар кадрларнинг вазифаси келиб чиқади ва белгиланади. Президент Ислом Каримов асарларида, нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва

интервьюоларида мана шундай йўлни давлат ва инсон муносабатларида бўлишини илгари сурмоқда. Давлати-  
миз раҳбари бу борада, жумладан, бундай деди:  
«Ислоҳотларнинг тақдири, жамиятимизнинг равнаси ав-  
вало, раҳбар кадрларнинг изланувчанилигига, янгилик  
интилувчанилигига, фидойилигига, тафаккурига ва таш-  
килотчилигига боғлиқ».

Раҳбар қатъиятли, талабчан, керак бўлса, қаттиқ ёл  
булиши лозим. Лекин буларни аввало ўзидан бошлаши  
ва биринчи галда ўз-ўзига татбиқ этмоқдан бошлаши  
керак.

Турмуш тажрибасида ишни эплай олмай, вазифаси-  
дан озод этилган раҳбарларнинг икки ҳолатига шоҳид  
бўласиз. Биринчиси: (афсуски, бундайлар кўпчиликни  
ташкил этишади) улар айбни ўз-ўзларидан изламайди-  
лар, замон талабларидан орқада қолганликларини тан  
олгилари келмайди, ишни оқсатиб, ташкилот, корхона  
ёки туманнинг «ўтириб» қолишига асосан ўзлари айб-  
дор эканликларини ҳис этмайдилар, айбни бирорвларга  
тўнкаб, тумшайиб юрадилар, фийбат, фисқ-фасод билан  
машғул бўладилар. Бундайларни доно халқимиз  
«Отдан тушсаям, ҳамон эгардан тушмабди-я» деб атай-  
ди. Бу ҳолни бетоб бўлганида даволанмай, вужудида  
касаллик асорати умрбод қолган хастага ўхшатиш мум-  
кин, яъни **амалдорлик асоратидир**.

Иккинчи тоифадагилар эса бунинг тамом акси: юз берган воқеадан тезда хуроса чиқаради, фаолиятини ўзгартиради, эл-юрт олдида ўзини иш билан оқлашга  
киришиб кетади. Ундейлар яна сафга қайтади, жамиятдан яна муносиб ўрин эгаллайди. Бундан ўзига ҳам,  
оиласига ҳам ва, албатта, жамиятга ҳам катта наф етади. Имон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, ҳалол ва ростгўй  
одамлар шундай йўл тутадилар. Бу — оқиллар ва доно-  
лар йўлидир.

Ношуд раҳбарга унинг ношудлик иллатини юзига  
шартта айтиш ҳам жасоратидир. Бетга айтганнинг заҳри  
йўқ, дейдилар. Шундай қилинса, бундан ўша киши-  
нинг ўзига ҳам, айниқса, жамиятга катта наф етади.  
Акс ҳолда ношуд раҳбар «отдан тушмайди», яна кўп  
ташкилотлару муассасалардаги ишни барбод этавери-  
ши мумкин.

Турмуш тажрибаси кўрсатадики, раҳбар кадрларнинг  
раҳбарлик давларида «душман»лари кўпайиб бориши  
турган гап. Чунки унинг қабулида бўлиб, иши битмай,  
яъни ноурин илтимоси қондирилмай чиқсан киши <sup>х3</sup>

фаланиб кетади, ичиди «хап, сеними!» деб қўяли. Ана шундайларга талабчанлик қилмай, ўзларини оппоқ қилиб кўрсатувчи, «бу аматни менга боғлаб бериб қўйибдими, бунинг кўнглини оғритиб нима қиллим, ўзимга душман орттирумай», деб давлат ҳисобидан саҳийлик қилувчи ва давлат зиёнига иш юритувчи раҳбар кадрлар ҳам бор. Булар давлат ва жамият олдидаги, ўз сайловчилари олдидаги бурч ва масъулиятларини кўпинча унугиб қўйган кишилардир.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов раҳбар ходимларни саралаш, уларни тарбиялаб, вояга етказиш бўйича самарали тизим ва тартибни жорий этишини кун тартибига қўйиб келмоқда. Захира рўйхатига ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, билимдон, касбий маҳорат ва малакага эга, қатъиятли, ҳалол, имон-эътиқодли, ор-номусли, инсоф-диёнатли, кенг мушоҳадали, узоқни кўра биладиган, фидойи, ватан-парвар, одамларни ўзига эргаштира билалиган ва уларнинг юрагига йўл топа оладиган кишилар киритилиши лозим. Лекин шу бўлиши зарур бўлгани ҳолда бу борада ошна-офайнагарчилик, қариндош-урӯғчилик, маҳаллийчилик ва ҳатто шахсий садоқатига қараб иш тутишлик ҳоллари ҳам юз бериб турибди. Кадрлар кўнимсизлигининг бош сабаби ана шундайдир. Рисоладаги раҳбар ўз атрофига ўзига сафдош бўла оладиган укували кишиларни тўплайди ва улар билан бамаслаҳат иш юритади. Уқувсиз раҳбар эса атрофига ўзидан ҳам укувсизроқ кишиларни йигади, уларга истаган сўзини утказиб туради, ўзидан кучли ходимни яқинига ўлатмайди, ўрнимни эгаллаб қўяли деб чўчиди.

«Минг афуски, — дейди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, — бизда ҳали-ҳануз ўша эски гузумшинг асорати сезилиб турали. Мехнатта онгли ва ижодий муносабат бўлмас экан, кадрлар ҳар қандай масалага оқулона ва одилона ёндошиб, масъулиятни бўйнига олмас экан, ижобий ўзгаришлар юз бермайди».

Шу ҳолатни назарда тутиб Юрбошимиз кадрлар масаласини муҳим устувор масала деб атади ва бу борадаги вазифани аниқ белгилаб берди: «биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳила эътибор беришимиз керак. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган маҳсус Милий ластур тузиш лозим» (таъкид бизники. — А. И.).

Бу гояни амалга ошириш янгича фикрловчи, фи-

дойи ва ватанпарвар зиёлиларнинг умумвазифаси <sup>лир.</sup>  
Чунки жамият тараққиётини тезлатадиганлар ҳам, уни  
сустлаштириб қўядиганлар ҳам кадрлардир. Бақт <sup>эса</sup>  
одамни кутгуб турмайди.

Президент Ислом Каримовнинг фармон ва  
кўрсатмаларини оппоқ чўққили, чўнг қояли осмонўпар  
тоғлардан оқиб келаётган катта-кичик дарёлар ва сой-  
ларга ўхшатгимиз келади. Маълумки, зилол сув истеъ-  
молчига, боғ-роғлару далаларга етиб келгунича  
мнроблар назаридан ўтиши мумкин. Сувнинг расамади  
билан, тўппа-тўғри тақсимланиши, ҳаммага ҳаёт баҳш  
этиши куп жиҳатдан ўша тўғонбоши, қулоқбоши ва  
мироббошиларга ҳам боғлиқ, албатта. Бу қиёсимидан  
қандай хуласалар чиқаришни катта-кичик раҳбарлари-  
зининг эътиборига ҳавола этамиз.

Инсон табиати шундайки, оиласидаги, ишхонаси-  
даги, умуман эса, теварак-атрофни куршаган одамлар-  
нинг ким эканини, уларнинг моҳиятини ҳар доим ҳам  
тўла-тўқис ҳис этиб, тушуниб етавермайди, чунки узи  
ҳам шулар ичиди бўлгани, шу жараёнда иштирок  
этаетгани туфайли бу ҳодисага — инсоний ҳодисага  
аҳамият бермай, бефарқ қараши ҳам мумкин, унда ода-  
тий ҳол — қўнишка ҳосил бўлган бўлади. Олдингдан  
оқсан сувнинг қадри йўқ, деб мана шунга айтсалар  
керак. Қоянинг ёнгинасида турганингизда, унинг  
улуғворлигини пайқамайсиз. Олис-олислардан эса  
қоянинг салобатини аниқрок кўрасиз. Шу ўринда Сау-  
дия Арабистонида яшовчи бир гурух ватандошларимиз  
томонидан жумҳуриятимизга, демакки, биз — Ўзбе-  
кистонда истиқомат қилувчи фуқароларга қаратилган  
бир мактубдан қўйидаги сатрларни келтиришни жоиз  
деб биламиз:

«Аҳли басийрат ўзбеклар, айниқса, турбат диёрларда,  
ватансиз ва эгасиз эзилганилар Ислом Каримовни жуда  
ҳам олий миллий шуурга соҳиб деб биладилар. Улуғ Танг-  
рига шукрки, бақт ва замон ижобига кўра ҳақиқатлар  
зоҳир бўймоқда.

Ислом Каримовнинг амаллари, ҳар бир қадамлари  
алоҳида-алоҳида Ватан ободлиги ва миллиат тинчлиги  
учун улуғ хизмат бўлиб, дурафшон сўзларининг ҳар нуқта-  
нуқтаси муҳлис ва вағолиқдир, миллиатига ифтихор <sup>ва</sup>  
гавҳардир. Албатта, шундай улуғ раҳбаримиз борлиги <sup>ди-</sup>  
лан қувонамиз ва фахрланамиз...

Муҳтарам раҳбаримиз Ислом Каримов ўзбек миллиа-

*тига оталигини билдириди ва собит қизиди... Худога шукр-  
ки, ўзбек милятига ота топилди, эга топилди ва бош-  
иқ топилди».*

Дарҳақиқат, худди шундай!

Аёнки, кобил, солиҳ ва солиҳа фарзандлар оталари-  
га суюнчиқ бўладилар, мадорига мадор, қувватига қув-  
ват қўшадилар. Биз ҳалқимизни шундай бўлишга ва  
шундай иш тутишга даъват этамиз. Худди шу ўринда  
~~миллий~~ масъулият ва фуқаролик масъулияти деган ту-  
шунчаларга изоҳ бериш маъқул кўрилмоқда. Чунки  
аҳолиси кўпмиллатли бўлмиш ҳар бир мамлакатнинг,  
жумладан, Ўзбекистоннинг балофат ёшига етган киши-  
лари бу икки масъулиятни юракдан ҳис этмасалар ва  
риоя қўлмасалар давлат ичдан мустаҳкам бўлолмайди.

## Йигирма учинчи боб

### МИЛЛИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ҳар бир миллатнинг балофатга етган онгли аъзоси  
уша ўзи мансуб миллатнинг олдида масъулиятли бўлади. Миллатнинг миқдорий, иқтисодий, маданий, ахлоқий,  
маърифий, маънавий тараққий эта бориши, Ер юзида-  
ги бошқа ҳалқлардан орқада қолиб кетмаслиги учун  
биринчи навбатда шу ҳалққа мансуб киши жавобгар-  
лик туйғусини туйиши лозим. Оила ва жамиятдаги ҳар  
бир ҳаракатида, босган ҳар бир қадамида шу миллат-  
нинг умум манфаатини ҳам унутмаслиги керак. Бу ки-  
шининг сиёсий онглилиги ва маънавий еткуклиги дара-  
жаси билан белгиланади. Ана шу нарсага **миллий масъ-  
улият** дейилади.

Миллий масъулият туйғуси айниқса раҳбар кадрлар  
учун жуда зарур ва муҳимдир. Чунки раҳбар кадр ўз  
ижтимоий фаолиятида миллат учун, миллий тараққиёт  
учун кўп иш қилиши мумкин ва у шунга даъват этил-  
ган ҳамдир. Аксинча бўлса, миллатнинг шури қурийди.

Энди фуқаролик масъулиятига ўтамиз. Хўш,  
фуқаролик масъулияти нима ўзи? Бизнингча, бу нарса  
шуки, ҳар бир давлатнинг, масалан, Ўзбекистоннинг  
ҳар бир балофатга етган онгли фуқароси қайси миллат  
вакили бўлишидан қатъи назар республика Конститу-  
циясида кафолатланган ҳуқуқлардан фойдаланар экан,  
давлатимиз томонидан ҳимояланган экан, шунга жаво-

бан фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиши керак. Бу деган сўз шуки, ҳар бир фуқаро мамлакат Конституцияни суга, Олий Мажлис қабул қилган барча қонунларга; Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорларга риоя этиши ва ҳурмат қилиши, уларнинг амалга ошиши учун масъулият сезиши лозим.

Мамлакатимизда жорий қонун-қоидалар, масалан, «Давлат тили ҳақида»ги қонунни ёки бўлмаса • Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги қонунни бажара бориши Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро учун баб-баравар тегишлидир. Барча қонунларимиз қаторида бу қонунлар ҳам ӯзбекларга қанчалик тегишли бўлса, республикамизнинг бошқа миллат ва элатта мансуб ҳамма фуқароларига ҳам шунчалик таалтуқлидир. Давлат ўз фуқаросига ҳукуқ ва кафолат берар экан, шунга яраша унинг зиммасига масъулият ҳам юклайди. Қонун-қоидаларга риоя этишда истиносно бўлмайди, (баъзи бир фуқароларимизда иқтисодий, ҳукуқий-маъмурӣ соҳаларга доир қонунларни бажариши зарурат бўлиб, маънавиятга оид, чунончи, давлат тили, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар хусусидаги қонунларга нописанд қараашлар мавжуд) булар ўзбек миллатига мансуб фуқарога қанчалик таалтуқли бўлса, бошқа миллатларга мансуб фуқароларимизга ҳам шунчалик тегишлидир. Чunksи улар фуқаро сифатида қонундан бир хил мақомга эгадирлар. Бир хил мақомга эга шахслардан талаб ҳам баб-баравар бўлади. Ана шу нарсага **фуқаролик масъулияти** дейилади. Бинобарин, Ўзбекистон – юртимизда яшовчи барча фуқароларнинг давлатидир.

Ўзбекистоннинг балоғатга етган ҳар бир онгли фуқаросида фуқаролик масъулиятини сезишни, сезиши гина эмас, чуқур билишини шакллантириш ва кучайтириш тегишли барча ташкилотлар ва муассасаларнинг жумладан, Республика Байналмилал марказининг вазифасидир. Масалан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган рус театрларига рус тилида спектакллар кўрсатувчи Ўзбекистон театрлари деб, «Правда Востока» газетасига рус тилида нашр қилинувчи, «Овози тожик» газетасига тоҷик тилида чоп этидувчи, «Нурли жол» газетасига қозоқ тилида чиқувчи Ўзбекистон газеталари деб қарааш лозим.

Зотан, республикамиздаги барча ташкилотлару <sup>му-</sup> ассасалар, ҳамма нашрлар ҳам Ўзбекистон давлати <sup>из</sup> Ўзбекистон ҳалқи манфаатларига хизмат қилишга дарь-

ват этилганини биринчи навбатда шу идораларнинг раҳбарлари чуқур идрок этишлари зарур. Улар Ўзбекистоннинг ўзбек миллатига мансуб бўлган фуқаролари билан бирга бошқа миллат ва элатларга мансуб бўлган фуқароларида ҳам фуқаролик масъулиятини шакллантириш ва чукурлаширишда кўп ишлар қилишлари мумкин ва лозим.

Ўзбекистон фуқароларида фуқаролик масъулияти қанчалик кучли бўлса, мамлакатимиз халқи шунчалик жисплашади, халқлар дўстлиги янада мустаҳкамланади, бирордарлик туйғуси кучаяди. Бу эса келажаги буюк давлат қуришимизда бир заминдир.

Шуниси қувонарлики, истиқдол йилларида Президент Ислом Каримов йўлбошчилигида республикамизда одилона ва изчил миллий сиёсат олиб борилаётгани туфайли Ўзбекистон фуқароларида фуқаролик масъулияти ҳам кучайиб, такомиллашмоқда. Бу ҳолни ўзбек миллатига мансуб раҳбар кадрлар фаолиятида ҳам, бошқа миллат ва элатга мансуб раҳбар кадрлар ишларида ҳам яққол қўриш мумкин. Раҳбарларни танлаш ва тайинлашда уларнинг миллатига қараб эмас, балки замона талабларига нақадар жавоб бера олиши, билимдонлиги, укувчанлиги, сезирлиги, давлат ва халқ манфаатини устувор қўйиши, талбиркор ва ишбиярмонлиги, сиёсий ва маънавий етуклиги асосий мезон бўлмоқда.

Ҳозирги кунда республиканинг давлат, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари ва муассасаларида Ўзбекистонни ватаним деб билувчи, бошқа миллатга мансуб бирордларимиз ҳам раҳбарлик давозимларида самарали ишләётгани тўғри миллий сиёсатнинг яққол қўришишидир.

Хуллас, бугунги кунда Ўзбекистон жамияти учун, шу жамиятни бошқармоқ ва ривожлантира бормоқ, мустаҳкамламоқ, куч-қудратини оширмоқ мақсадида марказлашган, кучли давлат ҳокимиюти зарур. **Жамият ҳар борада юксала боргани сайин**, Президент Ислом Каримов ўз асарлари ва кўрсатмаларида таъкидлаб ўтгаётганидек, давлат функциялари босқичма-босқич кўйи бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказила борилади. Бунга тезроқ етишмоқ кишиларимизнинг миллий ва фуқаролик масъулиятини нақадар төран англай билишларига боғлиқ. Демак, бу борада ҳам маънавият, маънавий етуклик ҳал қилувчи омилдир.

## Йигирма түртнчи боб

### МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Ҳар бир нарсанинг таянчи бўлади. Инчунин, давлатнинг ҳам. Юқорида айтиб ўтилганлардан англаниш либ қолдики, сўз навбати, умуман, ҳар бир давлатнинг хусусан, миллий давлатчилигимизнинг таянчларига келиб етди. Албатта, ҳар бир давлат нималаргadir таяниб қад кўтаради, орқа қилиб иш юритади. Давлат мисоли бир улкан чинор бўлса, унинг таянчлари қиёс этилаётган ўша чинорнинг она тупроққа чукур илдиз отган теран томирларидир.

Хўш, бизким, ўзбеклар тузган давлатларга — давлатчилигимизга нималар таянчлик қилган, нималар уларнинг суюнган тоғлари бўлган?

Ҳеч бир шубҳа йўқки, бизким, ўзбеклар тузган давлатларнинг биринчи таянчи, биринчи суюнган тоги — ўзимиз, яъни бизким, ўзбекларнинг ўзиdir. Шу боисдан ҳам, давлат иборасига миллий сўзи кўшиб айтилади: миллий ўзбек давлати, миллий ўзбек давлатчилиги дейилади. Бу ўринда миллий сўзи аниқловчи, давлат атамаси аниқланмишидир. Давлатни тузувчилар, сулолабошилар, асосчилар шу халқнинг, бу ўринда ўзбек миллатининг фарзандларидирлар.

Кишилик тарихининг саҳифаларини бирма-бир кўздан кечириб чиқадиган бўлсақ, ҳар бир халқа ҳам, унинг ҳар бир фарзандига ҳам давлат тузишдек, ўз давлатида эмин-эркин яшащек шарафли иш ноил бўлмаганини кўрамиз. Кўхна тарихда ўз давлатини тузмай, балки тузолмай яшаб ўтиб кетган, давлати химоясиз бошқа халқлар таркибига қўшилиб кетган халқлар ҳам бўлган. Давлат тузиш, ўз давлати ҳибзи-ҳимоятида яшаш бу, аввало, Оллоҳ таолонинг инояти, марҳамати ва иродаси ила, халқнинг салоҳияти билан вужудга келадиган бир баҳтдир.

Хуллас, ўтмишдаги давлатларимизнинг ҳам, ҳозирги давлатимиз — Ўзбекистон Республикасининг ҳам бунёдкори халқимизнинг ўзиdir. Президент Ислом Каримов бу борада шундай дейди: «Ўзбекнинг феъл-автори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дұпписида сув ташиб бўлса-да ҳам, дараҳт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир».

Муҳтарам Юртбошимиз етакчилиги ва иштироқида тузилган ҳамда Олий Кенгаш сессиясида қабул қилин-

ган ва жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида, жумладан, бундай деяллари: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи», 7-моддада эса, шундай таъкид бор: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаишир» (таъкиллар бизники. — А. И.). Демак, давлатда халқ иродаси ўз ифодасини топади, халқ эса — давлат ҳокимиятининг манбаи. Бу — давлатнинг биринчи таянчи деган сўздир.

Маълумким, халқ умумий тушунча ва умумий таъриф бўлиб, унинг муайян қисми моддий бойлик яратади, муайян қисми маданий-маънавий бойлик яратади, муайян қисми яшашга қулай шароит яратади, муайян қисми моддий ва маданий-маънавий бойлик яратувчиларни ҳимоя қиласи, муайян қисми жамиятни бошқаради, муайян қисми жамоат тартибини сақлайди, муайян қисми эса миллатни руҳлантириб туради ва ҳоказо.

Деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар (кейинчалик саноат аҳли) моддий бойлик яратувчилар бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий қудратини таъминлайдилар, демакким, булар давлатнинг иқтисодий мустақиллигига таянчилрлар. Савдогарлар халқ турмушкини фаровонлаштириш баробарида давлат ҳазинасини бойитишга ҳам катта ҳисса қўшганлар, бу ўринда биз давлатга бож тўловини назарда тутяпмиз. Ҳар борада яратувчан халқимиз азалдан савдо-сотиқ билан шуғулланиб кела-ди, дунёнинг кўргина ҳудудларида аҳоли ҳали оддий товар алмашинувидан нарига ўтмаган олис замонларда, яъни ҳозирги ибора билан айтганда, бартер тарзидан ўзаро муомала қилган кезларда ҳам бизким, ўзбекларда нақд олтин ва кумуш ақча билан савдо-сотиқ қилиш русум бўлган, бу тараққиёт белгиларидан биридир.

Юртимиз Буюк Ипак йўлининг нақ марказий қисмida жойлашгани, жуғрофий қулай ўринни ишғол қилгани ҳам мамлакатимизда ички ва ташқи савдо-сотиқнинг равнақ топишига табиий омиллардан бири бўлган. Давлат эса савдо-сотиқнинг юксалишидан манфаатдордир: халқ истеъмоли моллари етарли бўлади. Ҳазина бож тўловларидан бойиб боради.

Ташқи савдо билан шуғулланувчи тужжорлар ўз касбларини пухта билишдан ташқари соғлом (турли минтаقا йўлларида ойлаб сафарда бўлиш, етти иқлим об-ҳивосига дуч келиш ва яшаш осон эмас), моҳир ва жасур жангчи (марказий ҳокимияти заиф мамлакатлар

худудларида қароқчи тұдалар босқинига учраб қолиши  
әхтимолдан узоқ әмас), бир неча тилни билувчи (тил  
алоқа воситасидир), әлчилардек муомала одоби, мада-  
ниятини эгаллаган (савдо карвонларининг бошликтары  
үзлари ташриф буюрган мамлакатлар ва вилоятларнинг  
хукмдорлари томонидан саройларда қабул қилинган ҳол-  
лар күп бўлиб турган) ва шу каби фазилатларнинг этга-  
лари бўлганлар.

Савдогарлик шарафли касблардан бўлиб, савдо кар-  
вонлари тинчлик даракчилари, мамлакатлар ва ҳалқлар  
уртасида маданият, маърифат ва маънавият тарқатиш  
ва айирбошлаш воситаларидан ҳисобланган. Китоблар  
савдо карвонларидағи энг қимматбаҳо нарса ҳисоблан-  
ган, қадри олтиндан қиммат турган. Шунинг учун ҳам  
Буюк Ипак йўлини Буюк Маърифат йўли дейиш ҳам  
мумкин.

**Курувчиilar** — гишт (қадимда кирпич дейилган) хум-  
донларининг ишчилари, гишт терувчиilar, пахсачилар,  
тунукачилар, усталар, ишбошилар, тошйўнарлар, мар-  
мар силлиқловчилар, дурадгорлар, ганччилар, ўймачи-  
лар, наққошлар, мұхандислар, меъморлар ва шу каби  
аҳолининг одамлек, инсонлик шарафига мувофиқ яша-  
ши учун қуай бошпаналар тиклаш билан бирга дав-  
латнинг куч-кудратини кўрсатувчи саройлар, руҳоният  
ва маърифат масканлари бўлмиш масжид ва мадрасаса-  
лар, савдо аҳли, сайёҳлар ва оддий фуқаро қўниб, ором  
олиб ўтувчи работлар, сув билан таъминловчи сардо-  
балар, мамлакат ҳудудларини ҳимоя қилиш иншоотла-  
ри — соқчиҳоналар, қўргонлар ва юксак деворлар кур-  
ганиларки, булар ҳам давлатнинг таянчларидан ҳисоб-  
ланади.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, турли  
мақсадларда фойдаланиш учун катта-кичик биноларни  
куриш ўзи бир иш, уларни (худди экинзорларни, боғ-  
роғларни парвариш қилиш, одам боласига таълим-тар-  
бия бериб бориши заруратидек) муттасил таъмирлаб, аж-  
доддан авлодга ўтказиб туриш бу — иккинчи бир юмуш.  
Шу иш ва юмуш биргаликда олиб борилмаганда, юр-  
тимизда сақланиб қолган осори атиқаларимиз бизгача  
етиб келмаган бўлиши турган гап эди. Эскиларни таъ-  
мирлаб сафда сақлаб туриш, янгиларини куриш биз-  
ким, ўзбекларнинг курилиш бобидаги азалий удуми ва  
анъянасидир. Мұхтарам Юртбошимиз таъбири билан  
айтганда, бунёдкор ҳалқ бузмайди, куради, яратади,  
борлари ёнига янгиларини тиклайди!

Минг афсуслар бўлсинки, кўриб, билиб ва эшитиб турибмиз — бизким, ўзбекларнинг ўтмишда тарихий ватанлари бўлмиш айрим худудларда улуғ ва бунёдкор аждодларимиз томонидан Қурилган ва қурдирилган қанчалаб буюк осори атиқалар бепарволик, жони ачимаслик, бегоналиқ, қадрига тушуниб етмаслик, жумладан, атайн қаровсиз қоғдирилиб ва, шунингдек, беҳуда жангу жалаллар ҳамда тус-тўполонлар оқибатида маҳв этилди ва маҳв этилмоқда. Ўшандай ноҳуш манзаралар билан биздаги осори атиқаларнинг ҳозирги кўринишларини бир-бирига қиёсласак, миллий давлатнинг мавжудлиги миллий моддий-маданий ёдгорликларнинг бошхимоячиси эканига чуқурроқ тушуниб етамиз. Давлатчиликнинг моҳияти ва давлатнинг аҳамияти ана шунда ҳам яққол кўриниб турибди.

Қўшин давлатнинг таянчларидан бири бўлгани аниқ. **Ўз** кўшинига эга бўлмаган ёки ўз кўшинини сақлай олмаган ҳалқ ўзгаларнинг кўшинини боқишига мажбур бўлади деган ибора беҳуда пайдо бўлмаган, албатта. Тарихда ўн саккизта салтанатни қурган туркий тилли ҳалқ түгма жанговар бўлган. Қадимда тўрт яшар бола от минишни билган, етти яшарлигига камондан ўқ уза олган, ўн икки ёшида балоғатга етган ҳисобланиб, уқувда, ботирликлар ва етакчиликда бошқалардан ажрабли турса, кўшиннинг маълум қисмини бошқариш ҳуқуқига эга бўла олган. Бобур мирзо ўн икки ёшида Фаргона мамлакатининг олий ҳукмдори бўлганини, ёки бўлмаса Амир Темурнинг тўнғич ўғли ва валиаҳди Жаҳонгир мирзо ўн олти ёшида Соҳибқироннинг Хиндистон юришида кўшиннинг ўнг қанотига лашкарбосилик қылганини, Деҳли ҳокими жангга жанговар филиарини солганида, тадбир кўллаб, уларни дафъ этганини, Соҳибқирон бу ғалабани унинг номига иншо қилдирганини бир эсланг.

Бизким, ўзбекларнинг кўшини аввало мунтазам астарлар ва ҳалқ лашкарларидан иборат бўлган. Мунтазам аскарлар давлат ва ватан ҳимоясида доимо шай туриб, давлат хазинасидан белгиланган миқдорда ҳарбий унвонлари, дараҷалари, мартабаларига яраша ойлик олиб, бутун умрларини шу касбга бағишилаганлар. Ҳарбий унвонлар одатда оддий ўнлик тартиби буйича юқорилашиб борган: ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туманбоши (туманбеги). Булардан юқорилари бегларбеги — амир, улуғ амир.

Ҳозирги ибора билан изоҳласак, амирни генералга,

улуғ амирни маршалга қиёс этиш мумкин. Масалан, Алишербек Навоий Фиёсиддин баҳодир ўели Султон Ҳусайн Бойқаро фармони билан аввал амирлик, кейин улуғ амирлик мартабасига сазовор бўлган. Санаб ўтилган ҳарбий унвонлардан ташқари қўшин турлари ва хизмат вазифаларига кўра бошқа ҳарбий унвонлар ҳам бўлган. Чунончи, қўрчи, йўлчибоши, ясовулбоши ва шу кабилар.

Оддий аскар билан ўнбоши, ўнбоши билан юзбоши, юзбоши билан мингбоши, мингбоши билан туманбоши ўрталарида маълум миқдордаги аскарларга бошчилик қиласиган кишиларга бериладиган ҳарбий унвонлар ҳам бўлган. Масалан, беш юз кишилик қўшин бошлиги тўқсабо дейилган. Булардан ташқари фахрий ҳарбий унвонлар ҳам бўлган, уларга сазовор бўлган кишилар тинчлик даврларда бевосита ҳарбий хизмат билан шуғулланмасалар-да, сарой аҳли ва эл-юрт олдида муайян даражада ижтимоий мавқега эга бўлганлар, хазинадан маош олганлар. Масалан, Алишер Навоий Самарқандда яшаб, таҳсил олган йилларда Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек уни ўз ҳомийлигига олиб, унга чигатойбеги унвонини беради. Бу унвон ҳозирги ибора билан айтганда, капитан унвонига тенг бўлиб, унинг соҳиби давлат томонидан моддий таъминланган ва саройга, бу ўринда Кўксаройга эмин-эркин кириб-чиқиш ҳукуқига расман эга бўлган, шунга яраша жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳимояланган ҳам.

Давлат ва мамлакат бошига таҳликали кунлар тушганида, ёв бостонда эл-юрт ҳимояси учун мунтазам қўшин сафига ҳалқ лашкарлари келиб қўшилганлар. ҳамма оёққа турган, деҳқон ўргонини чўқморга, косиб бигизини камонга алмаштирган ва ҳоказо. Ватан ҳимояси учун етти ёшдан етмиш ёшгача бутун ҳалойиқ жангга кирди, деган ибора ана ўша умумҳарбий сафарбарлик ҳолатларидан келиб чиққандир.

Мунтазам ўзбек қўшини асосан отлиқ аскарлар ва пиёдалардан иборат бўлган, улов сифатида туялардан ҳам фойдаланилган, Султон Маҳмуд Фазнавий ва Амир Темур қўшинларида ўргатилган жанговар филлар ҳам бўлган. Олис ўлкаларга бориладиган ва узоқ вақт давом этиши кутиладиган жиддий сафарларда ҳар бир отлиқ аскарнинг ёнида бошқа қурол-яроғлар, жанг асбоб-анжомлари билан бирга бир-иккиталан захира оти ҳам бўлган. Масалан, Соҳибқироннинг Тұхтамишхон устига қилган юришида шундай бўлганини күпгина тарихчилар ёзиб қолдиришган.

Умуман олганда, отсиз, отлиқ аскарсиз ўзбек қүшини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳалқимиз орасида отоламнинг вафодор дўсти экани ҳақида кўплаб афсоналар, ривоятлар яратилгани ва кенг тарқалгани бежиз эмас, албатта.

Отнинг улов воситаси сифатидаги аҳамиятидан ташқари турмушда яна бошқа ўрни ҳам бор. У ҳам бўлса шуки, от барча туркий тилли халқлар наздида гўшти, қимизи ва ошланган териси ҳалол ҳайвонлардан ҳисобланади. Азалдан шундай бўлиб келган. Мусудмончиликнинг дастлабки йилларида, аниқроғи, ҳижрий биринчи асрда ва ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи ярмида уламолар ўргасида отнинг ҳалол ёки ҳаромлиги тўғрисида яқдил фикр бўлмай, иккиланишлар, тортишувлар ҳам юз бериб келган.

Ҳижрий 150, милодий 767 йилда Имом Аъзам — Абу Ҳанифа Нұймон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ бундай тортишувларга узил-кесил чек қўйиб, от гўшти ҳалол, деб шаръий ҳукм-фатво чиқарадилар. Бу воқеа шундай юз беради. Ҳалифа Жаъфар ал-Мансур ҳалифалик пойтахти Бағдодда қозилик қилишлари учун Имом Аъзамни Куфадан ҷақириб олади. Лекин Имом Аъзам қозилик қилишдан бош тортадилар. Аччиқланган ҳалифа ул ҳазратни ҳибс эттиради ва Бағдод зиндонига ташлаттиради. Исломдаги икки асосий йұналишнинг бири бўлмиши аҳли сунна вал жамоат йұналиши — суннийлик тўрт мазҳабидаги биринчи улуғ имом — Имом Аъзам, билимдонлик ва ибодатла, тақводорлик ва қориликла, сўзу ишда бирликда, илмига қаттиқ амал қилишликда замонасисининг яктоси бўлган, энг катта жасорат ҳокимга тўғри сўзни айтиш, деб ҳадиси шарифга риоя қилган, уз диний қарашларини асослашда Қуръони карим, Ҳадиси шариф, ижмоъ, қиёс, саҳобаи киромларнинг қавлларига суюнган, яхши хулқ ва одоб соҳиби бўлган.

Салқам 70 йиллик умри давомида 55 марта муборак ҳаж зиёратини ўтаган мусулмони комил ва фозил инсон — Нұймон ибн Собит ҳазратлари зиндонда ҳам туну кун илм билан машғул бўладилар, муаммоли диний масалаларнинг ечимини излайдилар. Ул улуғ зотнинг зиндондаги аҳволларидан садоқатли шогирдлари ва сафдошларидан Имом Мұхаммад ва Имом Абу Юсуф ва бошқалар ҳабар олиб туришарди. Вафотларига 3 кун қолганида ечган масалаларидан бири от гўшти ҳалол экани ҳақида эди (қиёс илмига муво-

фиқ гүшти ҳалол ҳайвоннинг сути ва ошланган тери-  
си ҳам ҳалол ҳисобланади) ва бу хусусда ғазотлардан  
бирида, жанг ғалаба билан тутагач, қозонилган зафар  
шарафига ғозийлар учун бир неча катта қозонларда  
турли ҳайвонларнинг гүштлари пиширилганда Мұхам-  
мад алайхассалом күй, эчки, от гүштидан ва шұра-  
сидан татиб күрганликларига доир саҳиҳ (ишончли)  
ҳадисга асосланиб фатво чиқарадилар. Бу фатво шо-  
гирлари орқали ҳалойиқа етказилади. Шу тариқа,  
бутун Ислом оламида, айниқса, отсиз туролмайдиган  
туркий тилли ҳалқлар орасида отниңг гүшти, қимизи  
ва ошланган териси ҳалол экани шаръан жорий эти-  
лади, бу ҳақда фатво тарқалади. Туркий тилли ҳалқлар  
орасида моликия, ҳанбалия ва шофиия мазҳабларига  
қараганда ҳанафия мазҳабининг кенг тарқалишига бал-  
ки мазкур фатвонинг сезиларли таъсири бўлиши  
эҳтимолдан узоқ эмас. Валлоҳи аълам.

От билан боғлиқ бу тафсилот айрим кишиларга эриш  
тюлиши, асосий мавзумиз — миллий давлатчилигиги-  
миз тарихи мавзуга бевосита алоқаси йўқдай сезити-  
ши мумкин. Сиртдан қараганда шундай. Бироқ, шуни  
унутмаслик керакки, миллий давлатчилигимиз тарихи  
айни пайтда ҳалқимиз миллий турмуши тарихи ҳам-  
дир. Миллий давлатчилик миллий турмуш тарзидан ўсиб  
чиқади. Айни пайтда миллий давлатчилик миллий тур-  
муш тарзини ҳимоя қилади, миллий узандан боришга  
йўналтириб, етаклаб туради. Булар — бир-бирига боғлиқ  
нарсалар. Бирисиз иккинчиси бўлиши, жилла курса  
узоқ сақланиб қолиши амри маҳол. Масалан, миллий  
давлатсиз қолган ҳалқ, айниқса, бу ҳолат узоқ давом  
этса, ўзгалар таъсири остида ўз миллий қиёфасидан  
айрилиб қолиши мумкин. Чунки миллий турмуш тарзи  
миллий қиёфани сақлаб туради ва бойитиб боради.

Қўшин ҳақида гапираётib от ва у билан боғлиқ  
фатво хусусида билоихтиёр шунинг учун ҳам тұхталиб  
ұтмоқдамизки, ұтмищдаги турмуш тарзимизни, қўши-  
нимизни ҳам, албатта, отсиз тасаввур қилиб бўлмайди.  
От ҳалқимизда асосий улов ҳисобланган. Шу боисдан  
ҳам ҳозирги транспорт воситаси маъносида ұтмиши  
от-улов ибораси қўлланган, от ва улов сұzlари қўшиб,  
биргаликда ишлатилган. От хонаки ҳайвонлардан бири,  
асосий улов воситаси бўлишидан ташқари, юқорида  
айтиб ұтганимиздек, қўшинимизда отлиқ аскарлар етак-  
чилик қилган.

Соҳибқироннинг уч йиллик, беш йиллик ва етти

Илдик ҳарбий юришларини юкчи ва жанговар отларсиз, от-уловсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун йилқиличикка, узок сафарларга чидамли юкчи ва жанговар отларнинг зотини яхшилаб боришга давлат миқёсида катта аҳамият берилган, саройларда бу ишларга мутасаддилек қилувчи маҳсус амалдорлар — мироҳӯр (амири оҳӯр) ва сайислар фаолият кўрсатган. Ҳудлас, от қадим-қадим замонлардан ҳалқимизнинг оддий ва ҳарбий турмушида катта ўрин эгаллаб келганки, бу ҳол натижаси ўлароқ тилимизда от-улов билан юзлаб атамалар — тойчоқ, тойча, той, фўон, дўнон, жилов, юган, сувлуқ, эгар, жабдуқ, хомут, тақа ва шу кабилар вужудга келган; икки яшаргача бўлган отга тойчоқ, тойча, той дейилган, икки ёшга тўлган айғир от фўон деб, уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от дўнон деб аталган, олти ёшга тўлган айғир ва бия от дейилган; юганинг от оғзиға солинадиган металл қисмига сувлуқ дейилган...

Умуман олганда, тилимизда атамалар, айниқса, ҳарбий атамалар, ҳарбий буйруқлар чуқур ва кенг ишланганки, булар шўролар замонида ўз мудофаа қўшинларимиз бўлмагани сабабли унутилаёди. Шу боисдан мисол тариқасида улардан айримларини эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз. Чунки бу ҳам миллий давлатчилигимиз тарихига бевосита тегишил нарсалардандир. Тагини суриштирансангиз, ҳозирги «ура»лар ҳам аслида ўзимизнинг ўша қадим «ур, ҳо, ур!», «ур, ҳо, ур!»лардан келиб чиқиб, шакли ва талаффуз этилиши бир оз ўзгарган тарзда бошқа тилларга ҳам кучиб ўтган. Аскарларимиз жангга кириш вақтида бирдан ва бараварига «Ҳай-у ҳай!» Ур, ҳо, ур!» деб қичқиргандар. Бунга сурон, сурон солмоқ дейилади.

Шавкатли қўшин давлат таянчларидан бири, унинг салобатини, шукухини белгилайди, эл-юргни қўриқлайди. Ўтмишдаги қўшинимизнинг салоҳияти ва ҳарбий санъати ҳақида китобхонда муайян даражада тасаввур ҳосил қилиш учун бир неча мисоллар келтирамиз. Масалан, Амир Темур қўшинининг тузилиши (тактикаси) шундай бўлган. Ҳировул — қўшиннинг илғор қисми кетидан борувчи қисм; шиқовул — қўшиннинг сўл қанотини қўриқловчи қисм; чоповул — тўсатдан босқин қилувчи қисм; жавонғор — қўшиннинг сўл қаноти; баронғор — қўшиннинг ўнг қаноти; қўл — қўшиннинг марказий асосий қисми.

Ҳарбий мудофаа иншоотлари ва воситалари (айрим-

**лари):** сарой, арк, ўрда — хукumat жойлашган шаҳар ичидаги мустаҳкам бино; бурж — қалъа минораси; бўлжар — қўшин йигилув жойи, соқчилик пости — истеҳком; куран — қўшиннинг атрофи ўралган қароргоҳи; манар — соқчи минораси; монқу — зовур ва хандақларга қўйиладиган учи ўткир қозиқлар; саркуб — қамал қилувчилар томонидан қалъа атрофига ўз мудофаалари учун тош ва тупроқдан ўюлган тўсик; тўпхона; хандақ (чоҳ, ўра) — окоп; чапар — мудофаа жанги ёки душман яқинида дам олишда қилинган хандақ олди тўсиги, шоҳ-шаббадан ишланган девор; нарвон; шинак — қўргон ва қалъа каби истеҳкомлар деворларида душманни кузатиш ва ўқ узиш учун қилинган маҳсус туйнук; ўрдугоҳ — қўшин қўнадиган ёки туродиган жой — ҳарбий лагер, қалъа, қўргон; қўрхона — қуролхона; қўш — вақтинча қўниш жойи ва бошқалар.

**Ҳарбий даражалар, унвонлар ва мансаблар (айримлари):** амир — лашкарбоши; амири лашкар ва амир улумаро (амирлар амири) — темурийлар давлатида олий ҳарбий унвон; аскарбоши — катта аскарий қисм бошлиғи; баҳодир — урушда курсатилган катта жасорат учун берилган унвон; бўлжарбеги — қўшин йигилув пункти бошлиғи; дарбон — сарой дарвозаси қуриқчиси, пойтахт ҳафсизлигини таъминловчи бўлинма ва қуроляроғлар мутасаддиси; дарвозабеги — шаҳар дарвозаларини идора этувчи мансабдор; доруга — шаҳар ҳокими; илғорбеги — қўшиннинг олдинги қисми (авангард) бошлиғи; нақиб — Бухоро амирлигига ҳарбий назоратчи; паҳлавон — кучли, жасоратли жангчига бериладиган унвон; сўзавул — қолиб кетган жангчиларни тўпловчи зобит; тавачи — муҳим топшириқларни бажарувчи киши; тунқатор — тунги қоровул; турначи — ҳарбий қаторни сафлаш билан шуғулланувчи зобит, қадим Туркистонда ва Усмонилар давлатида човуш ҳам дейилган, Хива хонлигига эса хабарчини човуш дейилган; тусқавул — йўл соқчиси; түгчибоши — ҳарбий қисм туғини олиб юрувчи ва қўриқчовчи бўлинма бошлиғи, түғбеги ва түқсовул деб айтилган; чандавул — қўшин ортини ҳимоя қилувчи бўлинма бошлиғи; юрчи — ҳарбий бўлинмаларни жойлаштирувчи ва таъминотчи; қоровулбеки — қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий бўлинмаларнинг бошлиғи; курбеки — ҳарбий омбор бошлиғи, жибачи деб ҳам аталган; кутвол — қалъа бошлиғи; күшбеки — илгариги замонларда шоҳони

ов мугасалдиси, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бош вазир; кўрбоши — қурол-аслаҳа омбори, яъни қўрхонанинг бошлиғи, шўроларга қарши миллий озодлик учун курашган ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари, масалан, Мадаминбек; Қўшинбеги — ҳарбий қисм бошлиғи ва ҳоказо.

**Курол турлари ва кийимлар, анжомлар (айримлари):** багтар — темирдан ясалган, усти баҳмал ёки заррин мато билан ўралган жанг кийими; баргуствон — жангчи ва отнинг маҳсус металл ёпқичи; башақ — ўқ учлиги, пойнак ҳам дейилади; бошқиян — қувури калта қурол, яъни туяга ортиладиган тўп; дубулға — тиф ёки ўқдан сақланиш учун темир ёки пўлатдан ясалган бош кийим; жавшан — жангчи баданини жароҳатдан сақлайдиган жез, темир ва пўлат таҳтачалардан иборат кийим, совут, кўк темир, зирҳ ҳам дейилади; жубба — жангчини ёй ўқи, қилич ва найзадан сақлаш учун симдан тўқилган кийим; зарбзан — аравага жойланган тўп; манжаниқ — тош отадиган қурол; арода — девортешар асбоб; чапар — бутун гавдани тусадиган катта қалқон; қаробуғро — ёнувчи моддани иргитадиган асбоб; начах — калта найза; ойболта — тифи янги туғилган ой шаклида, уни гажаксимон қайрилган, дастаси узун болта; палахмон — катта-катта тошларни отадиган қурол; сопқон — ичига нисбатан кичик тош солиб отиладиган қурол; тура — одам бўйи келадиган қалқон; пилта милтиқ — пороҳ заряди пилик ва (пилта) билан аланга олдириладиган силлиқ қувурли милтиқ; түфанг — чақмоқтош ёрдамида отадиган пилта милтиқ; чўқмор — тўқмоқ шаклидаги жанг қуроли, ёғоч даста учига тиканли қилиб металл шар ўрнатилган қурол, форс тилли халқларда гурзи дейилали, шашпар деб аталади; шоп — уни орқага қайрилган қилич; қалқон — қилич, найза ва шу каби тиғли қуроллар зарбидан сақланиш учун ишлатиладиган ҳимоя қуроли (қалқонлар доира, туртбурчак ва бошқа шаклларда ишланган) ва ҳоказо.

**Жанг турлари (айримлари):** илик олиш — қўл жангиги; камонбозлиқ — камондан ўқ ёғдириш; тўлғама — айланниб ўтиш, ён томондан ўққа тутиш, маҳсус ҳарбий тактика; чеп — очиқ майдонда арава ва бошқа нарсларни бир-бирига зич қўйиб ҳимояланган ҳолда жанг қилиш; чопқин — тиғли қурол-яроғ билан ёппасига чопиш; Қирпичноқ — пиҷоқ билан уришиш; қиличбозлик — қилич билан жанг қилиш; найзабозлиқ — найза

билан жанг қилиш; ҳамла — душман устига ташланыш; ҳужум — душман устига катта ҳарбий күч билан ёппасига ташланиш ва ҳоказо.

**Құшин турлари, тузилиши ва тартиби (айримлари):** баронғор — құшиннинг ўнг қаноти, ўнг құл ёки ён ҳам дейилган; будал — құшин әгаллаган позиция; жавонғор — құшиннинг сұл қаноти, сұл құл ёки ён ҳам дейилган; илғор — құшиннинг олдинги қисми, авангард; ёзак, язак — тунги соқчи, құшиннинг олдинги қисмини құриқладыған бұлинма; манглай — құшиннинг олдинги қисми; ошлиғчи, йұртагул — чорва молларини ҳайдаб келувчи бұлинма; пусу, пустара — пистирма, сир; сонсиз — 10 минг аскардан иборат сараланған қисм, улар құшин марказида турған, буларадан саралаб олинған 12 бұлинма олдинги қаторда турған; чандовул — құшин ортини ҳимоя қылувчи бұлинма; черик — ҳарбий юриш олдидан тұпланадыған номунтазам құшин, халқ лашкари ҳам дейилган; чоповул — тұsatдан босқын қылувчи ҳарбий қисм, Амир Темур құшинида ўнг қанот олди; шиқовул — құшиннинг сұл қанотини құриқлаб түрувчи қисм, Амир Темур құшинида чап қанот олди; қалб — құшиннинг марказий қисми, құл, ғул ҳам дейилган; қатор — олдинги қатор; қоровул — құшиннинг олдида борувчи хабарчи бұлинма; құвғинчи — ёвни таъқиб қылувчи қисм; кунбул, байракчи, чаноқ — қаноттарни құшимча құриқловчи бұлинмалар; ҳировул — құшиннинг илғор қисми кетидан борувчи қисм ва ҳоказо.

**Ҳарбий мусиқа ва өзіншілдер (айримлари):** карнай, сурнай, ноғора; құс — катта ноғора; дүл ноғора — гүмбұллаган товуш берадыған тубдор катта ноғора; наққора — асоси сополдан ясалиб, устига әкім қийик териси қопланған; бурғу — карнай ва сурнай шаклидаги қадимий өзіншілдер; чандовул, довул — ноғора гардиши доира шаклида бўлиб, ҳар икки томонига тери қопланған. Саройларда асосан карнай, сурнай, ноғора сақланадыған ва шу өзіншілдер ижроғында мұлжалланған жой наққорахона ёки ноғорахона деб аталған. Масалан, Бухоро Арқи дарвозаси устида шундай хона бўлған.

**Ҳарбий түшунчаларни билдириувчи атамалар (баъзилари):** ёрлиқ; тунқал, танқал — олий құмандоннинг мажбурий үйілдув ҳақидағи буйруғи; үлжар — ҳарбий юриш ёки ҳужум олдидан бериладыған буйруқ; есек, ёсо — қонунлар мажмуи, бу атамалар жазога тортиш маъносида ҳам ишлатылған; ойин — ҳарбий қоида; ту-

зук, тузукот — қонун-қоидалар мажмуи, масалан, Амир Темур тузуклари; уран — жанговар чакириқ, шартли сүз, парол; ём — почта оти, чопар от, элчилар ва чопарлар қисқа дам оладиган ва от алмаштирадиган бекат, шу бекатнинг хизматчиси ёмчи ёки чопар деб аталган, русчадаги ямшик сўзи шундан келиб чиққан; мунжар — қамал пайтида ҳар бир амирга берқитилган жой; мурчил — ҳар бир ҳарбий қисм учун белгилаб берилган жой, у жойдан қалья буржлари ва дарвозаларга қараб ер остидан лаҳм қазиб борилган; нафтандоз — нефтни ёндириб отувчи аскар, қамалдаги қальяга нефт отувчи маҳсус қурилма; нақб — қамал пайтида қалья сари ер остидан қазиладиган лаҳм; ошлиғ — ҳарбий юришлар пайтида лашкар эҳтиёжи учун тұпланған дон-дун, озиқ-овқат; тавочи — лашкар йиғищ, қүшинларнинг тұхташ үрнини белгилаш, қүшинни қурикка ҳозирлаш, ҳавф юз бергандан аҳолини қалья ичкарисига күчириш ва шу каби бошқа вазифаларни бажарған мансабдор; танҳо — лашкар бошлиқлари ва кичик сарой хизматчилари учун маош сифатида берилған инъом; тархон — амирларга бериладиган имтиёзли унвон, бу унвон эгаси барча солиқлардан озод қилинған; тағор — ҳарбий юриш пайтида аҳолидан тұпланадиган дон-дун; укулка — аскарларга жанг олдидан тарқатиладиган маҳсус совға; улуфа — отлиқ аскарларга үзи ва оти учун бериладиган маош, озиқ-овқат ва ем-хашак; чаноқ — қүшиннинг кичик қанотлари; гир ва тура — қүшинлар тұхтаганда ҳарбий саф олдига түсіб құйиладиган маҳсус четан түсік; шутурпари — тезюар түя, тезюар чопар; қози аскар — ҳарбий судья, олишмиши — ҳарбий қисмлар томонидан муайян бир ҳудуднинг ишғол қилиниши ва ҳоказо.

Юқорида келтирілған мисоллардан ҳам яққол күриниб турибдики, ўзбек давлатчилигининг таянчлардан бири бўлмиш қүшинимиз жанговар бой тарихига, ҳарбий санъатига, курол турлари ва жанговар кимлар ва сафар анжомларига, жанг ва қүшин турларига, ўзига хос тузилишга, ҳарбий мудофаа иншоотлари ва воситаларига, ҳарбий мусиқа ва чолгуларига, ҳарбий даражалари, унвонлари ва мансабларига ҳамда ана шу нарасалар лўнда ифодаланған ҳарбий атамаларга эгалар. Қүшинимиз олис ўтмишда ва ўрта асрларда Осиё қитъаси миқёсида ўз замонаси талабига кўра энг куратли қүшинлардан бири бўлган. Унинг куч-кудрат ва шон-шуҳрат бобида эришган энг олий даражаси

Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ десак, янгишмасак керак. Шунингдек, Салжуқбек, Айтпегин, Сабуктегин, Алпарслон, Маҳмуд Фазнавий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Жаҳонгир мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бобур мирзо, Муҳаммад Шайбоний ва шулар каби юзлаб лашкарбошимиз билан фахрлансанак арзиди. Шунинг учун ҳам шўролар замонила «фалончи узбеклардан чиқкан биринчи генераль» деган гаплар аслида ҳалқимизнинг бой жанговар ўтмини инкор этиш, ҳарбий салоҳиятини камситиш эди. холос. Чунки ҳалқнинг ҳарбий шукуҳи унга кўтарилик сиёсий руҳ бағишлайди.

Шу ўринда мулоҳаза тариқасида бу фикрни айтиб ўтамиш: қўшин — давлат ҳимоячиси, эл-юрг кўриқчиси. Узбек қўшиналари асрлар мобайнида ҳалқимизни, Туркистон заминида яшаб келган қўшини ҳалқлар ва элатларни ҳам турли бало-қазолардан сақлаб келишда асосий балогардон бўлдилар. Бунга энг сўнгги ва оддигина мисол шуки, ўзбек давлатлари бўлмиш Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликлари таркибида ва уларнинг фуқаролари бўлган қардош ва қўшни ҳалқлар толе юлдузлари чараклаб бугунги кунда ўз давлатчиликларига эришдилар, мустақил давлатларига эга бўлдилар. Ўзбек давлатчилигининг, демакким, шон-шавкатли ва шукуҳли қўшиналаримизнинг тарихий хизматларидан бири ана шунда ҳам кўринади.

**Маънавият** — миллий давлатчилигимиз таянчларидан бири, десак, бизнингча, бу — камлик қиласи. Рамзий қилиб айтганда, агар давлатчиликнинг юста таянч устуни бўлади, деб ҳисобланса, шулардан тенг ярми маънавий устунлардир, десак муболага бўлмайди. Чунки маънавий устунлар кўзга ташланмайди, уларни кўтар кўз билан куриб бўлмайди, кўнгил кўзи билан илғанади, ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан ҳис этилади. Бу ҳолни шунта қиёс этиш мумкинки, банда Оллоҳни кузи билан кўрмаган, балки ақл-идроқи билан фаҳмлаган, кўнглида топган...

Маълумки, моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қурдат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш — онгиз ва руҳсиз маҳлуқларга хос. Маънавиятга интилиш руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамга хос фазилатдир. Маънавият — одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. У — жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечини-

малари, ақлий қобиляти, идрокини мужассамлантирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятиниң негизи, инсон ва жамият ҳәти маълум йўналишиниң бош омилидир. У муайян иқтисодий-юхтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тувишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ эта боради, ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади. Давлатнинг инқирози жамиятнинг маънавий тубанлашишидан бошланади. Мустақиллик йилларила муҳтарам Юртбошимиз ҳомийлигила маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгариб, унинг бойиб боришига кучли эътибор берилаетганининг боиси ҳам ана шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Маънавият жамият ва мілллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. У кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини ҳам ўзига қамрайди.

Маърифат табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасидир. Кишиларнинг билими, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбияга ҳам маърифат дейилади. Маърифатни турмушга сингдириш маориф ва маданият тизимлари орқали амалга оширилади. Демак, маърифат — билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш қуроли, воситасидир. Маориф асосан умумий ва ўрта маҳсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртлари тармоқларини қарамогига олади. Маърифат тушунчаси эса кенгроқ бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамияттга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатчиликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, оқ-корани таниган, фидойи, элим деб, юртим леб ёниб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли сиймолари маърифатчилик билан шуғулланадилар. Маърифатчилар одатда давр учун, жамиятнинг бугуни ва кедажаги учун ўта муҳим бўлган ғояларни кўтариб чиқалилар ва шу ғояларни амалга ошириш учун изчил кураш олиб борадилар. Ҳар даврнинг ўз маърифатчилари ва ўз маърифатчилари бўлади.

Қачонки, маънавият масалаларига кучли эътибор бериллиб, маънавий юксалишга эришилган давларда давлатчилигимиз ҳам қурдатли ва салобатли бўлган. Бу

фикрни биргина Амир Темур ва темурийлар дарвиде. Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижоди шундай бир буюк маънавий хазинаки, ундан тафаккур доирасидаги жуда кўп муаммоларга ечим, саволларга эса жавоб топиш мумкин. Биз билган ва яшаб турган оламда Күёш битта бўлганидек, ҳар бир миллат манглайида ўзининг битта Күёши бўлади, у тақорорланмайди ва сира сўнмайди. Алишер Навоий биз учун шудай Кўёшдир. Бу фикримиз исботи учун Навоий бобомизнинг сўз бойлигини мисол қилиб келтира қоламиз. Жаҳон тилшунос олимлари дунё миқёсида эътироф этилган энг улуғ ижодкорларнинг сўз бойликлари буйича тадқиқот ўтказиб, куйидаги натижага эришганлар:

Алишер Навоий 26 минг 35 та,  
Александр Пушкин 21 минг 193 та,  
Улям Шекспир 20 мингдан ортиқ,  
Мигел де Сервантес 18 мингдан ортиқ,  
Абдураҳмон Жомий 17 минг 600 та,  
Абдулла Тўқай 14 мингдан ортиқ  
сўзни ўз бадиий ва илмий асарларида ишлатганлар,  
такорорий қўллашлар бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, даҳо шоири миз сўз бойлиги бобида ҳам жаҳон улуғларига сарварлик қиласидилар. Бу бизким, ўзбекларнинг тафаккурий камолоти ва заковатига ҳам ёрқин далиллар. Навоий ҳазратларининг сўз хусусидаги пешқадамликтарини шунинг учун ҳам билоихтиёр далил қилиб келтирмоқдамизки, киши онгига аввало бирор нарса тўғрисида тушунча, тасаввур пайдо бўлади, кейин шу тушунча ва тасаввурни ифодалаш учун сўз ишлатилади, мабодо ҳалқнинг лисоний бисотида буни ифодалаш учун сўз бўлмаса, янги сўз яратилади. Бинобарин нарсалар тўғрисидаги тушунча ва тасаввурлар сўз орқали ифодаланади. Бироқ сўз кўзга кўринмайди, сўзниң ҳарфий ифодаси — унинг ташқи кўрининади, шаклинир; сўзни мазмуни эса фаҳм қилинади, илроқ этиладиким, бу ҳалқ тафаккур уммонининг чуқурлиги ва кенглиги билан белгиланади.

Чиндан-да, бизким, ўзбекларнинг тафаккур уммони буюклир, сўзимизда, сўзларимизда шу уммоннинг томчилари ифодаланади, уммонимиз бемисл бўлгани учун

ҳам сўзларимиз кўп, буни Навоий бобомиз ҳам исбот-лаб ўтганлар, шу боис биз миннатдор авлод вакили сифатида ул муҳтарам зотни тилга олиб ўтдик. Яна шуниси ҳам борки, илгаридан мавжуд бўлган ёки янги түгилган тушунча ва тасавурлар, хоҳ улар илоҳиятга доир бўлсин, хоҳ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларга тегишли қашфиёт ва ихтиrolар бўлсин, ба-рибир сўз орқали ифодаланади: илми тафсиранд тортаб математик формулаларгача шундай.

Шу ўринда муҳтарам Юрбошимизнинг ҳалқимизга нисбатан айтган ушбу таъриф-тавсифини келтиришни жоиз деб биламиш: «Бизнинг аждодларимиз, ҳалқимиз қадим-қалимдан утрок яшаган, миллатимизнинг илиги утрок маданият шароитида қотган. Ҳалқимиздаги «илиги түқ, бақувват» деган тушунча, мен ҳатто қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек ҳалқининг илиги түқ, бақувват демоқчиман.** Яна тилимизда «тагли-тугли», «палаги тоза» деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун омманни, бир неча юз минглаб, миллионлаб аҳолини бирлаштирган ақидаларга, мезон ва қоидаларга эга бўлган ҳалқни қандай изоҳлаш, таърифлаш мумкин? Ана шу ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсан, таъриф ва изоҳ битта бўлади — миллий борлиғимиз, маданиятимиз илдизи, томири утрок бўлган». Ана шу миллионлаб ҳалқни бирлаштирган омиллардан бири — миллатимизнинг маънавий белбоғи — она тилимиздир. Шу тида ижод қылган ва уни бойитган Алишер бобомизга жаҳон лисоний мусобақасида биринчи ўрин берилган экан, бу ҳам муҳтарам Йулбошчимизнинг фикрини тасдиқлайди: ҳалқимизнинг илиги түқ, бақувватdir.

Алишер Навоий даҳоси бўм-бўш саҳрова вужудга келган эмас, албатта. Бунга бой маданий ва маърифий замин, маънавий асос бор эди. Энг муҳими, миллий давлатимиз мавжуд эди. Тилдек ҳеч бир соҳа йўқки, миллий давлат ҳимоясига қаттиқ муҳтоҷлик сезмасин. Алишер Навоийнинг ўзи беҳабар ҳолда жаҳон лисоний мусобақасида биринчи ўрин эгаллашида Султон Ҳусайн Бойкаро ўзбек (туркӣ) тилига давлат тили мақомини бериш ҳақида чиқарган фармоннинг ҳам ҳиссаси борлиги шубҳасизdir.

Умуман олганда, X асрдан бошлаб сиёсий ҳокимият араблар кўлидан туркӣ тилли ҳалқлар ва сулолалар

қўлига ўта бошлаши натижасида туркий тил ўша замон-да халқаро ва мамлакатларо тил мавқеига эри-шишга киришган. Бу қорахонийлар, салжуқийлар, газ-навийлар сулолалари ва хоразмшоҳлар фаолияти билан боғлиқ; ўша даврда Фазнадан Қоҳирагача, Ҳиротдан Булғоргача, Шарқий Туркистондан Болқонгача туркий тил асосий халқаро алоқа воситасига айланади. Амир Темур ва темурийлар замонида туркий (ўзбек) тилининг қадри ошди, мавқеи кучайди. Алишер Навоий даҳосининг юз кўрсатиши ана шу ҳолнинг бир инъико-сидир. Бугина эмас, то бунгача Қутб Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Сайфи Саройи, Лутфий. Отойи, Саккокий каби сўз санъаткорлари она тилимизда баракали ижод қилиб, безавол мерос қоллирган эдилар. Навоий бобомизга ана шу бадиий мерос ижодий мактаб вазифасини ўтаган. Шу билан бирга ул ҳазратга араб ва форс тилида яратилган асарлар ҳам маҳоратни оширишда ёрдамчи манба бўлиб хизмат этган.

Маълумки, араб ва форс тилида вужудга келган асарларнинг катта бир қисми туркий муаллифлар томонидан яратилган. Бу ўринда буюк Низомий Ганжавий ва Амир Ҳусрав Деҳлавий қаламларига мансуб, форсийда битилган «Ҳамса»ларни мисол қилиб келтириш билан чеклана қоламиз. Алишер Навоий улардан фарқли ўлароқ «Ҳамса»ни ўзбек тилида иншо этиб, тилимизнинг кучу қудратини, ниҳоятда бойлигини, бадиий ва илмий тафаккур доирасидаги ҳар қандай тушиунча, тасаввур, маъно ва мазмунни ифодалай олиш салоҳиятини санъаткорона намоён айлади. Туркий тилининг кучу қудратини, салоҳиятини кўрсатиш баробарида халқимизни тил бобида ҳам кўксини баланд, қаддини тик, кўнглини чоғ қилиб, маънавий оламини бойитди.

Ўзбек тилининг ички имкониятлари шу қадар кенг ва теранки, дунёдаги ҳамма тиллар ҳам бу борада унга тенгглаша олмайди, айниқса, жуда нозик маъноларни ифодалашда унинг олдига туша оладигани йўқ. Ўзбек миллиатининг жонкуяри ва фидойиларидан бири булмиш Абдурауф Фитрат «Иштирокион» газетасининг 1919 йил 12 июн сонида босилган «Тилимиз» деган мақолосида ўзбек тилининг бойлиги, сўз ясалишининг кенглиги, мукаммалиги тўғрисида сўзлаб, биргина «биль феълидан 99 та сўз ясаб, тилимизнинг «араб, форс, рус, немис, француз тилларидан» мукаммалроқ ва нозик рок эканини курсатади.

Биргина кўмакчи феъллар мисолидаёқ ўзбек тили-

нинг қай даражада имкониятлари кенг эканлиги ҳақида аник тасаввурга эга булиш мумкин. Тилимизда эса 30 га яқин қўмакчи феъл бор. Улар ҳаракатни турли-турман қирралари, хусусиятлари билан ифодалашга хизмат қиласди. Куйидаги мисолларга эътибор берсангиз, ўзингиз бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз: йиқилиб тушда, йиқилиб кетди, йиқилиб қолди, йиқила ёзди, йиқитиб юборди, йиқитиб кўрди, йиқитиб қўйди, йиқитиб олди, йиқитиб берди, йиқитиб юбора қолди ва бошқалар. Кўмакчи феълларга хос бундай маъноларни нозик ифодалай оладиган воситалар бошқа бирор тилда учрамайди. Келтирилган мисоллардаги қўмакчи феъллар билан ифодаланаётган маъноларни бошқа тилларда алоҳида сўз, жумла ва ҳатто алоҳида гап билан ҳам тўла ва аник ифодалаш анча мушқул. Тилимизга хос бундай фазилатни йирик-йирик турколог олимлар ҳам тан олганлар. Шундай ажойиб тилимизда яратилган адабиёт ва санъат, илм-фан асарларининг оҳанрабоси кучли, мазмуни чуқур булиши турган гап.

Диққатта сазовор жойи яна шундаки, ўзбек давлат-чилигининг расмий ҳужжатларида Сўз ибораси сиёсий аҳамият ва мазмун ҳам касб этган. Мамлакат олий ҳукмдорининг муҳри қўйилган ҳар бир фармон, фармойиш ва номалар, улар сарой доирасида ўқиладими, пойтахтда жарчилар орқали эълон қилинадими ёки вилоятлару чет элларга жўнатиладими, туркий ёки форсий тилда битиладими, олий ҳукмдор қайси сулолага мансуб бўладими, бундан қатъи назар Сўз каломи билан бошланган. Чунончи, фармон, фармойиш, номалар шундай бошланган: «...Амир Темур кўрагон сўзимиз...», «Хоқон ибн хоқон Шоҳруҳ Мирзо ибн Темурбек кўрагон сўзимиз», «Хоқон ибн хоқон Султон Улугбек кўрагон сўзимиз», «Хоқон ибн хоқон Абулғозий Султон Ҳусайн Бойқаро сўзимиз», «Хони Туркистон Муҳаммад Шайбонийхон сўзимиз», «Хоқон ибн хоқон Ҳарат амиралмуслимин Сайид Муҳаммад Умархон сўзимиз» ва шу кабилар. Қўринадики, Сўз каломи ҳалқимизни бирлаштириши баробарида ҳукмдорларимизнинг аслида бир ҳалқинг, ягона ватанининг фарзандлари эканликларини билдиради, шу фармон, фармойиш ва нома туркий (ўзбек) давлат ва ҳукуматга тегишли эканини англатади. Шунинг учун ҳам Навоий бобомиз «Тилга ихтиёр, элга эътибор» деб бежиз айтмаганлар.

Бизким, ўзбекларнинг қадимий ва кўп тармоқли илм-

фани ва маданияти сингари адабиёти ва санъати ҳам барча туркий тилли ҳалқларнинг, шунингдек, кўшини ҳалқларнинг адабиёти ва санъати равнақига самарали таъсир кўрсатди. Масалан, туркияллик қардошларимиз Кўниё (Икония) султонлигига нашъу намо топган буюк юртдошимиз Жалолиддин Румийни турк адабиётининг асосчиларидан бири деб биладилар. Буюк озарбайжон шоири Мұхаммад Паноҳ ўғли Фузулий Алишер Навойни ўзининг устози деб ҳисоблаган. Шундай эътирофларни XVIII асрда яшаб ижод қилган буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумкули, XIX асрда яшаб ижод этган буюк қозоқ шоири ва маърифатчиси Абай ва бошқалар ҳам изҳор этишган.

Умуман олганда, узбек маданияти, маърифати, маънавиятининг туркий тилли, араб, форс, ҳинд ва бошка ҳалқларга самарали таъсири қадим замонлардан бошлиниб, ўрга асрларда кучайиб, сўнгги асрларда давом этиб келган ва ҳамон давом этмоқда, истиқтолга эришганимиздан кейин бу таъсир яна қадимда бўлгандек куч ола бошлади.

Туркияни — янги Туркистон деб бежиз айтишмайди. Бу мамлакатнинг, бу давлатнинг тамал тошини қўйганлар туркистонликлар, олис аждодларимиздир. Бу элга Ислом динини ёйишида жасорат кўрсатиб саъй-харакат қилган уламоларнинг кўпчилиги самарқандлик, бухоролик, термизлик, балхлик, хоразмлик, шошлиқ, фарғоналик ватандошларимиз булишгани маълум. Мирзо Улуғбек шаҳидлигидан кейин унинг сафдоши ва садоқатли шогирди Али Күшчи Истанбулда ўз фаолиятини қизғин давом эттириб, кўплаб ёшларга устозлик қилиб, усмонлилар астрономия фани равнақига катта ҳисса қўшгани ҳам тарихдан бизга маълум.

Буни қарангки, туркистонликларнинг турк илм-фани ривожидаги иштироки XIX асрда ҳам давом этган ва давом этмоқда. 1922 йили буюк адаб ҳамда давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат Бухоро Ҳалқ Жумҳуриятининг маориф нозири бўлиб хизмат қилган кезларда хорижга, жумладан, Олмонияга ўқишига юборилган 300 га яқин туркистонлик ёшлар 1927 йили таҳсил тугагач, ватанларига қайтиб келолмайдилар, уларнинг кўпчилиги олий маълумотли мутахассис сифатидан Туркияда ишлаб, яшаб қоладилар ва бу мамлакатнинг илм-фани равнақига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Саид Али, Иброҳим Ёрқин, Аҳмаджон Иброҳим, Абдумажид Иброҳим шулар жумласидандир. Масалан, Аҳмаджон

Иброҳим геология соҳасида, Иброҳим Ёрқин зироатчилик соҳасида катта мактаб яратган олимлар сифатидан Туркияда довруғ қозонадилар, уларнинг фарзандлари бутунги кунда оталари ишини шараф билан давом эттироқдалар.

Чоризм асорати ва шуролар тутқунлиги даврида ҳам маънавий қиёфасини сақлаб қолган ҳалқимиз жаҳон тамаддунига ҳисса қўшишдан тўхтаб қолмади. Маълумки, жаҳон бадиий тафаккури даражаларини белгидашда рўмон жанри мезонлардан бири ҳисобланади. Буюк ва севимли адабимиз Абдулла Қодирийгача дунёда бешта романчилик мактаби мавжуд эди. У ўзининг «Ўткан кунлар» рўмони билан олтинчи рўмончилик мактаби — ўзбек миллий рўмончилик мактабига асос солди. Бу мактаб қўшни ва қардош ҳалқлар, айниқса, туркий тилли ҳалқлар адабиёти ривожига баракали таъсир кўрсатди.

Бизким, ўзбеклар жаҳон цивилизациясига буюк Хоразмийлар, Фарғонийлар, Самарқандийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Форобийлар, Шошийлар, Марғонийлар яшаган даврларда бўлганидек, Амир Темур, Мирзо Улубек, Алишер Навоий, Ҳусайнний, Бобурлар замонида бўлганидек, яна ўз ҳиссамизни, ўзбекона улувшимизни қўшиш арафасидамиз, янада аниқроқ қилиб айтсан, миллий истиқлол шарофати билан бу ишга киришдик ҳам. Мұхтарам Президентимиз бошчилигида шилаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекона ўзига хос ва ўзига мос йўли — Ўзбекистон йўли ва бу йўл келтираётган самаралар жаҳон тафаккурий равнақига қўшилган бир ҳисса, бир мисолдир. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ва бу китобнинг ўнлаб хорижий тилларга таржима қилиниб, жаҳондаги кўпгина мамлакатлarda атоқли давлат ва жамоат арбоблари томонидан ўрганилиб, эътироф этилаётгани иккинчи бир мисолдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги доирасидаги айрим мамлакатларда юз берганидан фарқли ӯлароқ, Ўзбекистонда мураккаб ўтиш даври туполонларсиз, пўртана ларсиз кечайётгани ҳам ҳалқимизнинг бой давлатчилик анъаналари борлигидан, бу ҳаётбахш анъаналар Юртбошимиз томонидан оқилона фойдаланилаётгандигандир. Биз учун ҳозирги кунда, ўйлаймизки, бундан кейин ҳам, Ислом Каримовнинг асарлари

худди Амир Темурнинг «Тузуклари» янглиғ аҳамиятта эга. Соҳибқирон бобомиз ўз даврида «Куч — адолатда» деган шиори бўйича иш юритган эди. Президентимиз буюк аждодимиз анъанасини давом эттириб, «Куч — билим ва тафаккурда» деган шиорни шундай шиорни тақозо этди. Бунинг сабабини англаб олиш учун сўзни яхшиси Ислом Каримовнинг ўзидан эшитайлик: «Бугун ҳалқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганин, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идроқ, фикр, иллюр технологиялар ҳал қулиувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизниң «Куч — адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб, «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамоийл янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, ҳалқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соглом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмогимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллиатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковоти ҳам етарли».

Келгуси асрда кутилаётган ўша мусобақа ва рақобатларга бардош бериш учун Юртбошимиз ташаббуси билан республикамида аллақачон тараддуд бошлаб юборилган, ҳалқимизнинг интеллектуал имкониятларини ишга солиш, улардан мукаммал тарзда фойдаланиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ўtkазилишга киришилган. Ҳукуматимиз томонидан ўқув-тарбия ишларини замонавий талаблар даражасида юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар, «Умид», «Камолот», Мирзо Улуғбек номидаги ва бошқа жамғармалар орқали Оврупо, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиз эришаётган муваффақиятлар ишончимизга ишонч қўшмоқда.

Рұхонийлар, яни диний арбоб ва ходимлар ҳам миллий давлатчилигимиз таянчларидан бўлиб келишган, улар тўғрисида китобимизнинг илгариги бобларидага анча-мунча сўзлаб ўтдик. Лекин ҳозир билдиримокчи бўлаётган фикримиз айтиб ўтилганларга қўшимча бўлиши баробарида дин ва диний арбоблар ҳамда давлат сиёсий ҳокимияти муносабатларига тегишилди. Ҳўш, қадим замонларда, ўрта асрларда ва яқин утмишда ўзбек давлатлари диний давлат бўлганми ёки дунёйни

давлат бўлганми? «Авесто» китобида ўтга топинувчи аждодларимизнинг бундан 3 минг йил илгариги диний қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Исломгача бўлган даврларда аждодларимиз уртасида одат ҳукуки жорий бўлган. Одат ҳукуки — ёзилмаган, турмуш тақозоси ила табиий равишда юзага келган, давлат ҳокимияти томонидан маъкулланган, аждоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган, жамият томонидан қабул қилиб олинган удум, анъана ва маросимлар мажмуидан иборатдир. Одат ҳукуки ўтмишда жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни бошқаришнинг асосий омили бўлган. У умумхалқ манфаатлари ва иродасини нисбатан кенгроқ ифодалаган. Юртимизга Ислом дини ёйилгач, илми фикҳ — Ислом қонунчилиги, яъни шариат жорий этилади. Лекин шуниси характерлики, шариат билан ёйма-ён халқимиз ўзи маъкул кўрган азалий одатлари, анъаналари ва маросимларига риоя қилишда давом этаверади ва бу нарса ҳозирги кунгача етиб келган. Масалан, исломий Рамазон ҳайити, Курбон ҳайити нишонланиши билан бирга азалий халқ байрамлари — Йилбоши (Наврӯз) ва Ҳосил тўйи (Меҳржон) ҳам утказилган, тўй маросимларимизда ўтпарамстлик замонидан мерос бўлиб қолган айrim удумларга ҳам риоя қилинган, кудандачиликда жуда қадим даврлардан келаётган қалин бериш, қалин олишлар тўхтамаган. Хуллас, халқ ўз турмушида шариатга ҳам, Ислом ақидаларига қаттиқ зид бўлмаган одатларга ҳам риоя қиласерган. Маълумки, Туркистон аҳди ёспасига мусулмон бўлгач, вужудга келган давлатларимизда Ислом дини расмий давлат дини ҳисобланган. Лекин бу ҳол ўзбек давлатлари дунёвийлиқдан мутлақо йироқ, тўла маънодаги ислом давлатлари бўлган, деган фикрни билдиrmайли. Бизнингча, мусулмон бўлганимиздан кейин бунёд этилган давлатларимиз исломий-дунёвий давлатлар бўлган. Дин давлатдан ажратилмаган бўлса-да, шайхулислом, қозикалон, муфтий каби диний мансабдорлардан тортиб мадрасаларнинг бош мударрислари, жомеъ масжидларини имом хатиблари, хонақоларнинг шайхларигача олий ҳукмдор ва унинг жойлардаги ноиблари томонидан тайинланган. Улар диний фаолият билан машғул бўлиб, сиёсий ишларга аралашмаганлар, олий ҳукмдорни Оллоҳ таолонинг Ер юзидаги сояси деб ҳисоблаб, раиятни солиҳ ва солиҳа бўлишта чорлаб, фуқаролик бурчини ўташда халойиққа ўринак бўлишга ҳаракат қилгандар.

Оддий халқ қаби сарой аҳли ҳам Исломий-дунёвий тарзда турмуш кечирғанлар. Масалан, Амир Темур саройида эски туркй анъана бўйича гоҳо-гоҳо чогир базмлари ўтказилган. Кастилия элчиси де Клавихо маълумотига кўра, Амир Темур томонидан ўтказилган қабул маросимлари ва тўйларда аёллар ҳам қатнашган. Ёки бўлмаса, Соҳибқироннинг суюкли набираси Муҳаммад Султон вафоти муносабати билан туркй одатга кўра туркона мотам тутилган. Валиаҳд шахзода Жаҳонгир мирзо 20 ёшида фоний дунёдан бокий дунёга риҳнат қилгач, унинг 18 ёшида бева қолган хотини Суюнбека (Султон Муҳаммад — Ўзбекхоннинг набираси)ни идла муддати ўтгач, туркй одатга биноан учинчи ўғли бўлмиш Мироншоҳ мирзога олиб берган ва ҳоказо.

Уламолар томонидан «Ҳазрати имом уз-замон ва халифат ур-раҳмон» деган юксак диний унвонга сазовор бўлган Муҳаммад Шайбонийхон ҳам ҳатто ўз расмини чизишга рассомларга ижозат берган.

Барча пойтахтларимизда, шу жумладан, Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Хива, Қўқон саройларида вақти-вақти билан шоирлар мусобақаси — мушонралар ўтказилиб турилган, энг етук ва ташкилотчи шоирга маликушшаро, маликулкалом деган фахрий унвонлар берилган.

Аёнки, санъат соҳаси ва аҳли ўзида ҳамиша хомийликка эҳтиёж сезади. Ўтмишда етук, истеълодли санъаткорлар давлат томонидан рағбатлантириб турилган. Саройларда машиқлар, хонандалар, раққос ва раққосаларнинг тўдалари фаолият кўрсатган, улар давлат ҳазинасидан маош олиб, умр кечиришган, касбий маҳоратларини ошира бориштан, уларнинг санъати аждоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келаверган. Атоқли мақомшунос олим, санъатшунослик доктори эндиликла марҳум Исҳоқ Ражабий тадқиқотига кўра теран илдизлари қадим замонларга бориб туташувчи олти мақом Ислом динининг қуввати ҳисобланмиш Бухори шарифда XVII асрда аштархонийлар сулоласидан Абдулазизхон ҳукмронлик қилган йилларда ўз такомилига эришади. Санъатшунослик доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Мамажон Раҳмоновнинг ўзбек театрининг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозиргacha бўлган тарихига доир йирик тадқиқотига кўра бундан 2 минг йиллар аввал Шош давлатида сарой театри бўлган, бу ижодий гуруҳ чет элларда, жумладан, Хитой шаҳарларида ҳам

томошалар курсатиб, уларни мафтун этган. Бундай давлатларни кўплаб келтириш мумкин.

Худлас, ўзбек давлатлари исломий-дунёвий давлатлар бўлиб, ҳалқимиз ҳам мазкур давлатларнинг фуқаролари сифатида шу ҳолатга мос тарзда умр кечирганлар. Руҳонийлар — уламолар ва диний ходимлар ҳам давлат олдида бир фуқаро сифатида масъулият туйғанлар, ҳалойиқни инсофли, диёнатли, ҳалол, орномусли, ҳамиятли, виждонли, сахий, етимпарвар, ватанпарвар, тақводор — Оллоҳдан қўркувчи ва Унинг марҳаматидан умид тутивчи бўлишга чорлаганлар ва бу борада ўзлари ҳам ибрат бўлишга интилганлар. Ана шундай фаолиятлари ила руҳонийлар миллий давлат-чилигимизнинг таянчларидан бири бўлишган. Умуман олганда, бундай фаолият, бундай тутум шариати Исломияга зид эмас, мувофиқдир. Чунончи, Ҳадиси шарифда уқтириб ўтилганидек, мусулмон одам бу дунёни деб охиратни, охиратни деб бу дунёни унутиб қўймаслиги мақбулдир. Қолаверса, диний масалалар тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръян манъ этилади, чунки диннинг моҳиятига охиригача этишга одамнинг ақл-идроқи ожизлик қиласди. Шунинг учун ҳам Оллоҳ таолонинг Биру борлигига чин имон келтириб, Унинг берган умри ва ноз-неъматларига шукр қилиб ва мамнун бўлиб, ҳамду санолар айтиб, ўз диний қарашларини бошқаларга мажбур қилишни хаёлига ҳам келтирмай, янада яхши кунлар насиб этишини тилаб завқшавқ билан, ҳаёт қувончларига тўлиб-тошиб яшамоқнинг ўзи бир саодатдир. Бундай исломий-дунёвий турмуш тарзи ҳозирги ҳаёт тарзимизга ҳам, бугунги руҳонийларимиз фаолиятига ҳам мувофиқ келади, десак янглишмасак керак. Демак, бугунги давлатчилигимизда давлатнинг руҳонийларга, руҳонийларнинг давлатта бўлган анъанавий, асрлар синовидан ўтган муносабатга риоя қилинмоқда, деб хулоса чиқарсан бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-Моддасида бундай дейилади: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Мазкур Конституциямиз доирасида ва унга мувофиқ тарзда яратилган ҳамда Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда Куръ-

они карим ва Ҳадиси набавия курсатмаларига зид ўринларни учратмадик. Ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятта молик бу муҳим ҳужжатда демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат бўлмиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — замондошларимизни маънавий стук килиб тарбиялашда ҳақиқий диний билимлар ва ватанпарвар руҳонийлар — уламолар ва диний ходимларнинг ҳам муносиб ўринлари борлиги эътироф этилган.

Навбат миллий давлатчилигимизнинг муҳим таянчларидан яна бири бўлмиш Қонун хусусида сўзлашга етиб келди. Аёнки, маданий давлатлар вужудга келганидан бўёққа улар ёзилмаган (одат) ва ёзилган (илоҳий китоблар, шариат) қонун-қоидаларга таяниб иш юритади. Лекин бизким, ўзбекларда уларнинг ҳеч бирига айнан ухшамаган яна бир муҳим ҳужжатимиз бор. У ҳам бўлса, Амир Темурнинг «Тузуклар»идир. Биз бу дастурий асарни ҳам туркий одат, ҳам Исломий шариат уйғунлашувидан яратилган давлат аҳамиятига молик ҳужжат дейишни истар эдик. «Тузуклар» Соҳибқирон бобомиз тузган буюк салтанат исломий-дунёвий давлат бўлганилгини тасдиқлади, дейиш билан бу борадаги сўзимизни мухтасар қиласиз.

## Учинчи фасл

### Йиғирма бешинчи боб

#### МАФКУРА ЁКИ ЯНА БИР ЯНГИ ТАШАББУС

Миллий давлатчилегимиз тарихи ва унинг таянчла-ри хусусида шунча фикр-мулоҳазалар айтилганидан сўнг маддий мафкурамиз ҳақида ҳам маҳсус тўхтаб ўтмасак бўлмас, зеро, ҳар бир давлатнинг ўз мақсади, ўз foяси бўлиши турган гап.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, мафкура ўзгариб турдиган нарса. Дунёда инсон азму иродаси, ақл-идроқи, фаҳм-фаросати билан яратилган нимаики бўлса, ҳаммаси ўзгара боради, чунки улар замонга боғлиқдир. Ибтидоси бўлган нарсанинг интиҳоси бўлиши турган гап. Замон эса ҳамиша ўзгаришда, вақт ҳамиша илгарилайди. Ўзи мутлақ бўлмай, яралмиш нарсадан ҳосил бўлган нарсаларнинг барчаси мангу эмас. Инсон ҳам мутлақ эмас, шу туфайли у яраттан нарсалар ҳам мутлақ бўлиши мумкин эмас. Ёлғиз Оллоҳ таолонинг каломи бўлмиш Куръони карим мутлақдир. Чунки Оллоҳ таоло туғилмаган ва туғмаган ҳам. У азалдан мавжуд ва абадий мавжуд.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон азму иродаси билан яратиладиган нарсалардан бири бўлмиш ҳар қандай мафкура ҳам замонлар, даврлар ўтиши билан ўзгара бораверади. Шу жумладан, у ёки бу давлатнинг асосий қонуни бўлмиш конституциясига тузатишлар киритилиши — айрим моддалар олиб ташланиб, ўрнига бошқа моддалар қушилиши мумкин, ҳаттоқи муайян бир конституция тўла ҳолда бекор қилиниб, янги конституция қабул қилинган ҳоллар юз беради. Собиқ Совет Иттифоқи ва унинг таркибига кирган 15 та собиқ иттифоқдош республиканинг конституциялари тақдидирида худди шундай бўлди. Жаҳон мамлакатларида илгарилари қабул қилинган, ҳозирги кунда амал қилиб турган деярли барча конституцияларга, шу жумладан, 200 йилдан ортиқ тарихга эга АҚШ Конституциясига ҳам йиллар давомида у ёки бу тарзда ўзgartиришлар киритилган. Чунки давр ўтиши билан конституциянинг у ёки бу моддаси маънавий эскириб ва, ҳаттоқи, турмушга зид келиб, тараққиётга тўсқинлик қилиб қолиши ҳам мумкин,

Сиёсий тузум ўзгарганда шу тузумнинг меваси бўлган ва унга хизмат қилиб келган конституциялар яхлиг ҳолда бутунлай бекор қилинишини собиқ Совет Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар конституциялари мисолида юқорида айтиб ўтдик. Сиёсий тузум мустақим турганида ҳам муайян бирор мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий тафаккурда юксалиш ёки орқага кетиш ҳоллари булиши мумкин. Ана шундай ҳолатларда турмуш тақозоси, замон талабига кўра мамлакат парламенти томонидан, баъзан референдум ўтказиш йўли билан амал қилиб турилган конституцияга тегишли ўзгаришлар киритилади. Бу нарса амалиётда учраб туради.

Мазкур кириш сўзимиздан муддао шуки, мамлакатимизда 1992 йилнинг 8 декабридан бошлаб амал қилиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мафкура билан боғлиқ 12-моддасининг иккинчи банди бўйича фикр юритиб, унга муносабатимизни билдириб, ўз мулоҳазамизни айтишга қарор қилдик. Бунга Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари туртики ва далда бўлди.

Аёнки, амалга киритилган қонунлар, айниқса, асосий қонун бўлмиш конституциялар мұҳокама қилинмайди, балки ижро этилади. Бироқ улар муқаддас китоб бўлмиш Қуръони карим тафсир этилгани сингари, Ҳадиси шарифлар таҳлил ва талқин қилингани янглиғ одоб-ахлоқ доирасида шарҳланишига ижозат берилади, қолаверса, мұхтарам давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов раҳбарлигига жаҳон андозалари юксаклигига яратилган, ривожланган демократик давлатларда яшовчи кўпгина атоқли ҳуқуқшунос олимлар томонидан мұкаммал қоидалар мажмуй деб тан олинган Конституциямиз 16-моддасининг биринчи бандида: «Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас» дейилади. Демак, илми қиёсни татбиқ этиб, мантиқан хуласа чиқарамизки, мазкур Конституциянинг бирор қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига наф етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин. Бизнинг Конституциямиз 12-моддаси иккинчи бандини талқин қилишдан муродимиз эзгуликка қаратилган бўлиб, республикамиз ҳуқуқ ва манфаатларига бир фуқаро сифатида баҳоли қудрат наф етказишдир. Шунингдек, бун-

га Конституциямизда кафолатланган шахсий хукуқ ва эркинликларимиз имкон беради. Конституциямиз 29-моддасы, биринчи бандининг илк жумласи шундай: «Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукуқига эга».

Томчидаги юёш акс этали, деганларидек, мана шу биргина жумланинг ўзиёқ республикамиз демократик, хукукий ва дунёвий давлат эканини кўрсатиб турибди.

Собиқ комфириқа аъзолари бўлган, ўз вақтида бирор давлат ва жамоат ташкилотидаги бошланғич парни ташкилотлари ҳисобида турган ўрта яшар ва кекса кишиларнинг ёдидаги бўлса керак, 1991 йилнинг кузилила республикамиз раҳбари Ислом Каримов томонидан бу жойлардаги парташкилотларни тугатиш түррисида кўрсатма берилди, шу тариқа комфириқанинг туб илдизларига болта урилди, унинг асосий мафкуравий учоқлари дафъ этилди, кейин эса унинг ўзи бутунлай бекор қилинди.

Миллий истиқлолга эришганимиздан кейинги дастлабки кезларда «Шўролар мафкураси тазиқидан кутулдик, энди бизга ҳеч қандай мафкуранинг кераги йўқ» деювчилар ҳам пайдо бўлган эди. Бунга ҳам тушунса бўлади. Чунки коммунистик идеология фақат ўз дунёқарашини мафкура деб билиб, бошқа мафкураларни тан олмаган. Коммунистик идеологияга асосланган ва уни зўр бериб, турли йўл-йўриқлар билан кенг тарғиб-ташвиқ этган, тоталитар, яъни зўравонликка асосланган шуро давлати фақат ҳоким миллат манфаатини кўзлагани. Бундай ҳаракатлар демократия ва эркинлик қоидаларига, миллатларнинг суверенитетига зид эди. Шу боис «идеология» ибораси ўз дунёқарашини мажбуран, ҳатто зўравонлик билан қабул қилдириш воситаси сифатида салбий маъною касб этиб қолган эди. Атрофлича фикр юритилса, бунга ҳам тушунса бўлади.

Шундан бери орадан етти-саккиз йилча вақт кечди. Ҳалқимиз, мамлакатимиз истиқлол йилларида катта тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу эса ўз навбатида мафкурага бўлган муносабатимизда ҳам янгича қарашга олиб келди. Мазкур ҳолат Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журналида ёритилган жавобларида жуда аниқ ифодаланди ва бундан буёғига ўз миллий мафкурамизни қандай шакллантиришимиз лозимлиги белгилаб берилди: «Тасаввур ва дунёқараш тараққиётга қараб ўзгариб бораади... Мафкурани шакллантириш жараёнда кенг жамо-

атчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосла-  
ниш лозим».

Чиндан ҳам инсон тасаввури ва дунёқараши  
тараққиётта қараб ўзгариб боралиган, онг ва қалба  
ҳосил бўладиган нарсалардир.

Маълумки, тилимизда жам, жамоат ва жа-  
мият деган сўзлар бор. Барчасининг ўзаги йиғилган,  
тўпланган деган маъноларни билдирувчи жам ибораси-  
дир. Жамоа ибораси бирор маҳалла ёки қишлоқ  
аҳолисини, бирор муассаса, ташкилот ёки корхона  
аҳлини билдиради, биржойнинг бир гурӯҳ кишилари  
деганидир. Жамоа атамаси маъноси жиҳатидан жамо-  
атдан фарқланади. Жамоада турли қарашдаги кишилар  
бўлса, жамоатда эса бир мақсад, бир хил манфаат йўлида  
жам бўлган кишилар тушунилади. Масалан, жамоат  
деганда бир масжидда намоз ўқувчи ҳаммаҳалла,  
ҳамқишлоқ кишилар назарда тутилади. Жамоат сўзининг  
жамоатчилик шакли ҳам бор. Масалан, илмий жамоат-  
чилик, адабий жамоатчилик, талабалар жамоатчилиги  
ва ҳоказо.

Жамият эса инсоният тарихий тараққиётининг маъ-  
лум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар  
мажмуидир. Ижтимоий муносабатлар ичida энг  
асосийси, бу — ижтимоий онг шаклларини белгилайдиган  
муносабатлар — иқтисодий муносабатлардир. Ях-  
лит олиб қаралганда, жамият доимо тараққиёт  
йўлидадир. Масалан, инсоният ҳозирда ўн тўққизинчи  
асрдагига қараганда анча равнақ топган. Жамият  
тараққиётини бутунлай иқтисодий муносабатларга  
боғлаб қўйиш тўғри эмас, бу моддиюнчиликдир. Одам-  
ларнинг иродаси, азму қарори, тарихий шахсларнинг  
фаолияти, маънавий омилларни ҳам унутмаслик керак.  
Шўролар давридаги ҳукмрон мафкура моддиюнчилик-  
ка асосланган эди. Уларнинг ақидасига кўра, ибтидоий  
жамиятда ҳамма тенг эди, коммунизм курилса, яна  
шундай тенгликка эришилади, дейиларди. Шўро маф-  
куачилари чоракам бир асрча муддат давомида шу  
гояни зўр бериб тарғиб-ташвиқ қилишди, мажбурлаб  
ўзгаларга ҳам тиқиширишди. Собиқ Иттилоқнинг  
тарқаб кетиши бу «таълимот»нинг пучлигини исботла-  
ди-қўйди.

Бозор иқтисодиёти онгли кишилик тараққиётининг  
ҳамма босқичларида бўлган ва бундан кейин ҳам да-  
вом этаверади. У инсонларга ҳамиша йўлдошdir. Факат  
совет тузумидаги ҳаёт бундан мустасно эди.

Ўзбекистон жамияти бундан 8 йил аввалгисидан анича фарқланади. Ҳозир мамлакатимиз бозор иқти-  
садиёти йўлидан дадил равнақ топиб бормоқда. Жамо-  
атчилик фикри — ижтимоий онгнинг ўзига хос  
кўринишларидан бири бўлиб, кишиларнинг турмуш ҳоди-  
салари, сиёсий ва ижодий ташкилотлар ва алоҳида бир  
шахсларнинг фаолияти ҳақида ижобий ёки салбий  
қарашларининг мажмуудир. У кишиларнинг манфа-  
атларини, эътиқод ва ҳис-туйгуларини, сиёсий, илмий  
ва ижодий ташкилот ва муассасаларнинг оммага мун-  
тазам кўрсатадиган таъсири ва амалий ҳёт тажриба-  
си, анъаналар асосида ўз-ўзидан ёки уюштирилади-  
ган тарзда юзага келади ва шаклланади. Шунинг учун  
ҳам жамоатчилик фикрида манфаатларнинг ҳилма-хил-  
лиги билан бирга уларни тушуниш даражаси ўртаси-  
да фарқ бўлади. Жамоатчилик фикри муайян бирор  
нарсани ёки маъқуллайди ёки рад этади. Бизнингча,  
бетарафлик жамоатчилик фикри эмас. Бетарафлик —  
бу аслида яширин ёқлаш ёки ёқдамаслик, дилидаги-  
ни ошкор этмасликдир.

Жамоатчилик фикри — нисбий тушунча, унда ҳақиқат  
ҳамила ҳам тўла-тўқис зухур бўлавермайди. Жамоатчи-  
лик фикрининг ҳақиқатлигидан даражаси ўша фикрни бил-  
дирган жамоа таркиби кимлардан иборат эканлигига,  
унга ким етакчилик қилганинг боғлиқ. Масалан,  
маҳалла жамоатчилиги деймиз. Туман жамоатчилиги  
деймиз. Шаҳар жамоатчилиги деймиз. Илмий, адабий,  
маданий жамоатчилик деймиз. Булар томонидан бил-  
дирилган фикрлар ҳақиқатни ифодалаши ҳам, ифода-  
ламаслиги ҳам мумкин. Инсониятнинг тарихий тажри-  
баси кўрсатадики, кўпчилик ноҳақ бўлиб, бир киши  
ҳақ бўлиб чиққан ҳоллар учрайди.

Хуллас, жамоатчилик фикри — бу жамият фикри  
эмас. Жамоатчилик фикри жамият фикри бўлиши учун  
умумхалқ фикри юксаклигига кўтарилиши керак. Жа-  
мият фикри эса шу жамият аъзоларининг энг илғор  
қисми дунёқарашини ва бутун жамият манфаатини ифо-  
далайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Президент  
Ислом Каримовнинг мафкуруни шакллантириш  
жараённида кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқарashi  
ва тафаккурига асосланиш лозим, дейишининг моҳияти  
ана шундадир.

Миллат кишиларнинг жипс тарихан шаклланган бир-  
лиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, мада-  
ният, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.

Муайян бирор миллатга тегиши нарсаларга міллій изоҳи қўлланилади ва шу нарсалар айни шу миллатнинг ўзигагина тааллуқли бўлади, мазкур нарсалар бу миллатни бошқа миллатлардан фарқлаб туради. Масалан, ўзбек миллій балий адабиёти миллатимизга тегишили сўз санъатидир. Ўзбек халқининг миллій манфаати дейилганда миллатимизга доир наф тушунилади. Миллат, бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир. Маънавият — давлат асоси, давлат эса маънавият суюнчиғи. Мана энди мафкура атамасига таъриф бериб ўтсак бўлади. Муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимиға мафкура дейилади. Демак, ўзбек халқининг миллій мафкураси миллатимизнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизимиғидир. Мафкурасиз ижтимоий гуруҳ, жамият ёки миллат бўлиши мумкин эмас. Миллат ва миллій мафкура тушунчалари ўртасида ўзаро узвийлик бор.

Миллат тушунчаси синфий тушунча эмас. Миллат вакили бўлишлик мулкдор ёки мулкдор эмасликка боғлиқ ҳам эмас. Миллат тушунчаси синфлардан, табақавий фарқлардан устувор тушунча. Марксчи-ленинчи сиёсатдоңлар — мафкурачиларнинг ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир маданиятда икки хил маданият бор деган «назария»ларининг факат уйдирмадан иборат эканлиги айниқса Совет Иттилоғи тарқаб кетганидан кейин яққол намоён бўлди-қўйди. Такрорлаб айтамизки, миллат — бу, кишишларнинг жисп тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга миллат бўлмайди, давлатчилигини қўлдан бой бериб кўйса, бора-бора миллій қиёфасини йўқотиб юбориши мумкин. Миллатнинг метинде жисслиги ўз давлатининг қурдатига боғлиқ. Ва, аксинча, миллатнинг метинде жисслиги давлати қурдатининг даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айрган ҳолда таърифлаб бўлмайди.

Тарихни кўздан кечирсак, миллатнинг жисслиги даражаси ўзгариб турадиган ҳодиса эканини кўрамиз. Бу кўп омилларга, жумладан, тарихий шахснинг йўлбошчининг ўрни ва ролига ҳам боғлиқ. Қачонки

халқымиз мегиндең бирлашиб, жипслашган бұлса, үшанды үз буюк давлатига эга бұла олған. Бунинг учун халқни бирлаштирувчилік салоҳиятига эга сиймо тарих саҳнасига чиқиши, ҳокимиятни бошқариши керак. Тарихда бунга мисоллар күп. XIV асрнинг иккінчи ярміда Амир Темур тарих саҳнасига дадил чиқиб, шундай бирлаштирувчилік вазифасини адо этди ва буюк бир давлат — Темурийлар давлатини тузди. Соғибқирон вафотидан кейин миллатимиз жипслиги заифлаша бошлади. XVI асрнинг иккінчи ярміда Абдулахон II даврида миллатимизнинг жипслик даражаси анча кучайды, үшанда Бухоро хонлиги мусулмон Шарқидаги энг курдатли давлатлардан бирига айланған эди. Ағсуски, Абдулахон II вафотидан кейин миллатимизнинг жипслиги сусая бошлади. Бундай кейинги сиёсий воқеалар ҳурматли үкувчиларимизга тарих китобларидан аён: аввало ягона Туркистан учта давлатта бұлиніб кетди, кейин XIX асрнинг иккінчи ярміда мустамлака ва ярим мустамлака ҳолига тушиб қолдик. Демек, давлат тақдирауда миллат, миллат қисметида давлат ҳам ҳал құлувчи омиллардан ҳисобланади. Бу иккаласининг тақдирауда эса үз халқига йүлбошчилік қила олиш салоҳиятига эга тарихий сиймөнинг үрни ва роли ҳам кеттадир. Бу фикрнинг нақадар тұғрилигини Президент Ислом Каримовнинг давлат бошлиғи ва халқраңамоси сифатидаги фаолияти ҳам тасдиқлаб турибиди.

Юрган шарының «Тафаккур» журналида ёритилған жағобларыда «Жамиятимиз мағкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсін», деган фикрни илгари сурди. Вазифа аниқ ва кенг қамровли. Чунки мағкура шундай бутун бир тизимки, унда мұайян бир ижтимойи гурұх ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асosловчи ва ҳимоя құлувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, бадий қарашшылар ифодаланади. Бу шарафли вазифани адо этиш файласуфлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, диний арбоблар, ижодкорлар ва, умуман, янгича фикрловчи барча зиёліларнинг зиммасидадир.

Адабий тилемизда яратиш, шакллантириш ва үндириш деган сұздар бор. Йүқдан бор қилишга яратиш дейилади. Үзи бор нарасаға қандайдир ишлов беріб, янги ташқи қиёфа беришге шакллантириш дейилади. Егер сочилған ёки қадалған уруғ ва дон тегишли меңнат әвазига тупроқ бағридан үсіб чиқади, бу үндиришdir.

Хуш, миллий мафкурага нисбатан қайси бир сүзни қўллаймиз-у, қандай йўл тутамиз ва қандай муносабатда бўламиз? Янгитдан мафкура яратишга мутлақо ҳожат йўқ. Чунки кўп асрлик тарихга эга миллат эканмиз, узмекин эмас, асло. Демак, мавжуд миллий мафкурамизни истиқдол даври талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги мазмун билан бойитиб шакллантира боришимиз, халқимиз вужудидаги — онги ва қалбидаги янги-янги, битмас-туганмас маънавият куртакларини ундира боришимиз лозим.

Масалан, тилга бўлган муносабатимизни олиб кўрайлик. Юқорида миллат кишиларнинг, жумладан тил бирлиги ҳам дедик. Чунки тилнинг тириклиги халқнинг мавжудлигидир. Тилсиз халқ йўқ. Ҳар кишининг уз номи бўлганидек, ҳар бир тилнинг ҳам оти бор. Тилнинг оти миллатнинг номидир. Шунинг учун ҳам «Миллатимиз узбек, тилимиз узбек тили» деймиз. Тили ўлган халқнинг ўзи ҳам халқ сифатида йўқолган ва, аксинча, халқ қирилиши билан унинг тили ҳам ўликка айланган. Тил ва халқ — жон ва тан. Булар қарор топган ва ҳимоя қилинган тупроқ ватандир. Узбек халқи ва тили учун ана шундай муқаддас тупроқ — ватандир.

Тил — миллат вакилларини мустаҳкам бирлаштирувчи, тутиб турувчи белбоғ демак, бу рамзий белбоғнинг кучу қурдати сизу бизларнинг она тилимизга муносабатимизга боғлиқдир.

Тил — тарих кўзгуси, тарих эса тил кўзгуси демак. Масалан, Култегин битиклари милодий VIII аср, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошварий асарлари XI аср, Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»и XII аср, Навоий асарлари XV аср, Бобур асарлари XVI аср, Машраб асарлари XVII аср, Нодира ғазаллари XIX аср, Абдулла Қодирий романлари XX аср тилимизнинг кўзгусидирлар.

Маълумки, узбек тилига давлат тили мақоми берилган 1989 йили ҳали шўролар тузуми мавжуд булиб. Ислом Каримов республикамизга етакчилик қилишга эндиғина киришган анча мураккаб пайтлар эди. Бироқ, шунга қарамай, Олий Кенгаш сессиясида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг лойиҳаси муҳокама қилинганда ҳурматли Юртбошимиз мазкур қонунни жиддий узга-ришларсиз қабул қилиш борасида кўрсатган саъй-ҳаракатлари жамоатчиликнинг ёдидан чиқмаган бўлса ке-

рак. Бу қонуннинг қабул қилиниши маърифий-маънавий қийматидан ташқари шундай ижтимоий-сиёсий аҳамият ҳам касб этдики, тилемизнинг қадри, миллатнизиңг қадди қайта тикланишига муносаб ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳатто, айтиш мумкинки, миллий истиқдол учун курашимиз миллий тилемизнинг қадрини тиклашдан бошланди, давлат мустақиллиги йўлдаги биринчи муваффақиятимиз, биринчи ғалаба-миз бўлди.

Орадан йиллар ўтгач, ушбу қонуннинг айрим моддаларида вақтдан ўзиб кетишлик ҳолати ҳам мавжудлиги аён бўлиб қолди. Ваҳоланки, сўзсиз ижро этиладиган қонунда вақтдан ўзиб кетишлик ёки вақтдан орқада колишлик ҳолатларининг бўлиши мақбул эмас. Шуни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда бўлган сессиясида «Янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонун тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига мос ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда. Уни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган, Ислом Каримов имзо чеккан «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» деган қарор алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қуринадики, давлат тили ҳақида Қонунимиз республикамида яшовчи барча фуқароларнинг, яъни жамият манфаатларини инобатга олиб, босқичмабосқич, лекин изчил амалга ошириб борилмоқда. Бунда Юртбошимиз ўргага кўйган, юқорида тилга олиб ўтилган «Жамиятимиз мафкураси ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» деган шиорнинг инъикосини кўришимиз мумкин.

Шу уринда олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари учун чиқарилган айрим дарсликларда ёзилган, ҳурматли домлаларимиз ва ўқитувчиларимиз тилга оладиган «Эски ўзбек ёзуви» ва «Эски ўзбек тили» деган икки ибора ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз. Бизнингча, «Араб алифбосига асосланган ўзбек ёзуви» дейиш маъқул қуринади. Чунки «эски» сўзида бир оз салбий маъно бўлиб, бу ибора кўпинча вақт ўтиши билан эскирган, муомаладан чиқиб қолган, тутилавериб ва кийилавериб, путури кетган ва уриниб қолган нарсаларга нисбатан қўлланилади. Салкам 14 асрча муомалада бўлиб келган, ўтмишдаги барча мум-

тоз шоирларимиз, адибларимиз, олиму тарихчилари-  
мизнинг асарлари битилган араб алифбосига асослан-  
ган ёзувимизга нисбатан «эски» иборасини кўллаш ун-  
чалик одобдан бўлмаса керак. Бу ҳолни шуролар маф-  
кураси касофатидан вужудга келган бир нуқсон деб  
қараашни истар эдик.

Шунингдек, «эски ўзбек тили» ибораси ҳам бизга  
бегонадир, айни пайтда аждодларимиз кўллаб келган  
ва бизлар ҳам мамнуният билан кўллаб турган она  
тилимиизга нисбатан тұхмат ва ҳақоратдир. Бу иборани  
ҳам Октябрь тұнташигача яратилган барча маънавий  
бойликларимизни «эски»га чиқаришга, шу орқали шон-  
ли ўтмишимиз билан бугунимиз ўртасида «Сади  
Искандарий»ни қўишига уринган гарблик жаноблар ва  
уларнинг шурорий мафкурачилари тўқиб чиқарғанлар.  
Ёзма адабий тилимиз, айрим жузъий ўзгаришларни  
(дунёда йиллар, асрлар ўтгач, ўзгаришга учрамаган тил  
бормикин ўзи!) ҳисобга олмагандан, ўз тароватини ка-  
мида тўққиз-ўн асрдан бери сақлаб келмоқда. Аҳмад  
Яссавий, Кутб Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий,  
Отойи, Саккокий, Алишер Навоий, Ҳусайнний, Бобур,  
Машраб, Увайсий, Нодира, Ҳувайдо ва шу каби барча  
мумтоз шоирларимизнинг асарлари бугунги ўзбек ки-  
тобхонига тушунарлидир, уларнинг тили ҳозирги адабий  
тилимиzinинг ўзи-ку! Бироқ айримларга «тушунар-  
сизроқ», «қийинроқ» туюлса, бунинг учун уларнинг ўзи  
айбдор, шуролар замонидаги ҳоким мафкуранинг  
нотуғри йўли, зуғум-тазиқи туфайли она тилларидан  
ўзлари узоқлашиб қолганлар.

Демак, ҳурматли маориф ходимларимиз, олий ва  
урта ўқув юргларининг домлалари ёш авлодни она тили  
ва адабиётимизга, биринчи навбатда мумтоз адабиёт-  
имизга меҳр-муруватли қилиб тарбиялашлари лозим.  
Бу ҳам миллий мафкурани жорий этиш вазифасига  
киради. Шу ўринда улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг  
ҳали 5 яшарликларида 50 минг байт (100 минг мисра)  
шеърни ёд билганликларини эслатиб ўтамиш. Бу билан  
айтмоқчимизки, фарзандларимизга боғча ва бошланғич  
синфларданоқ шеър ёдлатишга ҳам эътиборни кучай-  
тириш лозим. Бундай машқлар боланинг ҳофиза кув-  
ватини оширади. Қолаверса, она тилини яхши билган  
ўқувчи бошқа тилларни ҳам осонроқ ўрганади, бошқа  
фанларни ўзлаштириши ҳам осонроқ кучади. Чунки  
она тили барча фанларнинг ҳам онасидир, улар тил ва  
ёзув орқали ифодаланади.

Юқорида айтилғанлардан англашиладики, Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журналида ёритилган жавобларида уқтириб ўтилганидек, «мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Қаерда-ки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хўкмронлик қилиши ҳам тайин. Мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди».

Бу ўринда бўшлиқ дейилгандага одамнинг Руҳи, Онги ва Калбидаги бўшлиқлар кўзда тутиляпти. Инсон уз-луксиз равишда эзгулик йўғрилган руҳий, маърифий (иам-фан) ва маънавий озиқа олиб турмаса, буларнинг ўрнини ёт таъсиrlар ишғол этади. Мана, масаланинг моҳияти, аҳамияти, жиддийлиги ва долзарблиги қаерда!

Миллатни миллиат қилиб турган терап томирлар қанча бўлса, миллий мафкурала ундириб-ўстириб, шакллантириб бориладиган миллий негизлар ҳам шунчадир.

Миллий мафкура миллатнинг туб манфаатларини назарий асослаб беришга ва ҳимоя қилишга даъват этилгандир, унинг бош вазифаси ҳам шудир. Бизнинг истиқдол мафкурамиз асрий миллий қадриятларимизга ҳамда янги вужудга келган ва келаётган, ҳалқимизнинг бутунги ва келажакдаги манфаатларини ифодалайдиган фикрларга — ҳалқ тафаккурига асосланиши лозим. Тўри, бир жамият ичida турли мафкуралар булиши мумкин ва буни табиий ҳол деб қараш керак булади. Масалан, ҳозирги кунда республикамида бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда, улар ҳар бирининг ўз низоми, ўз дастури, демакки, ўз сиёсий йули — мафкураси мавжуд. Бу ҳолат демократия ва эркинлик қоидаларига мувофиқдир. Бироқ бу партияларнинг ҳеч бири ўз мафкурасини бошқа партияга мажбуран қабул қилдириши, фақат ўз дунёқарашини мафкура деб билиб, бошқа партияларнинг мафкураларини рад қилиши мумкин эмас ва бунга йўл қўйиб бўлмайди ҳам, агар йўл қўйилгудек бўлса, зуравонликка эрк бериб юборилади. Республикаимизда ҳозирги кунда мавжуд сиёсий партияларнинг низомлари ва дастурларида баён қилинганидек, уларнинг туб мақсадлари ўз йўлларидан бориб, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат қуришдир. Бу йўлларнинг манзили битта — Буюк Ўзбекистон! Бу йўлларни бирдек ёритиб турган нур манбаи ҳам ягона — ҳалқ тафаккури! Ҳалқимиз тафаккури эса ой саин янги-янги фикрлар, илгор ғоялар билан, сиёсий

партияларимиз тўплабётган тажрибалар билан бойиб бормоқда.

Шу ўринда янги сиёсий партия — Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси ҳақила қисқача, лекин алоҳида тұхталиб ўтишни лозим құрамиз, чунки бу — тарихимизда бир воқеадир.

Агар биздан «1998 йил ижтимоий-сиёсий соҳада энг аввало қайси бир жиҳати билан ўзбек жамияти тарихида муҳим ўрин өттегендеги ва келгуси асрда ҳам алоҳида тилга олинниши мүмкін» деб суралса, биринчи гаџа кучли умид ва катта хайрихоҳлик билан бундай жавоб берардик: «Бир гуруҳ юртдошларимиз мамлакатда жорий сиёсий ҳуқук ва эркинликлардан руҳланиб янги сиёсий куч — Фидокорлар миллий-демократик партиясини тузиш ҳаракатини бошладилар. 1999 йилнинг бошида шу ният ушалди, Таъсис конференциясида партия тузилди, унинг раҳбар органлари сайланди, партияning нашри бўлмиш «Фидокор» газетаси чиқа бошлади ва энди булар кутилган натижани беришини умид қиласиз».

Оммавий ахборот воситаларининг кўрсатувлари, эшиттиришлари ва хабарларига қараганда, янги партия Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун масъулиятни зиммасига олишга қодир, ҳалқимиз баҳт-саодати, демократия ва адолат учун курашадиган, фидокор, илғор фикрли, изланувчан инсонларни ўз сафларига бирлаштира бошлиди. 1999 йил жамиятимиз равнақида 1992 йилдан ва, ҳаттоқи, 1996 йилдан ҳам фарқланади, албатта. Йил сайин кишиларимизнинг сиёсий онги бойиб, дунё-қарashi кенгайиб бормоқда. Қуйида вужудга келган сиёсий куч томонидан янги партия тузилгани ҳам суверен демократик республикамизда демократик тамоилилар турмушга чукур томир отаётганининг ёрқин далилидир.

Ўзбек жамиятининг барча тарихий ривожланиш босқичларida эл-юрт иши учун фидойи сиёсий кучлар фаолият кўрсатиб келган. Лекин улар ҳамма вақт ҳам ўзларини тўла намоён қилишга, айниқса, ошкора фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлавермаганлар. Масалан, жадидларни олиб қўрайлик. Маълумки, жадидчилик Туркистонда ўтиз йилча давом этди. Бу ҳаракат намояндлари аслида ҳалқни миллий озодликка олиб чиқишини кўзлаган бўлсалар-да, оғир мустамлака шароитида фаолият кўрсатишгани туфайли асосан маъри-

фатчилик билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Бироқ улар ҳаққимизнинг озодликка чиқиш йўлини маърифат чироғи билан ёритиб кетдилар. Жадидлар ёқиб кетган маърифат машъаллари — улар яратган шеърлар, ҳикоялар, қиссалар, рўмонлар, саҳна асарлари, мақолалар, очган кутубхоналари, тузган театрлари, чиқарган газета ва журнallари, ибрат бўларли шахсий ҳаётларидир. Бу ҳаракатнинг туб замирида миллий истиқъол юяси ётар эди.

Шўролар замонида бирлашган сиёсий кучнинг бўй кўрсатишини ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди, албатта. Чунки собиқ ССРДа ягона партия бўлган КПСС — сиёсий партия эмас, балки ҳукмрон давлат ташкилоти эди, собиқ ССР Конституцияси давлат қонунларининг асосий мажмуси эмас, балки бошқа қўринишдаги собиқ КПСС программаси, айтиш жоиз бўлса, ёрдамчи конституция бўлган. КПССнинг хоҳиш-иродаси, амрини парламент орқали депутатлар томонидан тасдиқлатиб олиш ва бажартириш дастурчаси ҳисобланган. ССР Конституциясида коммунистик идеологиянинг гегемонлиги ҳақидаги махсус модданинг мавжудлиги ҳам шу фикримизга яқдол далил бўла олади. Ваҳоланки, Конституцияда мамлакатдаги фақат бир сиёсий партия ёки гуруҳнинг мафкураси инобатта олиниши мумкин эмас, бу адолатга ҳам, одобахлоққа ҳам тўғри келмайди. Конституцияда бутун ҳалқнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топиши керак. Собиқ Ўзбекистон ССР Конституциясига келсак, бу конституция ССР Конституциясидан бир кўчирма бўлиб, «ССР» деган ибора ўрнига «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар ёзиб чиқилган, шу каби масала моҳиятига таъсир этмайдиган жузъий ўзgartаришлар эди, холос. Республикамизда сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг мавжудлиги ҳам 1991 йилнинг 31 августида миллий мустақилликка эришганимиз, шу сиёсий воқеа самараларидан ҳисобланмиш 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шарофатидандир. Бинобарин, миллий истиқъол барча эзгу ишларимизга тамал тошини қўйиб берди. Буни барчамиз, шу жумладан, навқирон партиянинг аъзолари ҳам ҳамма вақт ёдда тутишимиз, мустақилликни мустаҳкамлаб боришни ўз бурчимиз, дебяйч нуқтаси — миллий истиқъолимиздир.

Энди сўз юритилаётган мавзуу доирасида ва унга оид

яна бир масала хусусида қисқача тұхтаб үтамиз. Ҳүш, шүролар замонида ҳалқимизнинг орзу-умиди, сиёсий мақсади ва манфаатларини ифодаловчи сиёсий партия бұлмаган экан, унинг үрни қандай үтталған ёки бұлмаса, ҳалқ турмushi шу жиҳатдан кемтик ёхуд бүшлиқ бұлғып, қолаверғанми, деган савол туғиши мүмкін. Бизнинг-ча, назарда тутилаётган сиёсий күч вазифасини илғор бадиий алабиёт, унинг фидойи ва илғор фикрловчи намояндайлари — шоиrlар, ёзувчилар, драматурглар, апабий танқидчилар, алабиётшунослар мұайян даражада үтгайды. Бу үрінде Абдулла Қаҳхорнинг «Хуснбузар», Эркін Воҳидовнинг «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча» асарларини эслатиш билан чекланамиз. Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мүмкін, албатта. Буни қарангки, худди шундай асарлар ўта машаққат билан ёруғ дунё юзини күрган, нашр этилгандан кейин эса шұро мағкурачилари ва уларнинг измидаги танқидчиларнинг асоссиз хуружларига учраган. Камина ҳам бир қатор сатирик асарларнинг муаллифи сифатида бундай мүшкүл саволларни ўз бошимдан кечирғанман. Чунончы, бундан чорак асрса аввал, етмисиничи йилларда маслакдош дүстләри билан эл-юрт иши учун фидойи булишга онт ишиб, космонавт булишга бел боғлаган ўзбек йигитининг орзу-умидлари, ўз ҳалқининг келажак тақдирни учун қайтуришлари ҳақидағы «Бу замон ўғлони» деган пъесамиз күп маъмурый түснікларга дуч келған эди: «Ҳалқимиздан космонавт чиқмаганини унинг ёдига солиш шартми? Бу билан нимага шаъмна қилаяпсиз?» ва шу каби илмоқли саволларга учраган эдик. Ұша ҳолатларни эсласақ, бугунғи хурriят замонига эришганимиз учун Яратғанга шукроналар билдирамиз, ҳамду санолар айтамиз, мустақилликни мустахкамлаш юмушига ҳисса қўшишнга интиламиз ва шунга چорлаймиз. Масала моҳиятiga теран ва атрофлича ёндошсақ, чуқур мушоҳада қилиб кўрсак, «Фидокорлар» партиясининг мақсади, вазифаси, ҳаттоқи дастури ҳам унинг номида мужассам этиб турибди: Фидокорлар!!! Маълумки, ҳақиқий фидойи эл фарзанди замоннингтина фарзанди булиб қолиши мүмкін эмас. У Ватан фарзанди бұлар экан. Чунки замон ўзгариб туради. Ватан эса мангу барқарор, муқим, ҳамиша вафодор. Инсон Ватанга фарзанди бўлолса, ўзи яшаб үтажак замонига ҳам, келажак замонларига ҳам бирдек мансуб булиб қолажак. Қўйна тарих шундай сабоқ беради ва шундай булишга даъват этади.

Бизга аёнки, мафкура ижтимоий тараққиётда орқада қолиши ҳам ва ундан ўзиб кетиши ҳам мумкин. Агар орқада қолса, жамият тараққиётига ғов бўлади ёки ҳаддан ташқари илгарила бетса, ҳалқдан узоқлашиб ёки ўзилиб қолади. Бунга узоқ ва яқин мамлакатларниң ижтимоий тараққиётидаги воқеа-ҳодисаларни мисол ва табиий бойликлари бисёр мамлакатлардан бири Россия Федерацияси ўз бошидан чукур иқтисодий таназзулни кечирди, мустақилликда кечирган саккиз йил ичилга миллиард-миллиард доллар қарзга ботиб қолди, қарз сураб бормаган эшиги қолмади, ҳатто қарз сўраш бўйича маҳсус вакил ҳам нотинч бўлди, вазият таранглашди. Буларнинг барига сабаб шу бўлдики, Россияда энг бошидаёт етакчи бир мафкура бўлмади, мафкура-чилар мафкура ролини ўйнашга, ишқибозлик қилишга тушиб кетди. Бири чиқди, ваучер мамлакатни обод, ҳалқни фаровон қилади, деб. Иккинчиси чиқди, 500 кундан кейин жаннатда яшаймиз, деб ва ҳоказо.

Эндиликда бутун жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги эътироф этा�ётганидек, бизнинг миллий мафкурамиз, Ўзбекистон мафкураси илфор мафкурадир, унинг илфорлиги ҳалқдан узоқлашиш ёки ўзилиш даражасидаги илфорлик эмас, ҳалқа етакчилик қилаётган, эл орасига кенг тарқалган, илфор ижтимоий кучларни бирлаштириб, уюштириб, сафарбар қилаётган, жамият тараққиётини тезлаштираётган раҳнамоликдир. Миллий мафкурамизнинг бундай раҳнамолигига Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бош мафкурачиси сифатида йулбошлилик қилмоқда, давлат бошлиғи сифатида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда жумҳуриятимиздаги бешта сиёсий партияниң манфаатларини инобатга олиб, шулардан келиб чиқиб, иш юритмоқда, илфор ижтимоий кучларни жамият равнақига жалб этишда, уюштиришда етакчилик қилиб, жамият тараққиётини тезламоқда, тараққиёт тарихимиз ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўз навбатида миллий мафкурамиз ҳалқимиз томонидан тобора кенг ва чукур ўзлаштирилиб, унинг онлиги теран сингиб бормоқда, зўр моддий куч, яратувчалик Қудратини касб этмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг кўп жилдан иборат китоблари ҳам у кишининг Ўзбекистоннинг бош мафкурачиси эканлигини республикамида ва чет элларда қатъий тасдиқлади.

Юртбошимизнинг тарихчи олимлар билан бўлган уч-  
рашувда билдирган фикрлари, «Тафаккур» журналида  
ёритилган жавоблари бу борада янги ва муҳим қадам-  
лар бўлди. Халқимиз томонидан қизғин кутиб олинган  
бу фикрлар миллий мафкурамизда янги саҳифалар  
улароқ илғор ижтимоий кучларни сафарбар қиёлади,  
ҳамон мудроқ қалбларни уйғотади, жамиятимиз  
тараққиётини тезлатади, деб ишонамиз. Бас, шундай  
экан, бу китобларни, бу фикрларни элизимз орасида,  
айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод даврасида кенг ёйиш,  
таҳлил қилиб бериш биз — Ўзбекистон зиёлиларининг  
ҳам ижодкорлик, ҳам фуқаролик бурчимиздир. Бизда  
ҳозирги кунда Юртбошимиз етакчилигига халқимизни  
халқ, миллатимизни миллат қилишга хизмат этадиган  
жамиятимиз мафкураси шаклланмоқда. Бу жараён уз-  
луксиз давом этаверади. Жамиятимизнинг туб манфа-  
атларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалса-  
фий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг  
бутун бир тизими бўлмиш мафкурамизни ҳаракатдаги  
фоя деб таърифлашга қарор қилдик. Ҳуш, нима учун,  
қайси омилларга асосланиб шундай демоқдамиз? Энди  
шу фикримизни исботлашга баҳоли қудрат бир уриниб  
кўрамиз.

Кўпчилик зиёлиларимиз, жумладан, файласуфлари-  
миз «мафкура» атамаси ҳақида сўз боргандা, «мафку-  
ра» атамаси фикр, яъни «идея» демақдир. Идея эса  
«идеал» сўзидан келиб чиқсан. «Идеал» грекча «тасав-  
вур» деган маънони англатади» дейдилар. Бу таърифда  
аввало бир ноаниқлик бор: идея сўзи идеал сўзидан  
келиб чиқсанми, ёки идеал сўзи идея сўзига кўшимча  
қўшилиб яратилганми? Келиб чиқиши бўйича арабча  
бўлган фикр, афкор ва мафкура сўзларининг ўзаги битта:  
фикр. Фикр сўзининг кўплик шакли афкор. Лекин биз-  
нинг тилимизда афкор сўзи фикрловчи, илғор фикр  
юритувчи маъноларини англатиш учун кўлланилади.  
Масалан, жаҳон афкор оммаси — тараққийпарвар ин-  
соният деганидир. Яъни ҳар қандай оммага, масалан,  
бебошвок оломонга нисбатан афкор иборасини кўллаб  
бўлмайди. Бизнинг тушунчамизга кўра мафкура атама-  
си ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатдаги фоя деган маъно-  
ни, ниятни мақсадга айлантиришга ундовчи деган маз-  
мунни англатади. Бирор фикр киши онгида пайдо бўлса,  
у ҳаракатга келгунича фикр сифатида мияда сақданниб  
тураверади. Уни ҳаракатга келиши учун мафкура ке-  
рак. Масалан, истиқлолдан олдин ҳам Қуръони карим

ва Ҳадиси шарифларни ўзбекчага таржима қила олувчи мутахассисларимиз бор эди. Лекин бу ишларни ҳаракатга келтирувчи фоя йўқ эди. Еки бўлмаса, бугунги кунда чет элларда аъло баҳоларда ўқиб келаётган ва ўқиб турган ёш авлодимиз илгари ҳам бор эди. Лекин уларни чет элларга юборишни ўртага қўядиган, ҳаракатга келтирадиган фоя — мафкура йўқ эди. Диндор кишиларимизга маълумки, намознинг фарз, вожиб ва нафл турлари бор. Ихтиёрий, қушимча бўлмиш (ўқиса савоб олади, ўқимаса гуноҳкор бўлмайди) нафл намозини ўқишга ният қилингач, адо этилмаса, гуноҳкор бўлинади, чунки ният қилингандан кейин нафл намози ҳам фарзга айланади. Ният сўзи маъноси билан мақсад сўзининг маъноси ўртасидаги фарқни англатиш учун намозга доир ушбу изоҳни тилга олиб ўтдик. Хуллас, мафкура атамасида ҳаракатга келтирувчи фоя маъноси мужассам.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида бундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуратар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида урнатилиши мумкин эмас».

Конституциямизнинг таркибий қисми бўлган бу модла қабул қилинганига б йил бўлиб қолди. Жамиятилизнинг ижтимоий тафаккури анча юксалди. Шу ҳолни зукколик билан англаб етган муҳтарам Ислом Каримов «Тафаккур» журналида ёритилган жавобларида биринчи бўлиб **жамият мафкураси** деган атама ва тушунчани ўртага қўйди: «Жамиятнинг, жамият аҳлиниңг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равища инқирозга юз тутади... Мақсад дегани — ҳалқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон ҳалқининг руҳини, гуур-ифтихорини, керак бўлса, қурдатини, орзу-интишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, ҳалқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат қила олсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқарashi ва менталитетига асосланган, айни вақтда

шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиласиган, кечаги ва эртанги кун ўргасида ўзига хос кўпприк бўлишга қодирояни мен жамият мафкураси деб биламан» (таъкид бизники. — А. И.).

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, хурматли Юртбошимиз мулоҳаза тариқасида давлат мафкураси ҳақида янги фикрни илгари сурмокда, уни жамият мафкураси деб атамоқда. Бу эса амалдаги Конституциямизнинг мафкура билан боғлиқ моддасини кўриб чиқишини тақозо этади. Маълумки, қонунда маънавий эскириб қолишилик, вақтдан ўзиб кетишлик ёки вақтдан орқада қолишилик ҳолатларининг бўлиши мақбул эмас. Муҳтарам Йўлбошчимизнинг юқорида эслаб ўтилган назарий фикрларига асосланган ҳолда, бир мулоҳаза, ечим учун бир таклиф тариқасида айтиш мумкинки, Конституциямизнинг 12-моддаси «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ана шундай хилма-хилликка асосланган ва уларни ўзига қамраб олган жамият мафкураси давлат мафкураси сифатида етакчилик қиласи» деб ёзилса мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлаймиз. Бу мулоҳазани муҳтарам Ислом Каримов мафкура бобида илгари сурган фикрга кенг жамоатчиликнинг — Парламентимиз аъзоларидан тортиб то қонунчилик масалалари билан шуғулланувчи ҳуқуқшунос ва файласуфларимиз диққатини қаратмоқчимиз. Зеро, эсдан чиқармайликки, маънавий эскирган, вақтдан илгарилаб ёки орқада қолган қонун моддаси жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шунинг учун ҳам Ислом Каримовнинг жамият мафкураси масаласини ўргага қўйиши давлат аҳамиятига боғлиқ муҳим бир ташаббусидир, қонунчилик ва қонун чиқарувчилик соҳаларида замонга ҳамнафас бўлишга, даврдан орқада қолмасликка давват ҳамдир. Давлатимиз бошлиги республикамиз жамоатчилиги томонидан Ўзбекистоннинг бош иқтисодчиси, маънавиятимизнинг бош ҳомийси сифатида эътироф этилган эди. Юқорида келтирилган фикрларга асосланниб, Юртбошимизни мамлакатимизнинг бош мафкурачиси дейишга ҳақлимиз. Жамият қиёфасини — сийрати ва сувратини унинг маънавияти белгилайди. Ҳаракатдаги ғоя бўлмиш жамият мафкураси маънавиятни қайси

шуналишдан боришини изга солиб туради. Булар бир-  
галикда давлат тафаккурини яратади. Давлат тафак-  
кури эса давлат сиёсатини юргизади. Ҳозирги Ўзбе-  
кистоннинг давлат сиёсати бугуни ва келажаги буюк  
давлатчилигимиз тарихида янги бир босқичdir.

## Йигирма олтинчи боб

### МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Президент Ислом Каримов тарихчи олимлар билан  
сухбатда уртага қўйган саволлардан бири кимлигимиз  
ни билib олиш зарурлиги ҳақидадир: «Давлатчилиги-  
миз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимиз-  
нинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб оли-  
шимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керак-  
ми-йўқми?». Албатта, зарур! Чунки «Ўзликни англаш та-  
рихни билишдан бошланади».

Хўш, бизким, ўзбеклар аслида қандай халқмиз?  
Юқорида — ўз фаслларида халқимизнинг дунё халқлари  
уртасида биринчилардан бўлиб, туркий тилли халқлар  
орасида биринчи бўлиб ўтроқлашгани, маданий тур-  
муш кечирувич, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган  
миллат экани ҳақида анча батафсил сўзлаб ўтган эдик.  
Энди шуларга қўшимча қиласиз.

Хўш, бизнинг бошқа халқларга ўхшаш жиҳатларимиз  
нималардан иборат-у, фарқларимиз нималарда  
қўринади? Муштараклигимиз шуки, бошқа халқлар каби  
бизлар ҳам шу она-сайёрамиз — Ернинг фарзандлари-  
миз, тупроғимиз шу заминдан олинган, зуваламиз шу  
тупроқдан қорилган. Диндорларимиз эса Ислом дини-  
и эътиқод қиласилар. Оллоҳ таолонинг Биру борлиги-  
га, расули акрам Мұхаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи  
васалламнинг барҳақлигига имон келтирадилар, диний  
мазҳаб бўйича аҳли сунна вал-жамоат бўлиб, янада  
аникроғи, ҳанафия мазҳабига — Абу Ҳанифа Нуъмон  
ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ — Имом Аъзам асос  
солган мазҳабга амал қиласилар. Шуниси эътиборга  
сазоворки, бизким, ўзбекларда Ислом қабул қилинган  
иљк давлардан бошлабоқ мазҳабларга бўлинишлар  
бўлмаган, шу сабабли мазҳаблараро тарафкашликлар  
ҳам юз бермаган, ташқи таъсирлар содир бўлгудек бўлса,  
халқнинг ўзи жавобини бериб қўя қолган. Халқимиз

Имом Аъзам мазҳабида ҳамиша событлир. Умуман од-  
гаңда, башариятга хос барча фазилатлару камчиликлар  
ўзбек ҳалқига ҳам тегишилир.

Бизнинг бошқа ҳалқлардан фарқли ўлароқ ўзига хос  
жиҳатларимиз нималардан иборат? Бу ўринда шу нар-  
сани алоҳига айтиб ўтиш зарурки, Ер юзида қанча  
ҳалқ элат бўлса, улар ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари  
мавжуд, бундай фарқларсиз ҳеч бир ҳалқ ва элат ўз  
қиёфасига эга бўлиши мумкин ҳам эмас. Бунинг усти-  
га бир ҳалқ наздида фазилат ҳисобланган нарса, ик-  
кинчи бир ҳалқ наздида қусур ҳисобланниши ҳам мум-  
кин. Масалан, жаҳондаги баъзи бир ҳалқларда ёши  
улуг кишилар олдидা ёши кичикларнинг шартакилик  
қилишлари дадиллик, журъатлилик ҳисобланса, биз-  
ларда бу нарса бетгачопарликка йўйилади. Бизда бет-  
гачопарлик мақбул эмас. Баъзи бир ҳалқларда ўғил-  
қиз, невара-авараларнинг ота-оналари, бобо ва буви-  
лари, умуман, ёши улуғ танишу нотаниш кишиларни  
сенсираши одатий ҳол ҳисобланса, бизким, ўзбекларда  
сенсираш беодоблик ва, ҳаттоқи, ҳақорат ҳисобланади.  
Бизда сизсираш удумдир.

Ҳалқимизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири —  
она-заминта қаттиқ боғлиқликдир, ҳуда-беҳудага у  
жойдан бу жойга кўчиб кетавермаймиз, қутай шарт-  
шароит илинжида тарки ватан қилавермаймиз, бир  
парча ерни ҳам қаровсиз қолдирмаймиз, обод қилиб,  
уй-жой қуриб, боғ-роғ яратиб, яъни туп қўйиб, па-  
лак ёзиб, муқим яшашга одатланганимиз. Мұхтарам  
Юртбошимиз Истроил давлатига расмий ташрифлари  
чогида муҳбирларга берган интервьюларидаги ҳалқи-  
мизнинг яна бир фазилатини инкишоф айладилар:  
ўзбеклар ерии худди иондек эъзозлайли, қадрлайди, бир  
шарчагина ерни ҳам қаровсиз қолдиришини гуноҳи азим  
деб билади, чунки ер ноз-неъмат манбай. Одам  
тупроқдан яратилиб, ундан ризқланиб яшайди, ҳаёт  
паймонаси тўлгач, яна ер бағрига бориб қўшилади,  
яъни Еру Одам жисман бирдир. Одамнинг тириклиги  
унинг жисмига жон ва руҳ қўшилувидир. Руҳ ва жон  
вужудни тарқ этгач, тириклик йўқолади, жисмнинг узи  
қолади. Демак, ерни эъзозлаш, киши ўз жисмини,  
ўтган ажлодлари, дунёга келажак авлодларининг жисм-  
ларини ҳам қадрлашидир. Президентимизнинг ҳалқи-  
мизнинг ерни эъзозлаш ҳақидаги таърифларида ана  
шундай чуқур фалсафий мазмун бор. Бу ўринда ми-  
лоддан аввалги 150—80 йилларда яшаб ўтган, ўзбек

давлатчилиги тарихида чуқур из қолдирган (бу нарса ҳали кам ўрганилган) яна бир давлат арбобимиз — буюк ажлоолларимиздан бири Үғузхоннинг насиҳатомуз ушбу сўзларини келтириб ўтишни жоиз деб биламиз: «Ватан факат бизнинггина мулкимиз эмасдир. Мозорда ётган оталаримиз ва қиёматга қадар туңилажак авладаримизнинг бу муборак түпроқ устида ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч бир кимсанинг ҳаққи йўқ... Турк халифининг номи, донғи йўқ бўлмасин деб, турк ҳалқи унун тун ухламадим, кундуз ўтирамадим».

Ўзбек аёлларининг ҳовли тутишлари ўзи бир санъаткорлик! Ҳаммаёқ саранжом-саришта, супирилиб-сипирилган, бетартиб, сочилиб ётган нарсалар йўқ, супиригига ўхшаш «ноҳушроқ» нарсалар кўзга ташланмайли. Ўзбек маҳаллаларида қоровул бўлган-у, фаррош бўлмаган! Озодагарчилик учун ҳамма масъул!

Халқимизнинг бошқа ҳалқларга ўхшашиб жиҳатлари нималардан иборат-у, фарқларимиз нималарда кўриниши ҳақида сўз борар экан, албатта, миллий урф одатларимиз тўғрисида ҳам гапириб ўтмоқ жоиз. Чунки миллий урф-одатларда ҳалқнинг сувратиу сийрати яққолроқ кўзга ташланади. Маълумки, инсон ҳулқи табиатан тузалишдан кўра бузилишга мойил. Шунинг учун ҳам муттасил равишда одамларни ёмон нарсалардан, шу жумладан, шуҳратпастлик, дабдабозлик, исрофгарчилликка йўл кўйиш, ўзини кўз-кўз қилиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатлардан қайтариб, меҳр-оқибатли, камтарин, саховатли, ҳалол ва шу каби фазилатлар соҳиби бўлишга чорлаб туриш лозим. Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда чиқарган тўйлар ва бошқа маросимлар тўғрисидаги Фармони замирида ана шундай ғоя ётадир. Фуқароларимиз томонидан мамнуният или қизғин кутиб олинган бу Фармоннинг ижроси узоқ йилларга мўлжаллангандир. Чунки халқимиз мавжуд экан, юртимиз тинч-осуда экан, турмушимиз фаровонлашиб борар экан, тўйларимиз, оиласи тантаналаримиз, маърака ва маросимларимиз, марҳум ва марҳумаларимиз хотираларига бағищланган дунёвий ва линий тадбирларимиз мудом давом этаверади. Қолаверса, ижтимоий иллатлардан бир йула ва дарҳол мусаффо бўлиб олиш мумкин эмас, бунинг устига ижтимоий иллатлар кўхна ҳам, янги ҳам бўлиши, биридан

кутулиб, иккинчисига тутилиш ҳам эҳтимолдан ходи  
эмас.

Ислом Каримовнинг «Шарқ» нашиёт-матбаа кон-  
цернининг Бош таҳририяти томонидан 1998 йилда чоп  
этилган «Инсон баҳт учун түғилади» деган китобида  
шундай ҳикматли сўз бор: «Ўзбек ҳалқи азаллан жа-  
моа туйгусига мойил». Юртошимиизнинг ҳалқимизга  
нисбатан айтган бу ибораси замирида чуқур маъно  
ётади. Жамоа туйгуси бўлмаган ҳалқда сахийлик ҳам  
бўлмайди. Сахийлик бўлмаган ерда тўй у ёқда тур-  
син, уйига тўртта одамни чақириш ҳам бўлмайди.  
Жамоа туйгусидан саховатлилик келиб чиқади. Жамоа  
туйгусига мойиллик ҳалқимизнинг биринчи фазилати  
десак, балки янгишмаган бўлармиз. Унинг феъл-ат-  
вори шундай, зуваласи шундай қорилган. Дарҳақиқат,  
ҳалқимиз саховатли ҳалқ. Топганини эл-юрт олдига  
қўйсам дейди. Шундан завқланади, меҳмон чехрасидаги  
табассумдан маънавий роҳатланади. Шу боис ҳал-  
қимизни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Гар айла-  
сак, ўз-ўзимизни камситган бўламиз. Тўйсеварликни  
сахийлик, саховатпешалик фазилатларидан бири, деб  
қарамоқ керак. Тўй қилмаган ёки тўйга бормаган ўзбек  
топилмаса керак. Биз кимошибига тўй беришларни на-  
зарда тутаётганимиз йўқ, албатта. Тую маъракаларда  
«мусобақа» эмас, хайр-саховат устувор бўлгани маъкул.  
Тўйларимиз ўзбекларнинг кимлигини намоён этувчи  
ўзига хос бир кўриқидир. Мазкур ҳолни назарда тутиб.  
муҳтарам Юртошимииз 1998 йилнинг 15 август куни  
Термиз шаҳридаги сухбатда «Дўсту ғанимларимизни  
тўйларимизга таклиф қилинглар, ўзбекларнинг кимли-  
гини, қандай турмуш кечираётганликларини яқиндан би-  
либ оладилар» дедилар. Ҳа, порлоқ келажагига ишон-  
чи комил, омонлиқда яшаётган, ўзидан орттириб эл  
олдига дастурхон ёзиш қурбига қодир ҳалқ тўйлашади.  
Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида вужудга келган ай-  
рим моддий вазминликларни бир оз бўлса-да енгил-  
лаштиришда етимпарвар, камбағалпарвар, саховатли  
фуқароларимиз кўрсатаётган беминнат ҳимматлари ҳам  
асқотмоқда.

Биз шундай бағри очиқ бир ҳалқимизки, аввало ирқу  
миллат ажратмаймиз, «Буям худонинг бандаси, жон ато  
этган Оллоҳ таоло ризқ-рўзини ҳам ўзи беради. Тангри  
таолонинг хоҳиш-иродаси билан юртимизга келиб қол-  
ган экан, майли, бемалол яшайверсинг, ҳаммаси ўзига  
боғлиқ, яхши бўлса ошини ер, ёмон бўлса, ўзига жабр

қилади» деймиз. «Менинг эътиқодимга ўт, менинг ти-  
хәёнимизга ҳам келтирмаймиз. Қулимиздан келганча  
ердам беришга интиламиз. Бошқа ҳалқ ва элат вакил-  
ларини ҳам тўйларимизга айтамиз, ёлғизлатиб, четла-  
тиб ўтмаймиз. Юртдошнинг юртдошга, қўшнининг  
қўшнига ҳаққи бор деймиз.

Қўшни дейилгандан, эндиликда айрим кишилар ту-  
шунганидек, ҳовлингизнинг икки томонида яшовчи ёки  
бўлмаса, сиз билан бир подъездда истиқомат қўлувчи  
кишиларгина кўзда тутилмайди, балки ўнг томондаги  
40 хонадон, сўл томондаги 40 хонадон, олд тарафдаги  
40 хонадон, орқа тарафдаги яна 40 хонадон, жами 160  
хонадонда яшовчиларнинг барчаси сизга қўшни  
мақомида буладилар. Бундай қўшничилик муносабати  
Ўзбекистондек кўп миллатли мамлакатимизда бир оила  
аъзоларидек аҳил бўлиб яшашларида, ягона ватан ва  
ватанпарварлик туйгусининг шаклланиб, камол топи-  
шида, шу давлатнинг фуқароси бўлгани учун фаҳрла-  
ниш туйгусини тушибди катта аҳамиятга моликдир.  
Рисоладаги ҳақиқий тўйларимиз, оиласвий маросимла-  
римиз, маъракаларимиз ҳалқлар ўртасидаги дўстликни  
янада мустаҳкамлашда муҳим ва ҳалқчил омиллардан  
бира бўлиб келмоқда. Ва ўйлаймизки, бундан кейин  
ҳам шундай бўлиб қолажак.

Тўй борасидаги ҳалқимизнинг азалий удумлари рес-  
публикамида яшовчи эл ва элатлар, жумладан, рус,  
украин, корейс ҳамюргларимиз турмушига ихтиёрий ра-  
виша аста-секин кириб бораётгани хусусидаги далил-  
ларга шоҳидмиз, чунки биз уларни тўю маъракалари-  
мизга айтамиз, уларнинг тўю маъракаларида бир қўшни,  
бир ҳамкасаба сифатида қатнашамиз.

Олис ўтмишни, милодий биринчи минг йилликни у  
ёққа кўйиб турайлик-да, сўнгги минг йиллик тарихни  
олиб кўрайлик. Шунча давр ичиди (чингизийлар ва  
чор истибоди йилларини чегириб ташлаганда, албат-  
та) Туркистонда ҳокимият ҳалқимиз фарзанди бўлган  
сулолалар қўлида бўлиб келди, давлатларимиз раияти  
бўлмиш бошқа кам сонли эл ва элатга мансуб аҳолига  
сиёсий тазиқ ўтказилмади, улар ўз қиёфаларини сақлаб  
қолицлари учун тўсқинлик қилинмади, ҳатто кўпгина  
олимларимиз, тарихчиларимиз, шоиру адабларимиз араб  
ва форс тилиларида ҳам ижод қилдилар. Туркистонда  
тил ва виждан эркинлиги азалдан жорий бўлган.  
Истиқлол йилларида қабул қилинган бу борадаги қонун-

ларимизнинг негизлари ана ўша анъаналаримизга бориб туташади, десак янглишмасак керак. Масалан, бухоро яхудийларига бўлган хайрли муносабатларимизнинг ўзи бир тарихдир. Ўзларини «яхудий» ёки «бней Исроэл» (Исроил авлодлари) деб ҳисобловчи бу халқ аксарият адабиётларда «маҳаллий яхудийлар», «туркестон яхудийлари» деб аталган. Уларнинг аждодлари юртимизга қачон келиб қолгани ҳақида аниқ ёзма манба йўқ. Баъзи муаллифлар уларни бундан 26 аср мукаддам Истроидан Мидия ҳудудига, ундан Туркистон мамлакатига келган, дейишса, баъзи олимлар эса бухоро яхудийларининг аждодлари исроил ва яхудий подшоҳликлари билан бўлган урушларда ассурийлар, бо билликлар, форслар олиб кетган асиirlарнинг авлодлари бўлса керак, деган фикрни айтадилар. Илк ва ўрта асрларда Буюк Ипак йўлида савдо карвонларининг муттасил қатнаб турганида ҳам яхудийлар юртимизга келгани эҳтимолдан узоқ эмас. Аксарият ҳолларда эса яхудийлар Арабистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ўтмишда юз берган ирқий ва диний таъқиб ва тазиийклар оқибатида юртимизга кўчуб келиб, бошпана топишгани, осуда тириклик қилиш имкониятига эга бўлгани аниқ. Амир Темур ва темурийлар ҳукмонлиги даврида Ўрта Шарқ мамлакатларидан кўпгина ҳунарманд яхудийлар Самарқандга кўчуб келгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Яхудийларнинг юртимизга кўчуб келиши кейинги асрларда ҳам давом этади, чунки улар доимо ирқий ва диний таъқибга учраб турардилар. бизнинг мамлакатимизда эса бундай камситишлар йўқ эди. Шу тариқа, кўчуб келган яхудийлар бу ердаги ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар сабабли алоҳида этник гуруҳ бўлиб шакланиш имкониятига эга бўлишиди. Аввалига Бухоро ҳонлигининг, кейин Бухоро амирлигининг фуқаролиги мақомига эришдилар. Маҳаллий яхудийларнинг бухоро яхудийлари деб аталишининг боси ана шундадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Қўқон хони Худоёрхон ҳукмонлиги даврида бухоро яхудийлари Тошкент ва Фаргона водийси шаҳарларига ҳам тарқаладилар. Бунга боис Худоёрхон яхудийларнинг ҳонликнинг фуқаролари бўлишлари мумкинлиги ҳақида чиқарган фармони эди.

1934 йилги маълумотларга кўра Ўзбекистонда 24 мингга яқин бухоро яхудийлари истиқомат қилган. Та-биий ўсиш ҳисобига уларнинг сони тўқсонинчи йил-

ярға келиб 200 мингдан ошган. Тарихий ватанлари бўлмиш Истроилга кўчиб бориб, ўрнашган бухоро яхудийларининг сони ҳам деярли шунча экан. Улар вақти-соати етганда, юртимизда камида 2 минг йил яшаб, динларини сақлаган ҳолда, бизлар билан илиқ хайр-хўшлашиб, ихтиёрий равишда ўз диёrlарига жунаб кетган эдилар. Президент Ислом Каримов Истроил давлатига расмий давлат ташрифи билан борганида бухоро яхудийлари жамоатчилиги томонидан уюштирилган учрашув халқимиз шаънига айтилган бир қасида бўлди. Юргбошимизга кўрсатилган зўр иззат-икром намошинига айланди, десак арзийди. Бунга тарихий омил шукки, асрлар давомида ўзбеклар билан яхудийлар ўртасида миллий-диний адоват бўлмаган, меҳнаткаш ўзбек билан меҳнаткаш яхудий ўртасида, иккала халққа мансуб тараққийпарвар зиёлилар орасида ҳамиша дўстона муносабат ва ижодий ҳамкорлик бўлиб келган, тўю маъракаларида бирга-бирга бўлишган.

Шуниси диккатга сазоворки, бухоро яхудийлари Истроилга кўчиб борганларидан кейин ҳам Узбекистондагидек серфайз ва гавжум тўй-ҳашам ўtkазишда давом этаётган эканлар. Бунинг замирида ҳам муҳтарам Президентимиз айтиган жамоа туйгусига мойиллик ётадир. Демак, тўю маъракаларимизга муносабат масаласида тарихий-фалсафий нуқтаи назардан чуқур ва атрофлича ёндошмоқ зарур. Бунинг ҳозирги нотинч дунёда тинчликни сақлаб қолиш, турил ирқу миллатга, турил дунёқарашга эга кишилар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни кучайтиришда аҳамияти жуда каттадир. Энди сўз шу ҳақда боради.

**Ноёб воқелик, қимматли тажриба. Жамоатчиликнинг** хабари бўлса керак, Президент Ислом Каримов Тель-Авивга учеб кетиши олдидан журналистлар билан қилган сұхбатида ўзбекистонда яхудийлар қавми ҳам ўзбеклар билан бирга минг йиллар давомида ўзаро тинчтотув, бир-бирига иззат-хурматда яшаб келганини айтиб, бу муносабат турли эътиқодга мансуб бўлган ҳалқлар ҳамкорлиги учун яхши ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган эди. Юргбошимиз расмий ташриф асносида шу фикрини Истроилда ва Фаластинда шілгари сурди, яхудий-мусулмон орасидаги зиддиятни муроса йули билан бартараф этиш мумкинлиги ва лозимлигини билдириди. Дарвоқе, бу ташрифдан олдин ҳам Ислом Каримовни деярли барча араб мамлакатларида ва Истроил давлатида Ер юзида тинчлик ва

барқарорлик бўлиши учун толмас курашчи, бундай курашнинг назарий йуллари бўйича тадқиқотчи сифаттада яхши билишарди, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби араб ва ихтилалларида ҳам нашр этилган бўлиб, бу мамлакатларнинг жамоатчилиги, жумладан, сиёсий доиралари томонидан қизиқиш билан кутиб олинган эди.

Президент Ислом Каримов 1998 йилнинг 6 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлисида сўзлаган нутқида турли эътиқодга мансуб бўлган ҳалқлар ҳамкорлиги ва тинч-тотувликда яшashi мумкинлиги ва лозимлиги хусусида Истрои ва Фаластинда айтган фикрини мантиқий давом эттириб, жумладан, бундай деди: «Мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг ҳалқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш қиласа арзиди. Бу – турли динга мансуб бўлган ҳалқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшай олиш тажрибасидир. Бу Яқин Шарқда ўн йиллар мобайнида турли миллат ва диний қураш вакиллари ўтасида муросасиз кураш тўхтамаётган, Болқон, Шимолий Ирландия, Шимолий Кавказ ва бошқа ҳудудларда этник ва диний қарама-қаршилик минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда бекиёс аҳамиятга эга бўлур эли».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқликда яшаб келаётган, дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар Инсон шарафланадиган бағрикенг мамлакатdir: «Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яхудолик, буддийлик ва бошқа қўхна динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсидаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган». Масалан, юртимизда таваллуд топган бухоро яхудийларидан И. Калантаров, Ю. Исҳоқов, Л. Аронова, М. Козиев, Б. Пинхасов, Н. Маллаев каби фан ва маданият арбоблари, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков каби бастакорлар, Юсуф Елизаров сингари расомлар, Ўзбекистон ҳалқ артистлари Берта (Билтур) Давидова, Исоҳор Оқилов, Марям Ёқубова ва бошқалар

етишиб чиққани, маданиятимиз равнақига улуш қүшгани бу фикрга далил бұла олади.

«Узбекистонда турли диний оқим ва конфессияларнинг мавжудлiği ҳам шу билан изоҳланади, — дея давом этади Юртбошимиз. — Мен фахр билан айтишим мүмкінни, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айриш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл кўймаймиз ҳам. Бизнинг юртимизда ҳеч қачон антисемитизм кўринишлари ҳам учрамаган... Этник, маданий ва диний хайриҳоҳлик ва очиқкўнгиллик ўзбек халқининг ўзига хос туғма фазилатларидан бирига айланган». Тарих тақозоси, турли сабабларга кўра юртимизни ихтиёрий равишда тарк этган ўзга миллатга мансуб кишиларнинг Узбекистонни, халқимизни кўмсаашларининг туб боиси ҳам ана шундадир.

Давлатимиз раҳбарининг «турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асослари турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин» деган таклифу тавсияси глобал аҳамиятга молик бўлиб, дунё ҳамжамияти томонидан эътиборга олинса арзиди.

Яхлит қилиб олинганда, Ислом Каримовнинг Исроил ва Фаластинда сўзлаган нутқлари билан ЮНЕСКО Ижория Кенгаши Сессиясининг 155-якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи ўзаро ҳамоҳанг бўлиб, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида илгари сурған фикр ва ғояларининг янги босқичдаги мантиқий давомидир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Ижтимоий ҳодиса.** Баъзи бир кишиларда гап тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимлар ҳақида бораётганида диний эътиқодлар, халқаро муносабатлар ҳақида сўз юритишнинг ҳожати бормиди, десак мулоҳаза туғилиши эҳтимолдан узоқ эмас. Йўқ, нафақат ҳожати, балки зарурати бордир. Чунки тўй ҳам, маърака ҳам, маросим ҳам шахсий иш эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, халқимизнинг миллий қиёфаси, характеристи (феъл-автори), ўзига хос турмуш тарзи, салоҳияти, дунёқараши, тафаккури, онги, қалби, одамгарчилиги, орзу-умидлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтганда, бутун борлиғи ана шу тўй-ҳашамла-

рида, оилавий тантаналарила, маърака ва маросимлариди, мархум ва марҳумаларнинг хотираларига бағишланадиган тадбирларида яққол намоён булади. Буларни ўзбек халқи қандай халқ эканлигини кўрсатувчи мисоли бир кўзгу дейиш мумкин. Бундаги бош омил, бош асос, Юртбошимиз айтган таърифдагидек, ўзбек халқи азалдан жамоа туйгусига мойиллигиdir.

Президентимиз Ислом Каримов 1998 йилнинг 9 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нуткида таъкидлаб ўтганидек, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган кўпгина Farb ва Шарқ мамлакатларида аҳолининг моддий аҳволи, яшаш шарт-шароити яхши бўлса-да, маънавий жиҳатдан уларга таҳассуб қилиб, ҳавас қилиб бўлмайди. Уларда ёлғизлик, маънавий қашшоқланиш ортиб бормоқда. Ҳар қандай моддий бойлик буларнинг ўрнини қоплай олмайди, одам Одамдек ҳаётдан завқданиб, роҳатланиб яшай олмайди, балки умр ўткаради, холос. Қорин түқлиқ, усти бутлик, бу виллалару апартаментлар, жаҳон банкларидағи миллион-миллион доллар маблағлар — буларнинг бари ҳали бу одамий турмуш эмас. У жойларда кишилардан жамоага мойиллик туйгуси йироклашиб кетган, бу одамий туйгу ўрнини худбинлик, зиқналик эгаллаб олган. Майли, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, қандай турмуш кечириш унинг ўзига ҳавола. Лекин бизга ўзгalarнинг майший турмуш тарзи маънавий жиҳатдан тўғри келмайди. Бизнинг онахонларимиз улуғ ёшга боргандарида элма-эл кезиб, сайдёхлик қилиб юришни кўпда ўзларига эп билмайдилар, ўғил-қизлари, келину куёвлари, набира, авара ва чеваралари куршовида — иззат-икромда бўладилар, шуларнинг «ташвишлари»дан ортмайдилар ҳам: бешикараги чеварани алла айтиб ухлатиш, бўйсира бўлиб қолган аваранинг толим-толим сочларини қирқокил қилиб ўриб қўйиш, совчи чиқа бошлаган набирага атаб кўрпа қавиш ёки бўлмаса бўлажак невара куёвга атаб ўз табаррук қўллари ила дўппи тикиш ва ҳоказо ва ҳоказо юмушлар билан банд бўладилар, халқ ибораси билан айтганда, ўзларидан ортмайдилар.

Улуғ ёшга борган нуроний отахонларимиз эса бундай кезларда мол-ҳолга қарайдилар, хомток қиладилар, ҳовлидаги гулзорни саришталайдилар, яхши ният билан кўчат экадилар, ёки бўлмаса, бемор ётган эллик олтмиш йиллик қадрдон жураларини йўқлагани йўл оладилар, қўлларида эса қийиқчага туғилган тўрттагина

иссик тандир нони... Булар — ўзбекнинг миллий турмушидан бир лавҳа. Бунинг замирида ҳам халқимизнинг азалдан жамоа тўйгусига мойиллiği ётади. Ана шу жамоа тўйгусидан саҳоват қилиб чиқади. Адапмаслик керакки, саҳоват бошқа нарса, тежамкорлик яна бошқа бир нарса. Тежамкорлик пироварл оқибатда моддий баъддавлатликка олиб бориши мумкин. Лекин моддий баъддавлатликтан киши ҳамма вақт ҳам саҳоватли бўлавермайди.

Саҳоватнинг асл манбаи тежамкорлик эмас. Саҳоват тежамкорликдан келиб чиқмайди ҳам. Одатда саҳиф оламлар бой-бадавлат кишилардан кўра оддий омма ўртасида кўпроқ учрайдилар. Халқимизнинг бир маъдизни қирқ киши тақсимлаб ебди, деган нақли ҳам бежиз айтилмаган, албатта. Саҳоват бошқа нарса, исрофгарчиллик яна бошқа нарса. Исрофгарчилликни оддий халқ қоралайди, исрофга йўл қўйишни гуноҳ деб билади.

Саҳоватнинг асл манбаи минг-минг йиллар мобайнида ўз бошидан не-не сир-синоатларни ўтказган халқимизнинг бирлиқда, ҳамжиҳатликда яшашнинг ағзалтигини туйинишидан, ҳар қандай мушкулотларни юрга келган тўй дея мардона кутиб олиб, уларни бир ёқадан бош чиқариб дафъ этиб, вазмин замонларда бир бурда нонни қуни-қушниси билан баҳам куришидан, асрор турмуш тарзи тажрибасидан ҳосил бўлган маънавий дунёсиdir. Саҳоват ва фидойилик бир-бирига уйғун тушунчалар булиб, иккаласи ҳам маънавиятга таалтуқлиdir. Сахий киши одатда фидойи ҳам бўлади ва фидойи киши қўлидан саҳоват қилиш ҳам келади. Сахийлик ва фидойиликдан Юргбошимиз таърифлаб утган жамоа тўйгусига мойиллик келиб чиқади. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш замирида ҳам ана шу жамоа тўйгусига мойиллик ва садоқат ётади. Бу деган сўз — юксак маънавиятлилик демак.

Бизнингча, саҳоватни ахлоқий меъёрлар ўртасида биринчи ўринга қўйиш мумкин ва лозим. Чунки энди бундан бўёғига мамлакатимизда ҳам мулкдорлар, бой-бадавлат кишилар кўпайиб бораверади. Уларда хасислик, зиқналик одатларини эмас, балки сахийлик тўйгусини шакллантириб, камол топтириб бориш мақбул ва манзур. Бу деган сўз сахийликни давлат сиёсати, оила сиёсати, шахс сиёсати даражасига кўтариш устида бош қотиришимизга тўғри келади. Сахийлик замирида эса юксак ахлоқлилик ва муттасил ўсиш бор. Сахий киши саҳоват қилиши орқали юртдошларининг оғирини

енгил қилиш баробарида бу фаолиятдан ўзи ҳам рух ва илҳом олиб, янги ютуқларни қўлга киритишга чоғланади. Албатта, саҳоват ва исрофгарчилик мөхият-топиб, бойиган кишилар ўз маблағларини ҳеч қачон бир-икки кунлик тўй-ҳашам ва шу каби издиҳомларга сарфлаб, елга совурмайдилар. Заҳмат чекмай, нопок йўллар билан, ноҳалол усуллар билан бой бўлган кишилар исрофгарчилик қилишлари мумкин. Ҳаромдан китопилган мол-мулк, маблағ барибир бир кунмас бир кун суриб кетади. Мўмай пул топганлар маблағларини айланма маблағ сифатида ишга солиб, бирни икки қилиш ўрнига кимошдига тўй-ҳашамларга, дабдабали маросимларга совуришлари ҳам уларнинг калтабинлигини кўрсатади. Одамда қанча ақл этишимаса, шунча мақтанчоқ бўлади.

Камтарлик камолга етказади. Ким бўлишидан қатни назар элга қўшилиб яшааш ҳам камтарлик сирасига киради. Элга қўшилиб яшащнинг қулай шароити — маҳалла — халқимизнинг буюқ кашифиётларидан бири ҳисобланади. Элга қўшилиб яшааш ўзбекнинг миллий турмуш тарзи, десак арзийди. Яхши умр одамлар даврасида қандай ўтиб бораётгани сезилмайдиган умрdir. Ёлғизликда умр оқими гўё тўхтаб қолгандек бўлади, вақт ҳадеганда ўта қолмайди. Оллоҳ таоло ана шундан асрасин. Ёлғизлик — беморлик, маънавий беморликнинг бир тури. Барча расвогарчиликлар ана шундан келиб чиқади. Маънавий жиҳатдан ёлғизланиб қолган кимсалар дабдабаю асьасалар қилиб ана шунинг ўрнини тўлдирмоқчи бўладилар, беҳуда уринадилар. Тарақлатиб қилган тўй-ҳашамлари, овозаси ҳаммаёқни тутган маъракаю маросимлари ўтгач, яна ёлғизланиб қолаверадилар. Ёлғизлик беморлиги хуружидан кутулиш учун яна янги тўй бошлиш, янги маъракаю маросимларни ўюштириш пайига тушадилар. Бундай беҳуда хатти-ҳаракатларнинг халқимизнинг асл йўқлов одатига алоқаси йўқ. Маънавий беморлик — ёлғизликтан кутулиш учун қилинган хатти-ҳаракатлар замирида гараз ётади. Умумхалқ одати — йўқловда эса бирор гараз бўлмайди. Йўқлов одамгарчиликнинг оддий кўринишларидан биридир.

Меҳмондорчилик бошқа нарса, едириб, ичириб, тўйдириш яна бошқа нарса. Биринчисида гараз йўқ, иккинчисида гараз бор, қилинган сарфиёт эвазига таъм кутиш бор, бу гараздир. Буларни фарқламоқ зарур.

Айтилган жойга шундан келиб чиқиб борилса, олам гулистан. Шунда беш юз кишилик, минг кишилик, бир ярим минг кишилик издиҳомлар бўлмайди, айтилганларнинг чораги ҳам тўпланмаслиги мумкин. Маълумки, таклиф қилувчилар бор, ташриф буюрувчилар ҳам бор. Улар кимлар, нима мақсадда таклиф этади-ю, не ниятда борилади? Ким кимларни таклиф этади-ю, ким кимларнига боришни ўзига эп билади ёки эп билмайди? Буларнинг замирида ғараз бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керак. Бу билан айтмоқчимизки, исрофгарчиликларга бош сабабчи таклиф этувчилар бўлса, унинг «ижрочи»лари, ўйни ташриф буюрувчилар — исроф қилувчилар ҳам бундай гуноҳга шериқдирлар. Исроф қилувчилар бўлмаса исрофгарчилик ҳам келиб чиқмайди. Шунинг учун ҳам айтилган жойга ташриф буюришдан олдин таклиф қилувчининг шахсияти, тўю маъракасини қандай йигилган ва топилган маблағи ҳисобидан қилаётгани ҳақида бир чамалаб курилса, кейин шунга қараб бориш-бормаслигини ҳал қилгани маъкул. Бундай иш туруми айниқса давлат хизматидаги кишилар, раҳбар шахслар учун зарур.

Тую маъракаларда ўртача юз ва энг кўпи билан юз эллик одам иштирок этса кифоя, деб қатъий шарт қўйиб бўлмайди. Бунда муайян даражада эркинликка йўл қўйилиши лозим. Ҳар ким ўзидан келиб чиқиб, кўрпасига қараб оёқ узатгани маъкул, Бирор — серурғ, ака-укалари, опа-сингиллари, қариндошлари, Куда-андалари, ёр-биродарлари, устоз-шогирдлари, мухлислари кўп. Бошқа бирорники бундай эмас. Ойлаб, йилтаб куришолмай юрган қадрдонлар тўй баҳонасида дийдорлашсалар, бунинг савобига нима етсин! Қолаверса, ўзбекнинг ҳақиқий тўйи камхарж ўтади, исрофгарчиликка асло йўл қўйилмайди, ичкилик яқин ўлатилмайди. Маълумки, бир шиша ароқнинг пулига беш нафар меҳмоннинг олдига дастурхон ёзиб, чойномон ва наҳор оши тортиш мумкин. Ўттиз-уттиз беш кило гуруч солиб дамланган бир қозон палов уч юз кишига этади. Куёв билан келиннинг «Бахт уйи»га — ЗАГСга бориб келишлари учун ёлланадиган фақат ли-музин машинасининг кира ҳақига тўланадиган пулга катта бир қозонда палов дамлаш мумкин. Масаланинг тагига етмай, ҳисобни тўғри олмаган айрим нотиқлару мақола муаллифларининг беҳуда, ўринсиз, кераксиз харажатларни тилга олмай, ҳадеб эл-юрга берилади-

ган тўй оши ва маърака ошига ёпишиб олишлари нотўғридир. Чунки тўю маъракаларимизда тортнишлар ган асосий миллӣ таомимиз паловдир. Ўзбекнинг тўю маъракаси бошқа халқларнинг тўю маъракатаридан ана шуниси билан ажралиб туради. Бу азалий удумларимиздандир.

Бир мисол. Навоий бобомиз 1501 йилнинг 3 январида вафот этадилар. Бутун Ҳирот аҳди мотам тулади. Ҳурросон мамлакатининг султони Ҳусайн Бойқаро барча аркони давлати ила сўз мулкининг султони Навоий уйи олдида мотам либосида — қора кийиниб, белбоғлаб муттасил уч кун келиб-кетувчиларнинг таъзисини қабул қилиб туради. 1501 йилнинг 6 январь куни унинг фармони олийнишони билан давлат хазинаси ҳисобидан юрга наҳор оши тортлиб, мотам маъракаси ўтказилади. Қуръони карим сураларидан ўқилиб, Навоий бобомиз руҳига бағишлианди. Алишер Навоий вафоти умумжаҳон маданияти, адабиёти, ўзбек миллӣ давлатчилиги учун буюк йўқотиш бўлган эди...

Орадан 490 йил ўтгач, 1991 йилнинг 28 сентябрида Юртбошимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий боғида Навоий бобомиз хотирасига наҳор оши тортилди. Қуръон сураларидан тиловат қилиниб, буюк аждодимиз руҳига бағишлианди. Бу — улуғ шоир ва мутафаккиримиз таваллудининг 550 йиллигига бағишлиланган, истиқболга эришганимиздан кейинги энг биринчи тантанали халқаро маданий тадбир эди. Бу — Президентимиз томонидан сўз мулки султонининг мустақилликка эришган ўз халқига — ўз китобхонларига янгидан қайтарилиши эди. Бунда наҳор оши бир восита эди, холос. Асосийси эса буюк аждодимизни хотирламоқ ва қадрламоқ эди. Наҳор оши деганда ана шундай кўп улуғ ва беҳад қутлуг тадбирларни ҳам ёдда сақламоқ лозим.

Киёс учун яна бир ҳаётӣ мисол келтирамиз, тоқи истиқбол бизга нималар берганини чуқурроқ ҳис қиласлиқ, мустақиллигимизнинг қадрига етайлик. Саксонинчи йилларда ўша пайтдаги Фанлар академиясининг президенти, собиқ иттилоғ Фанлар академиясига бутун шўро тузуми даврида ҳақиқий аъзо қилиб сайланган ягона ўзбек олими Обид Содиқовнинг рафиқаси вафот этганида, дағн маросимидан қайтилгач, мотамзада хонадонда кимдир тусатдан Қуръон тиловатини бошлаб юборди. Шу аснода бу ерга кириб келган республикализмининг ўша пайтдаги идеология раҳбари тиловатга

күлөк солиши, рафиқасидан жудо булиб, күнгли ғамга боттап машхур, кекса олимга, отаси тенги нуроний инсонга таъзия билдириш ўрнига тумонат одам олдида даққи беришга тушиб кетди: «Это что такое? Вей, ўртак, сиз академия наукни президентимисиз, или диний наюрат президентимисиз?.. Чёрт побери!» Бу дашномдан кейин кимё фани равнақыга ўзининг 500 дан ортиқ илмий асарлари, қашфийётлари, ихтиrolари билан улкан хисса кўшган, жаҳонга танилган Обид Содиқов ишдан ҳам олинди, хасталикка ҳам чалинди, кўп вақт ўтмай вафот этиб кетди.

Тириклик зийнати. Йўқлов тириклик учун ҳам, охират учун ҳам керак кўхна ва кенг тарқалган миллий удумларимиздандир. Йўқлов — бу маълум бир муносабат билан кутлаш, эслаш ва ҳол-аҳвол сўраш учун қариндош-уроф, дўст-ёларнинг бир-бирларига ҳеч бир такаллуфсиз (туй-ҳашамлардан йўқловнинг фарқи шуки, ташриф буюрувчи тақлиф этишларини кутиб ўтирганди) бориш одатидир. Йўқловнинг турлари кўп: келинни йўқлаш, фарзанд кўрган аёлни йўқлаш, муборак ҳаж зиёратидан, ҳарбий хизматдан, ўқишидан, саёҳатдан, дам олишдан қайтган кишини йўқлаб борилади. Йўқловнинг турларидан бири беморни касалхонага ёки уйига бориб йўқлашдир. Бемор йўқланганда унинг ҳузурида узоқ ўтирилмайди, ўлимдан, ваҳимали гапларни сўзлашилмайди. Йўқлов билан борганлар азиз меҳмон сифатида кутилади, зиёфат билан кузатилади, bemорни йўқлаш бундан мустасно.

Йўқловнинг энг буюги — бу таъзия изҳор қилгани боришдир. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз «Йўқлов — тириклик зийнати» дейди. Йўқлов ҳақида маҳсус тухталишимизга сабаб шуки, кўпгина чиқишилар ва мақолаларда йўқловнинг мазмун-моҳиятига етмасдан энг беозор, жуда кичик доирада, энг синашта ва қадрдан кишилар иштирокида ўтадиган қадимий миллий олатларимизни бошқа, бизга ёт нарсаларга аралаштирилиб юбормаслик керак.

Маълумки, кишининг кайфияти ва ҳолати табиат билан, йил фаслларининг алмашиниб туриши, табиат ҳодисалари билан мустаҳкам боғлиқ. Кўклам келиб, гул мавсуми бошланиши билан киши кайфияти чоғ бўлади. Азиз одамларини яқин орада йўқоттган кишилар учун гул мавсуми хотираларни қайта эсга солиб юборади. Шунда мотамли кишиларнинг күнгли чўқади. Шунда уларнинг яқин қариндошлари, синашта қўшни-

лари ҳеч бир такаллуфсиз кўнгил сўрагани эшикдан бирин-кетин кириб келадилар. Бу маъррака мархум ёки мархуманинг гули — гул маросими дейилади.

Биринчи ёқсан қор ҳам кишида ажиг туйгулар жўн урдиради, хотирашарни қайта уйғотади. Шунда ҳам азабдор хонадонларга яқин кишилари йўқлов билан ҳеч бир такаллуфсиз кириб келадилар, вафот этган киши нинг хотираси учун қорёғди маросими ўтказилади. Яқин ва азиз одамларидан жудо бўлиб, бошларига мусибат тушган кишилар гул ва қорёғди удумларимиз накадар зарур одатларимиздан эканлигини ўз таналарида тўйган бўлишлари турган гап. Одам тафтини одам олади, кўнгил сўрашлар кўнгиллардаги дофу ҳасратларнинг тезроқ тарқалишига ёрдам беради.

Қорхат ёзиш, қорхат ёзиг, ютиш ёки уни топширишда «қўлга тушиб қолиб, ютқазишларнинг», қорхат зиёфатларининг ўзгача завқи бор, албатта. Бу ҳаст завки ва суурини оширади. Айтишларича, Жомий ва Навоий боболаримиз ҳам илк қор ёқсан кунлари аввало бир-бирларини эслаб, бир-бирларига шеърий қорхат йўллар эканлар.

Йўқловлар динга алоқаси бўлмаган, турмуш тарзимизнинг ўзига хос эканини қўрсатувчи жуда қадим одатларимиздандир. Ҳалқимиз бор экан, бу одатлар яшайверади, худбинликнинг, одамовиликнинг йўлини тұсоверади. Ривоят қилишларича, одам бу дунёга одамнинг дийдорини кўриш учун, дийдорига тўйиш учун, дилтортар сұхбатлар куриш учун келар экан. Одам одамларга суюнисиб, орқа қилиб яшайди, одам одамлардан одамийликни ўрганади. Одам одамлар орасида ўзини Одам деб чуқурроқ ҳис этади, ўзига ишончи ортади, одам бўлиб яратилганидан мамнуният ҳосил қиласи. шукру ҳамду санолар айтади. Уларни ғанимат билиб, тириклик гаштини суришга, яхшиликлар қилиб қолиша ошиқади — бу ҳалқимизнинг фалсафий мушоҳадалари дандир. Бир сўз билан айтганда, бизким, ўзбеклар аста йиғлаб, барадла куладиган ҳалқмиз.

Жаҳон руҳшунос олимларининг тадқиқотига кўра, одамлардан ажralиб қолган, якка-ёлғиз яшайдиган, ҳеч ким билан борди-келди қилмайдиган, қариндош-уруғлари деярли йўқ, ёки бўлмаса жуда оз, бори ҳам беоқибат кишилар ўртасида гиёҳвандликка, майший бузуқликка, ичқиликбозликка муккасидан берилиш кўп учрайди. Россия матбуотининг ёзишича, биргина Иваново шаҳри ва областида балофатга етиб, ҳали бирор

марта ҳам расман турмушга чиқмаган ва бундан кейин ҳам эрга тега олишдан бутунлай умидини узиб қўйган қизларнинг 80 фоизини 30 яшар ва ундан ошган аёллар ташкил қўзаркан, уларнинг аксарияти катта-катта кўлқаватли биноларга жойлашган маҳсус ётоқхоналарда сўкқабош бўлиб умр ўтказишаркан. Бу бояқиши аёлларда келгусида зурриёд бўлиши даргумон. Зурриёд бўлмагач, яқин кишилар, қариндош-уруглар, қуда-андалар нима қўлсин. Мана шундай майиш-мънавий инқироздан Ўратганинг ўзи бизни арасин.

Юқоридаги қиёсий мисолларни шунинг учун ҳам хотирамизки, бизнинг рисоладаги никоҳ тўйларимиз, бегараз йўқловларимиз, инсон хотирасини шарафлайдиган одмигина маъракаларимиз, яшашга бўлган завқшавкни ошириб, умрни узайтирадиган турли ҳалқчил маросимларимиз ҳалқимизнинг генофондини пок ва соғлом сақлашга, тобора кучая боришига хизмат этажак. Президентимизнинг ушбу Фармонини ана шу қутлуг йўлда тўсиқ бўлаётган, ҳалақит берадиган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган бир кўрсатмадеб тушунмоқ керак.

Мазкур Фармоннинг ижроси бўйича белгиланган биринчи йўналишга, жумладан, қуйидаги юмуш ҳам киради: «Муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг ҳалқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин».

Умуммиллий тарихимиз деганда, сиёсий тарих, миллий меросимиз муайян қисмининг миллий қадриятларга айланиши тарихи, урф-одатларимизнинг келиб чиқиши ва маълум қисмининг сақланиб келиши тарихи, анъаналаримизнинг пайдо бўлиши, аждоддан авлодга ўтиб келиши тарихи, янги қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарнинг яратилиши тарихи ва шу кабиларни назарда тутамиз. Булардан унчалик хабардор бўлмаган айрим кишилар ҳамма нарсани динга олиб бориб тақаб қўймоқдалар: «Ислом диниде никоҳ тўйида сурнай чалдириш йўқ, «ёр-ёр» айтиш йўқ, ўлган одамга уч кунгина мотам тутилса етаркан, кейин тўй қўйсанам бўларкан ва ҳоказо ва ҳоказо». Бундай чала-думбул гапларни ўқиб, эшишиб, ҳам кулгинг қистайди, ҳам ачиниб кетасан. Ваҳоланки, Ислом дини нозил бўлгунга қадар ҳам ҳалқимиз мавжуд эди, она-Туронда буюк салтанатлар Қурган эди, «Авесто»дек нодир китобларни, бой қадриятларни, бир-биридан гўзал урф-одат-

ларни, ажойиб анъаналарни, Йилбоши — Наврӯздан табиатга боғлиқ байрамларни, ўзига хос ва мос турмуш тарзини яратган эди. Буюк ватандошимиз И мом ад-Бухорий тузган энг ишончли ҳадислар тўплами — «Саҳийхул Бухорий»нинг халқимизнинг шуурига, дунёқарашига, турмуш тарзига айни мос тушгани бежиз эмас-ку, ахир...

Никоҳ тўйларида, умуман, турли тантанали маросимларда сурнай (карнай, нофора, доира) чалиш жуда қадим одатларимиздан. Узатилаётган қиз умрида фақат бир марта ўзи учун чалинаётган сурнай товушини эштиди, холос. Бу унинг бокирагига, маргубалигига тасдик янглиф янграйди, унинг ўзини, уни гулдай авайлаб парвариш этган, униб-ўстирган ва «эгасига» эсон-омон топшириш баҳтига ноил бўлиб турган баҳтиёр ота-она ни эл-юрг олдида шарафлайди.

Сурнай воқеаси. 1986 йили республикамизда бир Опа идеология раҳбари бўлиб турганида Тошкентда шундай ҳодиса бўлган эди. Дарҳон маҳалласида яшовчи фирмә раҳбарларидан бўлмиш бир ота ўша Опанинг фирмавий қаҳридан қўрқиб ўғил уйлантириш тўйини сурнайсиз ўтказмоқчи бўлади. Отасининг измида бўлган кўёв бола жўралари билан қатор-қатор енгил машиналарда сурнайсиз келин томонникига йўл олади. Бироқ ўқчи маҳалласида яшовчи бўлаjak қайнотаси уни туйхонага киритмай, олдига солиб ҳайдайди: «Сурнайсиз келадиган кўёвга берадиган қизим йук!» Орага казо-казо одамлар тушсалар-да, барибир ўзининг сўзида қатъий туриб олади: «Тушунинглар, ахир, қизимни иснонда, оиласми маломатга қолдиролмайман. Бўйсира бўлиб келаётган яна туртта қизим бор. Мен отаман, уларнинг тақдирини ҳам ўйлашим шарт».

Бу ёқда шу пайт сурнайсиз ўғил уйлантироқчи бўлган ота рафиқаси билан «Зарафшон» ресторанининг вестибюлида тўйга ташриф буюраётган казо-казо меҳмонларни кутиб олар, унинг ёнида шай бўлиб турган ёрдамчилари тўй эгасига тақдим этилаётган «совғасалом»ларни эпчиллик билан қабул қилишар, қўлмакүл қилиб, маҳсус хонага олиб кириб тахлашар эди. Ташриф буюрувчилар орасида опаҳон ҳам бор эди, у садоқатли ходими бўлмиш тўй эгасининг рафиқасига гулдаста тақдим этар экан, ҳали келин-кўёвни табриклиб, икки оғиз гапирмоқчи ҳам эканини шипшишиб кўяли, бундан ўғил ўстирган ота-она беҳад кувониб

кетадылар, албатта: «Кимсан, Фалончи Фалончиевна табрикламоқчи-я!»

Рестораннинг иккинчи қаватидаги зал — олти юз кишига мўлжалланган тўй дастурхони атрофи меҳмонлар билан тобора тўлиб борар эди...

Ва ниҳоят, куёв бола жўралари қуршовида келинсиз вестибюлга кириб келади. «Келин қани?» — ота-нинг ўғлига берган биринчи саволи шу эди. «Папа, мен сизга айтган эдим-а, без сурнай невозможна, деб. Папочкин Рано не воспитан так, как Вы». Унинг жа-вобини жўралари тўлдиришади. Масала ойдинлашади. Бу ҳақда Опани хабардор қилишади. «Тадбирли», ҳар қандай вазиятдан ҳам чиқиб кетишга уста раҳбар эмасми. Опа буниям йўлини топиб беради: «Тўй қолдирилмайди. Агар тўйни қолдирсак, сурнайсиз яшай олмайдиган идеологик душманларимизнинг тегирмонига сув куйган бўламиз. Сиз билан янгамнинг кумуш тўйлари деб эълон қиласиз. Ўзим тўйни очаман». Шундай қила-ди ҳам.

«Аслида қўшалоқ тўй эди, — дейди Опа тўй маросимини оча туриб, — ўғил уйлантириш ва кумуш тўй. Мен бундан хабардор эдим. Фалончи Фалончиевна билан Фалончи Фалончиевичлар азбаройи камтарликлари туфайли таклифномада бу ҳақда кўрсатиб ўтишмаган эди. Келин тўсатдан бетоб бўлиб қолгани сабабли ўғил уйлантириш тўйи бошқа кунга қолдирилади, бу ҳақда кейин, келин тузалгач, алоҳида хабар берилади. Ҳозир эса мўлжалланган тўйнинг иккинчи қисми, яъни кумуш тўйни очиқ деб эълон қиласан. Қимматли Фалончи Фалончиевич, қани, келин билан куёвга ажратилган ўринларга марҳамат қилинглар. Кумуш тўйнингиз муборак бўлсин».

Опанинг бу гапига ҳеч ким миқ этолмайди. У пайтлари унинг амри вожиб эди. Битта сурнай сабаб тўй эгаси шунча сарфиётга чув тушибди-я, деб ўйларсиз чоғи. Қаёқда! У шу «кумуш тўй» баҳона келган ҳўл-куруқ аралаш «тўёна»лар ҳисобига анча-мунча бойиб олади. Тўй харажатларини эса партияга қабул қилиниб, Сирдарё вилоятидаги янги ташкил этилган совхозлардан бирига директор этиб юборилган кимса ўз бўйнига тўла олган экан.

Энди сўз навбати «Ёр-ёр»га этиб келди. Никоҳ тўйларида «Ёр-ёр» қўшигини айтиш халқимизнинг энг қадими одатларидан, миллий қадрият юксаклигига кутарилган урфларидан биридир. Бу халқ қўшиғи шу-

ниси билан ҳам характерлики, «Ёр-ёр» бокира қыз илк марта узатилаётгандагина айтилади, ҳар бир келин бұлмиш қыз ўзига атаб айтилған «Ёр-ёр»ни умрида фақат бир маротабагина эшишишга мүяссар бұлади, холос. Бунинг замирида катта рамзий маъно бор, албетта. Навоий бобомиз «Мезон ул-авзон» асарида «Ёр-ёр»имиз ҳақыда, жумладан, бундай деб ёзмишлар: «Түрк улуси... қыз күчурур түйларидә ани айтурлар... ёр-ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар, андоғым (байт):

*Қайси чамандин эсіб келди сабо, ёр-ёр,  
Ким дамидин тушти үт жоним аро, ёр-ёр?»*

Бу байтда қанчалар маъно-мазмун, ҳолат, кайфият ифодаси, завқ-шавқ ва ҳоказолар мужассам.

Энди «Вафот этган кишига уч кунгина мотам тутса етади» дегувчилар таклифига ўз муносабатимизни билдиришгә киришамиз. Бу ўринда аввало шуни таъкидлаб үтиш зарурки, кимнинг кимга қанча муддат мотам тутиши — ҳар кимнинг шахсий иши. Мотам тутища бирордан андоза олинмайди, қалб амрига бўйсунилади. Ўзгадан андоза олиб сақланган мотамни мотам деб бўлмайди ҳам. Бу кўр-курона қилинган сохта азадорликдан ўзга нарса эмас. Кимнинг кимга қанча муддат мотам тутиши вафот этган киши билан мотам тутувчи киши ўрталаридаги қон-қардошлиқдаги яқинлик дараҷасидан ташқари улар орасидаги маънавий яқинликка ҳам боғлиқ, албаттa.

Жисмоний йўқотишдан кура маънавий жудоликнинг азоби кучлироқ бұлади. Яна ҳар кимла меҳр-оқибатлилик дарајаси ҳар хил бұлади, бирорда оқибат ўта кучлидир, бошқа бирорда оқибат ўрта дарајада бұлади, яна ўзга бир киши оқибат кўрсатиш туйғусидан йирок бўлади. Мотам тутиш — хотирлашдир. Хотирлаш эса оқибатлиликдан келиб чиқади. Оллоҳга шукурлар бўлсинким, ҳалқимиз меҳр-оқибатли ҳалқ, бу туйғу ҳалқимизнинг энг асосий туйғуларидан бири, айтиш мумкинки, бу туйғу ҳалқимизга миллий қиёфа бағишибтурган фазилатлардандир.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а, мабодо ҳалқимиз шури ва қалбидан меҳр-оқибат фазилатини — хотирлаш туйғусини олиб қўйилса борми, аждодлар билан авлодлар ўртасидаги, ўтмиш билан бугунимиз ўртасидаги, бутунимиз билан келажагимиз ўртасидаги боғлиқлик

ва боғланишлар барбод бўлиб кетади-ку, миллатимиз жипслигига птур етади-ку.

Тирикларо меҳр-оқибат, аждодларнинг авлодлар томонидан хотирланга борилиши халқимизни мустаҳкам жипслаштириб турувчи мисоли бир маънавий белбоғдир, миллатни ўзига хос қиёфага эга миллат қилиб тутиб турувчи бош омиллардан биридир. Инсоннинг туғилиши ва нафоти билан боғлиқ кўпгина маросимларимиз жуда қадим замонларда аждодларимиз томонидан ҳаётий зарурат тарзида жорий этилган ва булар минг йилликлар оша яшаб, йўлда учраган турли тусиқларни енгиб келмоқда. Турмуш тақозо этган нарсаларни бўйруқ билан манъ этиб бўлмас экан. Масалан, туғилишга боғлиқ маросимлар кишига кувонч баҳш этса, ўлимга боғлиқ маъракалар юпанч ҳосил қиласди. Мирзо Улуғбекнинг «Турт улус тарихи» тарихий асарида ёзилишича, ёғас ибн Нұх алайҳиссаломнинг тўққиз ўғли бўлган, тунғичининг оти Турк эди. ёғас вафот этгач, Туркнинг уйидан чиқарилади, келди-кетди маросимлари ҳам унинг хонадонида ўтказилади. Олис-олисларга тарқаб кетган саккиз нафар инилари ва бошқа қариндош-урулари Туркнига келиб таъзия билдирадилар. Бу келди-кетди бир йил давом этади. Шу тариқа, ота-она учун бир йил таъзия тутиш келиб чиқади, халқимиз одатига айланади, аждоддан авлодга ўтиб, бугунги кунимизгача этиб келмоқда. Ота-онани дағн этишга тўнгич ўғил ҳақли бўлиши, бош таъзиядор ҳисобланиши ана ўша замондан қолган ва халқимиз орасида ҳануз сақланиб келаётган миллий одатларимиздандир.

Мархум ёки мархумани ёдлаб, етти, йигирма, қирқ маросимларини ихчам тарзда ўтказиш халқимиз даҳоси билан яралмиш яхши одатлар бўлиб, бошига оғир мусибат тушган кишилардаги айрилиқ дардини бир оз бўлсада, аритиш, одам тафтини одам олади, қабилида иш тутиш асосида мотамзада киши хаёлини мусибат фамидан ҷалғитиш ва овутиш, кўнглини кутариш мақсадида қашф этилган буюк маънавий топилмалардир, десак арзиди. Етти, йигирма, қирқ маъракалари вафот этиб кетган кишилар хотираси учунгина эмас, балки улардан айрилиб қолган, кўзи ёшли, дили фамли тириклар учун, мархум ва мархумаларнинг энг яқин фамбодалари учун хотиравий ва зарурий маросимлардир. Қолаверса, бу маросимлар замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар билан, коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғланишлар

билан боғлиқ бўлган нарсалардир. Хўш, нима учун етти, йигирма, қирқ маъракалари қилинади-ю, мисол учун ўн, ўтгиз, олтмиш маросимлари қилинмайди? Шу ҳақда бир ўйлаб кўрганмисизлар?..

Оллоҳ таоло оламни етти кунда яратмиш. Шундан келиб чиқиб, шунга нисбат берилиб, янги тушишан чақалоқ етти кунлик бўлгач, ўнг қулогига азон айтиб, чап қулогига такбир айтилиб, унга от қўйилади. Одам боласи исм қўйилгандан кейингина одам ҳисобланади, одамлар қаторига қўшилади. Чақалоқ йигирма кунлик бўлгач, унинг кичик (ярим) чилласи чиқди, бир хавфхатардан омон-эсон ўтиб олди, худо хоҳласа, бундан буёғига яшаб кетади, дея хурсанд бўлинади. У қирқ кунлик бўлгач, чилласи чиқсан ҳисобланади, буни халқимиз катта чилласи чиқибди, дейди, айниқса, ҳаётий тажрибалари бой кекса кишилар — чақалоқнинг бобо ва бувилари, амаки ва аммалари, тоға ва холалари, опоқилари айни шу куни кўп хурсанд бўладилар, катта чилласи чиқибдими, демак, худо хоҳласа, ана энди фалончибой катта йигит бўлади, фалончихон моҳипора қиз бўлади, ишқилиб, омон-эсон, тўкис-тугаллик билан, бағри бутунлик билан ўша кунларга етиб юрайлик, деб дуо қиласидар.

Маълумки, одам боласи 280 кунда, халқ ибораси билан айтганда, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқаю тўққиз сония (халқимизда тўққиз рақамининг мұқаддас деб ҳисобланиши ана шундан келиб чиқсан)да туғилади. (Бир ойни 4 ҳафта — 28 кундан иборат деб билувчилар учун 10 ойлик мурдат 280 кундир). 280 ни 7 га тақсимласак, 40 келиб чиқади. Халқ бу рақамни туғилишга нисбат берганда, чилла дейди, ўлимга нисбат берганда қирқ дейди. Ҳа, етти, кичик чилла, катта чилла, йигирма ва қирқ беҳуда пайдо бўлмаган. Минг-минг йиллардан бери беҳуда яшаб келаётгани йўқ. Юқорида таъкидлаб ўттанимиздек, уларда замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар, коинот ва инсоният ўртасида, табиат ва одам ҳаёти ўртасида боғлиқлик борлигини тасдиқловчи, қолаверса, табиатни ҳам, одамзодни ҳам Тангри таоло дақиқ ва ҳақиқ яратганини асосли тарзда исботлаб турувчи нарсалардир. Ҳалқ даҳоси билан вужудга келган, бунинг устига асрлардан бери яшаб келаётган, миллий қадриятлар юксаклигига кўтаришган маросимларимизни асраш баробарида уларни ихчам ва камтарона ўтказиш замонамизга ҳам, ахлоқ одоб қоидаларига ҳам мувофиқдир.

Рұхнинг борлигига, мангу мавжудлигига ишончи комил мусулмонлар мархұм ёки мархұма вафотининг еттінчи, йигирманчи ва қирқинчи күнлари арвоқ хотиралаб. Куръон тилюват қилинса, дуои фотиҳа үқылса, сағови күпроқ бұлур, деб биладилар. Бу — масаланинг диний томони. Масаланинг дунёвий томони эса мана бүндей: мусибат дардининг эң кучли доруси — вақтдир. Мусибат дарди бошланишида эңг оғир кечади, буни оғир жудоликка учраган, қалби нозик ва тез яраланувчан, ўта таъсирчан кишилар яхши тушунадилар. Айрилиққа учраган кишилар мусибатнинг дастлабки күнларида, дастлабки ҳағталарада дардкаш ва ҳасраткаш киши дийдорига, суҳбатига муҳтоҗлик сезадилар. Ана шундай өнгілдерда етти, йигирма, қирқ маросимлар жуда асқотади, одам тафтини одам олади, мотамзада хонадоннинг хаёли шу маросимлар билан бўлиниб, ғам-андуҳи сал нарироқ кетади. Бу маросимларда мархұм ёки мархұманинг ўғил-қызлари, эңг яқин қариндошлар, бор бўлса, қуда-андалари ва икки-уч нафар яқин ва синашта қўшинлари қатнашадилар. Вафот этган кишининг яхши ишларидан, фазилатларидан сўз боради, руҳи шод этилади, тириклар учун эса юпанч ҳосил қилинади.

Етти, йигирма, қирқ каби маросимлар оила аъзолари, қариндошлар ва яқин кишилараро ихчам шаклда ўтказилса, вафот этган кишининг руҳи ҳам күпроқ шод булса ажаб эмас, валлоҳи аълам. Кўпни кўрган отахонлар ва маҳалла оқсоқоллари тўй қилувчи ва маърака ўтказувчи кишига тўйингни фалончи вақтда қиласан, маъракангни фалончи пайтда ўтказасан, демайдилар, фақат исрофгарчиликка йўл қўйма, деб насиҳат қилалилар. Бу уларнинг ўз имконияти ва вақтидан келиб чиқиб, ўз ишонган қариндошлари ҳамда тўйи ёки маъракасида бел боғлаб хизмат қилувчилар билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, белгилайдиган шахсий ишидир.

Маълумки, наҳор оши биринчи навбатда қўни-қўшни ва маҳалла-қўй учун берилади, одатда булар эрталаблари уйларида бўладилар, кейин эса ҳамма иш, хизмат ва ўқиши жойларига тарқаб кетади. Яхши, хизмат машинасидан фойдаланувчи, ўз енгил машинасига эга кишилар-ку тўйхона ва маъракахоналарга тушлик пайтига етиб кела оларлар, хўш, кўпчиликни ташкил этиувчи оддий фуқаролар-чи, улар маросим ўтаетган жойларга жамоат транспорти билан келишлари амри маҳол,

келишга қарор қилғанлари ҳам меҳнат интизомини бузиш ҳисобига келадилар. Бундан кимга фойдаю кимларга зиён. Эрталабки ошга борганда киши ўз вақти ҳисобидан, тушда борган киши эса иш вақти ҳисобидан вақт кетказади. Масалан, Тошкент шаҳрида кўпроқ наҳор оши тортилиши вақт қулайлиги ва меҳнат интизомига риоя қилиш боисидан одат бўлган бўлса ажаб эмас.

Халқимизнинг бағрикенглигига яна бир мисол. Дину мазҳаби бир, тили тилимизга жуда яқин қирим татар қардошларимиз мажбуран юртимизга кўчириб келтирилганида халқимиз ўзининг иссиқ бағридан жой берди, улар ўзбек тупроғида бизлардан ёмон яшамадилар, ҳалол меҳнат қилиб, яхши тирикчилик қилишди. Ватан соғинчи устун келиб, уларни ўз тарихий ватанларига етаклаб кетди, кўзларида миннатдорчилик ёшлари билан жўнаб кетдилар.

Ёки бўлмаса қорақалпоқ қардошларимизни олиб кўрайлик. Улар ҳам бошқа туркий тили қабилалар сингари узоқ тарихий йўлни босиб ўтишган. Қорақалпоқларнинг номи Шарқ ва Farb йилномаларида учрайди. Улар ўтмишда Туроннинг кўп ҳудудларида, жумладан, Даشتி Қипчоқда ҳам бўлишган. Рус, қозоқ, ўзбек ва қорақалпоқ тарихчиларининг якдиллик билан келтирган маълумотларига кўра, қорақалпоқлар XIX асрнинг бошларида Арис дарёси Сирдарёга куйиладиган жойларда турмуш кечира дилар, чорвачилик, балиқчилик, қисман ғаллачилик билан шуғулланардилар. Кўпсонли кўчманчи қабилалар жуда оз сонли бу аҳолига тез-тез ҳужум қилиб туради. Бундай босқинлардан безор бўлган қорақалпоқлар уч қисмга бўлинниб, уч тарафга йўл оладилар. Уларнинг асосий қисми гарб томонга йўл олади ва Хива ҳонлиги ҳудудига боради. Қорақалпоқ бийлари Хива ҳукуматига ўз ҳимоясига олишни сўраб мурожаат қиласидилар ва муқим яшаш учун жой берилишини илтимос қиласидилар. Хива ҳукумати қорақалпоқларнинг диндош, тилдош ва кўп жафо чекканлигини инобатга олиб, уларни ўз ҳимоятига олишга, уларга ҳам ҳонлик фуқаролиги ҳукуқини беришга қарор қиласиди ва уларга Амударёнинг қуий қисмларида, Орол бўйларида яшашга ижозат этди ҳамда бу ҳақда Хива ҳони фармонига кўра васиқа ҳам берилади. Бу воқеа 1811 йил содир бўлган. Шундан бери қорақалпоқлар бу ерларда ўзбекнинг қўнғирот, манғит, чимбой, нукуз ва бошқа эллари билан бирга яшаб

кемокдалар. Шу тариқа, қорақалпоқлар Хива хонлиги ҳимоятида ўз қиёфасини сақлаб қолди. Шу ҳудудда туп күйиб, палак ёзи, ўтроқлашди, нуфуси қўпайиб, равнак этди, элатликлан миллатлик даражасига эришди. Хива хонлиги ҳимоятида яшаб, шу давлатнинг тенгхукуқли фуқаролари сифатида маданиятини ошира борди, қорақалпоқ ёзма адабиёти вужудга келди. Бу шисбатан ёш адабиётта Бердақ (1827—1900), Ажиниёз (1811—1878), Ўтеш шоир (1828—1902)лар асос солишиган. Куриниб турибдикি, қорақалпоқларни ўз бағрига олганида ҳам халқимизнинг бағрикенглиги яққол намоён бўлган.

Шу уринда халқимизнинг қорақалпоқ қардошларга курсатган яна бир муруввати, марҳаматини тилга олиб утиш жоиз сезилмоқда. 1959 йили Хоразм вилоятининг Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган бир неча тумани (шу жумладан, Абу Райҳон Беруний таваллуд топган, Хоразм давлатининг қадимий пойтахтларидан бири Кот шаҳри, ҳозирги Беруний) иқтисодиётини кўтариш учун Қорақалпоғистонга ўтказилди, халқ таъбири билан айтганда, қўйнидан тўқилса қўнжига қабилидаги ўқтамлик бўлди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон ҳудуди 165 минг 600 квадрат километрга бориб етади. Шу уринда бир тарихий чекиниш қиласиз, яъни тарихий маълумот бериб ўтамиш, бу маълумотнинг миллий давлатчилигимиз тарихига бевосита алоқаси бор.

Тарихий чекиниш. Узбек давлатларидан бири бўлиб келган Хоразм мамлакати ўтмишда жуда улкан ҳудудни эгаллаган. Масалан, хоразмшоҳ Алоуддин Мұҳаммад (1200—1220) ҳукмронлик қилган даврда бутун Ер юзида куч-кудратию ҳудуди бўйича Хоразм давлатига тенг келадиган бирорта давлат йўқ эди. Унинг ҳудуди Каспий денгизининг шимолий қирғоқларидан Ҳинд океанинчага. Кавказдан Ҳиндикӯш тоғларигача борарди. Хоразмшоҳ иҳтиёрида 500 минг кишилик қўшин, 400 та мустаҳкам қалъя бор эди. Бу далилларни тарих ҳукмига қўйиб турайлик-да, 500—600 йил берироқ — Хива хонлиги даврига келайлик. Хонлик ҳудуди шимолда — Орол дengизининг шимолий қирғоқларидан бошланиб, жанубда ҳозирги Эрон ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятларигача, шарқда Бухоро хонлигидан гарбда Каспий денгизи бўйларигача борарди. Хива хонлиги то рус босқинига қалар деярли ҳамма даврларда денгиз давлати ҳам эди. Орол дengизи хонлик ҳудудининг ичидаги Каспий дengизининг шарқий қирғоқлари ҳам хон-

лик ихтиёрида эди. Ташқи савдо учун турт тараф очиқ эди, Русия, Эрон, Афғонистон, Бухоро амирлиги, Кўқон хонлиги билан тусиқсиз алоқа боғлаш имконияти мавжуд эди.

Чор Россиясининг Хива хонлиги ҳудудини қисқартириб қўйишига, унинг йулидан борган большавойларнинг Хоразм ҳудудини ихчамлаштиришларидан иккита фаразли ниятлари бор эди. Биринчиси: Хоразм қадимий давлатчилик маркази, салтанат ўчоғидир. Мустамлакачилар бу ўлкада яна кучли давлат вужудга келишидан чўчишарди. Шунинг учун ҳам Хива хонлигининг ҳудудини (гарчи ўзларига вассал бўлса ҳам) кичрайтириб, ташқи оламдан узиб қўйишган эди. Мустамлакачилар ва большавойларнинг иккинчи фаразли ниятлари шу эдики, қачонлардир (улар учун!) вужудга келиши эҳтимолдан узоқ бўлмаган бирлашган мустақил ўзбек давлати ҳудудини ҳам олдиндан чеклаб, ташқи оламдан, шу жумладан, Каспий дengизи қирғоқларидан узиб қўйиш эди. Ҳа, уларнинг иблиссифат (Иблис Азовил ҳам билимдондир) маслаҳаттўй олимлари, шу жумладан, шарқшунос Бартольд Туркестонда узоқ йиллар ҳукмроњлик қилиш учун бу мамлакатни бўлакларга парчалашни, жанубий, шарқий ва фарбий йўлларни тақатақ бекитиб ташлаб, фақат шимолга — Русияга йўлни очиқ қолдиришни ўзларини маблағ билан таъминловчи мустамлакачи амалдорларга насиҳат қилишган эди.

Мустамлакачиларнинг қилмиш-қидирмишларига, тутган сиёсатларига доир қитобларда ёзилишича, улар ҳали ўз давлатига эга бўлмаган эл ва элатлардан унчалик чўчимас эканлар-да, ўзбек ҳалқи каби кўп асрлик давлатчилик тарихига, давлат тутуми ва тажрибасига, муқим ва мустақим пойтахт ва пойтахтларига эга бўлган миллиатлардан айниқса хавфсирашар, асосий зарбани ҳам шуларга қаратишар экан. Чунки ўз давлатига, ўз пойтахтига эга бўлиб келган ҳалқда сиёсий мустақилликка эришиш туйгуси кучли бўлади, мустақил давлатида эмин-эркин, ўзгаларнинг қулига ва кўзига интизор боқмай яшашга ўрганиб қолган бўлади-да, бой берилган нарсани кўмсаш туйгуси, янгитдан яратила-жак нарсага эришиш туйгусидан чандон ортиқ бўлади. Қолаверса, яратишга нисбатан илгари яратилган нарса (бу ўринда давлат назарда тутилмоқда)ни қайта тиклаш осонроқ кўчади, чунки қайта тиклашда илгариги тажриба қўл келади, аскотади.

Мустамлакачиларнинг ўша хавфсирашлари тўғри

булиб чиқди: мустамлакачилар ҳали иш бошида турган бир пайтда собиқ Совет Иттифоқи тарқаб кетишидан бир ярим йилча аввал республикамизда Президент бошқаруви жорий этилди, Туркистан ҳудудида биринчи булиб Ўзбекистон Ислом Каримовнинг журъати ва шихоати билан ўз давлат мустақиллигини эълон қилди (бу дақда кейинроқ ўз ўрнида яна тұхтаб үтәмиз).

Мұхтарам Юргашимиз 1998 йилнинг 7 сентябріда журналистлар билан қылган ва телевизор орқали кўрсатылган сұхбатида куюнчаклик билан Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидләди. Бу муаммони, яъни ўз дengiz йўлимиз, денгиз оша океанларга ўз йўлимиз йўқиги муаммосини Президент Ислом Каримов етакчилиги ва ташаббуси билан Ўзбекистон давлати ва ҳукумати тафаккур кўпrikлари, тафаккур қанотлари, ақлий ечимлар орқали ҳал эта бормоқда.

Замонавий коммуникациялар — тафаккур кўпrikларидир. Тезкор ахборот воситалари — тафаккур қанотларидир, булар ақлни пешлайди, огоҳ булишга чорлайди, олға ундейди, ортда қолиб кетишидан сақлайди, келгуси асрда ахборот (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий) янгиликларидан ўз вақтида воқиф булиб боришга бўлган талаб янада кучайиши кутилади. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, Каспий дengизи, Кавказ оша Оврупога дengиз ва қуруқлик йўлини очиш, Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар темир йўлини қуриш, Сарахс — Тажан — Машҳад темир йўлини ишга тушириш муаммонинг ақлий ечимларидир. Кавказ оша очилажак янги йўл ишга тушгач, Русия орқали Фарбий Оврупога бориш масофаси деярли 2 минг километр қисқарар экан. Бунинг устига янги йўл мұтадил иқлимли ўлкалар бўйлаб үтади, бу — йил ўн икки ой йўл очиқ леған сўздир. Узлуксизлик, даромад ва тежамкорлик ҳам шунга яраша бўлади, нафи ҳалқقا тегади.

Шу билан тарихий чекинишимизни мухтасар қилиб, ҳалқимизнинг ўзига хос хислатлари ҳақидаги сўзимизни давом эттирамиз. Ўзбек ҳалқининг қандай ҳалқ эканлигини миллий спорт ўйинларимиз ва мусобақаларимизда инсонлик шарафига риоя қилинишида ҳам кўриш мумкин. Бизда ваҳшӣ олишувлар йўқ. Шунинг учун ҳам истиқдол шарофати билан миллий кураш каби спорт мусобақаларимиз ҳалқаро олимпиада ўйинлари рўйхатига киритилмоқда.

Сипо кийинувчи, тан ва руҳ пок бўлишига риоя

қилувчи, шарм-ҳаәли, ор-номусли, имон-эътиқодли, дил-фаросатли, фаҳмли, лутфни қадрловчи, асқияни тушунувчи, зеҳни ўткир, ҳимматли, муруватли, марҳаматли, салоҳияти етарли, тўйга боролмаса-да азадан қолмовчи, ҳашарчи, инсофли, вижлонли, гурури баланд ва шулар каби яна анча-мунча фазилатларга эга халқ эканимизни бизни яқиндан билган, юргимизни келиб кўрган, тўю маъракаларимизда, байрамларимизда, сайилларимизда иштирок қилган кишилар (тилда бўлсин, дилда бўлсин) эътироф этишганига шоҳид бўлғанмиз. Бу фазилатларнинг ҳар бирига алоҳида алоҳида тўхтаб ўтириш шарт бўлмаса керак, узи шундек ҳам тушунарли бўлса керак, деб ўйлаймиз-да, факат битта фазилат ҳақида қисқача сўзлаймиз, у ҳам бўлса бирсўзлилик хислатидир.

**Ҳикоят.** Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» китобида ёзилишича, машҳур лашкарбоши, ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Алптегинга хабар қилишади:

— Фалончи вусоқбоши вафот этибди. Үрнига кимни тайин қиласайлик?

Алптегиннинг кўзи Сабуктегинга тушиб, шундай дейди:

— Вусоқбошиликка шу аскарни тайин қилдим.

Иш юритувчи (ҳожиб) Алптегинга эътиroz билдиради:

— Бу навкар хизмат бошлаганига ҳали уч кун ҳам бўлмади-ку! У етти йил хизмат қилиб, сунг мартабага эришмоғи лозим.

Алптегин қатъият билан дейди:

— Мен айтдим, бу навкар бўлса эшитди ва шукрабажо келтирди. (Бирсўзлилигим бошқаларга ибрат бўлсин).

Шундай қилиб, Сабуктегинга вусоқбоши уйонини беришди ва бу етти йиллик хизмат ва мартабаларнинг самараси бўлмоғи керак эди. Алптегин ўзича: «Қандай қилиб етги йиллик хизмат ва манзалат бу кулга тегди? Ёки у Туркистоннинг бир улуғ уруғиданмикин ё ҳаммага ёқиб қолиб, омади келғанмикин?» деб ўйларди (аслида Сабуктегин аслзодалардан бўлиб, тақдиртақозосига кўра жангда асир тушиб қолиб, Тошкент бозорида занжирбанд қул сифатида сотилган ва Алптегин кўшинига олиб бориб кўшилган эди). Алптегин Сабуктегинни турли йўллар билан синаб кўра бошлайди. Синовлар якунида унга Алптегиннинг меҳри тушиб қолади, ўз ёнига хизматта олади, уни ҳар куни синов-

дик үтказали, ўн саккиз ёшида Сабуктегин икки юз  
кишидан иборат лашкарга эга бўлади ва Аллитегиннинг  
бутун хулқ-авори унга ўтган эди. Охирида Сабуктегин  
Аллитегиннинг қизига уйланиб унга куёв бўлади. 963  
йыни Аллитегин 80 ўшлардан ошиб вафот этгач, унинг  
урнини Сабуктегин эгаллайди. Давлатчилигимиз тари-  
хида буюк из қолдирган, Абу Райхон Беруний каби  
комусчи олимларга ҳомийлик қилган Султон Маҳмуд  
Ғазнавий шу Сабуктегиннинг ўғли эди. Қиссадан ҳисса  
шуки, бирсўзлилек бутун бошли бир сулоланинг вужуд-  
га келишига омил бўлди. Подшоҳнинг амри вожиб деб  
мана шунга айтилади. Шариати исломия бўйича талқин  
қилсан, киши вожиб амални бажарса, савоб олади, ба-  
жармаса, гуноҳкор бўлади. Бирсўзлилек ана шундай  
савобга даҳлidor фазилатлардандир.

Хуллас, айтаверсак ҳалқимизнинг ўзига хос фази-  
латлари кўп, бироқ камтарлик деган гап ҳам бор. Ҳа,  
камтарлик, сиполик ҳалқимизнинг асосий фазилатла-  
ридан ҳисобланади, зуваламизга камтарлик қўшиб яра-  
тилганмиз. Бироқ камтарлигимизни ювошлик деб са-  
наб, муте қилишга уринувчилар ҳам бўларди. Энди у  
замонлар орқада қолиб кетди. Бугунги байрамда кечаги  
мусибатдан гапирмай қўя қоламиз.

Ҳозирги кунда республикамизда бир қанча миллату  
эзлатларнинг вакиллари бир оиласини тутув фарзандла-  
ридек эмин-эркин яшамоқдалар. Бунинг ҳам туб омили  
ҳалқимизнинг бағрикенглигидир. Бу ўринда шу далилни  
алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, миллий истиқ-  
олга эришганимиздан кейин ҳам республикамизда ил-  
гаритдан яшаб келган миллатлар ва эзлатлар таркибида  
узариш бўлмади (тарихий ватан оҳанрабоси или ихтиёрий  
равишда ўз юртларига кўчиб кетган қишим та-  
тарлари ва бухоро яхудийлари бундан истисно, албатта). Истиқоллачга  
республикамизда қайси миллату эзлат-  
лар яшаган бўлсалар, ҳозир ҳам шулар истиқомат қил-  
моқдалар. Бу далил ҳалқимизнинг бағрикенглигини кур-  
сатиши баробарида Ўзбекистон Республикаси ҳақиқа-  
тан ҳам демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат экани-  
ни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Атоқли турк олими Зиё Кўкалпнинг ёзишича, мил-  
лат на ирқий, на қавмий, на жуғрофий, на сиёсий ва  
на бир иродавий бирлик эмасдир. Миллат тил, дин,  
аҳлоқ, ва бадиий жиҳатларга кўра муштарак бўлган.  
Яъни муайян тарбия олган одамлардан ташкил топган  
бирликдир.

Бир одамнинг хоҳлаган вақтда миллатини ўзгартира олиши ўз қўлида эмасdir. Чунки миллат ҳам ташқи бир борлиқdir, ижтимоий ҳодисадир. Инсон аввалига ўз миллатини билимсизлиги туфайли англамаса, кейинчалик изланишлар ва ҳақиқатни тадқиқ этиш орқали кашф эта олади. Бироқ, бир фирмага киргандек, соғирода кучи билан ўзини у ёки бу миллатга мансуб деб билиши мумкин эмас. Чунки моддий эҳтиёжимиз ирқимизга боғлиқ бўлса, маънавий эҳтиёжларимиз тарбиясини олаётганимиз жамият томонидан берилади. Искандар Мақдуний «Менинг ҳақиқий отам Филиппис эмас, Арас тулисdir. Чунки биринчиси моддият, иккинчиси маънавиятимиз шаклланишига сабаб бўлган» деб айтар экан. Инсон учун маънавият моддиятдан қадимроқ. Шу нуттиҳи назардан миллатда шажара тузилмайди (тузib ҳам бўлмайди, чунки дунёда фақат бир қавмдангина келиб чиқсан «соғ» миллат йўқ).Faқат тарбия ва мағкуранинг миллий бўлиши талаб этилади. Соғлом бир инсон қайси бир миллатнинг тарбиясини олган бўлса, кейин унинг мағкурасига боғлиқ бўлиб қолади. Бу фикрнинг тасдиғи учун яқин ўтмишимиздан бир неча мисол келтирамиз. Арман қизи Тамараҳоним ўзбек ашула ва лапар санъатини бутун дунёга машҳур этди. Бошқирд қизи Галия Измайлова ўзбек балеринаси сифатида ном қозонди. Озарбайжон ўғлони Мақсад Шайхзода, татар йигити Асқад Мухтор ўзбек адабиётини ўзбекона ҳалқчил асарлари билан бойитдилар. Бухоро яхудийларидан — Сулаймон Юдаков ўзбек комик операси бўлмиш «Майсаранинг иши»ни яратди, Манас Левиев «Ўрик гуллаганда» каби ўнлаб қўшиқлари билан ҳалқимизни мафтун айлади, Марям Ёқубова «Ўткан кунлар» фильмida ҳақиқий Узбекойим бўлди, Натан Маллаев мумтоз ўзбек адабиёти тарихи бўйича билимдонликда ўзбек ҳамкаслари билан беллашди ва ҳоказо. Кўпминг йиллик ҳалқимиз тарихи, 27 асрлик давлатчилигимиз тарихи бўйича давра ва кўламни кенг олсак, бундай мисолларни санаб адо этиб бўлмаса керак. Хуллас, олис ўтмишда, яқин кечмишда узоқ ва яқинлардан юртимизга келган соғлом инсонлар яхши бўлсалар, яхшилик кўрганлар, ёмон бўлсалар, ўз-ўзларига жабр қилганлар.

Бир сўз билан айтганда, бизким, ўзбеклар ҳабиб ҳалқимиз. Ҳабиб қаломини дўст сўзининг шаклдоши деб тушунилса, унинг тўлиқ маъноси ифодаланмай қолади. Шунинг учун ҳабиблик нима эканини диний ривоят асосида изоҳлаб ўтамиз.

Севгининг икки қирғоги бор, дейдилар. Севиш — бир томон. Севилиш — иккинчи томон. Севиб севи-  
лиш, яъни сиз севган одам, сизни ҳам севса — бунга  
ҳабиблек дейилади.

**Ҳабиб** — ҳам севиб, ҳам севилган зотдир.

Сарвари олам, ҳазрат пайғамбаримиз Мұхаммад Мұс-  
тафо саллоллоху алайҳи вассаламнинг сифатларидан  
бири ҳабибуллохдир. У зоти бокарам Оллоҳ таолони  
севгандар. Оллоҳ таоло ҳам у зотни ҳабиби санаб, ра-  
сули, набийиси ва бандаси сифатида севган.

Мұхаммад саллоллоху алайҳи вассалам Оллоҳ тао-  
лонинг расулидиirlар, яъни Тангри таолонинг Ер юзи-  
даги бандаларини Исломга даъват қилиш учун юбор-  
тан элчисидиirlар. Уларга Оллоҳ таоло томонидан  
Куръони карим нозил қилинган бўлиб, ҳазрат пайғам-  
баримиз шу муқаддас китоб бўйича ўз умматларини  
муслим ва муслима бўлишликка даъват этганлар.

Ҳазрат пайғамбаримиз айни пайтда Оллоҳ таолонинг  
набийиси ҳамдиirlар, яъни ҳазрат пайғамбаримиз то ўзла-  
ригача бўлган пайғамбарлардан ҳам хабар келтирганлар.  
Шу боис ул зотни ҳам расул, ҳам набий дейилади.

Ҳазрат пайғамбаримиз Оллоҳ таолонинг бандасидиirlar,  
ҳазрат Одам Атонинг зурриёди ҳисобланадиirlар. Бу  
жисмоний жиҳатдан. Маънавий жиҳатдан Мұхаммад  
алайҳиссалом Одам Атога ота ҳисобланадилар. Чунки ул  
зотнинг руҳи Оллоҳ таоло томонидан энг биринчи, яъни  
Одам Ато руҳидан ҳам илгари яратилгандир. Шу сабабли  
Мұхаммад алайҳиссалом Ер юзидаги барча одамзоднинг  
маънавий отасидиirlар. Ул зотнинг охирзамон пайғамба-  
ри бўлишларининг боиси ҳам ана шундадир.

Ҳалқимизнинг ҳабиблиги шундаки, у ирқу миллиат аж-  
ратмай, бани башарни бирдек севади. Иккинчи жаҳон  
уруши йилларида 1 миллиондан ортиқ юртимизга кү-  
чириб келтирилган жабрдийдаларни, Faфур Fулом ибо-  
раси билан айтганда, «Сен етим эмассан» дега юпанч  
билин, ҳамдардлик билан самимий кутиб олиб, ўз ба-  
ридан жой берган ҳам ўзбек ҳалқимиздир. Ҳабиблек-  
ниңг иккинчи қирғогининг жавоби ҳам ижобий: юрти-  
мизда яшаб келаётган турли миллиат ва элатга мансуб  
жишилар ҳам, юртимизда яшаб кетган инсонлар ҳам,  
сайёҳлар ҳам ҳалқимиз ҳақида сўз кетса, оғизларидан  
бол томишига кўп маротаба шоҳид бўлганимиз ва, ишо-  
намизки, азиз китобхон, бунга сиз ҳам шоҳид бўлган-  
сиз. Севиб, севилмоқ, яъни ҳабиблек катта баҳтдир.

Тўғри, ўқтамлик ҳам, ҳабиблек ҳам яхши нарса.

Лекин узликни ҳам, биринчи галда ўз фойдасини кўзлашни ҳам унугиб қуийб бўлмайди. Ҳозир дунёда мавжуд бўлган 200 дан ортиқ давлатни ўзича мустақил рўзғор тебратоётган ака-укалар, опа-сингилларнинг хонадонларига қиёс этгимиз келади. Қариндошлиқ иплари уларни бирлаштириб туради. Тирикчилик ташвишлари эса ўз ғамларини ўзлари ейишлари зарурлигини эслатиб туради. Шу ҳолатни халқлараро, мамлақатлараро муносабатларга кўчирсак, бирлаштирувчи ипларни муштарак манфаатларга, ўз ғамини ўзи ейишликни миллий манфаатларга муқояса қўйса бўлади.

Туркий тилли халқлар ўтмишда 18 та буюк салтнатни тузгани, ҳамиша ўз давлати ёки давлатларига эга бўлиб келгани маълум. Бироқ тарихан қисматимизда бор экан, ўтган асрнинг учинчи бўллагида — 1868 йили Бухоро амирлиги, 1873 йили Хива ҳонлиги Русияга қарам давлатларга айланниб қолгач, 1876 йили Кўқон ҳонлиги Русия томонидан забт этилиб, унинг таркибига зўравонлик билан қўшиб юборилгач, бутун туркий тилли халқлар дунёсида фақат битта давлат — Усмонлилар халифалиги (1923 йилдан Туркия Жумхурияти) мустақил мамлакат сифатида сақланиб қолган эди.

Мустамлака асоратига ва қарамлик тузогига тушиб қолган туркий тилли халқлар бир дам бўлса-да, миллий озодлик учун курашни тўхтатмадилар. Ўша тарихий шароитда вужудга келган туркчилик гояси сиёсий ва ҳарбий-сиёсий мазмунга эга бўлиши табиий эди.

Энди замон ўзгарди. 1991 йилга келиб, туркий тилли яна бешта халқ миллий мустақилликка эриши. Бугунги кунда Туркиядан ташқари Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжон ҳам халқаро ҳукуқнинг субъектлари, мустақил ва суверен давлатларdir. Шу туфайли ҳозирги тарихий шароитда туркий тилли давлатлараро муносабатларда сиёсий ва ҳарбий-сиёсий мақсадларни кўзлаш воқеиликка зиддир. Бу борада Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикасининг янги пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган туркий тилли 6 давлат бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида «Анжуманимизга давлатларимизнинг турли даражадаги иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларига ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларни кенгайтиришга зарар етказадиган сиёсий, бунинг устига, ҳарбий-сиёсий тус бериш барчамиз учун номақбулдир» деб тўғри фикр билдири.

Чунки, давлатимиз бошлиғи таъкидлаб ўтганидек,

бизни қай даражадаги маънавий ва тарихий ноёб мерос яқинлаштирганини яхши биламиз, туркий тилли ҳалқлар етакчилари анжумани доирасидаги ҳамкорлигимизнинг қай даражада катта имконият ва истиқболга эга эканини аниқ тасаввур қиласиз.

Биз барчамизни бирлаштириб турган мұхим омил — туркий тилли ҳалқдарнинг тарихий, маънавий ва маданий яқинлиги эканини жуда яхши англаймиз. Вақт бизнинг ҳамкорлигимиз энг аввало ҳар бир мамлакат манфаатларининг барчамизнинг узоқ муддатли ҳамкорлигимиз талабларига жавоб берадиган умумий мақсадтарга мос келиши туфайли ривожланиб бораётганини күрсатди.

Бу деган сұз шуки, ҳар бир туркий тилли давлатнинг шундай давлатлардан бири сифатидаги **муштарак манфаати** ҳамда ҳалқаро ҳукуқнинг бир субъекти бўлмиш мустақил ва суверен давлат сифатидаги ўз манфаати бор. Муштарак манфаат барча туркий тилли ҳалқларни бирлаштириб турган мұхим омил — тарихий, маънавий ва маданий яқинликдан келиб чиқади. Ўз манфаати эса ҳар бир туркий тилли давлатнинг ҳудудий жойлашуви, қайси мамлакатлар ва ҳалқлар билан чегарадошлиги, ички ҳолати ва ўз ҳалқининг анъанавий турмуш тарзидан ҳам келиб чиқади ва бу нарсаларни ҳам назарда тутиш керакdir. Масалан, Туркия Жумхурияти жуғрофий жиҳатдан жуда қулай минтақада жойлашган, денигиз ва океан йўлларига бемалол чиқа олади. Ўзбекистон Республикаси эса бундай имкониятларга эга эмас. Мамлакатимиз бошлиги шу ҳолдан келиб чиқиб, минтақавий интеграциялашувни янада чуқурлаштириш масалалари туркий тилли давлатлар ҳамкорлигининг устивор йўналишларидан бири бўлиб колмоғи керак, деб асосий масалани тўғри белгилаб берли. Туркий тилли ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятининг табиий ва фаол бир қисми бўлиб, уларнинг эшиги тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бошқа барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш учун очиқ эканини алоҳида қайд этиб ўтди.

Тарихан жуда қисқабир давр — ўтган 8 йил мобайнида туркий тилли ҳалқларнинг маънавий жиҳатдан қайта тикланиши, аждодларимиз қолдирган улкан маданий меросни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиши кўзга ташланади ва бу ҳолатлар тобора кучайиб бормоқда. Юргашимизнинг Остона шаҳрида сўзлаган нутқи ҳалқаро ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлиши билан

бирга туркй тилли зиёлилар учун ҳам туркй тилли халқларнинг тарихи, фанний, маданий, маърифий, маънавий мероси ва алоқалари мавзууда сўз юритишида, шунингдек, миллий давлатчилигимиз тарихига концептуал-услубий ёндошишда тўри йўлни кўрсатиб берди.

Тўйга ясаниб, яхши кийимларда борилса, азага эса одми либосда бориш мақбул ҳисобланади. Тўйда хушчақчақ кайфиятда, очилиб-сочилиб ўтирилади, азада эса хомуш кўриниш, кулмаслик, қаттиқ гапирмаслик, умуман, камгап бўлиб туриш аълодир. Мотам маросимларида марҳум ёки марҳуманинг инсоний фазилатлари, қилиб кетган яхши ишлари, жудоликнинг оғирлиги ҳақида сўзланади. **Марсия, йиги, бўзлов** каби аза қўшиқлари айтилиши мумкин. Албатта, Куръони карим оятларидан тиловат қилинади.

Маросим қўшиқлари — халқ оғзаки ижодининг қадим турларидандир. Булар турли маросимларда кўпчилик ёки якка ҳолда турли куй-оҳангларда айтилади. Гўдакни овутиш, ухлатиш, эркалаш, суйишида алла қўшиғи кўйланади.

Диёримизда жамоат жойлари (маҳалла гузарлари, шаҳар майдонлари, чойхона ҳамда масжид ҳовлилари ва шу кабиларда) қоратол, қайрагоч, сада ва чинор дараҳтлари ўстирилган. Хоразм элига гужумлар курк бағишилаган. Қабристонларга одатда мевали дараҳт ўтқазилмайди, асосан терак ва чинорлар экиласди, сафсаргул ҳам. Муқаддас жойларга, сагана ва мақбаралар атрофига қирқоғайнилар экиласди. Бунинг ҳам ўз рамзий маъноси бор, албатта.

Миллий истиқбол шарофати билан уша қадимий анъана ва одатларимиз қайта тиклана бошлади. Ислом Каримов 1996 йил 11 июн куни Шаҳрисабзда — Оқсанрой олдида сўзлаган нутқида, жумладан, бундай деган эди: «Амир Темур — нафақат Турон, Туркистон, Узбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир. Демак, унинг тарихий образи, тарихий сиймосини яратиш ишига жуда катта меҳр ва масъулият билан ёндошмоқ шарт. Менинг назаримда, юртимизда бу улуғ аждодимиз шарафига бунёд этилаётган ва этиладиган ёдгорликларда у зотнинг қиёфаси шундай акс эттирилиши керакки, уни кўрган одам, ҳайкал қаерда ўрнатилганидан қатъи назар, Соҳибқирон бобомизни бехато топиб олсин. Шунинг учун шахсан мен Амир Темур ҳайкалларини, унинг ҳаётий даврла-

ри. яъни болалик, ёшлик, кексалик палласи тарзидагасында киши күз ўнгиде яхлит, улутвор, тенгсиз азмушы жоаат соҳиби бўлган буюк инсон сиймоси гавдаланмоғи лозим.

Маълумки, Амир Темур умр бўйи янги-янги ғоялар ва уларни рўёбга чиқариш билан машғул бўлган беназир шахсдир, Унинг нигоҳи ҳамиша олис уфқларни камраб олган, хаёли жаҳоний миқёсларни забт эта билган. Демак, Соҳибқирон бобомизга ҳайкал қўяётганимизда мана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳайкал олдидағи майдонда Амир Темурга хос бағрикенглик ва улуғифатлик фазилатларини бўргтириб курсатиши учун кенглик, очиқлик бўлиши даркор. Ҳайкал атрофида барпо қилинадиган боғ ҳам Амир Темур замонидаги боғларга ўхаши керак. Бу боғларда асрлар давомида қад ростлаб турадиган чинорлар экиш керакки, улар Соҳибқирон шахсининг нақадар муazzам ва буюклигига ёрқин тимсол бўлиб хизмат қилсин» (тавъид бизники. — А. И.)

Юргбошимизнинг бу таклифи шунинг учун ҳам макбул ва манзурки, ҳайкал ва майдонлар китоблар сингари саҳифама-саҳифа бўлиб-бўлиб, орада танаффуслар билан ўқиладиган асарлар эмас, балки бир йўла, бир лафъала, яхлит тарзда танишиладиган асарлардир.

Истиқтол шарофати билан халқимизнинг унугилаёзган қадимиий анъана ва урф-одатлари қайта тикланиши баробарила уларнинг ижтимоий аҳамияти ошиб бормоқда. Масалан, буюк аждодларимизнинг йирик саналари муносабати билан ўтказиласеттан юбилейларини умумхалқ йўқловлари дейиш мумкин. Шуниси муҳимки, умумхалқ томонидан йўқланган улуғ сиймоларимиз тарих қаъридан замонамизга, халқимиз бағрига маънан қайтиб келмоқдалар, халқимиз ўзлигини чуқур англаб бормоқда. Бундай маънавий бойиш имкониятига ҳам миллий давлатчилигимиз қайта тиклангани туфайли эришдик.

## Йигирма еттинчи боб

### СЕЗГИРЛИККА ЧОРЛОВЧИ САВОЛЛАР

Аждодлардан авлодларга ўтиб келувчи асрий саволлар ҳам бўлади.

— Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий,

Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улугбек, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVIII—XIX асрларга келиб, то шу чоқдача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сұнгы икки аср мобайнида бошимиз қолоқлиқдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттік қарпилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганимкин? — Президент Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда ўргага қўйган бу саволлари нафақат тарихчиларимизга, балки барча илғор фикрли, эл-юрг қайфуси билан яшовчи, миллатининг келгуси қисмати қандай бўлишини ўйловчи (зоро, наслимиз — бўлаjak авлодларимизнинг давомлилиги миллатимизнинг абалдийлигига кафолатdir), юртпарвар, элсевар зиёлиларга қаратилган, ҳушёрликка чорловчи, порлоқ келажагини яратишда ўтмишда юз берган воқеа ва ҳодисалардан тегишли сабок олиб, хулосалар чиқаришга ундовчи саволлардир. Темурийлар замони билан манғитлар давридаги ҳаётимизни ёки бўлмаса чор истибоди пайтидаги аҳволимизни қиёслаб, кўз олдимизга келтирсак, юракларимиз ўрганиб кетади, нега энди шундай кунларга тушиб қолдик, дея афсус-надомат чекамиз. Мұхтарам Президентимиз ўргага қўйган бу саволлар сұнгы икки асрда эл-юрг дарди билан яшаган, юрагида ўти бор ҳалқ фарзандларини сира тинч қўймаган, ўйлашга, жавобини топишга, ечимини излашга чорлаб турган. Шу ҳалқнинг бир фарзанди, бир ёзувчиси сифатида камина ҳам бундай саволлар хусусида бутун онгли ҳаётим давомида бош қотириб келдим, ва шу хусусдаги айрим мулоҳазаларимни китоб ва мақолаларимда баҳоли кудрат билдириган эдим ҳам. Бироқ бу борадаги фикрларимни тўлароқ ва айнан ошкор этишга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам, тўғрироғи, имконият ҳам бўлмаган эди, мулоҳазаларим дилимда қулфоғлиқ эди. Мұхтарам Президентимиз томонидан бундай саволларнинг ўргага қўйилиши, образли қилиб айтганда, қулфи дилимни очиб юборди ва қалбим ва онгимдаги фикр-мулоҳазаларимни қоғоз саҳифаларига туширишимга, китобхонлар билан баҳам кўришимга туртки ва далда бўлди, илҳом баҳш этди. Мана ўша дилимдаги гапларим.

Менингча, қадрдон Туркистонимизнинг кейинги икки аср мобайнида жаҳон тараққиётидан анчагина орқада қолиб кетишининг ўз субъектив ва объектив сабаблари бор, албатта.

## Субъектив сабаблар:

**Биринчидан**, сўнгти икки аср давомида халқимиз орасидан Амир Темурдек, ёки бўлмаса, Абдулахон II каби Туркистондай шонли утмишга эга улкан мамлакатни бирлаштириб, бошқара оладиган, бизким, ўзбеклардек буюк халқقا йўлбошчилик қила оладиган, ҳар томонлама етук тарихий сиймо тарих саҳнасига чиқа билмади.

**Иккинчидан**, юрт эгалари ҳисобланмиш хон, сulton, амир, ҳоким ва бегларимиздаги манманлиқ («Сен эмас, мана мен», «Менга бўлмаса, сенга ҳам бўлмасин»), маҳаллийчилик, ўз жонининг ҳузурини ўйлаб, мамлакат аҳволига бепарво бўлишлик, ўз манфаатини ўйлаб, миллат манфаатини унутишлик, Туркистон атрофидаги давлатларда юз берәётган воқеа-ҳодисаларга эътибор бермаслик, лоқайд қараашлик, хуллас, ғафлат уйқусига ботишлик каби иллатлар аввало давлатимизни бўлакларга бўлиб юборди, кейин эса уч хонлик ўргасида бўлиб турган урушлар мамлакатимизнинг ҳам куч-қудратини заифлаштириди, Туркистон ҳудудларини қисқартириди, масалан, тўққиз вилоятдан иборат Жанубий Туркистон ҳудудлари 1760 йили пуштун амирлари қўлига ўтиб кетди, халқимизнинг нуфусини ва нуфузни озайтириди.

**Учинчидан**, таълим тизимида дунёвий фанларга қараганда диний таълимотнинг ўрни ва салмоғи босиб кетди, шунда ҳам илми тафсир, илми илоҳиёт, илми тажвидга кенг ўрин ажратилиб, илми ҳадисга етарли эътибор берилмади, масалан, то миллий истиқдолга эришгунимизгача Ҳадиси шарифлар, шу жумладан, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизийлар жамлаган ҳадис тўпламлари ўзбек тилига таржима қилинмаган эди. Бу ҳолатни олим, адиб ва жамоат арбоби Алихонтура Соғуний ҳазратларининг таъбирлари билан таърифласак, исломпарастлик, хурофотга муккасидан кетишлиқ кучайиб кетган эди. Асосан, охиратни ўйлаб, кишининг бу ёруғ оламда — ҳаёти дунёда илғор жаҳон халқлари даражасида қулай шарт-шароитларда, илм-фан ютуқларини халқ фаровонлиги ва давлат куч-қудратини оширишда қўлламаслик вужудга келган эди. У ёғини айтсак, халқнинг teng ярмини ташкил этувчи хотин-қизларимизни паранжию чимматга буркаб қўйиш одати ҳам кейинги асрларда жорий қилинган экан. Ваҳоланки, Ҳадиси шарифда мар-

ҳамат қилинадики, «Улуг кишилар аёлларни улуғлайды, пасткаш кишилар хорлайды».

Үтгән асрда Бухорои шарифда хурофот шу даражада кучайиб кетдикى, ёзувчи Садриддин Айний «Эслаклар» китобида ёзишича, Овруполан келтирилган калишларни кийиш мань этилган, калиш кийиб келган талаба малрасага киритилмаган.

### Объектив сабаблар қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, Ҳиндистон, Жануби-шарқий Осиё, Ҳинди-Хитой, Хитой, КорсЯ, Япония каби мамлакатларга Атлантик ва Тинч океани орқали, Сувайш канали қурилгач, Ҳинд океани орқали сув йўлларининг очилиши туфайли Буюк Ипак йўлиниң илгариги ахамияти қолмаган эди, темирйўллар қурилгунча, қуруқликда қатновчи савдо карvonларидан кўра сув йўлидан қатновчи кема карvonлари иқтисодий жиҳатдан арzonроқ, вақт ҳисобига кўра қисқароқ эди.

**Иккингидан**, Жануби-ғарби Осиёдаги қўшнимиз бўлмиш Эрон билан, яъни 1502 йили ҳокимиятни эгалаган Сафавийлар давлатида, сўнгра уларнинг ўrniga келган Қожорлар давлатида шиа мазҳаби давлат дини бўлгани сабабли яхши қўшинчилик қилишга тўсқинлик қилиб турди, Жанубий Туркистон — Ҳуросонга эгалик қилиш масаласида ихтилофлар чиқиб турди, 1740 йили қожорлар сулоласининг вакили бўлмиш Нодиршоҳнинг босқини юртимиизга катта талофат етказди.

**Учинчидан**, Бобурийлар Ҳиндистони билан яхши муносабат ўрнатишига ҳам битта асосий тўсиқ бор эди, уям бўлса шуки, Бобурнинг ўзида ҳам, унинг авлодлари хаёлида ҳам Самарқанд таҳтига эгалик қилиш илинжи юз йиллар давомида сўнмаган эди. Иложи топилди дегунча, бобурийлар қўшини мамлакатимиз чегараларида пайдо бўлиб қолар эдилар.

**Тўртингидан**, 1747 йили Туркистон билан Ҳиндистон ўртасида янги давлат — Афғон амирлиги пайдо бўлгач, Ҳиндистон билан бевосита алоқалар янада мушкуллашди. Ҳиндистон ҳудуди то Дехқига қадар Англия томонидан забт этилиб, сўнгги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ таҳтдан туширилиб, Непалга сургун қилиб юборилгач, бу томондан мустамлакачиларнинг айғоқчилари кела бошлади.

**Бешинчидан**, Шарқдаги буюк қўшнимиз Хитой эса ўзига тобеъ этилган Шарқий Туркистоннинг туб жой халқи Марказий Туркистон халқига қардоштарча хайри-

хөхлигидан чүчіб, биз билан борди-келди қилишни унчалык истамасди. Фарб мамлакатлари билан эса құлай сүв йўли очиқ эди, бу йўл орқали алоқа қилиш осон ва арzon деб биларди.

**Олтингидан**, Киев Руси давлати билан X—XII асрларда буюк хоразмшоҳлар даврида Хоразм давлати ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Темурийлар лаврида Русия ҳудуди Олтин Урда хонлиги таркибида эди. Шайбонийлар даврида Русия билан ўзаро тенгликка асосланган давлатлараро алоқаларимиз бўлган. Бироқ, Иван Грозний томонидан туркий тилли ва мусулмон давлат бўлмиш Қозон хонлигининг босиб олиниши ва мусулмон аҳолини чўқинтиришга уринишлар оқибатида бу алоқаларга путур етган. Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги билан Русия подшолиги ўртасида элчилик алоқалари ва савдо-сотиқ бўлиб турган. Бироқ Русия томонидан Шарқ ва Жанубга қараб босқинчилек сиёсати яна давом эттирилаверилди. Биринкетин туркий тилли ва мусулмон давлатлар бўлмиш Астрахон (Хожитархон) хонлиги, Нўйой хонлиги, Сибир хонлиги ва ниҳоят Қирим хонлиги Русия томонидан босиб олинди. Петр I ҳокимият тепасига келибоқ Туркистонга кўз тикишга киришди. Фаразли мақсадларини ошкора ва пинҳона амалга ошира бошлади. Элчи, савдогар, сайёҳ ниқоби остида юртимизга юборилган русияликлар амалда айғоқчилар бўлиб чиқардилар.

**Россия** билан Ўзбекистоннинг тўла маънода тенг ҳукукликка асосланган давлатлараро муносабати Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақилликларини эълон қилганларидан кейингина ўрнатилди. Бу нарса Туркистонда шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврни назарда тутсак, орадан 4—5 аср ўтгач, Аштархонийлар ҳокимиятни бошқарган замонни эътиборга олсак, орадан 3—4 аср вақт ўтгандан кейин қайта тикланди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган тарихий бу воқеа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг биргаликдаги сайдархакатлари ва матонатлари самараси ўлароқ юз берди. 1992 йилнинг 30 майи иккала мамлакат тарихида ҳам олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди, ўша куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланган, унга Президент И. А. Каримов ва Президент Б. Н. Ельцин

қўл қўйган эдилар. Шу тариқа, Ўзбекистон билан Россия ўртасида тенгҳуқуқлиликка ва ўзаро манфаатдорликка, дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланган алоқалар бошланиб кетди.

1998 йилнинг 5—7 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлган, энг олий даражадаги расмий меҳмон сифатида зур иззат-икром билан кутиб олинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан 1998 йилнинг 11—12 октябрида Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунлари юзасидан чиқарилган Кўшма Коммюникеда, жумладан, бундай дейилади: «*Музокаралар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларига анъанавий равишда хос бўлган дўстлик, ҳамкорлик ва конструктивлик руҳида ўтди. Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги серқирра алоқалар 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномага ҳамда 1994 йил 2 мартағи ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияга мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш принципларига асосланишини тасдиқладилар. Сунгги йилларда Ўзбекистон — Россия муносабатларига стратегик шерикликнинг мустаҳкамланиши, ўсиб бораётган динамикага хос эканлиги қониқиши билан қайд этилди. Ўзбекистон билан Россиянинг бундан буён ҳам янада қалин ва жадал ўзаро алоқадорликда олга боришиларига ишонч билдирилди.*

Мазкур давлат ташрифи муносабати билан И. А. Каримов журналистларнинг саволларига берган жавобида, жумладан, бундай деди: «*Россия етти йил давомида мамлакат ҳаётига демократик ислоҳотларни татбиқ қилиш асосида мустабид тузумнинг қоидалари ва сиёсатидан воз кечиб, ҳозирги кунга қадар эришган муайян ютуқлари бевосита ўша демократик сиёсат маҳсулидир — буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Чунки шуралар давридаги мағкуравий қобижларни ёриб чиқишида, унинг асоратларидан воз кечишида Россия ҳаммага ҳам ибрат бўлган. Буни ҳам ҳеч ким инкор қилолмайди.*

Россиядек улкан мамлакатни воқеликка реал қараб,

демократик асосларда саккиз йилдан бүён бошқарыб келаётган Президент Б. Н. Ельциннинг расмий давлат ташрифи билан илк бор мамлакатимизга келиши Ўзбекистоннинг обруйи халқаро миқёсда тобора ошиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин далил булиши билан бирга муҳтарам Юргбошимиз И. А. Каримов етакчилигида қайта қад ростлаган миллий давлатчиликимиз шукуҳига шукуҳ қўшди. Бу воқеа эски метрополия ўрнида вужудга келган янги давлатнинг бошлиғи собиқ колония худудларидан бирининг ўрнида ўз қадимий давлатчиликини қайта тиклаган демократик ва ҳуқуқий давлатга илк ташрифи бўлганлиги билан, бу мамлакатни жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгига амалий эътироф этганлиги билан эътиборга сазовордир.

Еттингчидан, олисадаги қардошларимиз — Усмонлилар халифалиги билан бевосита алоқа боғлаш имконияти йўқ эди, ургада сафавийлар, қожорлар давлати бор эди, бу давлат билан халифалик кўпинча уруш ҳолатида бўларди.

Хуллас, юқорида айтиб ўтилганлардан кўринадики, атрофимизни бизга хайриҳоҳ бўлмаган қушнилар қуршаб олган бўлиб, шонли ўтмишига эга бўлган Туркистоннинг Амир Темур бобомиз даврида бўлганидек, кучли-кудратли давлат бўлиб, қад ростлашини асло истамасдилар, буни ўзлари учун хавф-хатарли деб билардилар.

Субъектив ва объектив сабаблар деб ҳисоблаган бундай мулоҳазаларимизга қўшилувчилар ҳам, қўшилмовчилар ҳам булиши мумкин, балки бу фикрларимизни тўлдирувчилар бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳар ҳолда шу фикрларимиз бир мулоҳаза тарзида яшашга ҳақли деб биламиз, улар жамоатчиликда бу борада янги фикрлар уйғонишига сабаб бўлиб қолар, тарихдан бир сабоқ бўлар, деган умиддамиз. Тарихий илдизимизни излаб шундай холосага келдик. Зоро, ҳурматли Юргбошимиз айтиганидек, «Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, ироласини мустаҳкамлайди. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир».

Шу боб учун умумий холосага келсак, Туркистон мамлакатининг кейинги икки аср давомида таназзулда булишига ҳам ташқи, ҳам ички сабаблар бор. Энг асосийси, хонликларимиз уртасида бирлик ва жаҳоний ўйғоқлик бўлмади. Шунинг учун ҳам асримизнинг бошлирида кураш майдонига тушган ҳушёр — ўйғоқ кучлар — жадидлар «Турон, гафлат ўйкусидан ўйғон!» дея,

«Битсин ул кулоху жандалар!» дея баралла ҳайқириқ солған эдилар, ҳалқни бирлашмоққа, жипслашмоққа, маърифатли бўлишга, жаҳондаги илғор миллатлар сафига етиб олишга чорлаган эдилар. Шу нуқтai назардан қараганда, ҳалқимиз ва мамлакатимизнинг бугунги ҳолатига назар ташласак, мамнуният туямиз, кўнглимиз таскин топади. Ноаҳиллик, парокандалик туфайли мустамлакачилик зуғумини ўз танасида татиб кўриб, тарихнинг тегишли аччиқ сабоғини олган ҳалқимиз тобора жипслашиб, Президент Ислом Каримов бошчилигида жаҳоннинг энг илғор миллатлари қаторидан жой олиш учун дадил қадам босмоқда. Бу фикримизнинг тасдиғи учун миллий истиқдолга эришилганидан кейинги 8 йил ичидаёқ катта тараққиёт босқичини босиб ўтганимиз, жумладан, ёнилғи мустақиллигига, автомобилсозлик саноатига эга бўлганимиз, самолётсозлигимиз жаҳон андозалари даражасига кўтарилгани, маънавиятимиз тобора бойиб бораётганини ва шу каби мисолларни келтиришимиз мумкин. Тинчлик, омонлик бўлса, бизким, ўзбеклар ҳали ўзлигини янада ёрқинроқ кўрсатади.

## Тұртқынчи фасл

### Йиғирма сақкизинчи боб

#### ТАРИХ — ҚУРОЛ

Хурматли китобхон, ушбу сарлавҳага кўзингиз тушибоқ, аввалига «китоб тарих ҳақида бўлса, сўз ҳам бошидан тарих хусусида бораётган бўлса, қурол сўзини тилга олишнинг, бунинг устига қуролни тарихга менгашнинг нима ҳожати бор экан?» деган хаёлга боришингиз эҳтимолдан узоқ эмас. Хулоса чиқаришта шошилмай туринг, азиз ўкувчи. «Тарих — қурол» дейишимиzinинг сабабини ҳозир шарҳлаб ўтамиш. Албатта, қурол деганда дарҳол ҳарбий ярог, аслача, уруш, жанг асбоби кўз олдингизга келади. Кейин эса иш қуроллари, ёзув-чизув қуроллари ва шу кабилар ҳам тушунилади.

Маълумки, «қурол» сўзининг ўзаги бўлмиш «кур»-нинг яратмоқ, барпо этмоқ, бунёд қилмоқ маъносидан ташқари «асра», «ҳимоя қил» деган маънолари ҳам бор экан. Биз ана шу маъноларни ҳам ифодалаш мақсадида «Тарих — қурол» демоқдамиз. Тарих илмидан боҳабар, айниқса, ўз ҳалқи, ўз мамлакати, ўз давлати тарихини пухта билган киши яхши ватанпарвар, фидойи элсевар, садоқатли фуқаро бўлади, аждодлари руҳидан мадад олади, она-Ватанини чуқурроқ севади, қадрига кўпроқ ва тушуниброқ етади.

Тарих — маърифий қуроллардан, ҳалқимизни маънавий етук қилиш воситарапидан бири. Миллатимизни ҳаққоний тарихимиз билан қуроллантиришимиз лозим. Чунки **тұғри тарих тұғри тарбияни тұғри йўлга солиб туради**. Тұғри тарихий далил ишончли ҳужжат сифатида нишонга — кишининг онги ва қалбига аниқ етиб борали, ҳалқнинг ўзига бўлган ишончини оширади ва мустаҳкамлайди. Келажаги буюк давлат қуришга киришган ҳалқимиз учун ўз тарихини билиши ана шунинг учун ҳам жуда зарур. Мұхтарам Юргашимиз ўзбек ҳалқи тарихини, жумладан, давлатчиликимиз тарихини холис ва ҳаққоний қилиб яратиш учун жонбозлик кўрсатиб келаётганининг туб сабаби мана шундадир.

Олис ўтмишимиз ва яқин кечмишимизда юз берган воқеа-ҳодисаларни чуқур билиб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар олишимиз бугунимиз учун асқотади,

келгусида эса ўтмишда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тақрорламасликнинг олдини олади. Тарихий сабоқ ҳимояланиши, тўғри йўлни белгилаб олиш аҳамиятига ҳам эгадир. Келажаги буюк давлатимиз тап-тақириерда эмас, илдизлари чуқур томир отган қадимий заминда қурилмоқда, буни билмоқ рух бағишлайди. Халқимизнинг, давлатчилигимизнинг ўтмиши шонли ва шукуҳли экан, демак, келажаги ҳам янада порлоқ бўлиши аниқ. Бунда авлоднинг аждодга ворислиги асосий омилдир.

**Ворислик ҳам икки хил бўлади: бевосита ва билвосита.** Бевосита ворислик тўғридан тўғри асл ворислидир, билвосита ворислик эса муайян даражада тааллукли ворислидир. Бугунги Ўзбекистон Республикаси қадим Турон ва Туркистон мамлакатининг, шу заминда вужудга келган барча давлатларнинг бевосита ворисидир. Президент Ислом Каримов етакчилигига бунёд этилган Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон модели деб эътироф этилган давлатчилик қурилиши ўша қадим Турону Туркистон давлатчилигининг давоми ва янги босқичдаги бир замонавий қўринишидир.

Давлатчилик соҳасидаги бой тарихий тажрибаларимиз ва анъаналаримиз республикамизда мустаҳкам давлат ҳокимиютини ўрнатиш ва равнақ эттиришда қўл келмоқда. Келажақда, айтайлик, орадан ярим аср, бир аср вақт ўтгач, келгуси наслларимиз ўзбек давлатчилиги қайта тикланган ҳозирги кунларимиз — XX асрнинг сўнгти ўн йиллиги ҳақида сўз юритгандарнида бу шарафли иш бошида Президент Ислом Каримов турганлигини, давлат сиёсатини ўтмиш тажрибаларидан келиб чиқиб, тўғри белгилаганини, ҳалқимиз эса бир ёқадан бош чиқариб, Юртбошимизни самимият билан ёқлаганини, қадим давлатчилигимиз тарихининг давоми бўлмиш қайта тикланган давлатимизнинг тарихи худди ана шу даврдан бошланганини миннатдорчилек билан эслайдилар, деб умид қиласиз. Зотан, эзгу ишга тамал тошини қўйган шахснинг номи ва бу ишда иштирок этган кишиларнинг номи тарихда абадий қолади.

Бир мулоҳаза сифатида яна шу фикрни ҳам айтиб ўтамиш: миллий давлатчилигимиз нафақат ўзбек ҳалқи тақдирида, балки ён қўшни ҳалқлар қисматида ҳам ижобий ўрин тутган, уларни ўз ҳибзи-ҳимоятида асраб келган, миллий қиёфалари, жумладан, тиллари ва диний мазҳабларининг сақланиб қолишига омил бўлган. Олис ўтмишни қўйиб турайлик-да, масалан, сўнгги ўз-

бек хонликлари замонини мисолга олайлик. Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликларининг ўз фуқаролари бўлмиш туркман, тоҷик ва қирғиз халқларининг ҳам ўз миллий қиёфаларини сақланиб қолишида давлат сифатида аҳамияти булган. Бугунги кунда бу қушниларимиз ўз давлатига эгадирлар, уларнинг ташки давлат чегаралари ҳам Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликларининг ўтмишдаги собиқ давлат чегаралари доирасидадир.

Яна шу ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Туркистоннинг марказий ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикасидаги тинчлик ва барқарорлик бутун минтақада мўътадил сиёсий иқълим, тивчилик ва барқарорлик бардавом булишига омиллардан бири бўлиб турибди. Бу мулоҳазани шунинг учун ҳам айтмоқдамизки, миллий давлатчилигимиз тарихини шундай чукур, кенг кўламда ва ҳар томонлама ўрганайликки ва тарғиб қиласайликки, дўсту нодустларимиз бизким, узбеклар ҳақиқатан ҳам қадим халқлардан бири эканимизни, давлатчилигимиз ҳам бой тарих, тажриба ва анъана нарарга эга эканини, бу давлатчилик нафақат узбек халқимизнинг тақдира, балки бир қатор Шарқ халқлари қисматида ҳам ижобий ўрин тутганини рад этиб бўлмайдиган далиллар қаршисида лол қолиб, эътироф этсинлар, ноилмий қарашларидан, юқоридан бокишлидан воз кечсинлар. Лекин уларнинг тан олишлари биринчи масала эмас, узлуксиз равнақ эта боришилик миллатни ўз-ўзидан эътироф эттириб күяжак. Асосийи шуки, унутилаёзган тарихимизни ўзимиз чукур билиб олайлик. Ана шунда бутунимизнинг қадрига кўпроқ етамиз, келажакка ишончимиз янада ошади, қаддимиз янада тик бўлади.

Халқимиз яратувчан халқ. Яратувчанлик тарихимиз миллий давлатчилигимиз тарихидан ҳам қадимиyroқдир. Зоро, халқнинг яратувчанлиги миллий давлатчилигининг ҳам асосидир. Кенг маънода олсак, давлатчилик ҳам бунёдкорлик самараларидан биридир. Давлат ҳам бунёд этилади. Бу бунёдкорлик бошқа соҳалардаги бунёдкорликларга кенг йўл очиб беради. Босқинчилар томонидан юртимизда вақтинча ўрнатилган сиёсий ҳокимиятлар халқимиз табиатига, турмуш тарзига ёт бўлиб, улардан на мамлакатимизга, на элимизга наф етмаган, тараққиётимизни орқага суреб, маънавиятимизга зарар етказган. Кайхусраву Доролардан, Искандару Чингизхонлардан юртимизда њеч нарса қолма-

ган, кейинги истилочилардан ҳам арзигулик ҳеч вақо йўқ. Аксинча, еrostи ва ерусти бойликларимизни, маънавий хазиналаримизни ўз юртларига ташиб кетишиди, моддий-маданий ёдгорликларимизга қирон келтиришиди, ҳалқимизни дунёдан узиб қўйиб, жаҳон тараққиётидан вақтингча орқада қолишимизга сабаб булишиди. Самарқанду Бухорода, Шахрисабзу Термизда, Самарқанду Хивада қад кўтариб турган буюк обидаларимиз ҳам давлат ҳокимияти ҳалқимизнинг ўз измида бўлган, юртимизни ўз ҳалқимиз ичидан етишиб чиқкан мард фарзандлари бошқарган дориламон замонларда бунёд этилгандир. Лоақал мана шу нарсаларни билиб қўйиш ҳам тарих билан қуролланиш сирасига киради.

Тўғри, шўролар замонида ҳам тарихий ўтмишга бағишлиган тадбирлар ўтказилиб турилган. Лекин булардан кўзланган мақсадлар холис бўлмай, замирида мустамлақачиликка хос бирор бараз ётарди. Масалан, 1968 йили Самарқанднинг 2500 йиллиги, 1983 йили Тошкентнинг 2000 йиллиги нишонланди. Самарқанд юбилейи бу шаҳримизнинг жаҳон тарихида тутиб келган аҳамияти туфайли, ЮНЕСКО раҳбарияти қистови оқибатида, Иброҳим Мўминов каби ватанпарвар ва жасоратли олимларимизнинг жонбозлиги сабабли бўлган эли. Тошкент юбилейи эса «Ўзбекистон — социализмнинг Шарқдаги машъали», «Тошкент — СССРнинг Осиёдаги тинчлик ва дўстлик дарвозаси» шиорлари остида ўтказилиб, бундан кўзланган мақсад ҳам коммунистик идеологияни кенг ёйиш эди.

Масалага янада чукуроқ ёндошилса, Самарқанд ва Тошкентнинг юбилейларини ўтказиш тоғаси қаердан келиб чиққани ва қандай қилиб бундай тадбирларга марказ розилик билдиргани аниқлашиши мумкин. Бизнингча, Иосиф Сталин вафот этиб, унинг шахсига сиғиниш танқидга учрагач, Хитой билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда совуқлик вужудга келди, ўша вақтдаги Хитой матбуотида давлат чегараларини қайта кўриб чиқиш ва, ҳаттоқи, ҳеч қачон Хитой тасарруфида бўлмаган ҳудудларни талаб қилувчи даъвollar пайдо бўлади. Ана шу даъвolarга жавоб тариқасида ўз навбатида Москва ҳам тегишли чора-тадбирлар кўришга киришади. Самарқанд ва Тошкент юбилейларининг ўтказилиши аслида марказ томонидан тузилган ўша чора-тадбирлардан эди. Шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи Фанлар академиясининг Новосибирск шах-

рида жойлашган Шарқий Сибир бўлими олимлари томонидан, умуман, Туркистон, хусусан, Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон муносабатларига бағишланган бир жиҳдлик каттагина тўпламнинг чиқарилishi ҳам бежиз эмас эди.

Бу далилларни келтириш билан айтмоқчимизки, марказ миллӣ давлатчилигимизни эсга солувчи бирор бир тадбирни, жумладан, Самарқанд ва Тошкент юбидейларининг ўтказилишига, агар ўзи учун манфаатли бўлмаса, розилик билдирилас эди. Манфаатдор бўлгани учун ҳам бу тадбирларга рухсат берган. Шу ўринда Ислом Каримовнинг очиқчасига айтган ушбу сўзларини келтиришни жуда жоиз деб биламиш: «*Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзib берган тарихни ўқитишига мутлақо қаршиман. Мустамлақачи қачон қарам бўлган ҳалқ ҳақида холис ва адолатли фикр айтган!* Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишига, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар».

Давлатлар, сулолалар, тарихий шахслар, шаҳар ва қишлоқларнинг юбилейларини ўтказишда кимўзарга, ким кимдан қадимиyroқ эканини белгилаб олишга, ўз шаҳри ёки қишлогининг қўшниси шаҳри ва қишлоғидан қадимиyroқ эканини аниқлашга уринишлар борабора юбилейбозликка олиб бориши турган гап. Бу ҳам шўролар замонидаги мажлисбозликка ўхшаш бир иллатdir. Шўро ҳукумати қардош ёки қўшни ҳалқлар ўртасида миллӣ нифоқлар чиқариш учун, уларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигига раҳна солиш учун атанин шундай йўлларни ҳам ишга солиб турарди. Чунончи, Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонлангач, марказнинг ноошкора рағбати билан бирин-кетин барча собиқ иттифоқдош республикаларда, яъни қадимдан ўз миллӣ давлатларига эга бўлган ҳамда шўролар даврида илк бор ўз муйаян ҳудудига, давлат тузилмаларига эга қилинган ҳалқларда шаҳарларнинг юбилейларини ўтказиш учун тайёргарлик кўриш, йил ахтариш, иложи борича шаҳар ёшига ёш қўшиш, ҳозирги ҳудудларида илгари яшаб ўтган тарихий сиймоларнинг йирик саналарини нишонлашга уринишлар авж олиб кетди.

Масалан, тарихчи Ю. Заднепровский 1977 йили Фрунзе (ҳозирги Бишкек, илгариги Пишпак) шаҳрида «Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху бронзы» деган китобини нашр эттириб, ҳеч бир илмий асоссиз Ўш шаҳрининг ёшини З минг йил деб эълон қил-

ди. Бу даъво илмий далолатдан йироқ. Чунки, бириң-  
чиdan, Ўш шаҳри ҳудудида стратиграфик тадқиқотлар  
олиб борилмаган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент,  
Марв, Ҳужанд ҳудудларида стратиграфик тадқиқотлар  
олиб борилиб, бу шаҳарларнинг ёши белгиланган. Ик-  
кинчидан, бирор шаҳарнинг ёши 3 минг йил бўлиши  
учун унинг ҳудудидаги маданий қатлам камида 20 метр  
бўлиши керак. Аҳоли қачонлардир яшаб ўтган ҳар қандай  
жой ҳам шаҳар мавқеида бўлавермайди. Аҳоли яша-  
ган жой шаҳар мақомига етган бўлиши учун унда тур-  
муш узлуксиз узоқ давом этган бўлиши, шаҳарга хос  
муайян белгиларга эга бўлиши, чунончи, мудофаа ти-  
зимиға, фуқаролар ва жамоатта мўлжалланган яшаш ва  
фойдаланиш иморатларига, ҳунармандчилик устахона-  
ларига, зарбонасига, маъмурӣ биноларига эга бўлган  
бўлиши шарт. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ша-  
ҳарларида ўтмишда ҳудди шундай белгилар бўлганли-  
гини қадимшуносларимиз томонидан илмий аниқлан-  
ган.

Маълумки, бутун Туркистондаги, хусусан, Фарғона  
водийсидаги қадимий шаҳарлар икки ёки уч қисмдан,  
яъни қалъа, шаҳристон ҳамда ҳунармандлар ва савдо  
аҳли яшовчи ёндош шаҳарча — работдан иборат бўл-  
ган. Бундан 3 минг йил аввал Ўш шаҳрида бундай  
белгилар бўлмаган.

Холис ва илмий далилларга асосланиб фикр юри-  
тувчи олимларнинг ёзишларича, Ўшнинг марказида  
жойлашган Тахти Сулаймон тоғида милоддан аввалги  
II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошла-  
рида бир неча хонадон яшаган аҳоли пункти бўлган,  
кейин ривожланмай, янги босқичга кўтарилмай қолиб  
кетган. Милод бошларида Ўш ҳудудида Буюк Ипак  
йўлининг бир бекати, пойтахти Косон шаҳри бўлмиш  
Фарғона (Хитой манбаларида Даван деб аталади) дав-  
латининг шарқий чегарасини қуриқловчи соқчиҳонаси  
бўлган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. IX—X асрларда  
яшаб ўтган араб географ олимлари Ибн Ҳўрдодбех,  
Кудом ибн Жаъфар Ўшни шаҳар ва катта қишлоқ деб  
атайдилар. Тарихчилардан Ибн Ҳавқал ва Истахрийлар  
Ўшни қалъа, шаҳристон ва работдан иборат шаҳар деб  
ёзадилар. Мана шу маълумот илмий ҳақиқатга яқин  
келади. Ҳуллас, Ўшни кўпи билан 1200 ёшда дейиш  
мумкин. Ваҳоланки, унинг 3000 (!) йиллиги нишон-  
ланмоқчи. Агарда Ю. Заднепровский кабиларнинг ту-  
туми билан иш юритиладиган бўлса, Фарғона водийси-

даги минглаб аҳоли пунктларининг 3—4 минг йиллик түйларини нишонлайвериши мумкин. Фарғона давлатига икки марта — милоддан аввалги 128 ва 115 йилларга Хитойнинг элчиси бўлиб келган Чжан Чзян ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, ўша пайтда водийда етмишга яқин катта-кичик шаҳар мавжуд экан. Ҳолбуки, у ёки бу шаҳарнинг ёшига ёш қўшиб ёзиб, юбилейини ўтказиш билан унинг тарихдаги ўрни юксалиб, аҳамияти ошиб қолмайди.

Шу ўринда Ислом Каримовнинг юбилейларни ўтказиш бўйича мезонни қандай олиш зарурлиги ҳақидаги ушбу курсатмаси аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтамиш: «*биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қўлган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади*». Бу фикр кўхна шаҳарларга ҳам тегишилдири.

Ха, айтгандай, Россияяда шаҳарларнинг юбилей саналари уларнинг шаҳар мақомига Эришган пайтидан бошлаб эмас, балки черков йилномаларида аҳоли пунктлари (поселение) сифатида қайд этилган кунидан бошлаб белгилаш одатдир. Масалан, Москва илк бор поселение тарзида рус черков йилномаларида 1147 йили қайд этилган экан, ҳисобни шундан олиб, 1947 йили Москванинг 800 йиллиги, 1997 йили 850 йиллиги нишонланди. Цивилизацияли жаҳон жамоатчилиги эътироф этган ва риоя қиласиган андозалар бўйича эса шаҳар билан қишлоқнинг фарқи инобатга олинади, албатта.

Мавриди келиб қолди, яна бир таклифимизни бир мулоҳаза тарзида жамоатчиликка ҳавола қиласимиз. 2000 йили Туркистон мамлакатида ҳокимият тепасига шайбонийлар сулоласи келганига 500 йил тўлади. Шу муносабаг билан «Шайбонийлар ва улар тузган давлат» мавзуида бир илмий анжуман ўтказилса, миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганища керакли бир тадбир бўларди, деб ўйлаймиз. Китобимизнинг «Давлатимизни юз йил бошқарган сулола» деган бобида бу сулоланинг фаолияти ҳақида баҳоли қудрат сўз юритганимиз учун, уларнинг қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни ҳақида яна тўхтаб ўтиш жоиз бўлмаса керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда бизким, ўзбеклар билан бирга ягона оиланинг фарзандларидек яшаётган халқ ва элатларнинг бу ҳудудда қачондан бери яшаётганини, қайси сабабларга кўра келиб қолишганини билиб қўйиш ҳам тарих билан ку-

ролганиш сирасига киришидан ташқари, келгуси тарих учун ҳам зарурдир. Сталинча қатагон йилларида собиқ Совет Иттифоқининг турли ҳудудларидан мажбуран күчириб келтирилган ҳамда ўз ихтиёрлари билан, турмуш ва тақдир тақозоси ила юртимизга келган турли миллат ва элат вакилларини бағри кенг халқимиз уларни кўкрагидан итармай ўз бағрига олган. Юртимизга турли ҳудудлардан аҳолининг кўчиб келиши баъзан кўпайган, баъзан камайган, лекин сира мутлақо тўхтаб қолмаган.

... 1933 йилги қурғоқчилик қардош ва қўшни қозок халқи бошига катта талофат келтиради. Ўт-ўлан ўсмагани, фалла бўлмагани туфайли ўша йилнинг кузидан бошлаб Қозоғистонда, айниқса, унинг марказий ва шимолий вилоятларида чорва моллари ем-хашаксиз қолиб, очликдан қирила бошлайди, аҳоли ўргасида очарчилик бошланади, бу ҳолат қишига бориб айниқса авж олиб кетади. Очарчилик қаҳатчиликка айланди. Бунинг устига қиши қаттиқ келди, қор тинмай ва қалин ёғди. Атрофи дашту саҳрордан иборат овулларда яшовчи аҳоли оғир ва ночор аҳволда қолиб, омон қолган молларию бола-чақаларини етаклаб боши оқсан ёққа, асосан жанубга, қисман жануби-шарққа қараб йўл ола бошлади.

Шимолий, Шимоли-шарқий, Шимоли-ғарбий ва Марказий Қозоғистоннинг, жумладан, Ўрол, Тўрғай, Гурьев, Оқтепа, Кустанай, Кўкчатор, Павлодар, Оқмулла, Қарағанда, Семипалатинск ва бошқа вилоятларнинг аҳолисининг йўлга чиққан бир қисми тарихан асосан ўзбеклар яшаб келаётган Қизилурда, Чимкент ва Авлиёота (ҳозирги Жамбул) вилоятларига келди. Яна бир қисми Тошкент вилоятига, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро вилояти (у кезлари ҳали Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари тузилмаган эди)ларига келиб ўрнашди, халқимиз ночор қолган қардошларимизни қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам мурувват кўрсатиб кутиб олди. Шу тариқа, Қозоғистоннинг Чимкент, Қизилурда, Авлиёота вилоятларида, шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси таркибида қозоқларнинг сони ошли.

Тўғри, илгарилари ҳам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қозоқлар ҳам овл-овул бўлиб яшаган. Бироқ уларнинг қатлам бўлиб келишлари ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бунга марказ томонидан атайин уюштирилган қаҳатчилик сабаб бўлган эди. Совет Иттифоқи тарқаб кетганидан кейин маълум бўл-

ган далилларга күра, колхозлаштириш сиёсати ва ўша машъум қаҳатчилик туфайли қозоқ халқининг сони деярли тенг ярмига озайган. Шуролар тузумининг бундай ғайриинсоний сиёсатининг замирида яширин раз ётгани орадан йигирма йилча вақт ўтгач ошкор бўлиб қолди. 1953 йили марказ томонидан қуриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш шиори ўртага ташланди ва кенг кўламда тарғиб этилди: Қозогистоннинг биз юқорида тилга олган вилоятларига асосан славян халқлари — рус, украин ва белорус аҳолиси олиб келиб ўрнаштирилди. Мустамлакачиларнинг узоқни кўзлаб режа тузишларига шу ҳам далилдир.

Уттизинчи йиллардаги қаҳатчилик қардож қозоқ оғайниларимизга икки томонлама таъсир этди, биринчидан, миллионлаб кишилар ўз киндик қонлари тўкилган юргларидан бош олиб кетдилар, юз минглаб кишилар очлик ва совуқ натижасида қирилди, иккинчидан эса, эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қозогистон аҳолиси таркибида жиддий ўзгаришлар юз бериб, қозоқларнинг сонига қараганда русларнинг миқдори ошиб кетди. Бу ҳам марказнинг миллий республикаларни руслаштириш бўйича олиб борган сиёсатининг бир кўринишидир.

Яна шуниси ҳам борки, ўша қаҳатчилик юз берган кезларда, яъни ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмida Қозогистон ҳали Россия Федерацияси таркибидаги автоном республикалардан бири эди. Келинг, бу борада ҳурматли китобхонда нисбатан кенгроқ тушунча ҳосил бўлиши учун Қозогистоннинг ташкил этилиши хусусида қисқагина маълумот бера қоламиз.

**Тарихий маълумот.** Қозогистон дастлаб 1920 йил 26 августда РСФСР таркибида Қирғизистон (!) АССР сифатида ташкил этилган, Сакен Сайфуллин каби тушунган зиёлиларнинг «Бизлар қирғиз эмас, қозоқлармиз, қирғизлар эса бизга қўшни ўзга бир халқ, шунинг учун юртимизни Қирғизистон эмас, Қозогистон деб аташ керак» деб ҳар қанча тушунтиришларига, ялиниб-ёлворишларига қарамай, уларнинг ҳақли талаби марказ томонидан инобатга олинмади. Чунки «йўқиллар доҳийси» В. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Раиси сифатида 1919 йил 10 июлда имзолаган хужжат «Қирғизистон ўлкасини бошқариш бўйича инқилобий комитет тузиш тўғрисида» деб аталган эди.

Қозоқ билан қирғизнинг фарқини фаҳмламаган ёки фарқини фаҳмлашни истамаган, қозоқлар алоҳида бир

халқ, қирғизлар алоҳида бир халқ эканига юқоридан менсимиай қараган марказдагилар бу борада ҳам ўз сүзіда туриб оладилар, қозоқларни қозоқ деб аташ үрніга қирғизларни қорақыргыз деб күя қоладилар (1924 йил 14 октябрда РСФСР таркибида Қорақыргыз автоном области тузилган).

Ватанпарвар қозоқ зиёліларининг қозоқ халқининг тарихий номланишини тиклаш учун олиб борган курашлари деярли беш йил давом этди. 1925 йил 19 апрайдан бошлаб қозоқларга ўз тарихий номлари расман қайтариб берилди, Қирғизистон АССР үрніга Қозогистон АССР дейишига марказ рухсат берди. Бунинг зөзізіга Оренбург области бевосита РСФСРға құшиб олинди. Сирдаре ва Еттисув областлари (ұша пайтларда шундай деб аталған, ҳозирги Чимкент ва Жамбул вилоятлари ҳудудига тұғри келади) Қозогистон АССР таркибига киради. Қозогистоннинг маъмурый идоралари Оқмасжид шаҳрига келиб жойлашды ва унга шураларга мос Қизилурда деган янги ном берилди, Қозогистоннинг пойтахти деб әйлон қилинди.

1929 йили Қозогисон АССРнинг пойтахтини Қизилурдан күчириш масаласи яна құзғалади. РСФСР хукумати Қозогистон АССРға Олмату шаҳрини (бу шаҳарининг асли тарихий номи шундай, «Бобурнома»да ҳам шундай ёзилған, Олмату деган сұзининг луғавий маъноси олмазордир) пойтахт қилишига рухсат беради.

Москва учун, шұро сиёсатдонлари учун миллий манфаатларнинг, миллий давлат чегараларининг дахлісіз бўлишининг сариқ чақалик ҳам қадри, ҳам аҳамияти йўқ эди. Улар назарida, гарчи Совет Иттифоқи мустақил давлатларнинг ихтиёрий равищада үюшған иттифоқи деб, Россия — федерация деб аталса-да, СССР унитар давлат эди, собиқ Үрусиya империясининг замонага мослаштирилган, шакли ўзгартирилған издоши эди, мөҳият ұша-ұшандай сақланиб қолған эди; иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларида, яъни қоғозда иттифоқдош республикалар билан автоном республикалар мақомлари ўргасида фарқ бўлса-да, амалда эса буларга риоя қилинмасди, ҳамма-ҳаммаси устидан марказ бир хилда ҳукмронлик қиласди.

Давлат чегаралари деб фақат СССРнинг давлат чегараси тан олинарди, иттифоқдош республиканинг чегаралари улар учун нисбий бир тушунча эди, холос. Истаган пайтда ва истаган миқёсда чегараларни ўзгартириб юборишлари ҳеч гап эмасди. Бунинг учун Қил-

мишларини оқловчи ва «қонуний» тус берувчи сафсалар тузишга устаси фаранг эдилар: «Меҳнаткашларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб...», «Қардошларча ёрдам курсатишга бўлган интилишларини назарда тутиб...», «...иқтисодиётини кучайтириш ва республика мақомини олиши зарурлигидан келиб чиқиб...» ва шу каби важ-карсонлар «асос» қилиб олинниб, чегараларни ўзgartириб юборилаверарди. Сир эмаски, бунда худуд буйича «саҳийлик» асосан ўтмишда ўз миллий давлатчилигига эга бўлиб келган республикалар ҳисобидан қилинади. Бунга кўплас мисоллар келтириш мумкин.

Хуллас, собиқ СССР унитар давлат эди, шу боис иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегаралар давлат чегараси мақомида эмасди, чунки иттифоқдош республикалар амалда мустақил давлат эмасди, ҳаттоқи уларнинг ҳуқуқи ўтмишдаги вассал давлатларнинг ҳуқуқларидан ҳам кўйи эди. Собиқ иттифоқдош республикалар 1991 йили миллий мустақилликка эришганларидан кейингина улар ўз давлат чегараларига эга бўлдилар. Давлат чегаралари дахлсиз ҳисобланади. Уларни шу давлатнинг, шу ҳалқнинг розилигисиз ҳеч ким ўзgartиришга ҳаққи йўқ, ўзgartирмоқчи бўлса, бу тажовуз ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистон, Қозогистон ва бошқа бизга қўшни мамлакатларнинг, умуман эса ҳалқаро ҳуқуқнинг субъектлари бўлган жаҳондаги барча мустақил ва суверен мамлакатларнинг чегаралари давлат чегаралари бўлиб, булар мутлақо дахлсиздир.

Яқин ўтмиш тарихимизга билвосита алоқадор бўлгани учун юқоридаги тарихий маълумотни айтиб ўтдик. Зоро, тарих билан қуролланиш сирасига яқин ўтмиш воқеаларини, жумладан, ён қўшни ҳалиқлар ва мамлакатлар тарихини, бир оз бўлса-да билиб кўйиш ҳам киради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир миллионга яқин қозоқ оғайниларимиз яшаб, фидокорона меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳудди шунингдек, Қозогистонда ҳам бир неча юз минг узбеклар истиқомат қиласидилар, улар ҳам мустақил Қозогистон иқболи учун баракали улуш қўшмоқдалар. Шунингдек, бу республикадаги Туркестон, Саврон, Чимкент, Сайрам, Марки, Жамбул, Қорабулоқ, Қарноқ, Митан каби ўнлаб қадимий шаҳар ва қишлоқлар ўзбек илм-фани, маданияти, адабиёти ва санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб ке-

лаётган кадрлар етишиб чиқсан масканлардандир. Бу фикримизнинг исботи учун бир мисол келтирамиз.

1998 йилнинг баҳорида Чимкент вилояти, Сайрам туманининг Сайрам қишлоғидаги Ал-Форобий номли узбек мактабининг 75 йиллиги нишонланди. Тўйда маълум бўлдики, биргина шу мактабни битирганлардан олий маълумот эгаси бўлганларнинг ҳисобига етиб бўлмади-ю, лекин эл-юрг орасида донг таратганларнинг ўзи эзлик тўққиз киши экан! Булар орасида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ Раиси, ҳукумат аъзоси, республика Фанлар академиясининг вице-президенти, Олий Совет депутати мартаబаларига эришганлар, академик илмий унвони ва фан доктори илмий даражасига сазовор бўлганлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар ва шу кабиладир. Мана шу далилнинг ўзи ҳам Президент Ислом Каримов томонидан ўртага қўйилган «Туркистон — умумий уйимиз» шиорининг нақадар асосли ва ҳаётбахш эканини кўрсатади...

...Ҳа, айтгандай, орадан 11 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, 1936 йилнинг 5 декабрида Қозоғистон АССР Қозоғистон ССРга айлантирилди. Орадан яна 55 йил ўтгач, 1991 йилнинг кузида бошидан кўп жабру жафоларни кечирган қардош қозоқ ҳалқи ўз миллий мустақиллиги га эришди — Қозоғистон Республикаси мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинди — ён қўшни — жон қўшниларимиз диёрида янги турмуш бошланди. Бундан бизким, ўзбеклар ҳам қардошларча севиндик.

1997 йили Қозоғистоннинг пойтахти Олмату шаҳридан республиканинг марказида жойлашган Ақмола шаҳрига кўчирилди ва унга Остона деган янги ном берилди. Шу муносабат билан 1997 йилнинг 17—19 декабрида Остона шаҳрида ўтказилган тантанали маросимда қатнашган Президент Ислом Каримов сўзга чиқиб, қозоқ қардошларимизни ҳалқимиз ва ўз номидан янги пойтахт билан табриклаб, ўтиш даврида шундай оғир ва мураккаб бир шароитда янги пойтахтни ҳозирлаш ва унга кўчиш учун каттакон юрак керак эди, деб олқишлиди.

Бир сўз билан айтганда, тарих билан қуролланиш олис ўтмишни ҳам, яқин кечмишни ҳам имкон қадар кенг кўламда билиб бориш — маърифатли бўлишдир. Маърифатли кишининг (агар билганларини эзгуликка йўналтирган бўлса) маънавияти юксакроқ бўлиши кутилади. Маънавиятли киши эса ўзини ҳам, ўзгани ҳам

бирдек қадрлай олиш лаёқатига эришади, бундан эл-  
юрга наф етади. Шугина эмас. Бу фазилатдан қүшни  
халқарга, миңтақада яшовчи барча миллатларга наф  
етиши мумкин. Зоро, маърифат инсоният чароғидир.

«Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва мил-  
латларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихла-  
рини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйгуларини  
сезиш мумкин... Ҳар бир халқ ниманидир ўзининг миллий  
ифтихори, деб билади. Ҳар хил китоблар чоп этишади,  
катта-катта анжуманлар ташкил этилади», — дейди  
Ислом Каримов, миңтақамизда ва бутун дунёда юз бер-  
ган ва юз бериб турган барча катта-кичик воқеа-ҳоди-  
салардан муттасил огоҳ ва сезгир давлат арбоби сифати-  
да, чунки буларнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига бил-  
восита ёки бевосита алоқаси бўлиши эҳтимолдан узоқ  
эмас. Бинобарин, Юртбошимизнинг маслаҳатига кўра,  
мана шу учрашув — анжуманларда уларнинг қатнашчи-  
лари «авваламбор илмий-тарихий асосларга, чуқур тад-  
қиқотларга суюниб, баъзи бир соҳта уринишларга бери-  
либ кетмасдан ҳаққоний далил ва исботларни қурол-  
қилиб олсалар, маъқул бўларди».

Тарихнинг куроллиги тиф ёки ўқники каби эмас. У  
танани жароҳатламайди, қон чиқармайди. Тарихнинг  
куроллиги — маърифий-маънавий қурол эканлигидир.  
Бу қуролдан холисанлиллоҳ фойдаланилмаса, тафак-  
курни чалғитади, тўғри йўлдан адаштиради, кўзга кў-  
ринмас заҳм етказади, онгга таъсир этади, қалбни жа-  
роҳатлайди. Буниси унисидан заҳарлироқдир. Тарих-  
нинг куроллиги ҳар бир халқни ўзига ўзини англатиши  
баробарида халқларни, айниқса, қардош ва қушни халқ-  
ларни узоқлаштиришга эмас, яқинлаштиришга хизмат  
этиши лозим. Бу борада сўз боргандада Юртбошимиз  
шундай тояни илгари суради: «Ҳар бир миллат ўз аж-  
додларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўшишга  
интилади. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти  
жиҳатидан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳам-  
жиҳат этишга хизмат қилсин».

## Йиғирмат тўққизинчи боб

### ТАРИХ, ТАРИХШУНОСЛИК ВА ТАРИХЧИ

Хўш, тарих нима? Тарихшунослик-чи? У қандай  
фан? Тарихчи ким? У қандай бўлиши лозим? Прези-

дент Ислом Каримов тарихчи олимлар билан ўтказган сұхбатида булар ҳақыда дастурый фикрларни баён этди, тарихшуносликнинг фан сифатидаги вазифаси ва ахамияти ҳақыда, тарихчи олимларнинг жамият тараққиетида тутган үрни ва маънавияти ҳақыда ўз қарашлари ва мұлоҳазаларини билдири. Биз китобнинг ушбу бобида ана шу фикр-мұлоҳазаларни бир қадар шархлаб ўтишга ҳаракат қиламиз, уша фикр-мұлоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ва уларга асосланиб сўз юритамиз.

Бизнинг назаримизда, бирор нарсанинг моҳиятини англамоқ, унинг туб-тубига етиб бормоқ учун ўша нарсанни ифодаловчи сўзнинг, айниқса, атаманинг маъномазмунини, унда ифодаланган тушунчани тушуниб олмоқ зарур. Биз қуйида шу йулдан боришга қарор қилдик.

Сузни «тарих» ва «тарихшунослик» атамаларини таърифлашдан бошлаймиз; таъриф — сўз маъносини аниқлашдир.

Алишер Навоий асарларида «тарих» сўзи икки маънони англатиш учун қўлланилади: ўтмиш ва сана. Илгари тарих сўзи тарих ва таърих шаклида ёзилган, ҳозир гарчи тарих шаклида ёзилса-да, таърих тарзида талафуз этилади. Таърих шаклида ёзилганда сана маъноси тушунилади. Таърих — мумтоз адабиётимизда машхур кишиларнинг таваллуди, вафоти, асар битилиши, турли бинолар қурилиши, ғалаба қозониш, ҳокимиятга келиш ва шу каби йирик воқеалар юз берган вақтни англатувчи санъат. Таърих икки йўл билан ифодаланади: сўзлар воситаси билан ва абжад ҳисоби орқали, бунда маълум бир сўзнинг ҳар бир ҳарфи бирор рақамни билдиради, ҳарфларни, яъни улар ифодалаган рақамларни жамлаш орқали сана англанади. Таърихни англатувчи сўз — моддаи таърих таркибидаги ҳарфларни рақамларга айлантиришдан йил келиб чиқади.

Таърихни сўзлар билан ифодалашга бир мисол: Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг ёзилиши йилини шундай ифодалайди:

*Чу таърихи йшлин айлай десангиз туз,  
Саккиз юз саксон эрди, доги түққуз.*

Демак, асар ҳижрий 889 йили (милодий 1484 йилда) ёзилган.

Ҳозирги кунда тарих сўзи бешта маънони ифодалаш учун қўлланилмоқда: 1. Ижтимоий тараққиёт жа-

раёнида юзага келган воқелик, ҳаёт; 2. Үтмишга оид далил ва ҳодисалар мажмуи — үтмиш, кечмиш; 3. Бирор воқеа-ҳодисанинг изчил тараққиёт йўли; 4. Жамият тараққиётини ҳақидаги фан; 5. Бирор ишнинг бажарилганлигини, бирор воқеа-ҳодисанинг қачон бўлиб ўтганлигини кўрсатувчи аниқ вақт, сана.

Тарих сўзига қўшимчалар қўшиб бир қатор сўзлар яратилганки, улар орқали шу соҳага алоқадор маънолар ифодаланади. Масалан, **тарихан** дейилганда үтмиш тажрибаларини ҳисобга олганда, тарихга кўра, тарих тақозоси билан маъноси тушунилади; **тарихий** дейилганда тарихда қоладиган, тарихга кирадиган жуда муҳим маъноси, тарих фанига оид, бирор соҳанинг тарихини ўрганиш маъноси, үтмишга, тарихга доир, қадими ги маъноси англашилади; **тарихийлик** — ҳар бир нарса ёки воқеа-ҳодисани уни юзага келтирган мавжуд тарихий шароит билан узвий боғланишида текшириш ва баҳолаш тамойилидир. **Тарихли** дейилганда қачон бажарилганлиги, қай вақтда бўлганлиги аниқ кўрсатилиши, санаси ёзилиши назарда тутилади, масалан, республикамиз Олий Мажлиси қабул қилган барча қонунлар тарихли ҳужжатлардир. Үтмишда тарихни ёзib борувчи кишиларга **тарихнавис** дейилган, шунингдек, улар солномачи, йилномачи деб ҳам аталганлар. Ҳозирги кунда тарих фани мутахассисига, тарих илми билан шугулланувчи олим ва ходимга **тарихчи** дейилади. Шу маънода **тарихшунос** сўзи ҳам кўлланилади. Үқув тизимида эса тарих фанидан дарс берувчи ўқитувчи ва домлаларга ҳам тарихчи дейилади. **Тарихшунослик** — бу **тарих фани** тарихини ўрганувчи илмлир. Юқорида айтилган таърифлар тарих атамасига ва ундан ҳосил бўлган атамаларнинг лугавий маъносига тегишлидир. Энди тарих сўзининг фалсафий маъноси ҳақида баҳоли қудрат мулоҳаза билдиришга ўтамиз.

**Тарих** — табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ва ҳар бир ривожланиш жараёнидир. Шу маънода ўн саккиз минг олам тарихи, Қуёш тизимидағи сайёralар тарихи, ўз сайёрамиз тарихи, айрим фанлар — адабиёт тарихи, Ислом тарихи, фалсафа тарихи ва шу кабилар тушунилади.

**Тарих** — инсоният — кишилик жамиятининг муайян тараққиёт ва танazzул йўларини ўргатувчи фан. Биз билоихтиёр «тараққиёт ва танazzул» сўзларини ишлатмоқдамиз. Чунки шўролар замонида «кишилик жамияти ҳамиша тараққий этиб келган ва тараққий этиб

бораверади», деб масалага бир томонлама ёндошилган эди. Йўқ, ундей эмас. Кишилик жамиятида таназзулга учралган палладар ҳам бўлиб турар эканки, бунинг ёрқин мисоли 74 йилча давом этган Совет Иттифоқидаги тузум, Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган социалистик лагер мамлакатларида (бу лагер ҳам тарқаб бўлди ҳисоби) ўрнатилган тузум шароитида кечган жамият турмушини инсоният тараққиётидаги олға силжиш деб бўлмайди, балки бунинг аксидир. Шунингдек, агар бутун дунёдаги тараққийпарвар кучлар огоҳ бўлмасалар, агар ўзлари инсониятга етакчилик қилимасалар, бемаъни ва шайтонсифат ёвуз кучлар кишилик жамиятини ҳалокат сари судрашлари эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Таъкид сифатида тақрор айтамизки, худди шу маънода олиб қаралганда ҳам, Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари тарихий аҳамиятга эгадир, инсониятни таназзулдан асрраб қолишга бел боғлаган тараққийпарвар кучлар томонидан бу китобга қизиқишнинг тобора ошиб бораётганининг сабаби ҳам шундалир: муаллиф Узбекистон мисолида сўз юритса-да, бани башарни хавфсизликка таҳдид солувчилардан огоҳ бўлишга чорлади, барқарорлик шартлари нималар эканини айтади, тараққиётга нималар кафолат бўлишини баён қиласди.

Хуллас, бизнингча, тарих, биринчидан, жамият ривожи ва таназзули жараёнини ўрганувчи фан бўлса, иккинчидан эса, кишилик жамиятининг ўтмишини ўрганувчи фан ҳамдир. Маълумки, умумфан — ижтимоӣ, аниқ ва табиий фанларга бўлинади. Фалсафа, тарих, филология, эстетика, ҳуқуқшунослик каби фанлар ижтимоӣ фанлардан ҳисобланади. Ижтимоӣ фанлар ижтимоӣ ҳодиса ва жараёнларни билиш усулига кўра тарихий фан ҳисобланади. Улар жамият тарихининг турли томонларини турли аспектда ўрганади. Ижтимоӣ фанларнинг ҳар бири тарих олдида турган асосий масалаларни алоҳида-алоҳида ўрганади. Масалан, тарих фани жамиятнинг муайян тарихини ўрганишда ўтмиш ва ҳозирги далилларга асосланади. Далилларни йиғиш, тартибга солиш, саралаш, қиёслаш ва тадқик қилиш тарих фанининг вазифасидир.

Илгари эълон қилинган китоб ва мақолаларимизда: ҳалқ — тарих ижодкори. Ҳалқ кишиларнинг муайян қатлами — ижтимоӣ бирлик экан, демак, у шахслардан иборат. Ҳалқ яратган тарих — демак, алоҳида ки-

шилар, шахслар яратган тарих саҳифаларининг мажмудидир. Тарихни яратишида халқнинг барча вакиллари яли қатнашавермайдилар ва бунинг имконияти ҳам йўқ (Масалан, гўдаклар ҳам шу халқнинг вакиллари саноғига қўшилиши, мамлакат аҳолиси рўйхатига киритилиши мумкин, лекин уларнинг халқ сафига ўтишига ҳали эрта. Шунингдек, эл-юрт ишига ўз ҳиссасини қўшмаган кимсаларни ҳам халқ қаторига қўшиб бўлмайди). Алоҳида шахслар тарих яратадилар, бошқадар уларга кўмаклашиши ёки халақит бериши мумкин.

Тарих яратишида жийдий ҳисса қўшган киши тарихий шахс дейилади. Бир киши тарихга бир саҳифа қўшиши мумкин. Бу кўп омилларга, жумладан, замон, макон ва шахснинг салоҳиятига боғлиқдир. Хуллас, тарих шундайки, яхлит олганда унинг ижодкори халқ, саҳифаларини алоҳида-алоҳида олганда эса, унинг ижодкорлари муайян тарихий шахслардир. Ўз навбатида тарихий шахслар ўз фаолиятига кўра салбий ва ижобий бўладилар. Номини тарихда қолдириб кетиш — бу асосийси эмас. Масалан, тарихда ном қолдириш учун Диана маъбудини буздирган Герострат ҳам, машъум Чингизхон ҳам тарихий шахслардир. Умуман, инсоният олдиди, хусусан, ўз миллати қошида эзгулик йўғрилган буюк хизматлар қиласланган, покиза руҳли улуғ зотлар бўлмиш тарихий шахсларга сиймолар дейилади. Шундай сиймолар туфайти Ерда ҳаёт, Инсоният мавжуд ва Тарих давом этаётир тарзидағи фикрлар билдирилган.

Бу китобимизда эса юқорида келтирилган фикрларимизни умуман ёқлаган ҳолда баъзи аниқликлар, тузатишлилар киритишга, қўшимчалар қўшишга қарор қилдик. Масалан, халқ — тарих ижодкори, деймиз. Сиртдан қараганда бу — тўғри таъриф: тарихни халқ яратмай, бошқа ким ҳам яратарди. Сиртдан қараганда «халқ — тарих ижодкори» дейилиши тўғри. Лекин аслида-чи!

Маълумки, совет тарихчилари тарих фани партияий бўлган ва шундай бўлиб қолади, дер эдилар. Уларнинг доҳийси бўлмиш В. Ленин «синфий курашга асосланган жамиятда «холис» ижтимоий фан булиши мумкин эмас» (Тула асарлар тўплами, 23-том, 45-бет). «Ҳеч бир тирик одам (синфлар ўртасидаги муносабатларни англағач) бирорта синф томонини олмасдан қола олмайди, бу синфнинг муваффақиятига хурсанд, муваффақиятсизлигига хафа бўлмасдан иложи йўқ, бу синфга душман бўлганларга қолоқ назарияларни ёйиб, бу синфининг ўсишига тўсқинлик қилувчиларга ва ҳоказо

ва ҳоказоларга ғазабини түкмасдан иложи йүқ» (Тұла асарлар түплами, 2-том, 623-бет) деб уларға «сабоқ» ўргатған, тарих фани партиявид бұлған ва шундай бүлиб қолади, деб «таълим» берган эди.

XIX асрнинг ўрталаригача, яъни марксизм «таълимоти» вужудға келгүнича, тарихчилар жамият тарихини ўрганишда құллаган методлар метафизик асосда булиб келиб, улар жамият ҳодисалари, тарихи, унинг жараёни, ижтимоий воқеалар инсон ақли, инсонғояси, инсон иродаси меваси деб тушунтирилдилар, айрим шахслар, буюқ зотлар, сулолалар, қаҳрамонлар, лашкарбoshiлар тарихни яратадилар, деб келдилар.

«Метафизика» юононча сұз булиб, луғавий маъноси физикадан сұнг деганидир. Фан сифатида эса борлиқнинг сезгилардан ташқари тамойиллари қақыдаги фалсафий таълимотидир. «Метафизика» атамаси шундай келиб чиққан: милоддан аввали Гасрда Арастулиснинг издошлари унинг «Физика» асарига кирмаган ишларини түплаб, уни физикадан кейингиси, яъни «метафизика» деб атаганлар. Бироқ фанда метафизика атамаси асар маъносига эмас, балки диалектикаға зид услугуб сифатида шакланған. Ҳозирги замонда Оврупо ва Америкада метафизика атамаси фалсафанинг шаклдоши сифатида ҳам құлланилади. Бу атама борлиқнинг аввали, дунёнинг моҳияти ва киши тажрибасыда күрінмайдыған нарсалар (худо, рух, жон ва шу кабилар) сифатида ишлатылади. Метафизиклар ҳаракат манбайни табиатдан ташқаридағи кучда деб биладилар. Уларнинг мухолифлари метафизикларни механик ҳаракатни зътироф этиб, ҳаракатнинг физик, химик, биологик ва ижтимоий шаклдарини инкор қыладилар, деб ҳисоблайдилар.

Жамият тарихини ўрганиш жараёнида бошқа фанларда бұлғаны каби тарих фанида ҳам унинг айрим қисмлари ихтисослашды ва бу жараён давом этаверади. Ҳозирги кунда тарих ибтидоий жамият тарихи, қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, янги тарих ва энг янги тарихга бўлинади. Жойларнинг жуғрофий тамойили бўйича йирик, тарихий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳудудларнинг минтақавий тарихи, айрим мамлакатлар ва халқлар тарихига ажратилади. Масалан, Шимолий Америка тарихи, Туркистан тарихи, ўзбек халқи тарихи ва шу кабилар. Тарихнинг бир неча мамлакатлар ва халқлар тарихида юз берган умумий ва алоҳида воқеалар бир бутунликда олиниб ўрганиладиган соҳаси ҳам бор. Масалан, Шарқ Уйғониш даври тарихи.

Башарият тарихининг айрим томонларини ўрганиш тарих фанини иқтисод тарихи, сиёсий тарих, ҳарбий тарих, ташқи сиёсат тарихи ва шу каби ёрдамчи фандарга бўлинишга олиб келди. Булардан ташқари манбашунослик, археография, палеография, дипломатика, хронология (йилномачилик), тарихий метеорология, стратиграфистика, генеология, геральдика, нумизматика (тангашунослик) каби ёрдамчи ва мустақил тарих фандари ҳам бор. Археология (қадимшунослик) ва этнография (элшунунослик) тарихнинг икки таркибий қисмидир.

Бир-бирига яқин фанлар алоҳида туркумни ташкил этади. Табиатшунослик тарихи, техника ва технология тарихи, давлат ва ҳукуқ тарихи, иқтисодий билимлар тарихи, ҳарбий санъат тарихи ва бошқалар шулар жумласидандир. Масалан, илми ҳикмат — физика тарихи, кимё тарихи ва шу сингарилар табиатшунослик тарихининг қисмлариdir. Тарих фанининг тарихини тарихшунослик ўрганади. Энди шу ҳақда сўз юритамиз.

Илк тарих — оғзаки тарих бўлиб, кишилар орасида ёзув пайдо бўлмасидан илгари яратилган, аждоддан авладга оғзаки равишда ўтиб келган ва ҳамон мавжуд бўлган турли ривоят ва афсоналардир. Турлича йил ҳисоблари ишлаб чиқилган тақвимларни энг биринчи тарих асарлари дейиш мумкин. Масалан, туркий тилли ҳалқларнинг мучал ҳисобини ҳам.

Тарих — муқаддас ҳодиса ва тушунча. Унинг асоси Оллоҳ таоло томонидан яратилган Лавхул Маҳфуз — Бош тақдир китобидир. Унда ҳозиргача бўлган ва бундан кейин бўладиган барча воқеа ва ҳодисалар тўқистутгал Оллоҳ таолонинг иродаси билан баён этилгандир. Муқаддас китоблар — Таврот, Инжил ва Қуръони каримда Лавхул Маҳфузда иншо этиб қўйилган ва кейинчалик Ер юзида юз берадиган воқеа ва ҳодисалар ҳам баён қилинган. Масалан, Қуръони каримнинг биринчи ярмидан ўрин олган узун сураларда ўтмишга оид маълумотлар ҳам келтирилади: «Бақара» сураси оятларининг қарийб учдан бир қисми аҳли китоблар — Таврот ва Инжилга имон келтирганлар, хусусан, яхудийлар ҳақидаги маълумотлар ташкил қиласиди; «Оли Имрон» сурасида аҳли китоблардан бўлмиш насронийлар тўгрисида ҳам сўз боради ва уларнинг Исламийхиссаломни худо деб эътиқод қилишлари хато экандиги очиқ-равшан далиллар орқали батафсил ёритилади. Бу сурада Марямнинг отаси бўлмиш Имрон ва

унинг оила аҳли ҳақидаги қисса зикр қилингани учун «Оли Имрон» — «Имроннинг хонадони» деб номланган. Бу борада шунга ўхшаш бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин.

Иродада икки хил бўлади. Биринчиси — Оллоҳ таолонинг иродаси, иккинчиси — одамнинг иродаси. Оллоҳ таолонинг иродаси одамнинг иродасидан устун туради. Одамнинг иродаси Оллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ ҳолда зухур этади. Мазкур боғлиқликдан Лавҳул Маҳфуз билан Ер юзида одамлар томонидан яратилган барча тарихий китоблар ўтасидаги боғланишлар келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан қарасак, инсоният тарихи ҳам, унга оид ҳамма тарихий китоблар ҳам ўша Лавҳул Маҳфузда баён этиб қўйилганларнинг турли куринишлари-дир. Битилган нарса рост бўлса, Лавҳул Маҳфузга мос келади, ёлғон бўлса, Лавҳул Маҳфузга зиддир. Шунинг учун ҳам тарихни муқаддас тушунча ва ҳодиса деб атамоқдамиз. Шунинг учун ҳам тарих, масалан, бадиий адабиётдан фарқ қиласи, бадиий адабиётда муаллиф тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқат тарзида ифодалаш учун ижодий фантазияга эрк бериши мумкин бўлгани ҳолда, тарихга оид асар яратишда ҳужжат ва далиллар гагина асосланилади.

Холислик — бу ҳақиқатни бузиб-нетмай айтишдир. Тарихнинг қораламаси бўлмайди. Тарихнинг оқса күчириб олинадиган нусхаси, яъни варианatlари бўлмайди. Тарих бир марта ёзилади. Тўғрироғи, тарих то бизгача ёзаб бўлинган, ёзилиб қўйилган бўлади. Тарихни қандай бўлса, шундайligicha қабул қиласдан бошқа илож йўқ. Агар тарихни ўзгартириб ёсангиз, у энди ўзгарган тарих бўлади. Агар тарихдан бир нимани тушириб ёзсангиз, у **кемтик тарих** бўлиб қолади. Юқорида биз тарихни уни яратган ва яратётган халқнинг таржимай ҳоли дедик. Шу таърифдан келиб чиқиб, тарихни бирор кишининг таржимаи ҳолига ўхшатгимиз келади. Маълумки, таржимаи ҳолни ўзгартириб бўлмайди. Масалан, 85 йил умр кўрган кишини 80 йил яшаган, деб бўлмайди. Агар шундай дейилса, бу таржимаи ҳол у кишига тегишли бўлмай қолади. Рост тарих — тарихдир, «бошқачароқ» тарих — тарих эмасдир. Тарих бамисли мусаффо сув. Сохталашибирлган тарих лойқалангаш сувга ўхшайди. Вақт ўтиши билан лойқа сув тинади, хас-хашаклар сув бетига чиқади, куйқалар сув остига чўкади. Сув ножинсларни ўз бағридан чиқариб ташлайди, яна ўз асл ҳолатига қайтади. Мусаффо бў-

либ, яъни кислород ва водород унсурларидангина иборат бўлиб қолади. Тарих ҳам шундай. Тарихчининг шарагли вазифаси ҳам, тарихчиликнинг масъулияти ҳам ана шундан қелиб чиқали ва белгиланади.

Юқорида «Сиртдан қараганда «халқ — тарих ижодкори» дейилиши тўғри. Лекин аслида-чи?» деб савол қўйиб ўтган эдик. Энди шу саволга жавоб беришга киришамиз.

Тафаккурда иноят деган муқаддас бир тушунча, сўзлашувда шундай бир ибора ҳам борки, унинг мазмунмоҳиятига чукур эътибор берилмайди, шуролар замонасида эса бу сўзга илтифотнинг шаклдоши леб қаралди. Тўғри, иноят ҳам илтифот, лекин қандай илтифот, унинг даражаси қандай ва у ким томонидан кимларга марҳамат қилинади? Ана шу нарсаларни — илтифот билан иноятнинг ўртасидаги фарқларни аниқласак, иноятнинг нима эканини бир қадар тушуниб олишимиз мумкин бўлади.

Иноятнинг нима эканини тушунтириш учун узок кечмиш ва яқин ўтмишдан бир-икки мисол келтирамиз. Ушбу китобимизнинг «Муштараклик ва ўзига хослик» бобида лашкарбоши Алптегин ҳали оддий аскар бўлмиш Сабуктегинни вусоқбошиликка тайинлагани, шу тариқа Сабуктегин етти йил хизмат ўтагач, эришиби мумкин бўлган вусоқбошилик унвони ва мартабасига иоил бўлгани, аслида ҳам унда ҳарбий салоҳият борлиги ва бу нарса Алптегинга ғойибона (Оллоҳ таоло унинг дилига солған) маълум бўлгани ҳақида ҳикоя қилиб ўтган эдик. Алптегиннинг Сабуктегинга курсатган бу илтифоти, бу марҳамати иноядир. Илтифот ва марҳаматдан фарқли ўлароқ, иноядда илоҳий бир куч, илоҳий бир амр бўладики, бу нарса иноят қилувчи киши учун ҳам, иноятга сазовор бўлувчи киши учун ҳам аввалига яширин қолади, кейин орадан маълум вақт ўтгач юз кўрсатади, масалан, Сабуктегинни ҳарбий салоҳияти бўй кўрсатиб, ўн саккиз ёшидаёқ икки юз кишилик кўшинга бошлиқ бўлади. Алишер Навоий бу яширин ҳолатни инояти пинҳон — яширин илтифот санайди. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида у, жумладан, «Ҳақнинг ҳар навъ элга инояти пинҳони бор» дейди, яъни Ҳақ таолонинг ҳар бир ҳалқа яширин илтифоти — инояти бўлади.

Иноятга оид мана бу мисол эса энг янги тарихимиз, ҳозирги кунларимизга тегишилдир. Шуролар замонида амал қилинган тартиб-қоидалардан мантиқан

келиб чиқиб фикр юритсак (далиллар ҳам шуни тасдиқласа керак, деб ўйлаймиз), 1989 йили марказ томонидан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбарлигига муносиб кўрилиши, албатта, альтернатив асосда ҳал этилган. Иноят бошқа номзодларга эмас, Ислом Каримовга лойиқ кўрилган. Мазкур воқеа сиртдан қаралганда гўё марказнинг рўй-хуши билан юз бергандек бўлиб туялса-да, аслида марказ хоҳиши билан эмас, тарих тақозоси билан юз берган. Бу фикримизни шу билан исботлашимиз мумкинки, орадан бир йилча вақт ўтар-ўтмас, 1990 йилнинг кўкламида Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда (ҳали марказ анча мустаҳкам, СССР мавжуд бўлган бир шароитда) иттифоқдош республикалар ўртасида биринчи бўлиб президентлик бошқаруви жорий этилдики, бу сиёсий тадбир марказдагиларнинг хоҳишига мутлақо зид, Ўзбекистон манфаатлари ва ўзбек ҳалқи иродасига монанд эди. Мабодо 1989 йили марказдагилар иноят кимга бўлаётганлигини билганларида эдими... Йўқ, билолмасдилар, улар учун Ислом Каримовнинг республиканинг биринчи даражали раҳбарлигига тавсия қилишлари метрополиянинг ўз монополиясига кадр тайинлаши эди, холос. Такрорлаб айтамизки, ўша воқеа Оллоҳ таолонинг Ислом Каримов сиймосида Ўзбекистон ва Ўзбекистон ҳалқи учун кўрсатган бир илоҳий неъмати — инояти бўлган эди. Мана энди иноят тушунчасига қисқача таъриф берсак бўлади. Иноят — бу Оллоҳ таолонинг ўзи танлаган ва лойиқ кўрган айrim бандаларигагина кўрсатадиган илтифоти, шунингдек, бошлиқ, раҳбар ва устоз шахсларнинг ўз кўл остидаги айrim кишиларгагина (Оллоҳ таолонинг гойибона амри ила, албатта) қиласидиган ҳимматидир.

Иноятни нима эканини чукур билиб олмоқ тарихни, муайян тарихий ҳодиса ва воқеаларни ўрганишда, моҳиятини очиб беришда катта аҳамиятга эгадир. Бугина эмас, иноятни билиш кундалик турмушда ҳам асқотади. Масалан, альтернатив асосда номзоди кўйилган уч кишидан бири сайловда ғолиб чиқади. Ёки бўлмаса, устознинг меҳри шогирдларидан бирига тушадида, ўшани ўзига аспираント қилиб олади, ҳатто бу шогирд бошқалар назарида ўртacha салоҳиятли бўлиб туюлиши ҳам мумкин, лекин унинг қандайлиги устозига кўпроқ аёндир. Сайловда ғолиб бўлолмаганлар, танловдан ўтолмаганлар бундаги сир-синоат замирида иноят борлигини билсалар, муваффақиятсизлик туфайли

бошларидан кечиришлари мүмкін бұлған кечин малар-  
га берилиб ўтирайдилар, руҳий түшкунликтарға учра-  
майдилар, мұваффақиятсизлікка учрашлари сабабла-  
рини бошқалардан излаб ўтирайдилар да, «Иноят мен-  
га эмас, унга аталған экан», деб тезроқ таскин топади-  
лар да, ўзларини дархол күлгә оладилар.

Иноятни билмоқ, унинг бұлиб туришини зытироф  
этмоқ, жамият аязолари ўртасидаги тотувликни мус-  
тақкамлайди, голиблару мұваффақият қозонғанларнинг  
атрофида бұлиб турадиган түрли хил миш-мишлар, иғ-  
вою фисқ-фұжурларни камайтиради.

Хар бир ақли расо киши, айниқса, миллиати олдода  
кatta масъулиятли ва бурчли бұлған зиёліларимиз, шу  
жумладан, тарихчиларимиз билиши лозим бұлған ино-  
ят түшүнчесі ҳақыда маҳсус ёзилған бирор мақолани  
учратмадик. Мұхтарам файласуға исломшунос олим-  
ларимиз иноят хусусида биз йүл усти айтиб ўтган бу  
фікр-мулоҳазаларимизни үз мақола ва рисолаларida  
бойитадилар, деган умиддамиз.

Дарвөқе, аслини суриштирсак, иноят түшүнчесі биз-  
ким, ўзбекларда азалдан бўлиб келган, Ислом дини  
юртимиз ва элизимиз орасида ёйилмасидан аввал ҳам  
мавжуд бұлған. Ҳалқ оғазаки ижодидаги Баҳт қуши, Ҳу-  
мо ва Қақнус ҳақыда яратылған ривоят ва афсоналар  
замирида ҳам иноят ётадир. Ўзбекистоннинг жорий Туғ-  
росида Ҳумо қуши тасвирининг булиши бежиз эмас.

Тарих — эртак эмас! Бу билан адабиётдаги эртак  
жанрини камситмоқчы эмасмиз. Яхши эртаклар керак,  
үкувчилар, айниқса, ажойиботу гаройиботларға үч кич-  
кінтойларимиз уларни берилиб тинглайдилар, қизи-  
қиб ўқыйдилар, улардан ибрат оладилар, тафаккур олам-  
лари бойииди, фантазия қилиш қобилиялары кучаяди.  
Лекин шўролар замонида тарих ёлғон эртакка, чўпчак-  
ка айлантириб юборилғанди, биз тарих — эртак эмас,  
деганда ана шу иллатни назарда тутмоқдамиз.

Шўролар давридаги тарихшунослиқда тұғри ёзилған  
асарлар ҳам учраса-да, булар кам пайдо булар, шунда  
ҳам қаттық танқидға учрап, муаллифи бошига маломат  
тошлари ёғилишига сабабчи бұлар эди. Масалан, Иб-  
роҳим Мұминовнинг Амир Темур фаолияти ҳақыда ёз-  
ған кичкинағина рисоласи Тошкентдан тортиб Моск-  
вагача катта илмий ва сиёсий идораларда мұхокама  
қилинганды, ноүрін танқидға учраган, рисоланинг со-  
тувға чиққан нұсхалары китоб магазинларидан ва ку-  
тубхоналардан йиғишириб олинни кетилған эди.

Тарихшунослиқдаги сохтакорлик жамиятга ҳам бир иллат бўлиб кўчиб ўтган эди (ўзи совет жамияти табиатан сохтакорликка асосланган эди-да), бу ҳолат бошқа ижтимоий соҳаларга, шу жумладан, адабиёт ва санъатга ҳам салбий таъсир кўрсатган эди. Айниқса, бу нарса адабий асослари — сценарийлари Москвада тасдиқланадиган кинофильмларда бўртиб кўзга ташланарди. Масалан, Абу Али ибн Синога бағишлиланган кинофильмда тарих саҳифаларида фан, маданият, адабиёт ва санъат ҳомийси сифатида абадий ўрин олган Султон Маҳмуд Фазнавий маърифат душмани, жоҳил бир одам сифатида талқин қилинган эди. Ёки Абу Райҳон Беруний ҳақидаги бадиий фильмда Беруний билан Фазнавий бир-бирларини ҳақорат қилишар, Беруний Фазнавийнинг отаси Сабуктегин ёшлигига қул қилиб сотилганини юзига солиб, уни қулвачча, деб атар, бунга жавобан Фазнавий ҳам Берунийнинг шаҳарда эмас, шаҳардан ташқари (берун — ташқари, шаҳардан ташқари дегани бўлиб, Абу Райҳон ўз тахаллусини шунга нисбат бериб, Беруний деб атагандир)да туғилганини, гё онаси фаррошлиқ қилганини юзига солиб, чўривачча деб атар эди. Бундай ҳақоратлар тарихий воқеликка ҳам, умуман олганда эса мусулмончиликка ҳам, Шарқ одоб-ахлоқ қонун-қоидаларига тұғри келмасди. Ислом дини бўйича кишини наасабига кўра камситиш ҳам, наасаби билан мақтаниш ҳам гуноҳдир, Оллоҳ таолонинг назаридә ҳамманинг мақоми бир хил — бандаликдир. Умрининг 31 йилини Фазнавийлар саройида ўтказиб, ўша ерда ўзининг бир қатор буюк асарларини яратган Беруний ўз ҳомийси, пуштипаноҳи бўлган сultonга ҳақорат сўзини айтиши эҳтимолдан жуда узок. Шунингдек, Маҳмуд Фазнавий ҳам саройига файз киритиб, илми билан салтанати шуҳратини оламга тара таётган ўз олимига, ўз элчисига, элчилик рутбасини лойик кўриб, давлат юмушини ишониб топшириб, Хиндистонга бир неча бор элчи қилиб юборгани — Берунийни камситишига ақл бовар қилмайди. Икки буюк аждодимизни бундай беодоб қилиб талқин қилинишидан марказ манфаатдор эди: Шарқдаги ҳокимлар мустабиду жоҳил бўлган деб томошибинларни, демакким, ҳалқни ҳақиқатдан чалғитиш, шу орқали миллий давлатчилигимиз шукуҳига кўланка солиш эди.

Кўкон хонлари орасида энг жасоратли ва салобатлиси бўлган Муҳаммадалихон Фозий «Одамлар орасида танҳо» деган кинофильмда ўта кўрқоқ ва нимжон қи-

либ күрсатилган эди. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ҳам совет даврида тўқиб чиқарилган «эртак» тўпламларида, «Насриддин афанди» ҳангомаларида нотўғри талқин қилинганд. Утмишдаги буюк уламоларимиз ҳақида эса бўхтон ёғдиришдан берига келинмас эди, бу борада мислий истиқолга эришганимиз шарофати билан энди-энди ҳақиқий сўз айтилмоқда.

Тўғри, тарих ҳамма вақт ҳам тўғри йўлдан боравермайди, унда эгри-бугри йўллар ҳам бўлади. Мабодо муҳим воқеалар билан биргаликда иккинчи-учинчи даражали ҳодисаларга ҳам эътибор берилса, ёки тасодифий нарсалар бўрттириб кўрсатилса, мантиқий тафаккурда чалкашлик туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам тарихшуносликда тарихийлик билан биргаликда тадқиқотнинг мантиқий услуби ҳам зарур. **Мантиқийлик** — бу тасодифлардан холи бўлган, қонуний ривожланишдаги тарихийлик, образли қилиб айтганда, тарихнинг умумлашган ифодасидир. Масалага чуқурроқ қаралса, мантиқийлик тарихийлик тамойилига қараганда бирламчидир. Зоро, юз берган воқеа ва ҳодисага мантиқан ёндошилса тарихийликка кўпроқ эришилади.

Оллоҳ таолодан қўрқишлиқ — ҳамма ҳикматнинг боши, дейилади бир Ҳадиси шарифда. Оллоҳ таолодан қўрқувчи, унга итоат этувчи банда оми бўлса, ёлғон сўзламайди, худодан қўрқади; олим бўлса, ёлғон сўзламайди ҳам, ёлғонни ёзмайди ҳам, худодан икки бора қўрқади, чунки ёлғон нарса ёзилган саҳифа Қиёмат куни унинг ёлғончилигига гувоҳ бўлажак. Алҳамдуиллоҳ, ўтмишда ўтган тарихчиларимиз мусулмон бўлишган, китобларини Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм каломи билан бошлагандар.

Буюк муҳаддис олим Имом ал-Бухорий «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Саҳиҳул Бухорий») китобини қандай таълиф этгани ҳақида сўз борганида, жумладан, бундай деган экан: «Мен ушибу китобни 600 юз минг ҳадис ичидан ажратиб олиб (ажратиб олинган ҳадислар 7 минг 275 та. — А. И.), 16 йилда уни ташомладим ва ўзим билан Олюҳни ўртамиизда уни ҳужжат қилиб қўйдим... Ҳеч бир ҳадисни гусл қўймай туриб, икки ракат намоз ўқимай туриб, Саҳиҳ китобимга киритган эмасман».

Энди бу борадаги сўзимизни Шарафиддин Али Яздиининг Амир Темур ҳукмронлик қилинган давр тарихини баён этувчи «Зафарнома» асари қандай яратилгани ҳақида айrim маълумотларни келтириш билан давом этирамиз.

1972 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Зафарнома»га илова қилингандың сүзбошида келтирилишича, асар муаллифининг эътирофига кўра деярли 137 босмада табоқ ҳажмли бу катта китоб Амир Темурнинг набиравси, Шоҳрух мирзонинг ўғли, Мирзо Улуғбекнинг иниси, ўша вақтдаги Форс үлкасининг ҳокими Иброҳим Султоннинг ташаббуси билан ёзилган. Иброҳим Султон бобоси Амир Темур ҳақида маҳсус китоб ёздиришни ният қилган ва 822 (1419—1420) йили ўз даврида котиблар томонидан Соҳибқирон ҳақида туркий ва форсий тилда ёзил қолдирилган мавжуд маълумотларни унга келтириб бериш ҳақида фармон чиқарган. Материаллар ҳижрий 822 йилдан тўплана бошлаган. Кейин эса материалларни урганиш бошланган. Тўпланилган маълумотлар воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг ҳикояси билан таққослаб чиқилган, кейин Шарафиддин Али Яздийга материаллар билан танишиб чиқиш ва бу ҳақда Иброҳим Султонга ахборот бериш топширилган. Шундан кейингина музаллиф асарнинг муқаддима қисмини ёзишга киришган.

«Зафарнома»нинг бошида — асарнинг Амир Темур тарихидан баҳс этувчи асосий қисмида Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади: подшоҳликнинг барча томонларидан Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён этилган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ва настрий нусхалари тўпланиб бўлгач, материаллар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этган. Дастрраб Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар у воқеани ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тугри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни топиш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Темурнинг бошқа замондошларидан суртирган ёки қўшимча маълумотлар тўплаган. Бошқа гувоҳларнинг ҳикояларини ҳам эшигтгач, Иброҳим Султон айтиб турган ва асарнинг дастрлабки хомакиси ёзил борилган. Ана шу материаллар асосида эса Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг буйруғига асосан бу китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши шарт бўлган.

Шарафиддин Али Яздийнинг олдига асарни жонти ҳамда тушунарли қилиб ёзиш талаби қўйилган, шу-

нингдек, унинг хужжатларга қатыйирио қилиши, Ибрхім Султоннинг бевосита назорати остида амалга оширилған дастлабки хомаки ёзуудан четта чиқмаслигі ҳамда ҳеч нарсаны бүйб күрсатмаслиги керак эди.

Ана шу таҳлит мусулмон Шарқи тарихшунослигининг энг нодир ёдгорликларидан бири ва Амир Темур даври тарихининг бирламчи манбай бұлмиш «Зафарнома» юзага келади. Тенги кам топиладиган, деярли 137 босма тобоқ ҳажмли бу буюк асар зукко ва тадбирли, донишманд набиранинг ўз Соҳибқирон бобоси хотирасини мангута абадийлаштириш йўлида жонкуярлик билан күрсатган улкан хизмати ҳосиласи, давлатчилигимизнинг энг юқори чўққиси бўлмиш Амир Темур салтанатининг кўзгуси ҳамdir. Шу боисдан ҳам «Зафарнома»нинг яратилиш тарихи ҳақида муҳтасар, лекин алоҳида тўхтаб ўтдик. Шунингдек, бу нарса бизда тарихшуносликка нақадар масъулият билан ёндошилганини исботловчи ибратли бир далил ҳамdir.

«Зафарнома» ўзидан кейин яратилган шу хилдаги асарларга яхши бир андоза, тарихшуносликка оид бир туркум асарларнинг вужудга келишига туртки бўлди, десак янглишмасак керак. Маликушшуаро Мавлоно Лутфийнинг «Зафарнома»ни назмга кўчириб куйлаши ҳам, юқорида тилга олиб ўтганимиздек, шайбонийлар сулоласининг иккинчи вакили Кўчкунчихон фармонига кўра бу китобнинг форсчадан ўзбекчага таржима қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўзбек тарихшунослиги нодир ва ноёб қўлёзма асарларга, ўз аҳамиятини асрлардан бўён йўқотмай келаётган ва бундан кейин ҳам қадри тушмайдиган китобларга жуда бой бўлса-да, кам ўрганилган, оз ёритилган. Шўролар даврида ўтмишимизга оид асарлар тарғиботига панжа орасидан қаралган. Бунга асосий сабаб шуки, уларда миллий давлатчилигимиз у ёки бу даражада сўз юритилгандир. Тобеъ ҳалқа ўз давлатчилиги бўлганилтигини эслатишни мустабидлар асло ёқтирамайдилар, бу уларнинг сиёсатига, мафкурасига, манфаатига ўид келади-да. Ислом Каримов фаҳр билан айтганидек, «Бугун кутубхоналаримиз ҳазинасида сақлананаётган 20 мин.дан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дәжончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда кам топила-

ди. Шунинг учун бу борада жаҳоннинг саноқли мамлекатларигина биз билан беллаша олиши мумкин... Отабоболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тарбиалари, диний, ахлоқий, шимий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўйёзмаларни жиҳдий ўргани даври келди. Чунки: ўзингизга маълум, шуролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, хукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилимайдиган манбаҳар халқ қўзидан иложи борича йироқ сақланарди».

Бу фикрларнинг тасдиғи учун Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишлиб чиқарилган икки жилдли «Самарқанд тарихи» китобини келтириш мумкин. Самарқанднинг то Октябрь тұнташигача бўлган тарихи, яъни 2450 йиллик ўтмишига бир жилд, шуролар замонидаги 50 йилликка яқин кечмишига (шаҳар юбилеи 1968 йили нишонланган) бир жилд ўрин берилган, тарихан мутаносибликка зид иш тутилган.

Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, «Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бирорлар томонидан яратилган тарих дарслкларини ўқир эдик. «СССР тарихи» деб аталган дарслклдан, Узбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3—4 саҳифа ўрин бериллиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида нохолис фикрлар айтилар ёки умуман лом-мим дейилмасди».

Агар ўз тарихчиларимиз, яъни республикамиизда яшаб, тарихшунослик билан шуғулланган ходимлар томонидан чиқарилган мақола, рисола, монография ва китобларни, номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш учун ҳимоя қилинган ишларни жамлаб, бир қуздан кечирсак, уларнинг аксарияти мавзу жиҳатдан шуролар замонига — сунгги 60—70 йиллик даврга оид экани аён бўлади. Бунинг устига уларнинг мутлақ кўпчилигига «адолатли» совет тузуми, ленинча «доно» миллий сиёsat, «босмачилик»ни бартараф этишда омма орасида олиб борилган тарбибот-ташвиқот ишлари», «миллий-давлат чегараланишининг «аҳамияти», кулоқларнинг «ёт унсурлар» сифатида тутатилишида компартияning ташкилотчилик ўрни», «пахтачиликни янада ривожлантиришда партия қарорларининг роли ва аҳамияти», «СССРнинг таркибий қисми бўлган Узбекистонда социализмнинг тўла «ғалабаси», «янги ижтимоий бирлик — «совет» халқининг шаклланишила коммунистик идеологиянинг ўрни» ва ҳоказо ва ҳоказолар

**Түрмисла сўз борган.** Образли қилиб айтганда, гё ўал-  
қипизга ой туғса ҳам, кун туғса ҳам фақат совет замо-  
нида түккан, гё ўалқимиз илгари «номи йўқ, қашшоқ,  
тадо» бўлган-у, Октябр қуёши балқиб чиққач, рўшно-  
ликка эришган. Юргбошимиз айтганидек, «Фандаги бун-  
дий соҳтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қиши-  
лоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси  
ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол  
намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлиги-  
ни англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шун-  
бо».

Лекин, минг афсуслар бўлсинким, замонасозлик қи-  
лими, ўқувлари етишмаслиги сабабими, миллий ғу-  
рулари кучли эмаслигиданми, ниятлари асосан илмий  
даражада унвонлар олиш бўлганлигиданми ёки бошка  
бирор илинжларни кўзлаганлари боисиданми ёки бўл-  
маса, тўғридан-тўғри сабаби тирикчилик важдиданми,  
ўшандай ножидий, нохолис, ноилмий мақола, рисо-  
ла, монография, китоб, номзодлик ва докторлик иш-  
ларининг муаллифлари илгариги нотўри қарашлари-  
дан воз кечишга, тарихий ҳақиқатни англашга ва айтиш-  
га шошилмаяптилар (шундай мардона йўл тутсалар ду-  
руст бўлур эди, барибири вақт ўз баҳосини беражак,  
тарих ўз ҳукмини айтажак). Пойдеворсиз илгари эри-  
шилган илмий даражаларию унвонлари билан мағрур-  
ланища давом этмоқдалар, биз бу ўринда масаланинг  
ҳукукий жиҳатини назарда тутмаяпмиз, балки маъна-  
вий томони ҳам борлигини эслатяпмиз, холос. Бу ҳо-  
латни мұхтарам Юргбошимиз ибораси билан таъриф-  
ласак, «тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки,  
шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат  
бундай, деб айтмаган».

Яна афсуским, тарихий ҳақиқатни рўй-рост тан олиш  
ва айтиш у ёқда турсин, ҳатто айрим тарихчиларимиз  
мустақилликка эришганимизга саккиз йилдан ошган  
бўлса-да, эскича фикр-мулоҳазаларини баъзи китоб ва  
мақолаларида баён этмоқдалар. Бунга ғалати бир ми-  
сол. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газе-  
тасининг 1998 йил 3 октябрь сонида босилган «Илк  
цивилизациялар маркази» деган мақолада, жумладан,  
шундай сатрлар бор: «Сайёрамиз тарихида энг буюк  
воеа одамзодшининг ҳайвонот дунёсидан ажralиб чиқиши  
бўлган». Бу иборага мантиқ бўйича ёндошсак, гё одам  
аввалида ҳайвонот дунёсида бўлган-у, кейин одам си-  
фатида ажратган, деган маъно келиб чиқади. Ҳақиқат-

да эса, сайёрамиз тарихида энг буюк воқеа Одам Ато ва Момо Ҳавонинг Ер юзига ташрифи бўлган. Ушбу мақолада яна шундай сатрларни ўқиймиз: «**одамларни маймундан эмас, балки маймунсимонлар оиласига кирган жонзотлардан узоқ вақтлар давомида шаклланган**, деган тахминни қўллайдилар». Таажжуб, маймун ни-маю маймунсимонлар оиласига кирган жонзот нима? Иккиси ҳам мантиқ бўйича ҳайвон ёки ҳайвонсимон жонзот эмасми? Йўқ, одам бошидан одам бўлиб яратилган. У шарафли зот! Фақат шўролар замонида тарқалган, одам маймундан пайдо бўлган, деган уйдирма гаплар барҳам топиб кетган деб ҳисоблардик, бу гапнинг яна пайдо бўлиши кишини ўйлантиради. Орадан қанча узоқ вақтлар ўтмасин, маймун одамга айланмайди, маймунигича қолаверади. Бу ўринда Алишер Навоийнинг ушбу байтини келтириш мумкин:

*Ким кучук бирлан худукка қанча қылсанг тарбият,  
Ит булур, эшишак булур, бўлмаслар асло одаме.*

Юқорида келтирилган мисолдан кейин, шунга муносабат сифатида тарихчилик ихтисоси, касби, ҳунари хусусидаги ўз мулоҳазаларимизни айтишга тўғри кела-ди, токи илгари сурәтган ғоямиз, мақсадимиз аниқлашсин. Бизнинг бу фикр-мулоҳазаларимиз биринчи галда тарихчи бўлиш орзусида юрган, бундан бўёнги бутун онгли фаолиятини шу касбга бағиашлашга ният қилган, ҳали ўрта мактаб ёки тарих ихтисослигига мослаштирилган мактаб, лицей ва гимназияларда, ўрта ва олий ўкув юргларининг тарих, тарих-филология, шарқшунослик факультетларида таълим олаётган ўкувчи ва талабаларга, тарихга оид бир-икки мақоласини эълон қилишга ултурган ёш мутахассисларга, илмий иш қилишга орзуманд бўлиб, бирор мавзу ва ўзига илмий раҳбар бўлишга розилик билдирувчи устозини излаётган аспирантларга, умуман олганда эса, ҳали суюги қотиб улгурмаган янги авлод тарихчиларига қаратилгандир. Биринчи мақола, биринчи рисоланинг қайси мавзуда бўлиши, қандай ёзилиши, қандай ғоя, мақсад илгари сурилаётгани ёш мутахассиснинг илмий тақдиди ва ўналишида катта аҳамиятлидир.

Ҳар бир турдаги истеъодд соҳиби яратган асарлар тарих зарварақларида миллат фурури сифатида муҳрланиб қолади. Истеъодд билан билим тушунчаси купчиликка бир бутун нарса бўлиб туюлади. Аслида эса улар

бир-бирига муайян даражада боғлиқ бўлса-да, бир-бипни тўлдирса-да, бошқа-бошқа нарсалардир. Истеъдол чексиз имкониятлардир. Яъни истеъдол маълум руҳий-жисмоний ўзига хослик асосида шакланади ва ривожланади. Истеъдоли ўкувчидаги билим ҳам бор. Лекин билимли кишида истеъдол бўлмаслиги ҳам мумкин. Биз назарда туваётган тарихчи олимда тарих соҳаси бўйича билимдан ташқари тарихчилик истеъдоли ҳам бўлиши шарт. Муайян даражала сўз санъаткори, файласуф, географ, қадимшунос, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ҳам бўлишилик тарихчилик истеъдолининг қирраларидандир. Шу боисдан бўлса керак, утмишда ўтган Ан-Насавий, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Абдураззоқ Сармарқандий, Хондамир, Мунис, Оғаҳий, Муҳаммад Солиҳ Қораҳужа ўғли Тошкандий, Абу Тоҳирхужа ва бошқалар серқирра истеъдоли ижодкор бўлишган. Ҳамма ҳам бирдек истеъдоли булиб туғилавермайди, бу одам иродасидан ташқаридаги хилқат.

Жамият учун тарих соҳасини яхши билувчилар керак. Булар тарих соҳаси бўйича илмий ходим, тарих фани бўйича ўқитувчилардир. Улар тарих фанини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш, ёш авлодга мансуб ўкувчилару талабаларга тарих фанидан дарс ўтказиш учун зарурдир. Илмий ходимларнинг тарих соҳасига оид ўёки бу мавзуда ёқладиган номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам тарих фани хазинасига керак. Бироқ миллӣ давлатчилигимиз тарихини истеъдолли зиёлиллар ёзиши лозим, чунки миллӣ давлатчилигимиз тарихи бутун миллат ўқиши учун ёзилади, унда бутун миллатнинг яхлит тарихий қиёфаси ўз ифодасини топиши кўзланади. Ҳеч бирларини сира камситмаган ҳолда, табиат қонунидан келиб чиқсан ҳолда айтамизки, тарихчи илмий ходим бошқа, тарихчи олим бошқа. Булар ўртасида истеъдол бобида фарқ бор. Шуни унутмаслик тарафдоримиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кимлар тарихчи бўла олади? Тарихчи қандай бўлиши керак? Утмишда ўтган мумтоз тарихчиларимиз қандай бўлишган? Улар энг бошидан тарихчилик касбини танлаб, фаолиятларини дарҳол тарихчиликдан бошлаганларми ўёки истеъдоллари тарих йуналишида бўлгани ойдинлашгач, шу соҳа кишилари даврасига келиб қўшилганларми? Тарих факультетлари бўлмаган кезларда, бошқа факультетларда ўқиб, ўз устларida қунт билан, муттасил ишлаб, тарих фанига ихлюс қўйиб, дипломсиз, илмий даражада унвонларсиз

тариҳчи олим бўлиб етишган тариҳчиларни тан олмаслик керакми? Булар тариҳчиларнинг маънавий қиёфаларига дахлдор саволлардир.

Ҳозирги кунда республикамизда мавжуд тарих соҳасидаги манзара, ҳолат ва аҳвол чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган иборани тарих факультетларини битирган барча диплом эгаларига, тарих соҳаси бўйича илмий даража ва илмий унвон соҳибларига нисбатан бирдек қўллаб бўлмаслигини кўрсатиб турибди. Бизнинг кузатишимизга қараганда, шўролар замонида тарих факультетларидан ўқиб, тариҳчи ихтисосига эга бўлган айрим тариҳчилардан кўра бошқа факультетларда ўқиб, масалан, физика, математика, шарқшунослик, филология, фалсафа, география, журналистика, педагогика, иқтисод ва бошқа факультетларда таҳсил олиб, шу соҳалар бўйича ихтисосликларни эгаллагач, баъзилари ҳатто ўз соҳалари бўйича илмий ишлар қилиб, фанномзоди илмий даражасини олгач, азбаройи тариҳчилликка ихлослари кучлилигидан, руҳан ва қалбан мойилликларидан тариҳчилликка қадам қўйиб, докторлик ишларини тарих соҳаси бўйича ҳимоя қилган тариҳчилар тариҳчироқ бўлиб етишган эканлар. Бунга сабаб, бизнингча, тарих факультетларida ўқиган талаба жорий дастур бўйича, яъни имтиҳон ва синов топширадиган дарсликлар ва уларга илова қилинган адабиётлар доирасида чекланиб қолишлари эҳтимолдан холи эмас. Шундай қилмасалар имтиҳон ва синовдан ўтолмасдилар, курсдан курсга кўчолмасдилар. Диплом олиш учун ҳам тасдиқланган дастур бўйича ўқишга, совет даврида шаклланган ўқитувчиларнинг саволларига жавоб беришга мажбур эдилар. Шўролар даврида ўкув дастурлари қандай тузилгани ва уларга асосан қандай фанлар киритилгани ҳаммамизга аён. Хуллас, улар онгигда шўролар тариҳчилиги чуқурроқ, кучлироқ асорат қолдирган. Бошқа факультетларни битирган, кейин тариҳчилликка ихлос билан кириб келган тариҳчилар эса мутолаа учун тарихга доир дарсликларни саралашда ҳам, тарихга оид китобларни танлашда ҳам эркинлик ва кенгроқ имконият доирасига эга бўлганлар. Чин ихлос, ихлосга замин бўлган туғма истеъод, эркинлик ва кенг имконият эса самаралар келтиргусидир.

Тарих ва тариҳчилликка ҳамма-ҳамма қизиққани ва муайян даражада алоқадор бўлгани учун бу соҳа ҳақида ҳар хил фикр-мулоҳазалар, турли қаравшлар бўлиши табиийдир. Одатда ҳамма соҳага қараганда ҳам ада-

биётга бўлган қизиқиш кучли дейилади. Бизнингча эса, ғундай эмас. Гарчи биз адабиёт аҳлидан бўлсак-да, ҳақиқат олдила бўйинсунуб шуни эътироф этамизки, элимизда, нафақат бизнинг элимизда, балки барча мисллатлару златларда адабиётга бўлган қизиқишдан кўра тарихга бўлган қизиқиш кучлироқдир. Бу фикримизни шунарса ҳам тасдиқлайдики, кузатишларимизга кўра китобхон «соғ» бадиий асарларга қараганда тарих билан йўргилган тарихий-бадиий асарларни, масалан, тарихий роман, драма, қисса, достон, ҳикояларни қизиқиш билан ўқиди, тарих асари сифатида қабул қиласди ва, шунингдек, «Султон Жалолиддин Мангубердининг суврат ва сийрати», «Зафарнома», «Бобурнома», «Хумоюннома», «Шажараи турк», «Самария» каби китобларни худди бадиий асарлардек қабул қиласди. Ҳатто адаб ёки шоирнинг ижодий фантазияси билан яратилган бадиий образларни ҳам тарихда ўтган аниқ бир шахс ҳисоблаб, унинг таржимаи ҳоли билан қизиқади, у ҳақда муаллифларнинг ўзларидан сўрайди, уларга мактублар йўллайди, улар дунёдан ўтган бўлсалар, адабиёт ўқитувчилари ва тарихчи олимлардан сураб-суринширади. Абдулла Қодирий яратган Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно ва бошқа образларга, Faфур Фуломнинг Шум бола. Ёдгор, Ҳасан Кайфийларига нисбатан китобхонларимизда шундай қизиқиш бўлган ва адабиёт муҳиблари ва муҳлислари ўртасида ҳамон бу борада баҳслар давом этади.

Хуллас, одамзод учун тарихга, ўз ўтмишини билишга интилиш тугма одат. Одамда бу одатнинг мавжуд булишига сабаб шуки, унда хотира ҳам бор, у ўз ўтмишини, аждодларини эслаш фазилатига эга.

Рибот. Фовийларнинг айтишларича, Одам Ато завжай заифалари бўлмиш Момо Ҳаво айтганларини қилиб, Оллоҳ таолога берган ваъдаларини унугашлари туфайли жаннатдан Ерга туширилган эканлар. Шундан кейин жаниатда кечирган ҳузур-ҳаловатли турмушларини кўмсад, кўп эслабдилар. Ўтмишни эслаш ана ўшандан бошланибди. Шу тариқа, тарих аввало инсон хотирасида вужудга келибди. Хотиравий тарих ажлоддан авлодга ўтаверган. Идрис алайҳиссалом замонларига келиб хотиравий тарих китобий тарихга айланиди. Чунки бу даврда ўқув-ёзув ишлари йўлга қўйилади. Дарс, мударрис ва мадраса сўзларининг ўзаги Идрисдир. Дарс — ўқитиш, мударрис — ўқитувчи, мадраса — ўқитиш жойи деганидир.

Бу ривоятнинг мағзидаги «Ўтмишни эслаш жаннатни қўмсашик хайрлидир», деган маъно ётадир. Шу сабабли тарихга қизиқиш, уни ўрганиш, тарих яратা бориб, уни авлодларга қолдириш масъулиятли вазифа, тарих соҳаси — муқаддас соҳалардан бири, тарихчиллик — шарафли юмуш ва касб. Бу айтилган фикрлардан келиб тъерифласак,

тарих — бу ўтмишнинг бугунгача сақланиб келаётган хотираси,

тарих — аввало фан, агар у сўз санъати билан ифодаланса,

унга тафаккур йўғрилса, унда холис таҳлил ва маңтиқий талқин бирикса, танқид назаридан ўтказилса, далил (факт) ва воқеа-ҳодисаларнинг муҳими номуҳимлардан сараланса, замонлар гаљвиридан ўтказилса, ана ўшанда у фанлик мақомига эришади.

Турмушда юз берган воқеа ва ҳодисалар турлича булади ва турли ҳолатда кечади. Шунга қараб уларни баён этиш шакли, услуби, ўрни, ҳажми ҳам турлича булади. Бундаги фарқлардан тарихнинг турлари, алабиёт тили билан айтганда, «жанр»лари келиб чиқади. Маълумки, бир жанр иккинчи бир жанрдан нимаси биландир фарқланади, вазифаси ҳам ўзгача бўлади, шунингдек, улар ўртасида муштарак жиҳатлар ҳам мавжуддир. Бу фикримизни китобхонга ёрқинроқ етказиш учун образли ифодалаш мақсадида бир рамзий ва нисбий мисолни шарҳлаб ўтамиш.

#### Айтийлик:

«Аввал ошиқ ўлди, кейин маъшуқа ўлди». Бу — хронология. Хронология оддий дарак гаплардан иборат булади.

«Аввал ошиқ ўлди, кейин айрилиқ азобига дош беролмай, маъшуқа ҳам вафот этди». Бунда хабардан ташқари ҳолат ва кайфият ҳам ифодаланяпти.

«Аввал ошиқ ўлдирилди, кейин мусибат ва айрилик азобини чекиб, маъшуқа ҳам бу дунёни тарқ этди». Бунда ҳолат, кайфият, шу ҳолат ва кайфиятларни келтириб чиқарган сабаб, мана шу сабаб натижасида юз берган жараён ва бу жараённинг оқибати ҳам бор. Демак, хулоса чиқариш мумкинки, маъшуқанинг талабгорлари кўп бўлган, унинг висолига етмоқ учун рақиблараро кураш кеттан, бу куращда ошиқ ҳалок бўлган, маъшуқа чин вафодор бўлгани учун ўзгага кўнгил боғламай, севгисида содиқ қолади, айрилиқ дардига мубтало бўлиб, шу дард ила дунёдан ўтади.

Ҳақиқий тарихий асарларда турмушда юз берган воқеа ва ҳодисанинг турига қараб, шундан келиб чи-  
хаб, баён услуги, шакли, ўрни, ҳажми ҳам турлича  
белгиланиши китобхон кўнглига йўл топишда асосий  
омиллардан бири эканини таъкидлаш учун ушбу рам-  
зий ва нисбий мисолни келтириб ўтдик.

Китобнинг «Сўзбоши ўрнида» қисмидаги «ўн тўк-  
қизинч аср Франция тарихи француз муаррихлари ки-  
тобларига қараганда, француз адаби Бальзак рўмонла-  
рида аникроқ ва чукурроқ тасвирланган экан!» деган  
Фикр ҳам ана шу мулоҳазамизга ҳамоҳанг келади.

Маънавий меросимиз бўлмиш тарихга бағишланган  
тарихий асарларимиз бадиёт билан йўғрилгани синга-  
ри ҳалқ рўмонлари, қиссалари, достонлари замираид  
ҳам тарихга асосланиш ётди. Мумтоз бадиёй адабиё-  
тимизда яратилган эпик асарлар — достонларни тарихий-  
бадиёй асарлар дейиш мумкин. Бир мисол. Али-  
шер Навоийнинг «Ҳамса»сидан ўрин олган «Лайли ва  
Мажнун» достонининг бош қаҳрамонларидан бири  
Мажнун аслида милодий бешинчи асрда яшаб, ижод  
этган араб шоири Қайс исмли тарихий шахс бўлган  
екан.

Бизнинг кузатишлиларимизга қараганда, ўтмиш тарих-  
химиз тарихчиларимиз томонидан тўғри талқин қилин-  
са, бу ўз навбатида бадиёй адабиётда яратиладиган асар-  
ларда тарих тўғри акс этишига омил бўлар экан, ак-  
синча бўлса, тарихий мавзуда битилган асарларда ифо-  
далантган воқеалар, қаҳрамонларнинг суврати ва сийрати  
нотўғри ифодаланиб қолиши ҳам мумкин экан. Маса-  
лан, Амир Темур, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий,  
Шайбонийхон, Муҳаммадалихон Фозий каби ўнлаб та-  
рихий шахслар фаолияти шўролар даврида чиқарилган  
«илмий» ишларда асосан нотўғри талқин қилингани  
туфайли, бундай бирёқламалик бадиёй адабиёт ва санъ-  
атга ҳам кўчиб ўтди.

Дунёда қадим замонлардан ўз давлатчилигига эга  
булиб келган ҳалқлар ҳам, ўз давлатчилигини ўрта аср-  
лар ва сўнгги асрларда тузган ҳалқлар ҳам, шу асри-  
мизда ёки яқингинада ўз давлатчилигига илк бор эриш-  
ган ҳалқлар ҳам бор. Қайси ҳалқнинг қачон ўз давла-  
тини тузгани ва ўша давлат ўша замонда қайси худуд-  
ларда вужудга келиб, қанча давр яшаганини билиш  
тарихий жиҳатдан жуда зарур. Умуман, жаҳон ҳалқла-  
ри давлатчиликларини, Турон — Туркистон — Ўзбе-  
кистон тарихини, ўзбек ҳалқи давлатчилиги тарихини,

құшни халқдар тарихини яхши билмаслик оқибатида шүролар замонида ўтмишга бағишенгандың тарих китобларыда давлатларнинг номлари, ҳудудлари, жуғрофий атамалар бугунги ном, ҳудуд ва атамалар билан айтилиб, тарихийлик тамойилига зид иш тутилган ҳоллар күп учтарди. Бу эса бугунги китобхонда нотұғри таасуорт қосыл қилишидан ташқари адабий асарларнинг тарихий жиҳатдан асослы бүлишига салбий таъсир күрсатарди. Шу туфайли бизга замондош бұлған айрим тарихчиларимиз чиқарған «илмий» ишларга сұяниб, рүмөн, драма, қисса ёзған адеби шоирларимиз анча-мұнча ноанықларға йўл қўйғанлар.

**Бир мисол.** Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ҳақида ёзилган «тарихий» драмаларда ҳукмдор саройига Русия элчиси, Афғонистон элчиси ташриф буюради. Берунийлар, Ибн Синолар яшаган X—XI асрларда бу бўлиши мумкин эмас эди. Ҳолбуки, Русия давлати орадан 5—6 аср ўтгач, 1547 йилда, Афғонистон давлати эса, орадан 7—8 аср ўтгач, 1747 йилда вужудга келган. Берунийлар, Ибн Синолар замонида ҳали ҳатто Москва шаҳрининг номи ҳам йўқ эди, ҳозирги Афғонистон ишғол қилған ҳудуд Фазнавийлар давлатининг вилоятлари эди. Демак, тарихчилар тарихийлик тамойилига қаттиқ риоя қилишлари, адебиляримиз эса ҳаққоний тарихчилар ёзған ҳақиқий китобларга, энг яхиси — аслиятга — биринчи манбаага мурожаат қилиб, иш тутишлари лозим экан. Чунки нотұғри ёзилған тарих китобига сұяниб битилған бадиий асарнинг пойдевори заиф бўлиб, тезда нураб кетади, зоро, тарихий ҳақиқат бир кунмас бир кун, эртами-кечми, барibir юз кўрсатажак.

Шўролар замонида Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Улугбек, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрорвалий, Шайбонийхон, Муҳаммадалихон Фозий каби ўнлаб буюк аждодларимиз ҳақида ёзилған тарихий ва тарихий-бадиий асарларда тарих ҳақиқатининг юзаки ёки бузуб кўрсатилиши масаланинг бир томони, холос. Масаланинг иккинчи томони шуки, тарих ҳақиқати нотұғри тасвирланишига жамоатчилик бефарқ қараган.

Айтайлик, муаллиф Беруний замонаси тарихини чукур ўрганмай туриб, уша даврда қандай давлатлар мавжуд эканligини ва уларни қайси сулолалар бошқарганини ўрганмай туриб, асар ёзишга ёзған экан, уни қабул қилиб олган ташкилот — Маданият вазирлигидаги масъул лавозимли кишилар ҳам, асарни саҳна-

лантирган театр жамоаси — бадий кенгаш, адабий эмакдош, режиссёр ҳам, спектаклни муҳокама қилиб, қабыл этган ҳайъат аъзолари ҳам, томошадан кейин унга тақриз ёзиб, матбуотда эълон қилдирган театршуносу танқидчилар ҳам тарих ҳақиқати бузиб кўрсатилганига лоқайд қараганлар. Бу билан, айтмоқчимизки, шуро тузуми хукмон бўлган даврдаги жамиятимизда тарих ҳақиқати рост тасвирланяптими ёки нотуғри тасвирланяпти — бу масалага бефарқ қаралган, демакким, ҳалкнинг ўтмишига қизиқиш сусайган, бу борадаги фикрлар саёзлашган. Бу маънавиятдаги ижтимоий иллатлардан бири эди. Бу иллатнинг келиб чиқишига тарих буйича маърифатсизлик — билимсизлик сабаб эди. Билимсизликдан маънавиятда оқсанш бошланади. Тарих билан яхши ва яқиндан таниш бўлишликнинг аҳамияти ҳам ана шундадир. Ўз ўтмишимизни, шунингдек, муайян даражада жаҳон ва қўшни ҳалқлар кечмишини пухта билиш нафақат тарихчиларимиз учун, балки ҳалқимиз маърифати ва маънавиятига дахлдор барча зиёлиларимиз учун зарурдир.

Тарих ҳақида ёзиш ва сўзлаш — шарафли ва ўта масъулияти иш. Шу нуқтаи назардан қараганда Ислом Каримовнинг ушбу теран фикрлари айниқса эътиборлидир: «*Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганди, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги киши гарнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинligини унутмайлик. Эмон томони шундаки, субъектив фикр юкувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг авваю тарихчи ўқитувчиларни чалғатди. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан деб, ўқитувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин*». Бу фикрлар дастурий аҳамиятга молик.

Матбуот ва китоб ҳам катта минбарлардандир. Фақат бунда мулоқот билвосита, яъни ёзма шаклда олиб борилади. Бу мулоқот турининг иккита ўзига хос жиҳати бор: биринчиси, матбуотда чиқсан мақола ёки нашриёт чоп этган китобга қайта-қайта мурожаат қилиш имконияти бор, бу афзаллик томони; иккинчиси, мақола ва китоб хужжат сифатида узоқ сақланиб бора-ли, улар ҳақида келгусида баҳо берилиши мумкин, бу масъулияти томони. Демак, **муаллифлик нотиқликтан масъулиятилроқдир**.

Қарийб уч минг йиллик порлоқ ва шонлий ўйлга эга ўзбек давлатчилиги тарихига оид маҳсус бирор асар яратилмаган. Бу борада турли давларда, турли муаллифлар томонидан ёзилган асарлар тарқоқ ҳолда ётибди, аксарияти бугунги китобхонга яхши маълум эмас. Ҳатто бундай асарларнинг оддий рўйхати ҳам тузилмаган. Биз шу ҳолни назарда тутиб, ҳурматли китобхонларда бу ҳақда муйайн тасаввур ҳосил қилиш учун миллий давлатчилигимиз тарихи у ёки бу даражада ифодаланган айрим китоблар хусусида қисқача тухталиб ўтамиз.

Абу Райхон Берунийга замондош ва сафдош Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбийнинг араб тилида ёзилган «Тарихи Яминий» асарида Сабуктегин ва унинг ўели Султон Маҳмуд тарихи, хусусан, 976—1012 йилларда Туркистонда содир бўлган воқеалар баён қилинади. Маълумки, Ислом дунёсининг шарқий ҳудудларида олиб борган буюк ишларига мукофот тариқасида Султон Маҳмуд Фазнавийга Бағдод халифалиги томонидан «Ямин уд-давла» — «Давлатнинг ўнг кўли» деган фахрий унвон берилган эди. Мазкур асар Ямин уд-давла Султон Маҳмуд Фазнавийга бағишланган учун «Тарихи Яминий» деб аталади. Бу асарни бугунги ўзбек китобхонига етказилиши лозим бўлган китоблардан бири десак арзиди.

Муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний бўлмиш «Тарихи Абулхайрхоний» асари Шайбонийхоннинг бобоси Абулхайрхонга бағишланган бўлиб, унда ўзбек давлатларидан бири бўлмиш «мамлакати ўзбек»нинг ташкил топиши ҳақида, XV аср воқеалари хусусида сўз боради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бўласи ва шогирдларидан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1499 йили Тошкентда туғилган)нинг «Тарихи Рашидий» асарида XIV—XVI асрларда Туркистон, Шарқий Туркистон ҳамда ҳозирги Афғонистон ва ҳозирги Хиндистоннинг шимолий ҳудудларида бўлган сиёсий воқеалар, ўзбек хонларининг кўшни давлатлар билан алоқалари ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф 1509—1551 йиллардаги воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, фаол иштирок этган. Ушбу китоб шу жиҳати билан «Бобурнома»га яқин туради ва унда тасвирланган воқеаларни тўлдиради ва давом эттиради.

Мулла Олим Маҳдумхўжа Тошкандий қаламига ман-

суб икки жилдан иборат «Тарихи Туркистон» китоби Қўқон хонлиги тарихига оид анча мукаммал асарлардан хисобланади. Унда Шоҳрухбий томонидан янги давлат — Кўқон хонлигининг ташкил топишидан бошлаб, Русия томонидан бу хонликни босиб олинишигача бўлган тарихи батафсил баён қилинган. Асарда Қўқон хонлари сулоласи, хонликнинг Русия ва Бухоро амирлиги билан муносабатлари ҳам акс эттирилган. Энг мұхими, хонликда мавжуд бўлган мингбoshi, күшбеги, парвоначи, шифовул, худайчи, тунқотар, ноиб, оталиқ, мухтор-боши, шарбатдор, дастурхончи, хазиначи, маҳрамбоши, эшикогабоши, поисодбоши, тўқсанбоши, девонбеги, мираз-боши, юзбоши, баковулбоши, даҳбоши, қози ул-куззот, қозикалон, қозиаскар, қози маҳсус, аълам, муфтий, муларрис, шайх ул-ислом, шайх ул-машойих каби мансаб ва лавозимлар, шунингдек, элшуносликка оид маълумотлар кенг ёритилган. Ушбу асар миллый давлатчилигимиз тарихини ўрганиш ва ёзиш учун яхши манбалардан бири бўлиши билан бир қаторда бугунги китобхон учун маърифий аҳамиятга ҳам эгадир. Бир мисол. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» рўмонларида Қўқон хонлигига мавжуд бўлган мансаблар айнан тилга олинади. «Тарихи Туркистон»нинг 1915 йилда Тошкентда чоп этилганини, Қодирий рўмонлари йигирманчи йилларда ёзилганини эътиборда тутсак, буюк адабимиз бу китобни биринчи манба сифатида назаридан ўтказган қўринади чоғи.

Машҳур маърифатпарварлардан бири Исҳоқхон тӯра Ибрат қаламига мансуб «Тарихи Фарғона» асари ҳам Қўқон хонлари ва улар ҳукмронлиги даврида юз берган тарихий воқеалар, Қўқон, Андижон ва Наманганд шаҳарлари тарихи ёритилгани билан муайян дараҷада аҳамиятга эга.

Шоир ва олим Баёний томонидан 1911—1914 йилларда ёзилган «Тарихи Хоразм»да XVII асрнинг иккинчи ярмидан то 1914 йилгача Хива хонлигига юз берган тарихий-сиёсий воқеалар тасвирланган.

Миллый давлатчилигимиз тарихига доир бир қатор тарихий асарларни (чунончи, Мирхонд, Хондамир, Абдураззок Самарқандий, Мунис, Оғаҳий ва бошқаларнинг тарихига оид китобларини) китобимизнинг илгариги бобларида тилга олиб ўтганимиз учун, улар ҳақида яна тўхталиб ўтиш шарт бўлмаса керак, деб уйлаймиз. Шундоқ ҳам миллый давлатчилигимиз тарихини

мукаммал қилиб яратмоқ учун асл манбалар етарлы экани аён бўлиб қолди. Буларни ўрганиш, саралаб нашр этиш, уларга суюнган ҳолда ўзбек давлатчиликнинг мукаммал тарихини яратиш яқин келгусидаги асосий вазифалардан бири бўлиб кун тартибида кўндаланг турибди. Ўз тарихимизни чуқур ўрганишга киришиш кунтли, ўзбек, араб, форс ва бошқа тилларни билувчи етук матншунос кадрлар фаолиятидан бошланади.

Мұхтарам Юртбошимиз «Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди» дей бутун жамоатчиликнинг, айниқса, тарихчи олимлар, шунингдек, олимлар, адиллар, ноширларнинг эътиборини шу жабҳага қаратганидан кейин бу соҳада силжиш юз берса керак, деб умид қиласиз. Ўзбек давлатчилиги тарихини мухтасар ҳажмда ҳам, кўп жилди ҳажмда ҳам ёзиш учун кўхна манбалар етиб ортади. Лекин асар яратишда ҳам асар яратиш бор. «*Бу ерда фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабати хусусида тўхталиш жоиз*, — дей огоҳлантириб ўтади Ислом Каримов. — *Зоро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бир-бираига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули — унинг хуласаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрусини кўтариш учун улар тарих фани хуласаларига мурожсаат этади*».

Тарих фани хуласаларини кимлар чиқаради, кимлар қайси мақсадларда ишлатади — ҳамма гап шунда. Аввало, тарихдан қандай хуласа чиқариш тарихчининг қандай шахс ва қандай олим эканига боғлиқ. Холис тарихчидан ҳаққоний хуласа чиқади, нохолис тарихчидан нотўғри хуласа чиқади. Инсонпарвар ва маърифатпарвар кучлар нотўғри хуласаларни рад этиб, ҳаққоний хуласалардан эзгулик мақсадларида фойдаланадилар. Тажовузкор кучлар эса нотўғри хуласаларни жон-жон деб қабул этиб, ҳаққоний хуласаларни ҳам чаппасига талқин қилиб, ўзларининг ёвуз манфаатлари йўлида ишлатадилар. Мұхтарам Юртбошимизнинг фикрича, бизга халқимизнинг миллый туйғусини, миллый фурурини ўйғотадиган тарихий-илмий хуласалар керак, яни «Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётiga хизмат қилиши лозимлигини унтишга асло ҳаққимиз йўқ».

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида фикр билдирап экан, Ислом Каримов ҳали-ҳануз

жеч ким расман ўртага қўймаган шундай бир жиддий масалага эътиборимизни қаратади: «*Агар биз тарихчи-ларни тарозига солсак, бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчичкини ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахасислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошлангич нуқтасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим.* Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Мұхими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилятили, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак».

Давлатимиз бошлиги бу борадаги фикрини давом эттириб, шундай қўшимча қилиди: «*Биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суюнамиз, келажак умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Иzlаниш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади».*

Кувонарли жойи шундаки, ҳурматли Юргбошимизнинг бу таклиф ва истаклари ҳаётда татбиқ этила бошлади. Тарихга ихтисослашган мактаблар очилди, уларга қобилятили, тарих фанига ихлоси билан ёшлар ўқишига қабул қилинди. Ўтган ўқув йилидан эътиборан университетларнинг тарих факультетлари ўқув дастурига замона тақозоси билан тегишли ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритилди, мукаммал дарсликлар яратиш масаласи ўртага жиддий қилиб қўйилди. Домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш масаласига келсак, бу анча қийин савдо, мураккаб муаммо. Онги шуролар замонасида шаклланиб қолган, бутун умри бўйи коммунистик мафкурага мос дарс ўтиб келган, ўша тузумга мос «илмий» ишлар ёзган кишининг шуурини ўзгартериш осон ва тез кечадиган жараён эмас, албатта. Бунинг учун эса аввало маълум бир вақт керак, қолаверса, домлаларимизнинг ўзига инсоф берсин, деймиз.

Ислом Каримов тарих соҳасидаги аҳволни чукур таҳчилик қиласар экан, долзарб масалалардан бири сифатида довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади: «*Бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Гуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айтса оладиган олим эди*».

Юртбошимизнинг шоҳидлик беришича, шўро даврида фақат томлардагина паҳта экилмай қолган бир пайтда қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган тарихий тепаликларни текислаб паҳта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яҳё Фуломов бўлған, бу фазилати туфайли тазийик кўрган: «*Адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлди. Ана шундай одамнига ҳаётни бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим*».

Дарҳақиқат, худди шундай. Олимлик шарафига эришиш адолатлиликни, фидойиликни, ватанпарварликни тақозо этади.

Бизнинг кузатишимизча, ҳозир республикамида мавжуд тарих соҳаси бўйича номзодлик ва докторлик илмий даражалари, доцент, профессор, мухбир аъзо ва академик илмий даражаларига эга тарихчиларга қарангандар шарқшунослик соҳаси бўйича ана шундай илмий даража ва илмий унвонларга эга олимлар анча-мунча оз экан, Фанлар академиямизнинг Тарих институтини ҳисобга олмагандан ҳам, республикамиздаги деярли барча олий ўқув юртлари гуманитар факультетларида бир нечалаб тарихчи фан номзодлари ва фан докторлари, доцент ва профессорлар ишлайдилар, дарс берадилар. Шунга кўра устунлик тарихчи ходим томонда. Лекин илмий ишларнинг сифати, салмоғи, мавзунинг ўлмаслиги, ёзилган, нашр этилган ва энди нашр қилишга (илгари ва яқинла) тайёрлаб қўйилган асарларнинг аҳамияти ва қадри нуқтаи назаридан баҳоланса, тарозининг палласи шарқшунос олимлар томонига чўнг босиб кетади. Бунинг бир неча сабаби бор, албатта. Биринчи сабаб, асосийси ҳам шу бўлса керак, тарихчи илмий ходимларнинг кўпчилиги энг бошида мавзу танлашда нотўғри йўлдан кетганлар, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, номзодлик ва докторлик илмий ишларини ёзиш учун шўролар замонасига кўра долзарб-у, аслида ўткинчи мавзуларни танлаганлар. Иккинчи сабаб эса, тарихчи илмий ходимларнинг ҳаммаси ҳам Шарқ тилларини, жумладан, араб ва форс тилларини шу тилларда ёзилган китоблар ва қўлёзмаларни ўқишурганиши даражасида эгалламаганлар. Ваҳоланки, ҳалқимизнинг бой тарихий мероси араб алифбосида — ўзбек мумтоз тилида, араб ва форс тилларида иншо этилгандир. Шарқшуносларимиз эса бу тилларни муайян даражада билганларни учун кўхна ва нодир ман-

балар устида ишлаш имкониятига маълум даражада эга бўлганликлари сабабли улар яратган китоблар, илмий ишлар, нашр қилдирган ва нашрга тайёрлаган қўлёзмалар орасида сифат, салмоқ, мавзунинг боқийлиги, дхамияти жиҳатидан тош босадиганлари, бугун ва кенажакда ҳам қадр-қийматини йўқотмайдиганлари анчагинадир. Бунга «Фан» нашриёти чиқарган ўнлаб китобларни мисол қилиб келтириш мумкин. Кўринадики, ҳақиқий ўзбек тарихиси бўламан деган зиёли одам камида учта тилни — мумтоз ўзбек тилини (араб алифбосига асосланган мумтоз ўзбек ёзувини ҳам, албатта), араб ва форс тилларини, тарихнинг хос соҳалари буйича мутахассис булиш учун эса санскрит, ҳинд, пушту, ўрду, хитой, турк ва бошқа тилларни ҳам билиши лозим бўлади. Бунинг устига инглиз, француз, немис, испан ва рус тили каби жаҳоний тиллардан бирини ёки бир нечасини билиш олим одам учун фазилатдир.

Маълумки, олис ва яқин ўтмишда ёзилган ҳалқимиз, жумладан, давлатчилигимиз тарихига оид асарлар араб алифбосига асосланган мумтоз ёзувимизда, мумтоз адабий тилимизда ва, шунингдек, араб ва форс тилларида битилган. Биз бу ўринда билоҳтиёр «мумтоз ёзувимиз» ва «мумтоз адабий тилимиз» иборасини қўллаяпмиз. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, Октябрь тұнташигача бўлган адабиётимизга нисбатан «классик (мумтоз) ўзбек адабиёти» иборасини қўллайдилар-у, худди шу адабиёт яратилган тилимизни «эски ўзбек тили» дейиш, худди шу адабиёт асарлари қоғозга туширилган ёзувимизни «эски ўзбек ёзуви» деб аташ мантиққа зид эмасми? Зид, албатта! Демак, юқорида айтиб ўтганимиздек, араб алифбосига асосланган мумтоз ёзувимиз қўлланилган даврларда муомала воситаси бўлган тилимизни мумтоз ўзбек адабий тили десак ёки тўғридан-тўғри ўзбек тили деб атасак бўлаверади.

Ўтмишда ўзбек тилида яратилган асарларга ворислигимиз ўз-ўзидан аён, бу исбот талаб қилиб ўтирайдиди. Ҳалқимизнинг ўз фарзандлари ва бошқа айрим ҳалқларга мансуб муалифлар томонидан араб ва форс (шуролар даврида рус тилида ҳам) тилларида ёзилган асарларга нисбатан ворислигимиз масаласига қандай қаралади ва бу масала қандай ечилади? Энди сўз шу ҳақда боради.

Бу хусусдаги сўзни бошидан бошлаймиз. Ўз замон-

ларидаги лисоний анъянага кўра араб тилида ижод қилинган буюк аждодларимизнинг узоқни кўра билишликдаги зукколикларининг қираларидан бири шуки, қадим Турон — Туркистон — Узбекистондаги ўзлари туғилган юргларининг номини тахаллус қилиб олганлар: Хоразмий, Самарқандий, Бухорий, Термизий, Марвозий, Шошибий, Карминахий, Форобий, Фарғоний, Яссавий, Насафий, Косоний, Фиждувоний, Хўжандий, Балхий, Ҳиравий, Исфижобий, Ахсикатий ва бошқалар. Бу тахаллуслар ҳам уларнинг қайси юрту қайси мамлакат ва қайси халқнинг фарзандлари эканникларини кўрсатувчи далиллардан биридир. Бу биринчидан. Лекин фақат шу далил билан чекланиб қолиб бўлмайди ҳам, албатта. Масалан, Ҳиротда туғилган Алишер бобомиз Навоий ва Фоний тахаллусларини қўллаганлар. Балхда таваллуд топган буюк аждодимиз Султон Валад ўғли Жалолиддин ҳазратлари Румий тахаллуси билан машҳури олам бўлганлар. Шу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда, тахаллус олиш ёки олмаслик ҳам, қандай тахаллусни сайлаб олиш ҳам мутлақо ихтиёрий ва эркин бўлган.

Иккинчидан эса, талантли асарлар қайси тилда ёзилиб қолишидан қатъи назар муаллифи вужудида оқиб турган қон барибир ўз халқига торттириб, қайиштириб турди. Чунки муаллифнинг асосий мақсади ўз Ватани, ўз халқи ва ўз давлатига хизмат қилишдир. Масалан, бутун Шарқ оламида «ҳамса»чилик яратиш анъясини бошлаб берган Низомий Ганжавий гарчи ўз замонасида мавжуд лисоний анъянага кўра форс тилида ижод қилган бўлса-да, буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири бўлиб қолаверган. Ёки бўлмаса, Мирзо Улуғбек «Зижи жадидаи кўрагоний» асарини форсча битган, асрдошимиз — академик Ҳабиб Абдуллаев ўзининг маъданшуносликка оид қимматли асарларини русча ёзган, лекин уларнинг асл мақсади, ўз юртига, ўз халқига хизмат қилиш эди. Демак, бу муаллифлар ўзбек олимлари бўлиб, халқимиз эса улар яратган асарларнинг қонуний ворисидир.

Учинчидан, давлат буюртмаси билан яратилган асарлар ҳам борки, бундай китоблар маънавий хазиналаримизда кўплаб сақланиб келмоқда. Қарийб уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихини кўз олдимизга келтирсак, олий ҳукмдорларимиз ва вилоят ҳокимларимизнинг кўпчилиги ўз саройларидаги кутубхоналари билан

Дихор қылғанлар, шу боис китобат ишига алоқадор  
тиму фозил, носири шоир, мусавири хаттотларни ўз  
атрофларига түплаганлар, уларни давлат ҳимоясига олиб,  
моддий таъминлаб турғанлар, токи улар самарали ижод  
қыла олсинлар, тирикчилик ташвишлари билангина ұра-  
дашиб қолмай, ўз истеъодларини ёрқинроқ күрсатсинг-  
дар. Олий девонларда вазир мақомига эга китобдор,  
шүнингдек, бош мунший, маликулкалом, маликушшуа-  
ро лавозимли ва фахрий унвонли мансабдорлар хизмат  
қылғанлар. Масалан, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида  
Алишер Навоийнинг иниси Дарвешали китобдорлик  
қылған, унинг зиммасида подшоҳнинг сарой кутубхона-  
сига раҳбарлик қилишдан ташқари ушбу хазинани ян-  
ги-янги асарлар билан бойита бориш, нодир ва камёб  
қўләзмаларнинг нусхаларини қылқалам хаттотлар санъати  
ила кўпайтириш, саҳҳоф (китоб муқоваловчи)лар ва  
хаттотлар хизматини бошқариш, элчиларга тортиқ эти-  
ладиган ва элчилар орқали узоқ юртларнинг подшоҳла-  
ри ва замонанинг буюк кишиларига юбориладиган сов-  
ға китобларни тайёрлассириб бериш каби давлат юмуш-  
лари бўлган. Айтишларича, 30 котиб муттасил Алишер  
Навоий асарларининг нусхаларини, 2 котиб эса Ҳусайнин  
(подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро) ғазалларини кўпайти-  
риш билан машғул бўлар экан. Шунга қараганда, тему-  
рийлар даврида, жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро ва  
Алишер Навоий замонида Ҳирот саройида юзлаб хат-  
тотлар давлатдан маош олиб, ҳукумат хизматини ўташ-  
ган кўринади. Дарвешали аввалига шу лавозимида са-  
марали ишлаб, беглик мартабасига кутарилган ва амир-  
лик рутбасига сазовор бўлиб. Амир Дарвешалибек деб  
аталган. Бундай мисолларни Фазнавийлар, Қораҳо-  
нийлар, Хоразмшоҳлар, Шайбонийлар сарой ҳәтидан  
ҳам, кейинги ўзбек хонликлари саройлари турмушидан  
ҳам келтириш мумкин.

Демак, ўзбек давлатлари ҳимояси ва таъминотида  
туриб, ҳукуматнинг рафбати ва топшириғи бўйича тур-  
ли муаллифлар томонидан ўзбек, араб ва форс тилла-  
рида ёзилган илм-фан, адабиёт, санъат ва тарихшунос-  
ликка оид асарлар, нафис санъат асарлари ва буюмла-  
рига ҳам маънавий, ҳам ҳукуқий жиҳатдан ўзбек дав-  
латчилигининг давомчиси бўлмиш бугунги Ўзбекистон  
Республикаси, ўша аждодларининг қонуний меросхўри  
бўлмиш халқимиз сўзсиз ворисдир. Давлат таъминоти,  
рафбати, ҳомийлиги ва ҳимояси бўлмаса, айниқса, ўрта

асрлар шароитида (ҳозирги кунда ҳам, албаттга) шоҳ асарларнинг пайдо бўлиши, зўр истеъодларнинг тұла намоён бўлиши амри маҳол эди. Ўзбек давлатчилигигининг тарихий аҳамиятининг қирраларидан бири шудир, десак арзиди. Бугунги кунда ажоддларимизнинг уша илҳомбахш анъаналари Ўзбекистон Республикасида давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов раҳбарлигига изчил ва самарали давом эттирилмоқда ва янги босқичга кўтарилмоқда, истеъод эгалари рафбатлантирилмоқда.

Айтиб ўтилганлардан англашиляптики, қадимдан ўз миллий давлатчилигига эга бўлиб келаётган ҳалқ ва ҳалқларгина ўз давлатларининг бутун ҳудудларида яратилган асарларга (улар қайси тилда ёзилган бўлишидан қатъи назар) маънавий ворисдирлар. Лекин IX—X асрларда ва ҳаттоқи асримизнинг бошларигача асосан кўчманчи турмуш кечирган, яқиндагина илк бор ўз миллий алифбосига ва миллий давлатчилигига эга бўлган ҳалқ ёки ҳалқларни, масалан, бундан минг йил аввал яшаб ўтган олим ва унинг асарларига ворис дейиш, бизнингча, тўғри эмас. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналари — достонлар, ӯланлар, термаларни далаю даштларда, овулу қишлоқларда ҳам яратиш мумкин, лекин буюк файласуф бўлиб етишиш учун истеъоддан ташқари ривожланган шаҳар жамоаси, астроном учун расадхона, кимёгар учун тажрибаҳона керак ва ҳоказо. Улар мутгасил фаолият кўрсатишлари ва тегишли натижаларга эришишлари учун узоқ давом этадиган тинчосуда ва моддий таъминланган турмуш шарт-шароити — шаҳар ҳаёти зарур.

Оддийгина ҳаётий бир мисол. Истеъод эгаси бўйсира булгунча уни ота-онаси, атрофидаги яқин кишиларигина танийди ва эътироф қиласи, холос, баъзан улар ҳам бундай истеъодни сезмасликлари ёки эътибор бермасликлари ҳам мумкин. Истеъод эгаси ўзини намоён қила боргани сайин уни «дўстим», «қариндошим», «жияним» деювчи дўст-ёрлари, таниш-билишлари, тоға ва амакилари кўпайиб кетади, сертанишу серуруғ бўлади-қўяди. Ваҳоланки, улар шу истеъоднинг камолотга етишиши учун ҳеч қайишмаган, мутглақо лоқайд бўлган эдилар. Шунга ўхшаш ўтмишда ўтган буюк сиймоларга ворисмиз деювчилар бирдан ортиқ бўлишига табиий бир ҳол деб қараймиз. Аслида эса, ўша буюк зот қайси ҳалқقا мансублиги, қайси

бир давлатнинг фуқароси ва қайси бир ҳукмдорнинг соғи давлатила шаноҳ топиб, ҳимояти ва таъминотида бўлиб, қайси топшириқларини бажарганлиги ёлғиз Оллоҳ таолога аёндир. Буни илмий таҳлил ва далиллар келтириш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Биз бир асар — «Зафарнома» китобининг яратилиши жараёни қандай кечганини эслатиш орқали шу ишга бир уриниб кўрамиз, илгари ҳам бу ҳақда йўл усти бир шингил тухталиб ўтган эдик, энди эса мавзунинг ҳозир тилга олингаётган қиррасини ёритиш мақсадида яна ўша асарга мурожаат қиласиз.

«Зафарнома» асари қўйидаги ташкилий, ташкилий-ижодий ва ижодий босқичлардан кейин вужудга келган:

1. Темурийлар давлатига қарашли Форс вилояти (маркази Шероз шаҳри) ҳокими, Амир Темурнинг набирави, Шоҳруҳ мирzonинг ўғли, Мирзо Улуғбекнинг ииниси Иброҳим Султон ҳижрий 822 (милодий 1419/1420) илии бобоси ҳақида маҳсус китоб ёздиришни ният қилади.

2. Амир Темур ҳақида ўз даврида котиблар томонидан туркий (ўзбек) ва форсий тилда ёзиб қолдирилган маълумотларни унга келтириб бериш ҳақида фармон чиқаради.

3. Шу фармонга мувофиқ маълумотларни тўплаш бўйича бутун мамлакатда ишлар олиб борилган.

4. Тўпланилган маълумотлар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар учинчи гуруҳни ташкил этган. Иш бошида ҳокимнинг ўзи — Иброҳим Султон турган. Дастлаб Амир Темур ҳақидағи ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар у воқеани ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни топиш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Амир Темурнинг бошқа замондошларидан суриштирилган ёки қўшимча маъмумотлар тўплаган. (Агар Соҳибқирон тузган салтанатнинг улкан ҳудудларини кўз олдингизга келтирсангиз, ёки бўлмаса, бу салтанатнинг 1420 йилдаги чегараларини чамалаб кўрсангиз, чопарлар битта маълумотни аниқлаш учун минг-минглаб ҳақирилмаб йўл босганига ишонч ҳосил қиласиз. От-увовдан бошқа транспорт воситаси бўлмаган XV аср шароитида бу иш анча машақкатли ва катта чиқимни талаб этадиган юмуш эди.

Лекин давлат топширигини бажариш, фармонни ижро этиб, Соҳибқирон руҳини шод қилиб, номини абдийлаштириш шарт эди). Барча гувоҳларнинг ҳикояларини ҳам эшитгач, Иброҳим Султон айтиб турган ва асарнинг дастлабки хомакиси ёзib борилган. Бу иш ниҳоясига етказилгач, хомаки нусха Шарафиддин Али Яздига топширилган.

5. Шу хомаки нусха асосида унга сайдал бериш йули билан Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»ни ёзишга киришган.

6. «Зафарнома»нинг ёзилиш жараёнини Иброҳим Султон назорат қилиб турган. Унинг буйруғига биноан бу китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб ўрганилиши шарт бўлган. Иброҳим Султон буйруғига кўра, Шарафиддин Али Яздий олдига тўртта талаб қўйилган: а) асар жонли ва тушунарли қилиб ёзилсин; б) ҳужжатларга қатъий риоя қилинсин; в) хомаки нусхасидан четга чиқилмасин; г) ҳеч нарса буюб кўрсатилмасин. Шарафиддин Али Яздий Иброҳим Султоннинг фармон ва буйруғига қатъий амал қилиб, ҳукумат топширигини шараф билан адо этган. Умуман, бу буюк зот темурий ҳукмдорлардан кўп марҳамату илтифотлар кўрган ва бунга жавобан сидқидилдан хизмат қилган. Камолиддин Абдулвосеъ ан-Низомийнинг «Макомоти мавлавий Жомий» асарида ёзилишича, ҳатто Абдураҳмон Жомийлек улуг шоир ҳам Шарафиддин Али Яздий Ҳирот шаҳрига келганида, Йижил ариғи қирғоғида учрашиб сұхбатлашганларида нима учундир буюк тарихчига, олим ва билимдон бўлишига қарамай, вақтини ҳукмдорларга хизмат қилиш ва уларни мадҳ этиш билан ўтказиб юрганилигидан таъна қилган экан. Ҳақиқатда эса Шарафиддин Али Яздий Соҳибқирон ҳақидаги энг мукаммал асар бўлмиш «Зафарнома»ни таълиф этиши баробарида ўз номини ҳам шарафлаб, тарихда абадий қолдириб кетгандир.

Юқорида айтилганлардан шундай холоса чиқариш мумкинки, «Зафарнома»дек улкан тарихий асарлар факат давлат ҳомийлигига, ҳукуматни оқил, фозил ва маърифатпарвар ҳукмдорлар бошқарган даврлардагина дунёга келади.

«Зафарнома» яратилиши бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўламини кўз олдимиизга келтирсан, китоб учун материаллар тўплашда, уларни ўрга-

миш, саралаш юмушларида юзлаб киши қатнашган күрнади. Асарнинг дунёга келишида хомаки нусхани ўйтиб туриб ёздиран Иброҳим Султоннинг ҳиссаси ҳам бош муаллиф Шарафиддин Али Яздийницидан кам бўлмаса керак. Амир Темур ҳақила китоб ёздириш фоясини ургага қўйиши, ташкилий-амалий ишларни амалга ошириши, китобнинг йўналишини белгилаб бериши, ёзиш жараённида гоявий раҳбарлик қилиб туришини ҳам эътиборга олсак, Иброҳим Султоннинг «Зафарнома»нинг вужудга келишидаги ўрни ва иштироки янада ойдинлашади. Ҳозирги ибора билан айтганда, Иброҳим Султон раҳбарлик қилган бутун бошли бир илмий-тадқиқот институти «Зафарнома»ни яратган.

Темурийлар замонида юз берган бу воқеага ўхшаш воқеалар улардан илгари ҳам, кейин ҳам бўлган-у, лекин айнан шунга теппа-тент келадигани бўлмаган. Чунки Соҳибқирон бобомиз миллтий давлатчилигимиз тарихида алоҳида бир чўққи сиймо! Унинг руҳи ўзи ҳақида асар яратувчиларни ҳам улғайтган ва улуг этажак! Эҳ-ҳе, айтаман десак, ёзаман десак, бизким, ўзбекларнинг давлатчилик тарихида ажойиб, гаройиб, ибратори муз воқеалар жуда кўп, бу юмушни адо этмоқ учун, шоир ибораси билан айтганда, мингта Фирдавсий керак. Ҳа, бу шарафли ишни бажариш кўпчилик билан булади. Биз, бу «Бизким, ўзбеклар»имиз билан шу юмуш ижросига бир улуш кўша олсак, ўзимизни баҳтли деб билган бўлардик.

Умуман, ўтмиш тарихимиз, ҳусусан, давлатчилигимиз тарихини чукур илмий асосда ўрганиш, бадиий, тарихий-бадиий, илмий-оммабоп адабиёт, театр ва кино санъати, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарларида, матбуот ва оммавий аҳборот воситалари орқали ёритиши ва тарғиб-ташвиқ қилишнинг аҳамияти, келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, бу ишларнинг аҳамияти янада ошиб бораверади, ҳалқимизда ўз ўтмишини билишга иштиёқ кучаяверади, чунки ўтмишдаги порлоқ ва шонли саҳифалар истиқбол биносига пойdevor бўлиб хизмат этади. Истиқдол шарофати билан бу борада жонланиш бошланиб кетди. Мұхтарам Юртбошимиз томонидан таъкидланганидек, олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисолалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрый, саҳна асарлари яратилмоқда. Оммавий аҳборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, сухбатлар, мулоқотлар, фикрлар ранг-

баранглигининг пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдиди учун ўзларини маъсул сезиб, бу баҳсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этаётгани кишини айниқса қувонтиради.

Ҳайкалтароплиқ, меъморчилик, шаҳарсозлик, тасвирий санъат, китоб безакчилигимиз тарихий тўрги ӯзанга тушиб олди, бу боралаги ютуқларимизга Ислом Каримовнинг доно маслаҳатлари, йўл-йўриклари ва курсатмаларига риоя қилиниб эришилмоқда, десак айни ҳакиқатни айтган бўламиз. Бунга мисол тариқасида Соҳибқироннинг салобатли ҳайкалларини, Темурийлар тарихи давлат музеи биносини, Амир Темур юбилейи муносабати билан чиқарилган китоб ва альбомларни, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзда қилинган таъмирлаш ишларини, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан Фарғона ва Куба шаҳарларининг куркига кўрк қўшилганини, Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Хартанг қишлоғида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ва шу кабиларни келтириш мумкин.

Бу борада қилинган ишлар кўп, амалга ошириладиган ишлар ҳам анча, камчиликлар ҳам бор, албатта. Темурийлар тарихи давлат музеи чиндан ҳам зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолди. Кексаю ёш келувчилар бу ерда Соҳибқирон бобомизнинг ҳәти ва фаолияти билан кўргазмали тарзда танишмоқдалар. Бироқ Амир Темур ҳәти ва фаолияти воқеаларга жуда бой бўлишига қарамай, 660 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган ва саҳналаштирилган кўпчилик саҳна асарларида унинг сиймоси бир томонлама талқин қилинди. Француз драматурги Христофор Марло Йўлидан боришиб, Амир Темурнинг Йилдирим Боязид билан тўқнашуви воқеаси асардан асарларга кўчич үтди. Шуролар даврида яратилган буюк аждодларимиз (масалан, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий ва бошқалар) сиймоси бузиб талқин қилинган адабий ва саҳнавий асарларни бугунги китобхон ва томошабинга тақдим этишида эҳтиёт булиш керак. Чунки ҳозирги китобхон ва томошабинларимиз истиқтол шарофати билан нашр этилган асарлар орқали шўролар даврида қораланиб, «пиринг қаллоб» дейилиб келинган улуғ аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни эндиликда биладилар.

Темурийлар шажараси ҳақиқати китобнинг нашр этилиши улуғ ишлардан бири бўлди. Хоразмшоҳлар,

қорахонийлар, салжуқийлар, газнавийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар, минглар шажараларини тузиш ўзбек давлатчилиги тарихини яратишда ўзак масалалардан ҳисобланади. Шунингдек, улар тузган ва бошқарган давлатларниң ўша замонлардаги сиёсий-маъмурый хариталарини тузиш ва нашр этиш зарур. Бу тарихшунос, қадимшунос, шарқшунос, элшунос, географ олимларниң биргаликда амалга оширадиган вазифасидир. Шунингдек, бу ишга тилшунос ва адабиётшунос олимларни ҳам жалб этиш фойдалан ҳоли бўлмайди. Мамлакатлар, вилоятлар, шаҳарлар, қишлоқлар, эл ва элатлар, тарихий шаҳсларниң номларини тарихий жиҳатдан ҳаққоний қилиб ёзишда тилшунос ва адабиётшуносларниң билимлари ҳам асқотиши турган гап. Масалан, Алишер Навоий асарларида ҳозирги Шри Ланка мамлакати Сарандид деб, Япония эса Ёпуниё деб, славянлар сақолиб деб аталган ва ҳоказо.

Халқимиз ва давлатчилигимиз тарихига оид хариталар ўтмиш тарихимизга қизиқсан ҳар бир киши учун, айниқса, ёш авлод учун тарихни чуқур билиш ва ҳисқилишда кўргазмали курол бўлиб хизмат этади. Масалан, Амир Темур тузган, ўзида йигирма еттита мамлакатни бирлаштирган салтанатнинг харитасини, ёки бўлмаса, Соҳибқирон босиб ўтган йўллар тасвири туширилган харитани кўрган кишида бу давлатнинг нақадар улкан ва қудратли бўлгани ҳақида яққолроқ тасаввур ўйгонади. Шунингдек, ўзбек халқининг тарихан ва ҳозирда яшаётган маконлари тасвирланган, янги хариталар ҳам керак. Чунки шўролар замонида чиқарилган бундай хариталарда халқимиз тарқалган ва яшаётган ҳудудлар ва нуфусимиз ҳақидаги маънумотлар аниқ берилмаган. Қолаверса, орадан анча йиллар ўтди. Хуллас, хариталар тарихни ўрганишда маърифий кўргазмали воситалардандири.

Ўз миллий давлатига эга бўлмаган халқ ўз ички ишларини ҳам бошқара олмас, ҳатто фойдаланиб келаетган ёзувини сақлаб қолишига ҳам ҳадди сиғмас экан. Шўролар замонида ёзувимиз бир неча марта ўзгартирилди: йигирманчи йилларниң бошларида асрлардан бери амал қилиб келаётган араб алифбосига асосланган мумтоз ёзувимиз ислоҳ қилинди, ўша йилларниң охирида бу ёзув ҳам бекор қилинди, бундан мақсад халқимизни ўтмиш тарихидан узиб қўйиш эди. 1929 йилдан эътиборан лотин алифбосига асосланган

янги ёзувга үтилди, бунда тилимизда бор бир неча ундош ва унли товушларга ҳарфлар белгиланмаганлыги туфайли талаффузимизга, бинобарин, тилимизга шикаст етказилди. Лотин ёзуви жаҳоний ёзув бўлгани сабабли у ҳам орадан ўн йил үтар-ўтмас атайнек бекор қилинди. Сабаби, мустамлакачиларни чўчитган нарса шу эдикни, лотин ёзувини билган ва қўллаган халқ фарзандлари шу алифбога асосланган ёзувларни қўллайдиган халқлар, масалан, инглиз, француз, немис, испан тилларини ўрганиши ва ўша тилларда ёзилган асарларни ўқишига ёшлиқдан кўникма ҳосил қиласидар. Бу ҳол марказдагиларни чўчитади. 1940 йилда лотин ёзувидан кирилл ёзувига мажбуран үтказилишимизнинг асосий сабаби мана шундадир. Мустамлакачиларнинг мақсади тобеъ халқларни фақат марказга боғлиқ бўлиб қолдириш, жаҳонга кўз очтирмаслик эди.

Миллий истиқболга эришгунимизгача ёзувимиздаги ўзгартиришлар мажбуран, зўравонлик билан үтказилган, халқимизнинг хоҳиш-иродасига зид бўлган тадбирлар, мустамлакачилик сиёсатининг бир машъум кўриниши эди, холос. Истиқбол шарофати билан кирилл ёзувидан лотин ёзувига ута бошлашимиз эса халқимизнинг азму иродаси, манфаатларига жуда мос тадбирдир. Чунки лотин ёзуви жаҳоний ёзув бўлиб, жаҳонга чиқиши, жаҳонга юз буришда қулай воситалардан бири бўлиб, дунёнинг тарақкий этган жуда кўп мамлакатларида (қардошларимиз турклар бу ёзувга йигирманчи йиллардан ўтишган) қўлланилади, бу ёзув расман қўлланилмайдиган араб давлатларида, Ҳиндистон, Покистонда, Малайзия, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам, умуман, зиёлилар, хусусан, тижоратчилар, банк ҳодимлари, давлат ва жамоат арбоблари биладилар ва кундалик турмушларида қўллайдилар, жаҳоний реклама ҳам асосан шу ёзувда олиб борилади, шу ёзув қўлланиладиган инглиз тили эса дунё бўйича халқаро алоқалар ва муносабатларни олиб борища биринчи ўринни эгаллади.

Хуллас, лотин ёзувига ўтишимиз мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётida муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалардан бирилир. Шу билан бирга бу тадбир натижасида келиб чиқаётган, бартараф этиш унчалик қийин бўлмаган бир нозик жиҳат ҳам борки, уни айтмай ўтиб кетолмаймиз. Лотин ёзувига ўтишимиз шарофати билан кирилл ёзувидаги чиқарилган, халқимиз

рұхига ёт шүровий мағкураны ташувчи, омманы фик-  
рый чалғитувчи, телба-тескари мавзудаги қанчадан-қанча  
китобий маҳсулотнинг ҳозирги замондошларимизни ва  
келгуси наслларимизни маънавий заҳарловчи йули ту-  
силади.

Республикамизда олиб борилаётган тұғри иқтисо-  
дий сиёсат самараси ұлароқ юртимизда мулкдорлар син-  
фи тобора шаклланмоқда, бой-бадавлат кишилар кү-  
паймоқда. Бу эса маданият ҳомийларининг сафи тобо-  
ра ошиб боради, деган сұздир.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини холи-  
сона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш,  
тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кута-  
риш. Ўзбекистон тарихи бўйича салоҳиятли етук та-  
рихчилар илмий мактабини яратиш, Ватанимизнинг бой  
ва ранг-баранг тарихини тиклаш, унинг негизида хал-  
қимиз, айниқса, ёш авлод тафаккурида ҳаққоний та-  
рихни идрок этиш ҳамда тарихий хотира туйғусини  
тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазир-  
лар Маҳкамаси 1998 йил 27 июля «Ўзбекистон Респу-  
бликаси Фанлар академияси Тарих институти фао-  
лиятини такомиллаштириш тұғрисида» деб чиқарған ва  
Ислом Каримов имзо қўйған қарор республикамизда  
тарих фани равнақига қўрсатилаётган ғамхўрликнинг  
ёрқин бир далили бўлди. Ушбу қарорда таъкидланга-  
нидек, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги ҳаққоний  
тарихини ўрганиш мамлакатимиз ва чет элларда мав-  
жуд тарихий манбалар таҳлили асосида олинган нати-  
жаларнинг жаҳон миқёсидаги эътирофига эришиш,  
уларга таянган ҳолда илмий, илмий-оммабоп асарлар,  
дарсликлар, турли адабиётлар яратиш ва мазкур би-  
лимларни көнг ёйиш ҳамда тарих соҳасида юқори ма-  
лакали илмий кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Республи-  
каси Фанлар академияси Тарих институти фаолияти-  
нинг бош мақсади деб белгиланди. Институт ходимла-  
рининг умумий сони 100 нафар бўлди. Бу катта куч ва  
имкониятдир.

Тарих соҳаси ҳам доимо республикамиз ҳукумати-  
нинг диққат марказида турибди. Шу нуқтаги назардан  
қараганда, Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қил-  
ган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқ-  
лари тарихида учмас из қолдирган Жалолиддин Ман-  
губерди таваллудига 800 йил тулиши муносабати билан  
унинг хотирасини агадийлаштириш ва тарихий адолат-

ни қарор топтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 24 сентябрда «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида» деб чиқарган қарори ҳамда ҳалқимизнинг миллӣ маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, тарихнавис, таржимон, давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳийнинг адабий-илмий меросини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда миллӣ қадриятларимизни асраб-авайлаш мақсадида «Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорини юкорида тилга олинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорнинг, буюк аждодларимиз юбилейларини ўтказиш хусусида мустақиллик йилларида қабул қилинган ва амалга оширилган қарорларнинг мantiкий давоми десак булади.

Янги қарорларда белгиланишича, жумладан, 1999 йилда «Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида ҳалқаро конференция ўтказилади, «Шарқ ҳалқларининг маънавий-маърифий тараққиётига Огаҳий адабий-илмий меросининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилади. Бундай тадбирлар яқин ва узоқ тарихимизни ўрганишда янги саҳифалар очади.

Ечим учун яна бир мулоҳазавий таклифни айтиб, кейин китобнинг навбатдаги бобини ёзишга киришамиз.

Таклиф. Бир юз ўттиз йиллик оғир ва мусибатли танаффусдан сўнг миллӣ давлатчилигимиз қайта тикланган экан, давлатчилигимизга хос анъаналардан бири сарой тарихчиси лавозими таъсис этилса, бу лавозим соҳибининг илмий-ижодий хизмати натижалари кейинчалик келгуси авлодлар учун аскотар, бугунги кунларимиздан аниқ бир хотира ва ёдгорлик бўлиб қолар эди. Балки бу лавозим Президент девони тарихчиси, деб аталар. Гап фақат номда эмас, мөҳиятда, албаттга. Биз назарда тутаётган лавозим оддий архивариуслик эмас, илмий-ижодий вазифадир. Тарихимизга чуқур назар солсак, сарой тарихчиларимиз бизни ўтмишимиз билан боғлаб, таништириб ва яқинлаштириб кетишган экан. Яздий, Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Мунис, Огаҳий каби та-

рихчиларимизнинг асарларисиз ўтмишимизни қандай тасаввур қила олардик? Оврупода ҳатто машхур кишиларнинг биографлари ҳам бўлишидан хабардормиз, масалан, актёр Жерар Филипп, скрипкачи Ван Клибернларнинг биограф (хос тарихчи)лари ёзиб қолдирган эсдаликлар маданият тарихи учун бирламчи манба бўлиши билан бирга худди яхши наср намуналари сифатида ҳам китобхонларнинг эътиборини ўзига кучли жалб қилган. Бундай иш тутуми биз учун камиде етти-саккиз асрлик анъанага эга. Масалан, муаррих ан-Насавий сўнгги хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг биографи — хос тарихчиси бўлган. У ҳақда «Жалолиддин Мангубердининг суврати ва сийрати» деган асар ёзиб қолдирган. Агар бу асар бўлмаса, Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлолмасдик. Бас, шундай экан, янгидан шакланаётган ва тобора куч-кудратга тўлаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон ҳақида яқиндан туриб, истеъодод билан ҳаққоний тарзда ёзиладиган тарихий асарни бугунги китобхонларимиз ҳам, келгуси наслларимиз ҳам севиб, қизиқиб ўқишлирага, маърифий ва маънавий озиқ олишларига ишонамиз. Зоро, давлатни бошқараётган шахс фаолияти ҳақидаги китоб айни пайтда шу давлат тарихининг ҳам саҳифаларидандир.

## Бешинчи фасл

### Ўттизинчи боб

#### ИСЛОМ КАРИМОВ – ЯНГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТИНИНГ АСОСЧИСИ, ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИ ЯРАТИЛИШИННИГ ТАШАББУСКОРИ ВА ТАРФИБОТЧИСИ

Ушбу китобнинг, Сиз кўриб ўтганингиздек, йигирма тўққизта бобида умумтарих, бизким, ўзбекларнинг ўтмиш тарихи, миллий давлатчилигимиз тарихи ва асослари ҳақида Ислом Каримов айтган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, шу фикрларни шарҳлаш йўсинида ҳикоя қилиб, тарих фани ва илоҳиётга оид айrim тушунча ва атамаларга қисқача тұхтаб ўтган бўлсак, бу ўттизинчи бобда эса бевосита Юргашимизнинг мамлакат раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидағи фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

#### ИСЛОМ КАРИМОВ – НАЗАРИЁТЧИ ВА АМАЛИЁТЧИ

Ислом Каримов феноменидаги назариётчилик ва амалиётчилик қирраларидан қайси бири устунроқ, деган саволга, бизнингча, улар бир-бирига тенг, мunoшиб ва уйғун, деб жавоб берилса, тўғри бўлади. Назариётчи Каримов билан амалиётчи Каримовни бир-биридан айру олиб, тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу фазилатлар ялакат мafиздек бир вужудда маскан топган: Ислом Каримов доно йўлбошчи сифатида бош мафкурачи, бош маънавиятчи, бош иқтисодчи ва шу каби салоҳиятлар соҳиби сифатида халқимизга етакчилик қилмоқда, мөхир амалиётчи сифатида ўзи раҳнамолигига қайта тикланган янги давлатимизни бошқармоқда. Унинг яратувчилик фаолиятида назариётчилик билан амалиётчилик бир хил юксак даражаларда намоён бўлмоқда. Энг биринчи етакчи фоя давлатининг энг биринчи етакчи раҳбарига мансуб бўлиб келаётгани учун ҳам республикализ оғишмай — мустаким йўлда, бир маромда ва муттасил равнақ топмоқда. Ҳақиқий йўлбошчилик деб мана шунга айтилади. Ушбу бобда айтадиган биринчи хуносамиз шу. Бу фикримизнинг исботи учун, албатта, мисоллар келтирамиз:

Президент Ислом Каримов 1995 йилнинг 23 февра-

лида биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тұғрисида»ги маъruzасида назариеччи сифатида, жумладан, шундай деган эди:

«Бугун бизнинг олдымизда шундай тарихий имконият пайдо бүлдикі, биз босиб ўтган йўлимизни танқидій баҳолаб, миллий давлатчиликимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз лозим.

Биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга асосланиши керак.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутылмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз наебатида бу фалсафиј-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борган.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоуддин Нақібанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим».

Юқорида келтирилган иқтибосни изоҳлаб, тўла асос билан айтишимиз мумкин, назариеччи Ислом Каримов томонидан ижро учун ўртага қўйилган бу фикрлар орада ўтган салкам беш йил ичидәқ амалиёччи Ислом Каримов етакчилигига ҳаётда ўз ифодасини топли ва топмоқда, миллий истиқтол шарофати илиа пайдо бўлган тарихий имкониятдан оқилона фойдаланилди, босиб ўтилган йўлимиз танқидий баҳоланди, миллий давлатчиликимиз негизлари аниқланди (йигирма етти аср бўлиб чиқди), қадимий меросимиз илдизларига қайтилди (бу ўринда маънавият ва маърифат соҳаларида амалга оширилган ишларни эслайлик), ўтмишимиздаги бой анъаналар (Наврӯз ва Ҳосил байрамлари, хайрия жамғармалари) янги жамият қурилишида татбиқ этилмоқда.

Келажаги буюк қилиб барпо этилаётган давлатимиз дунёга юз очиб, аввало, энг буюк ва энг тараққий топган давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши

соҳасида равнақ этган бошқа халқлар эришган таж-рибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши самараси ўлароқ қисқа давр ичиди Ўзбекистон, чунончи, ёнилғи мустақиллигига эришди; ўз автомобилсозлик саноатига эга бўлди, Асакамизда чиқарилаётган замонавий енгил автомобилларимизга, тақдирнинг гардишини қарангки, яқиндагина автомобилсозликла дунё бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келган Россия ҳавасманд, энг биринчи харидор; дунё авиа-созларининг пешқадамларидан бўлмиш АҚШлик ва россиялик самолётсозлар ўзбекистонлик ҳамкарабаларини салоҳият бобида тенг кўриб, ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида шаргнома имзоладилар; мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун кураш бормоқда, яқин келгусида пахта ҳосилини гектар бошига олтмиш-етмиш центнерга етказиш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда; давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибалар, ижтимоий қадриятларга ижодий ёндошган ҳолда асосланиб, республикамизда демократик, хукуқий, дунёвий давлат қурилаётгани хорижликлар томонидан ҳам маннуният билан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига муносаб ҳисса кўшиб келганини бутунги кунда яна бир бор тасдиқламоқда. Халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари асрлар мобайнида Шарқ фалсафаси ва Ислом дини таълимоти билан узвий ривожланиб, ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотларни ўз даҳоси зиёсидан баҳраманд этгани маълум. Давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, буюк мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига ҳамоҳанг шакланиб, тобора юксалиб бораётгани Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор валий ва бошқа буюк ватандошларимизнинг юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йилликлари ва шу каби кўп улуг тадбирларнинг юксак савияда ўтишида, Хоразм Маъмун академиясининг қайта тикланишида намоёнлир. Булар ҳақила қўлингиздаги китобнинг қатор бобларида, жумладан, «Буюк ташаббус ва буюк қайтиш», «Нажот илму урфон ва истиқлолда», «Тамаддунимиз негизлари», «Рӯҳоний асослар», «Миллий давлатчилигимиз таянчлари», «Мафкура ёки яна бир янги ташаббус», «Сезирликка чорлов-

чи саволлар» бобларидан анча батафсил ҳикоя қилиб ўтганимиз учун мазкур бобда бу борадаги сўзимизни шу билан муҳтасар қиласиз.

Ислом Каримов ўша маърузасида «Одамларнинг яхшиси — бу дунёни деб, охиратини ва охират деб бу дунёни тарк этмайдиган, бошқаларга оғирлиги тушмайдиган кишилардир» (таъкид бизники. — А. И.) деган Ҳадиси шарифни тилга олиб, «Биз бутун барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда мана шундай фояларга суянсан, ха то қилмаган бўламиз», деб жамиятимиз йўлини, демакким, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри белгилаб берган эди. Шунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги даврасида ҳам, жаҳон ҳамжамиятига аъзо 200 га яқин давлатлар даврасида ҳам ҳалқаро ҳуқуқнинг бир субъекти сифатида, мустақил ва суверен давлат сифатида тобора юксалиб бормоқда, ҳалқаро миқёсда обрў-эътибори ошмоқда, бошқаларга оғирлиги тушмайдир, балки танлаган йўлининг тўғрилиги билан бошқаларга ибрат бўлаётир, ибрат бўлиш ҳам ёрдам беришнинг бир туридир, маънавий хилидир, агар одилона фойдаланилса, маънавий озиқ моддийлашиб, моддий ёрдамни ҳосил қиласи.

Бу ўринда Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий тамоилни, ўзулар асосида вужудга келган Ўзбекистон моделини, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида баён этилган башарий башоратларни зўр мамнуният ва кучли ифтихор билан тилга олиш лозимки, буларнинг ҳаққоний ва ҳаётбахшлигига узоқ ва яқин, Фарбу Шарқ мамлакатларида ишонч ҳосил қилмоқдалар, ўз турмушларига ижодий татбиқ этишга мойил бўлиб бормоқдалар. Бу эса Президентимизнинг ҳалқаро миқёсда етук давлат арбобларидан бири сифатида эътироф этилганини кўрсатиб турибди. Бинобарин, давлат бошлигининг обрўйи ўзи етакчилик қилаётган мамлакат ва ҳалқининг ҳам обрўйидир, бу билан бизким, ўзбеклар, Ўзбекистоннинг барча ҳалқи фаҳрлансалар арзиди. Балоғат ёшига етган барча онгли фуқароларимиз фаҳрланиш билан баробар Оллоҳ таолога шукроналар айтсалар мақбулдирким, биз ҳаммамиз Президент сайловида Йўлбошчимиз Ислом Каримов

учун овоз бериб тўғри иш туттанимизни тарих тасдиқламоқда.

### ТАРИХИЙ ЛАВҲА

Тўққиз-ӯн йиллардан бери биз бир фуқаро ва бир зиёли сифатида Ислом Каримовнинг ижтимоий фаолиятини кузатиб келамиз, ушбу китобда ҳам шу кузатувнинг ҳосилалари анча. Бу кузатувимиз оддий бир қизиқиши эмас, балки бу нарса ижтимоий асосга эга бир ихлосмандликдир. Биз Каримовни Каримов бўлгани учун эмас, балки энг аввалида (аниқ даври — 1989 йилнинг ёзидан бошлаб, 1991 йилнинг 31 августигача), яъни амалда халқимиз миллий истиқдолга эришгунча бўлган даврда, нажоткорсиз қолган, ҳамиятга мухтож, жабрдийда халқимизга у кишининг нажоткор бўлишига умид боғлаб, давлат мустақиллигимиз ўзлон қилингандан кейин эса шу умидимиз тўғри бўлиб чиқаётгани учун Ислом Каримов фаолиятини кузата бошлаганмиз — гапнинг индаллоси ана шу. Шу ўринда саксонинчи йилларнинг охирларига оид ҳаётий ва тарихий бир воқеани эслаш мақбул кўринмоқда.

Аёнким, ҳар бир элсевар, юртсевар ва эркпарвар киши учун, айниқса, ўз мамлакати ва миллатининг порлоқ ва шон-шавкатли ўтмиш тарихидан озми-кўпми хабардор бўлган ёзувчи учун ўз она-Ватанида она тилисининг камситилишига шоҳид бўлишдан кўра оғирроқ ва кучлироқ жабру ситам бўлмаса керак. Саксонинчи йилларнинг охирларига келиб, бу ҳолат кучайганидан кучайиб ҳурликка айланди. Бунинг устига ўша пайтда республикада ҳокимият тепасида турғанлар миллий сиёсатда, жумладан, тилга бўлган муносабатда телба-тескари иш тутиб, ўтнинг янада аланг олиб кетишига сабабчи бўлдилар.

Натижада бутун ҳаёт-мамотлари, ижтимоий фаолиятлари тил билан боғлиқ бўлган адабиёт аҳли ва чин ихлосли адабиёт мухлислари — китобхонлар Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақомини берилишини талаб қилиб чиқдилар. Бундай талабнинг кун тартибига қўйилишига худди ўша кезлари Болтиқбўйи республикаларида литва, латиш ва эстон тилларига давлат тили мақоми берилгани ҳақидаги хабарлар ҳам туртки ва далда бўлди, албатта.

Шу тариқа, республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақомини берилиши учун кураш кучайиб борди.

Айтиш мумкинки, бизким, ўзбекларнинг миллий ис-тиқбол учун кураши бу даврда она тилимизни жамият-даги ўрнини тиклаш ва қадрлаш учун курашишдан бошланди. Бу курашчилар сафида чиндан ҳам ўз халқига сидқидилдан хизмат қилишга отланганлар ҳам, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб майдонга тушганлар ҳам борлигини кейинги воқеалар, кимнинг аслида кимлигини тарихнинг ўзи аён қилди-қўйди. Бу ҳақда ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб биламиз. Зоро, тарих ҳукми — адолатли ҳукм: карвон ўтаверади, юрт қолаверали.

Ўша курашдан биз ҳам четда турмаган эдик. Қалбимизни икки нарса ўртарди. **Биринчиси**, мавжуд сиёсий тузум томонидан тилимиз топталарди, бунинг оти ва моҳияти миллатга қарши зулмидир. **Иккевичиси**, жуда ачинарлisisи ҳам шу эдики, ўз ҳамюртларимиз, шўровий мафкура онг-онгига, вужуд-вужудига уриб кеттан, манқуртсимон казо-казо кимсалар матбуотда, радиода, телевидениеда, турли анжуманларда уялмай-нетмай икки тиллилик ҳақида сафсата сотар эдилар. Эсимизда, ўшанда бир тарихчи академик телевизорга чиқиб, «Мен оддий чўпон ўғли эдим, Ленин тилини ўрганганим учунгина академик бўлиб етишдим, бўлмаса, молбоқар бўлиб қолиб кетардим» деди. Бунга ҳалқ ўз муносабатини билдириди: «Академик унвонига эришибсан-у, бироқ миллий савиянг молбоқарлигича қолибди-да. Фаҳм-фаросатингга балли. Ҳайф сенга юксак унвон!» Иккинчи бир нотик, раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган ҳалқ ёзувчиси бундай дегани ҳам ёдимиизда: «Камина тил бобида адолатли йўл танлаганман. Рафиқам билан ўзбек тилида гаплашаман. Набираларим билан эса Ленин боболари тилида сўзлашаман. Сизларни ҳам шундай йўл тутишга даъват этаман». Бунда ҳам ҳалқ ўз муносабатини билдириди: «Сенинг набираларинг, набираларимиз она тилимизни унуга борсалар, адабиётимизни, сен ёзган китобларингни ҳам, кейин ким ўқииди. Ўз ёғига ўзи болта урувчи, қалтабин одам экансан. Садқаи ёзувчи кет!»

Казо-казо ҳамюртларимизнинг она тилимизга нисбатан бундай пастарин, бехосият қараашлари ҳам жабр эди. Бундай жабрнинг оти ва моҳияти ситамдир. Ситамнинг зулмдан фарқи шундаки, зулмда озор ташқаридан, бегона киши томонидан етказилади, ситам эса ўзингга яқин киши ёки ҳаммиллатинг томонидан етказилади, буниси унисидан оғирроқ ботади, қалбни яра-

лайди, пора-пора қиласы. Шундай ситам ўтган кезларда биз ҳам құлға қалам олиб, «Тил ва ижтимоий ҳаёт», «Саодат қалити», «Тил, миграция ва иқтисод» каби ўнлаб мақолаларни, «Тил — тақдир демак» деган китобни нашр эттиридик. 1988 йилнинг декабрида ёзилиб, «Фан ва турмуш» журналиниң 1989 йил март ойида чиққан «Тил билан эл — жон ила тан» деган мақоламизда, жумладан, шундай сатрлар бор: «Хозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 46 ҳақиқий аъзоси, 100 мухбир аъзоси бор. Академиянинг илмий текшириш институтларида 4207 илмий ходимлар ишламоқда, шулардан 304 нафари фан доктори, 2076 нафари фан номзоди илмий дарражасига эга. Фақат академия системасида зиёлиларнинг шундай армияси борку, лекин уларнинг ўзбек тилининг ишлатиш доираси тобора торайиб, бадииятига путур етиб, кун сайин үлкін тилга айланы бораёттанига томошабин бўлиб туришганидан азоб чекасиз. Ахир, ўзбек тили мавжудлиги учун республикамиз Ўзбекистон деб аталади, ахир, Ўзбекистон ССР мавжудлиги учун Фанлар академиямиз бор, академиямиз мавжудлиги учун ўша 46 кишига академик, 100 кишига академиянинг мухбир аъзоси деган унвон, юзлаб кишига Ўзбекистон сўзи билан бошлинувчи хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонлари берилган-ку. Шу республика мавжудлиги учун танилганлар ҳам унинг корига ярашлари, юмушини бажаришлари, тилини билишлари, билмасалар ўрганишлари, ривожлантиришлари, зарур бўлганда ҳимоя қилишлари ҳам керак эмасми?! Ўзбек ҳалқига хизмат қилмайдиган олим унвонида «Ўзбекистон» сўзи бўлишини нима билан изоҳлаш мумкин? Нима учун жамоатчилик, айниқса, илмий жамоатчилик бу қадар пассив бўлиб қолди?» Бу парчани, Юртбошимиз тарихчи олимлар билан суҳбатда айтганидек, бизда ҳамон довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмаслигини таъкидлаб ўтиш учун келтирдик.

Б и р м и с о л . Буни қарангки, Фанлар академияси тизимида бутун бошли Тил ва адабиёт институти бўлатуриб, Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганига 10 йил бўлиб қолдик («Тил — тақдир демак» китобидан бошқа), ушбу қонуннинг тарихий аҳамияти, моҳияти, уни ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар, бундан кейин бу соҳада амалга ошириладиган вазифаларга маҳсус багишланган бирон-бир талқиқот ёки оддий илмий-оммабоп китобча

**яратилгани йўқ.** Бу ҳолни нима билан изоҳлаш мумкин?! Буни эндиликда шунчаки сусткашлик десак хато бўлади, бу фаннинг давлатга, ҳалқа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унтишдан бошқа нарса эмас.

«Тил билан эл — жон ила тан» мақоласи республикамизда, Тоҷикистонда, Туркманистоннинг Тошховуз ва Чоржӯй вилоятларида, Қозогистоннинг Чимкент ва Жамбул вилоятларида, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида жамоатчилик ўртасида катта акссадо берди, журнал таҳририятига мақола юзасидан ёзилган мактублар ёғилиб кела бошлади, буларнинг рўйхатдан ўтганларининг ўзи 7 мингдан ошади, улар бизнинг шахсий архивимизда сақланмоқда. Бу гапларни келажак авлодларимизга бир хотира бўлиб қолсин деб айтамиз, токи улар ҳалқимизнинг ўз она тилиси нинг қадр-қимматини тиклаш учун саксонинчи йилларнинг охиrlарида нақадар қайғурганини билиб қўйсинлар. Зеро, такрор айтамизки, миллий истиқлол учун кураш бу даврда она тилимизнинг ҳимоя қилиш учун кураш тарзида кучайиб борди. Ҳа, айтгандек, 1984—1985 ўкув йилидан бошлаб республикамизда ўзбекча мактабларнинг сони бир томондан қисқартирилиб, уларнинг ўрнида ўзбекча ва русча ўқиладиган мактаблар очилган бўлса, иккинчи томондан эса, ўзбек мактабларида ўзбек болалари учун русча ўқиладиган синфларни очишга киришилган эди. Бу хавфли сиёsat эди, ҳалқимизни ўз она тилисидан — маънавий бойликларининг биридан жудо қилиб, маънавий қиёфасига птур етказишга қаратилган машъум бир «тадбир» эди. Мазкур ҳолат ҳам ҳалқимизнинг сабр косасини тўлдирган эди...

Гарчи «Тил билан эл — жон ила тан» мақоласи жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинниб, катта акс-садо берган бўлса-да, ўша пайтдаги расмий идоралардан бирор садо чиқмасди, кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олинарди, чунки уларнинг инон-ихтиёрлари марказнинг измида эди. Шундай ижтимоий-сиёсий ва миллий масалалар, муаммоларга доир саволларга жавоб қидириб, дард чекиб юрган кезларимизда, агар янгилиш-масак, 1989 йил май ойининг бошларида Ёзувчилар уюшмасида шундай бир эълон бўлиб қолди: «ТошДУда Қашқаларё обкомининг биринчи секретари билан учрашув бўлади. Қашқадарёлик қаламкашларнинг боришлиари шарт. Бошқалар ҳам таклиф қилинган».

ТошДУнинг собиқ талабаси сифатида, «бошқалар» қаторида биз ҳам учрашууда қатнашдик. Вилоят раҳбари Ислом Каримов билан бўлиб ўтган бу гурунг ҳаммада — университет маданияти саройини тўлдириб ўтирган қашқадарёлик талабалару ўқитувчилар қаторида биздек «бошқалар»да ҳам илиқ таассурот қолдирди. Раҳбарниң тўғрисўзлиги, мавжуд нуқсонларни яширмай айтиши (уша кезлари одатда катта-кичик раҳбарлар «нуқсон» сўзини тилга олишмас, «камчилик» дейишар, шунда ҳам «тез тузалиб кетадиган баъзи бир камчиликлар» деб хаспўшлаб ўтишар эди), ўзини дадил тутиши, йигилганлар кайфиятидан келиб чиқиб мажлисни бошқара бориши ва шу каби бир қатор фазилатлари манзур бўлди. Қандайдир, ҳали мубҳам умид учкунлари уйғонди. Лекин ҳозирча ҳамма-ҳаммаси олдинда эди.

Нажоткорсиз қолган ҳалқимизнинг нажот истаб қилган оҳу ноласи Арши Аълого етиб, фаришталар «Омин!» деб юборган бўлса керакки, орадан кўп вақт ўтмай, Оллоҳ таолонинг инояти билан Ислом Каримов республикамизга раҳбар этиб тайинланди.

### **ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДАВЛАТ АРБОБИ СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ДАВРИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

Бизнингча, Ислом Каримовнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг даврий босқичлари қўйидаги лардан иборат:

Биринчи босқич. 1989 йилнинг ёзидан 1990 йилнинг баҳоригача бўлган давр. Бу даврда Ислом Каримов лавозими бўйича Марказкомнинг биринчи котиби деб аталса-да, амалда Юргбоши сифатида республикамизни бошқарди, ҳалқимизнинг туб миллий манфаатларини кўзлаб иш юритди, мамлакатимизда ва, шунингдек, минтақада тинчлик-хотиржамлик булиши учун, илгариги раҳбарнинг айби билан юз берган миллий низоларни бартараф этиш учун зўр матонат кўрсатди, қардош ҳалқлар ўргасида биродар-кушлиқ содир бўлишининг олдини олиб қолди, республика иқтисодий аҳволини яхшилаш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифат ва маънавият масалаларига эътибор қаратди, бу борада уша давр нуқтai назаридан қарасак, яъни тарихийлик тамойилидан ёндошсак, бирмунча ютуқларга эришилди. Масалан,

Олий Кенгаш сессиясида халқимизнинг кўп йиллик орзуси бўлмиш қонун — ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақидаги қонун ҳам худди шу даврда қабул қилинди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Ислом Каримовнинг фаол қатнашгани, бир неча марта сўзга чиқиб, халқимизнинг тил соҳасидаги миллий манфаатини ҳимоя этгани сессия йиғилишини «ойна жаҳон» олдига жиддий кузатиб ўтирган миллион-миллион томошабинларни шодлантириб юборди, унга бўлган халқ ишончини ошириди: «Биринчимиз халқ манфаатини кўзламоқда, эл-юрга қайишмоқда». Халқимиз томонидан илк бор Ислом Каримовга нисбатан «Юртбошимиз» тътирифи ўша дамларда — тилимиз давлат тили мақомига эришган ўша онларда берилган бўлса ажаб эмас. Бу нарса Юртбошимизнинг обруйини эл-юрг орасида кучайтириди, ватанпарвар зиёлилар утрасида Марказкомга нисбатан бўлиб келган салбий муносабат ижобий томонга ўзгара бошлади. Шундай «муз эрий бошлаши» ҳолатидан ҳам шодланиб, ҳам руҳчаниб, ушбу сатрлар муаллифи ҳам орзуга айб йўқ қабилицада иш тутиб, «Президентлик бошқаруви: тарихи, вазифаси, масъулияти» деган бир рисола ёзиб, қўлёзма ҳолида хатлар бўлими орқали Марказкомга топширдик. Орадан роса 29 кун ўтгач (белгиланган тартиб-қоидага кўра расмий рўйхатга олинган хатга бир ой ичида жавоб қайтариш керак-да), Марказком инструктори биз билан хатимиз (яъни ўша рисоламиз) юзасидан «тушунтирув» суҳбатини ўtkазди, яъни унинг ибораси билан айттанди, «убедительный аргумент»лар келтириб, рисолада илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни ўтиборга нолойиқ деб топди. Табиийки, унинг фикрига қўшилмаганимизни юзига айтдик. У бўлса «Лекин коммунистга муносиб иш қилмаяпсиз. Ўзингиз шуни хоҳдаяпсиз, майли, фикримизга қўшилмаганингизни бошқа ўртоқларга етказаман. Қачон керак бўлсангиз, ўзимиз сизга телефон қиласмиз» леди. Шу тахлит бизлар хайрлашдик. Орадан ойларча вақт ўtdи. Ва ниҳоят, 1990 йилнинг 7 март куни Марказкомдан телефон бўлди. Бу галги суҳбатдошим Марказком бўллим мудирининг ўринбосари эди. У гапни чўзиб ўтирмай «хатда (яъни рисолада) айтилган нарсаларнинг ҳозир мавриди эмас» дея рисолани қўлимизга қайтариб бўрди, қайтарилгани асли бўлмай, оппоқ қофозга кўчирилган тасвир нусхаси эди. Шундан кейин рисолани кўпгина газета редакцияларига тақдим этиб кўрдик,

рад этилаверди, балки Марказкомдан бу ҳақда бирор нима деб қўйилганмиди, буёғи бизга қоронгу. Бу орада республикамизда президентлик бошқаруви жорий этилди. Рисола радио орқали икки-уч ой давомида «Сўнгги ахборот» эшиттиришларида ҳар куни ўқиб борилди. Ва ниҳоят «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1990 йил 15 август сонида рисола тўлиқ босилиб чиқди ва шундан кейингина хурматли Юртбошимизга етиб борганидан хабар топдик. Бу воқеани эслаш билан айтмоқчимизки, ўша кезлари Юртбошимиз учун Марказкомда илгариги раҳбарлар даврида шаклланиб қолган жамоа билан ишлаш осон кечмаган кўринади. Мана шу фикрни таъкидлаш учун рисола билан боғлиқ юқорида баён этилган ҳаётий воқеани эслаб ўтдик.

И к к и н ч и б о с қ и ч. 1990 йилнинг баҳоридан 1991 йилнинг 31 августигача, яъни «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида»ги Конун эълон қилингунча бўлган давр. Маълумки, собиқ Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги ва ундан илгари Конституцияларида Ўзбекистон расмият учун гарчи «суверен республика» деб эълон қилинган бўлса-да, амалда эса на де-факто тарзда, на де юре тарзда мустақил эмасди, балки СССРдек унитар давлатнинг бир қисми ҳисобланарди. Славянлар яшовчи собиқ Украина ССР ва собиқ Белоруссия ССР БМТ-нинг аъзолари бўлгани ҳолда собиқ Ўзбекистон ССР бу асосий халқаро ташкилотнинг аъзоси эмасди. РСФСРнинг БМТга аъзо бўлмагани масаласига келсак, СССР дейилганда Россия тушунилгани ва амалда ҳам худди шундай бўлгани сабабли РСФСРнинг бу асосий халқаро ташкилотга аъзо бўлиб ўтиришига ҳожат ҳам йўқ эди.

Бу босқичда Юртбошимиз давлат арбоби сифатила республикамизнинг илгариги ва ўша кезлари амалда бўлган Конституцияларида баён этиб келинган-у, бироқ қозода қолиб кетган мустақиллик ҳукуқини Ўзбекистон ССР тарихида илк бор де факто тарзда тиклади, республикамизда Президент лавозими ва президентлик бошқаруви жорий этилди. Республикасининг де факто мақомидаги мустақиллигини собиқ марказ ҳам эътироф этишга мажбур бўлди. Ўзбекистоннинг де факто мақомидаги мустақиллигини гарчи норасмий тарзда бўлса-да, чет эл мамлакатларида ҳам тан ола бошладилар. Масалан, давлат мустақиллигимиз эълон қилиниши арафасида — 1991 йил август ойининг ик-

кинчи ўн кунлигининг охирларида Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Ҳиндистон Республикасига ташриф буюриб, Ҳиндистон Президенти ва Баш вазири билан самарали музокаралар олиб бориб, тегишли шартнома ва ҳужжатларни имзолаган эди.

У ч и н ч и б о с қ и ч. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинишидан бошланди. Шу кутлуг санадан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳам де facto мақомида, ҳам де юре мақомида халқаро ҳукуқнинг бир субъекти — тұла мустақил ва суверен давлат, Ислом Каримов ўзи бошчилигіда қайта тикланган үзбек давлатининг Президенти ва халқимизнинг Йұлбошчиси.

Шундай қилиб, учала босқич муддатларини құшиб ҳисобласак, Ислом Каримовнинг республикамизга етакчilik қилаётганига 10 йилдан ошиб қолди. Бу муддат күхна тарих учун бир сониядек гап. Истиқололға эришилиш ва истиқол ыйлари бұлмиш бу қысқа давр ичидә Ислом Каримов бошчилигіда давлатимиз, мамлакатимиз, халқимиз, жамиятимиз, фуқароларимиз шу қадар улкан ва тарихий ютуқларни құлға кирилди, бу нарсаларнинг қиёси йүк. Дарвоңе, бундай ютуқлар бир асрға татиғулік деб бұлмайды. Чunksи вақт бетұхтов ҳаракатда. Ҳамма нарса ўз замонасига қараб белгиланади ва баҳоланади, ҳар бир даврнинг ўз мезони бордир. Масалан, ўн тұққизинчи асрнинг сүнгіи ўн йиллигининг ўз мезони бүлған, йигирманчы асрнинг сүнгіи ўн йиллигидаги мезон яна ўзгача. Яқынлашиб келаётган йигирма биринчи асрнинг бошларыда талаб қилинадиган мезон яна бошқача бўлиши кутилади.

## МИЛЛИЙ ТИКЛANIШ ВА МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ДАВРИ

Қадимий давлатчилигимиз нұқтаи назаридан қарасак, йигирманчы асрнинг сүнгіи ўн йиллиги миллий давлатимиз қайта тикланган кутлуг сана, **МИЛЛИЙ ТИКЛANIШ** давридир.

Жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса құшган миллиатимиз нұқтаи назаридан қарасак, йигирманчы асрнинг сүнгіи ўн йиллиги **МИЛЛИЙ УЙГОНИШ** давридир.

Тарихий ўтмишда катта-кичик давлатларимизни бошқарып үтгандай давлат арбобларимиз нұқтаи назаридан

дан қарасак, Ислом Каримов 130 йиллик танаффусдан кейин миллий давлатчилигимизни қайта тиклаган, демократик, ҳуқуқий ва дунёвийлик тамойилларига асосланган янги типдаги ўзбек давлатига асос солган, шижаатли, тадбирли, узоқни кўра билувчи, тактика ва стратегия каби давлатни бошқариш илми ва санъатини чукур эгаллаган салоҳиятли давлат арбобидир. Маълумки, бошлаб қўйилган ва давом этиб турган ишни келган жойидан давом эттиришдан кўра тўхтаб қолган, бунинг устига орада узоқ танаффус бўлган ишни қайта юргизиб юбориш, давом эттириш қийинроқ. Давлатчилигимиз бобида Ислом Каримов зиммасига ана шундай мashaққатли, оғир кўчадиган, кўп меҳнат ва ғайрат кўрсатишни талаб этадиган, ўта масъулиятли ва айни пайтда ниҳоятда шарафли вазифа тушган эди. Президентимиз бу вазифани шундай моҳирлик билан адо этиб келмоқдаки, бу нарсани биз — Узбекистонда яшаб турган фуқаролардан кўра юртимиз бошига тушган қаттафон йилларида мамлакатимиздан чет элларга бош олиб кетишига мажбур бўлган, хорижда дарбадар юриб, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси, Ватан соғинчи, Ватан қадри нима эканлигини танасида чукурроқ туйиб, истиқлолга эришмоқни ҳатто тушларида кўрган ва шу истиқлол кунларини кўриш иштиёқи билан яшаб келаётган ҳаммиллат ватандошларимиз кучлироқ ва теранроқ англаб етмоқдалар. Бу фикримизнинг тўғрилигига 1998 йилнинг 23 ва 24 октябрь кунларида бўлиб ўтган Ином ал-Бухорийнинг 1225 йиллик ва Аҳмад ал-Фаронийнинг 1200 йиллик юбилейларида хориждан келган ватандош нуроний отахонларимизнинг Президент Ислом Каримов билан сұхбатда қизғин олқишлиар ила айтган самимий сўзлари исбот бўлади.

Бизни кўпдан бери бир нарса ўйлантиради, ташвишга солади. Биз — фуқаролар элим деб, юртим деб ёниб яшаётган Президентимиз ўртага қўяётган талаблар даражасида ишлайпмизми, шу ватаннинг бир фарзанди, шу давлатнинг бир фуқароси сифатида бурчимизни ўтаяпмизми? Бизнинг ташвишларимиз нималардан иборат-у, Президентимизнинг умидлари қандай? Энди шу ҳақда сўз боради.

#### ПРЕЗИДЕНТНИНГ УМИДЛАРИ

Мазкур китобнинг ушбу бўлагини ёзиш асносида Юртбошимизнинг «Тафаккур» журналида берилган

үйчан қиёфадаги бир сувратига күзимиз тушиб қолди. Бу сувратни күздан кечираётіб ўйга толдик — бу Инсон нималарни күзламоқда, нималарнинг хәлини сурмоқда, кимларнинг ташвишини құлмоқда, қандай нарсаларнинг, нима вазифаларнинг ташвишини құлмоқда? Сувратни күздан кечириш асносида мазкур китобнинг ушбу бұлагининг сарлавҳаси туғилғандек бұлди: «Президентнинг орзулари». Одатда қалам аҳли орасида шундай нақл юради: «Сарлавҳа топилди дегани — асар битди ҳисоб, фақат уни ёзиш қолди». Сарлавҳа топилгани ҳам бизга бир далда бұлди-ю, лекин... Шуни эътироф этишимиз керакки, орзу ҳақида, айниқса, үзга бир инсоннинг орзуси ҳақида бир йўла ёзишга киришиб кетиб бўлмас экан. Чунки орзу инсон тафаккури оламида үзгача бир олам экан. Чунки у фақат Одамга хос туйғу. Кўнгил — орзу маскани. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай байт бор:

*Чу салб эрди ишида орзухоҳ,  
Насиҳатгўга бўлди орзухоҳ.*

Орзухоҳ, яни кўнгил эса Баҳри Мұхит — Тинч океанидан ҳам улкан ва теран. Киши ўз орзулари ҳақида ёзиши осон. Лекин үзганинг орзулари ҳақида аниқ ва тиниқ, узил-кесил ёзиш — бунинг ўзи ҳам бир орзудир. Орзунинг чеки-чегараси йўқ. Бироқ орзу ҳақида тасаввур қилиш, мушоҳада юритиш мумкин. Бунинг учун инсонга тафаккур берилган. Ахир, орзунинг ўзи ҳам онг ва қалб меваси-ку. Лекин тафаккурнинг ҳам чек-чегараси бўлади. Кўнгил эса — тилсим. Тилсимни охирига қадар билиш мумкинмас. Лекин изланиш мумкин. Изланиш асносида илгари кўрилган ва кўрилмаган адабиётларни қайта күздан кечира бошладик. Куръони Карим, Ҳадиси шарифларни, тегишли лугатлар, қомуслар, адабий, илмий, фалсафий китобларни ва ракладик. Орзу ҳақида ўзимиз билан ўзимиз баҳслашдик. Гўё орзу бобида ўзимизча кичик бир тадқиқот ўтказдик.

Лугатларда орзу, ҳавас, умид, истак, тилак, хоҳиш, ком (бу сўз мумтоz адабиётимизда кенг қўлланилган, Комрон деган исм ҳам шу сўздан яратилган) сўзлари маънодош сўзлар деб аталган экан. Келиб чиқиши арабча, форсча ва туркий бўлмиш бу иборалар минг йиллардан бери тилимизда фаол қўлланилиб, аллақачон ўзимизники бўлиб, сингишиб кетган. Бу сўзлар она

тилимиизда — жонли сўзлашув ва матнларда ўзбекча маъно ташийди ва ифодалайди.

Маънодош дегани айни бир маънени ифодалайди, десак янгишар эканмиз. Юқорида тилга олинган сўзлар, яъни орзу оиласига мансуб сўзлар айни бир маънени ифодаламайди. Тўгри, бир томондан, бу сўзлар ифодалаган маънода умумийлик ҳам бор, иккинчи томондан эса, улар ифодалаган маъноларда тафовут ҳам бор. Демак, уларнинг ҳар бири ўз маъносига ҳам эга. Агарда шундай бўлмаганда эди, бу сўзларнинг ҳар бирини кўллашга зарурат туғилмасди. Бунга боис шуки, халқимиз тафаккури асрлар давомида янги-янги фикр-мулоҳазалар билан бойиб келаверган, уларни ифодалаш учун янги-янги сўзлар яратилган, жаҳон тилларидан ҳам керакли сўзлар олиб кирилган. Бошқа тиллардан кирган сўзларнинг бир қисми ўша тилларда қайси маънени ифодалаган бўлса, бизнинг тилимиизда ҳам шу маънени англатган, иккинчи қисми эса тилимиизда илгариги маънода эмас, ўзбекча маънени билдира бошлаган. Орзу сўзи билан ҳам худди шундай ҳол юз берган.

*ОРЗУ.* Ҳаётда ушаладиган ҳам, ушалмайдиган ҳам, ва, умуман, ушалиши мумкин бўлмайдиган ҳам туйгулар бўлади. Буларнинг барига орзу дейилади. Фикримизни далиллаш учун мисолларга ўтамиш. Масалан, мактаб ўкувчиси «Мен ўқишишни ўрганаман» десак, бу ушалиши мумкин бўлган туйгутир. Агар ўша ўкувчи «мен олим бўламан» деса, бу ушалиши ҳам, ушалмаслиги ҳам мумкин бўлган туйгутир. Ёки бўлмаса, жисмонан заиф, ўрта яшар киши «Мен фазогир бўламан» деса, бу энди ушалмайдиган туйгутир. Юқорида келтирилган учала ҳолатда орзу ифодаланган. Бироқ бу ҳолатларда тафовут мавжуд. Ўкувчининг саводхон булишида аниқлик бор; унинг олим бўлмоқчилигига даргумонлик бор; у олим булиши ҳам, олим бўлмаслиги ҳам мумкин, буни келажак кўрсатади; ўрта яшар кишининг фазогир бўлмоқчилиги эса — бу энди имкондан хориждаги бир хомхайлар. Бироқ у дилида фазогир булиш туйғусини кечириши мумкин, бунга у ўзича ҳақли ҳам, орзу қилиш жиноят ҳам эмас, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Бироқ ижтимоий аҳамиятга молик бўлмаган орзулар орзу соҳибига ҳам, жамиятга ҳам наф келтирмайди.

Ёки бўлмаса, бирор отахон «Қани энди ёшлигим қайтиб келса-ю, яна ўн саккиз яшар йигит булиб қолсан» деб, бирор бувижон «Қани энди ёшлигим қайтиб

келса-ю, яна ўн олти яшар қиз бола булиб қолсам» дейишлари мумкин. Лекин улар бу орзуларининг рўёбга чиқмаслигини, ёшлиқ асло қайтиб келмаслигини била туриб, бундай дейишлари ҳаётга, яшашга бўлган завқшавқларини кўрсатади, холос.

**И С Т А К.** Бу сўз ҳам кўпинча орзу сўзи ифодалаган ва ташиган маънода қўлланилади-ю, бироқ, менимча, унинг мазмун доираси орзу сўзида ифодаланган маънодан берироқ, торроқ. Одатда истак сўзи майший мавзулардаги сұхбатларда, интим мuloқотларда қўлланилади. Масалан, чанқаган киши сув ичишни истайди, у ҳеч қачон сув ичишни орзу қилдим, демайди. Тўгри, саратонда сахрова бир неча кунлаб сувсиз қолиб кетган ёлғиз киши йўлида сардоба учраб қолишини орзу қилиши мумкин. Бу, энди бошқа гап, ўзга ҳолат.

**Х О Ҳ И Ш.** Бу сўз деярли истак сўзи қўлланган маънода ишлатилади. Шу сабабдан бўлса керак, тилимизда бу сўзлар хоҳиш-истак тарзида қўшма ҳолда қўлланилади. Менимча, хоҳиши сўзи ташиган маъно истак сўзида ифодаланган маънодан ҳам торроқ кўринади, жузъийроқ бўлса керак.

**Т И Л А К.** Тилак ҳам орзунинг бир тури. У одатда кишининг ўз-ўзига ва ўзгаларга билдирадиган истакларини ифодалайди.

**Д У О.** Оллоҳ таолога ёлбориб, унга илтижо қилиб, ўзи ёки ўзгалар учун тилак тилашга дуо дейилади. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида шундай мисралар бор:

*Чун бу янглиғ они таъриф айлади,  
Эл дуосин анга таклиф айлади.*

**У М И Д.** Қачонлардир, бугунми-эртами ушалиши мумкин бўлган орзуга умид дейилади. Одатда умидлар рўёбга чиқади. Мабодо бирор сабаб билан умид амалга ошмай қолса, бунга армон дейилади. Дуо билан умид ўртасидаги фарқ шундаки, умид амалга ошмай қолган ҳоллар ҳаётда учраб туради. Дуо эса албатта ижобат бўлгусидир. Оллоҳ таоло ўзининг муқаддас каломида солиҳ ва солиҳа бандаларига мурувват қилиб айтганки, Тангри таолонгиздан сўраган нарсангиз ижобат булур. Шунинг учун ҳам умид Оллоҳдандир дейди халқимиз. Зоро, У сўралишни севгувчи буюк зотdir.

Ёзиш асносида сарлавҳани ўзгартириб, «Президент-

нинг умидлари» деб атадик. Орзу сўзи ўрнида умид сўзини қўллашимиз туфайли мавзу доираси белгиланди, мақсад бирмунча аниқланди. Лекин орзу ва умид сўзлари ўртасига Хитой деворини кўйиб бўлмайди. Улар орзу-умид шаклида, эгизак тарзида ҳам тилимизда кенг қўлланилади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, орзу каломи, бир жиҳати билан, ушалиши мумкин бўлган туйғу — умидни ҳам ифодалай беради. Шу маънода орзуга кўп қасида айтиш мумкин.

**Орзу воқеликдан олдинда юради. Унинг воқеликдан устунилиги ҳам шундай.**

**Орзу одамни жамияту коинот билан боғлаб туради.**

**Орзу инсониятни келажакка етаклайди. Одамзод бугунги кунда нимагаки эришган бўлса, унинг тамал тоши орзу қилишдан бошланган.**

**Орзу одамни ҳаракатга келтириб туради.** Агар одамзод орзу қилишни билмаганда эди, орзусини рўёбга чиқариш учун меҳнату заҳмат чекиб ўтирмасди, бугунги тараққиётга етиб келолмасди. Орзу курашга чорлаб келган ва чорламоқда. Агар бизлардан орзу қилиш қобилиятимиз олиб қўйилса ёки ўзимиз бой бериб кўйсакми, худо курсатмасин, нималар бўларди-я! У ҳолда аданбиёт, санъат, маданият, фан, маърифат ва, албатта, маънавиятимиз бўлмасди. Кишилик тарихидан маълумки, барча эзгуликлар замирида кўхна орзулар ётади. Ва аксинча, ҳамма ёвузликлар ҳам ёвуз кимсаларнинг бадорзуларидан ниш урган. Демак, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг эзгу орзуларидан ўз ифодасини топади.

**Келажак бугунги орзудан бошланади.** Орзу — келажак куртаги. У одамнинг ақлиниң қўзғатади. Ҳозирги замон фан ва техникасининг мўъжизалари ҳам дастлаб орзудан бошланган. Эртаклардаги учар гиламлар бугунги самолётлардир. Тилимизда самолёт сўзига учоқ сўзининг маънодош сифатида ишлатилиши ҳам балки шундан бўлса ажаб эмас. Фарҳодга Ширин сиймоси кўринган ойнаи жаҳонни бугунги телевизорга қиёс этиш мумкин. Абу Райҳон Беруний замондоши Исмоил ал-Жавҳарий ясаган учар курилма бугунги космик кемаларнинг ибтидоий шаклидир. Бу борадаги мисолларни юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Хуллас, ҳозир исбот этилган, реал воқеликка айланган илм-фан ва техникадаги ютуқлар ўтмишда фақат орзулар эди, фақат инсон тасаввуррида эди. Илгари файритабиий ҳисобланган нарсалар бугун табиий ҳисобланади.

**Орзу — келажакнинг хомаки режаси. Ҳақиқатга этиш**

учун юзлаб хомаки режалар тақозо қилиниши мүмкін, булардан бири бұлмаса, иккінчіси асл режа бўлиб чиқади, албатта. Бундан ўн йил аввал ҳам Ўзбекистон яқин орада миллий мустақилликка эришади, деб орзу қилиш дөгматиклар учун хомхаёл бўлиб туяларди. Бир файласуф адид ёзган экан: «Ҳар қандай таълимот уч босқичдан ўтади: аввал уни ақлга сифмайди, дея эълон қилиб, унга хуруж қиласидар, кейин, афтидан, оз бўлса-да, мъълум даражада ҳақиқатга ўхшайди, деб холоса чиқарадилар. Ниҳоят, унинг фоят мұхимлігини тан оладилару, сұнгра «мен очдим»лаб талашадилар». Халқимиз бундайларни тайёрға айёр дейди.

Тилимизда орзу билан ёнма-ён хаёл деган ибора ҳам кўп ишлатилади. Энди шу ҳақда қисқача сўз юритамиз. Ҳаёл билан орзунинг ўртасидаги фарқ шундаки, одам орзу қилганида заррача бўлса-да қандайdir бирор илинжи бўлади. У ҳаёл сурганда эса бирор нафни, тамани кутмайди, булар ҳақида ўйлаб кўриш ҳатто эсига келмайди ҳам. Ҳурматли ўқувчи, ушбу саҳифаларда баён этилаётган фикр-мулоҳазалар, жумладан, орзу билан умиднинг, умид билан дуонинг, ёки бўлмаса, орзу билан ҳаёлнинг ўртасидаги муайян фарқлар ҳақидаги ўйларни бошқа бирор китоб ёки мақолаларда учратмаган бўлишингиз туфайли булар сизга файритабий туюлиши тасодифдан холи эмас. Шу сабабли уларни бирданига рад этишга шошилманг. Булар бизнинг кузатишларимиз, мушоҳадаларимиз, илмий-ижодий изланишларимиз ҳосилалариdir. Уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, ҳаётий ёки ҳаётий эмаслигини келажак кўрсатади. Вақт эса энг адолатли ҳакамдир. Сир эмаски, қизил империя ҳукмронлик қилган йиллардаги нашрларни ўқийвериб, диди ва савияси шаклланиб қолган айрим ўқувчилар дид-фаросатларига сингишмаган, шуурларига тўғри келмаган янги фикр-мулоҳазаларни рад этишга одатланиб қолишган. Бу сатрлар улар учун ёзилмаган, албатта. Баъзи бир ўқувчиларга ушбу сұнгги жумла ҳам эриш туюлаётганини фойибона ҳис қилиб турибмиз.

**ХАЁЛ — воеликни олдиндан билиш воситаларидан бири.** У олам ва одамни билишнинг, воеа-ходисаларнинг моҳиятини, ички хусусиятларини ўрганишнинг кўзга кўринмас, тафаккурий қуролларидан-дир. Эндиликдаги аниқ фоя ҳам дастлаб ҳаёл тарзида туғилган бўлади. У — моҳиятни очишдаги илк қалит. Кароматтўйлик замирада ҳам аслида ҳаёл ётади. Ҳаёл

ҳаётдан бир поя баланд туради, замондан эса жилла курса бир сония илгари юради. Барча фаннинг техникавий ва ижодий самаралари хаёлдан бошланади. Одатда киши кўнглига ёқадиган нарсалар ҳақила хаёл суриласди. Хаёлни лаззатли орзу десак, янгилик масак керак.

Хаёл аждодни авлодга боғлаб туради. Аждодлар ета олмаган нарсаларга авлодлар етажак. Ота-боболар учун армон бўлган нарса ўғил ва неваралар учун ушалгусидир. Жамият шу тариқа тараққий этаверади. Инсоният хаёл қанотида парвоз этиб, тафаккур қилиб маънавий дунёни яратади, ўрганади, такомиллаштиради. У хаёл сураркан, қувонади, ғазабланади, нафратланади, қайгуради, изтироб чекади, афсусланади, ўқинади, ҳамдардлик ва хайриҳоҳлик билдиради. Шу туфайли инсон ахлоқни, санъатни, гузалликни англайди, севади ва севилади, ҳуқуқни, фанни, янгиликларни яратади. Ижод қиласди, жамиятни такомиллаштиришга уринади.

Агар одам хаёл сурини, орзу қилишни, имконияти доирасида умидланишни, Оллоҳ таолога илтижо этишини билмагандан эди, тараққиётнинг ибтидой босқичида қолиб кетган бўлур эди.

Президентнинг умидлари!.. Яна бир бор таъкидлаймизки, орзу сўзи ўрнида билоихтиёр умид сўзини ишлатишимиизга боис шуки, орзулар кўнгил мулки ва чексиз-чегарасиздир, умидлар эса уларнинг инсон имконияти доирасидаги муайян қисмидир. Шахсан Юртбошимизнинг умидларига келсак, улар хусусида кўп жилдлик китоблари, бу томларга кирмаган бошқа асалари, нутқлари, суҳбатлари, интервьюлари, радио ва телевидение орқали чиқишлиари, имзо чеккан қонунлари, қабул қилган фармон ва қарорлари, буйруқ ҳамда фармойишларига таяниб ва, шунингдек, айrim мулоқот ва учрашувларимизда олган таассуротларимизга асосланиб ижодий фикр юритамиз.

Маълумки, ҳар бир одамнинг умидлари унинг ёзма ва оғзаки нутқларида ифодаланади. Онг ва кўнгилда айни бир пайтда кўплаб умидлар бўлади. Улардан бирини изҳор этишга шайланилганда у ниятга айланади. Маълум қилинган ниятга мақсад дейилади. Масалан, ибодат қилишга киришилаётганда аввало ният қилинади, кейин мақсадга ўтилади, намоз ўқилади. Шу қиёсни татбиқ этиб, масалага ёндошисак, Президентнинг ёзма ва оғзаки равишда маълум бўлган умидларини у кишининг мақсадлари деб айта оламиз. Бу деган сўз

Президентнинг бутун фаолияти демакдир. Ҳар бир шахс фаолиятининг негизида унинг феномени, ўзбекча айтсак, жавҳари ётади. Мазкур жавҳар қанчалик чўнг, залворли ва серқирра бўлса, унинг фаолияти ҳам шунчалик қудратли ва азamat бўлади. Некбин жавҳардан эзгулик пайдо бўлаверади. Кўпни кўрган, ўз бошидан ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўтказган. Оллоҳ таолони замоннинг соҳиби деб билган имони саломат отахонилар Президент Ислом Каримов ҳақида сўз борганида «Тангри таолога минг қатла шукурлар, ҳамду санолар бўлсинким, халқимизга шундай раҳнамони етказди, пушти-паноҳи қилди, ишқилиб, умрлари зиёда, ишлари баракали бўлсин» деб дуо қилишларининг боиси ҳам мана шундадир.

Маълумки, фалсафада моҳият ва ҳодиса деган тушунчалар бор. Шўролар замонида моҳият тушунчасига юзаки ёндошиларди, кўпроқ ҳодисага ургу бериларди. Ваҳоланки, моҳият қандай бўлса, ҳодиса ҳам шундан келиб чиқади. Содда қилиб тушунтирасак, буғдойда буғдойлик жавҳари, арпада арпалик жавҳари яширинган бўлгани учун буғдой донидан буғдой, арпа донидан арпа униб чиқади. Арпа экиб, буғдой кутиш мумкин эмас. Буғдойнинг буғдойлиги, арпанинг арпалиги уларнинг моҳиятидир. Арпа донидан арпа, буғдой донидан буғдой униб чиқиши уларнинг ҳодиса сифатида кўришишидир.

Хуллас, моҳият нарса ва жараёнларнинг ички, яширин ва муҳим томонларини ифодалайди, уларнинг тараққиётини белгилайди. Ҳодиса эса нарса ва жараёнларнинг моҳиятга нисбатан ташқи, ҳаракатдаги томонини белгилайди. Қиссадан ҳисса шуки, Юртбошимиз моҳият бўлса, унинг бутун фаолияти шу моҳиятнинг намоён бўлаётган қирралариdir.

Фалсафа тарихида моҳият ва ҳодисага турлича қараб келинган. Диалектик материализм тарафдорлари моҳият ҳодисада тўла очилади, ҳодиса эса моҳиятни очиб акс эттиради, яъни моҳиятсиз ҳодиса бўлмаганидек, намоён бўлмайдиган моҳият ҳам йўқ, дейдилар. Шарқлик буюк мутафаккирлар эса моҳиятни инсон руҳига боғлайдилар. Биз шу фикрга қушиламиз. Зоро, руҳ — Оллоҳ таоло нури — хилқатдир. Фалсафа тили билан айтганда, бу — моҳиятнинг асоси бўлмиш жавҳар, яъни феномендир.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аббор» фалсафий достонида бу борада ушбу мисраларни ўқиймиз:

*Ришига анга тори иноят бўлиб,  
Шуъла анга нури ҳидоят бўлиб.*

Нури ҳидоят дегани — эзгулик йўлига кириш чиро-  
тирир.

#### ПРЕЗИДЕНТЛИК ИСЛОМ КАРИМОВ УЧУН ТАҚДИР ДЕМАК

Президентлик лавозими Ислом Каримов учун марта-  
таба десак, масала моҳиятига юзаки ёндошган була-  
миз. Президентлик лавозими Ислом Каримов учун тақ-  
дир десак масала моҳиятига яқинлашамиз. Фузулий ибо-  
раси билан айтсак, азал котиблари унинг манглайига,  
Лавхул Маҳфузда Юртбошиликни ёзib қўймишлар. Бу  
деган сўз шуки, Ислом Каримов президентлик лавози-  
мига сайлангани туфайлигина, сайланганидан кейингина  
Юртбоши бўлиб қолгани йўқ. У бу лавозимга сайлангу-  
нича, бу лавозимда иш бошлагунча президент сифатида  
тўла шаклланиб бўлган эди. Биз биламизки, тасодифан  
сайланиб ёки тайинланиб қолган айрим катта-кичик  
амалдорлар лавозим курсисига ўтиргач, ишни нимадан  
бошлашни билолмай, талмовсираб қоладилар, ўз бил-  
гиларича иш юрита олмайдилар ёки юқоридан кўрсат-  
ма кутадилар, ёки уқувсизликлари туфайли билар-бил-  
мас ўзларини ўққа-чўққа ураверадилар, гё ишни дўн-  
диришга уринаётгандек кўринишга интиладилар, оқи-  
батда уларга ишониб топшириб қўйилган соҳа оқсаб  
қолади. Улар ҳали раҳбар сифатида шаклланиб улгур-  
маган, аниқроғи, умуман раҳбарликка уқувсиз киши-  
лардир.

Ислом Каримов эса президент сифатида тўла шакл-  
лангани учун бошидан бошлабоқ мамлакатимиз карво-  
нини ҳеч бир ўнгу сўлга оғизимай, дарҳол ва дадил олға  
элтишга киришиб кетди. Бу ҳам унинг феноменидаги  
энг ёрқин, балки энг муҳим қирраларидан бири, десак  
янглишилтмайди. Чунки бу ҳол мамлакат тақдирини ҳал  
қилишда асосий омиллардан бўлди.

Халқимизда бир йигит қирқ йилда камол топади,  
деган ибора бор. Буни Ислом Каримовга нисбатан ҳам  
айтсак жуда мос тушади. Унинг ўтган йилги ёки бу  
йилги фаолиятини, илгари ёки яқинда чиқарган фар-  
мон ва қарорларини, маъруза ва нутқларини фақат жо-  
рий даврнинг маҳсуллари десак янглишамиз. Уларнинг  
замарида Юртбошимизнинг бундан ўн йиллар олдин-

ги, балки чорак аср, ярим аср илгариғи умидлари, дил тўрида сақлааб келаётган ниятлари ҳам мақсад янглиғ ўз ифодасини топаётир. Фикримизнинг исботи учун Юргбошимизнинг Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги нишонланган кутлуғ соатларда жамоатчилик билан қилган сұхбатлари чоғида айтган сұzlарини келтиришимиз кифоядир. Юргбошимиз шуролар замонида харобазор бўлиб ётган Имом ал-Бухорий қадамжосини, умуман эса бутун республикамиздаги, жумладан, Самарқанддаги осори атиқаларни таъмирлаш, обод қилиш зарурлигини дилига туғиб қўйган, умид қилган.

Маълумки, муқаддас жойларни зиёрат этганда шу ерда дафн қилинган азиз-авлиёлар руҳига илтижо этилмайди, улардан мадад тиланмайди. Балки ёлғиз Оллоҳ таолога илтижо қилинади. Қадамжоларни тавоф этиб, айни шундай муқаддас даргоҳларда дуо қилинишига келсак, бу ерларга Оллоҳ таолонинг нури ёғилиб туради, бундай кутлуғ масканларда тиланган дуолар ижобат бўлгусидир. Оллоҳдан ўзгага мурожаат қилиш, Ундан бошқага илтижо қилиш куфрдир. Чунки қанчалик зўр кароматгўй бўлмасинлар, ҳар қандай ва ҳар бир азиз-авлиёлар Оллоҳ таолонинг бандаларидир. Ислом дини бўйича, Оллоҳдан ўзгага сажда қилиш мумкинмас. Оллоҳ — шериги йўқ буюк зот! Шу боис умид ёлғиз Оллоҳдандир! Унинг нури ёғилиб турувчи қадамжоларни зиёрат қилиш, ободонлаштириш катта савоб. Бундай амалларни ихлос билан қилувчи Оллоҳ зиёсидан баҳра олади, ҳасти обод бўлади, унинг ўзи мадад ва најот топади. Бандалардан најот топишга интилевчилар кўпинча муте бўлиб қолишади, руҳиятлари қуллик, итоаткорлик билан оғуланади. Умидни ёлғиз Оллоҳдан қилиш керак. Ана шунда албатта икки дунёда кам бўлмайсиз, иншооллоҳ!

Бешёғочдаги Ўзбекистон Миллий боғи илгари Марказий маданият ва истироҳат боғи деб аталар, унинг ҳудудидаги кўл «Комсомол кўли» деб юритилар эди. Боғнинг шимоли-ғарбий энг чеккасида бир қаровсиз тепалик бўлиб, кундузлар одамлардан деярли ҳоли бўлар, оқшом қўнгач, мутлоқ овлоқ жой бўлиб қоларди. Эллигинчи йилларнинг — охири-олтмишинчи йилларнинг бошларида бу ер айниқса ёзги сессия имтиҳон ва синовларига тайёргарлик кўрувчи, билимга ташна толиблар учун севимли гўша бўлиб хизмат қиласарди. Кундузлари бу ерда бемалол дарс тайёрлаш мумкин эди. Орадан чамаси ўтиз йиллар ўтгач, ҳудди ўша тепалик-

да Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Фармони билан Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди, буюк шоир таваллудининг 550 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари худди шу маскандан бошланди. Ўша қувончли онларда Президентимиз талабалик хотиралирини эслаб, бу ҳақда 1991 йил 4 сентябрь оқшомида ўша тепаликда Алишер Навоий ҳайкали муаллифлари, меморлар ва қурувчиларга сўзлаб берганига шоҳид бўлган эдик. Улуғ зотларни улуғлашни умид қилган кишининг ўзи ҳам иззат топади, деб бекорга айтилмас экан.

Кизил империя айни кучга тўлган, дунёга даҳшат соглан, бутун Ер юзига ҳукмронлик қилиш илинжидага солган олтмишинчи-етмишинчи йилларда Москванинг нақ марказида, Кремлдан юз эллик метрча нарида, машхур Союзлар уйининг шундоқ ёнида — Моховая кӯчасидаги кўпқаватли улкан бинода СССР Госплани жойлашган эди. Бутун империянинг иқтисодий жилови шу бинонинг катта хўжайини — Госплан раиси, хўжайнинлари — Бош бошқармалар бошлиқларининг қўлида эди. Раис СССР Олий Советининг, Бош бошқармаларнинг бошлиқлари лавозимлари бўйича коллегия аъзолари ҳисобланиб, РСФСР Олий Советининг депутатлари қилиб қўйилган эди. Россия Федерацияси республика ҳисобланиб, қолган ўн тўртта иттифоқдош республикага «миллий республикалар» деган ёрлиқ қўшиб айтиларди. Бунинг асл маъноси шуки, миллий республика сиёсий жиҳатдан ташқари иқтисодий жиҳатдан ҳам марказга мутлақо қарам эди. Янги корхона қуриш у ёқда турсин, ҳаттоқи корхона қошида янги цех очиш учун марказдан рухсат олиш шарт эди. Ташқи иқтисодий алоқалар боғлаш хусусида ҳаттоқи тасаввур қилиб қуриш ҳам мумкин эмасди. Миллий республикалар давлат режа комитетларининг раислари ўз республикаларининг иқтисодий юмушларини бажариш учун шу улкан бинодаги кўплаб қабулхоналарда ҳафталаб, баъзан ойлаб навбат кутиб, маҳтал бўлиб қолишарди. Албатта, ўша кутиш пайтларида ориялти кадрлар қалбida ва онгида миллий зулмга қарши курашиш умиллари уйғониши табиий бир ҳолдир. Ўзбекистон вакили — республика давлат режа комитетининг раиси Ислом Каримов учун ҳам СССР Госпланидаги мулоқотлар, эл-юртимиз манфаатлари ифодаланган тортишувлар ўзига хос бир ҳаёт ва кураш мактаби бўлди, эндилиқда мустақил республикамиизда мустақил иқти-

содий сиёсат олиб борилишида ўша пайтда Юргбошимиз онги ва қалбидан уйғонган умидларнинг ҳам ўз ўрни бор. Тарихдан биламизки, миллтий озодлик ҳаракатлари куртаклари фақат монополиялардагина эмас, метрополияларда ҳам ниш урган. Лондонда яшаган йилларда Маҳатма Гандида миллтий кураш олиб бориш иштиёки ва журъати кучайган. Индонезиянинг биринчи Президенти Аҳмад Сукарно «Сарина» деган публицистик китобида мустамлакачиларга қарши курашиш йўлларини уларнинг ўзидан ўрганганини ёзди. Бундай мисолларни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўз халқарини миллтий озодликка олиб чиққан илк давлат раҳбарлари — биринчи президентлар фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Республикамизда мұтадил иқтисодий сиёсат олиб боришнинг пишиқ-пухта режалари умид шаклида Юргбошимиз давлат режа комитетини бошқарган ўша йилларда пайдо бўлган дея оламиз. Бу фикримизнинг исботи тариқасида республиканинг ғалла мустақиллиги учун, ёнилғи мустақиллиги учун олиб борилаётган курашлар ва уларнинг самараларини келтириш мумкин. Республикамиз мустамлакачилик йилларида айниқса ана шу соҳалар буйича марказга тобеъ эди, унинг қалтис жойлари ҳам ана шулар эди. Буни Ислом Каримов яхши билгани учун ҳам бу борада тегишли чора ва тадбирларни ўз вақтида кўра бошлади.

Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қылганида эл-юрг юмуши ва ташвишида тиним билмай шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, дала айланиб юрганларида, етти хуфтондан кейин йўл ёқаларида гонадонларга гўзапоя ёқиб, нон ёпиш учун тандир қиздираётган аёлларни ўз кўзи билан кўрган, уларнинг машаққатли оиласвий турмушига шоҳид бўлган. Ана ўша кезлари қишлоқ меҳнаткашлари, биринчи наебатда аёлларнинг майший турмуш шароитини яхшилашни дилига туғиб қўйган эди. Ана ўша умидлар эндиликда рўёбга чиқмоқда, республикадаги олис қишлоқларгача газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлашда савобли ва хайрли кураш кетмоқда. Бу курашнинг ҳам ташаббускори Юргбошимиздир. Президентнинг умидлари — булар айни пайтда халқнинг умидларидир. Булар бир-бирига уйғун. Чунки мақсад ҳам, манфаат ҳам битта — юрг ободонлиги, халқ фаровонлигидир.

Собиқ СССРнинг биринчи ва сўнгги Президенти

да Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Фармони билан Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди, буюк шоир таваллудининг 550 йиллигига бағишиланган юбилей тантаналари худди шу маскандан бошланди. Ўша қувончли онларда Президентимиз талабалик хотиралини эслаб, бу ҳақда 1991 йил 4 сентябрь оқшомида ўша тепаликда Алишер Навоий ҳайкали муаллифлари, меъморлар ва қурувчиларга сўзлаб берганига шоҳид бўлган эдик. Улуғ зотларни улуғлашни умид қилган кишининг ўзи ҳам иззат топади, деб бекорга айтилмас экан.

Қизил империя айни кучга тўлган, дунёга даҳшат соглан, бутун Ер юзига ҳукмронлик қилиш илинжида дағдага соглан олтмишинчи-етмишинчи ийларда Москванинг нақ марказида, Кремлдан юз эллик метрча нарида, машҳур Союзлар уйининг шундоқ ёнида — Моховая кӯчасидаги кўпқаватли улкан бинода СССР Госплани жойлашган эди. Бутун империянинг иқтисодий жилови шу бинонинг катта хўжайини — Госплан раиси, хўжайинлари — Бош бошқармалар бошлиқларининг қўлида эди. Раис СССР Олий Советининг, Бош бошқармаларнинг бошлиқлари лавозимлари бўйича коллегия аъзолари ҳисобланиб, РСФСР Олий Советининг депутатлари қилиб қўйилган эди. Россия Федерацияси республика ҳисобланиб, қолган ўн тўртта иттифоқдош республикага «миллий республикалар» деган ёрлиқ қўшиб айтиларди. Бунинг асл маъноси шуки, миллий республика сиёсий жиҳатдан ташқари иқтисодий жиҳатдан ҳам марказга мутлақо қарам эди. Янги корхона қуриш у ёқда турсин, ҳаттоқи корхона қошида янги цех очиш учун марказдан рухсат олиш шарт эди. Ташқи иқтисодий алоқалар боғлаш хусусида ҳаттоқи тасаввур қилиб қўриш ҳам мумкин эмасди. Миллий республикалар давлат режа комитетларининг раислари ўз республикаларининг иқтисодий юмушларини бажариш учун шу улкан бинодаги кўплаб қабулхоналарда хафталаб, баъзан ойлаб навбат кутиб, маҳтал бўлиб қолишарди. Албатта, ўша кутиш пайтларида орияти кадрлар қалбида ва онгига миллий зулмга қарши курашиш умидлари уйғониши табиий бир ҳолдир. Ўзбекистон вакили — республика давлат режа комитетининг раиси Ислом Каримов учун ҳам СССР Госпланидаги мулоқотлар, эл-юртимиз манфаатлари ифодаланган тортишувлар ўзига хос бир ҳаёт ва кураш мактаби бўлди, эндиликда мустақил республикамида мустақил иқти-

содий сиёсат олиб борилишида ўша пайтда Юргбошимиз онги ва қалбида уйғонган умидларнинг ҳам ўз ўрни бор. Тарихдан биламизки, миллий озодлик ҳаракатлари куртаклари фақат монополиялардагина эмас, метрополияларда ҳам ниш урган. Лондонда яшаган йилларда Маҳатма Гандида миллий кураш олиб бориш иштиёқи ва журъати кучайган. Индонезиянинг биринчи Президенти Аҳмад Сукарно «Сарина» деган публицистик китобида мустамлакачиларга қарши курашиб йўлларини уларнинг ўзидан ўрганганини ёзди. Бундай мисолларни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўз халқларини миллий озодликка олиб чиққан илк давлат раҳбарлари — биринчи президентлар фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Республикамида мўътадил иқтисодий сиёсат олиб боришнинг пишиқ-пухта режалари умид шаклида Юргбошимиз давлат режа комитетини бошқарган ўша йилларда пайдо бўлган дея оламиз. Бу фикримизнинг исботи тариқасида республиканинг ғалла мустақиллиги учун, ёнилғи мустақиллиги учун олиб борилаётган курашлар ва уларнинг самараларини келтириш мумкин. Республикамиз мустамлакачилик йилларида айниқса ана шу соҳалар бўйича марказга тобеъ эди, унинг қалтис жойлари ҳам ана шулар эди. Буни Ислом Каримов яхши билгани учун ҳам бу борада тегишли чора ва тадбирларни ўз вақтида кўра бошлади.

Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилганида эл-юрг юмуши ва ташвишида тиним билмай шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, дала айланиб юрганларида, етти хуфтондан кейин йўл ёқаларидағи хонадонларга гўзапоя ёқиб, нон ёпиш учун тандир қиздираётган аёлларни ўз кўзи билан кўрган, уларнинг машаққатли оиласи турмушига шоҳид бўлган. Ана ўша кезлари қишлоқ меҳнаткашлари, биринчи навбатда аёлларнинг майший турмуш шароитини яхшилашни дилига туғиб қўйган эди. Ана ўша умидлар эндиликда рўёбга чиқмоқда, республикадаги олис қишлоқларгача газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлашда савобли ва хайрли кураш кетмоқда. Бу курашнинг ҳам ташаббускори Юргбошимиздир. Президентнинг умидлари — булар айни пайтда халқнинг умидлари. Булар бир-бирига уйғун. Чунки мақсад ҳам, манфаат ҳам битта — юрг ободонлиги, халқ фаровонлигидир.

Собиқ СССРнинг биринчи ва сўнгги Президенти

Михаил Горбачев ўз қошида Президентлик кенгашини тузган эди. Ваҳоланки, совет давлати ўн бешта республиканинг иттифоқи бўлгани сабабли аслида Президентлар кенгаши тузилиши мумкин эди. Бироқ совет давлатининг иттифоқдош республикаларнинг давлати экани фақат қофоздагина эди, холос. Амалда эса миллий республикаларнинг мақоми вилоят мақоми даражасида ҳам эмасди. СССР ягона давлат сифатида таназзулга юз тута бошлаганини ўз вақтида сезгирилк билан билган Ислом Каримов онги ва қалбида республикамизда президентлик бошқарувини ўрнатиш умиди уйғонди. Миллий республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими жорий этилди. Республика Олий Совети сессияси Ислом Каримовни мутлоқ кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Президенти этиб сайдади. Бундай ниҳоятда масъулиятли ва айни пайтда жуда қалтис бу ишга ҳар ким ҳам журъат қилолмайди, ҳар ким ҳам бундай тарихий воқеанинг тепасида ишбоши бўлиб туролмайди. Бунга довюрак, жасоратли киши керак. Чунки ўша кезлари, яни 1990 йил кўклинида бутун ҳокимият марказнинг қўлида эди, аникроғи, Ҳарбий-саноат комплекси деб аталувчи, кўпчилик номини ҳам эшитмаган ташкилот ҳукмида эди. Ҳатто Михаил Горбачев ҳам шу ташкилотнинг раъйига қараб иш тутишга мажбур эди.

«Московские новости» газетасининг 1991 йилги 3 март сонида ёзилишича, СССРда мудофаа саноатида 5–8 миллион киши банд бўлса, АҚШда 2 миллион 200 минг киши ишлаган. СССРдаги заводлар АҚШдаги заводларга қараганда танкларни 4 ярим баравар, бронетранспортёрларни 3 баравар, артиллерия қуролларини 9 баравар, сувости атом кемаларини 3 баравар, бомба ёғдирувчи самолётларни 2 баравар кўп ишлаб чиқарган. Ўша йили СССР Олий Совети Ҳарбий-саноат комплексига 26 миллиард 600 миллион сўм ажратилди, деб ўзлон қилган. Бу иттифоқ бюджетининг 36 фоизини ташкил этган. Эл кўзига эса бу рақам 20 миллиард 200 миллион сўм деб курсатилган. Аслида эса ҳарбий бюджетга 77 миллиард 300 миллион сўм ажратилган экан. Умуман эса, миллий даромаднинг леярли 20 фоизи ҳарбийларга берилган. АҚШда бу рақам 6 ярим фоизни, Японияда эса 1 фоизни ташкил этган, холос. Совет ҳарбий қуролларининг 32 фоизи «учинчи дунё» деб аталмиш мамлакатларга юборилган. Мазкур мамлакатларнинг айримларида ҳамон биродар-

кушилик давом этаётганининг туб илдизлари ана ўша қурол-яроқлар — ажал урургалирига бориб тақалади. Шунингдек, тараққий этаётган мамлакатларда 20 минг ҳарбий маслаҳатчи мутахассис фаолият кўрсатган. Бу рақамларни келтиришдан мақсалимиз шуки, марказ ўша кезлари, яъни Узбекистонда Президентлик бошқаруви жорий этилганда, ҳарбий қудратининг энг чўққисига чиққан эди, бироқ маънавият бобида бўхронга дуч келганди. Ана шу вужудга келган вазиятдан Ислом Каримов моҳирлик билан, вазминлик билан фойдалана билди.

Президент Ислом Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида тарих фанининг моҳиятига ҳам тўхталиб, жумладан, бундай деди: «*Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп ҳатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан... Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хиз нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, ҳалқ, мислат тақдирига даҳидор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ярамайди... Яқин ўтмишишимизнинг яна бир сабоги шуки, мислат, давлат, жамият тақдирни ҳал бўлаётган пайдада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унумтаслик катта аҳамиятга эга».*

Шу сатрларни синчилаб ўқиб, мушоҳада қилар эканмиз, баъзан матбуот саҳифасида учраб қоладиган «Агар Иккинчи жаҳон урушида рус коммунистик империяси ғалаба қилмаганида, Узбекистон, умуман, Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон бундан яrim аср муқаддам мустақил бўлган бўларди. Коммунистик империянинг ғалабаси Узбекистоннинг мустақиллиги ни яrim асрга кечиктирди» каби хом мулоҳазаларнинг нақадар пала-партиш айтилганига қаттиқ ишонч ҳосил қиласиз. Аввало, Иккинчи жаҳон уруши икки империянинг ўзаро уруши эмас эди. Маълумки, бу урушда фақат фашистлар Германияси ва собиқ Совет Иттифоқигина қатнашмаган. Иккинчи жаҳон урушида Германия ва унинг иттифоқчилари бўлмиш Италия, Япония, Руминия бир тарафда, собиқ СССР, АҚШ, Англия, Франция ва яна айрим кичикроқ давлатлар иккинчи тараф бўлиб иштирок этган. Коммунистик мафкура Иккинчи жаҳон урушида собиқ СССР тутган ўринига ортикроқ баҳо бериб, иттифоқчилар, яъни АҚШ, Англиянинг ҳиссасини камситишга уриниб, шу фикрни

собиқ СССР фуқаролари онгига сингдиришга кўп ҳаракат қилган эди. Иккинчи жаҳон урушини икки империянинг уруши деб аталишининг сабаби ҳам ана шунда бўлса керак. Аслида эса, Иккинчи жаҳон уруши фашизм балоси ва унга қарши кучлар ўртасида ҳаётмамот уруши эди. Бу урушда тараққийпарвар кучларнинг устун келиши бутун Ер юзи халқларини, шу жумладан, немис халқининг ўзини ҳам, фашизм асоратидан сақлаб қолди. Бу оламшумул воқеа бўлиб, қабоҳатнинг эзгуликка таслим бўлиши эди, моҳият эътибори билан эса зўр прогрессив аҳамиятга молик эди. Бу ҳол кишилик тараққиётини таназзулдан сақлаб қолди ва олға одимлашига йўл очиб берди. Бу ғалаба фашизмга қарши курашган барча халқлар қаторида ўзбек халқининг ҳам ғалабаси эди. Инсониятни фашизм балосидан асраб қолишида қатнашганимиз билан фахрлансак арзиди. Бироқ бу ғалабани Коммунистик империянинг ғалабаси тарзида талқин этилиши ва унинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши — энди бу тамом бошқа масала. Моҳият бор ва унинг турли талқинлари бор, моҳият самарасидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ҳам бор. Буларни бир-биридан фарқламоқ зарур, албатта.

Собиқ СССРни «рус коммунистик империяси» дейишлиши ўринли эмас. Совет Коммунистик империяси дейилса, ҳақиқатга яқин бўларди, чунки бу империядан рус халқининг ўзи ҳам тегишинча жафо чеккан. Қолаверса, такрор айтамизки, Иккинчи жаҳон урушидаги ҳаёт-мамот масаласини биргина Коммунистик империянинг ўзигина эмас, балки фашизмга қарши курашган барча давлатлар ва уларнинг халқлари биргаликда ҳал этганлар.

Тарихни тақрорлаб бўлмайди. Бўлган иш бўлиб ўтган. Гарчи имкониятдан хориж бўлса-да, бир тасаввур қилиб қўрайлик: мабодо Иккинчи жаҳон урушида Ер юзи халқлари фашизм асоратига тушиб қолгудек бўлсалар, Ўрта Осиё республикалари ва Козогистон бундан ярим аср муқаддам мустақил бўлган бўлармидилар, «коммунистик империянинг ғалабаси» Ўзбекистоннинг мустақиллигини ярим асрга кечиктириб юборганимиккин? Йўқ, мустақилликка эришиш масаласига бундай жун қараш мантиққа зиддир. Мустақилликка эришиш тарихий зарурат тарзида тарихий шарт-шароит етилганда тарихнинг ўзи белгилаган муддатда истиқлолчилар ва уларга йўлбошчилик қила оладиган етакчи етишиб чиқ-

қан замонда юз беради, олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас. Бу ҳолни тарих тақозоси дейилади. Узбекистоннинг миллий мустақилликка эришуви бу фикримизни тасдиқловчи ёрқин мисолдир.

Масалага ана шундай тарихан ёндошган ҳолда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги бутун жаҳондаги, шу жумладан, сабиқ СССРдаги ижтимоий-сиёсий ҳётни ва дунёдаги барча ҳалқларнинг аҳволини, жилла курса, Ер юзининг маъмурий-сиёсий харитасини кўз олдимиизга бир келтириб кўрайлик. Масалан, дунёдаги энг йирик қитъя — Осиёда мустақил давлатлар бармоқ билан санарли эди: Туркия, Эрон, Афғонистон, Мұғалистон... Сиёсий харитада ҳали Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка номлари йўқ эди. Жануби-шарқий Осиёдаги мамлакатлар овруполик мустамлакачилар асоратидан ҳали тўла кутулиб олмаган эдилар. Булар орасида Индонезия Аҳмад Сукарно бошлигига биринчи бўлиб ўз мустақиллигини зълон қиласди. Япония иккита атом бомбаси зарбасидан «эси»ни йиғиб олиб, тўғри йўлга тушиб олишга, қаддини тикашга уринарди. Хитойда эса ҳали фуқаролар уруши давом этарди.

Африкадаги сиёсий аҳвол бундан ҳам оғир эди. Бутун бошли бундай улкан қитъада Миср ва Эфиопиядан бошқа мустақил давлат йўқ эди, Судан эса Англия ва Миср вассилигидаги ўлка мақомида эди. Мисрнинг ўша даврдаги раҳбариятининг тизгини английлик корчалонлар измида эди, кейин эса Жамол Абдул Носир бошлигига амалга оширилган инқилобдан сўнг Миср тұла мустақилликка эришади. Хуллас, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда мустамлака ўлкалар кўп бўлиб, мустамлакачиларнинг қўли баланд эди.

Сабиқ СССРда эса Иккинчи жаҳон уруши атамаси ўрнига Улуғ Ватан уруши термини қўлланилар, бу урушида фашизм устидан дунёдаги кўпгина ҳалқлар томонидан қозонилган ғалабани коммунистик таълимотнинг ғалабаси сифатида талқин қилинар, омма онгини коммунистик идеология билан зур берib заҳарланар эди. Бу борада муайян даражада оммага таъсир кўрсатиларди. Чунки 1937—1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар туфайли ҳалқнинг оқ-қорани таниган, миллатнинг гули бўлмиш асл зиёлилари қирилиб кетган эди. Худо ёрлақаб тирик қолганлари ҳам сиёсий таъқибу тазиқлардан юрак олдириб қўйиб, ҳақиқатни айтишга ботишна олмасдилар, ҳақиқатни айтганлар қисмати нима би-

лан тугагани уларнинг ёдида ҳали янги эди. Айрим замонасоз зиёлилар эса умумий оқимга қўшилиб кетиб, коммунистик идеологиянинг карнайчиларига айланаб кетган эдилар. Шундай қалтис ҳолатда миллий мустақилликни ошкора талаб қилиб чиқиш имкондан хорижда эди. Миллий мустақиллик гояси халқнинг дилида эди, пинҳоний бу туйфу ҳали ниҳол эди. Ниҳолнинг камол топиши учун эса вақт ва шарт-шароит керак бўлади.

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки ўн йилларда коммунизмнинг Ер юзи бўйича «зифарли» юриши ҳолати кузатилди. «Жаҳон социалистик лагери», «Жаҳон социалистик системаси» каби тушунчалар пайдо бўлди. Варшава шартномаси тузилди. Орадан йиллар ўтгач, бора-бора коммунистик таълимотнинг аслида пуч гоя эканлиги маълум бўла борди, натижада коммунистик зуғумнинг кучи қирқила борди. Шу тариқа, эркин фикрлашга, миллий туйғуни чукурроқ тия боришига, миллий истиқол ҳақида ўлашга имконият туғила борди. Эллигинчи йилларнинг охирлари ва олтмишинчи йилларнинг бошларида онглари шаклланган илғор фикрли замондошларимизда бундай туйғулар кучлироқ мужассам бўла борди. Ана шу замондошларимиз Президент Ислом Каримов етакчилигида 1991 йили истиқолга эришишимизда ҳал қилувчи ўрин эгалладилар, бундан бўёғига ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишида жонбозлик кўрсатиб, фаол қатнашиб келмоқдалар десак, бизнингча, тарихий ҳақиқатни айтган бўламиз. Мустақиллик учун ошкора ва пинҳона курашган, мустақилликка эришиш орзуси билан яшаб ўтган асрдошларимизнинг, мустақилликка фидойи фарзандларни униб-ўстирган ёши улуғ замондошларимизнинг баҳоли қудрат хизматларини унутмаган ҳолда айтамизки, 1991 йилда шиҷоату жасорат кўрсатиб, Узбекистон мустақиллигини эълон қилган авлодни истиқолчилар десак, янгилишмасак керак. Не баҳтки, тарихда кам учрайдиган бундай шарафли юмуш шу авлод чекига тушибди.

Юқорида айтилганлардан хulosса чиқарсак, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба Узбекистоннинг мустақиллигини ярим асрга кечиктирди, деган фикр тарихан асоссиз бўлишидан ташқари мустақиллигимизни эълон қилган истиқолчилар авлодининг тарихий хизматларини камситиш, жилла қурса, унга соя солишдир. Бунлай мулоҳазалар сиёсий саводхонликдан

анчагина йироқдир. Башорат келажакка нисбатан айтилади.

1999 йилдан эътиборан ҳар йили 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб нишонлар эканмиз, инсониятни фашизм асоратидан сақлаб қолищдек муқаддас ишга ҳалқимиз қўшган муносиб улушни ҳам эслаб ўтамиз, албатта. Бу — ҳам хотира, ҳам қадрлаш сирасиға киради. Хуллас, тарихий ҳодисани тўғри англаш, тўғри баҳолаш ва тўғри талқин қилиш, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, инсоннинг қўзини очади, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади. Буни тарих сабоги деймиз.

1990 йилнинг баҳорида, Ўзбекистон Президенти этиб сайлангач, Ислом Каримов Михаил Горбачевнинг Кремлдаги кабинетига кириб борганида жамоат ҳам эди, Президентлик кенгашининг аъзолари — Марказдаги биринчи даражали бошлиқлар ҳамда барча иттифоқдош республикаларнинг раҳбарлари йигилиб булишган эди. Собиқ СССР Олий Советининг собиқ раиси Лукъянов «Ана, Президент келди!» деб пичинг қиласди. Шунда Юртбошимиз босиқлик билан бундай дейди: «Бундай гап-сузлар яна буладиган бўлса, мен мажлисни тарк этаман...» Зуваласида орияти бор, миллӣй фурури кучли одам ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини йўқотиб қўймайди.

СССР Президенти Михаил Горбачев муроса юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни ўтиришга таклиф этади. Молдованинг ўша вақтдаги раҳбари Снегур, Украинанинг ўша вақтдаги раҳбари Кравчук Юртбошимизга тақаллуф курсатишади. Кейин мажлис бошланади. Унда давлат мақомига кура икки президент қатнашади, бири Михаил Горбачев, иккинчиси эса Юртбошимиз эди. Михаил Горбачевнинг фикриёди қандай бўлмасин, қизил империяни пароканда бўлишидан сақлаб қолишга уриниш бўлса, Ислом Каримовнинг қалбida эса Ўзбекистонни тўла мустақилликка олиб чиқиш умидлари жўш урадди...

Мана, орадан тўққиз йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўша қалтис дамлар орқада қолди. Ўзбекистонимизни деярли бутун дунё билди, таниди. Ислом Каримовни тўрт қитъадаги мамлакатларнинг таникли давлат бошлиқлари мустақил ва суверен республиканинг лаёқатли Президенти, атоқли давлат ва ҳалқаро миқёсдаги жамоат арбоби сифатида эътироф этдилар. БМТ, ЮНЕСКО ва яна ўнлаб нуфузли ҳалқаро ташкилотлар Юртбоши-

мизнинг Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш бўйича олиб бораётган изчил сиёсатини маъқуллаб, юқори баҳоламоқдалар.

Шўролар замонида Ислом Каримов гарчи республика миқёсидаги ташкилотларга раҳбарлик қилган бўлса-да, Совет Иттифоқидан ташқарига — чет эл мамлакатларига чиқарилмаган эди. Тўғри, республикамиздан вакил қилиб, турли делегациялар таркибида турли дарражадаги бошлиқлар вақти-вақти билан хорижий сафарларга юбориларди. Ҳатто Совет Иттифоқининг фавқулодда ва мухтор элчилари орасида бир неча нафар паспортига ўзбек деб ёзилган кишилар ҳам бўлган. Бироқ улар бошқа тоифадаги кишилар эди. «Менинг уйим — Совет Иттифоқи» деб ҳисоблар эдилар. Қаерда бўлмасин ўз халқининг миллий манфаатларини қўзловчи ватанпарварларга хорижга чиқиши дарвозалари одатда таққа-тақ берк эди.

Ислом Каримов ўзи тамал тошини қўйган истиқбол шарофати билан, мустақил ва суверен Ўзбекистон давлати ва хукуматининг раҳбари сифатида дунёдаги ўнлаб мамлакатларга расмий ташриф буюрмоқда, энг кудратли давлатларнинг раҳбарлари билан мулоқотда бўлмоқда, музокаралар олиб бормоқда.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи — бу ўзбек миллатининг ташрифи! Унинг рӯёбга чиққан умидлари — мамлакатимизнинг бугунги қиёфаси, халқимизнинг бугунги ҳәёти. Янги умидлари — порлоқ истиқбол, келажаги буюк Ўзбекистон!

### ИСЛОМ КАРИМОВ — ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМ

Ислом Каримов — янги ўзбек давлати — Ўзбекистон Республикасининг асосчиси бўлиши баробарида шу давлатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларига тааллукли барча қонунларини ва бошқа ҳуқуқий хужжатларини ишлаб чиқишида, қабул қилишда шахсан қатнашди ва давлатчилигимиз тарихида мисли кўрилмаган бундай қонунчилик фаолиятига бевосита раҳбарлик қилди. Энди шу хусусда қисқача тўхталиб ўтамиз. Мавзу моҳиятига чуқурроқ кириб бориш учун сўзни ҳозир жаҳонда мавжуд давлатларнинг турлари ҳақида ҳикоя қилишдан бошлаймиз.

Маълумки, ҳозир жаҳонда мавжуд бўлган давлатлар

**хукуқий жиҳатдан** подшоҳлик (монархия), республика ва диний давлат турларига бўлинади. Давлатнинг республика тури ҳам ўз навбатида парламентар республика, президентлик республикаси, ислом республикаси турларига бўлинади. Булар ўртасида муштарак жиҳатлар ва фарқлар бор.

Подшоҳликда давлат бошлиғи лавозими авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади, давлат бошлиғи қирол, император, шоҳ, шаҳаншоҳ, подшоҳ, султон деб аталади. Биз ўзбекларда ўтмишда давлат бошиқларимиз хоқон, хон, амир, султон, подшоҳ деб аталган, Хоразм давлатида эса хоразмшоҳ, деб юритилган.

Республикада эса давлат бошлиғи маълум муддатга сайлаб кўйилади.

Турли давлатларда олий ҳокимият одатда давлат бошлиғи, ҳукумат ва парламентни ўз ичига олган олий ташкилотларнинг яхлит тизими орқали амалга оширилади ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар турлича таркиб топади. Худди шу асосга биноан подшоҳлик ва республика яна турларга бўлинади.

Подшоҳлик идора усули ўз навбатида мутлақ подшоҳлик ва конституциявий подшоҳлик турларига бўлинади.

Мутлақ подшоҳликда давлат бошлигининг хукуқи мутлақо чекланмаган бўлади. Бунда олий ҳокимият тўлиқ равишда хукуқий жиҳатдан ёлғиз подшоҳнинг ўзига тегишли бўлади, бир ўзи қонун чиқаришга, ўз хоҳишига кўра вазирларни тайинлашга ва ишдан олишга ҳақли. Мутлақ подшоҳликда давлат бошлиғи ваколатларини чекловчи конституциявий ҳужжатлар ҳам, фуқаролар томонидан сайлаб кўйиб, қонунлар чиқаришда ва бошқарувни назорат қилишда қатнашуви шарт бўлган парламент ҳам бўлмайди. Давлат бошқарувнинг бундай тури ҳозир Саудия Арабистони, Қатор, Аммон, Бирлашган Араб Амирликларида мавжуд.

Конституциявий подшоҳликда подшоҳ ҳокимияти конституция асосида чеклаб кўйилади. Давлатнинг бу тури ҳам ўз навбатида дуалистик подшоҳлик ва парламентар подшоҳлик хилларига бўлинади. Дуалистик подшоҳликда жорий конституцияда парламентнинг қонун чиқаришдаги иштироки шарт эканлиги назарда тутилиб, айни вақтда подшоҳга вазирларни ўз хоҳиш-истагига кўра ишга тайинлаб, ишдан бўшатиш хукуқи берилади. Парламентар подшоҳликда конституциявий меъёлларда парламентнинг қонунлар қабул қилишда

қатый иштирок этиши назарда тутилиши билан бирга парламент олдида ишончни йўқотган вазирларни истеъфога чиқариш мажбурияти подшоҳ зиммасига юкланди.

Парламентар подшоҳликда подшоҳ давлат бошлиғи бўлиб ҳисобланса ҳам ҳукумат фаолиятида иштирок этишга ҳақли эмас. Парламентар подшоҳлик мавжуд бўлган мамлакатларнинг ҳар бирида подшоҳнинг ваколатлари, ҳукуматни тузиш ва шу каби ҳолатларда ўзига хос томонлари ҳам бор. Масалан, Бельгия, Дания, Люксембург, Нидерландия, Норвегияда қирол (подшоҳ) кенг ваколатга эга, бироқ улар ҳукуматнинг маслаҳати билан амалга оширилади. Бошқа бир мамлакатларда, масалан, Япония ва Швеция конституцияларида қирол ва императорни давлатни бошқариш ишларига аралашмаслигини назарга тутувчи маҳсус моддалар бор. Образли қилиб айтганда, бу мамлакатларда қирол қироллик, император императорлик қиласи, лекин давлатни бошқармайди.

Парламентар подшоҳлик (қироллик, императорлик, буюк князлик) мамлакатларида подшоҳлар (қироллар, императорлар, буюк князлар) давлатнинг муҳим ишларини ҳал этиш ҳуқуқига эга эмасликларига қарамай ҳуқмрон доиралар уларнинг репрезентатив функцияларини, миллат, ҳалқ рамзи сифатидаги ролини, фуқароларга маънавий таъсир кўрсатувчи фаолият соҳаларини сақлаб ва қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Давлат бошқарувининг республикавий доираси шаклида президентлик ва парламентар республикалар бирбиридан фарқланади. Президентлик республикаларида Президент бевосита ҳалқ томонидан сайланади, ҳукуматни уз ҳоҳишига кўра тайинлайди ва истеъфога чиқаради, парламент эса тасдиқлайди. Ҳукумат эса бевосита Президент олдида жавоб беради. Президент кўп ҳолларда нафақат давлат бошлиғи, балки ҳукумат раиси сифатида ҳам иш кўради (масалан, АҚШ, Ўзбекистонда шундай), парламент фаолиятини қонун чиқариш ҳокимиётини амалга оширишга йўналтиради.

Парламентар республикада эса ҳукумат парламент сайловида голиб чиқсан партия ёки партиялар вакилларидан иборат таркибда парламент томонидан тайинланади, бу ҳукумат парламент олдида ҳисоб беради. Президентнинг ўзи ҳам аксарият ҳолларда парламент томонидан сайланади, у давлат бошлиғи ҳисобланиб, кенг имкониятларга эга бўлса ҳам, бу ваколатларни

хукумат тавсияси асосида амалга оширади. Парламентар республикалар бўлмиш Италия, Германия, Австрия давлатларида худди шундайдир.

Ватикан дунёда ягона теократик давлатdir. Уни бъзи истисноларни ҳисобга олмагандан подшоҳлик дейиш ҳам мумкин. Бошқа подшоҳлик давлатларидан Ватиканнинг фарқи шуки, унда давлат бошлиғи маҳсус диний ҳайват томонидан умрбод муддатта сайланади, у Папа деб аталади.

Диний давлатда дунёвий давлатдан фарқли ўлароқ сиёсий ҳокимиятни ташкил этишда, унга раҳбарлик қилишда, давлат бошқарувини амалга оширишда, ижтимоий вазифаларни бажаришда, чунончи, маориф, маданият, адабиёт, санъат соҳаларига бўлган муносабатда, муайян бир диний ақидалар, қонун-қоидалар, таомойиллар қўлланилади. Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тартибга солиш функциялари диний меъёrlар билан алмаштирилади ёки улар мазмунига диний ақидалар сингдирилади. Бундай давлатларга Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Мавритания Федератив Ислом Республикаси мисол бўла олади. Бу мамлакатларда Ислом дини давлат дини деб эълон қилинган. Маориф, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида диний ақидалар кенг қўлланилади. Судлов иши шариат бўйича олиб борилади. Мана шулар сабабли диний давлатлар фаолиятида диний партиялар ва руҳонийлар фаол қатнашадилар. Эрон ва Ливия давлатларида олий диний раҳбар, гарчи давлат лавозимига эга бўлмаса ҳам, давлат бошлиғи, хукумат ва парламентга нисбатан кучлироқ ижтимоий ҳокимият ва мавқега эгадир. Худди ранг-баранг дунё каби жаҳонда мавжуд бўлган давлатлар ҳам турли-тумандир.

Ўтмишда мавжуд бўлган барча ўзбек давлатлари бошқарув тамойилига кўра подшоҳлик (хоқонлик, хонлик, амирлик) бўлган. Асримизнинг бошларида ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар, яъни жадиллар Бухоро амелигини ва Хива хонлигини конституциявий подшоҳликка айлантириш ташабbusи билан чиқишганини ва ҳатто ёш бухороликлар томонидан ўзига хос конституция — машрутга тузилиб, амир Сайдолимга тақдим этилгани, бироқ амир уни рад қилгани бизга тарихдан маълум. Шунингдек, 1920 йили Бухоро Ҳалқ Жумҳурияти ва Хоразм Ҳалқ Жумҳурияти тузилиб, дастлабки пайтларда Россия билан ўзаро тенгхуқуқлиkkка эга давлатлараро шартномалар имзоланган бўлса-да, бундай ҳара-

катларнинг бари ўткинчи ҳолатлар бўлиб чиққан, бу жумхуриятлар турт томондан Россия тарафидан қуршалган бўлиб, ҳар жиҳатдан унга тобеъ эди. Шу боисдан ҳам орадан кўп ўтмай бу жумхурияtlарнинг номи ўзгартирилади, шўровий мазмун ва шакл киритилади. Бухоро Ҳалқ Шуролар Жумхурияти, Хоразм Ҳалқ Шуролар Жумхурияти деган ном берилади, яъни советлаштирилади. 1924 йили Туркистанда ўtkazilgan миллий-давлат чегараланиши натижасида вужудга келган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ўша пайтларда Ўзбекистон Ижтимоий Шуролар Жумхурияти деб аталган) гарчи мустақил давлат деб ҳисобланган бўлса-да, амалда эса СССР таркибидаги ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ бир ҳудуд эканини юқорида ҳам айтиб ўтгандик. Ўша йиллардаги ва ундан кейинги конституцияларимиз ҳам СССР Конституциясидан бир кўчирма эди, марказбоп қилиб ўзлаштирилган бир нусха эди. Шунинг учун ҳам 1991 йилнинг 31 августида Ислом Каримов бошлигига ўз давлат мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон Республикаси ўзбек давлатчилик тарихида бемисл ва буюк бир воқеа, ҳуқуқий жиҳатдан том маънода янги бир давлат — ҳақиқий республика эди. Вужудга келган тарихий бу ҳолат шу янги давлатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига оид янги қонунларни ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши, қабул қилиш вазифасини кун тартибига кундаланг қилиб қўйди. Бундай ўта масъулиятли ва ниҳоятда шарафли вазифани адо этишда фаол қатнашиш ва қонун яратиш жараёнига раҳбарлик қилиш Ислом Каримов зиммасига ту shedi. Мана, саккиз йилдан ошиб қолдики, бу вазифани Юртбошимиз шараф билан ўтаб келмоқда.

Шу ўтган давр ичida Олий Кенгаш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилинган қонунларимизда Ислом Каримов асарларида белгиланган концепциялар, тамойиллар ва вазифалар моҳияттан ва мазмунан ҳисобга олинган. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, Ўзбекистоннинг «Мустақиллик декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги түғрисида Олий Кенгаш баёноти», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари түғрисида»ги қонун ва мустақилликка оид бошқа муҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда, қабул қилиш ва уларни амалга ошириш борасида бажарилиши зарур бўлган барча сиёсий ва иқтисодий чора-тадбирлар Ислом Каримов иштироки ва етакчилигига бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни — Ўз-

бекистон Республикасининг Конституциясидир. Уни ишлаб чиқишида Юртбошимизнинг ҳиссаси жуда ҳам катта. Давлатимиз бошлиғи Конституция комиссиясининг раҳбари сифатида ушбу муҳим Қонуннинг лойиҳасини ишлаш буйича тузилган ишчи гурӯҳларнинг фаолиятига алоҳида эътибор берди ва муттасил раҳбарлик қилди. Конституциядан ўрин олган кўп моддаларда Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топди, кўп моддалар мазмунан бойитилди. Бунда Юртбошимизнинг юксак малакали ҳукуқшунос олим ҳам эканлиги намоён бўлди.

Ислом Каримов, шунингдек, республикамизнинг иқтисодий мустақилликка эришишида ва ушбу мустақилликни қўлга киритиш ва уни таъминлашга қаратилган қонун ва ҳукуқий хужжатларни яратилиши ва қабул қилинишида ҳам бекиёс катта ҳисса қушли. Масалан, мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, ҳалқаро иқтисодий алоқалар, ер, кооперация, биржа солиқлари ва бошқа иқтисодий масалаларни ҳам ҳал қилишга, тартибга солишга қаратилган қонунлар, фармонлар, қарорлар ҳам шахсан Ислом Каримов иштирокида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Илм-фан, маданият, маърифат, маънавият масалаларига доир қонунларимизни яратилишида ва жорий этилишида ҳам Юртбошимизнинг шахсий иштироки ва йўналтирувчи раҳбарлиги ҳам диққатга сазовордир.

Хуллас, Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат бўлиб шаклланишида, унинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда етакчилик қилиб келмоқда, давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органларининг баҳамжиҳат фаолият кўрсатишини таъминлашда, давлат бошқаруви идораларининг кундالик ишларига бевосита раҳбарлик қилишда ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқда.

Унинг давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги амалий ишларидан ташқари мустақил республикамизда янги давр руҳини ва муаммоларини ифодаловчи қонунларни тайёрлашдаги, уларнинг асосий тоясини белгилашдаги ҳиссаси жуда ҳам катта. Президентимиз Ўзбекистон Конституясиини оғишмай амалга оширишга кафолат бўлиб турибди.

Юртбошимиз асарларида, маъруза ва нутқларида давлат ва ҳукуқ қурилиши амалиёти назарий жиҳатдан умумлаштирилмоқда.

Биринчида, мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида тобора демократиялашетган жамиятда давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданият соҳасидаги роли асослаб берилди. Шунга кўра давлат ўтиш даврида бу соҳаларда бош ислоҳотчи, деган назарий хуоса чиқарилди. Чунончи, бу босқичда давлат фаолиятида ижтимоий ривожланиш, хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш масалалари устувор йўналишлардан бири сифатида олға сурилди. Шу билан бирга давлат боқимандалик кайфиятларига барҳам бера бориб, аҳолига ўз ижодий ва самарали меҳнати учун зарур шароитлар яратиб беришни асосий мақсад қилиб кўйиши кўрсатилди. Барча тарихий миллий қадриятларни тиклаш ва бойитиш ҳамда умуминсоний маънавий қадриятлардан фойдаланиш зарурлиги давлатимиз сиёсати даражасига кутарилди ва амалга оширилмоқда.

Иккинчида, давлатимиз бошлиғи томонидан инсонпарвар, хуқуқий ва демократик давлат барпо этиш фоялари асослаб берилди. Бунда биринчи бор давлат ҳокимиятида ваколатларнинг тақсимланиши конституциявий тамойил даражасига кутарилди.

Мустақил давлатимизнинг ташқи сиёсати назарий асослантирилиб, истиқлонни қадрлаш, уни офишмай амалга ошира бориш мақсадлари қатъий белгиланди. Давлат тараққиётida миллий манфаатларнинг устуворлиги тамойили амалга оширилмоқда, тинчлик, миллий тутувлик фоялари жиддий қадрланмоқда.

Президентимиз давлат органларининг хуқуқий мақомини, ваколатларини қатъий белгилаб кўйиш фоясини илгари сурмоқда. Биринчи чақирик Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маъруzasида парламентимизнинг яқин йилларда қонунчиликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти йўналишларини батафсил кўрсатиб берди. Унинг фармонларида ҳозирги даврда иқтисодиётга раҳбарликнинг давлат, жамоат ва хусусий шаклларининг хуқуқий мақоми, ваколатлари асослари белгиланган.

Учинчидан, Ислом Каримов ҳозирги масъулиятли босқичда давлат хизматчилари олдига қўйилаётган жиддий талабларни асослаб берди. Кўплаб нутқлари ва амалий ишларида кадрлар масаласидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилмоқда, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасида янги вазифаларни белгилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва

халқ манфаати йўлида хизмат қилишлари зарур, деб ҳисоблаб, бу масалани қатъий қилиб ўргага қўди.

Тұрт ин чи да н, Юртбошимиз асарлари ва маърузаларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орғанлари ваколатлари ва ишини кенгайтириш, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, қўнгилли ва ижодий ташкилотлар фаолигини ошира бориш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксалтириш йўли билан аста-секин тўла фуқаролик жамиятига ўтиш муаммоларининг назарий асослари ёритиб берилмоқда.

Бе ши н чи да н, Президентимиз Ўзбекистон давлатининг халқаро доирадаги ўрни ва обрўси, министақамиздаги хавфсизликни таъминлашдаги вазифалари ҳақида янгидан-янги foяларни олга сурмоқда, қўшни давлатлар билан алоқалар ва ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида жiddий ҳисса қўшмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Каримов атоқли ҳуқуқшунос олим сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўхна давлатчилигимиз тарихига қиёс этсак, тарихийлик тамойилидан келиб чиқиб фикрласак ва хулоса чиқарсак, Амир Темурнинг «Тузукот»и ўз даври ва ундан кейинги даврларда ҳам қандай эътибор қозонган бўлса, Ислом Каримовнинг ҳуқуқшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам бизнинг кунларимиз ва келажагимиз учун худди шундай аҳамиятлидир. Шундай пухта қонун негизида пойdevori мустаҳкам қилиб Юртбошимиз томонидан асос солинган янги ўзбек давлати — Ўзбекистон Республикаси боқийдир, иншоолоҳ!

### ИСЛОМ КАРИМОВ — ТАРИХЧИ ОЛИМ

Ислом Каримов етук тарихчи олим, ўзбек давлатчилик тарихи яратилишининг ташаббускори, бу соҳанинг асосчиси ва тарғиботчиси ҳамdir.

Кўхна тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳали-ҳанузгача, ҳеч бир замонда, ҳеч бир тарихий шахс томонидан ўзбек давлатчилик тарихини бус-бутун ҳолда яратиш масаласи ўргага қўйилмаган экан. Бу масалани 2700 йиллик давлатчилигимиз тарихида Президент Ислом Каримов биринчи бўлиб давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида кун тартибига қўйди.

Тўғри, тарихшунослик фанимизда ўзбек давлатла-

ри, давлатчилик тарихимизнинг у ёки бу даврлари, ҳукмронлик қилган сулолаларнинг шажаралари ва фаолиятлари ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Лекин бу асарлар алоҳида-алоҳида китоб ва қўлёзмалар бўлиб, яхлит шакл ва мазмунан ягона мундарижага эга эмас. Ҳар бири алоҳида ёки бир неча сулола ҳукмронлик қилган даврдаги бирорта давлатимизнинг тарихини ёритишга бағишиланган. Тарихимизга оид кўп китобларда эса сўз Одам Ато давридан бошланиб, асар муаллифи яшаб турган замонга келиб ниҳояланади. Сўзни Чингизхон аждодларидан бошлаб, унинг шажарасини ёритгач, кейин мавжуд ҳукмрон сулола тарихини баён этиш ҳам тарихшунослигимизда анъаналардан бири бўлган. Асосан давлатларимизни бошқарган сулолаларнинг сиёсий фаолиятларига алоҳида-алоҳида китоблар бағишиланган. Масалан, сўнгги хонлик замонларида Бухоро, Хива ва Кўқонда битилган тарихга оид китобларда мавзу доираси мазкур давлатларни бошқарган сулолалар ва уларнинг аждодлари ҳақида сўз юритилади, холос. Шундай бир тарихий манзарада Ислом Каримов томонидан ўзбек давлатчилиги тарихини яхлит қилиб яратишиши foясининг ўртага қўйилиши чинакамига умуммиллий ва умумдавлат аҳамиятига молик ташаббусдир.

Юртбошимиз даъват қилишича, «Ўзбек тарихчиларининг бутунги кундаги асосий вазифаси... давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишидир».

Ҳар бир виждонли одам ўз ҳалқининг тарихий ўтмишини билиши шарт, деб билувчи Президентимиз, ўзининг эътироф этишича, тарих соҳаси билан ҳам жиддий қизиқади, «*Матбуотда ўтмишишимизга таалуқли бирор мақола чоп этилса, бирор-бир тарихий асар, хоҳ у шимий, хоҳ бадиӣ бўлсин, қўлимга тушиб қолса, албатта уқиб чиқаман*» дейди у... Бу эътирофнинг айни ҳақиқат эканлигини Ислом Каримовнинг ўтмиш тарихимиз ҳақида, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий юбилейларида, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйларида сузлаган нутқларидан тортиб, тарихимизга оид мақолалари, шу жумладан, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган асаригача илмий пухталиги билан тасдиқлаб турибди. Мазкур асарда муаллифнинг 3 минг йиллик тарихга эга «Авесто»дан тортиб, «Темур тузуклари»гача, Отилахон бошчилигида ҳуннуларнинг Шарқдан Фарб сари босиб ўтган йўлиниң харитасидан

тортиб, қалмоқ элатининг тарихигача, Туркистон пири бўлмиш Аҳмад Яссавий бобомизнинг муқаддас меросини ўрганиш хусусида бўлаётган воқеалардан тортиб, 1996 йили Соҳибқорон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйи ўтказилгандан, шу тадбирни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлганилгигача, Гумилев, Бартольд каби рус тарихчиларининг ўтмиш тарихимиз тўғрисида билдирган фикрларидан тортиб, чор Русиясининг ёвуз генерали Скобелевнинг ўз императорига «Маҳаллий ҳалқ биз ўйлагандан кура маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмиз...» Бу ҳалқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин» деб ёзган мурожаатигача, маърифатпарвар жадидлардан тортиб ватанпарвар, фидойи академик Яхё Фуломовнинг ибрат бўларли илмий фаолиятигача — ҳамма-ҳаммасидан яхши хабардорлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

То шу пайтгача миллий давлатчилигимиз тарихи ҳақида сўз кетганда «кўп асрлик», «қадим», «кўхна» каби умумий ва мавҳум иборалар ишлатиларди-ю, лекин аниқ бирор сана кўрсатилмасди. Ислом Каримов биринчи бўлиб бу борада аниқлик киритди: ўзбек давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эга, деб айтди ва ёзи; 3000 йиллик тарихга эга «Авесто»ни аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий мероси деб атаб, мазкур асар айни замонда қадим Хоразм ўлкасида буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжат, деб баҳолаб, илмий жамоатчиликнинг, биринчи галда тарихчи ва шарқшунос олимларимизнинг эътиборини шу нодир асарни чукур ўрганиб чиқиб, кенг ёритишга чорлади. Жамоатчилик диққатини яна шу нарсага қаратдики, республикавий ва ҳалқаро «*Анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг, иктисад, хоҳланг, сиёсат, хоҳланг, тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак*».

Юртбошимиз XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракатининг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Тавалло каби етук намояндалари бойлик, шон-шуҳрат учун эмас, балки ҳалқимизни маърифатли қилиш, ўз ҳақ-хукуқини ўзига танитиш учун кураш майдонига тушганликларини чукур хурмат билан

эслайди. Бунинг рамзий маъноси бор, албатта. Республика мизда комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилинган айни шу замонда, Юробошимизнинг мана бу таърифи айниқса дикқатга лойиқдир: «*Комил инсон деганда биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушиунамиз*».

Кадим тарихимиз билимдони бўлмиш Ислом Каримов шундай комил инсонлар — буюк аждодларимиз томонидан яратилган «*Бешафқат давр синонваридан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дәхқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган хақ дунёда кам топилади*», дея жамоатчилик эътиборини ҳозирги кунда меросшунослигимиз олдида долзарб бўлиб турган бош масала — матншуносликни равнақ эттиришга қаратади ва энди — бундан буёғига ўз тарихимизни асл манбалар асосида ёзишимиз лозим, деб ҳисоблайди. Ёшлигимизнинг ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, бу борадаги баҳсларда даҳлдорлик туйғуси билан иштирок этаётганидан қувонади.

Ислом Каримов давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керак эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу саволларга олимлар, адиллар, ноширлар, тарихчиларимиз биргалашиб жавоб тошишларини маслаҳат кўради. Хўш, бу борада ишни нимадан бошлаш керак? Йўлбошчимиз кўрсатган йўлйўрик бўйича, «*Аввало кўп минт йиллик бой ўтмишизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал кадрлар масаласини аниқлаб олишдан*» (таъкид бизники. — А. И.) бошлаш керак. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аниқ босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади».

Хўш, бундай тадқиқотлар қандай қилиб олиб борилади? Бунда концептуал-услубий таҳлил йўлидан борилади. Кўринадики, Ислом Каримов пировард натижада самарали ечимга эришиладиган оқилона йўлни белгилаб берәтири. Маълумки, фанда аввало методология (услубият)ни тўғри белгилаб олиш асосий муаммодир. Концептуал-услубий таҳлил йўлинин белгилаб беришининг ўзиёқ Юргашимизнинг етук ва катта олим эканига ёрқин далилларид.

Асосий гап шундаки, концептуал-услубий таҳлил нафақат тарихшунослик учун, балки фаннинг кўпгина соҳалари, жумладан, фалсафа, адабиётшунослик, санъатшунослик учун ҳам зарурдир. Биз ушбу китобни ёзиш аносисида Ислом Каримовнинг бу илмий тавсиясига фанний жамоатчиликнинг муносабатини аниқлаш мақсадида Тошкентдаги айrim тадқиқот институтлари ва олий ўкув юртларида бўлиб, кекса, ўрта яшар, навқирон, ёш ва бошловчи олимлар билан сұхбатлашдик. Мулоқотларимиздан маълум бўлишибча, умуман олганда, Юргашимизнинг бу илмий тавсияси қизгин ва мамнуният билан, янги дастур сифатида кутиб олинган, ҳимоя учун тайёр бўлган ва тайёр бўлай деб қолган айrim докторлик ва номзодлик ишлари концептуал-услубий таҳлил нуқтадан назаридан яна бир қўздан кечирилмоқда, уларга тегишли тузатишлар ва қўшимчалар киритилмоқда, натижада ишларнинг илмий савияси ва салмоғи ошмоқда.

Қизиқарли жойи яна шундаки, ёш, изланувчан илмий ходимнинг аввал бошидан концептуал-услубий таҳлил бўйича ёзган, бироқ ўша соҳа бўйича мутасадди илмий кенгашнинг баъзи аъзолари томонидан масала моҳиятига чуқур етиб бормаслик оқибатида совуққонлик билан кутиб олинган ва ҳимоя қилиш муддати ҳадеб орқага сурилиб келаётган диссертациясига кенг йўл очиленган, илмий кенгашнинг ўзи ҳимояни тезлатиш ташаббуси билан чиқсан! Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримов томонидан ўргага қўйилган концептуал-услубий таҳлил йўли фанимизнинг янада равнақ этиши учун дастуруламал бўлиб хизмат қиласи, машиққатли фан ўлида тўсиқ бўлиб турган айrim тұғаноқлардан қутулишимизга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Президентимиз янгидан шакланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида сўз юритиб, тарихчиларимиз олдига ҳаққоний тарихимизни лўнда, асосли қилиб фарзандларимизга етказиш вазифасини

қўяди. Бу долзарб масаладир. Чунки ҳали ҳанузгача Узбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташқиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, ҳалқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришта уринаётган, маънавий қадриятларимизга, миллий истиқдол шарофати билан маънавиятимизни янада бойитиш йўлида республикамида ўтказилаётган тадбир ва чораларга, ҳалқаро анжуманларга паст назар билан қараётган кимсалар ҳам бор. Буни асло унугиб бўлмайди.

**Бир мисол.** 1998 йилнинг 23—24 октябрь кунлари республикамиз аҳли байрамона кайфиятда яшади — маънавият тантаналари оғушида бўлди. Икки буюк ватандошимиз — икки улуғ аллома — Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд тўйлари кенг ишонланди. Юбилей тантаналари ҳалқаро телеканаллар орқали жаҳоннинг қирқдан ошиқ мамлакатларининг телетомошабинларига ҳам кўрсатилиди, уларни неча юз миллионлаб ҳалқлар томоша қилишиди, Ўзбекистон ва ўзбек ҳалқининг порлоқ ўтмиши ва бугунги обод қиёфаси ҳақида муайян даражада тасаввурга эга бўлдилар.

Демак, ҳалқимизга, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодга ҳаққоний тарихимизни тақдим этиш чинакамига давлат аҳамиятига молик долзарб вазифадир. Ютуқларимизни кўролмовчилар, тан олмовчилар ва улардан кўз юмувчилар бор экан, ҳар соҳада бўлганидек, тарих бобида ҳам хушёр бўлмоғимиз шарт. Юртбошимизнинг давлатимиз бошлиғи сифатида ҳам тарих соҳасига доимо эътибор бериб келаётганинг сабабларидан бири ана шундадир.

Ислом Каримов билимдон тарихчи олим сифатида ҳам, давлат бошлиғи сифатида ҳам ўтмиш тарихимизнинг толмас ва ростгўй тарғиботчиси ҳамдир. Унинг бу борадаги фаолияти ҳам республикамизда, ҳам чет элларда зуҳур этилмоқда. «*Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор ҳалқ деб дунёга тараннум этяпмиз ва аслида ҳам шундай*, — деб ёзади Юртбошимиз. — **ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг энг авваю буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бекиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди... Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз».**

Ислом Каримов ўтмишда ўтган буюк шахсларга во-

рислик масаласига аниқлик киритади. Ярашиқли аждодларга ворис бўлишни тарғиб қилиди: «*Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз берунийларга, бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобурларга ворис бўламиз*».

Ҳақиқатан ҳам кимларга ворислигимизни аниқлаш — ниҳоятда муҳим масала. Ўтмиш тарихимизни илмий ўрганишда чигал (аслида, чигал эмас, турли савиядаги, турли қарашдаги, айниқса, шўровий мафкура таъсирида шаклланган айрим тарихчиларимизнинг ўзлари чалкаш фикрлар айтиб, чалкаштириб юборган) нуқталардан бири кимлар бизга аждодлару, кимларга эса биз авлодмиз, яъни ворислигимизни узил-кесил аниқлаб олишдир. Бир мисол. «Ўзбекистон овози» (1994 йил, 20 январ) газетасида босилган, икки таниқли тарихчининг қаламига мансуб «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» деган мақолада «Ўзбеклар, баъзи бировларнинг ноилмий фикр юритишига қарши ўлароқ, турк эмас» деб даъво қилинганди. Бу биргина жумла шундайки, савол устига савол туғдираверади. Хўш, ўзбеклар турк бўлмаса, улар кимлар? Арабми? Форсми ё ҳиндми? «Баъзи бировлар» кимлар? Уларнинг ноилмий фикри нималардан иборат? Нима учун улар ноилмий фикр юритишиди, уларга ноилмий фикр юритиш щартми?

Ваҳоланки, муҳтарам Юртбошимиз ҳурмат билан тилга олган Амир Темур ҳам, Мирзо Улуғбек ҳам, Бобур ҳам ўзларини турк деб, она тилларини туркий деб аташган. Аҳмад Яссавий ҳам, Жалолиддин Мангуберди ҳам, Лутфий, Отойи, Саккокийлар ҳам, Ҳофиз Ҳоразмий ҳам, Алишер Навоий, Ҳусайннийлар, Машрабу Нодира, Увайсийлар ҳам худди шундай дейишган. Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўпламининг исталган китобини ёки мумтоз адабиётимизга мансуб исталган девоннинг дебочаси ёки хотимасини варақлаб кўринг, асарнинг туркийда битилгани қайд этилганига кўзингиз тушади, ҳатто асримизнинг бошлирида ижод қилган Абдулла Авлоний ўз асарларидан бирини «Ахлоқ ёхуд Гулистони туркий» деб аталган-ку.

Чукур ўйланмай, айниқса, миллат шаънига юқори, илмий унвонли тарихчилар томонидан матбуот, радио ва телевидение орқали айтилган ноилмий мұлоҳазаларнинг, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, «*Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади*». Чукур таҳдил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан деб, ўқувчиларга ҳам

етказишиди». Қолаверса, бу ҳол ғоявий мухолифлари-мизнинг тегирмонига сув қуяди. Ўзбекистонда тарих фани сохталашибирмоқда, ўзбек ҳалқининг ўтмишдаги тарихий номи турк, туркий бўлатуриб, ўзбек тили билан туркий тил деган атамалар тарихда ягона тушунчани англатиб келгани кундек равшан бўлатуриб, ҳақиқат бузиб курсатилмоқда, дея масалани янада чуваллаштирадилар. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз умумхалқ минбари — телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз орқали тарихга оид бериладиган курсатувлар, эшилтиришлар ва мақолалар ҳар томонлама пишиқ-пухта, илмий асосланган булиши лозим эканини қайта-қайта таъкидлайди. Чунки миллатимиз, мамлакатимиз ҳақида катта-катта минбарлардан айтиладиган, телевидение, радио, матбуот орқали бериладиган, муайян воқеа, айрим тарихий шахслар фаолиятига бағишиланган кўрсатув, эшилтириш ва мақолаларда баён этиладиган фикр-мулоҳазалар аслида бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлса-да, эфирга чиққач, матбуотда ёритилгач, илмий ёки ноилмийлигидан қатъий назар, жузъийликдан умумийликка айланаб, чин ҳақиқатдек қабул қилиниши ҳам мумкин.

Ислом Каримов мутлоқ тарихий ҳақиқат — ҳалқимиз шу она заминда қадим-қадим замонлардан бери утрок ҳолда яшаб, камида йигирма етти асрлик давлатчилик тарихига эга булиб, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшиб келаётгани ҳақидаги ҳақиқатнинг толмас тадқиқотчиси ва фидойи тарғиботчиси ҳамdir: «*Керак бўлса бу иш учун жонимни, борлигимни беришга тайёрман. Чунки ҳаётимниг мазмунни шундан иборат*» дейди куончаклик билан. Бу чин ватанпарвар ва зукко олим бўлмиш ҳақиқий давлат арбобининг қалб сўзларидир. Шу уринда буюк ватандошимиз «Зижи жадидаи кўрагоний» ва «Тўрт улус тарихи» асарларининг муаллифи Мирзо Улуубекнинг султонлар ичida олим, олимлар ичida сulton бўлганлигини беихтиёр ёдга туширамиз.

### ИСЛОМ КАРИМОВ – ҚОМУСИЙ ОЛИМ

Одам борки, фикр юритиш қобилиятига эга. Лекин ҳар кимнинг фикр юритиш даражаси ва йўналиши ҳар хил. Фақат ўзини ўйлайдиганлар ҳам бор. Бундайлардан эл-юртга манфаат йўқ. Шу боис ҳар бир фикр юрита оладиган кишига нисбатан мутафаккир иборасини қўллаб бўлмайди. Юксак, теран ва атрофлича

фикр юрита оладиган ва, энг муҳими, ижтимоий фаолиятидан эл-юртига улкан наф етадиган сиймодарнигина мутафаккир дейиш мумкин. Ҳар бир даврнинг ўз мутафаккирлари бўлади. Истиқлол замони ҳам ҳалқимизнинг мутафаккир фарзандларини юзага чиқарди. Ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримов ҳалқимизнинг шу даврдаги энг етук сиймосидир.

Юртбошимиз айни пайтда қомусий олим ҳамdir. Атоқли иқтисодчи, ҳукуқшунос, файласуф, тарихчи эканлигини кенг жамоатчилик яхши билади, илмий салоҳиятининг бу қирралари мамлакатимиз ва чет элларда ҳам эътироф этилган, республикамида фан доктори илмий даражаси ва академик илмий унвони билан тақдирланган, хорижий мамлакатлардаги бир неча университетлар ва академияларнинг фахрий илмий даражалари ва фахрий унвонларига сазовор бўлган. Булар республикамиз ва жаҳон жамоатчилигига маълум нарсалар. Биз маълум нарсалар ҳақида яна тўхтамоқчи эмасмиз. Биз бу гал бошқача йўл тутмоқчимиз. Томчида қуёш акс этади, дейдилар. Ёзувчиликда буни детал орқали тасвиirlаш дейилади. Биз шу услубни қўллаб сўз юритмоқчимиз.

Тўққиз-ўн йиллик кузатишларимизга қараганда, Ислом Каримов бир шахс сифатида, ўзи мансуб бўлган миллатнинг бир фарзанди сифатида, яшаб турган мамлакатининг бир фуқароси сифатида, сизу бизларга бир замондош сифатида ўзини қийнаган, ўртаган, қувонтирган, ташвишга солган, ўйлантирган, руҳлантирган, ҳаяжонлантирган, истиқболга чорлаган фикр-мулоҳазаларини аввало бир муҳокамадан ўтказиш учун тегишли соҳа мутахассислари билан баҳам кўради, сўнгра оммавий аҳборот воситалари орқали жамоатчилик ўртасига қўяди, музокара, мунозара ва муҳокамалардан кейин, бу фикр-мулоҳазалар маълум даражада пишиб этилгач, бир тўхтамга келгач, муаллиф сифатида асар ёзади ёки Президент сифатида фармон, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида қарор чиқаради. Бундай иш тутумида биз олий ижроия ҳокимияти раҳбарининг ўз ҳалқи билан бамаслаҳат иш юритаётганини, тўртингчи ҳокимият ҳисобланмиш оммавий аҳборот воситаларининг ҳам ўрни ва ролини инобатта олаёттанини қўриб турибмиз. Фикримизнинг исботи учун иккита мисол (детал) келтирамиз.

Биринчи мисол. (Бу воқеага биз ҳам шахсан шоҳид бўлганимиз). 1991 йилнинг 4 сентябрини, Ўз-

бекистон Республикаси мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинганига эндиғина тўрт кун бўлган эди. Истикололга чиқсан мамлакатимиз жамоатчилиги улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий тавалдининг 550 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрарди. Ўша 4 сентябрь оқшомида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий боғида қад кўтараётган Алишер Навоий ҳайкални, бу боғда олиб борилаётган қурилиш ва ободончилик ишларини кўздан кечирди. Унга республика ва пойтахт ташкилотларининг шу қурилишга мутасадди раҳбарлари ҳамроҳ эдилар. У меъмор, муҳандис ва курувчилар билан сұхбатлашди, Алишер Навоийга үрнатилаётган бу ҳайкалнинг аҳамияти, келгусида бу боғ сўлим зиёратгоҳ ва истироҳат боғи бўлиб қолажаги, қурилиш ишлари то юбилей кунигача сифатли қилиб, тўла бажарилиши зарурлиги ҳақида сўзлади, тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берди. Иш режалари ва ҳайкалнинг тантанали очилиш куни қатъий қилиб белгиланди, боғнинг тўққиз ерига тўққизта дошқозон үрнатилиб, элга наҳор оши тортиладиган бўлди.

— Халқимизда арвоҳ хотира деган азалий удум бор,— деди Президент сўзида давом этиб. — Бу удумимизни қайта тиклашга, жорий қилишга вақт етди. Энди мустақилмиз. Орқага қайтиш йўқ. Ўз ишимизни ўзимиз ўз эркимиз билан билиб-билиб қилаверамиз. Алишер Навоийни хотирлаш Қуръони карим тиловатидан бошлансин. Миллий турмуш тарзимиз шуни тақозо қиласди.

Шундан кейин Юргашимиз билан сұхбат қизғин тус олди ва анча вақт давом этди. Энди сўз Тошкентнинг, умуман, Ўзбекистоннинг миллий қиёфаси, ноғуносиб ҳайкаллар ҳақида, майдон, кучা, ташкилотларнинг номлари хусусида борди. Шу сұхбат самараси ўлароқ, эртаси куни, яъни 1991 йилнинг 5 сентябрь оқшомида Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида Президент Фармонига кўра Тошкентнинг илгари Ленин номи билан аталиб келган Марказий майдонига Мустақиллик майдони номи берилгани маълум қилинди. Ушбу Фармон 6 сентябрда матбуотда эълон қилинди. Бу Фармон ишнинг бошланиши эди. Халқимизнинг миллий турмуш тарзи ва миллий қиёфаси масаласи ҳамиша Юргашимизнинг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Масалан, орадан беш йилча вақт ўтгач, 1996 йилнинг июн ойида матбуотда Президент имзо чеккан «Ўзбекистон Республикасида маъму-

рий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик обьектларнинг номларини тартибга солиш түғрисида» деган қарор чиқарилиб, номлар халқимиз тарихи ва миллий анъаналаримизга мос бўлиши, истиқлол фояларига хизмат этиши шарт қилиб кўйилди.

Юқорида ҳикоя қилинган воқеада Ислом Каримов илмий салоҳиятининг тўртта қирраси зуҳур этган. Булар мумтоз Шарқ руҳшунослигига шундай таърифланади: Юргбошимиз тафаккурида ақли маслаҳатбинлик, ақли мушаррафлик, ақли мустақимлик ва ақли некбинлик мавжуд. Ақли маслаҳатбинлик — маслаҳат кўрсатувчи, тўғри йўл ва тўғри фикрга йўлловчи ақл; ақли мушарраф — соғ, шарафли ақл; ақли мустақим — иккilanмайдиган, қатъий йўл кўрсатувчи ақл; ақли некбинлик — эзгулик келтирувчи ақл деганидир.

Булардан ташқари Ислом Каримов тафаккур оламида ақли изчиллик ҳам бор, бир бошлаган ишини муттасил давом эттиради, ривожлантира боради, янги босқичларга олиб чиқади, охирига етказмай кўймайди. Алишер Навоий юбилейидан бошлаб юборилган шарафли ишлар Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, И мом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги ва бошқа шу каби тадбирларда изчил давом эттирилиб, янги босқичларга кўтарилди. Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик, Оғаҳийнинг 190 йиллик юбилейларини ўтказиш режалаштирилгани бу борадаги ишлар мудом давом этажагига далиллар. Миллатимизни ўзига ўзини ёрқин танитувчи, камолот сари олиб борувчи бундай тадбирлар бошида тафаккури ақли маслаҳатбинлик, ақли мушаррафлик, ақли мустақимлик, ақли некбинлик, ақли изчиллик фазилатларига эга мутафаккир Ислом Каримов етакчи камарбаста бўлиб турибди. Бу эса барча муваффақиятларимизнинг асосий омилларидан бири-дир.

Иккичимисол. Ўзбекистон халқи 1998 йилнинг 23—24 октябрь кунлари И мом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларининг ўтказилиши муносабати билан шундай кўтаринки руҳ ва байрамона хушнуд кайфиятда яшадики, буни сўз билан таърифлаш қийин. Балки шу боисдан бўлса керак, жамоатчилигимиз йўл усти юз берган бир воқеага унчалик жиддий эътибор бермагандай туюлади, матбуотчилар, омма-

вий ахборот воситаларининг ходимлари, айниқса, шарҳловчилар бу нарсага етарли диққат қилмадилар. Ваҳоланки, бу воқеа келажак учун катта аҳамиятлидир.

Президент Ислом Каримов 24 октябрда Аҳмад ал-Фарғоний юбилейида иштирок этиш учун Фарғонага ташриф буюрди. Юртбошимиз ташриф аввалида вақти қанчалик тифизлигига қарамай Фарғона механика заводи қошидаги «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун диск ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишиди. Мазкур корхона Швейцария, Германия, Холландиядан келтирилган усқуналар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар йили тўрт турдаги бир миллионга яқин диск тайёрлашга ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари корхонадаги технологик жараён, тайёр маҳсулот турларини кўздан кечириб, ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш, зарур жиҳозлар ва бутловчи қисмларни шу ернинг ўзида тайёрлашни йўлга кўйиш хусусида кўрсатмалар берди.

— Биз «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун бутловчи қисмларнинг 70 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга эришишимиз керак, — деди Президент. — Умуман, ҳар бир янги бунёд этилаётган корхона ана шундай мўлжал билан иш юритса, экспорт импортдан ортади ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун замин яратилади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий соҳани ривожлантириш, Аҳмад Фарғонийдек аждодларимизнинг юбилейларини муносаб үтказишга имкон туғдиди.

Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ижтимоий тадбирларни үтказиш учун иқтисодий замин зарур. Маълумки, ҳозирги кунда «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун бутловчи қисмларнинг фақат 15 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Президентимиз бу рақамни яқин келгусида 70 фоизга етказишни мўлжалламоқда ва шундай натижага эришишга йўл-йўрик кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш учун корхонада ўз асбобсолик цехи бўлиши зарур. Бусиз ташқи шерикларга қаттиқ боғланиб қолинади. Узоқни кўзлаб иш юритувчи Юртбошимиз ана шу ҳолни олдиндан назарда тутиб, мустақил Ўзбекистоннинг саноати мустақил ривожланиши йўлидан боришини кўзламоқда. Бу нарса мутафаккир Ислом Каримовнинг тафаккур оламида ақли кулл фазилати ҳам борлигини, бу фазилат етакчи хислат эканини кўрсатиб турибди. Ақли кулл — энг етук ақл деганидир. Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримов тафаккурида дав-

лат арбоби фазилати ва давлатчилик етакчилик қилали, бошқа хислатлари эса шуни тұлдиради ва шунга хизмат этади.

Ривоятда айтилишича, жағон адабиётининг мұмтозларидан бири, милодий XIII асрда яшаб ўтган Мұслихiddin Саъдий Шерозий (бир манбада бу зоти шариф 89 йил, иккінчи манбада эса 82 йил умр күрган дейилади) қирқ йил таҳсил күришни, қирқ йил саёхатда булишни ва ана шундан кейин, агар Оллоқ таоло умр берса, қирқ йил ижод қилишни күнглига туғиб олган экан. Шу үринде Шарқ донишмандларидан бирининг фикрини келтиришни жоиз деб биламиз: «Оллоқ таоло бандасини яратында ақәл-заковатдан қисмаган бұлса, у умрининг охиригача ҳам шундай фазилат зөгаси бұлиб қолаберади. Ақәл озаймайды, балки у вакт ўтган сайин ҳадасавий ўсиш (янын замонавий ибора билан айттанда, геометрик прогрессия) йұналишида ошиб бора беради». Юртбошимизнинг тобора кенг қулоч ёзаётган серқирра ва самарали фаолияти, шу жумладан, жорий йилдаги фаолияти бу фикрга ёрқын далилдір. Унинг ўзи ҳам бу ҳолни «Инсон баҳт учун туғилади» номлы ҳикматли сүзлардан иборат китобида эътироф этиб, жумладан, бундай дейди: «Илму фан шундай бир соҳаки, қаріб қолиши, кексайиш, сафдан чиқиб қолиши каби ҳолаттар унинг табиатига бегонадір».

Миллат маънавиятида унинг ўзлиги күзга яққол ташланади.

Маънавияти кучли миллатни тұла енгіб бұлмайды. Халқымиз ўтган асрнинг учинчи бұлагидан бошлаб сиёсий тұтқунликка учраган бұлса-да, унинг ўзлигини қадимий бой маънавияти сақлаб қолди. Маънавиятимиз халқимизнинг асл фарзандларини ҳамиша озодликка, миллий мустақиллікка чорлаб, рухлантириб келди. Эзгу тилагимиз бундан саккиз йил аввал Президент Ислом Каримов етакчилигіда ушалганида ҳам маънавиятимиз таянч бұлды. Йұлбошчимиз томонидан маънавият ва маърифат масалаларига катта аҳамият бериләтганининг боиси ҳам ана шунда.

Халқымиз маънавият бобида бундан саккиз йил аввалғи халқ әмас, десак, янглишмаймиз. Маънавий жиҳатдан анча бойидик: ягона миллатта мансублик түйгумиз, бирлигимиз, жипслигимиз кучайди, халқимизнинг маърифий, маданий савиғаси ошди, фүқароларимизда Ватан түйгуси, Ватан қайғуси кучайди, жағон ҳамжамияти олдода тенглар ичіда тент бұлиб, мустақил яшауша лаё-

қатли эканимизни амалда намоён қила билдик. Бир сүз билан айтганда, маънавий юксалдик. Шу нуқтаи назардан қарасак, Ислом Каримовнинг «Маънавий юксалиш йўлида» номли янги китобини маънавий юксалиш кўзгуси дейиш мумкин.

Бу китобни ўзига хос тарих, маърифат, маънавият қомуси десак янгишмаймиз. Унда истиқдол йилларида тарих, маърифат, маънавият ва маданият соҳаларида эришилган муваффақиятларнинг назарий асослари ва амалий ифодалари ўз аксини топган. Бу билан айтмоқчимиизки, «Маънавий юксалиш йўлида» китоби ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлиб, ҳали кўп йиллар давомида дастур бўлиб хизмат этажак.

Фуқаролар ишончи! Фуқаролар ишончини қозониш — Йўлбошчимиз томонидан ўртага қўйилган янги тушунча ва янги талаб. Ана шу ишонч қанчалик ортиб борса, ҳалқ билан давлат шунчалик кучли жисплашади. Юртбошчимиз бу борада шундай деди: «*Маърифатли дунёда «фуқаролар давлати» деб гапирилмайди. «Фуқаролар жамияти» дейлади. Давлат бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятида давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларнинг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимиға киради.*

*Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмогимиз лозим... Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларнинг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат. Америкада бунга жуда яқин келиб қолинган. У ерда ижтимоий гуруҳларнинг манфаати билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур».*

Президентимизнинг фуқаролик жамияти қуриш йўлида бундай жонбозлик кўрсатишига боис шуки, турли нуқтаи назар ва турли манфаатга эга бўлган кишиларнинг кутилмаган холосалари истиқбол учун муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда янги партия ва жамоат ташкилотлари тузила бораётганининг сабаби ҳам мана шунда. Бош мақсад тобора фуқаролик жамиятига яқинлашишдир.

Маълумки, тўпламлар ҳам ҳар хил бўлади. Турли йилларда ёзилган мақола, рисола ва асарларни йиғиб, бир муқова остида жам қилиб, шунчаки катта нашрни

кўзлаб тузилган тўпламларга ҳам кўзимиз тушиб туради. «Маънавий юксалиш йўлида» китоби эса умумий ягона мавзудаги, бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ, бирини иккинчиси тўлдирувчи ва бойитувчи асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар — фармон ва қарорлардан иборат, ички боғланишга эга ўзига хос тўпламлиги билан ажралиб туради. У маънавият, маърифат ва тарих соҳалари билан шуғулланувчи мутахассислари учун илмий изланишларида муҳим, асл манба бўлиб хизмат этади. Бу борада 1991—1998 унутилмас саналар солномаси китобга илова қилингани янада қулайлик яратади.

Китобда келажакни олдиндан кўра билишлик, башорат қилишлик каби фазилатлар мавжуд. Масалан, шу йилнинг августида тузилган Республика «Маънавият ва маърифат» кенгашини олиб кўрайлик. Бундай ташкилот тузиш foяси Йўлбошчимиз томонидан бундан 4 ярим йил аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида — «Халқ қадрини англаш» асарида илгари сурилган эди: «Қадрли депутатлар! Маънавий ва маданий-маърифий ишлар билан боғишқ давлат сиёсати сизларнинг диққат-эътиборингизда бўлиши керак». Эндиликда бу кўрсатма воқеликка айланди — «Маънавият ва маърифат» кенгаши тузилиши муносабати билан маънавий ва маданий-маърифий ишларга раҳбарлик қилиш давлат сиёсати экани амалда тасдиқланди.

Ёки бўлмаса ўсиб келаётган ёш авлодга муносабат масаласини олиб кўрайлик. Йўлбошчимиз бу борада шундай деган эди: «*Масъул паллада ўз тақдирини ишончили, билимли ва гайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз баҳтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ба аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади... Маънавиятимизга эришишимиз, янги жамият қуришишимиз, сиёсатда ҳам, иқтисадда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдирни ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ*».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшлар камолотига, улар ўзларини тўла намоён қилишларига барча шарт-шароит яратиб берилмоқда, зўр ишонч билдирилмоқда. Мазкур тўпламда ёшлар мавзусига доир асарлар, ҳужжатлар муносиб ўрин олган. Демак, бу китоб ёшларнинг ҳам доимий йўлдоши бўлса арзиди.

Хуллас, «Маънавий юксалиш йўлида» тўплами сак-

киз йиллик маънавий юксалишимиз кўзгуси, инсоннинг такомил йўлини ёритувчи дастурий асарлардан биридир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида ниҳоятда олижаноб мақсадларга қаратилган шундай сатрлар бор: «*Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, баҳт-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунча туришини истаймиз».*

Кишилик тарихи — бу жаҳон халқлари курраи заминимизда тузган маданий давлатлар тарихи ҳамdir. Ҳар бир давлатнинг туб мақсади ўзини тузган халқнинг Ер юзида сақланиб қолишини, бардавом яшashi ва дунё тургунча туришини, фуқароларнинг тинч-омон умр кечиришини, мамлакатнинг обод ва фаровон бўла боришини, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини узлуксиз таъминлашдан иборатdir. Бунинг учун давлат бошлиғи ва аркони давлатнинг сиёсий ҳушёrlиги ва узоқни кўра олиш салоҳияти, шундан келиб чиққан ҳолда мамлакат раиятини ҳушёrlикка чорлаб туриши ва шу руҳда тарбиялаш борасида чора ва тадбирлар кўриши зарур.

Ўзбек давлатчилиги босиб ўтган йўл курсаталики, салоҳиятли давлат арбобларимиз масалага сиёсий ҳушёrlик билан қараб, ўзлари тузган давлатларнинг пойдор булиши учун, халқимизнинг равнақ, топиши учун қайтурганлар. Қайта тикланган янги ўзбек давлатининг асосчиси Ислом Каримов мамлакатимизга бошчилик қила бошлаган дастлабки кунларданоқ бу масалага ҳам жiddий эътибор бериб, уни ҳамиша дикқат марказида тутиб келмоқда. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шу масалага маҳсус тўхталиб, республикамиз ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини бу борада амалга оширилиши зарур бўлган жiddий ва долзарб вазифаларга қаратган эди.

Шундан бери орадан икки йилча вақт ўtdи. Ҳаёт янги муаммолар ва масалаларни кун тартибига қўйди. Буларни замона тақозо этаётган янги талаблар асосида ҳал этиш зарурати туғилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини ана шу китобининг мантиқий давоми, унинг шу кун-

даги янги саҳифалари, хушёрикка яна бир бор даъвати дейиш мумкин.

Президентимиз бу жавобларида жамоатчилик эътиборини, энг аввало, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳәётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолганига қаратади.

Бизким, ўзбеклар мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш фояларини очиқ-ойдин баён этганимиз. Ўтган саккиз йил мобайнида қийинчилик ва тўсиқларга қарамасдан, таңлаган йўлниг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машаққатли ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

Кейинги саккиз-үн йил ичida давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирида мурракаб синовлар бўлди, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб ўтди, энг муҳими, жамиятимиз ҳәтида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечди ва кечмоқда. Бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмомиз керак. Бу — Президентимиз томонидан зиммамизга кўйилаётган янги топшириқлардан яна биридан: «Агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, — деди Президент, — уларнинг қадрига етмасак, ўз хушёrlигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайкарай-сезмай қолишсимиз мумкин». Бунинг асосий чораси ҳамиша сергак турмоқдир.

Жамоатчиликка маълумки, Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида мазкур масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратди. «Булардан биринчиси, — де-

ди у, — мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст күчлар бўлиб, улар Ислом дини ҳалқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайташига уринмоқдалар». Бу фикрнинг чинлигини кейинги пайтларда юз берган, иродаси бўш айрим кимсалар, айниқса, ақлан ва руҳан ҳали суюги қотиб улгурмаган баъзи ёшлар томонидан содир этилган ҳодисалар ҳам исботлаб турибди.

Иккинчи хавф-хатар Президентимиз уқтириб ўтганидек: «Бизнинг мустақил ўйлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир». Чет эллик айрим муҳолифларимиз орасида муқаддас Ислом дини ҳеч қачон сиёсатдан ҳоли бўлмаган, балки ҳақиқий сиёсатнинг ўзиdir, деган ақидани илгари сурувчилар ҳам бор. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Ислом — бошқа, сиёсат — бир бошқа нарса. Ислом — Оллоҳ таоло нозил этган дин. Сиёсат эса унинг бандалари томонидан юритиладиган амалиёт. Сиёсатлар ҳам, сиёсатчилар ҳам кўп ёки оз бўлишлари мумкин. Ислом дини эса ягона. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда мўъмин-мусулмонларнинг турли фирмаларга бўлиниб кетишлари мақбул эмаслиги қайта-қайта уқтириб ўтилган. Бас, шундай экан, муқаддас Ислом динини сиёсатга тенглаштириш, диндан сиёсий ўйинларда фойдаланиш — хато. Бундай ўйинлар мамлакатимиз ичкарисида бўладими, ташқарисида бўладими, уни ҳушёрлик билан дарҳол илғаб олиб, тегишлиchorасини қуришимиз, пуч ғояга қарши ҳақиқий ғоя билан курашишимиз керак. Ҳаёт — ғоялар драмаси. Нотинч ва рақобатли замонамизда ҳамиша ҳушёр бўла бориш — дунё тургунча туриш омилларидан бири. Йўлбошчимиз Ҳушёрликка даъватининг моҳияти ана шунда.

Ҳалқимиз Президентимизни Йўлбошчи деб билмоқда ва қадрламоқда. Бутун тараққийпарвар инсоният, жаҳоннинг атоқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари ҳам яқдиллик билан шундай фикрни билдириб, эътироф этмоқдалар. Бир мисол.

Бугунги кунда Америка Кўшма Штатлари — дунёдаги энг тараққий этган, сиёсий майдонда нуфузи баланд давлат. Шундай бир буюк мамлакатнинг Президенти Билл Клинтоннинг Ўзбекистон Президентига йўл-

лаган бу мактуби барча қатори бир ёзувчи ва фуқаро сифатида бизнинг ҳам ифтихор туйғуларимизни жўш урдириб юборди:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига! НАТОнинг 50 йилиги танталари муносабати билан ўтказилган саммит ҳамда Ҳамкорлик бўйича Евро-Атлантика кенгаши учрашуви пайтида менга ҳаммаслак бўлганингиз учун Сизга миннатдорчиллик изҳор этмоқчиман. Биз саммитда эришилган ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш ҳамда ҳамкор мамлакатлар ва иттифоқ ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги натижалар билан фаҳрланишга ҳақлимиз. Бизнинг кенгашдаги ҳамда Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга ошираётган ишишимиз барқарор ва хавфсиз Евро-Атлантика Ҳамкорлигини бунёд этишга ёрдам бермоқда. Биз ҳамкорлик ва мулоқот умумий қадрият ва мақсадларимизга кўмаклашишига ишонганимиз учун ҳам ҳамкор ва дўст бўлишга аҳд қилинмиз.

Келинг, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя этилаётган Тинчлик ва равнақнинг Евро-Атлантика Зонасини биргаликда бунёд қилишда давом этайлик.

Билл КЛИНТОН, Америка Кўшима Штатлари Президенти».

Дунёнинг энг тарақкий этган, жаҳон сиёсат майдонида нуфузи юксак давлатнинг бошлиғи самарали ҳамкорлик учун самимий миннатдорчиллик изҳор этиб, келинг, бундан буёғига ҳам Тинчлик ва равнақ йўлида бирга бўлайлик, деб зўр иззат-хурмат кўрсатиб, комил ишонч билдириб турганида, биз, Ўзбекистон фуқаролари, биринчи галда мамлакатимиз ҳамда халқимиз тақдирли ва келажаги учун масъул бўлган зиёлилар ўзимиз яқдиллик билан сайлаган Президентимизни жаҳон эътироф этган юксак даражада чин юракдан қўллаб-куватлаб, фаолиятимизни ҳам шунга мувофиқ тарзда кучайтиришимиз, унинг атрофида уюшиб, метинде бирлашишимиз зарурдир. Бу мустақилликни мустаҳкамлашдаги бош омиллардан биридир.

Тарих учун саккиз йил катта муддат эмас. Лекин, холисона айтадиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнинда ҳаётимиз анча ўзгарди. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин охирги — XV сессиясидаги маъруzasида Президент Ислом Каримов босиб ўтган ўйлимизга таъриф бериб, жумладан, бундай дели: «Бугун ўтган даврни кўз ўнгимиздан ўтказиб сар-

ҳисоб қиласар эканмиз, аввало, барчамизни шу кунларга етказган, эзгу ниятларимизни амалга оширишда, рүёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлган Яратганимизга мингминг шукроналар, ҳамду санолар айтишимиш лозим.

Ўтган давр мобайнида улуғ ва ягона мақсад учун — Ватанимиз келажаги, эртанги ёруғ кунимиз, турмушимизни фароғон, юртимизни обод қилиш, хақаро майдонда ўзимизга муносаб обрӯ-эътибор топиш, Узбекистонни улуглаш, ўзбек номини бугун жаҳонга тараннум этиш йўлида сиз ҳалқ ноиблари билан бирга баҳамжиҳат иш олиб бордик».

Юргбошимиз мазкур маърузасида кунглидаги гапларини ҳам айтди. Биз Йўлбошчимизнинг изҳори дили билан китобимизнинг ушбу бобини хulosалашга жазм қилдик: «Мен умрбод она ҳалқим билан бирга, унинг ҳурматига мусассар булганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни баҳтли ҳисоблайман.

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етим-есиirlарга ёрдам берган, одамларнинг оғирини енгил қилган инсон ўзини баҳтиёр санашга албатта ҳақлидир.

Аммо тарихнинг бурилиш нуқтасида, улуғ бир миллатни ноҳақ таҳқиқир ва хўрлиқдан асраш, унинг ўзлигини англаб, қадди-қоматини кўтариб, мағрур яшашга даъват этиш, буюк мэрраларга чорлаш, содда қилиб айтганда, озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва истиқлол йўлига бошлиш — ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Менинг пешонамга ана шундай тақдир, ана шундай қисмат битган экан. Мен бу қисматни ўзим учун ҳам баҳт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, ҳалқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминида яшайдиган ҳар бир оила-нинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ».

Бинобарин, Йўлбошчимизнинг йўли — порлоқ келажакка элтувчи нурли йўл, хукуқий саодат йўлидир.

## СҮНГСҮЗ ҮРНИДА

### ЕХУД

#### МУАЛЛИФНИНГ УМИДЛАРИ ВА ЭЪТИРОФИ

Кузатишларимизга қараганда, китобнинг энг аввал ва энг кўп ўқиладиган ерлари — бу унинг номи, боши ёки охирида нашриёт томонидан бериладиган қисқача тавсифи, муқаддима ва холосаси (сўзбоши ва сўнгсўзи), яратилиш тарихига оид ва муаллифи ҳақидаги қисқача маълумотлар ва, албатта, унинг мундарижасидир. Маълум маънода шулардан келиб чиқиб, ушбу китоб ҳақида муйайн даражада ластлабки таассуротни ҳосил қилиш мумкин. Илк таассурот яхши бўлса, ўкувчидан китобга қизиқишни оширади, ўқиб чиқишига ундиади. Шунинг учун ҳам буларни ёзиши ўта машаққатли ва сердиққат иш.

Рамзий қилиб айтганда, Сўзбоши азиз меҳмонни самимий кутиб олиш бўлса, Сўнгсўз эса у билан илиқ хайрлашувдир. Лекин ҳамма гап «меҳмондорчилик»нинг қандай утганида, яъни китобнинг савияси ва мазмунидадир. Агар «меҳмондорчилик» (мутолаа) яхши ва за вқали үтган бўлса, меҳмон (китобхон) мезбон (муаллиф)дан бир умр мамнун ва миннатдордир, яна шу мезбонникида меҳмон бўлиб юрсан дейди. Биз ушбу китобимиз туфайли шундай мезбон булишни **умид қиласмиз**.

Ушбу китобимиз ўтмиш тарихимиз, биринчи галда давлатларимиз, давлатчилигимиз, давлатчилигимиз тарихи ва унинг асослари ҳақида бўлгани учун бу нарса номидан ҳам билиниб турсин деб, тарихий асарларга хос миллий, анъанавий, китобий услубимизни билоихтиёр қўллаб, уни «Бизким, ўзбеклар...» деб агадик. Бу ном китобхонларга манзур бўлар деган **умиддамиз**.

Онгли ҳаёт бошлабмизки, айниқса, «История Российской государства» сингари китобларни, шунингдек, атрофимиздаги, узоқ ва яқин ҳудудларда яшовчи, давлатчилик тарихи бизниснинг йигирманчи-үттизинчи йилларида илк бор ўз давлатчилигига эга қилинган халқларнинг номи билан аталувчи китоблар билан танишганимизда, нима учун халқимиз номи билан аталувчи шундай китоб йўғ-а, деб ачинардик, ўкинардик, шун-

дай китобни ўқиши умид қиласдиқ. Ҳа, аввалида шундай китобнинг ўқувчиси булишни истагандик, кейин эса бора-бора бир кунмас бир кун, Оллоҳ таоло насиб қилса, шундай бир китобни ёзишга бир уриниб кўришни дилимизга тутиб қўйдик ва асқотиши мумкин бўлган материалларни ўрганиш ва йиғишга киришдик. Бунга ҳам камида қирқ йилларча бўлди, чоғи.

Бизни яна шу нарса таажжубга солар эдики, шўролар замонида шўровий тарихчиларимиз томонидан чиқарилган китоблар «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Совет даврида Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганилиши» деб аталарди, шўро маъмурияти томонидан тузилган музейлар эса «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи», «Ўзбекистон халқлари санъати музейи» деб номланарди. Буларни ўқиб ва кўриб, бизда шундай бир ҳақли саволлар туғиларди: Ўзбекистонда ўзбеклардан ташқари яна ўнлаб элатлар яшайди, уларнинг халқимиз миллий тарихига қандай алоқаси бор, нима, ўзбекларнинг ўз тарихини алоҳида олиб, «Ўзбеклар» ёки «Ўзбек халқи тарихи» китобини ёзиб бўлмайдими? Нима, бошқаларга мумкин-у, бизким, ўзбеклар учун ҳар нарсани ўз номи билан аташ мумкин эмасми? Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Президентимиз Ислом Каримов ташабуси билан «Темурийлар даври тарихи музейи»нинг бунёд этилиши бу борада бурилиш, чинакамига тарихий воқеа бўлди, илк бор миллий ўзига хосликка риоя қилинди, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ бошлаб берилди.

Тушунамиз, билиб турибмиз, Сўнгсўзни ёзаётган ушбу дамлардаёқ ғойибона сезяпмизки, мазкур китобимизда айрим мунозарали ўринлар булиши эҳтимолдан холи эмас. Буларнинг бири ва биринчиси ўзбек номининг келиб чиқиши масаласига турлича муносабат бўлса ажабмас. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ўзбек ибораси энг бошида — илк бор пайдо бўлганида от туркумидаги сўз бўлмай, сифат туркумига кирувчи сўз бўлиб, худди турк сўзининг синоними — маънодоши бўлиб, ўзига ишонувчи, мустақил фикрловчи ва иш тутувчи, ботир, мард, ёвкур, чекинмас сингари фазилатларни англатган. Шундай фазилатларга эга эр кишилар ўзбек деб олқишиланган. Олис аждодларимиз яхши ният билан ўғилларига Ўзбек деб от кўя бошланларидан бери бу сўз сифат туркумидан от туркумига кучиб ўтган ва асосан киши исмини ёки тахаллусини англатувчи сўз тарзида қўлланила бошлаган.

Тарихий шахс Ўзбекхон учун ҳам бу номи аслида тахаллус, унинг асли исми Султон Мұхаммадхон. Ҳарбий зодагонлар қурултойида эл-юртни бирлаштириш ва ободонлаштиришдаги, аскарий интизомни мустаҳкамлашдаги, уларнинг моддий таъминотини яхшилашдаги, мамлакатда Ислом динини кенг ёйишдаги ва, шунингдек, ўша даврда мавжуд бўлган кўпгина давлатлар, айниқса, қон-қариндош Миср султонлари (Жалолиддин Мангубердининг ҳалокатидан кейин айрим қариндошлари, сафдошлари, яқинлари, аскарлари Мисрга борадилар, бу мамлакатнинг ҳарбий ва сиёсий ҳаёттида кўп асрлар давомида фаол қатнашадилар, мұхим мавқени эгаллайдилар, унинг жияни, яъни укаси Ҳонсултоннинг ўғли Сайфиддин Кутуз 1259 йилдан бошлаб Миср султони ҳам бўлади) билан доимий элчилик алоқаларини ўрнатишдаги буюк хизматлари эвазига Султон Мұхаммадхонга Ўзбекхон тахаллуси — мард элнинг мард ўғлони унвони берилади, унинг қаламравида бўлган кишилар шундан бошлаб ўзларини ўзбеклар деб атай бошлайдилар. Ҳалқимизнинг шимолий қатлами шу тариқа шаклланади.

Ҳалқимизнинг асосий қатлами эса Алп Эр Тунга, Ўғузхон замонларида, улардан ҳам кўп асрлар аввал — қадим-қадим давлардан бўён Туронзамиnda тубжой ҳалқ бўлиб яшаб келмоқда. XV аср охири ва XVI аср бошларида Мұхаммад Шайбонийхон етакчилигига ҳалқимизнинг нисбатан кам сонли бўлмиш шимолий қатлами мутлоқ кўпчиликни ташкил этган марказий қатламга келиб кўшилди, бирлашиб кетди. Тақдирнинг тақозосига қарангки, оз сонли шимолий қатламнинг номи иккала қатлам учун ҳам умумий ном сифатида қабул этилди. Шу даврдан ёътиборан неча минг йиллардан бўён турк деб аталиб келинаётган ҳалқимиз ўзини ўзбек деб, Турон, Туркестон деб юритилиб келинган ватанимизнинг номи эса Ўзбекистон деб номлана бошлади. Бироқ шундан кейин ҳам турк, Турон, Туркестон номлари ўзбек, Ўзбекистон номлари билан ёнма-ён кўлланилаверди ва ҳамон бу ҳол давом этмоқда. Бунинг ҳеч бир ажабланарли, ғайритабиий жойи йўқ. Мисолларга ўтамиз.

Ер юзининг фарбий яримшарини очган Христофор Колумб бу ёқда қолиб кетиб, бу қитъага парижлик бир харитачининг айби билан ундан анча кейин шундай саёҳатни такрорлаган де Америго деган шахснинг номи бериб юборилган. Умуман эса, мамлакатлар, дав-

латларнинг шахс исмлари билан аталиши тарихда бор ҳодисадир: Сальвадор, Колумбия, Боливия, Саудия Арабистони, Иордания Ҳошимийлар давлати ва бошқалар.

Шахсан Мұхаммад Шайбонийхон, шайбонийлар ва улар тузган ва қарийб 100 йил яшаган давлатимиз хусусига келсак, мұхтарам Юртбошимиз таъкиллаб үтганидек, уларнинг фаолияти ва ўзларидан қолдириб кетгандың маданий, маърифий ва месъморий ёдгорликларга қараб баҳо бермоқ жоиздир. Шайбонийхоннинг ким бўлғанлигини, дунёқараси ва маънавий қиёфаси қандай бўлғанлигини билмоқ ва аниқламоқ учун лоақал унинг газалларини ўқимоқ лозим. Фақат ачинарли ери шундаки, шўролар даврида чоп этилган тарихий ва бадиий китобларда бу тарихий шахс ҳақида нотўғри таассурот ҳосил қилиб қўйилган эди. Энди миллый истиқлол шарофати билан ўзлигимизни танишга киришган эканмиз, шайбонийлар сулоласига доир тарихий адолат ҳам тикланади, деган умиддамиз.

Гарчи китобимизнинг бир неча бобида бу сулола ҳақида анча муфассал сўз юритган бўлсак-да, Сўнгсўзимизда бу хусусда тўхталиб ўтишмизнинг сабаби шуки, 2000 йилда Шайбонийларнинг юртимизда ҳокимият тепасига келганига 500 йил, 2001 йили эса шу сулоланинг асосчиси, шоир, олим ва уламо Шоҳбаҳт — Мұхаммад Шайбонийхон таваллуд топганига 550 йил тұлади. Бу саналарни ўзига яраша даражада нишонлаш хусусида бир ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмасди, деган умиддамиз. Зоро, мұхтарам Президентимиз кўрсатмаларига биноан, «Биз учун ёпик мавзунинг ўзи йўқ... Авваламбор, биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади».

Узбек халқи жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркӣ тилии халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқ ҳаётда кўчган халқидир. Шу тарихий ҳақиқатни ҳозиргача илмий жамоатчиликка маълум бўлиб келган, жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан аллақачон эътироф этилган ҳамда сўнгги йилларда республикамиздаги Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан олиб борилган илмий-қидириув ва илмий-текшириув ишларида кашф этилган ашёвий далиллар, ўзбек, инглиз ва бошқа тилларда ифодаланган янги маълумотларга асосланиб, масалага янгича ёндошиб, тасдиқлашга ҳаракат қилдик; булар-

нинг бари Ислом Каримовнинг «миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган» деган фикри илмий жиҳатдан тұла асосли эканини күрсатиб турибди.

Утроқлашишнинг отаси ҳам, онаси ҳам дәхқончиликдир. Шу касб туфайли одамлар ўтроқлашганлар. Халқимиз эса дәхқончиликда, айниңса сугорма дәхқончиликда устозлик даражасига күтарилган халқдир. Масалан, Хоразмда камида бундан 4 минг йил аввал сугорма дәхқончилик пайдо бўлган. Юнон тарихчиларидан Страбон, Ҳерадот, Ҳикотийлар ёзид қолдирган маълумотларга кўра хоразмликлар қадимиийликда мисрликлар билан беллашадилар.

Шўро даври тарихчилигида халқимизнинг миллий борлиғи, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлгани камситилиб, ҳаттоқи инкор этиб келинди. Айрим тарихчилар (булар орасида рус муаллифлари ҳам, ўз муаллифларимиз ҳам бор эди) Абулхайрхон томонидан 1430 йили ҳозирги Фарби-жанубий Сибир худудида (у пайтлари бу ўлка Русия томонидан забт этилмаган бўлиб, Туроннинг бир қисми ҳисобланар, туркий тилли халқ яшар, иқтим шароити ҳам бугунгидан анча мўтадилроқ эди) тузилган давлатга ўзларича «кўчманчи ўзбеклар давлати» деб атаб, шуни пеш қилган эдилар.

Ваҳоланки, худди ўша даврда бизким, ўзбекларнинг Марказий Туркистонда асосий давлати — темурийлар давлати мавжуд эди. Хоқони сайд Шоҳруҳ мирзо пойтахт Ҳиротдан туриб мамлакатимизни бошқаради, унинг ўғли ва валиаҳди Мирзо Улугбек доруссалтанат Самарқанднинг Кўксаройида бобоси Темурбекнинг тахтида муқим эди. Қолаверса, Абулхайрхон тузган давлатга нисбатан кўчманчи иборасини қўллаш мантиқа зид. Унинг пойтахти бўлган, пойтахтида давлат идоралари, жумладан, зарбхонаси бўлган, ҳозирги ибора билан айтганда валюта бирлиги — олтин ва кумуш тангалари чиқарилган, уларда ҳукмдорнинг исми ёзилган. Давлат тили туркий бўлган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Абулхайрхон давлатининг илк пойтахти Тура деган шаҳар эди. Тура деган сўз ўзбек тилида тўсик, ҳимояланиш воситаси, ҳимоя қилинган жой маъноларини билдиради. Бу давлатнинг пойтахти Тура шаҳридан Яssi шаҳрига кўчирилган ва шу даврдан эътиборан Яssi шаҳри Туркистон деб атала бошлаган.

XV асрда аждодларимизнинг бир қисми, бизнингча, миқдоран жуда озчилиги, улар ҳам бўлса, чорвадор

аҳоли күчманчи ёки ярим күчманчи турмуш кечиришда давом этган бўлиши мумкин, лекин ҳалқимизнинг мутлақ кўпчилиги Марказий Туркистонда муқим ўтроқ ҳаёт кечирар эди. Шу тарихий ҳақиқатни шўролар даврида эътироф этмаган тарихчилар эндилиқда — бундан бўёғига тан олсалар, тан олганликларини баён этсалар, жилла курса, илгаридагидек хотўри мулоҳаза юритишни тўхтатсалар яхши бўларди, деган **умиддамиз**.

Кўчманчилик ва ўтроқлик хусусида сўз боргандা бундан бўёғига кўчманчи турмуш гарзи билан қадимда юз берган ҳалқларнинг дунёнинг уч томонига — Фарб, Жануб ва Шарққа кўчишларини, XV асрнинг охиридан бошлаб бу «кучув»нинг номи ва моҳияти мустамлакачилик бўлганлиги инобатта олинади, деган **умиддамиз**. Отилахон бошчилигида ҳунну ҳалқи (аслида бир неча туркий тилли қабилалар иттифоқи)нинг бундан ўн беш асрча аввал Шарқдан Фарбга юриши ҳалқларнинг ана ўшандай буюк кўчишларидан бири бўлиб, бу юриш ҳозирги бизнинг ҳудудларимиздан минг — бир ярим минг километр шимолдан ўтган.

Ҳалқимизнинг шимолий қатламига мансуб аҳолининг тили билан марказий, жанубий қатламига мансуб аҳолининг сўзлашув тили, адабий тили, яъни ёзув тили (ёзуви ҳам, албатта) ягона бўлган. Бунга шубҳа билдирувчилар бўлса, улар Яссавий, Саройи, Шайбоний, Убайдий асарлари билан Отойи, Лутфий, Саккокий, Машраб ва бошқа шоирларимизнинг ўзбекона, туркона битилган асарларини бир-бирларига солиштириб, ўқиб чиқсалар, гумонлари тарқалиб кетар, деган **умиддамиз**.

Ўзбек миллий давлатчилигининг руҳоний асослари асосан иккитадир. Бири «Авесто» китоби, иккинчиси Куръони каримдир. Бу икки китобни ёнма-ён тилга олаётганимиз уларни тенг кўраётганимиз эмас, албатта. Куръони карим Оллоҳ томонидан ҳазрат Мұхаммад Мустафо саллоллоҳу алайхисаломга нозил қилинган ва то қиёматгача Парвардигори олам ўз ҳибзи-ҳимоятига олган, бир ҳарфи ҳам ўзгармас муқаддас китобдир. «Авесто» ҳам Оллоҳ таолонинг иродаси ила (Ер юзида ҳеч бир нарса Тангри таоло амрисиз юз бермаган ва юз бермайди ҳам) У яратган бандалари томонидан ёзилган маданий қадриятлардандир. Бу ҳақда илгари таълиф этган китоб ва мақолаларимизда йўл қўйган баъзи бирёқламаликни мазкур китобимизда тўғрилаб ўт-

дик. Бу ҳолни китобхонларимиз тұғри тушунадилар, деган умиддамиз. Чunksи киши ўзи йүл күйгән камчилигини ўжарлық қилиб тузатмай илгариги фикрига қатық ёпишиб олганидан күра күзи очиқлигіда тұғри сұзни ўзи айтгани маъқулдир. Ислом дини ҳам шундай йүл тутишни тақозо этади.

Инсон маънавий камолотининг бир омили диний эътиқодга, мусулмон Шарқи учун эса Ислом динига бориб туташади. Шу пайтгача нашр қилинган диний ва дунёвий китобларда, жумладан, Узбекистон мусулмонлари идораси томонидан чоп этилган асарларда Ислом дини Туронзамиңга араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим ва унинг аскарлари томонидан VIII асрда, 705—715 йилларда олиб келинган деган фикр баён қилинарди. Биз эса бу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилиб, Ислом дини бизнинг диёрларимизга амир Қутайба ибн Муслим келишидан 60—70 йиллар олдин, хулофой рошидон (Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абутолиб ҳазратлари хулофой рошидон, яъни тұғри йүл тутган халифалар деб аталадилар) — ҷоҳарёлар, аниқроғи, ҳазрат Умар ибн ал-Ҳаттоб халифалик қылған 634—644 йиллар оралиғида, эрқаклар орасыда биринчилардан бўлиб Ислом динини қабул қылған, ҳазрат пайғамбаримиз вафотларидан кейин халифа сайловида номзоди қўйилған олти муслимдан бири ҳисобланмиш саҳобаи киромлардан бўлмиш Саъд ибн Абу Ваққос ҳазратлари томонидан тинч йўл билан, тарғиб-ташвиқ ва шахсий ибрат кўрсатиш орқали ёйилған деган фикрни илгари сурдик ҳамда Аҳмад Яссавий қаламига мансуб ёзма ва юритмизда сақланиб қолған айрим топономик ва этнографик маълумотлар ёрдамида ёритдик.

Бу ҳақда китобнинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи бобларида анча батафсил сўз юритишимизга сабаб шуки, Ислом динининг моҳияти ва қудрати ҳам шундаки, бу динни қурол кучи, зўравонлик ёки мажбур этиш билан эмас, мантиқ, исбот кучи билан, намуна кўрсатиш йўли билан тарғиб ва ташвиқ этилади. Саъд ибн Абу Ваққос ва ул ҳазратнинг сафдошлари (саҳобалар ва тобеинлар) Туркистон мамлакатига келиб, Шош, Сайрам, Фороб ва бошқа вилоятларда мусулмончиликни тарғиб-ташвиқ қылғанларида Ислом дини ҳали мазҳабларга ажралмаган эди. Бундай ҳолат биз илгари сурәттеган фикрнинг жуда муҳим бир нуқтасидир: бизким, ўзбеклар Ислом динини ҳали бу динда мазҳабларга

ажралишлар юз бермаган пайтда қабул қилғанмиз, ҳаммамиз фақат бир мазҳабда — ҳанафия мазҳабидамиз, бу мазҳаб эса пайдо булиши даври эътибори ила Исломда энг биринч мазҳабдир, унга Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит — Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ асос солғандирлар. Ислом дини Туронга бир йўла, айни бир пайтда ёйилмаган, у ҳудудма-ҳудуд ёйила бориб, бу жараён камида уч асрча давом этган. Ислом динининг диёримизга кириб келиш вақти ва ёйилиши ҳақида биз ушбу китобда илгари сурәётган фикрни исломшунос олимларимиз ва уламоларимиз тўғри тушуниб, ўзларининг янги ёзажак асарларида янада бойитадилар, деган умиддамиз. Зоро, Оллоҳ аҳаддир, тарихий ҳақиқат биттадир.

Китобимизнинг йигирма биринчи бобида Туркистон мамлакати мусулмонлари азалдан Имом Аъзам мазҳабида булиб, намоз ва барча диний расм-руsum ҳамда маросиму маъракаларда шу мазҳабга риоя қилишлари, шу мазҳаб бўйича иш тутишлари, бошқа диний йўналишлар ва оқимларга ёт қарашлар деб муносабатда бўлишгани, янгилишлар пайтларда буюк уламоларимиз тўғри йўлни — ҳидоят йўлини кўрсатиб беришгани ҳақида батафсил фикр юритиб, бир неча тарихий мисоллар келтириб ўтган эдик. Китобнинг ушбу — хуласавий қисмида ўша мисолларга яна қайтиб, уларнинг янги қирралари ҳақида тўхталиб ўтишга қарор қилдик. Зоро, анъанавий мазҳабга тўғри муносабатда булиш, уни ёт қарашлардан ҳимоя қилиш ҳамма вақт зарур булиб келганидан бизнинг кунларда ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Мальумки, жорий диний мазҳабга қарши кураш ҳам зимдан, ҳам ошкора тарзда, ҳам ташқи ёқдан, ҳам ичдан булиши мумкин. Зимдан ва ичдан бўладиган кураш хавфлироқ бўлгани учун ҳозир мисолни ҳам худди шу хилидан келтирамиз. Шоҳруҳ мирзо 1447 йили вафот этгач, темурийлар давлатида темурий шаҳзодалар ўртасида тоҷу таҳтни эгаллаш учун ўзаро низолар авж олади, бир бутун қудратли салтанат бўлакларга булиниб, бир неча нисбатан кичик давлатлар вужудга келади. Бобур мирзонинг бобоси Султон Абу Саид мирзо кўп йиллик қаттиқ курашлардан сўнг буюк салтанати Шоҳруҳ мирзо ҳукмронлик қилған даврнинг сўнгги йилларидаги ҳудуди доирасида тиклайди. Унинг давлатчилигимиз олдидағи тарихий хизматларидан бири ҳам ҳудди шудир. Бироқ Абу Саид мирzonинг ҳукмрон-

лиги узоққа бормайды, 1469 йили жангда ҳалок булади.

Бу даврда унинг бир ўғли Султон Аҳмад мирзо Сарманда Мовароуннахр ҳукмдори сифатида, яна бир ўғли Султон Маҳмуд мирзо Файзободда Ҳисори Шодмон ва Бадаҳшон ҳукмдори сифатида, бошқа бир ўғли Умаршайх мирзо Ахсикентда Фарғона ҳукмдори сифатида оталини номидан иш юритар эдилар. Салтанатнинг асосий пойтахти — Ҳирот эгасиз қолади. 16-17 ёшидан бошлаб тожу тахтга даъвогар бўлиб келаётган темурий шаҳзодалардан бири Султон Ҳусайн Бойқаро ўша йили 31 ёшида вужудга келган қулай вазиятдан үринли фойдаланиб Ҳирот тахтини эгаллайди ва ўзини Буюк Туркистоннинг фақат бир бўлаги — жанубий қисми бўлмиш Хурсоннинг олий ҳукмдори деб эълон қиласи, ўз олдига бутун Туркистонни Шоҳруҳ мирзо давридаги ва ҳаттоқи Абу Саид давридаги ҳудудлар доирасида бирлаштиришни мақсад қилиб қўймайди. Бунга тўсиқ бўлган ва ҳалақит берган сабаблар, ички яширин кучлар бор эди, албатта.

Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганида марҳум ҳукмдорга тегишли ҳамма нарса, жумладан, ҳарам аҳли ҳам унинг тасарруфига ўтади. Янги ҳукмдор ҳарандаги аёллардан бири бўлмиш Ҳадичабегимни ўзига канизак қилиб олади. Ҳадичабегим маккорона иш тутиб аввалига подшоҳнинг хотини — малика мақомини Қулга киритади, орадан кўп вақт ўтмай, Хурсон мамлакатининг бош маликасига айланади, Султон Ҳусайн Бойқаро фармонига кура унга маҳди улё унвони берилади. Шу тариқа, Ҳадичабегим давлатнинг ички ва ташки сиёсатида муҳим рол ўйнай бошлайди. Давлатчилик нуқтаи назаридан унинг давлат ишларига аралашиши мутлақо зарарли эди.

Ҳадичабегим шиаликнинг ўта мутаассиб оқимларидан бири бўлмиш рофизия мазҳабининг вакиласи эди, бу ҳақда Бобур «Бобурнома» асарида ҳам жуда афсуланиб ёзди. Бутун эл-юрт, барча ҳалойиқ И мом Аъзам мазҳабига риоя қилган бир шароитда мамлакатнинг олий ҳукмдорига энг яқин кишилардан бири ўзга мазҳабда булиши ўта хавфли эди. Бу хавф ўз натижаларини кўрсата бошлайди. Султон Ҳусайн Бойқаро бутун Туркистонни бирлаштиришга ҳаракат қилмайди, давлатчилик, мамлакатнинг бир бутунлиги нуқтаи назардан бу иш катта аҳамиятга молик бўлар эди, ваҳоланки, Султон Ҳусайн Бойқаро жасорат, тажриба бо-

бida, салоҳият бобида бу ишга қодир бўла олур эди. Хадичабегим ўгай ўғиллари бўлмиш Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ва Умаршайх мирзоларга зимдан ён босиб, Султон Ҳусайн Бойқарога таъсирини ўтказиб, уни бу кутлуғ йўлдан олиб қолади. Бу биринчидан.

Иккинчидан, Хадичабегим таъсирига берилиб, Султон Ҳусайн Бойқаро бутун ҳалойик ўртасида кенг жорий бўлган аҳли сунна валжамоат йўналиши (Ином Аъзам мазҳаби шу йўналишдаги мазҳаблардан бири ва асосийси, энг кенг тарқалгани ҳисобланади) ўрнига на моздаги хутбаларда ўн икки имомнинг исмларини кўшиб ўқитмоқчи бўлганида, яъни шия мазҳабига майл билдирганида, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳазратлари уни бу йўлдан қайтариб қолганликларини юқорида айтиб ўтган эдик.

Бироқ шундан кейин ҳам Хадичабегим зимдан кўпорувчилик қилишда давом этган ва ҳаттоқи давлат сиёсати ишларига шунчалик аралашганки, ўз хуфиялари орқали Шайбонийхон билан алоқа боғлаб турган. Энг машъум воқеа 1497 йили юз беради. Урганч ҳокими Чин Сўфи (ўша пайтда Хоразм ўлкаси темурийларнинг Хурросон давлатига қаради) тортиқ қилиб юборган бир гўзал қизни Хадичабегим Ҳусайн Бойқарога рўпара қилиб, уни маишатга муккасидан кетказиб, қаттиқ мастлик ҳолатида солиҳ фарзанд, комил набира, Алишер Навоийнинг чуқур эътимод қўйган истеъдоли шогирди бўлмиш, энди 11 баҳорни кўрган Мўмин миrzони камон ипига тортиб ўлдириш ҳақидаги фармони олийга муҳр босдириб олишга эришади.

Маккораликни қарангки, ниятлари Мўмин миrzони камон или билан бўғиб ўлдиргач, унинг жасадини баланд қалъя девори оша ерга ташлаб юборишлик, ҳалойик қўзига ҳибсдаги шаҳзода қамоқдан қочаман деб ўзини қалъя деворидан ташлаб юбориб ҳалок бўлди, деб овоза тарқатишлик эди. Бироқ сир очилиб қолади. Мўмин миrzо занжирбанд ҳолда Ҳиротдаги Ихтиёрлиддин қалъасида маҳбусликда Куръони каримнинг «Ёсин» сурасини қироат қилиб ўтирганида бобоси Ҳусайн Бойқаронинг муҳри қўйилган ўша фармонни кўтариб хонага тўрт жаллод ярим тунда кириб келади. Фаросатли темурий шаҳзода вазиятни дарҳол фаҳмлайди. Бобоси фармонини ўзи ўқиб кўришини, муҳрини ўзи аниқлашни амирона талаб қилади. Жаллодлар бунга розилик билдиришади. Мўмин миrzо «Бобом муҳ-

ри чекилган бул фармон мен учун табаррукдир» дея фармонни аввал кўзига суртади, Султон Ҳусайн Бойқаро мухрини ўпади, кейин ўқийди. Фармонда, жумладан, шундай мудҳиш сатрлар бор эди: «Нишон етиши ила пайсалга солмай Мұхаммад Мұмин мирзони камон илига тортиб, йўқлик чиллахонасига жўнатилсан». Мұмин мирзо ўлими олдидаги ҳам ўзини дадил ва мардона тутади, жаллодларга бундай дейди: «Ишингиз битгач, бобомнинг бул фармонини ўша камон ипининг бир қаричи ила боғлаб ўзларига қайтариб беринг. Бул менинг сўнгги васиятимдир. Уларга айтингки, ўз авлоди ила муросага келолмай жаллод хизматига мұхтоҳ подшоҳ салтанати узоқ чўзилмайди. Бобо, эхтиёт бўлинг! Алқасосул минал ҳақ!» Шу сўзларни айтиш асносида у ердан киshan занжирини олиб боши узра айлантиради, икки жаллодни яралайди, бироқ кучлар тенг эмасди. Қолган икки жаллод уни йиқитиб, фармонда айтилгандай камон или билан бўғиб ўлдирадилар.

Бу машъум ҳодисадан бутун Ҳирот аҳли жунбушга келади. Барча ҳалойик ҳудди Алишер Навоий каби Мұхаммад Мұмин мирзо сиймосида булажак адолатли подшоҳларини, темурийлар бобокалони Соҳибқирондек қудратли ҳукмдорни кўтар ва умид қиласар эдилар. Алишер Навоий бу фожиадан хабар топгач, «Мұмин Мирзонинг қатл этилиши темурийлар салтанати таназзуидан бир нишонадир» дея афсус-надомат чекади, қаттиқ қайғуга ботади. Ҳазратнинг бу башорати түғри бўлиб чиқади, орадан ўн йилча ўтар-ўтмас Ҳурросон мамлакати темурийлардан шайбонийлар қўлига ўтади. Буларнинг барига саройдаги маккора ва айёра Ҳадичабегимнинг пинҳона қилмишлари ҳам сабабчи эди. Сабаб факат бугина эмас эди, албатта.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўз ҳукмдорлигининг биринчи ярмида ободончилик, фаровонлик ишларига, адабиёт ва санъат, фан равнақи йулида катта ишлар қилган бўлса, кейинчалик айш-ишратга, майшатга, ич-килик ичишга муккасидан кетган эди. «Бобурнома»да ёзилишича, «Султон Ҳусайн Мирзодек улуғ подшоҳ Ҳиротдек Ислом шаҳрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўғлини уни валаддуз-зино эмас эди», яъни 14 нафар ўғлидан 3 нафари хотинларидан, қолган 11 нафари канизаклардан, Бобур ибораси билан айтганда, «кичик-кирим ғума, гунчча»лардан туғилган бўлиб, саройда бундай аёллар «бисёр эди». Бу далилларни Султон Ҳусайн Бойқародек тарихий шахсни камси-

тиш ниятида эмас, балки давлатчилигимиз нүктай назаридан тилга олиб, яна Бобур иборасини құллаб, «мундоқ хонзодадан етти-саккыз йилда бир Мұхаммад Замон мірзодан үзға осор ва аломат қолмагани» важдидан чуқур афсус билан айттымиз, холос.

Үз набирасини үз фармони ила ҳалок этган Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўлими Мұмін мірзо ўлемидан күра ҳам дахшатли юз берган экан. Мәсьум ўспирининг ўлими олдода айттан «Ал-қасосул минал ҳақ» деган нидоси тұғры бўлиб чиқади. Султон Ҳусайн Бойқаро 1506 йили пойтахтдан ташқарида — ҳарбий сафарда эканлигига бостириб келаётган кучли ғаними билан жанг қилиш хавфи кутилаётган бир қалтис дамда бешуш бўлиб қолади. Атрофдагилар унинг чуқур уйқуга кетганини билмай, ўлдига чиқариб, бу воқеани жанг арафасида душмандан ҳамда үз қүшинидан яшириб туриш мақсадида уни шошилинч равищда муваффақ қабрга тириклигича дағн этадилар. Душман ҳужуми хавфи дағъ этилгач, пойтахтга олиб кетиб шоҳона расм-руслар билан дағн қилиш мақсадида гүрни очиб күрсаларки, кафан ярим ечилган, мурданинг тирноқлари синиб-нетган, ҳамма ёқда қон доғлари ва қуйқаларি. Демак, Ҳусайн Бойқаро ҳушига келгач, ўзини димиқкан лаҳадда кафандынган ҳолда құради, гүр азобидан кутулиш, ёруғ дунёга чиқиш учун бор кучи ила интилади-ю, лекин бу салкам қирқ йил ҳукмдорлик қилган улуғ подшоҳга насиб этмайди, жон таслим қиласи. Ана ўша мудхиш дамларда ҳазрат пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг маккора ва айёра хотинларни назарда тутиб айтган «Хотин фитнадир» деган ҳадиси шарифлари унинг ёдига келган бўлса, бегуноҳ Мұмін мірзонинг ўлими олдода «Ал-қасосул минал ҳақ» деган нидоси унинг кафан билан үралган кулоқларига фойиона эшитилиб кетган бўлса ажаб эмас.

Ҳусайн Бойқарони вафотидан кейин орадан маълум муддат ўтгач, гүёки мана энди вафот этди, дея эълон қилиб, уни Ҳиротга келтириб, уни ўзи қурдирган мадрасага шоҳона расм-руслар билан дағн қиласилар. Бироқ унинг қай тахлитда ўлим шарбатини ичгани ҳалойиққа тарқалиб бўлган эди.

Гап чала қолмасин, Ҳадичабегим ҳақидаги сўзимизни охирига етказиб қўя қоламиз. Унинг ҳам ҳаёти аянчли тугайди. Тақвоси кучли, шариатга қаттиқ амал қилгувчи Мұхаммад Шайбонийхон Ҳиротни олгач, мархум Ҳусайн Бойқародан қолган ҳарам аҳлини, оталари

вафотидан кейин шерикчилик (!) асосида ҳукмдорлик қилиб келган, ғанимдан пойтахтни ҳимоя этолмай, жон ширинлик қилиб, қочиб қолган Бадиuzzамон мирзо ва Музаффар мирзога тегишли ҳарам аҳлларини тарқатиб юборишни буоради, ахлоқсизларга тегишли жазо беришни топширади, маънавият ишларини түгри йўлга солиш вазифаси ҳиротлик соҳиби девон шоир мавлоно Биноий зиммасига тушади. Ҳиротдек Ислом шаҳрида фиску фужуру фасодни авж олдириб келган Ҳадичабегимни, олтмишлардан ошиб қолган, пардоз-андози туфайли анча ёш қўринган бу сатанг аёлни түядек барзанги Шоҳ Мансур бахши қуттаргучига никоҳлаб берадилар.

Хусайн Бойқаро ва Ҳадичабегим сўнгги кунлари ҳақидаги бу мудҳиш воқеаларни ҳар ким қилмишига яраша жазо олади, деган нақлни эслатиш учунгина келтираёттанимиз йўқ. Үтмишимиз фақат нурли саҳифалардангина иборат эмас, кечмишимиз силлиққина кечавермаган, айниқса, сарой ҳаётида фиску фужурлар, фитналар ҳам булиб турган, тоҷу таҳт учун ота болага, бола отага, оға ўз инисига ғанимлик қилиб, то қон тўкишларгача қўл урганлар. Бундай хунрезликлар тарих томонидан ҳамиша қораланиб келганини таъкиллаб утятмиз, холос. Ҳурматли китобхонларимиз бизни худди шундай ниятда, яъни тарихдан сабоқ олишга даъват этувчи сифатида тушунадилар, деган умиддамиз.

Эътиқодда событик ҳамма учун, айниқса, давлат кишилари учун муҳимдир. Китобда Бобур мирзо ёшлиқ қилибми, тажрибасизлик қилибми, адашиб, шиаликнинг ашаддий тарафдори ва тарғиботчиси булмиш Исмоил Сафавийнинг талабига ундан ҳарбий ёрдам олиш илинжида розилик бергани туфайли уша замондаги мовароуннаҳрлик мусулмонлар назаридан қолганини эслаб үтишимиз, унинг шаънига доғ тушириш мақсадида эмаслигини ҳурматли китобхонларимиз, айниқса, шоир Бобурнинг муҳлислари түгри тушуниб етадилар, деган умиддамиз. Буюк шоир Бобурнинг ўзи ҳам бу хатосини «Не юзқаролик бўлдики, ўз юртим қолиб, Ҳинд сори юзландим» деб эътироф этган. Дарҳақиқат, эътиқодда муқим туриш ва барқарор булиш ҳамма учун бирдек хислат бўлса, давлат кишилари учун эса ижтимоий аҳамиятга молик фазилат ҳамдир.

Ҳурматли Юртбошимиз томонидан «Элчи ўз ҳалқининг юзи, ўз давлатининг кўзи» деб дипломатия соҳаси ходимларига берилган бу таърифни биз мумтоз таъриф

деб атагимиз келади. Дипломатия соҳаси ва дипломатлар ҳақидаги биз кўздан кечирган илмий ва бадиий китобларда худди шундай лўнда ва ўта маънодор таърифни учратмаган эдик. Бу таърифда элчиликнинг моҳияти очиб берилган. Шунингдек, унда элчининг қандай бўлиши ҳақида кўрсатма, қандай юмушни бажариши кераклиги тўғрисида йўл-йўриқ ҳам бор. Умуман эса, бу таърифнинг қамрови кенг бўлиб, дипломатия соҳасида ишлаётганлардан ташқари шу соҳа бўйича мутахассис бўлиш учун ўқиётган талабаю толибаларгача, хизмат сафари билан чет элларга қатнаб турувчиларга ҳам, савдо-сотик, тижорат кишилари учун ҳам, оддий сайёхлардан тортиб муборак ҳаж ва умра зиёратига борувчилар учун ҳам муайян даражада дахлдордир. Чунки мамлакатимиз фуқаролари қанча муддатга ва қандай юмуш билан чет элларга чиқмасинлар, ўзларининг юксак маънавиятлари билан ўрнак бўлишлари, ҳар бир хатти-ҳаракатларию хориждаги фаолиятларида давлатимизнинг манфаатини кўзлашлари мақбул ва манзурдир. Шу ҳолни назарда тутиб, ўз элчихоналаримизда, ваколатхоналаримизда, тегишли ташкилот ва муассасаларда, жумладан, дипломатия ва халқаро муносабатлар олий ўқув юртида ушбу таърифдан шиор сифатида фойдаланилса, мақбул бўларди, деган умиддамиз. Шу ўринда бир шингилгина тарихий чекиниши қилишимизга зарурат туғилиб қолди.

Тарихи чекиниши. Ушбу китобимизнинг тўққизинчи бобида баён этилганидек, 1998 йилнинг 21 августида Президент Ислом Каримов республикамизниң фавқулодда ва муҳтор элчилари, дипломатия корпусининг масъул ходимлари билан ўтказган учрашуви мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди, десак муболага эмас. Чунки бундай воқеа ўзбек миллий давлатчилиги тарихида ҳам биринчи марта юз бериши эди. Ўша куни оқшомда «Ойна жаҳон»нинг «Ахборот» дастурида мазкур учрашув ҳақидаги лавҳа кўрсатилди, бундай кўрсатувни эфирга узатиш Ўзбекистон телевидениеси тарихида ҳам илк марта содир бўлди. Уни кўрганлар кўриб қолди, кўрмаганлар армонда қолди. Эртаси куни матбуотда чиққан ушбу учрашув ҳақидаги ихчам материаллар мазкур учрашув тўғрисида тўлиқ таассурот беролмасди, албатта... Шунда биз хотира кувватимизга суюниб иш тутдик, телевизор орқали эшигтганларимизни вақтниғанимат билиб, дарҳол қофозга тушириб қўйишга кириш-

дик. Эслаб қолиш лаёқати — хотирани берган Оллоҳ таолога шукроналар билдирик, ҳамду санолар айтдиқ ва албатта, бизни хотирали қилиб тарбиялаган, эндиликда мархум ва мархума ота-онамизни хотирлаб қўйдик.

Куни кечагидек эсимизда (бу гапларни ёш китобхонларга тарихдан бир сабоқ бўлар, деган умид билан эслаяпмиз), уч яшар бола эдик. Отамиз бизга жажжиғина хром (гарчи ҳам бор эли) этикча олиб келдилар. Уйимизда бирам байрам бўлиб кетдики, узоққа чўзиладиган байрам бўлиб кетди. Уйимизга ким меҳмон бўлиб келмасин, ҳали кўрпачага ўтириб улгурмасида-ноқ, этикчамизни кўз-кўз қиласардик, сўрамаслариданоқ «адамла опкелдила» деб мақтанардик, «шаҳдам» қадам босиб гарчини эшигтирадик. Ана шундай қувончли дамларда ота-онамизнинг меҳрилари янада ийиб кетиб, бизни бағриларига маҳкам босар эдилар.

Лекин бу қувноқ ва осуда турмушимизга кўз тегди. Отам — эндинигина ўттиз баҳорни кўрган навқирон йигит Абдусамад Иброҳимов 1944 йилнинг авжи ўрик пишиги маҳалида Иккинчи жаҳон урушига жўнаб кетди, уч нафар гўдак зурриёдини уй бекаси бўлмиш онам — Офтоб ойим Миролим қизи паноҳига, онамизни эса Оллоҳ таоло паноҳига қолдириб кетди. Дастлабки кезларда отамиздан Тошкентга хатлар келиб турган, сўнгти хат 1945 йилнинг кўкламида ўрик гули маҳалида (онам шундай дердилар) келган экан. Табиийки, биз бу хатлар билан орадан йиллар ўтгач, мактабга қатнаб, хат-саводимиз чиққач, танишганмиз ва отамиздан хотира ёдгорлик сифатида сақлаб келмоқдамиз. Ҳаммаси окопларда, блиндажларда шошилинч ва нокулай шароитларда лотинча алифбога асосланган илгариги ёзувимизда сарғимтир тусли шаҳироқ қофоз парчаларига «химический» қалам билан (учи ҳўллаб ёзилса, худди сиёҳда ёзилгандек қуюқ ва ўчмас из қолдирадиган қаламнинг бир тури) битилган; конвертлар уч бурчакли бўлиб, қўлбола қилиб ясалган, ундаги манзилни кўрсатувчи ёзувлар эса, албатта, кирил ҳарфларида битилган, «половая почта» деган белгиси ҳам бор.

Отамиздан 1945 йилнинг кўкламида келган хатдан кейин бошқа дарак бўлмади. Онам кутдилар. Балоғат ёшига етгач, биз отамиз изларини қидиришга тушидик. Ҳаттоқи урушда бедарак кетганлар билан шуғулланувчи, Подстам шаҳрида жойлашган Бош идорагача мурожаат қилиб кўрдик. Ҳар гал бир хилда жавоб олдик:

«оддий аскар Абдусамад Иброҳимов Шарқий Пруссия-даги оғир жангларда бедарак кетган». Онам янада садоқат ва ишонч билан кутишда давом этдилар. Бу орада «Үртала шунча йиллар утди, Абдусамад акамизга ғойибона жаноза ўқитиб, аза очиб, расм-русумини қилиб қўйсак, савоб бўлармиди» дегувчилар ҳам булди. Онам қўнмадилар: «Мен тирик эканман, болаларимнинг отаси мен учун тирик, руҳи тирик, ёди тирик, хотираси тирик. Қачонки мен бандаликни бажо келтирсан, ана ўшанда менинг жанозамдан олдин (шариат бўйича аввал эркак кишининг жанозаси ўқилади) болаларимнинг отасига ғойибона жаноза ўқитинглар, бу менинг сизларга васиятим. Биз иккимизга бағишли-надиган расм-русумлар ҳам бир пайтда бошланиб, бир пайтда тугайди».

Йигирма саккиз ёшида уч тўдак билан бева қолган онамиз отамизни эллик тўрт йил садоқат билан кутиб, саксон икки ёшда вафот этдилар. Васиятлари адо этилди, отамизга ҳам, онамизга ҳам бир кунда — 1998 йилдаги Курбон ҳайитида тумонат одам иштирокида жаноза ўқилди. Онамнинг жанозалари ҳайит кунига тўғри келиб қолганини дағн маросимида қатнашган ва кейинчалик эшитган кишилар яхшиликка йўйидилар: «Онангиз яхши ўлим топдилар, жаннати бўлиб кетдилар» деб юпатдилар. Онамиз отамизнинг хотираларини сира унутмай, бу дунёдан пок сақлаб ўтганликлари туфайли шундай шарафга эришган бўлсалар ажаб эмас.

Дағн этиш маросимини ўтказиш муносабати билан онамизнинг камтарин бисотлари сақлангучи эски сандик очиб кўрилганда, отамиздан мерос бўлиб қолган нимдошгина тўн, қийиқча, тошкентча қизил духоба дўппи, буларнинг ёнида эса янги беқасам тўн, янги шоҳи белбоғ, янги чуст дўппи ва яна... этикча — эллик олти йиллик тарихга эга ўша хром этикча чиқди. Бу воқеадан кейин одамлар ўз яқинларига совға-салом қилиб туришлари мақбулдир, деган мазмундаги Ҳадиси шарифнинг маъносига чуқурроқ англаб етгандек бўлдик. Самимият билан қилинган совға унутилмас хотира бўлар экан. Хотира эса кишининг умрбоқий маънавий бойликларидан бири бўлиб, уни эслаганингиз сайин қувваи ҳофизангиз — ёдлаш қобилиятингиз тобора кучайиб борар экан. Мана шу оддий ҳақиқатни эслатиш учун мазкур тарихий чекинишни қилдик. Буни хурматли китобхонларимиз тўғри тушунадилар, бизни мисолни ўз ўтмишидан келтиришиликда айбламасалар

керак, деган **умиддамиз**. Чунки китоб ҳам, уни ёзган муаллиф ҳам муайян даражада ижтимоий ҳолисадир. Биз юқорида келтирилган тарихий чекинишни муаллиф сифатида қувваи ҳофизамизнинг шакланишида муҳим ўрин тутгани учун, бу нарса бизга умр бўйи, жумладан, ушбу китобни ёзишимизда асқотгани учун ҳикоя қилиб ўтдик.

Биз мұхтарам Юргбошимизнинг тарихчи олимлар билан ўтказган учрашувларини мароқ билан куриб, тинглаб хотирамизда сақлаб қолдик. Бу сұхбат бизни шу китобни ёзишга **руҳлантирган** бўлса, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарлари бизни **хужжатлантириди**, яъни руҳни сұхбатдан олдик, сўзни — мисолларни асардан келтирдик, китобимида шу икки нарса уйғунлашди. Образли қилиб айтганда, бу ҳолни шунга қиёс этиш мумкин: сұхбат бирор мақомни шахсан тинглаш бўлса, у ҳақда ўқиши эса ўша мақомнинг қофозга туширилган нотаси билан танишишдир.

Хотирии замонавий компьютерга қиёс этгимиз келади. Хотираси мустаҳкам, аниқ ва тиниқ одамнинг — қувваи ҳофизаси кучли одамнинг шахсий компьютери доимо ўзи билан бирга юради, вужудида бўлади. Қувваи ҳофизаси кучли бўлишлик тарихчи учун жуда зарурдир. Уни болалиқдан шакллантириш ва кучайтира бориш омилларидан бири ўшлиқдан шеър ёдлаш машқидир. Навоий бобомиз 5 яшарликларида 50 минг байт — 100 минг мисра шеърни ёд билганликларини бир эслайлик. Ёки бўлмаса И мом ал-Бухорий ҳазратлари 600 минг ҳадиси шарифни тўплаб, шулардан 300 мингини ажратиб олиб, булардан 100 мингини ўз китобларига киритиб, булардан ҳам 7 мингдан ортигини саралаб олиб, «Саҳийхул Бухорий»ни тузганлар. Халқ иходи то ёзув пайдо бўлгунча минг-минг йиллар давомида хотиравий шаклда оғиздан-оғизга, аждоддан авлодга ўтиб, сақланниб келган. Ўтмиш тарихимизни тўлақонли қилиб яратища турли асотирлар, афсоналар, ривоятлар, ҳикоятлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки буларда ҳам халқимиз хотираси муайян даражада ўз ифодасини топган. Хотирада эса гап кўп.

Ёлғон сўзламаган одам ўзгаларни ҳам ростгўй деб билади. Лафзизда турмайдиган кимсани бебурд деб ҳисоблаб, ундейлардан ҳазар қилади. Халқимизда лафзизлик, бебурдлик, субутсизлик азалдан қаттиқ қоралаб келинган. Бундай иллатли кимсалар ва ёлғончилар гувоҳликка ўтишдан маҳрум қилинганлар. Гувоҳликка яра-

мушда учратган кишилар уйғотган ва қолдирган таас-  
суротлар, бошидан үтказган воқеа-ҳодисалар билан ҳар  
хил бўлиб вужудга келади. Бироқ ҳаммамиз ҳам ҳақи-  
қат олдида қиласиз таъзим. Шунга мажбурмиз. Ҳақи-  
қат — бу, онгда ўрнашган, қалба мухрланган ва қофозга  
тушган тўғри тарихдир.

Чукур мамнуният ва самимият билан эътироф эта-  
мизки, агар ҳурматли Юртбошимиз тарихчи олимлар  
билан ошкора сұхбат қурмаганида, бу сұхбат телевиде-  
ние орқали курсатилмаганда, у киши «Тарихий хотира-  
сиз келажак йўқ» демаганида эди, балки бу китоб яра-  
тилмасди, жила курса, айни шу замонда, нисбатан  
қисқа бир давр ичиде ёзилмаслиги, ёзилганда ҳам, худ-  
ди шундай тарзда ва ҳажмда дунёга келмаслиги мум-  
кин эди. Кейинчалик эса бу китоб ёзилармиди, ёзил-  
масмиди — у ёғи ёлғиз Оллоҳ таолога аён, умр вафо  
қиладими, вафо қилмайдими, бу ёғи бандасига но-  
маълум — қазою қадар ҳамиша ҳозиру нозир. Ҳеч кимга  
бу дунё боғлаб берилмаган. Шояд, умид қиласизки,  
Алишер Навоий айтганларидек,

*Бу гулшан иҷраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от.*

Оллоҳ таоло ҳукми — Тарих ҳукми ва, аксинча,  
Тарих ҳукми — Оллоҳ ҳукми, сўнгти ҳукм. Бу ҳукм  
шундай адолатлики, яхшилик қилган киши шунга яра-  
ша ажрини топади — мукофотланади, ёмонлик қилган  
киши шунга яраша жабрини тортади — жазога муста-  
хиқ бўлади. Бунда ҳеч қандай шикоятга ўрин йўқ. Та-  
рих ҳукмидан ҳеч ким қочиб қутуломмаган, қочиб қу-  
тулолмайди ҳам. Шунинг учун Тарихни муқаддас соҳа,  
Тарихчиликни шарафли юмуш дейдилар.

Чукур мушоҳада қилиб кўрилса, эътироф этмоқлик  
самимиятдан келиб чиқади. Демак, бу эътирофимиз  
эҳтиром ва ташаккуримиз ҳамдир.

## МУНДАРИЖА

Тарихнинг муҳаббатли талқини. <i>Иброҳим Faфуроғ</i> . . . . .	5
Сўзбоши урнида . . . . .	7
БИРИНЧИ ФАСЛ	
Бириинчи боб	
Кўчманчи турмуш ва ўтроқ ҳаёт . . . . .	10
Иккинчи боб	
Тарихий ва ҳозирги қўшниларимиз . . . . .	21
Учинчи боб	
Маърифат ва маънавият учоқлари . . . . .	26
Туртинчи боб	
Давлатимизни юз йил бошқарган судола . . . . .	29
Бешинчи боб	
Олтин узукка ёқут кўз . . . . .	47
Олтинчи боб	
Турк ва туркий атамалари ҳақида . . . . .	55
Еттинчи боб	
Ўзбекнинг этник таркиби . . . . .	58
Саккизинчи боб	
Шарафиддин Али Яздийнинг бир шогирди . . . . .	66
Тўққизинчи боб	
Ўзбек дипломатияси ёки рамзий ишоралар . . . . .	78
Ўнинчи боб	
Буюк ташаббус ва буюк қайтиш . . . . .	83
Ўн бириинчи боб	
Тарих — халқнинг таржимаи ҳоли . . . . .	100

<b>ИККИНЧИ ФАСЛ</b>	
<b>Үн иккинчи боб</b>	
Тарих, давлатчилик ва маънавият . . . . .	104
<b>Үн учинчи боб</b>	
Файрииимийликка илмий жавоб . . . . .	114
<b>Үн тўртинчи боб</b>	
Нажот илму урфон ва истиқлолда . . . . .	123
<b>Үн бешинчи боб</b>	
Тамаддунимиз негизлари . . . . .	136
<b>Үн олтинчи боб</b>	
Руҳоний асослар . . . . .	148
<b>Үн еттинчи боб</b>	
Саъд ибн Абу Ваққос ва Аҳмад Яссавий . . . . .	154
<b>Үн саккизинчи боб</b>	
Ўтпарастлик ва ислом . . . . .	158
<b>Үн тўққизинчи боб</b>	
Шарафли иш . . . . .	160
<b>Йигирманчи боб</b>	
Исломдаги йўналишлар, мазҳаблар ва давлат . . . . .	162
<b>Йигирма биринчи боб</b>	
Давлат нима? . . . . .	167
<b>Йигирма иккинчи боб</b>	
Инсон ва давлат муносабатлари . . . . .	173
<b>Йигирма учинчи боб</b>	
Миллий масъулият ва фуқаролик масъулияти . . . . .	177
<b>Йигирма тўртинчи боб</b>	
Миллий давлатчилигимиз таянчлари . . . . .	180

<b>УЧИНЧИ ФАСЛ</b>	
<b>Йигирма бешинчи боб</b>	
Мафкура ёки яна бир янги ташаббус . . . . .	205
<b>Йигирма олтинчи боб</b>	
Муштараклик ва ўзига хослик . . . . .	223
<b>Йигирма еттинчи боб</b>	
Сезигирликка чорловчи саволлар . . . . .	257
<b>ТҮРТИНЧИ ФАСЛ</b>	
<b>Йигирма саккизинчи боб</b>	
Тарих — курол . . . . .	265
<b>Йигирма тўққизинчи боб</b>	
Тарих, тарихшунослик ва тарихчи . . . . .	277
<b>БЕШИНЧИ ФАСЛ</b>	
<b>Ўттизинчи боб</b>	
Ислом Каримов — янги ўзбек давлатининг асосчиси, давлатчи- лигимиз тарихи яратилишининг ташаббускори ва тарифиот- чиши . . . . .	320
Сўнгсўз ўрнида ёхуд муаллифнинг умидлари ва эътирофи . . . . .	377

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**

**БИЗКИМ, ЎЗБЕКЛАР...**

*Миллий давлатчиликимиз асослари ҳақида мулоҳазалар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳтирияти  
Тошкент—1999

Муҳаррир *Б. Эшпӯлатов*  
Мусаввир *В. Куліков*  
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Л. Ҳижрова*  
Саҳифаловчи *М. Атҳамова*  
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Ж. Тоирова*

Босмахонага берилди 22.07.99. Босишга рухсат этилди 21.09.99.  
Бичими 84x108 ¼. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоби 21,0. Нашриёт-хисоб табоби 21.98. Адади 10.000 нусха.  
Буюртма № 4378. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кӯчаси, 41.

сум